1997 йил 27 декабрда Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик идора раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий ҳамда республика журналистлари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги ташаббусни БМТ Хавфсизлик кенгаши, ЕХҲТ, Европа парламенти қўллаб-қувватлаганини, бу уларнинг кейинги қарорларида ўз ифодасини топганини қайд этди. Шунингдек, 1998 йил 28 августда БМТ Хавфсизлик кенгашида афғон можаросини янги сиёсий йўл билан ҳал этиш принципларини белгиловчи резолюция қабул қилинган. Шу йилнинг 21 сентябрида БМТ Котибияти биносида Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил топган «6+2» гуруҳи – Хитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Туркманистон, Тожикистон ҳамда АҚШ ва Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирларининг олий даражадаги биринчи учрашуви бўлиб ўтган ва Авғонистондаги бир-бири билан курашаётган

гуруҳ вакилларини бирлаштириш, мажорони тинч йўл билан ҳал этиш учун томонлар ўртасида ўзаро музокараларни бошлаш талаб этилган**[9, Б.147].** Бунда Марказий Осиё давлатлари чегарадош сиёсий нотинч бўлган Авғонистон давлатидаги вазият минтақавий хавфсизликка таҳдид солганлиги сабаб ҳамкорликда чора-тадбирлар амалга ошираётганлигини англатади. Юртимизда 2018 йилнинг 26–27 март кунлари Тошкентда Афғонистон масаласи бўйича АҚШ ва Евроосиё давлатлари иштирокидаги халқаро анжуманда Ўзбекистон ва Афғонистон давлатининг қўшма ташаббуси қатор давлатлар, жумладан, Хитой, Россия ва АҚШ қўллаб-қувватлаган ва бу ташаббус 2019 йил 19 январда БМТ Хавфсизлик кенгашининг Афғонистон ва Марказий Осиё бўйича ўтган йиғилишида эълон қилинганлигини таъкидлаш жоиз. Шуни инобатга олган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 октябрь куни Сочи шаҳридаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқидида“Ўзбекистон Россия, Марказий Осиё мамлакатлари ва МДҲнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал қилишда кўмаклашишга тайёрлигини билдиради”**[5,Б.331]** дея маълум қилган. Бундан ҳам билишимиз мумкинки, Марказий Осиё давлатлари бу муаммони ҳал этиш орқалигина, хавфсизликни барқарор таъминлаш мумкинлигини билдиради.

Евроосиё давлатларининг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш фаолиятидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилаётган асосий ташкилот сифатида “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти”ни айтишимиз мумкин. Чунки, ушбу ташкилотга аъзо бўлган Евроосиё давлатларини ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш учун хизмат қилиб келаётган бир қанча ҳалқаро шартнома ва ҳужжатларни келтиришимиз мумкин. Ўтган йиллар мобайнида ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасига аъзо давлатлар томонидан бир қатор келишув ва шартномалар имзоланди. Буларга «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ШҲТга аъзо давлатларнинг ҳамкорликконцепцияси», «ШҲТга аъзо давлатларнинг 2010–2012 йилларгамўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қаршикурашиш дастури», «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмфаолиятини аниқлаш ҳамда давлатнинг ичига кириб борувчиканалларни бартараф қилишда ҳамкорлик тўғрисидаги келишув»,«ШҲТ аксилтеррор ташкилий бўлимлари учун кадрлар тайёрлаштўғрисидаги келишув» ва бошқаларни келтириш жоиздир**[3,Б.147]**.Бу каби келишувлар орқали Евроосиё давлатлари терроризм ва экстремизмга қарши курашиш борасидаги фаолиятида ижобий натижаларга эришиши ва хавфсизни таъминлашини айтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, “Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва

ҳурмат муҳитини яратишга эришдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди”**[10]** дея таъкидланган.

Юртбошимиз БМТ минбарида тўриб сўзлаган нутқида бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш жумладан, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида самарали ҳамкорлик олиб борилаётганини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал аксилтеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилаётганини эътироф этган. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда“Кучларни бирлаштириш зарур бўлган асосий йўналишлардан яна бири – терроризм хавфига қарши кураш, деб ҳисоблаймиз. Биз ушбу масалалар бўйича икки минтақа вакиллари иштирокида махсус учрашувини ташкил этишга тайёрмиз ва бу масалани Марказий Осиёда глобал терроризмга қарши кураш стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинганининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказиладиган халқаро конференция доирасида белгиланишини таклиф қиламан”**[6]** дея таъкидлашидан билишимиз мумкинки, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ажралмас минтақавий бирлик ва ҳамкорлигининг юқорилигидан бу жабҳада ишлар давомли самарали олиб борилаётганлигидан далолат беради.

2004 йил 17–18 октябрда Тожикистон давлати маркази Душанбеда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти ташаббуси билан экстремистик ва террорчи ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш бўйича келишиб олинган.

Бундан ташқари, Қирғизистонда ШҲТга аъзо мамлакатлар чегара кучлари экспертлари йиғилишида «Ваҳдат – 2018» чегара хавфсизлигига оид махсус амалиёти масаласи ва ШҲТга аъзо мамлакатлар 2019–2021 йиллардаги ҳамжиҳатликка оид махсус чегара амалиётини ўтказишни режалаштириш юзасидан фикр алмашилганлигини, 2019 йилнинг 10-11 октябр кунлари Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида МДҲ давлатлари ўртасида 2020-2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган. Шу йилнинг сўнгида Европа иттифоқининг ташаббуси билан мамлакатимизда бўлиб ўтган «Жайрон» ҳарбий ўқув - машғулоти ўтказилган бўлиб, унда террорчиларнинг кимёвий ва биологик воситалардан фойдаланган ҳолда таҳдиди юзага келган тақдирда тинчликпарвар кучлар томонидан уларни қандай зарарсизлантириш масалалари бўйича томонлар ўзаро фикр алмашилганлиги таъкидлашимиз жоиз**[2]**. Бундан билишимиз мумкинки, террорчилик ҳуружлари бўлган тақдирда давлатларнинг кучлари томонидан

мавжуд вазиятда тўғри ҳаракатланиш ва кам талофат билан терорчи гуруҳларни қўлга олиш кўникмасини шакллантиради.

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилнинг ноябрь ойида Самарқандда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. Анжуман ҳужжатлари натижасида БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июндаги ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинди. Бу Марказий Осиё регионида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон бошлаб берган улуғвор ишнинг халқаро миқёсдаги эътирофи эди**[1, Б.1-4]**.

Шу қатори Евроосиё давлатлари МДҲга аъзо давлатлар (РФ, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон,Туркманистон, Озарбайжон, Молдова), бир қанча ривожланган(Туркия, ГФР, Италия, Австрия, ХХР, Ҳиндистон, Покистон,Чехия, Болгария) давлатлар билан терроризмга қарши курашбўйича келишувларга эга бўлиб, имзоланган норматив ҳужжатлар доирасида терроризм ва экстремизмга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Терроризм балоси ҳозирги кунда ҳам нафақат Евроосиёга балки бутун дунёга хавф соладиган долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди, унга қарши курашишда барча давлатлар ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш орқали унинг турли кўринишларига қарши курашда ижобий натижаларга эришиши мумкиндир.

МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР / ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES

1. Камол Муҳаммад Ёқуб. Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар. Мақола. Адолат кучи газетаси. 2019 йил №8-сон. 1-4 бет
2. Мақсудов Д. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг аҳамияти. Мақола. https://religions.uz/news/detail?id=1544
3. Матлюбов Б.А. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 147 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Ҳалқаро хотин қизлар” байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. Постда газетаси, 2018 йил, 10 март. 1-4 бет.
5. Мирзиёев Ш. М. Ҳалқимизни розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир асари./ 2-жилд. Тошкент;- Ўзбекистон. 2018-йил. 331-бет.
6. Мирзиёев Ш.М. Марказий ва “Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. 2021 йил 16 июль. ttps://strategy.uz/index.php?news=1341
7. Ҳалқ сўзи. 1999 йил 19 февраль. № 35 (2073) сон. 1-3 бет.
8. Рахматова Д.Ж. Геосиёсий рақобат шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш концепциялари./ Монография.-Тошкент, 2021 йил 70-71-бет.
9. Сашми Али. Конференция «6+2» в Ташкенте // Амударья. – 1999. – №3. 147-бет.
10. Саидов А. Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини таъминлаш. Мақола. https://parliament.gov.uz/uz/events/other/37250/

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА

Р.М. ХОЛМУРОДОВ, Д.Р. ХОЛМУРОДОВ, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация: Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида тиббиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиш тарихи ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *тиббиёт, ҳамкорлик, илмий тадқиқот, тажриба, коронавирус.*

Аннотация: В статье освещена история сотрудничества Республики Узбекистан и Российской Федерации в области медицины за годы независимости.

Ключевые слова: *медицина, сотрудничество, научное работа, опыть, коронавирус.*

Annotation: The article highlights the history of cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation in the field of medicine over the years of independence.

Keywords: *medicine, cooperation, scientific work, experience, coronavirus.*

Маълумки, тиббиёт соҳасидаги рус шифокор олимлари XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек халқи табобат соҳасининг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган эди.

Одамзод ўзининг ҳаёти давомида фарзанд кўриш, уни тарбиялаб вояга етказиш, кишилик тараққиётининг қайси босқичида бўлмасин, инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланган. Шу билан бирга инсон ҳаётида турмуш тарзида хавф – хатарли томонлари ҳам бўлган. Шулардан бири турли юқумли касалликлар мавжудлиги бўлган. Инсон боласининг гўдаклигидан бошлаб турли касалликларга чалиниши ҳолатлари бўлиб келган. Бу касалликларнинг энг хавфлилари чечак, сариқ, бўғма безгак, қизамиқ, ичбуруғ каби касалликлар мавжуд бўлган. Бу касалликлар туфайли қанчадан қанча ёш гўдаклар нобуд бўлишган. Вабо ва тиф касалликлари ёшу, катта-кичикнинг касалланишига олиб келган ва ёстиғини қуритишга сабаб бўлган. Аҳоли ҳаёти давомида бу юқумли касалликларга қарши доимий равишда кураш олиб боришган. Лекин бу касалликларни олдини олишга, даволашга баъзан ожизлик қилиб қолишган.

Россия империяси Ўрта Осиёни забт этганидан кейин ўлка аҳолисига медицина соҳасида ёрдам бера бошлади. Бу даврда аҳоли тиббий ёрдам олиш учун асосан табибларга мурожаат қилишган. Табиблар аҳолини даволаш учун Шарқ табобати анъаналаридан кенг фойдаланишган.

Ўрта Осиё халқларига тиббий ёрдам кўрсатиш учун биринчи марта 1883 йилда замонавий амбулатория Туркистонда очилди[1]. Шундан

кейинги йилларда деярли бундай амбулаториялар барча шаҳар ва туманларда очила бошлади.

Айниқса рус врачлари ёрдамидан қишлоқ аҳолиси айниқса, аёллар камдан кам ўта зарур ҳолатдагина медицина хизматидан фойдаланишган. Мисол учун врач Т.А.Колосовани маълумотига қараганда, Тошкент уездидаги Туркий амбулаториясида тиш докторига даволанишга келган аёлларнинг кўпчилиги юзини очишга рози бўлишмаган. Докторлар ноилождан аёлларнинг юзларидаги чимматни фақат оғиз ўрнини кесиб, даволашга мажбур бўлишган. Бу ҳолатдан келиб чиқиб, кўпчилик жойдаги амбулаторияларда эркак врачлар билан бир қаторда аёл врачларни жалб қилиш ҳолатлари тезлаштирилган. Лекин кўпинча баъзи жойларга аёл врачлар етишмаган.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг тропик об-ҳавоси айрим юқумли касалликларнинг ривожланишига имкон яратган. Мисол учун, фақатгина Сирдарё вилоятида 1898 йили безгак касаллигидан 30 минг киши ҳаётдан кўз юмган[2]. Рус шифокорлари юқумли касалликларнинг олдини олишда, даволашда даво чораларини топишда ўзбек халқига яқиндан ёрдам берган эдилар. Улар орасида Я.М.Финкельштейн, К.О.Рейнгардт, Н.И.Шохор, А.П.Шишов, В.Л.Якимов[3] лар лейшманозга қарши, А.П.Федченко безгакка қарши муваффақиятли кураш олиб бордилар[4]. Н.И.Ходукин эса паразитология ва вирусология соҳаси ривожига катта ҳисса қўшиб, бу соҳада юртимизда 10 фан доктори, 29 фан номзоди тайёрланган эди[5].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Россия Федерацияси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўртасидаги тиббиёт соҳасида ўзаро келишув доирасидаги тадбирлар Россияда, Ўзбекистонда ҳам ўтказиладиган турли қурултойлар, анжуманлар ва семинарларда иштирок этиш йўли билан тиббиёт фани соҳасидаги тиббиёт олимлари ва мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш масаласига катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Давлат санитар-эпидимиологик назорати органлари ўртасида инфекцион касалланиш ҳолати, эпидемиологик вазият ва ўта хавфли ва карантин касалланишлар прогнози тўғрисидаги маъумлотлар билан алмашиш тизими бўйича алоқа ўрнатилган. Профилактик тадбирларнинг ўтказилиши, соғлиқ учун хавфли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ, озиқ-овқатдан заҳарланишларнинг ҳамма ҳодисалари бўйича иккала томон бир-бирини хабардор қилади, аҳолининг санитар-эпидимиологик фаровонлигини таъминлаш соҳасида санитар нормалар ва қоидалар, гигиеник нормативлар билан тизимли алоқалар ўрнатилган.

2004 йил 11 март Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов Оқсаройда Россиянинг Москвадаги А.Бакулев номли Юрак қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори Лео Бокерияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг жарроҳлик соҳасида фаолият

юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашган[6]. Лео Бокерия 10 март куни академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказида меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси бўлган, туғма юрак хасталигига чалинган икки боланинг ўта мураккаб жарроҳлик операциясини амалга оширган эди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Роспотребнадзор ўртасида тропик касалликлар ва инфекцион касалланишлар билан курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум 2011 йил апрелда имзоланган. Ушбу меморандум доирасида 12 эпидимиолог мутахассислар Москвада қисқа муддатли курсларда ўз масалаларини ошириб келдилар. 2011 йилнинг охирида Россия Федерациясининг 106 та фирма ва компаниялари 954 номдаги ўз маҳсулотларини рўйхатга олишди ва Ўзбекистондаги даволаш муассасаларида тиббий амалиётда қўллаш усчун рухсат беришди[7]. “Дори-дармон” ДАК ва унинг бўлинмалари томонидан “Фармстандарт”, “Московский эндокринный завод”, “Новосибхимфарм”, “Щелковский витаминный завод” каби рус фарм препаратлар ишлаб чиқарувчилари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган, Туберкулёзга қарши препаратларнинг полимерли модификациясини ишлаб чиқариш технологияларни ишлаб чиқиш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш учун масалалар “Ниармедик плюс” компанияси билан шартнома имзоланган[8]. Бу шартнома бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, улардан олинаётган дори-дармонлар, ўзбекистоннинг тиббиёт бўлинмаларида самарали фойдаланилмоқда. “Бином”, “Практика” тиббий адабиёт етакчи нашриётлари билан икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Россия Федерацияси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув[9] доирасида тиббиётнинг деярли барча соҳалари қамраб олган. Хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси ихтисослашган республика марказлари, фавқулодда тиббий ёрдам республика илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари, шунингдек, бошқа тиббий марказлар, республика ИТИ клиникалари мутахассислари Россиянинг етакчи тиббиёт муассасаларида мутахассислик ва қайта тайёрлашни мунтазам ўтказиб келинади: Н.В.Склифосовский номли тез ёрдам ИТИ, Москвадаги А.Н.Бакулев номли юрак-қон томирлари хирургияси илмий маркази, Санкт-Петербургдаги И.И.Джанелидзе номли тез ёрдам ИТИ, Н.Н.Бурденко номли нейрохирургия ИТИ, Новосибирск травматология ва ортопедия институтида, РТФА эндокринология марказларида, Ўзбекистонлик шифокорлар малака ошириб келишди. 2010 йилнинг 20 декабрига қадар Россиядаги тиббий муассасаларга амалиёт, семинарлар, конгресслар, қурултойлар ва бошқа илмий форумларда юқорида номлари келтирилган медицина марказларида республикадаги

тиббиёт марказларининг 104 нафари иштирок этиб келишган [10]. Коронавирус пандемиясини даволашда рус мутахассислари тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзбекистонлик шифокорларнинг ҳам беморларни даволаш давомида орттирган тажрибалари билан ҳам Россиялик шифокорлар билан ўртоқлашишди. Ҳар икки томон шифокорлари ўзларининг методларидан келиб чиқиб, касалларни биринчи, иккинчи кунида ва кейинги кунларида вирусга қарши кураш терапия ва симптомларига қарши қўлланилаётган мулоҳазалари тўғрисида тажриба алмашдилар.

Ўзбекистонда касалларни даволашда ўзига хос услублари борлигини ҳам таъкидлаб ўтишди. Ўзбекистонда коронавирусга чалинганларнинг ҳар хил ҳолатлари мавжуд. Бу касалланганлар оғир, баъзиларида эса енгил формада кечаяпди. Бундай ҳолатларда беморларни чуқур анализ қилган ҳолда даволаш муолажаларини қўллашга тўғри келишини қайд этдилар. Бундай ҳолларда Россияда қўлланилаётган горманал ва микробга қарши препаратлардан анализ қилган ва унга мувофиқ ҳолда этапма-этап фойдаланилган[11]. Россия шифокорларининг инфекцияга қарши қўллаётган мулоҳажалари ўзбек шифокорларига ҳам қўл келиши мумкинлигига таъкидлаб ўтилган.

Россия ва ўзбек шифокорлари ўртасида реператив терапея тўғрисида тажриба алмашдилар. Кўпчилик беморлар коронавирус инфекцияси даврида нафас олиш ҳолатини бузилиши билан қийин мураккаб ҳолатга тушиб қолишади. Улар шифокорларга ҳаво етишмаслиги билан мурожаат қилишади. Умуман олганда 80% беморлар енгил ёки ўрта ҳолатдаги формада касалхонага тушади. Бундай ҳолатдаги беморларга оддий ингаляция бурундан катетер ёрдамида кислород юборилади. Бундай беморлар тез тузалиб кетади.

Шундай қилиб, Россиядан келган юқори малакали шифокор олимлар, врачлар ўзларининг қимматли вақтларини аямай ўзбек олимлари ва шифокор врачлари билан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда ўз тажрибалари билан ўзаро мулоқотда бўлдилар. Бундай тажриба алмашишлар пандемияни даволашда, уни тарқалиб кетишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва бутун ўзбекистонлик шифокорлар ва ўзбек халқи номидан россиялик шифокорларга ўз миннатдорчилигини билдиришди. Улар ташрифи доирасида Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлари вакиллари билан медицина соҳасига оид ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишди. Шунингдек, тиббиёт соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда Тошкентда юқори даражадаги технология тиббиёт марказини ташкил этиш, ноёб жарроҳлик амалиётларини биргаликда ўтказиш, керакли тиббиёт воситаларини биргаликда ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришилди.

АДАБИЁТЛАР / ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES

1.Россия-Узбекистан: дорога к союзническим отношениям. – Ташкент, 2016. - С. 290. (Russia-Uzbekistan: the road to allied relations. - T. 2016. p. 290.)

2. ЎзМА.Ф.142.рўйхат.1.,сақл.бир.51.3-бет (UzMA.F.142.list.1., Saql.bir.51.3-p)

3. ЎзМА.Ф.142.рўйхат.1.,сақл.бир.51.2-бет (UzMA.F.142.list.1., Saql.bir.51.2

4. ЎзМА.Ф.142.рўйхат.1.,сақл.бир.51.5-бет(UzMA.F.142.list.1., Saql.bir.51.5-p)

5. Шодмонова С.Б. КН; личность “время” Николай Астроумов? Востоковод..., летопицец эпохи. - Т., 2017. – С.206. (Shodmonova S.B. KN; personality "time" Nikolay Astroumov? Vostokovod ..., chronicler of the era. T., 2017. C-206.)

6. Оқсаройда қабул. Халқ сўзи, 2004 йил, 12 март. (Reception at the Oqsaroy. People's Word, March 12, 2004.)

7. Тошкент ихтисослаштирилган кардиохирургия марказининг жорий архиви, материаллари асосида тайёрланди. 2019 йил декабрь.(Prepared on the basis of the current archive, materials of the Tashkent Specialized Cardiac Surgery Center. December 2019.)

8. ЎзМА.Фан технология Агентлиги жорий архиви ахбороти 6-варақ. (Information of the current archive of the Agency for Science and Technology UzMA.)

9. ЎзМА. Ф.М-7, рўйхат 1, сақл. бир. 4948. 113-114-бетлар.(O'zMA. F.M-7, list 1, save. a. 4948. Pages 113-114.)

10. ЎзМА. Фан технология Агентлигижорийархивиахбороти5-варақ.(O'zMA. Information from the current archive of the Science and Technology Agency page 5.)

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги жорий архиви. 16 сентябрь 2019 йил.(Current archive of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan. September 16, 2019.)

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги жорий архиви. 2021 йил январь. (Current archive of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan. January 2021.)

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ ТОРГОВЛИ СПЕЦИЙ И ПРЯНОСТЕЙ НА ВЕЛИКОМ ШЁЛКОВОМ ПУТИ: ИСТОРИОГРАФИЯ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ

Н.И. КАРИМОВА, преподаватель ДжГПУ, Джизак

Аннотация: Мақолада савдо тарихи тарихшунослиги бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганилганлиги маҳаллий ва ҳорижий илмий тадқиқотларга таяниб ёритилган.

Калит сўзлари: *зираворлар ва махсус таъм берувчи воситалар, Моллукка ороллари, евроцентризм, Левант йўли.*

Аннотация: В статье освещается историография истории торговли разделяя её на несколько групп, основанных на отечественных и зарубежных научных исследованиях.

Ключевые слова: *специи и пряности, Молуккские острова, евроцентризм, Левантский путь.*

Annotation: The article highlights the fact that the historiography of trade history, which is based on local and foreign scientific research, is divided into several groups.

Keywords: *spices and condiments, Moluccas, eurocentrism, Levantine Road.*

Первые упоминания зарубежных исследователей о специях и пряностях Центральной Азии относятся к трудам К.Риттера [1, С.394], Фон Рихтгофена [2, С.405]. Нужно отметить что, данные исследователи не занимались не посредственно вопросами изучения торговли специями и пряностями, а упоминают их при изучении древних и средневековых торговых дорог междуречье Амударьи и Сырдарьи.

Необходимо ответить, что, всю именующуюся зарубежную историографию по характеру концептуально - методологических подходов к изученной теме можно разделить на несколько групп:

Западная историография, которая отличалась евроценристским взглядом на вопросы древней и средневековой торговли с Востока, в том числе рассматривала торговлю специями и пряностями, с колониальных позиций [3, С. 502]. Этот подход начал меняться 60-70 годы XX века связи с объективными событиями распадом мировой колониальной системы.

Настоящее время в западной историографии превалируют концепции мультикультурализации и объективный подход к изучению данной проблемы. Например, из зарубежных ученых XX в. нужно отметить монографии А. Херманна [4, С. 21] Э. Шефера [4, С. 608], Дж. Бейкера, [4, С.484] а также монографии американских и английских ученых А.Джулиано, Ю. Лернер и Дж. Такера [5, С.392]. Торговые отношения XIV вв - вторая половина XVI века освещается в труде Ф. Бродель. В его труде встречается сведения о торговле пряностями и специями, левантийских торговых маршрутах перца и шафрана, также рассказывается о мировой экономики и торговле Востока с Средиземноморскими странами. [6, С.10-45]. В исследованиях Хелен и Уильям Байнум приводятся сведения, некий купец Джон Мильтон в 1667 рассказывает, что пряности и специи имели большое значение для Европы. Истории известно, после открытия морских путей на Восток были войны за пряности и специи, вспыхнувшие между Португалией, Испанией, Нидерландами и Великобританией. Гвоздика была популярна как на Востоке, так и на Западе. Её использовали в лечебных целях, как приправу для различных блюд и для устранения запаха изо рта. В 1602 году Голландская – Ост-Индская компания установила контроль над Моллукскими островами. Также приводится, что Центральная Азия считалась одним из центров появления и распространения специй и пряностей. В монографии констатируется что, репчатый лук был одомашнен в Центральной Азии. Лук виноградный собирали уже 3000 лет до н.э. Впервые возделывание чеснока в Центральной Азии датируется 3000 лет до. н.э. Позже чеснок был завезен кочевниками в Месопотамию и Индию. [7,С.62-63]. Восточная историография: работы данной группы представлены публикациями китайских, [8,С.319] индийский, [9,С.208] индонезийских, [10,С.116] иранских, [11,С. 6-9] и т.д. авторов .[12,С.122]

Данные работы в основном в более позднее время, чем работы, представленные в группе западной историографии, что связано с рядом объективных политических, социально – экономических причин.

Работы данной группы отличают опора на первоисточники богатый фактологический материал, более широкий выбор тематики (описание появление и распространение специй и пряностей, секреты и особенности их выращивания, специализация района по их производству, районирование, описание рынков и базаров, сухопутных и морских путей транспортировки, создания объединений купцов специализирующихся на торговле специями и пряностями.). Среди китайских исследователей – Чжан Цзи Пина и Лю Чжи Цзюаня, [13,С.160] в которых предпринята попытка обобщить как вопросы торговли специями и пряностями на Шелковом пути. Однако, эти специалисты, прежде всего, являются синологами, они уделяли больше внимания истории Великого Шелкового пути в контексте международных взаимоотношений Китая.

Русскоязычная историография: в связи с тем что, 1991 года по настоящее время российскими учёными было написано большое количество научных трудов посвященных истории с Востоком в целом и торговли специями и пряностями в частности, мы сочли нужным выделить их в отдельную группу. Работы российских авторов отличает с одной стороны разноплановость, а с другой комплексный подход к изучению данной проблемы.

В 90-е годы XX – начале XXI века в Российской Федерации был опубликован ряд специальных исследований, раскрывающих важные моменты истории Великого Шелкового пути. Среди работ можно выделить ряд публикации: к этой же группе нами отнесены работы зарубежных русскоязычных авторов Армении, Азербайджана, Грузии и т.д. Среди этих работ особо выделяется работа Э.Мурадалиевой. [14,С. 197] В своих трудах С.А.Арутюнов, Т.А.Воронина приводят сведения , что самыми обладателями точных весов считались торговцы пряностями, а не аптекари. Например; как на Востоке так и в Европе в частности во Франции до 1789 года охранение мер весов находились в руках корпорации по торговле пряностями и специями. [15,С. 289]

Однако, во всех этих исследованиях лишь отчасти затрагиваются истоки и проблемы изначального научного изучения торговли специями и пряностями на Великом Шелковом пути, фактически его открытия для науки, вопросы периодизации, важность возрождения его в конце XX – начале XXI вв. Кроме того, в этих работах практически не нашел отражения человеческий фактор при изучении торговли специями и пряностями, несмотря на то, что начиная со второй половины XIX в., в изучении появления и распространения специй и пряностей и их торговых маршрутов на Великом Шелковом пути принимали участие исследователи и специалисты разных стран. Это были люди разных национальностей,

разных вероисповеданий, приверженцы различных научных школ, с индивидуальными особенностями характера, были среди них и поборники науки, и честолюбцы, гнавшиеся за славой, – все это, безусловно, накладывало определенный отпечаток на изучение истории торговли специями и пряностями на Великом Шелковом пути. Западной Европе города обслуживали местные рынки, а Центральная Азия в международной торговле специями и пряностями обслуживала роль транзитных пунктов на караванных трасс. Товары перевозились через Центральную Азию, начиная из Китая до Леванта .[16,С.393]

Однако, во всех этих исследованиях лишь отчасти затрагиваются истоки и проблемы изначального научного изучения торговли специями и пряностями на Великом Шелковом пути, фактически его открытия для науки, вопросы периодизации, важность возрождения его в конце XX – начале XXI вв. Кроме того, в этих работах практически не нашел отражения человеческий фактор при изучении торговли специями и пряностями, несмотря на то, что начиная со второй половины XIX в., в изучении появления и распространения специй и пряностей и их торговых маршрутов на Великом Шелковом пути принимали участие исследователи и специалисты разных стран. Это были люди разных национальностей, разных вероисповеданий, приверженцы различных научных школ, с индивидуальными особенностями характера, были среди них и поборники науки, и честолюбцы, гнавшиеся за славой, – все это, безусловно, накладывало определенный отпечаток на изучение истории торговли специями и пряностями на Великом Шелковом пути.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Риттер К. Землеведение Азии.- Санкт –Петербург: Русское географическое общество, 1860.- 394. с.
2. Рихтгофен. Ф. Китай. Результаты собственных путешествий. 5 томов. 1877-1911.
3. Ухтомский.Э.Э. Путешествие на Восток его Императорского высочества государя наследника цесаревича, 1890-1891.- Санкт – Петербург : Ф.А.Брокгауза,1895.- 502.с.
4. Hermann A. Die alten Seidenstrassen zwischen China und Syrien // Quellen und Forschungen zu alten Geschichte und Geographie. – Leipzig, 1910. B. 21. – S 12 – 45 ; Его же. Die Verkehrswege zwischen China, Indian und Rom um 100. nach Chr. Geb // VFRZ – Leipzig: Universitet, 1922. – № 7. – S. 10-28; Бейкер Дж. История географических открытий и исследований. – М.: Изд-во ин. лит-ры, 1950. – 484 с.; Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинках в империи Тан / Пер. Земаля Е.В. и Лубо-Лесниченко Е.И. – М.: Наука, 1981. – 608.
5. Juliano A.A., Lerner Y.A. Monks and Merchants. Silk Road Treasures from Northwest China. – New York: Published H. Abrams, 2001. – 370 p.; Tucker Y. The Silk Road. Art and history. – London: P. Wilson Publishers, 2003. – 392 p.
6. Бродель Фернан. Пер. с французкого Юсима . М.А. Средиземное море и средиземноморский мир в эпоху Филиппа II.- Москва: Издательство Studia historica, 2003.- С. 10-45. Все.С.806.
7. Х.Байнум.У.Байнум. Выдающиеся растения, которые изменили нашу жизнь.Перевод с английского С.Бавина.- Москва : КоЛибри: Азбука – Аттикус, 2019.- С.62-63. 239с.

8. Che Muqi. The silk roud? Past and present.- Beijing : Foreign lang.press.1989.- 319.c.
9. Katharine Bailey. Vasco Da Gama: Quest for the Spice Trade England. The United Kingdom,2007.32.p.Четна Макан. Вкусная Индия – Москва: ХлебСоль, 2021.- 208.с.
10. Rifai, M.A. A revision of the genus Trichoderma. Mycological.1969 - p.116.
11. Hamid Mollazadeh, Seyyed Ahmad Emami, and Hossein HosseinzadehRazi’s Al-Hawi and saffron (Crocus sativus).2015.
12. Kostermans, A.J.G.H. A monograph of the Asiatic, Malaysian, Australian, and Pacific species of Mimosaceae, formerly included in Pithecolobium Mart.. — Djakarta, 1954. — 122.
13. Jiping Jhang. Story of the Silk Road. – Beijing: China International Press, 2005. – 176 p.; Zhijuan Liu. The Story of Silk. – Beijing: Foreign Languages Press, 2006. – 160 p.
14. Мурадалиева Э. Б.Города Кавказа на Великом Шелковом пути . - Баку : Кавказ, 2011. - 197 с.
15. Арутюнов С.А. Воронина Т.А. Традиционная пища как выражение этнического самосознания.- Москва: Наука, 2001.- С.272. Все. С.289.
16. Хансен Валери. Великий Шёлковый путь . - Чебоксары : Издательство.Центрополиграф, 2014.- С.107. Все С.393.

ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ И ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ БУХАРСКОГО ХАНСТВА С РУССКИМ ГОСУДАРСТВОМ В XVI-XVII ВВ.

У.К.МАМАРАСУЛОВ, магистрант, ДжГПУ, Джизак

Аннотация: В статье рассмотрено развитие дипломатических и торговых связей между Бухарским ханством и Российским государством.

Ключевые слова: *Россия, Бухарская ханства, дипломатические и торговые отношения, среднеазиатские купцы, торговые караваны.*

Annotation: The article highlights the information about the development of diplomatic and trade relations between the Bukhara Khanate and the Russian state.

Keywords: *Russia, Bukhara Khanate, diplomatic and trade relations, Central Asian merchants, trade caravans.*

Аннотация: Мақолада XVI-XVII асрларда Бухоро хонлиги билан рус давлати ўртасидаги дипломатик ва савдо алоқаларининг ривожланиш тарихи ёритилган.

Калит сўзлар: *Россия, Бухоро хонлиги, дипломатик ва савдо алоқалари, Ўрта Осиё савдогарлари, савдо карвонлари.*

В период правления трех ханств на территории Средней Азии в XVI-XIX веках купцы Бухары, Хивы, Ташкента, Коканда возили свои товары и вели торговлю с Индией, Ираном, Сибирью и Ногайскими ханствами. На протяжении столетий эти экономические отношения служили значительным толчком экономической жизни ханств - экономическому и культурному развитию, особенно развитию городской жизни. Рукописи и письменные памятники, связанные с деятельностью русских послов и дипломатов, играют важную роль в изучении торговых отношений Бухарского ханства, а

также всех трех ханств с соседними странами Востока. Они также оставили ценные сведения, особенно о социально-экономической и политической истории стран Востока. Например, важные сведения о Бухарском ханстве и ряде связанных с ним восточных стран нашли отражение в сведениях торговцев и русских пленников.

В памятниках русской письменности второй половины XV в. географических, исторических сведений о Средней Азии нет, хотя связи с Востоком были, о чем свидетельствуют, например, записи тверского купца Афанасия Никитина (1466 - 1472 гг.). В 1480 г. монгольское иго было свергнуто, а уже в 1483 г. был предпринят первый поход русских в Сибирь и низовья рек Иртыша и Оби. Безусловно, сношения России со среднеазиатскими ханствами имели место, но они не носили систематического характера.

В 1464 г. Иваном III было отправлено первое посольство в Герат к тимуриду Абу Сайду. Историк Абдураззак Самарканди сообщает о прибытии русского посольства в Герат, но цель посольства ему не известна. В 1490 г. в Москве побывал посол султана Хусейна Байкары Урус-Багодур. Посол прибыл с предложением «о дружбе и любви». Об этом посольстве упоминается в некоторых русских памятниках [7, с.113].

Вначале XVI в. Москва не имела достоверных сведений о Средней Азии и Индии. А после взятия при Иване IV (1530-1584 гг.) Казани (1552 г.) и Астрахани (1554 г.) устанавливаются связи среднеазиатских ханств с Россией, активизируются сношения России со Средней Азией (Хивой и Бухарой), и тем самым начинается процесс накопления знаний о ней за счет свидетельств посещавших ее русских и иностранцев.

В XVI-XVII вв. еще отсутствовали специальные историографические работы о Средней Азии, но все-таки представления России о политическом и экономическом положении Средней Азии значительно расширились за счет роста торговых взаимоотношений Европы и России со странами Востока, в том числе и Средней Азии. Ярким примером могут служить «Записки Бухарского гостя» Фазлаллаха Исфахани (начало XV в.), «Путешествие Антония Дженкинсона в Бухару» (1558-1560), перечень товаров, закупленных хивинским послом Ходжи Юсуфом в Москве (1617 г.), и др. К числу ранних источников относятся географические и картографические представления о Средней Азии. В книге «Большой чертеж», составленной еще в 1627 году и представляющей собой «драгоценный памятник русской историографической мысли начала XVII века», выдержавшей пять изданий (в 1773, 1792, 1838, 1846, 1950 гг.) [5, с.50-51]. Следует отметить, что научные данные были опубликованы несколько позже по срокам. Например, материалы русских послов и дипломатов XVI-XVIII веков публиковались в основном в XIX веке. Однако сообщения среднеазиатских ханств о торговых связях с соседними восточными государствами в основном взяты из произведений,

опубликованных в конце XVIII - начале XIX вв.

Известно, что торгово-экономические связи среднеазиатских ханств с соседними странами, как бы они ни были необходимы и важны, не открывали хороших возможностей для транзитной торговли из-за отсутствия стабильности во внутренних социально-экономических и политических отношениях. Действительно, транзитная торговля сыграла важную роль для Центральной Азии. Однако в последнее средневековье изменения мировых торговых путей, великие географические открытия, постоянные военные конфликты Ирана с Турцией и среднеазиатскими ханствами, политическая нестабильность в Средней Азии с XVI века нанёс ущерб как статуса мировой транзитный торговый центр. Поэтому, начиная с XVI века, Средняя Азия все больше и больше интересовалась торговыми отношениями с Россией. Постепенно Московское государство стало играть важную роль во внешней торговле Средней Азии. С другой стороны, возникновение и развитие капиталистических отношений на Западе привело к сближению европейских государств с восточными государствами. В частности, поездка представителя британской торговой компании А. Дженкинсона в Среднюю Азию (XVI век) была ярким доказательством этого движения. Однако для нас важно, что отчеты и данные А.Дженкинсона являются ценным материалом для истории внешнеэкономических связей Среднеазиатских ханств с Русским государством [2]. Цели и задачи путешествия А. Дженкинсона значительной степени были изучены историками. Но исследователи подошли к вопросу с точки зрения своих целей в каждом конкретном случае. Например: Ю. А. Соколов, исходя из главных целей Московской компании проникновение в Индию через торговые пути России с Востоком, писал: «Антони Дженкинсон, один из самых активных представителей компании, основал работу англичан по поиску пути проникновения в Индию через Россию» [8, с.17]. Русский ученый С. В. Жуковский так пишет о визите Дженкинсона в Бухару: «Трудно сказать, действительно ли Дженкинсон обратил на свою сторону Ивана Грозного, и позволил ли ему Иван Грозный отправиться в Среднюю Азию, чтобы нравится англичанам. Возможно, Дженкинсона использовал царь, и в 1557 году он отправил Дженкинсона послом в Бухару и Хиву в ответ на хивинские и бухарские посольские миссии, прибывшие в Москву с дарами и подарками с просьбой разрешить свободно торговать в России» [1, с.8]. Исходя из этого, можно сказать, что Дженкинсон был первым официальным послом Москвы в России, направленным в Бухару. Думаем, что второе мнение Жуковского, вероятно, близко к истине, то есть царь дал официальный ярлык английскому купцу Дженкинсону для установления торговых сношений со Средней Азией. Направление Дженкинсона в Среднюю Азию от имени России подтверждает, что Россия имела, определенный интерес к среднеазиатской торговле и подготовило почву для развития торговых отношений между Россией и Средней Азией.

В результате своих исследований историки выявили три различных способа торговли между Средней Азией и Москвой. Эти:

1) Простая торговля под названием «Повальная», которую осуществляли свободные купцы.

2) Торговля товарами шахов и ханов, и эту торговлю вели личные купцы царей и ханов, приехавшие с посольством. Товары царей и ханов налогом не облагались.

3) «Любительские поминки», это была беспошлинная торговля между царями и ханами двух стран [3, с.51]. Эти виды торговли нашли отражение даже в торговле между Бухарой и Индией. По сведениям И. Г. Низомиддинова, драгоценные камни, золото и серебро привозились в Бухару вторым и третьим способами торговли [6, с.50]. Русские товары сначала везли в Бухару, а оттуда в Индию и Иран. Русские привозили в Бухару сырые шкуры, необожженные овчины, сукна, деревянную посуду, юган, седла и другие товары. Часть этих товаров экспортировалась в Иран и Индию. В. В. Бартольд сомневался, что торговые отношения Бухарского ханства с Индией и Ираном относительно оживились в середине XVI века. Он считает, что «завоевания значительной части Центральной Азии культурно отсталыми узбеками Дашти-Кипчака должна была уменьшить ее роль в международной торговле» [4, с.186]. Торговля велась как морским путем, через Каспийское море между Астраханью и Мангышлаком, так и сухопутным, через северное побережье Каспийского моря в Хиву и Бухару. Существовал также путь через Хиву в Башкирию и дальше на Уфу и Казань.

Торговля между Средней Азией и Сибирью после подчинения последней Москве не сокращается, а усиливается, чему способствовало отсутствие на сибирских окраинах собственного производства. Главными предметами вывоза из среднеазиатских ханств были текстильные бумажные изделия, в большом количестве производившиеся ремесленниками Средней Азии. Наряду с простыми бумажными кустарными изделиями Средняя Азия вывозила в XVI-XVII вв. дорогие ткани: бархат, тонкую кисею, парчу, ковры, а также различные шелковые изделия, из прочих предметов следует отметить драгоценные камни, дорогое восточное оружие и другие редкие вещи. Из Московского государства ввозились в Среднюю Азию сукна, атласы, зеркала, меха горностаев и лисиц, выделанные кожи, серебро, панцири, а также кречеты и прочие охотничьи птицы, считавшиеся в Средней Азии большой редкостью и пользовавшиеся особенно широким спросом среди местных феодалов. Из предметов широкого потребления, кроме выделанных кож, ввозился в большом количестве так называемый щепной товар - деревянная посуда, разного сорта гвозди, пуговицы, иголки, булавки и пр. Одним из первых русских послов, доставившим значительное количество сведений о положении среднеазиатских ханств, был Иван Хохлов, посетивший в 1619 году Бухарское ханство. В дальнейшем в задачу русских посольств входит также разведка торговых путей в Индию. В это

время в Московском государстве уже наметился интерес к этой стране. В 1674 г. Бухару и Хиву посетили братья Пазухины, которые, подобно Хохлову, выкупили значительное количество русских пленных и собрали некоторые сведения о торговых путях в государство Великих моголов.

В XVII веке экономические и политические интересы Московского государства лежали в основе развития его отношений со Среднеазиатскими государствами. Русское государство стремилось развивать торговлю и освобождать русских рабов, налаживать торговые отношения между Россией и Индией, а также находить для России ближайшие и удобные торговые пути для торговли со Средней Азией с XVII века, стал посылать послов ханствам Средней Азии. Порученные задания послам, и информации которые они передавали, имели большое значение для изучения торговых отношений Средней Азии с Индией. Следует отметить, что изучение данных русских послов, направленных в Среднюю Азию в XVII веке, значительно расширяет знания об отношениях Средней Азии с Ираном. Например, большое значение имеют сведения посольства И. Хохлова, прибывшего в Бухару в 1620 г. [1, с.15]. Рассматриваемый период в Бухарском ханстве большой спрос было на металлических продукциях. Поэтому бухарские купцы охотно интересовались обретением в российских рынках металлических изделий большого объема. Среднеазиатские ханства сильно нуждались в металлах и металлических изделиях. Они привозили серьги из цветного металла, гвозди и иглы. Со стороны Российского правительства было введено ограничение вывоза металла и металлических изделий из Русского государства. В некоторых случаях это ограничение нарушалось администрациям, поскольку она не смогла, обеспечит на потребности металла Бухарского ханства. Прибивший в Москву посол Абдуллахана II просил от Царской администрации направит в Бухару мастеров по производству механических часов. Эти мастера, по его мнению, должны были научить Бухарских мастеров по производству механических часов. Исходя, из сказанного можно сделать выводы, что торговые отношение Бухарского ханства с Российской государством устраивали потребности двух стран. Российские купцы получали предметы первой необходимости, ткани бухарского производства. Бухарские купцы привозили, кожи и товары европейского производства и сами определяли торговые отношение между двумя государствами.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Алимова Р. Р. Ўрта Осиё хонликлариниг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари (XVI-XX аср бошлари рус тарихшунослиги а манбалари асосида) Тошкент-2017. С.15, 8.

2. Английские путешественники в Московском государстве в XVI век. / пер. с англ. Ю.В.Готье. - М.: ОГИЗ. 1937 год.

3. Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско - индийских торговых связях (первая половина XVI - вторая половина XVIII в.). - Ташкент. 1964. - С.51.

4. Бартольд Б.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии.

//Сочинения. Т. 5. М .: Наука, 1968. - С. 186.

5. История Узбекистана в источниках Известия путешественников, географов и ученых XVI-первой половины XIX в. /Составитель Б.В.Лунин. - Ташкент: Фан, 1988.

6. Низамутдинов И.Г. Из истории среднеазиатско - индийских отношений (IX - XVIII вв.). Ташкент: Узбекистан, 1969. - С.50.

7. Саидкулов Т. С. Очерки историографии истории народов Средней Азии Ташкент «Укитувчи» 1992 С. 113.

8. Соколов Ю.А. К вопросу о причинах провала английских устремлений в Восточную Европу, Среднюю Азию и Персию (XVI - XVII вв.) //Труды САГУ. Вып. 68. 1955.

USTRUSHONA TARIXIDA BUYUK IPAK YO‘LINING TUTGAN O‘RNI

J.O.SAIDOV, L.S. BURXONOV, JDPU, Jizzax

Annotatsiya: Ushbu maqolada Qadim Ustrushonaning Markaziy Osiyodagi sivilizatsiya va madaniyat beshiklaridan biri bo‘lib kelganligi, uning qulay geografik o‘rni va tabiati, aholining ijtimoiy-iqtisodiy xayotida Buyuk ipak yo‘lining tutgan o‘rni xususidagi muallifning fikr va mulohazalari o‘rin olgan.

Kalit so‘zlar: *Ustrushona, Nefrit yo‘li, Oltin yo‘li, Lojuvard yo‘li, Xorazm.*

Аннотация: В статье изложена мнение автора о том, что Древняя Уструшена стала одной из колыбелей цивилизации и культуры в Средней Азии, ее удобном географическом положении и природе, роли Великого шелкового пути в социально-экономической жизни население.

Ключевые слова: *Уструшона, Нефритовая дорога, Золотая дорога, Ложувардская дорога, Хорезм.*

Annotation: This article contains the author's thoughts and opinions about the fact that Ancient Ustrushona has become one of the cradles of civilization and culture in Central Asia, its convenient geographical location and nature, the role of the Great Silk Road in the socio-economic life of the population.

Keywords: *Ustrushona, Nephrit road, Golden road, Lojuvard road, Khorezm.*

Insoniyat tarixidan ma’lumki, ikki ming yillar ilgari kashf etilgan Buyuk Ipak yo‘lidan savdo karvonlari, tijoratchilar va sayyohlar, Sharqdan G‘arbga va o‘z navbatida G‘arbdan Sharqqa doimiy qatnaganlar. Qit’alararo o‘tgan, Osiyo, Afrika va Yevropa mamlakatlarini ko‘prik misoli birlashtirgan bu Buyuk yo‘l cho‘llar, dashtu sahrolar, tog‘lar, vodiylar, dengiz va ko‘llarni kesib o‘tgan, hech bir davlatga, aqida va mafkuraga bo‘ysunmagan, har xil tillarda gaplashuvchi, turli dinlarga e’tiqod qiluvchi xalqlarning o‘zaro muloqotini osonlashtirgan, madaniyatlarini bir-birlariga tanishtirgan. Ipak yo‘li yo‘nalishidan yiroqda yashagan xalqlar ham boshqa xalqlarning vositachiligi bilan uning taftidan bahramand bo‘lganlar. Xavf-xatarlarga, tasodif va tabiiy ofatlarga to‘la bo‘lgan bu yo‘l notanish odamlarni bir-birlariga yaqinlashtirgan. O‘tmishda Buyuk Ipak yo‘li paydo bo‘lgunga qadar har xil, uzun-qisqa savdo-karvon yo‘llari ham

mavjud bo‘lgan. Jumladan, Milodiy eradan avvalgi davrlarda, xususan Xan imperiyasi davrida faoliyat ko‘rsatgan Turkistonning Xo‘tan va Yorkent shaharlarini shimoliy Xitoy o‘lkalari bilan bog‘lagan savdo karvon yo‘li «Nefrit yo‘li» deb atalgan. Chunki Xo‘tan va Yorkentda qazib olinib maxsus ishlov berilgan bu yarim qimmatbaho tosh uchun Xitoyda talab juda katta bo‘lgan. [5. -B 9]. Ahamoniylar davrida ehtimol, undan ham oldinroq «Oltin yo‘li» nomi bilan ataluvchi transmintaqaviy aloqa yo‘li faoliyat ko‘rsatgan. Ushbu yo‘l tog‘li Oltoydagi oltin konlaridan boshlanib, O‘rta Osiyo orqali Hindiston va Eronga borgan, hamda qadimgi davrning katta siyosiy va strategik ahamiyatga ega yo‘llaridan hisoblangan. [1. -B 94]. Qadimgi Sharq dunyosidagi eng mashhur lojuvard konlari tog‘li Badaxshonda joylashgan bo‘lib, ushbu konlardan xom ashyo va yarim xom ashyo mahsulotlariga talab yuqori bo‘lgan. Eneolit davridan boshlab Badaxshondagi lojuvard konlaridan Markaziy Osiyoning turli hududlariga va qadimgi Sharq mamlakatlariga yetkazib berilgan qimmatbaho madan yo‘nalishi “Lojuvard yo‘li” nomi bilan butun dunyoga mashhur bo‘lgan. [6.-B.54-72]. Ammo bu yo‘llar Sharq va G‘arbni bog‘lagan mazkur yo‘lchalik katta ahamiyatga ega bo‘lmagan. Qit’alararo o‘tgan bu yo‘ldan savdogarlar va karvonlar ipak va ipakdan to‘qilgan gazlamalar, oltin, olmos, kumush kabi qimmatbaho toshlar va metallarni, qullar, kanizaklar, otlar, fillar, sherlar, ohularni, tovus, tuti, lochin kabi qushlarni, asal, shakar, g‘alla, paxta, teri va ziravorlarni, atir-upalar va dori-darmonlarni, o‘simlik va ularning urug‘lari hamda ko‘chatlarni, ilohalarning haykallari va suratlarini u yoqdan-bu yoqqa tashishgan. [4. -B 6-7]. Tarixiy manbalarning tahlilicha, Buyuk Ipak yo‘li birdaniga, tasodifan paydo bo‘lgan emas. Bu savdo karvon yo‘lining shakllanishi va boshlanishi turli davlatlardagi ma’lum shahar yoki savdo-sotiq hamda hunarmandchilik markazlari bilan bog‘liqdir. Mavjud tarixiy manbalar va zamonaviy tadqiqotchilarning yakdillik bilan tan olishlaricha, Buyuk Ipak yo‘lining rivojiga eng katta hissa qo‘shganlar bizning ajdodlarimiz hisoblanadi. Xorazm, Baqtriya, Dovon, Shosh, So‘g‘d kabi tarixiy mintaqalarda yashagan ajdodlarimiz bu savdo karvon yo‘lining yoqasida karvonsaroylar, sardobalar, hunarmandchilik ustaxonalari hamda bozorlar, rastalar, timlar qurishib savdo-sotiqning rivojiga katta hissa qo‘shganlar. Bu borada ayniqsa sug‘d savdogarlari, hunarmandlari va karvonboshilarining hissalari beqiyosdir. Chunki, qadimgi sharq va uning salmoqli qismi bo‘lgan Turon - Movarounnahr-Turkiston - O‘zbekistonda ilm-fan, san’at va madaniyat juda qadimdan shakllangan.

Darhaqiqat keyingi yillarda O‘rta Osiyo hududidagi ilk insoniyat manzilgohlari mintaqada yashovchi barcha xalqlarining ajdodlariga tegishli ekanligi, ularni birgalikda o‘rganish lozimligi kun tartibiga chiqa boshladi. Eng qadimgi davrlarga oid yangi arxeologik yodgorliklar kashf etildi, ilk sivilizatsiya markazlari o‘rganildi. Shuningdek, antik davr, o‘rta asrlar, yangi va eng yangi davrlar tarixi bo‘yicha amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlar o‘z dolzarbligi bilan ajralib turadi. Ular qatorida bugungi kunda Jizzax vohasi tarixini o‘rganish ham muhim ahamiyatga ega. Yozma manbalar va arxeologiya tadqiqotlar

natijalarining dalolat berishicha, O‘rta Osiyo, xususan O‘zbekistonning barcha ko‘hna tarixiy–madaniy vohalarida bo‘lgani kabi Jizzax vohasida ham miloddan avvalgi birinchi ming yillikning turli davrlarida shaharsozlik madaniyati shakllanish davri boshlangan. Vohaning geografik jihatdan qulay joylashuvi, Sangzor va Zominsuv daryolari, Morguzar, Turkiston tizmalaridan bosh oluvchi o‘nlab soy va buloqlar havzasida dehqonchilik va bog‘dorchilik uchun obikor va lalmikor yerlarning mo‘lligi, chorvabop tog‘oldi va dasht yaylovlarining bepoyonligi sababli voha va uning atrofida ajdodlarmizning chorvachilikka asoslangan ko‘chmanchi, ovchilikka asoslangan yarim o‘troq, yarim ko‘chmanchi, dehqonchilik, hunarmandchilikka asoslangan o‘troq hayoti ancha qadimgi, neolit davridan boshlangan. Insoniyat taraqqiyoti darajasining muayyan o‘lchov me’zoni hisoblangan shaharsozlik madaniyati va shahar hayoti boshlanishi ham eng so‘nggi arxeologik tadqiqotlar natijasiga qaraganda, Jizzax va Zomin vohalarida miloddan avvalgi II-I asrlar bilan davrlanadi [3, -B. 157]. Ta’kidlash joizki, tadqiqotlar davom ettirilsa, ushbu davriy sana yanada qadimiylashishi mumkin. Bu jarayonlarni ilmiy o‘rganish va tahlil qilish voha tarixining ko‘pgina muhim xodisalariga baho berishda, turli tarixiy davrlardagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy xayotdagi an’analarni aniqlashtirishda katta o‘rin tutadi.

Buyuk Ipak yo‘lining ahamiyati voha xalqlari iqtisodi va madaniyati, jumladan xo‘jalik madaniyatiga ijobiy ta’sir ko‘rsatgan. Eng serqatnov karvon yo‘li Bog‘dod – Tabriz – Koshon – Marv – Chorjuy – Buxoro – Samarqand – Xarakana – Dizak yo‘nalishi bo‘lib, Dizakdan so‘ng yo‘l ikkiga, hatto uchga bo‘linib ketgan va barcha holatlarda ham u Yevroosiyo dashtlari orqali, Xitoy va Uzoq Sharq mamlakatlariga olib boradigan yo‘llarni Arab va Ajam mamlakatlari bilan bog‘lagan [2. -B. 221-222]. Jizzax vohasi qadimgi Ustrushona tarkibida kirgan voha hisoblanadi. Ustrushonaning geografik qulay nuqtada joylashganligi sababli iqtisodiy yo‘nalishda qadimgi davrdan muhim o‘ringa ega bo‘lgan. Miloddan avvalgi I ming yillikning birinchi yarmida O‘rta Osiyo janubini Farg‘ona vodiysi, Toshkent vohasi va Ustrushona xududlari bilan bog‘lovchi aloqa yo‘llarining bir necha yo‘nalishlari faoliyat ko‘rsata boshladi [1. -B. 77].

Qadimgi davrda mintaqaga qo‘shni qudratli davlatlarning vujudga kelishi ushbu hududning savdo yo‘nalishlardagi mavqei oshib borishini yanada mustahkamlagan. Mil. avv. III-II asrlarda Qanqa shahri Toshket vohasidan Ustrushona va Sug‘dga olib ketuvchi muhim yo‘llar o‘tgan Sirdaryodan kechuvni hamda Sirdaryo suv yo‘lini nazorat qilib turgan. [1. -B. 117]

Tarixiy manbalar guvohlik berishicha Buyuk Ipak yo‘lidagi rivojlangan shahar Samarqandga sharqiy tomondan savdo karvonlari bir nechta yo‘nalishda Ustrushona xududi orqali o‘tgan. Ustrushona va Toshkent vohasidan Zomin va Jizzax orqali kelgan savdo yo‘li So‘g‘diyonaning poytaxti Samarqandga olib kelgan [1. -B. 119]. Nurotaga Jizzaxdan Forish orqali keluvchi yo‘llar, Nurota va Forish chegarasidagi tog‘lardagi (bu tog‘larni mahalliy aholi Qoratov yoki Qorachotov deb atashadi. – O‘.M.) uncha baland bo‘lmagan dovonlar Savrbel

dovoni va boshqalar orqali Samarqandga o‘tilgan yo‘l ham qadimgi davrdan o‘zlashtirila boshlangan. [1. -B. 119]. Manbalarga ko‘ra Ustrushona, xususan qadimgi Jizzax vohasi o‘zining obod vohalaridagi rabot va karvonsaroylari bilan mashhur bo‘lib, Sharq va G‘arbni bir-biri bilan bog‘lab turgan. Uchinchi ming yillik boshiga kelib qadimgi Buyuk Ipak yo‘lini o‘zaro manfaatli aloqalar asosida qaytadan tiklash hamda hamkorlikning yangi yo‘nalishlarini izlab topish muhim vazifaga aylandi. Bu yo‘nalishda bir qator amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan TRASEKA dasturi ishlab chiqilishi bilan bir qatorda “Evropa-Kavkaz-Osiyo” yo‘lagi orqali mintaqa davlatlari iqtisodiy sherikligining yangi mexanizmlarini ishlab chiqish, ushbu dasturlar doirasida ishtirokchi davlatlarning iqtisodiy farovonligini rivojlantirish, mamlakatlar o‘rtasidagi barcha sohalarda madaniy hamkorlik va aloqalarni mustahkamlash asosiy maqsad qilib olingan.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlashimiz mumkinki, mazkur dasturlarni amalga oshirishda Markaziy Osiyo mintaqasi xususan O‘zbekiston asosiy yo‘nalishdan birida joylashgan. O‘zbekistondan o‘tgan muhim yo‘nalishlar mamlakatdagi viloyatlarning iqtisodiy-ijtimoiy, madaniy rivojlanishi uchun alohida o‘rin tutadi. Jumladan, respublikaning Jizzax vohasi ushbu dasturlar doirasidagi aloqa va savdo yo‘nalishlarida o‘ziga xos qulay hududda joylashganligi sababli mintaqaning o‘rta asrlargacha mavjud bo‘lgan Buyuk Ipak yo‘llari tizimidagi o‘rnini tadqiq etish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qolmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘.Mavlonov Markaziy Osiyoning qadimgi yo‘llari: shakllanishi va rivojlanish bosqichlari. -Toshkent “Akademiya”, 2008

2. Ibn Xavqal “Kitob surat al-ard” Toshkent 2011.

3. Pardaev M.H. Qadimgi Jizzax voxasida o‘troq dehqonlar va ko‘chmanchi chorvadorlar madaniyati // O‘MMT №. 33. Toshkent, 2002

4. A.Berdimurodov, Sh.Indiaminova Buyuk Ipak yo‘li (Qit’alar va asrlar osha). -Toshkent, “O‘zbekiston”, 2017. – B 6-7.

5. M.Pardaev, J.G‘ofurov Markaziy Osiyo – Buyuk Ipak yo‘li tizimida (qadim va o‘rta asrlar). -Toshkent, “Lesson press”, 2021.

6. Sarianidi V.I., O Velikom Lazuritovom puti na drevnem Vostoke// Kratkie soobsheniya o dokladax i polevыx issledovaniyax instituta arxealogii. –M., 1968.

КУЛЬТУРНАЯ СФЕРА В РАМКАХ ШОС НА ПЕРСПЕКТИВНОЙ ОСНОВЕ

З.А. КАМАЛОВА, ДжПИ, Джизак

Аннотация: В статье проводится научный анализ того, что огромное значениевпоследние двадесятилетия приобрела проблема толерантности между представителями разных культур.

Ключевые слова: *ШОС, культура, проект, наука, транспорт, товары.*

Аннотация: Мақолада сўнгги йигирма йилликда турли маданият вакиллари ўртасидаги бағрикенглик муаммоси катта аҳамиятга ега бўлганлиги илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ШХТ, маданият, лойиҳа, фан, транспорт, товар.*

Annotation: The article provides a scientific analysis of the fact that the problem of tolerance between representatives of different cultures has become of great importance in the last two decades.

Keywords: *SCO, culture, project, science, transport, goods*.

На сегодняшний день гуманитарные составляющие рассматриваются государствами в качестве третьего измерения внешних политик. Это взаимодействие в области культуры, образования, спорта и туризма. В целом этот путь был направлен на развитие сотрудничества в интересах человека. Говоря о возможностях дальнейшего развития культурного взаимо действия, можно отметить, чтов целом все созданное направлено именно на перспективу. Большинство специалистов из разных стран отмечают, что данная область развивается наиболее динамично. Также современная ситуация требует пересмотра некоторых принципов, в том числе «уважения многообразия цивилизаций», который должен перейти в более высокую фазу—диалога цивилизаций. [1 С144]. Кроме того, в развитии любой области межгосударственных отношений наступает период определенного застоя, который требует ответа на вопрос, в каких направлениях двигаться дальше. И если в экономической сфере ответить на него вполне возможно, то в культурной возникает ряд сложностей. Культура призвана работать наимидж государства, на формирование его привлекательного образа за рубежом. Единственный путь оценки эффективности данного направления—это мониторинг узнаваемости страны в зарубежных государствах. Он помогает выявить некоторые пробелы вего реализации, с фокусироваться на направлениях, которые требуют более пристального внимания.[2. С 848]. Шанхайская организация сотрудничества является примером совместного объединения в составе государств, которая обладает различными культурными традициями. В 2001 году, с момента его образования, одним из главных направлений сотрудничества стало гуманитарное.В ходе встречи глав шести государств в Шанхае в 2001 г.было принято решение о проведениивстречиминистров культуры стран-участницаразработки программы культурных мероприятий. В 2002 г. состоялась первое их заседание и подписано совместное заявление [3]. В этом документе заложены юридические основы для культурногосотрудничества в рамках ШОС. Это привело к запуску механизма многостороннего взаимодействия стран-участников союза. Министры культуры высказали мнение о том, что необходимо развиваться как на многосторонней, так и на двусторонней основе. В одном из положений говорится о том, что важно расширять сотрудничества в области культуры для эффективной деятельности организации. Кроме того, было принято решение о проведении первого фестиваля культуры шести стран. Толчком для дальнейшего развития сотрудничества в культурной области стала встреча министров культуры в Астане в 2005 г. иобразование

Экспертной рабочей группы повопросам культурного взаимодействия. Основные усилия организации были направлены асохранениемногообразия культур, уважение культурных традиций и взаимное обогащение всех участников. Итогом встречи стало утверждение «Плана многостороннегокультурного сотрудничества»на ближайшие два года. Фестиваль культуры и искусства стран-участниц стал ежегодным [4]. В 2008 г. стороны утвердили очередной план культурных мероприятий и приняли Положение о фестивале искусств государств — членов ШОС. Значительная роль в выработке стратегии и направлений культурного взаимодействия отводилась Секретариату Шанхайской организации сотрудничества, в рамках которого функционирует Экспертная группа.

Наиболее значимыми и масштабными мероприятиями Шанхайской организации сотрудничества в культурной сфере стали Фестиваль искусств стран-участниц, художественный форум «Рисуем озеро Сиху» в Ханчжоу, Иссык-кульский кинофестиваль в кыргызском городе Чолпон-Ата, выставка «Дети рисуют сказки», международный музыкальный фестиваль «Мелодии Востока»[5]. Формат многих из них уже вышел за рамки Шанхайской организации сотрудничества. Активные двусторонние связи междустранами-участницами позволяют глубже познакомиться с духовным и материальным наследием народов. Широкое распространениеполучили гастроли творческих коллективов, выставки изобразительного и декоративно-прикладного искусства, конкурсы и др. Один из самых актуальных проектов, предложенных китайской стороной,—Экономический поясШелкового пути.Впрограммудействий входит такая составляющая, как усиление роли народной дипломатии, расширение прямых связей между народами стран региона. В этой связи в некоторых государствах Шанхайской организации сотрудничества, например в Таджикистане, была организована выставка «Шелковый путькультура Китая» [6]. Широкая общественность получила возможность познакомиться с историей Шелкового пути как связующего звена между Востоком и Западом.

После трёхлетней пандемической паузы, вызвавшей серьёзные нарушения торговых, экономических и производственных связей, страны и народы ШОС нуждаются в прямом общении. Древний город Самарканд – жемчужина Великого Шелкового пути – готов встретить лидеров четырнадцати стран мира с новыми прорывными предложениями и инициативами, призванными служить во благо и процветание ШОС и каждого её участника.

Подводяитог, необходимо отметить, чтокультурное иобразовательное взаимодействие в рамках Шанхайской организации сотрудничества прошло определенный путь и имеет заметные достижения. Среди нихможно выделить: наличие четко сформулированныхпринципов, которые отвечают видению роли культуры и образования в современных международных отношениях и близки всем странам- участницам; сложившаяся договорно-

правоваябаза сотрудничествав данной сфере; созданы экспертные механизмы; определены направления сотрудничества и формы реализации культурных и образовательных программ в рамках многостороннего и двустороннего формата.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.

1. Большаков В.П., Завершинский К.Ф. Своеобразие культуры Нового времени в ее развитии от Ренессанса до наших дней: Учебное пособие. Под ред. В. П. Большакова. – Великий Новгород: НовГУ имени Ярослава Мудрого, 2001.
2. Л. П. Репина. Идеи и люди: интеллектуальнаякультура Европы в Новое время. — М.: Аквилон, — 2014. — 848 с.
3. Основные этапы развития ШОС. Деловой клуб Шанхайской организации. http://infosco.biz/ru/?pageId=221 (дата обращения: 20.02.2016).
4. Концепция Университета ШОС. Казахский национальный университет им. Аль-Фараби. http://kaznu.kz/ru/3537 (дата обращения: 15.04. 2016).
5. Гуманитарное сотрудничество в рамках ШОС. МИД Российской Федерации. http://www.mid.ru/sanhajskaa-organizacia-sotrudnicestva-sos-.
6. Соглашение между правительствами государств — членов Шанхайской организации сотрудничества о сотрудничестве в области культуры от 16 августа 2007 г.Законодательство стран СНГ http://base.spinform.ru/show.

USTRUSHONANING TRANZIT SAVDO YO‘LLARI HAQIDA (NUROTA TOG‘I MISOLIDA)

N.A.DONIYOROV, JDPU, Jizzax

Annotatsiya: Ushbu maqola ko’hna Ustrushona va Nurota tog’i atrofida qadimda mavjud bo’lgan mintaqalararo va mahalliy savdo yo’llari hamda u bo’ylab joylashgan qishloqlar toponimlari xususida gap boradi.

Kalit so’zlar: *Ustrushona, Nurota, Buyuk Ipak savdo yo’li, Ilono’tdi, Qorabdol, Nakrut, Quvkalla, G‘ujumsoy.*

Аннотация: В данной статье речь идет о древних межрегиональных и местных торговых путях вокруг старой Уструшоны и горы Нурота, а также о топонимах расположенных вдоль них селений.

Ключевые слова: *Уструшона, Нурота, Великий шелковый путь, Илонатди, Карабдол, Накрут, Кувкалла, Гуджумсой.*

Annotation: This article is about the ancient interregional and local trade routes round the old Ustrushona and Nurota mountain, as well as the toponyms of the villages located along them.

Keywords: *Ustrushona, Nurota, the Silk Road, Ilonutdi, Karabdol, Nakrut, Kuvkalla, Gujumsoy.*

Qadimgi darvrlardan G‘arb va Sharqni bir-biri bilan bog‘lab turgan Buyuk Ipak yo‘lining ahamiyati Ustrushona xalqlari iqtisodi va madaniyati, jumladan xo‘jalik madaniyatiga katta ta’sir ko‘rsatgan. Ustrushona bo‘ylab o‘tuvchi Buyuk ipak yo‘lining gavjumligi tarixiy adabiyotlarda ko‘p eslatiladi. “Hudud ul- Olam” asarida yozilishicha, “Dizak oqar suv yaqinidagi uncha katta bo’lmagan shahar.

Uning yonida Marasmand degan joy bor, har yili u yerda bir marta yarmarka bo‘ladi va aytishlaricha bir kunlik savdo muomalasi 100000 dinordan oshadi” [1, B.189]. IX asrning birinchi choragida Dizakdan 1 farsax uzoqlikda, Ustrushona hukmdori Kovusning o‘g’li Haydar sa’y harakati bilan bunyod etilgan Xudaysar rabodining ovozasi uzoq ellarga qadar ma’lum bo‘lgan. Ibn Havqalning malumotiga ko‘ra “Xudaysardan yaxshiroq rabod hatto Samarqand rabodlari orasida ham yo‘qdir”. Xudaysarning ko‘rinishi shunday mahobatli bo‘lganki, hatto uni Yoqut “Movarounnhr sarhadidagi shahar” deb etirof etgan.

Nurota vohasini shu nom bilan ataluvchi tog’ shimol va g`arb tomondan o`rab turadi. Nurota tog’lari Pomir – Oloy tizmalarining shimol va g’arb tomon cho’zilgan tizmalaridir. Vohani janubdan Qoratog`- Ko`hi siyoh, Oqtog` -Ko`hi Safed va Baxiltov o’rab turadi. Nurota tog`ning eng baland cho’qqisi Hayotboshi cho`qqisi bo`lib, Zargar ham deb ataladi. Uning balandligi dengiz sathidan 2 169 metrga teng. Janubi-sharqdan Sangzor daryosidagi Ilono’tti tog` darasi Nurota tizmasini Molguzar tog’ tizmasidan ayirib turadi. Nurota tizmasining janubiy-g`arbiy tarmog`i Oqtog` hisoblanadi. Uning eng baland cho`qqisi esa Taxtko`h deb atalib, u dengiz sathidan qariyb 2000 metr balanddir[2,B.420].

Agar xaritadan qaralsa, Nurota tog` tizmasi janub tomondan shimoliy-g`arbga tomon cho`zilgan bo`lib, jug’rofik jihatdan Jizzax, Samarqand va Navoiy viloyatlari hududida joylashgan[3,B.9]. Tog` shimol tarafdan Haydarko`l, yoki Aydarko`lga, shimoliy g`arbdan Qizilqum cho`llariga tutashgan. Nurota tog`ining g`arbiy qismi tekislik, sharqiy qismi esa Nurota vohasi orqali Oqtog`, Qoratog` va shu orqali Qo`ytosh tog`lari(G’allarol)ga tutashib ketadi[4,B.80]. Tog`ning har ikki tarafida kattaligi jihatdan mamlakatimizning eng yirik G`allaorol, Forish (Jizzax v.), Qo`shrabot (Samarqand v.), Xatirchi hamda Nurota(Navoiy v.) tumanlari joylashgan. Birgina Forish tumanining umumiy yer maydoni 9,81 ming kvadrat kilometr bo`lib hududining kattaligi jihatdan salkam ayrim(Andijon va Sirdaryo) viloyatlar hududi yig’indisiga teng keladi[5,B.48-56]. Nurota tog’ tizmasi o’zining joylashish xususiyatiga ko’ra karvon yo’llari faol kesib o’tadigan uzunligi 200 kilometga yaqin chiziq hisoblanadi. Chunki u shimol- janub yo’nalishida joylashgan va Buyuk Ipak yo’li esa sharqdan g’arbga tomon harakatlangan va shuning uchun uni birinchi navbatda mazkur tarixiy yo’l so’ngra boshqa ko’plab yo’llar kesib o’tgan. Nurota tog’ tizmasida qadimdan to zamonaviy (avtomobil) yo‘llar shakllanguncha, halqaro ahamiyatga ega ikkita asosiy magistral, mintaqaviy ahamiyatga ega bitta tranzit va mahalliy ahamiyatga ega bo‘lgan o‘ttizdan ortiq (qishloqlarni asosan, tog‘ dovonlari orqali bir-biriga tutashtiruvchi) mayda yo‘llar mavjudligini ta’kidlash mumkin. Xalqaro ahamiyatga ega bo‘lgan tranzit savdo yo‘llarining birinchisi qadimdan mashhur bo‘lgan va hozirgi kunda ham o‘zining ahamiyatini to‘liq saqlab qolgan, sharqiy va shimoliy sharqiy o‘lkalar (Choch va Farg‘ona)ni Sug’d bilan bog‘laydigan Ilono’tdi darasi orqali o‘tadigan yo’l. Ikkinchisi esa O‘tror-Nurota yo‘nalishida, Nurota tog‘ining shimoli orqali o‘tadigan yo‘l. Ma’lumki, Nurota tog’i shimolga

tomon cho’zilib oxiri tekislikka tutashib ketadi. Bu yerdan Nurota shahri va O‘trorga boradigan yo‘llar to‘liq tekislik o‘lkalari orqali yetib boradi. Bu narsa O’tror-Nurota magistral yo’nalishining shakllanishiga sabab bo’lgan. Demak, shimoldan - Yevroosiyo dashtlari (O‘tror yo‘nalishi)orqali kelayotgan karvon yo’llarning barchasi shu yo‘l bilan Nurota shahriga yetib borgan va undan Buxoro orqali janubiy va g‘arbiy o‘lkalar tomon yo‘nalgan. Nurota tog‘ tizmasidagi mintaqaviy ahamiyatga ega yirik tranzit savdo yo‘llaridan biri Forish tumani markazi Bog‘don orqali Sug‘dga tog‘ dovonlari orqali o‘tadigan yo‘llar bo‘lgan. Bu yo‘l xozirgi Forish tumani orqali o‘tib, Nurota tog‘inining janubiy tomonidagi Qarobdol va Garasha qishlog‘larini bog’laydigan yirik Xasan ota dovoni bo’lgan. Tog‘ dovonini oshib o‘tgan bu yo‘llar g‘arbga tomon yo‘nalib, ko‘plab shaxobchalarga bo‘linib ketgan. Ulardan asosiysi Qorabdol, Nakrut, Quvkalla, G‘ujumsoy, Qo‘shrabot, Jo’sh orqali Nurota shahriga yetib borgan.

Yuqorida ta’kidlangan magistral va tranzit yo‘llardan tashqari mahalliy ahamiyatga ega yo’llar ham mintaqa savdo aloqalarida muhim ahamiyat kasb etgan. Bu yo’llarga dastlab, ko’chmanchi chorvadorlar mollarini yangi yaylovlarga ko‘chib, shimol va janubga haydab o‘tish uchun foydalanish natijasida asos solishgan. Bu yo’llarning joylashuvi katta magistral yo’llardan yiroqlashmagan holatda joylashgan. Tasavvur qilish mumkinki, yirik chorvadorning o’zi qulay tranzit va magistral yo‘llar orqali yursa, uning cho’pon va xizmatkorlari esa shu yo’ldan 5-10 kilometr masofadagi tog‘ daralari bo‘ylab chorvasini boqib o’tishgan. Keyinchalik shu yo‘llar bo‘ylab mahalliy ahamiyatga ega savdo yo‘llari shakllangan. Shu tariqa mahalliy savdo ahamiyatidagi yo’llarga asos solingan. Ularni agar Nurota tog’ining janubi – Ilono’tdi darasidan boshlab hisoblaydigan bo’lsak, ularadan birinchisi, Bog’ishamol, Qipchoq, Jelli-Gulli qishlog‘i orqali yurib, bir eshak dovoni orqali tog’ni oshib hozirgi G’allaorol tumanidagi Chayonli qishlog’iga yetib boradigan yo‘l. Tog‘ni oshib o‘tgach bepoyon dashtliklarga tomon yo‘l ochilgan. Navbatdagisi Yetimtog‘ orqali. Qoratosh qishlog‘idan Osmonsoy darasi orqali janubga o‘tadigan yo‘l, keyingisi, Uxum qishlog’i orqali tog‘ dovoni orqali Nakrut va Quvkalla qishlog‘lariga, Mojrim qishlog‘idan tog‘ni oshib tog‘ni janubidagi Pangat qishlog‘iga tutashadigan yoki Sintob qishlog‘i orqali tog‘dan oshib o‘tadigan tog‘ dovonlari bo‘ylab joylashgan yo‘llar va h... Barchasi ham Nurota tog’i shimoliy yonbag’ri bo’ylab o’tib borib barchasi O’tror – Nurota tizimiga borib tutashgan. Axborotchilarning aytishlaricha G`allaorol tumani hududidagi “Sarbozor”da o’tgan asrning birinch yarmigacha doimo qoramol, ot va hatto tuya savdolari bo`lib turgan[6,B.66].

Xullas, ko’hna Ustrushona hududida Jizzaxni Samarqand, Buxoro va Nurota bog‘laydigan xalqaro va mintaqaviy ahamiyatdagi savdo yo’llari va kichik qishloqlarni bog’laydigan mahalliy yo’llar mavjud bo‘lgan. Sayohatchilar va tadqiqotchilarni mintaqa doimo o’z e’tiboriga tortishi , ehtimol uning geografik jihatdan qulayligidir. Tadqiqotchilarning e’tirof etishicha, Yevropa bilan Xitoyni bog`laydigan Buyuk Ipak yo`lining bir tarmog`i Nur, Mingbuloq deya

nomlanuvchi botiqlar hamda Xorazm viloyati orqali Volgagacha borgan, shu orqali g`arb va sharqni bog`lovchi ikki yo`lni o`zaro tutashtirgan. Biri Nur vohasi orqali o`tgan bo`lsa, ikkinchisi Zarafshon vodiysidan o`tgan[7,B.80]. Vohaning aholi yashaydigan punktlari haqida gap borganda yirik aholi yashaydigan manzillardan biri Nurota shahri sanalib, mazkur shahar haqidagi ilk bor ma’lumotlarni Muhammad Narshaxiy o`zining “Buxoro tarixi” asarida keltirib o`tadi. “Nur katta joy, unda masjidi jome’ ham bor; unda rabotlar soni talaygina. Buxoro va boshqa joylarning odamlari har yili ziyorat qilish uchun Nurga tashrif buyurishadi. Nur ziyoratiga borgan kishi haj qilgan kishining fazilatiga ega bo`ladi, u yerni boshqa viloyatlarda “Nuri Buxoro” deb ataydilar, tobeinlarning ko`pchiligining mozori shu yerda joylashgan”[8,B.52]. Vohadagi turli etnoslar va etnik guruhlar o`rtasida tarixan davom etgan etnomadaniy aloqalar hamda etnointegrasiya jarayonlari natijasida hudud o`ziga xos polietnik qiyofa kasb etib, o`zbeklar tarkibidagi nayman, o`zbek-turkman, qipchoq, urganji, mirishkor, qang`li, saroy, mang`it( Nurota tog`ining janubiy-sharqiy hududlarida asosan Forishda, Ilonchi, Osmonsoy, Deriston, Yomchi, Sayyod, Baland Osmon qishloqlarida joylashganlar), yuz, jaloyir, barlos(Qo`shrabot tumanining janubiy hududlarida dehqonchilik bilan mashg`ul bo`lganlar), burqut, baxrin, mirishkor, jodir, toma, toz, baroq, qadoq urug`lari nisbatan ko`pchilikni tashkil etgan. Shu bilan birga boshqa etnik jamoa vakillari tojiklar, qozoqlar, arablar, qisman, afg`on va lo`lilar asosan Nurota bekligi markazi Nurota shahrida, Jizzax uezdining Sintob volosti qishloqlarida, Kattaqo`rg`on uezdining Nurotaga tutash hududlarida tarqalganlar. Vohada o`zbek-turkmanlar son jihatdan ko`pchilikni tashkil etgan bo`lib, o`zbek xalqi tarkibidagi yirik etnik qatlamlardan biri hisoblangan hamda tarixiy-etnografik adabiyotlarda “Nurota turkmanlari” tarzida qayd etiladi. Ular Nurota, Qo`shrabot tumanlaridagi Oqtog` va Qoratog` oralig`idagi bepoyon hududlarda o’tgan asr boshlarigacha koriz quduqlari suvlaridan keng foydalanib dalalarni sug`organlar. Bunday korizlarning ayrimlari hozirgi kungacha saqlangan[9,B.39].

Yuqoridagi etnik manzara vohaning mavjud joy nomlarida ham o`z aksini topgan. Misol sifatida, Mitan, Jilontamg`ali, Ilonli, Chimmos kabi urug`lar yashagan joy nomlari voha etnotoponimikasiga xos etnik manba sifatida ko’rishimiz mumkin. Bundan tashqari jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy jarayonlariga mos ravishda toponimlarning o`zgarishi (Qal’ai Nur – Nurato – Nurota, Qora qishloq – Komintern, hozirda esa Said Eshon qishlog`i), tabiiy rel’ef tuzilishiga ko`ra “tabiat”, “o`simlik”, “hayvon”, “tuproq”, “landshaft” belgilariga qarab (Oqtog`, Qoratog`, Pistalitog`, Qo`ytosh, Takatov, Tikanli, Sarig`o`l toponimlari) yoki Chambil, Forish, Pangat, Xotinmo`la(qo`rg`on) kabi toponimlarning kelib chiqishiga doir xalq og`zaki ijodida saqlangan rivoyatlar bilan bog`liq ilmiy farazlar mavjud[10,B.15].

Xullas, Nurota vohasining tabiiy geografik o`rni hamda iqlim sharoiti aholining oilaviy hamda xo`jalik turmush tarziga ta’sir etmasdan qolmagan. Tog`ning har ikki tarafidagi bepoyon dashtlar va sug`orma dehqonchilik

vohalarida xo`jalikning uch asosiy turi shakllangan bo`lib, ular voha sug`orma ziroatchiligi, dasht chorvachiligi, tog` haydov chorvachiligi va bog`dorchilikdan iborat edi. Bu davrda boshqa qabilalar ham vohaning qo`shni o`zbek turkmanlari bilan jadal xo`jalik-savdo aloqalari o`rnatgan edilar. Chorvador turkmanlar o`z qoramol, tuya, yilqilarini voha qang`lilariga ayriboshlash yoki naqd pulga sotish uchun olib kelganlar va mahalliy bozorlardan ho`l meva, tamaki, hunarmandchilik mahsulotlarini sotib olganlar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Pardayev M.H., G’ofurov J.I. Ustrushonaning ilk o’rta asr qishloq makonlari. Toshkent, 2016.
2. Nurota tog’I, O’zbekiston Milliy ensiklopediyasi, Toshkent – 2003. Tom - 6
3. Toshkentboyev A. Jizzax viloyati. Jizzax – 1994
4. Ismoilzoda Shavkat. Sudur bobo yoxud Nurato tarixidan sahifalar. – Toshkent, 2005
5. O`zbekiston Respublikasining ma’muriy-hududiy tuzilishi ...
6. Tolipov F.S., Rustamov F. XIX asr oxiri XX asr boshlarida O’zbekiston etnomadaniy muhitida qang’lilar// O’zbek xalqining kelib chiqishi: ilmiy –metodologik yondashuv, etnik tarix– Toshkent, 2004
7. Ismoilzoda Shavkat. Sudur bobo yoxud Nurato tarixidan sahifalar ...
8. Abu Bakr Muxammad Ibn Ja’far an-Narshaxiy. Buxoro tarixi / Fors tilidan A. Rasulev tarjimasi. – T.,1993
9. Tolipov S.F. Nurota vohasi aholisi oilaviy turmush tarzida jamoa an’analari.// T.f.n. ilmiy darajasi uchun dissertatsiyasi.Toshkent-2006
10. Berdiyev X.A. Nurota toponimlarining tarixiy talili. Toshkent – 2019

ROSSIYA IMPERIYASI VA QO`QON XONLIGINING DIPLOMATIK ALOQALARIGA DOIR

***M.H. SA`DULLAYEVA,*** o`qituvchi, Chirchiq DPU

Annotasiya. Ushbu maqolada Qo’qon xonligi va Rossiya imperiyasi o’rtasidagi munosabatlar, siyosiy va ijtimoiy voqealar ularning tahlili diplomatik aloqalar tarixshunosligi bo’yicha tahlil qilingan.

Kalit so’zlar*: ichki va tashqi savdo, tadqiqot, siyosiy tarix, diplomatik aloqa, iqtisodiyot, tarixshunoslik.*

Аннотация. В данной статье на основе историографии дипломатических отношений анализируются взаимоотношения Кокандского ханства и Российской империи, политические и общественные события, их анализ.

Ключевые слова: *внутренняя и внешняя торговля, исследования, политическая история, дипломатические отношения, экономика, историография.*

Abstract. In this article, the relationship between the Kokhan Khanate and the Russian Empire, political and social events, their analyses is examined on the basis of the historiography of diplomatic relations.

Keywords: *domestic and foreign trade, research, political history,*

diplomatic relations, economy, historiography.

Mustaqillik yillarida rossiya imperiyasi va xonliklar o’rtasidagi munosabatlar chuqur o’rganildi va tarixni bu davrida yuz bergan siyosiy vaziyatlari keng tadqiq etildi. Qo’qon xonligi va chor Rossiyasi o’rtasidagi diplomatik munosabatlari yuzasidan juda ko’plab tadqiqot olib borildi. Bu jarayonlarni ilmiy jihatdan keraklicha tahlil qilish va tarixiylik, ilmiylikka alohida e’tibor qaratildi. Bugun tarixchi tadqiqotchilar zimmasiga kata talablar quyilmoqda zero ular bashariyat oldida turgan muammolarni sinchiklab o’rganishga va xolisona baholashga tahlil qilishga, zaruriy xulosalar chiqarishga majburdirlar.

O’zbekiston tarixini bu davrini keng va ob’ektiv o’rganishga e’tibor yanada kuchayganligini Sh.Karimov va R.Shamsutdinovlarning “Turkiston Rusiya bosqini davrida”, H.Bobobekovning “Qo’qon tarixi” va “Po’latxon qo’zg’oloni” nomli monografiyalarida, H.G’ulomovning tarixiy risolasida ham Chor Rossiyasining O’rta Osiyo xonliklari bilan bo’lgan turli munosabatlari haqida qimmatli ma’lumotlaridan bilish mumkin. Bobobekovning “Qo’qon tarixi” kitobida xonlikni qisqacha tarixi bayon etilib, asosiy e’tiborni “xalq xarakatlari”ga, shuningdek xonlikning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotiga qaratgan. Asarning “Qo’qonning qisqacha siyosiy tarixi” nomli bo’limida Qo’qon xonlari, jumladan, Umarxon, Muxammad Alixon, Mallaxon, Xudoyorxon, Nasriddinxon davrida bo’lgan xonlikning Rossiya bilan bo’lgan diplomatik aloqalari keltirib o’tilgan[1].

Qo’qon xonligining Rossiya bilan diplomatik munosabatlari H.G’ulomovning monografiya va doktorlik tadqiqot ishlaridan ham o’z aksini topgan. Jumladan H.Ziyaev tomonidan ham Qo’qon xonligining Rossiya imperiyasi tomonidan zabt etilishi va ularga qarshi olib borilgan harakatlar tafsilotlari, bu janglarda qahramonlik ko’rsatgan mahalliy vatanparvarlar to’g’risidagi tarixiy ma’lumotlarni keng talqin qilinganiga guvoh bo’lamiz[2].

Qo’qon xonligining XIX asr 50-60 yillaridagi siyosiy tarixi, xususan, xonlikning chor Rossiyasiga qarshi kurashlarining tarixi Z.A.Ilhomov tomonidan yoritilgan. Mazkur asarda Qo’qon xonligi sarkardasi amirlashkar Aliquli va uning xonlik siyosiy tarixida tutgan o’rni yoritilishi bilan birga, xonlikning tashqi davlatlar bilan diplomatik aloqalari tarixi, xonlikda amalga oshirilgan harbiy va davlat boshqaruvi sohasidagi islohotlar jarayonlari ham yoritib berilgan[3].

Xonlikning XIX asr birinchi yarmida amalga oshirgan diplomatik aloqalari tarixining tarixshunoslik masalalari V.Ishquvvatov tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotda batafsil keltirib o’tilgan[4]. S.Qo’ldoshev tomonidan amalga oshirilgan “Qo’qon xonligi va Sharqiy Turkiston o’rtasidagi siyosiy, iqtisodiy va madaniy aloqalar (XVIII-XIX asrning o’rtalari)” mavzusidagi tadqiqot ishi orqali xonlikning siyosiy tarixiy jarayonlari bilan tanishish bilan bir qatorda xonlik tomonidan Rossiya imperiyasiga va o’z navbatida imperiya tomonidan Qo’qon xonligiga yuborilgan bir qator elchilar, ularning faoliyati, amalga oshirgan ishlari,

elchilik munosabatlari haqidagi ma’lumotlar bilan tanishish mumkin. O’zbek davlatchiligi tarixida muhim o’rinlardan birini egallagan Qo’qon xonligi va uning tashqi siyosati hamda diplomatik aloqalari tarixini yoritib berishga bag’ishlangan mazkur tadqiqot ishida juda ko’plab yangi ma’lumotlar keltirilgan va turli tillarda yozib qoldirilgan manbalar ishga jalb etilgan va buni tadqiqotchining eng katta yutuqlaridan biri sifatida e’tirof etish mumkin[5]. Tadqiqotning kirish qismida mavzuning dolzarbligi ko’rsatib berilgan va bunda Sharqiy Turkistonning tarixiy jarayonlardagi o’zbek xonliklari bilan aloqalari, xususan Qo’qon xonligi bilan savdo, iqtisodiy va siyosiy, madaniy sohalardagi aloqalari tarixini manbalar asosida yoritib berish va ilmiy jihatdan tahlil etilishiga alohida e’tibor qaratilgan. Shuningdek, bu qismda ishning nazariy metodologik asoslari, o’rganilishi darajasi va tarixshunoslik masalalari, tadqiqot chegaralari hamda ishning ilmiy yangiliklari va amaliy ahamiyati ko’rsatib berilgan. S.Qo’ldoshevning bu tadqiqot ishida Markaziy Osiyoda kechgan ijtimoiy siyosiy jarayonlar va ularda Sharqiy Turkiston xalqlari hamda Qo’qon xonligining ma’lum darajadagi ishtiroki, o’zaro munosabatlari va o’zaro ta’siri jarayonlarini ochib berishga yo’naltirilgan. Bunda tadqiqotchi tomonidan Qo’qon xonligining nafaqat Sharqiy Turkiston bilan, balki Xitoy bilan munosabatlari va o’zaro aloqalarini yoritib berishga ham katta e’tibor qaratilgan. Shuningdek har ikki hudud o’rtasidagi munosabatlarni tartibga solish borasida ayrim vaqtlarda Xitoy imperatorlari va Qo’qon hukmdorlari o’rtasidagi elchilik munosabatlari va holatlari ham yoritib berilgan. Bu bobda bugungi kunda tarix kitoblarida ko’zga tashlanmagan bir qator yangi ma’lumotlar ko’rish mumkin va tadqiqotchi bu ma’lumotlarni ilmiy jihatdan turli manbalar va mualliflarning xulosalariga asoslangan holda isbotlashga harakat qilgan. Shuningdek faoliyati ma’lum darajada ilmiy adabiyotlarda o’z aksini topgan bir qator tarixiy shaxslar (Umarxon, Yerdonabiy, Muhammad Alixon, Jahongirxonto’ra, Valixonto’ra, Yoqubbek Badavlat va boshq) bilan bir qatorda nomlari kam uchragan yoki bizga noma’lum bo’lgan tarixiy shaxslar (amaldorlar, yelchilar, savdogarlar va boshq) va ularning ikki hudud o’rtasidagi o’zaro munosabatlardagi ishtiroki va o’rni masalalari yoritib berilgan[6]. Z.Madraximov tomonidan amalga oshirilgan “Qo’qon xonligida savdo munosabatlari” nomli dissertatsiya ishida, mustaqillik yillarida Qo’qon xonligi tarixiga oid amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlardan biri bo’lib bu davr masalasi siyosiy ,iqtisodiy va tarixiylikka xolisona , jiddiy yondashilgan tadqiqotlardan biri desak xato bo’lmaydi. Tadqiqot o’zbek xonliklari orasida muhim o’rin tutgan Qo’qon xonligining ichki va tashqi savdo munosabatlaridagi ishtiroki, o’rni va savdo munosabatlarining xususiyatlari, iqtisodiy sohaning o’ziga xos jihatlarini manbalarga va statistik hujjatlarga asoslangan holda yoritib berilganligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi[7]. Mazkur tadqiqotda Qo’qon xonligining savdo markazlari va iqtisodiy jihatdan muhim ahamiyatga ega bo’lgan ayrim viloyatlari va hududlarining xonlik iqtisodiy hayotidagi o’rnini ko’rsatib berilgan. Shuningdek, muallif tomonidan Qo’qon xonligi siyosiy tarixini qoridagi davrlashtirishdan farqli ravishda to’rt bosqichga bo’lib o’rganishning tavsiya

etilganligi va bu jarayonlarning iqtisodiy hamda siyosiy jarayonlar bilan bog’liqligi xususida ayrim fikrlarning berilishi ham ishning yutug’idir. Tadqiqot ishining keyingi qismlarida xonlikdagi savdo munosabatlari va pul muomalasiga oid juda muhim ma’lumotlar keltirilgan bo’lib, iqtisodiy munosabatlarda amalda qo’llanilgan ayirboshlash vositalari, xususan tangalarning turlari, ularning turli darajadagi og’irlik o’lchovlari va qiymatlari, pul zarb etish jarayoni va uning turli o’ziga xos amaliyotlari haqida manbalarga asoslanilgan ma’lumotlar keltirib o’tilgan. Har bir qism so’nggida keltirib o’tilgan ma’lumotlar yuzasidan umumiy xulosalar va taxliliy ma’lumotlar berib o’tilgan va bu shubhasiz muallifning masalaga ilmiy-tahliliy jihatdan jiddiy yondashganligini ko’rsatib beradi. Bu tadqiqot ishida Qo’qon xonligining qo’shni mamlakatlar bilan tashqi savdo munosabatlaridagi o’rni, savdo yo’llari va ularning muhim yo’nalishlari, turli savdo yo’nalishlari bo’yicha bozorlarga keltirilgan va olib ketilgan tovarlar va ularning turlari, miqdorlari haqida ham qimmatli ma’lumotlar keltirib o’tilgan. Shu bilan birga xonlikning tashqi savdo munosabatlarida yaqin qo’shnilar, Buxoro amirligi hamda Xiva xonligi bilan olib borgan savdo-iqtisodiy aloqalari haqida ham so’z yuritilib, bunday aloqalarning har uchala davlat uchun ahamiyati va muhim jihatlarini ko’rsatib berilgan[8]. Tadqiqot ishining e’tiborga molik qismlaridan biri - savdo-iqtisodiy munosabatlarning etno-integratsion sohadagi o’rni va ahamiyatini ochib berishga ham alohida to’xtalib o’tilganligidir. Bunda qo’shni mamlakatlar va horijiy davlatlardan kelgan savdogarlar va ularning xonlik savdosidagi ishtiroki, ularga xonlik hokimiyati va mahalliy hokimiyatlar tomonidan yaratib berilgan sharoitlar, savdo bilan bir vaqtda turli millatlar o’rtasidagi o’zaro munosabatlar ham qimmatli ma’lumotlar bilan boyitilgan va bular Qo’qon xonligi tashqi davlatlar uchun nafaqat teng xuquqli iqtisodiy hamkor bo’lganligi, balki siyosiy va milliy masalalarda ham davlatning qat’iy siyosati mavjud bo’lganligini ko’rsatib beradi[9].

Xulosa o’rnida aytish mumkinki, Qo’qon xonligining Rossiya imperiyasi bilan olib borilgan diplomatik munosabatlari xonlikda yashagan aholining ijtimoiy-iqtisodiy hayotida mhim ahamiyat kasb etgan. Diplomatik munosabatlar asosan siyosiy, iqtisodiy, savdo va elchilik munosabatlari orqali amalga oshirilgan va bu mintaqaning nafaqat iqtisodiy, balki madaniy sohadagi tajriba almashunuvlarida ham katta ahamiyatga ega bo’lgan. Yuqorida keltirib o’tilgan asarlar, xonlik siyosiy tarixini yoritib beruvchi ilmiy tadqiqotlar va ularda ko’tarilgan masalalarning mazmuni va mohiyatidan anglash mumkinki, mustaqillik yillari kelib Qo’qon xonligi tarixini o’rganish bo’yicha salmoqli ishlar amalga oshirilgan. Xususan xonlik tarixiga oid yozma manbalarni tadqiq etish, tarjima va nashr qilish bobida talay ijobiy ishlar amalga oshirildi. Xonlik tarixining kam o’rganilgan jihatlari, jumladan, Rossiya bilan diplomatik aloqalari, uni chor qo’shinlari tomonidan istilo qilinishi masalalari yangicha yondashuvlar asosida yoritib berildi va yosh tarixchi kitobxonlarga yetqazib berildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. Бобобеков Н. Қўқон тарихи. –Т.: 1996.

2. Топилдиев Н. Қўқон хонлигининг Россия билан дипломатик алоқалари тарихидан. –Т.: ЎзР ФА, “Фан” нашриёти, 2007.

3. Илҳомов З.А. Аликули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни тарих фан. номз. дисс... -Т.: 2004.

4. Ишқуватов. В. Қўқон Россия дипломатик алоқлари тарихшунослиги. тарих фан. номз. дисс.. -Тошкент, 2004.

5. Toshtemirova S.A., Axmadjonov D.B. Markaziy osiyo xonliklari tarixshunosligi / O’quv qo’llanma. –T.: -B. 114-115.

6. Қўлдошев Ш. “Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар (XVIII-XIX асрнинг ўрталари)” т. ф. н. дисс... -Т.: 2009.

7. Тоштемирова, С. А., & Нафасов, А. К. (2021). Қўқон хонлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихининг ўрганилиши бўйича айрим мулоҳазалар. Academic Research In Educational Sciences, 2(5), 78.

8. Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи. Тошкент. “Янги нашр”, 2014.

9. Илҳомов З., Атаджанов Ш., Ишқувватов В. Аллаева Н. Ўзбек хонликлари тарихшунослиги / Қўлланма. –Т.: Янги аср авлоди. 2011.

ЕВРООСИЁ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ ТИЗИМИДА ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИК ҲУДУДЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ҲУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Қ. АБДУШУКУРОВ, доцент ГулДУ, Гулистон

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиё минтақасидаги антик давр ва илк ўрта асрлардаги вилоятлар ва мулклар ягона этно-маданий маконда ривожланганлиги, бу ердаги ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари цивилизациянинг ўзига хос “очиқ” турини яратиб, уларни синтезлашга ва ўзаро алоқаларни яратганлиги очиб беришга харакат қилинди.

Калит сўзлар: *Евроосиё, маданий алоқалар, тарихий-маданий минтақа, Уструшона, Турк ҳоқонлиги, араблар босқини, мўғуллар босқини, Сомонийлар, Буюк Ипак йўли.*

Аннотация: В статье предпринята попытка раскрыть состояние регионов и владений в эпоху античности и раннего средневековья в Средней Азии, их развитие в едином этнокультурном пространстве, взаимоотношения и связи оседлых и кочевых народов, создававшие уникальный "открытый" тип цивилизации, синтезирование и создание взаимоотношений.

Ключевые слова: Евроазия, культурные связи, историко-культурный регион, Уструшана, Тюркский каганат, завоевание арабов, завоевание монголов, Саманиды, Великий Шёлковый путь.

Abstract: The article attempts to reveal the state of regions and estates (property) in the era of antiquity and the early Middle Ages in Central Asia, their development in a single ethno-cultural space, the relationships and connections of

sedentary and nomadic peoples that created a unique "open" type of civilization, synthesizing and creating relationships.

Keywords: Eurasia, cultural ties, historical and cultural region, Ustrushana, Turkic Khaganate, conquest of the Arabs, conquest of the Mongols, Samanids, the Great Silk Road.

Инсоният тарихида қадимги замонлардан буён тарихий воқеаларга ва этник ва маданий ҳодисаларга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, қадимги ва ўрта асрлардаги маданиятларнинг ўзаро таъсири, маданий алоқаларнинг ривожланиб бориши ҳанузгача олимларни қизиқтириб келмоқда. Марказий Осиё тарихий-маданий минтақасидаги ўрта асрларда содир бўлган тарихий воқеларни таҳлил қилганда шуни кўриш мумкинки, бу ердаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар тизимида Турк ҳоқонлиги, араблар босқини, мўғуллар босқини, Сомонийлар даврида ҳам Буюк Ипак йўли муҳим аҳамиятга эга бўлган. Таъкидлаш жоизки, Евроосиёдаги маданий ва савдо-сотиқ алоқаларининг бошланиши эр.авв. III-II асрларга бориб тақалади. Бу даврда кенглик йўналишида Бадахшон лазурити, Байкалбўйи нефрити ва бошқаларнинг тарқалиши қайд қилинган. Эр.авв. II асрга келиб Ипак йўли савдогарлар ва элчилар фойдаланган турғун йўллар тизимига айланган эди[3.С.94.]. Марказий Осие халқларининг узоқ давом этган тарихий-маданий ўзаро алоқалари, хўжалик фаолиятининг шакллари, моддий ва маънавий маданияти муҳим минтақавий омил бўлиб хизмат қилади. Марказий Осиёда истиқомат қилган халқлар, доимий ўзаро алоқалар натижасида, асрлар давомида ўзига хос маданиятни, ўхшаш хўжалик турмуш тарзини ишлаб чиққанлар. Марказий Осие нафақат географик ва геосиесий, балки шу билан бирга яхлит маданий макондир. Унда истиқомат қилган халқларни умумий маънавий қадриятлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг ўхшашлиги, умумий тарихий ўтмиш, қадимги шарқий маданият бирлаштиради [1.С.136-149.]. Б.А.Литвинскийнинг таъкидлаганидек, “Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёдаги археологик, тарихий-меъморий, тарихий-этнографик материалларини солиштириш шуни кўрсатиш имконини берадики, қадимда ва ўрта асрларда бу ерда бир хил иқтисодиёт моделлари, умумий этнолисоний, маданий ва тарихий қатламлар мавжуд бўлган[5. С.23.]. Бу минтақа унда истиқомат қилган халқларнинг иқтисодий ва сиесий ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Қадимда унинг таркибига кирган халқлар унинг ҳудудида мавжуд бўлган турли давлатлар таркибига кирганлар. Бу давлатлар парчаланиб кетиб, бошқалари вужудга келган. Марказий Осие орқали ўтмишда Хитой, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шарқий Европа ўртасида жонли савдо-сотиқ амалга оширилган. Минтақа халқларининг савдо-сотиқ, иқтисодий ва маданий алоқалари узоқ қадимиятга бориб тақалади ва тарихда ўз изини қолдирган.

Уструшона - ўрта асрларда Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган давлатлардан бири бўлиб, у қадим замонлардан антик давр, ўрта асрлардаги

шарқ ва европа муаллифларининг эътиборини ўзига тортиб келган. Унинг ҳудуди эр.авв. I мингйиллик ўрталаридан, бу ерда дастлабки ўтроқ манзилгоҳлар вужудга келганидан бошлаб ривожлана бошлаган. Бу ерда Сўғд таркибига кирган ўтроқ халқларнинг ўзига хос моддий ва маънавий маданияти шаклланган. Уструшонанинг бир томондан Чочга, Еттисувга, бошқа томондан Фарғона ва Хитойга олиб борувчи йўллар чорраҳасида жойлашгани унда савдо-ҳунармандчилик ихтисослашувнинг шаклланишига, аҳолининг кўпайишига, ҳудудининг кенгайишига, шаҳарларининг ривожланишига муҳим туртки бўлиб хизмат қилди. Археологик ва манбашунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, илк деҳқончилик жамиятлари ва дастлабки цивилизациялар кўпқутбли маданий дунёни ташкил этган бўлиб, унинг савдо-сотиқ ва маданий ўзаро алоқалар шароитларида ҳам етарлича аниқ бўлган ўз барқарор анъаналари мавжуд эди[4.; 6. С.5; 2. С.30.]. Моддий маданият ва санъатга оид археологик топилмалар аввалбошдан Уструшонанинг ҳар хил маданиятлар билан алоқалари ҳақида далолат берган эди. Бу иш айрим фикрларни қайта кўриб чиқишга, ҳодиса ва воқеаларни янада кенгроқ ва комплекс қамраб олиб, турли материалларни солиштириб ўрганишга асосланиши зарур. Қадимда ва илк ўрта асрларда Уструшона маданияти ва санъати ривожидаги ўзига хос хусусиятларни белгиловчи маданий омилларнинг мажмуи унинг маданиятини Марказий Осиё тарихининг узилмас қисми сифатида ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Уструшона тарихини ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этишга бағишланган археологик ишларнинг катта ҳажми амалга оширилган ва оширилмоқда. Тадқиқот натижалари турли мафкуравий оқимларнинг, диний эътиқодларнинг ва ҳоказоларнинг маданий алоқаларни кўрсатувчи омиллар сифатида турли хил “трансформациялар”ни, симбиозни, маҳаллий ўзига хосликни ва уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берди, албатта. Уструшона халқаро айирбошлашда муҳим рол ўйнаган. У орқали Буюк Ипак йўли тармоқларидан бири ўтган. Бундан Уструшона ҳудудидан топилган тангалар ва бошқа нарсалар далолат беради. Шу тариқа, турли-туман манбалардан олинган маълумотларнинг таҳлили шу ҳақда далолат берадики, Ўрта Осиё минтақасидаги антик давр ва илк ўрта асрлардаги вилоятлар ва мулклар ягона этно-маданий маконда ривожланган. Бу ердаги ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари цивилизациянинг ўзига хос “очиқ” турини яратиб, ҳаёт фаолиятидаги турли соҳалардан олинган ҳодисаларни, элементларни ажратиб олишни амалга оширишга, уларни синтезлашга ва ўзаро алоқаларни яратишга қодир бўлди. Мафкурадан бошлаб то моддий базагача бўлган турли хил омилларнинг ўзаро алоқалари Уструшонада ҳар хил динларни, давлат ва сиёсий тузилмаларни, меъморчилик кўринишларини бирлаштирган меъморий шаклларни яратишга ва ўзига хос меъморий анъаналарни тадбиқ этишга олиб келган асос бўлиб хизмат қилди. Маданий алоқалар ва ўзаро таъсирнинг етакчиси бўлиб,

зардуштийлик, буддавийлик ибодатхоналари, мусулмон масжидларининг ва мақбараларнинг мавжудлиги хизмат қилади.

Демак, Уструшонанинг минтақа цивилизациясида тутган ўрни ва маданий алоқаларини ўрганишда шундай хулосага келиш мумкинки, маданий алоқалар комплекс характерга эга бўлиб, умуминсоний гуманистик негизларга таянган турли маданиятлар ривожининг умумий қонуниятларини белгилаб берувчи хронологик “вертикал” бўйича қараб чиқилишини, ҳамда услубларнинг хилма-хиллигини, инсоният ривожланишидаги турли тарихий даврларнинг асосий ғояларини ўз ичига киритган тамойиллар ва усулларни очиб берадиган “горизонтал” чизиқ бўйича кўриб чиқишни тақозо қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Абишева О. Центральная Азия как единое культурное пространство. // Простор. 2014. №5. С.136-149.
2.Алимова Д. К вопросу о взаимодействии кочевой и оседлой культур Центральной Азии: историографический аспект. // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы международной конференции. Самарканд, 7-8 сентября 2009 г. Самарканд-Ташкент, 2010.
3.Баштанник С.В. Средневековая городская культура на Сырдарьинском направлении Великого Шелкового пути. // Вестник КемГУКИ. 2016. №37.С.94.
4.Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до IV в. до н.э. Москва-Ленинград, 1956;
5.Литвинский Б.А. Исторические судьбы восточного Туркестана и Средней Азии (проблемы этнокультурной общности) // Восточный Туркестан и Средняя Азия.
6.Массон В.М. Традиционализм в культурном наследии цивилизации Востока. // Изучение культурного наследия Востока. Санкт-Петербург, 1999.

ВОПРОСЫ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ПЕЧАТИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Д.В.АЛИНАЗАРОВА, Старший преподаватель НуУз, Ташкент

Аннотация: Ушбу мақолада кенг кўламли манбалар таҳлили асосида Фарғона водийси матбуот тарихини ўрганишда манбашунослик масалалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: *Даврий матбуот, Фарғона водийси, расмий матбуот, хусусий матбуот, тарихий манба.*

Аннотация: В данной статье на основе анализа широкого круга источников рассмотрены вопросы источниковедения в изучении истории печати Ферганской долины.

Ключевые слова: *Периодическая печать, Ферганская долина, официальная печать, частная печать, исторический источник.*

Annotation: In this article, based on the analysis of a wide range of sources, the issues of source studies in the study of the history of printing in the Ferghana Valley are considered.

Keywords: *Periodical press, Ferghana Valley, official press, private press, historical source.*

Исторические события и процессы невозможно изучать без исторических источников, которые являются основой любого исторического исследования.

В своем труде, молодой исследователь Х.Р.Никаев пишет о значимости исторического источника для науки, предопределяющего его разнообразную интерпретацию исследователями. Действительно, категория «исторический источник» одной из наиболее дискуссионных тем источниковедения и историографии. Известный учёный конца XIX – начала XX в. А.С. Лаппо-Данилевский считал, что исторический источник это, «реализованный продукт человеческой психики, пригодный для изучения фактов с историческим значением». И.Д. Ковальченко, отнёс «к историческим источникам всё то, что связано с историей природы и человеческого общества». Но доминирующим в начале XXI века, стало мнение И.Н. Данилевского и В.В. Кабанова, согласно которому исторический источник, «это всё, откуда можно получить информацию о развитии общества»[1].

Особой формой исторического источника является периодическое издание.Периодическая печать, является своеобразным «зеркалом» общества,потому что он с большой точностью отражает событияпроисходящее в обществе, и фиксирует его на страницах газет ижурналов. Например, в нашей исследовательской работе «Становление и развитие периодических изданий в Ферганской долине» мы использовали данные периодической печати,хранящиеся в фондах Национальной библиотеки Узбекистана [2] и Национального архива Узбекистана [3], а также мы использовали данные периодической печати, которые можно найти в интернет ресурсах [4]. А именно, в первой главе «Предпосылки становления, основные этапы и особенности развития периодической печати в Ферганской долине» раскрыто в исторической последовательности вопросы предпосылки и особенности становления периодической печати в Туркестане в конце XIX - начале XX веков и отражение в ней социально-политической жизни края, основные этапы деятельности государственной и частной печати в Ферганской долине, а также роль учредителей в развитии национальной периодической и полиграфической печати, на основе источников и литературы, хранящихся в электронном формате в фондах НАУз и НБУз.

Изучение архивных источников, опубликованных и неопубликованных произведений привело к пониманию того, что первые полиграфические предприятия на территории Туркестана возникли во второй половине XIX в. [5].После завоевания Туркестана Россией, в Ташкент из центра была привезена небольшая типография, начавшая работать в уже 1868 году[6].В

1869 году в Ташкент завезли другую типографию, предназначенную для выпуска официальной газеты «Туркестанские ведомости» - первого периодического издания в Средней Азии. Типография получила также арабский шрифт, на котором печатались приложения к «Туркестанским ведомостям» на узбекском и казахском языках.Первая газета Туркестана - «Туркестанские ведомости» увидела свет 28 апреля 1870 г. и была официальным органом Туркестанского генерал–губернаторства[7]. Государственные (официальные) газеты и журналы должны были стать печатными политическими органами государства, деятельность которых были направлены на внедрение государственной идеологии путем распространения официальной информации. Следует подчеркнуть, что газеты «Туркестанские ведомости» и «Туркистон вилоятининг газети»[8], издаваемых в Туркестане в 1870-1917 гг. [9], в отличие от других газет, выходили сравнительно продолжительное время.

Наряду с официальными, в 1890-е годы в Туркестане стали создаваться частные газеты на русском и еврейско-таджикском языке[10]. Частные газеты отличались от официальной печати разносторонностью содержания, подачи отзывов различными социальными слоями общества, их руководству всегда мешали не только проблемы с материальным обеспечением, но и цензурное давление.

Во второй главе, озаглавленной«Периодическая печать и типографское дело в Ферганской долине (1917 - 1939 гг)» исследованы периодические издания и полиграфия начала 1917 года - 1939 гг и их роль в идеологизации общества, политические преследования в системе печати и полиграфии, а также изучены репрессированные представители сферы на основе печатных изданий, архивных источников и научной литературы, хранящихся в электронныхкаталогах: http://goskatalog.uz/ и https://web.goskatalog.ru/.

В 20-30 годы XX в. начали происходить существенные изменения в периодической печати под влиянием происходящих социально-экономических и политических процессов. В контексте тоталитарной эволюции советского государства и социалистической трансформации культуры периодическая печать Узбекистана развернула в то время широкую массово-политическую работу, подчинённую интересам в первую очередь правящих кругов, хотя внешне выглядела как проявление заботы о национальных интересах. В Ферганской долине появились новые газеты на узбекском языке, как «Ишчилар қалқони», «Кизил тикан», «Дархон», «Меҳнат байроғи», «Янги Фарғона», «Коммуна», городские и районные газеты, как «Марғилон ҳақиқати», «Авангард», «Совет пахтаси», «Учқун», молодёжные газеты, как «Факел». Росли тиражи газет и журналов, создавались новые рубрики, начали готовиться фоторепортажи на актуальные темы. С 1927 по 1928 год осуществлялся поэтапный переход газет и журналов на новый латинский алфавит. В частности, в газетах Ферганской долины «Янги Фарғона», «Ёш ленинчи», «Камбағал деҳкон»

были специально выделены страницы, текст которых напечатан новым алфавитом. Это была чисто политическая реформа, не имевшая ничего общего с культурным развитием народа.

В конце 1920-х и 1930-х годах в области журналистики были обнаружены практически все формы массовой работы, эти годы характеризовались значительным усилением партийного контроля над средствами массовой информации. На фоне жесткого контроля ВКП(б), над всеми структурными звеньями прессы, всё таки первые раз начинают свою деятельность низовые газеты, растёт тираж районных газет, начинают появляться и интенсивно развиваться отраслевые газеты. Репрессивная политика не избежала и представителей этой сферы, которые внесли свой вклад в развитие национальной журналистики Ферганской долины.

В этой III главе рассмотрены вопросы «периодическая печать накануне и в период Второй мировой войны (1939 -1945 гг.)», «развитие структуры периодической печати в послевоенные годы и «отражение общественно-политической жизни общества в периодической печати Ферганской долины (80-е г. XX века)», на основе музейных экспонатов (периодические издания)Государственного музея истории и культуры Ферганской области, которую можно найти также в сайте: http://goskatalog.uz/. С самого начала работы на Большого Ферганского канала для освещения строительства канала были организованы - газеты «На Сталинской стройке» и «Сталинча қурилишда», а также «Северный Ферганский канал» на русском и узбекском языках (латиница). Газеты издавались каждый день и раздавались бесплатно. В годы Второй мировой войны, в целях дальнейшего усиления агитационно – пропагандистской работы среди населения через периодическую печать, тиражи издаваемых в долине официальных газет растут, если даже имело влияние на государственный бюджет. В 1950 годы во многих районах Ферганской долины стали выходить многотиражные колхозные газеты. В связи с реорганизацией системы хозяйствования и связанного с ней разделения партийных органов в сельской местности в конце 50-х годов появились новые виды местной печати - межрайонные газеты, газеты колхозных и производственных отделов совхозов. Открытое 1961 году Андижанского университета рабселькора, явилось важным событием на пути обеспечения печать квалифицированными кадрами. К 1960-м годам «Оттепель» в общественно-политической жизни не осталось без влияния на СМИ. Деятельность печати в этом направлении можно охарактеризовать как национальную, служащую по содержанию привитию социалистического духа. С другой стороны, некоторые из научно-публицистических статей были посвящены культурным и научным тематикам, которые служили развитию культурных и научных взглядов населения. К 1980-м годам газеты Ферганской долины активно освещали политическую жизнь общества[11]. Начавшаяся в обществе гласность, хотя и частично, освещала экономические, политические и культурные

процессы. Для историка периодическая печать является самостоятельным видом исторических источников и выполняет одновременно другую задачу – публикации источников, которые вследствие этого могут быть сохранены на протяжении длительного времени.

Подводя итог, можно сказать, что периодическая печать – это источник, содержащий информацию практически по любой теме и она может является одним из основных исторических источников в изучение истории Узбекистана, в том числе истории печати Ферганской долины.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Никаев. Х.Р. Материалы периодической печати как исторический источник /https://cyberleninka.ru/article/n/materialy-periodicheskoy-pechati-kak-istoricheskiy-istochnik
2. Национальная библиотека Узбекистана (НБУз). Фонд - F-44; F-96 (сб.2.); F-69 (сб.1); R-459; R-1; F-48; F-95.
3. Национальный архив Узбекистана (НАУз). Фонд - И.1 – Канцелярия Туркестанского генерал-губернаторства; Фонд - И.17 – Сырдарьинс-кое областное управление; Фонд - И.19 – Ферганское областное управление; Фонд - И. 461– Туркестанский районный охранный отдел; Фонд - Р. 837 – Совет министров УзССР; Фонд - Р.1619 – Центральное статистическое управление при СМ УзССР; Фонд - Р. 400 – Архивное управление при СМ УзССР; Фонд - Р. 94 – Министерство просвещения УзССР; Фонд - Р. 2487 – Министерство культуры УзССР; Фонд - Р. 86 – ЦИК Советов УзССР; Фонд - Р. 94 – Министерство просвещения УзССР; Фонд - Р.17 – ТурЦИК; Фонд - Р. 39 – НКВД ТССР; Фонд - Р. 2364 – Правление союза журналистов.
4. Электронные ресурсы: http://testhistory.ru/history.php?id=his_1_99. Дата обращения: 14.07.2020; https://greylib.align.ru/503/turkestanskaya-avtonomiya-sozdanie-i-razgrom-sbornik-statej.html //Дата обращения: 22.07.2020.; Ziyouz.uz. Дата обрашения: 03.03.2020.; http://ferlibrary.uz/ Дата обращения: 02.02.2021.; https://www.booksite.ru/ Дата обращения 02.02.2021.;http://auz.uz/news/izhodiy-silsila-andizhonnomadan-taralayotgan-ziyo-99-yildirki-yurtdoshlarimiz-kalb-shuurini-yoritib-kelmokda/
5. Чабров Г.Н. Из истории полиграфии и издательства литературы на местных языках в революционном Туркестане (1868-1917 гг.). – САГУ, 1954. – С.77-96; Книгопечатание в Средней Азии конца XIX начала XX вв. –Москва, 1964. – С. 592-593.
6. Юлдашев З. Развитие книгоиздательского дела в Узбекистане. –Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 10.
7. Шодмонова С. Архивные документы – важный источник изучения истории периодической печати Туркестана. По материалам Центрального государственного архива Республики Узбекистан // Вестник архивиста. – Москва, 2009. - № 3. – С. 23-37.
8. «Туркистон вилоятининг газети» - первая газета на узбекском языке, начала издаваться с 30 января 1883 г. в количестве 500 экземпляров под редакторством Н. Остроумова.
9. Шодмонова С. Архивные документы – …– С. 23-37.
10. НА Уз, ф.И- 1, оп.8, д.506, лл.1-5; Фергана. 1906. - № 1.; Новая Фергана. 1906. - № 1.; НА Уз, ф.И- 19, оп.1, д.28719, лл. 4-5, 17-18, 30.; НА Уз, ф.И- 19, оп.4, д.28853, л.51.; НА Уз, ф.И- 19, оп.4, д.28853, л.58; д.153, л.4; ф.И- 461, оп.1, д.968, лл. 13-15; НА Уз, ф.И- 461, оп.1, д.1764, лл. 2-4.; НА Уз, ф.И- 19, оп.1, д.29528, лл. 135, 148; НА Уз, ф.И-461, оп.1, д.1764, лл.12-14; НА Уз, ф.И- 19, оп.4, д.29528, лл. 135,148, 152; НА Уз, ф.И-461, оп.1, д.1764, лл. 12-14; Абдуазимова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Академия, 2002. – Б. 175.; НА Уз, ф.И- 19, оп.1, д.29440, л.138; «Рахамим» (ивр. רחמים). 22 мая 1912. - № 15.

QADIMIGI FARG‘ONA (DAVON) SHAHARLARINING BUYUK IPAK YO‘LI FAOLIYATIDA TUTGAN O‘RNI

I. X. RAYIMJONOV, magistrant, GulDU, Guliston

Annotatsiya: Maqolada Qadimgi Farg‘ona vodiysi hududida vujudga kelgan shaharlar va shaharsozlik madaniyatini, arxeologik yodgorliklarini, Buyuk Ipak yo‘lida tutgan o‘rni va rolini arxeolgik tadqiqotlar va yozma manbalar asosida tahlil qiladi.

Kalit so‘zlar: *“Samoviy tulporlari”,“Xanshu”, Chjan Syan, Buyuk Ipak yo‘li, “Damashq qilichlari”.*

Аннотация: В статье анализируются возникновение городов и градостроительная культура на территории Ферганской долине, на основе археологических и письменных источников освещается место и роль этих городов на Великом шелковом пути

Ключевые слова: *«Небесные стервятники», «Ханьшу», Чжан Сян, Великий шелковый путь, "Дамасские мечи".*

Annotation: The article analyzes the culture of cities and town planning in the area of the Ancient Ferghana Valley, archaeological sites, their place and role on the Great Silk Road based on archaeological research and written sources.

Keywords: *"Heavenly vultures", "Hanshu", Zhang Xiang, the Great Silk Road, "Damascus swords".*

Miloddan avvalgi II asrdan boshlab Sariq dengiz qirg‘oqlarida joylashgan sharlardan boshlab G‘arbga ya’ni O‘rta yer dengiziga qadar xalqaro savdo yo‘li hisoblagan Buyuk Ipak yo‘lini tarmoqlari qadimgi Davon(Farg‘ona) orqalio’tgan bo‘lib, bu yo‘ldan ipak va boshqa mahsulotlarning xalqaro tranzit savdosi amalga osha boshlaydi. Savdo yo‘lida qadimgi Farg‘ona vodiysida vujudga kelgan Davon davlatining yirik madaniyat, savdo-sotiq va hunarmandchilik markazlari hisoblangan shaharlari muhim ahamiyatga ega bo‘lgan.Qadimgi davrda Buyuk Ipak yo‘lini shimoliy tarmog‘i Farg‘ona vodiysi orqali o‘tishiga o‘ziga hos sabablar mavjud bo‘lib, bulardan biri bu hududdagi yirik hunarmandchilik rivojlangan shaharlarning mavjudligi, ulardagi savdo-sotiq munsabatlarining rivojlanganligi ham edi.Ishlab chiqarish kuchlarni rivoji Farg‘ona shaharsozlik madaniyatining gullab-yashnashiga olib kelganligini ta’kidlab o‘tish joiz. Buyuk Ipak yo‘li faoliyat ko‘rsata boshlashi ham bu hudud shaharlarining tez suratlarda rivojlanayotgan davriga to‘g‘ri keldi. Bu qit’alararo savdoda sharqiy Sug‘diyona chegaralaridan to Tan imperiyasi chegaralarigacha bo‘lgan savdo yo‘lining xavfsizligini taminlashda, oziq-ovqat, yo‘l ko‘rsatuvchilar va tarjimonlar yetkazib berishda Farg‘ona asosiy ro‘l o‘ynagan. Bu noyob savdo yo‘li ulug‘ ajdodlarimiz sa’y-harakatlari samarasi o‘laroq umumbashariyat tarixiy taraqqiyotida yorqin iz qoldirgan. Ayniqsa, bu yo‘lning Vatanimiz sarhadlaridan o‘tganligi uning tarixiy taqdirida, iqtisodiy-madaniy yuksalishida hamda boshqa xorijiy ellar bilan izchil

hamkorlik va xamjihatlikda katta ijobiy rol o‘ynagan.Miloddan avvalgi I-milodiy I asrlarga oid Xitoy yozma manbalari “Shiszi” va “Xanshu”da Farg‘onada vodiysida 70 ta shahar bor ekanligi yozilgan. Keyingi davrlarga oid yan bir Xitoy yozma manbasi “Tanshu”da Farg‘ona vodiysida 6 ta katta va yuzdan ortiq kichik shaharlar borligi yoziladi[3.139]. Buyuk Ipak yo‘lida joylashgan Farg‘ona vodiysida shunday tarixiy yodgorliklardan biri Andijon viloyati hozirgi Marhamat(oldingi nomi Mingtepa) tumanida joylashgan Ershi shahar arxeologik yodgorligi hisoblanadi. Mingtepa (Ershi shahri)ni vatanimiz tarixida shu bilan birga Buyuk Ipak yilida tutgan o‘rni va rolini aniqlash, dunyo shaharsozlik tarixiga qo‘shgan hissasini aniqlash borasida arxeolog olimlar va mutaxasislar tomonidan o‘tgan asrning 30-yillaridan boshlab qazishma ishlari, ilmiy izlanishlar olib borilmoqda.Mingtepa arxeologik yodgorligi Andijon viloyatining janubiy-sharqiy qismida joylashgan bo‘lib, Andijon shahri markazidan 38 km uzoqlikda, hozirgi Marhamat tumanining markazida joylashgan.Mingtepaning tarixiga nazar tashlar ekanmiz, bu hududda tarixiy manbalarda Qadimgi Farg‘ona vodiysida vujudga kelgan Davon davlatini markazi, eng yirik bosh shahri Ershi shaharni bo‘lganligini bilamiz. Vodiydagi bu yirik davlat haqidagi ko‘plab ma’lumotlar Xitoy tilidagi manbalarda uchratishimiz mumkin. Xitoyning qadimgi yozma manbalarida “Buyuk Ipak yo‘li”da joylashgan bu qadimgi shahar o‘zining rivojlangan dehqonchiligi, hunamandchilik sohalari, shu bilan birga qadimgi sharq dunyosiga mashhur “Samoviy tulporlari” haqida ma’lumotlar keltiradi. Mingtepa shahar xarobasi o‘rganilish davri davomida ikki qismdan, ichki va tashqi shaharlardan iborat ekanligi oydinlashdi. Shundaichki qism, taxminan, 41,2 gektar, tashqi shahar qismi 320 gektardan ortiq maydonni egallagan antik davr yodgorliklaridan biri bo‘lgan[1,7].Mingtepa shahar xarobasi, mashhur arxeolog olimlar A.N.Bernshtam, Y.A Zadnepprovskiy, B.X.Matboboyevlarning izlanishlari natijasida kelgan xulosalariga binoan, Qadimgi Davon davlatining potaxti Ershi shahri ekanligi aniqlandi. Ayniqsa,2012-yildan buyon tarix fanlari doktori Boqijon Matboboyev raxbarligida O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Arxeologik tadqiqotlar instituti hamda Xitoy Xalq Respublikasi Ijtimoiy Fanlar akademiyasi Arxeologik instituti arxeolog olimlari bilan hamkorlikda Mingtepa hududida arxeologik dala tadqiqot ishlari olib borilmoqda[1,7]. O‘tan yillar davomida yodgorlikning 20 ortiq nuqtasida arxeologik qazishma ishlari amalga oshirildi[4]. Yozma manblarda Qadimgi Farg‘onaning xo‘jaligini asosini hunarmandchilik, dehqonchilik tashkil etganligi haqida ma’lumotlar mavjud. Dehqonchilikda sholi va bug‘doy ekilgan. Mevalardan uzumchilik keng tarqalgan. Bundan tashqari dunyoda Farg‘onaning zotli otlari ham mashhur bo‘lagn.Xitoy manbalari qadimgi Farg‘ona chorvachiligining o‘ziga xos tomoni bo‘lgan yilqichilikning yuqori darajada rivojlanganligi haqida ham ma’lumotlar beradi. Qadimgi Farg‘ona antik davrda mashhur zotdor otlari bilan shuhrat qozongan. Davonning mashhur “Samoviy otlari” tasviri tushirilgan qoyatosh suratlari bizning kunlarimizgacha saqlanib qolgan[2,26]. Arxeolgik tadqiqotlar

shuni ko‘rsadiki, Mingtepadan topilgan sopol idishlarni tayyorlanishi, uning tashqi ko‘rinishida ham So‘g‘d, Baqtiriya, shu bilan birga Xitoy hunarmandchilik an’analarining aks etganini ko‘rish mumkin. Mingtepa shahri geografik jihat qulay hududda joylashganligi, savdo-sotiq, hunarmandchilik rivojlangi uchun hambu shahar orqali sharqdan g‘arbaga qadar o‘tgan Buyuk Ipak yolida joylashgan asosiy yirik shaharlardan biri sifatida etirof etiladi.Mingtepa qadimgi shahrining qurilishi xozirgacha tekshiruv natijalariga ko‘ra miloddan avvalgi IV-III asrlarga to‘gri kelsada, ayrim belgilar uni oldinroq qurilgan bo‘lishi mumkinligini ko‘rastmoqda. Mingtepa Buyuk Ipak yo‘lida Baqtriya, Usturshona, Choch, kabi hududlarni Xitoy shaharlari bilan, Xitoy shaharlarini o‘z navbatida G‘arbiy hududlardagi savdo markazlari bilan bog‘дagan shahar edi. Ko‘p yillar davomida Ipak yoli bo‘yidagi hunarmandchilik savdo markazi sifatida geosiyosiy rol o‘ynagan. Buni Farg‘ona vodiysidan topilgan ayrim Xitoy tanga pullari, Ipak matolari va jez ko‘zgulari ham isbotlaydi.

Demak, shuni takidlashimiz kerakki Mingtepa Buyuk Ipak yo‘li boshlangan miloddan avvalgi II asrdan milodning V-VI asrlarigacha Sharq va G‘arb o‘rtasida nafaqat savdo-sotiq, balki xalqlar o‘rtasida madaniy-ma’rifiy xamkorlik vositasi sifatida faoliyat yuritgan karvonlarnii qo‘nim topgan, rivojlangan azim shahar edi. Fargona vodiysida yan bir shahar borki, u qadimgi dunyo tarixida shuningdek Buyuk Ipak yo‘lida xalqaro savdoda o‘zning hunarmandchilik buyumlari, “Damashq qilichlari” nomi bilan tanilgan qadimgi Axsikat shahridir. Miloddan avvalgi III asrda hozirgi Axsikent yodgorligi o‘rnida 40 gektardan ziyod maydonda qadimgi Farg‘ona davlatining poytaxti Farg‘ona(Axsikat) shahriga asos solinadi[3,42]. Farg‘ona vodiysi orqali o‘ztgan Buyuk Ipak yo‘lining shimoliy va janubiy tarmog‘lari ham Axsikat orqali o‘tgan. Axsikatda hunarmandchilik yuksak darajad arivojlangan. Hunarmandlarning ko‘pchiligi temir, po‘lat ishlab chiqarish va bu hom ashyodan xilma –xil buyumlar va qurollar tayyorlaganalar. Biz buni arxeologik tadqiqotlar natijasida ko‘rishimiz mumkin. Arxeolog tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki Farg‘ona-Axsikat shahrining iqtisodiy salohiyati va uning yurtimiz tarixida, qadimgi sharq va g‘arb tarixida tutgan o‘rnini aniqlash imkonini beradi. Axsikatda tayyorlangan qurollar “Damashq” qilichlari nomi bilan butun dunyoga mashhur bo‘lgan[3,74]. Axsikat shahri ham o‘zining geografik qulay hududda joylashganiligi, iqtisodiy, madaniy rivojlangan shahar bo‘lganli natijasida Buyuk Ipak yo‘lida katta mavqeyiga ega Farg‘ona vodiysini yirik savdo markazi sifatida etirof etiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Шаҳло Хусанова. Мингтепа.- Наманган: Наманган нашриёти, 2019 й. –В.279
2. Абдуҳолиқ Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан.Тошкент., “Фан”.2002.
3. Abdulhamid Anorboyev. Farg‘onaning qadimgi shaharlari va ularning markaziy osiyoda tutgan o‘rni. –Toshkent: “Fan” nashiryoti, 2022 y. –B. 139.
4. Manba https://mingtepa.uz/мингтепа-археологик-қазишмалар-ва-ул/

II ШУЪБА: ТАРИХНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲАРБИЙ ҚУРОЛ-АСЛАҲАЛАР ТАРИХИГА ДОИР (милоддан аввалги VII – милоднинг VIII асрлари)

Б.Х.МАТБОБОЕВ, Ўз РФА Археология институти Самарқанд

Аннотация: Мақолада водийда кейинги пайтларда аниқланган илк темир ва илк ўрта асрларга оид қурол-яроғ комплекслари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *Қуролсозлик, Хўжаобод, жанговор болта, “кельт лопатка”, сувлиқ.*

Аннотация: В статье анализируются раннежелезные и раннесредневековые оружейные комплексы, обнаруженные в Ферганской долине за последние годы.

Ключевые слова: *Оружие, Ходжабад, боевой топор, «кельт лопатка”, удила.*

Annotation: It should be noted that weapons and military issues are poorly studied in the Fergana Valley.

Keywords: *Weapon, Khojabad, battle axe, "celt shovel", bit.*

Қадимда ва ўрта асрларда Фарғона водийсидаги қуролсозлик, қурол-яроғ ва уларнинг турлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Бунинг бир неча сабаблари бор. Улардан энг асосийси археологик комплексларда қурол-яроғ топилмаларининг кам учрашидир. Бунинг устига улар тасвири туширилиши мумкин бўлган ашёлар ҳам Фарғона водийси археологик топилмалари орасида деярли йўқ. Масалан, водийда илк ўрта асрлар охирларидан бошлаб учрайдиган танга пуллар, деворий суратлар(?), майда ҳайкалчалар ва бошқаларда ҳам қурол-аслаҳалар тасвири учрамайди [4]. Бироқ қурол-яроғлар тарихини ўрганишда кейинги пайтларда кам бўлсада ўзгаришлар кузатилмоқда. Водий қадимги ва ўрта асрлар қуролсозлик тарихи бўйича янги маълумотлар пайдо бўла бошлади [22]. Андижон вилояти, Хўжабод тумани Дилкушод қишлоғида аниқланган Деватепа(Қирққиз)дан топилган илк темир даврига оид бронза буюмлар хазинаси (11 та предмет) ва Наманган вилояти Поп шаҳри яқинидаги илк ўрта асрларга таалуқли Мунчоқтепа шаҳар қабристони(некрополи)даги қазишмалардан 30 га яқин қурол-яроғ намуналари қайд қилинди. Дилкушоддан топилган илк темир даврининг Фарғона водийсида олдин учрамаган айрим ҳарбий буюмлари Марказий Осиё кўчманчи аҳолиси (саклар) тарихи учун муҳимдир. Улар жанговор болта (чекан, клевец, боевой топор), сувлиқ (псалие), иккита “келт-лопатка”, бронза кўзгу (ойна), 6 та уст-бош анжомлари (фурнутуралар)дан иборат. Топилма жой жиддий бузилгани ва топилмалар

атрофида одам майда суяклари учраши уст-бош буюмлари қабрга, бронза буюмлар эса хазина таркибига кириши мумкин деган фикрни айтиш имконини беради. Мазкур давр қабрларини шимол, шимоли шарқ томонида от скелети бутун ҳолда учраган (24, с.48-50), баъзи ҳолларда отни бош суяги алоҳида учраши ҳам мумкин. Дилкушоддаги бронза буюмлар бошқа кўчманчи аҳоли материаллари билан солиштирилиб милоддан аввалги VII-VI асрлар билан саналаниши мумкинлиги аниқланди. Хусусан, мутахасислар фикрича мазкур шаклдаги сувлиқ кўрсатилган даврдан кейин евраосиё худудларида учрамайди [24, с.47-48; 26, табл. 103, Б. 11]. Мазкур топилма водийда саклар масаласига айрим аниқликлар киритиши мумкин. Биринчидан Дилкушод бронза буюмлар хазинаси соҳибларини яъни сак қабилаларини янги гурухини водийни тоғолди, тоғ зоналарида пайдо бўлишини вақтини, иккинчидан уларни тарқалиш географиясини кўрсатади. Чунки сакларга оид комплекслар Кетмонтепада, Олойда ва водийни шарқий қисмида кам бўлсада учраган, лекин улар комплекслардан ташқарида аниқланган, ҳаммаси тасодифан топилган [25, с.137; 27, с.19-20]. Сак қабилалари Фарғона водийси теграсида (перифериясы) яшаганлар, таъкид жоизки айнан биз келтирган саклар аввалига аҳамонийларни, кейин Александр Македонскийни водий томонга юришини тўхтатган “Суғд ортидаги саклар” бўлиши мумкин. Ҳозиргача мазкур худуддан асосан шарқий Фарғонада уч жойда саклар маданиятига таалуқли топилмалар маълум эди: 1) бронза ханжар (акинак) Андижон вилояти Пахтабод тумани Шилягай қишлоғилик ўқитувчи томонидан Чувама қишлоғидан топиб олинган; 2) оёқли бронза қозон Андижон вилояти Избоскан тумани Туячи қишлоғидан Катта Фарғона канали қурилиши пайтида топилган; 3) дастаси юмалоқ пичоқлар Луғумбек ва Туячи қишлоқлари оралиғи канал қурилишида қўлга киритилган. Эндиликда биз келтирган саклар маданиятига оид 11 дона янги топилма шу каби комплексларни сонини кўпайтиради. Шу вақтгача водийда бунчалар саклар моддий маданияти намуналари топилмаган эди. Саклар учлигидан (сакская триада) от абзали бўлмиш сувлиқни (псалие) ва жанговор болтани (клевец, чекан) Фарғона водийсида (балки Марказий Осиёда!) биринчи бор топилиши мазкур кўчманчи халқни тарихини янги маълумотлар билан бойитади (27, с.20).

Маълумки евроосиё кенгликларида скиф/сак учлиги, деган тушунча бор, улар археологик комплексларда учаласи бирга албатта учраши керак. Уларга “сак зверин услуби” предметлари (сакский звериный стил), қурол яроғ ва от абзаллари киради. Юқорида айтдик, Фарғона водийсида уларни айримлари кам бўлсада учрайди. Водийда ҳозиргача сак учлиги педметлари бир ерда учрамаган. Бироқ айрим мақолаларда (Б.Литвинский, Н.Горбунова ва б.) саклар билан боғлиқ жараёнлар асоссиз равишда бўрттириб юборилган. Яъни водийда сакларни турли гурухлари яшаганлар, Эйлатон шахар харобаси саклар шаҳри, ҳатто улар (саклар) “сак-хаумаваргалар” конфедерациясига бирлашганлар деб иддао қиладалар (28, с.53-55). Ҳатто

Чуст қадимги деҳқончилик маданияти саклар таркибидан ажраб чиққан деган асоссиз фикрлар билдирилмоқда. Бизлар ҳам водийсида кўчманчи чорвадорлар бўлганлигини ва улар ролини инкор этмаймиз. Қадимги Фарғона Давань давлати (подшолиги) бошқарувида саклар бўлгани ёзма манбаларда қайд этилган. Аслидачи, деган савол туғилади. Аслида Фарғона водийсида бронза давридан милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридан икки хўжалик (типи) юритиш мавжуд бўлгани хақида археологик маълумотлар аниқланган: бири ўтроқ дехқончилик (Чуст маданияти) ва иккинчиси кўчманчи чорвадорлар (Қайроққум маданияти)га тааллуқли. Деҳқонлар дарё ва сой ҳавзаларида (сунъий суғориш), текислик қисмида хўжалик юритган. Чорвадорлар тоғ олди, тоғли районларда яйлов чорвачилиги билан шуғулланганлар. Демак, Фарғона водийсини илк темир даврида Эйлатон[1] ўтроқ деҳқончилик маданияти (29, с. 87-95) ва Оқтом кўчманчи чорвадорлар маданияти археологик жиҳатдан қайд этилган. Эйлатондан сўнг Шўрабашот ва ундан сўнг Мингтепа (Мархамат) маданиятлари тарихий кетма кетликда давом этади. Кўчманчи чорвадорларни археологик комплекси Оқтом босқичидан сўнг Қорабулоқ маданияти материалларида давом этади[2]. Мазкур икки типдаги хўжалик юритиш водийда то ҳозиргача давом этмоқда. Яъни, текислик ва оқар сув манбалари мавжуд худудларда деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли яшаса, адирлик қисмида, тоғолди ва тоғлик жойларда кўчманчи чорвадор аҳоли истиқомат қилган. Фарғона материаллари орасида яна қурол-яроғ билан боғлиқ Чуст маданиятига тааллуқли, қумтошдан ясалган ва найза учини қуйишга мўлжалланган қолип (Қуршоб ва Ясси дарёларининг Кампирравот (Андижон) сув омборига қуйилиш жойида топилган), Далварзиндан маданий қатламдан аниқланган найза учи ҳам ажралиб туради. Чуст ва Эйлатон маданиятлари ёдгорликларидан бронза, темир, суякдан ясалган бир неча жанговар пайконлар қайд қилинган [23, с. 225, иловалар]. Дилкушоддаги ва Қорадарё-Норин оралиғидаги топилмалар аҳамияти каттадир. Хусусан, тўрт топилмадан учтаси Мойлисой адоқ қисмида илк темир даврига оид маркази Эйлатон бўлган яна бир кичик деҳқончилик вохасини шаклланганини ва унда айрим сак қабилаларини яшаганлигини кўрсатади. Булар водийнинг ушбу қисмидаги саклар деҳқончиликка ўтишганини ва ўтроқ деҳқон хамда кўчманчи чорвадорлар симбиози дастлабки элементларини кўринишлари эди [25, с.140-141].

Таъкидлаш жоизки, тошга сўқилган расмлар(петроглифлар) ичида айрим қуролланган одамлар тасвири учрайди, уларда камонга ўхшаш

[1] Эйлатон даври аҳолиси Чуст маданияти соҳибларининг ворислари ва тўғридан тўғри авлодлари эдилар, шунинг учун Эйлатонни саклар шаҳри деб ҳисоблаш, археологик комплексларни кўчманчиларга қўшиш спекулятив уйдурма деб ҳисоблаймиз.Бизлар мазкур муаммога олдинги мақолаларимизда батафсил тўхталиб ўтганмиз.

[2] Шу муносабат билан Қўғай-Қорабулоқ маданияти икки хил: деҳқонлар ва чорвадорлар маданиятлари эканлиги аён бўлади. Бу икки маданиятни сунъий қўшилиши тарихий жараёнларга зиддир. Демак, Қўғай маданияти деҳқонлар, Қорабулоқ кўчманчи чорвадорлар маданиятлари деб биламиз.

қуролни кўриш мумкин [19]. Яна Мингтепа шаҳар харобасидан топилган сопол парчасига солинган тасвир диққатни тортади. Сопол парчасига тирнаб гул солинган тасвирда аскар камарига номаълум қурол бириктирилгани кўринади. Шимолий Фарғонада Баландтепа ва Мунчоқтепада олиб борилган археологик ишлар натижасида яхши сақланган қурол-яроғ намуналари топилди. Хусусан, Мунчоқтепа қадимги қабристони материаллари ичида қуйидаги гурух қурол-аслахалар аниқланган: 1) *маълум масофада туриб жанг қилишга мўлжалланган* камон ва уни ўқ ёйи (пайкон), 2) *яқин масофадан жанг олиб боришда қўлланиладиган* пичоқлар, ханжарлар, 3) *ҳимояланишга қаратилган* темир совутлар қисмлари намуналари қайд этилди. Темир совут қисмлари фақат Баландтепадан топилган[3]. Мураккаб таркибли (тузилган) камон ва унинг қисмлари. Археологик ёдгорликларда одатда камонлар (ёй, камалак ҳам дейилади) тўлалигича камдан кам ҳолларда сақланади. Асосан уларни қисмлари, суякдан тайёрланган қадамалар учраб туради. Шунинг учун Фарғона водийси шароитида у ёки бу даражада сақланган камоннинг аҳамияти каттадир. Чунки водийдаги илк ўрта аср археологик ёдгорликлари Суғд, Бақтрия-Тоҳаристон, Шарқий Туркистон ёдгорликларидан фарқ қилиб, камон тасвири туширилган санъат асарлари-деворий сурат, тангалар йўқ. Тўғри, Фарғонанинг қоя тошлардаги суратларида камон тасвири бор [3; 18, 5-7, рис. 11; 19]. Лекин улардаги тасвир бўйича камон тузилиши ҳақида тўлақонли маълумот олиш қийин, қолаверса камон тасвири туширилган қоя тошлардаги расмлар хронологияси жуда кенг - милоддан аввалги III минг йилликдан тортиб то сўнгги ўрта асрларигача бўлган давр билан белгиланади [19]. Фарғонада дастлаб камонни тўла сақлангани Қорабулоқ мозорида топилган. Қазишма муаллифи Ю.Д. Баруздин хулосасига кўра, Қорабулоқда очилган қабрларда тўртта камон ва унинг қисмлари аниқланган [5, с.43-81]. Мунчоқтепадан топилган камон ва унинг ўқ-ёйлари мавжуд маълумотларни тўлдириб бойитади (30, рис.93-94) ва Марказий Осиё қуролсозлигини ривожланиши тарихида муҳим бир бўлак ҳисобланади [10]. Камон ва у билан боғлиқ ўқ-ёй қисмлари 5-сағанани тўртта қамиш тобутида (Б-1, Б-6, Б-7, В-5 қамиш тобутлар) қайд этилди. Тобутларда 30-50 ёшли эркак[4] кишилар дафн этилган эди. Улардан Б-6 ва В-5 да камонлар нисбатан яхши сақланган. Улар тобут ичида марҳум устига қўйилган эди, бир ҳолатда болдир суяклари (В-5) ва бошқа ҳолатда тос суяклари (Б-6) устида деярли бутун камон турарди. 5-сағанадан топилган камонлар тузилишига кўра, ўзагини ёғоч асос ва унга ёпиштирилган суякдан ясалган қадамалардан иборат. Ёғоч асос майда-майда ҳолда сақланиб қолган. Улар орасида каттагина ёғоч асос кўзга ташланади. Терс томонидан суяк устамаларни ёпиштириш учун сирти тўр-тўр қилиб чизиб

[3] Ханжар, пичоқ, темир совутлар алоҳида ўрганиш мавзуси бўлгани учун уларга тўхталмаймиз.

[4] Антропологик тадқиқотлар илмий ходим Ш.Л. Абилов томонидан амалга оширилган (Антропологлар проф. Т.К. Ходжайов ва С.И.Мустафакуловлар Мунчоқтепа антропологик материалларини ўрганганлар).

тирналган.

Мунчоқтепада суяк устамалар яхши сақланиб қолган, уларнинг сони бешта. Ҳамма суяк устамаларнинг ҳар икки томони ёки терс томони учларига тирнаб тўр-тўр қилинган. Унинг сабаби ёғоч асос бирлаштирилганда елимни яхши ушлаши кўзда тутилган, узунликлари 16,2-21,5 см; эни 2,5-3,2 см). Олд томонга бирлаштирилган суяк устамалар юз томонидан ойнадек силлиқ қилиб текисланган. Терс томони тирнаб тўр-тўр қилинган (узунликлари 13,5-14 см, эни 1,1 ва 1,3 см). Мунчоқтепанинг камон ашёларини ичида камон ипи (арқонини, тетива) маҳкамлашга мўлжалланган устамалар топилмади. Ушбу ҳолатни икки хил изоҳлаш мумкин. У сақланмаган ёки улар калта ёғоч устамалар сифатида ёғоч асосга бирлаштирилган, бундай ҳолат бошқа ерлардан топилган камонларда кузатилган [6, с.87-88].

Демак, бу ҳолатда ҳам ёғоч устамалар сақланмаган, чунки ёғоч суякка нисбатан ёмон сақланади. Мунчоқтепа камонларининг қисмлари тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтирамиз:

Камон қисмлари Тобутлар	Ёғоч асоси	Суякдан ясалган устама қопламалар	
		Ён томондаги	Олд томондаги
В-5	2	2	2
Б-6	2	1	1

Бу жадвалга кўра, камонни кўплаб қисмлари етишмайди, сабаб тобутга синган, бузилган камон қўйилган бўлиши мумкин. Аммо топилган камон қисмлари асосида Мунчоқтепадаги камонни тиклаш мумкин. У бошқа бир Фарғона камони-Қорабулоқдан топилганига жудаям ўхшайди, яъни суяк ва ёғоч устамалар сони бир хил. Мунчоқтепада ҳам, Қорабулоқда ҳам ёғоч асос устидан кўплаб суяк устамалар бирлаштирилган. Аммо улар ўртасида маълум фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, Мунчоқтепани ён ва ўрта қисмидаги суяк устамаларнинг узунлиги (22 см. гача) Қорабулоқдагилардан (26 см. гача) калтароқ эди. Демак, Мунчоқтепадаги камон Қорабулоқдагидан кичикроқ эди. Тадқиқотчилар хулосасига кўра Қорабулоқдаги камоннинг узунлиги 140-165 см бўлган [5, с. 61-62, рис. 11]. Ўз навбатида, кўҳна турклар давридаги бошқа камонларни узунлигини ҳисобга олган ҳолда Мунчоқтепа ёйининг узунлиги 120-140 см. атрофида бўлган дейиш мумкин [6, с.31; 12, с.36; 16, с.139-143]. Албатта, барча белгилари билан Мунчоқтепа камони мураккаб таркибли камонлар қаторига қўшилади. Бундай камонлар Ўрта Осиёда анчайин кенг тарқалгани маълум ва у эрамизнинг бошларида жанговор қурол сифатида шаклланиб бўлган эди [9, с. 51-69]. Булар «хунлар камони» типига киради. Маълумки, «хунлар» камонида еттита ёғоч ва суяк устамалар бўлади. Улар камонни икки томонига иккитадан, ўрта қисмига учта бирлаштирилган [14, с.21]. Бу камонларнинг бир неча хиллари қайд этилган. Илк ўрта асрларга келиб, мазкур камонлар ўлчамлари кичрайсада, лекин уларнинг жангаворлик хусусиятлари камаймаган [15, с.35; 6, с.87]. Мунчоқтепа камонларининг ўлчамларини кичрайишини ҳам шу билан изоҳланиши мумкин. Камонлар

билан бирга жанговор пайконлар ва ўқ-ёйни ёғоч ва қамиш соплари ҳам топилди. Пайконлар 6 дона, барчаси зўғатали, темирдан, улардан биттаси уч қиррали, иккитаси тўрт қиррали, учтаси уч парракли. Пайконларни ёғоч ва қамишдан ясалган соплари 6 дона, қаламсимон юмалоқ қилиб ишланган. Таъкид этиш керакки, пайкон соплари бутунлигича камдан-кам сақланади, шу сабабли одатда улар ҳақида маълумотлар оз. Мунчоқтепадаги топилмаларни яхши сақлангани учун камон ўқ - ёйини тўла тиклаш имкони пайдо бўлди. Бир ҳолатда бутун сақланган пайкон ёғоч сопи бизгача етиб келган. Яна камон ўқининг «дум» қисми 7 дона. Гап шундаки, баъзида камон ўқларини ушлаб отиладиган қисми («дум» қисми) ёғочдан ясалган (30, 93-расм). Камон ўқининг дум қисми, калта қаламсимон юмалоқ қилиб ёғочдан йўнилган. Бир учи сал бўрттирилиб «илон боши»нинг шакли берилиб, узунасига 1-1,5 см. қирқиб камон ипи тушадиган кўндаланган қирқим қилинган. Иккинчи тарафи учланиб, қамишга кирадиган қилинган. Улар жуда чиройли қилиб, ҳафсала билан ясалган. Айримларига айлана қилиб қизил ва қора йўл-йўл ҳошиялар қилинган. Пайкон ўқининг дум қисми ёки пайконларнинг ёғоч соп қисмларини бўяб безаш қадимги ва илк ўрта асрларда маълум бўлган одат ҳисобланади [15, с.42; 1, с.366-368]. Камон ўқларини «дум» қисмини бўяб зеб берилиши ҳақида тадқиқотчилар орасида ҳар хил фикрлар бор. Баъзи бирлари уни оддий безак деб қарайдилар, бошқалари диний маросимларда фойдаланилган ўқлар намунаси деб биладилар, яна бир гуруҳи эса уни махсус белги, деб ҳисоблайдилар. Яъни, жанг пайтида аскар ўқни ўқдондан хатосиз олиши учун керак бўлган деб қарайдилар [12, с. 40]. Бизнингча ана шундай белгили камон ўқларини бўлишини Фарғонада ўқдон(садақ)ни ёпиқ шакллиси бўлганидан далолат деб қараймиз. Фарғона водийсида фойдаланилган ўқдон(садақ) шакли ва қандай осиб юрилгани ҳақида умуман маълумот йўқ. Бизлар бир тахмин сифатида фикр юритдик, халос [16, с.150]. Бу даврда Ўрта Осиёда камон ва уни ўқлари алоҳида махсус ғилофларда(налучье, колчан) ҳам сақланган. Камон ўнг томонда, ўқдон чап томонда олиб юрилган [17, с.167]. Камон ўқларидаги овоз чиқариш учун қўлланилган пар(пат)лар ҳам сақланмаган. Камон ўқлари хусусиятларини ҳисобга олиб [20], уларни қуйидаги икки хилини кўрсатиб ўтамиз:

1- хил (тип). Темир пайкон ва унга бириктирилган ёғоч сопдан иборат.

2- хил (тип). Темир пайкон, унга қамиш соп бириктирилган ва ёғочдан «дум» қисмдан иборат. Буларга қўшимча қилиб яна эҳтимол пайконга бириктирилган қамиш сопли ўқлар ҳам бўлган бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Чунки илк ўрта асрлар ёдгорликларидан ана шундай ўқлар маълум [13, с.73-74]. Мунчоқтепадаги камон ўқларини пайкон билан узунлиги (қўшни хуудлардаги шундай топилмаларни хисобга олган холда) бир метргача борган деб ҳисоблаймиз [5, с.62; 3, с.124; 8, с.37; 13, с.73].

Аниқроғи эса пайкон билан қўшиб ҳисоблаганда, камон ўқининг узунлиги 75-85 см. бўлган дейиш мумкин. Қолаверса шундай камон ўқлари илк ўрта асрларда кўпроқ тарқалган ва нишонга аниқ тегиши билан ажралиб турган [11, с.49-53]. Суяк ранда (струг) ҳам камон билан бирга Б-6 қамиш тобути ичидан топилди. Ранда камон ўқларини ёғоч сопларини силлиқлашда фойдаланилган [11, с.50. Табл. XI]. Суякдан рандани бошқа ҳудудлардан билардик, водийда биринчи марта қайд этилишидир.

Юқорида келтирилган камон ўқларини қай ҳолатдан қандай фойдаланганлиги ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Яъни, ***биринчи тип*** (ёғочдан ясалганлари) бизнингча ҳарбий ҳаракатлар вақтида фойдаланилган. Уларни ясаш жуда сермашаққат, сермеҳнат бўлсада, лекин бир муҳим томони бор, яъни у нишонга аниқ тегади. ***Иккинчи тип (***қамишдан ясалган) эса асосан овчиликда қўлланилган уни тайёрлаш қийин эмас. Қамиш ўқлар Ўрта Осиёда анча оммавий ва узоқ вақт фойдаланилса бўлган қурол турларига киради [15, с.42]. Лекин қамиш ўқларни заиф томонлари ҳам бор. Сабаби, пайкон билан уни қамиш сопи оғирликларидаги номутаносиблик оқибатида мўлжалга аниқ етиб бориши қийин. Шундай қилиб, Б-6, В-5 қамиш тобутларда жангчи ва овчилар дафн этилган. Яна тўқимачи, мусиқачи, пойафзалчи тобутлари яққол ажрайди. Буни улар ёнидан аниқланган дафн анжомлари ҳам исботлайди. Мунчоқтепадаги камон ва ўқ-ёйлари Қорабулоқдан сўнг топилган ва сақланиши яхши бўлган ҳарбий анжомлардир. Улар Фарғонада илк ўрта асрлардаги мавжуд бўлган асосий қурол-яроғ тўғрисида хабар беради [21]. Қолаверса ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар тўғридан-тўғри ўз тасдиғини топади. Манбада ёзилганидек: «Қурол-яроғи камон ва ўқ-ёй, найзалардан иборат. Улар (фарғоналиклар – Б.Х.М) отда туриб ўқ узишга моҳирлар» [2, с.149].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. **Бентович И.Б., 1958.** Находки на горе Муг (Собрание Государственного Эрмитажа) // МИА. № 66. -М.-Л., 1958. -С. 358-383.
2. **Бичурин Н.Я (Иакинф).** Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том I. –М. –Л.: Изд-во АН СССР, 1950. –381 с.
3. **Брыкина Г.А.** Юго-западная Фергана в первой половины I тысячелетия нашей эры. – М.: Наука, 1982. - 196 с.
4. **Булатова В.А.** Древняя Кува. - Ташкент: Фан, 1972. - 95 с.
5. **Баруздин Ю.Д.** Карабулакский могильник // ИАН Киргизской ССР. Серия общественных наук. Том III. Вып.3. (История). – Фрунзе, 1961. - С. 43-82.
6. **Гаврилова А.А.** Могильник Кудыргэ как источник по истории алтайских племен. - М. -Л.: Наука, 1965. - 113 с.
7. **Кляшторный С.Г.** Древнетюркская руническая надпись на бронзовом перстне из Ферганы // ТИИАЭ АН Тадж.ССР, том CIII. - Душанбе.: Дониш, 1959. - С. 167-168.
8. **Кожамбердиев И.** Катакомбные памятники Таласской долины // Археологические памятники Таласской долины. -Фрунзе, 1963. -С. 33-78.
9. **Литвинский Б.А.** Сложносоставной лук в древней Средней Азии (К проблеме эволюции лука на Востоке) // СА. № 4. -М., 1966. -С. 51-69.

10. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғона мудофаа иншоотларнинг ривожланиш босқичлари // ЎИФ. № 1-2. – Тошкент, 1997. -С. 45-49.

11. Медведев А.Ф. Ручное метательное оружие (лук, стрелы и самострел) VIII-XIV вв. // САИ. Вып. Е1- 36. -М., 1966. -184 с.

12. Могильников В.А. Тюрки // Степи Евразии в эпоху средневековья. Археология СССР. –М., 1981. -С. 29-43.

13. Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. -Л.: Наука, 1980. -140 с.

14. Савинов Д.Г. Народы Южной Сибири в древнетюркскую эпоху. - Л.: Изд-во ЛГУ, 1984. - 176 с.

15. Хазанов А.М. Очерки военного дела сарматов. – М.: Наука, 1971. - 172 с.

16. Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. – Новосибирск.: Наука, 1986. - 169 с.

17. Филанович М.И. К вопросу о военном деле в раннесредневековых государствах Средней Азии // Transoxiana. История культура. - Ташкент, 2004. - С.166-170.

18. Шацкий Г.В. Рисунки на камне. - Ташкент: 1973. - 160 с.

19. Шер Я.А. Петроглифы Средней и Центральной Азии. - М.: Наука, 1980. 328 с.

20. Васильев В.Н. Стрелы сарматов Южного Урала: Вопросы баллистики и производства // Военное дела древнего населения Северной и Центральной Азии. Новосибирск.1990. С. 19-23.

21. Матбабаев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V-VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. (Қўлёзма). Самарқанд . 2009. 560 с.

22. Матбабаев Б.Х. К изучению вооружений древных ферганцев// Марказий Осиё деҳқончилик маданияти ва дашт цивилизациясининг ўзаро муносабатлари. Самарқанд. 2011. С. 91-96.

23. Зокиржон Машрабов, Бокижон Матбобоев. Фарғона водийси тарихига чизгилар. Андижон. 2022. 256 с.

24. Членова Н.Л., Кубарев В.Д. Хронологические парадоксы горного Алтая // КСИА. Вып.199. Археология Средней Азии, Кавказа и Сибири. Москва. 1990. С. 46-55.

25. Заднепровский Ю.А., Бушков В.И. Предметы кочевников эпохи раннего железа в Эйлатанском районе Ферганы //Российская археология. №3. Москва. 1998. С. 136-141.

26. Степы европейской части СССР в скифо-сарматское время. Москва. 1989. 464 с.

27. Заднепровский Ю.А. Спорные вопросы истории культуры древней Ферганы // КСИА. Вып. 209. Москва. 1993. С.17-23.

28. Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы // История и культура народов Средней Азии. Москва. 1976.

29. Заднепровский Ю.А. Погребальнқе памятники Эйлатанской культуры Ферганы // КСИА. Вып. 199. Москва. 1990. С.87-95.

30. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. Ташкент: TAFAKKUR. 2009. 222 с.

БАХМАЛСОЙДАН ТОПИЛГАН БРОНЗА ДАВРИ ТОПИЛМАЛАРИ

М.ХАСАНОВ, ЎзРФА Миллий археология маркази, Тошкент

Аннотация. Мақолада Жиззах вилоятининг Бахмалсой қишлоғидан топилган бронза даври материаллари илк марта илмий муоммилага замонавий радиокарбон тахлиллари асосида Андронова маданияти қабрлари даврий санасига ойдинлик киритилди.

***Калит сўзлар**; Жиззах воҳаси, бронза даври, Афанасьево, Андроново, дафн маросими.*

Аннотация. В статье освещается материалы эпохи бронзы, обнаруженные в селение Бахмалсай Джизакской области. Впервые внедряется в научной оборот анализ могильников Андроновский культуры и даты, в основе современного радиокарбонного анализа.

***Ключевые слова:** Джизакская долина, период бронзы, Афанесьеова, Андроново, погребальный обряд.*

Annotation: In this article, the Bronze age materials found in the village of Bakhmalsoy in Jizzakh for the first time shed light on the scientific problem of the periodical date of Andronova culture graves on the basis of modern radiocarbon analysis.

Keywords: Jizzakh oasis, Bronze age, Afanasevo, Andronovo, burial site.

Ўрта Осиёда илк бронза даврларидан (мил. авв. IV - III мингйилликлар) катта ижтимоий ўсишлар, элатларнинг бирлашиб илк этник жамоаларни шакилланиши, ишлаб чиқариш ва янги технологияларни ихтиро қилиниш даври хисобланади.

Ўрта Осиё бронза даврида қатиян икки тарихий-маданий худудларга: Тянь-Шань дашт чўл худудлари, Амударё ва Сирдарё каби икки дарё оралиғида шакилланган Евросиё маданий бирликлари тизимига кирган Тозабоғёб ва Андронова дашти чорвадор жамоалари: Ўрта Осиёнинг жанубий районларида Копетдаг тоғларидан бош олган сойларнинг этакларида, Тажен воҳасида, жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон худудларида Қадимги деҳқончилик маданиятлари шакилланган.

Жиззах воҳасида кўплаб археологик экспедициялар тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Асосий эътибор илк темир антик даври ва ўрта аср ёдгорликларига ва муаммоларига қаратилган. Бу алибатта ёдгорликларни сақланиши билан боғлиқ муаммо эканлигини ушбу мақолада тўхталамиз. Жиззах воҳаси Буюк ипак йўлининг муҳим стратегик нуқтаси сифатида Суғд, Чоч ва Фарғонани боғлаб туради. Воҳанинг асосий қисми чорвачиликни ривожлантириш учун кенг адирликлардан иборат. Воҳада атига учта агроирригацион тармоқлар кузатилади (Пардаев, Ғофуров 2016.

6.б) улар ҳам мавсумий сув захирасига эга. Бу ҳудудда ҳам қадимги деҳқончилик ва чорвадорлар маданияти уйғунлашган макон сифатида қаралади (Тереножкин. 1947. с.127-135; унинг; 1950. с.90-100). Кейинчалик бу ғоя янга археологик материаллар билан бойитилди (Исаков. 1991. с.248; 1993. С.117-130; Исаков 1994, с. 146-158; Исаков ва б., 2003. С.150-167).

2008 йили Кўктепа археологик экспедициясининг мавсумий ишчилари Бахмалсой қишлоғи худудида хўжалик ишларини ўтказаётганларида қадимги қабрга дуч келишади. Маййит боши ғарб томонга қаратиб қўйилган, оёқлари шарқ томонга узатилган ҳолда бўлган. Маййитнинг оёқ ва қўлларида иккитадан бронзадан ясалган блакузуклар кузатилган. Суякларнинг ёмон сақланганлигидан уларни олиб бўлмаган[5]. Эслатиб ўтамизки Мўминобод қабрларидаги маййитларнинг боши ғарб томонга, маййит ғужанак ҳолда дафн этилган (Аскаров) Қабр лаҳатидан бундан ташқари битта қўлда ясалган идиш ва бронза ойна топилган. Блакузуклар юпқа бронза пластинадан айлана шаклида ясалган, унинг ўртаси қаварик, уч томонлари бир-бирига киришмаган. Билакузукларнинг диаметри 7,1 – 4,6 см, плстина кенглиги 3-1,9 см, пластина қалинлиги 0,4 см (1-расм *1*). Бу турдаги билакузуклар Зарафшон вохасида Мўминобод қабристони материалларидан фанда кенг муҳокама қилинади (Аскаров, 1969, с.56-62). Бу турдаги билакузукларни Н.А.Аванесова кенг географик худудларда кузатиб Жанубий Сибирнинг Абашева ва Большериченский маданиятларга хос, деб ҳисоблайди (Аванесова, 1991, с.67-68). Ҳар икки муалиф Мўминобод материалларини милоддан аввалги XII-XI асрларга оид, деб ҳисоблайдилар. Бахмалсой қабристонидан топилган иккинчи бронза билакузук топилма қаварик шаклда, орқа томонида уни осиб қўйиш учун ҳалқачали ойна, унинг диаметри 5,8 см, девор қалинлиги 0,5 см. Худди шу хилдаги ойнача Фарғонанинг Водил Япаги қишлоғидан Н.Г.Горбунова томонидан топилган, уни мил. авв. XII-XI асрларга оид, деб ҳисоблайди (Горбунова. 1995. с. 13-30). Шу хилдаги ойналар бир қатор Андроново маданияти ёдгорликларида учрайди (Маргулин. 1966, 75 б. Табл. VII, *1*; Грязнов 1956. Табл. III.*3*; Максимова 1961. 62). 1975 йили Тожикистон ФА тарих ва археология институтининг Зарафшон гуруҳи Чорбоғ қишлоғи ҳудудида жойлашган ўрта асрлар ёдгорлиги остидан Андронова маданиятига хос қабрни очиб ўрганади. Маййитнинг айрим сақланиб қолган суяклари асосида қабрнинг лаҳат қисми ғарб-шарқ йўналишида бўлган, деб хулоса қилинган. Маййитнинг бир қўлида иккита ва иккинчи қўлида учта мисдан ясалган билакузук сақланган. Улар Ўрта Осиё археологиясида маълум бўлган Мўминобод қабридан топилаган билакузуклар билан бир хил шаклда эканлиги, таъкидланади. Бундан ташқари, қабр ўрнидан мис мунчоқлар ва битта кумуш исирға ҳам топилган (Якубов. 1975. С.167-178). Саразм манзилгоҳи яқинидаги Тепаи-камар мозор-қўрғонида бешта қабр

[5] Мардиев Саид Кўктепа археологик экспедициясида кўп йиллар ишлаган мавсумий ишчи.

очиб ўрганилган. Улардан иккитаси якка, учтаси жуфт холда дафн этилган. Кўп қабрлар бузилганига қарамай маййитларнинг оёқ қўллари ғужанак ҳолда, боши жануб, ғарб ёки жануби - ғарб томонга йўналтирилган. Ўз вақтида сопол ва металл буюмлари илк Алакул ва сўнгги Алакул даврларига, мил. авв. XIII-XI асрларга тўғри келади (Исаков. 1993. с.117-130), деб хулоса берилган. Кейинги йилларда Зарафшон воҳасида қўлга киритилган янги бронза даври археологик материаллари масалани янада изчил, кичик воҳалар кесимида ўрганишни тақозо этмоқда. Асосий мақсадимиз, бу ёдгорликларни ўзига хослик томонларини аниқлашдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз бронза даври ёдгорликлар таснифини кичик воҳалар асосида беришни услубий томондан афзал, деб топдик. 2014 йили Ургут тумани Зинак қишлоғининг жанубий қисмида жуда катта бўзтупроқли (лесс) адирликлардан маҳаллий аҳолининг қурилиш ишлари учун тупроқ олинади ва у ердан битта мис билакузук топилган. Билакузук олинган ер, тоғдан бош олган мавсумий сел сувларидан хосил бўлган ердан тупроқ олиш натижасида йўқ қилинган. Сақланиб қолган суяклардан 7-10 ёшли қизболанинг қабри эканлиги аниқланган. Бронза билакузук юмалоқ шаклда, ўртаси қаварик, бир бирига туташган учлари ярим доира шаклда, диаметри 6,8 см, эни 2,7 см, қалинлиги 0,1 см, оғирлиги 4,72 г. Билакузук Мўминобод мозорқўрғонлардан очиб топилган билакузуклар сирасига ўхшайди. 1964 йили Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғида маҳаллий аҳоли томонидан узумзорни кенгайтириш вақтида бир қанча археологик топилмалар қўлга киритилган (Д.Н. Лев. 1966, стр. 101-104). А.А. Асқаров бошчилигидаги гуруҳ экинзорда кенг археологик ишларни олиб боради ва жаъми 5 та қабрларини очиб ўрганади. Қабрлар овал шаклида, скелети ғужанак ҳолда, чап ёнбоши билан дафн этилган. Маййитнинг боши лаҳатнинг ғарб томонида ўз жойида топилган ва маййитнинг йўналишини беради. Калла суягининг бош қисмида иккита мис балдоқ ва майда мис мунчоқлар (бисер) топилган. Қолган қабрларнинг топилмалари ҳам Қозоғистоннинг Андроново маданиятининг Фёдорово босқичига оид, деб топилган. Гарчи кўпчилик мутахассислар бу хилдаги топилмаларни милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарига оид, деб ҳисобласаларда, Мўминобод мозорқўрғони милоддан аввалги XII-XI асрлар билан даврланади (Аскаров. 1969. с.56-62). Н.А.Аванесованинг охирги йилларда Галашерик ва Жом қишлоқларидан топилган археологик материаллар мозорқўрғонларини ўрганишда замонавий усулда ёндошгани таҳсинга сазовор (Аванесова, Шайдуллаев, Еркулов. 2005.с. 12-33). Жом микроҳавзаси Зарафшон тоғ тизмасининг жанубий этагида Қаратов ва Зиёвиддин тоғларининг жануб томондан ўраб турган ерида, маҳаллий булоқлар асосида пайдо бўлган ҳудуд. Тоғлари жуда кўп минералларга бойлиги ва булоқлардан келаётган сув эвазига бу ерларда қадимдан

чорвачилик кенг тараққий этиб ҳозирга қадар анъанавий давом этиб келмоқда[6]. Жом қишлоғи жанубий-шарқий чеккасида жойлашган Галашерик табиий тепалик устидаги бронза даври манзилгоҳининг умумий майдони 3 га, баландлиги 18 м. Тепаликни маҳаллий аҳоли уй пойдевори учун кавланганида ер юзасидан 180-200 см чуқурликда жами 5 та қабр жойлари аниқланган. Шулардан бири 1980 йили Сигиртепа қишлоғидан топилган тош болта, ёки Бешбулоқ қишлиғидан топилган икки қиррали бронза камон учи, Қоразов қишлоғидан йўнилган тош болта каби топилмаларни келтиришимиз мумкин. Жом микровоҳасининг энг эътиборли томонларидан бири Қоратепа қишлоғидан 2,5 км шарқ томонда қадимги, балким, бронза даврига оид феруза (бирюза) кони топилганлигидир (Аванесова. 2010. С. 334-363). Жом қишлоғи ва унинг атрофларидан жуда кўп палеометалл даврини ўрганишда ноёб топилмалар қўлга киритилган. Айниқса, таги конуссимон хумча Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига тўғри келиши, ёки мис ойнанинг шакли қадимги деҳқончилик маданияти соҳибларига яқинлиги, лекин, унинг чекиб туширилган безаги Андроново маданиятига тегишлилиги юқоридаги фикрларга асос бўлган.



Жиззах воҳасидаги бронза даври дафн маросимларини Зарафшон воҳаси материаллари асосида босқичма - босқич кузатилганда, унда ўрта ва сўнгги энеолит даврларида маййитларни ғужанак холда, бошини аниқ бир йўналишсиз қўйганларини кузатамиз. Энг кўзга кўринарли томони уч-тўрт қабрни бир тош қўрғон ичига ўраб олиб дафн этганликларидир. Ҳатто, муқаддас Жуково саждагоҳида ҳам тош қўрғон ичида иккита алтарь ва ибодат майдончалари бор. Саразмнинг ўрта энеолит даврида шакилланган айрим диний маросимлар кейинги бронза даврида ҳам кузатилмоқда. Мисол учун, остига тош терилган ибодат майдончалари, олов атрофида сажда қилиш каби маросимлар ўтказилганлигидан далолат беради. Н.А.Аванесованинг кузатишларига қараганда дафн маросимлари ривожининг иккинчи босқичи Сазағон, Жом, Дашти Қози ва Зарча Халифа мозор қўрғонларида кузатилади. Унинг фикрига қараганда, Зарафшон воҳаси қисқа вақт мобайнида БМАК таркибида қолади. Бу давр Жанубий Ўзбекистоннинг Сополли маданияти Жарқўтон босқичига тўғри келади. Зарафшон воҳасида дафн маросимлари иккинчи босқичининг характерли томонлари Мўминобод мозорқўрғонида

[6] Шундай жонкуярлар ўлкашунослардан бири Абдуманноп Еркулов, хозирда ўрта мактаб ўқитувчиси.

яққол кузатилади. Бахмалсой қабридан топилган археологик материаллар ҳам Мўминобод материаллари турига мансублиги дафн маросимида ҳам кузатилмоқда. Бу даврни археологик жиҳатдан кўрганимизда Жанубий Сибир, Қозоғистон ўлкалари билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожланганлигини кўрамиз. Зарафшон воҳасининг металл конларидан ташқари қимматбаҳо минералларга ҳам бойлиги дашт ҳалқларини ўзига жалб қилган. Фируза, лазурит ва мисни Евросиё бозорига чиқарадилар. Бу даврда дафн маросимида маййитни ғужанак ҳолда боши ғарб томонга қаратилган ҳолда дафн этишган. Маййитнинг ёнига, у дунё учун майда шохли чорва гўшти ва бошқа буюмлар қўйилган. Кузатишларга қараганда, Сополли маданиятининг кейинги босқичларида дашт чорвадорларнинг, аниқроғи Андроново маданияти билан маданий алоқалар кучайганлиги кузатилади. Бу давр мозорқўрғонларига Сиёбча, Мўминобод, Чак – Чак, Чорбоғ (Якубов 1975. 167-178 бб.) ва биз топган Хўжаидук-Зинак, Бахмалсой қишлоқларидан топилган бронза билакузуклар далилдир.

Кузатишларимизга қараганда, ибодатнинг ажралмас қисми бўлган тош терилган майдончалар ёки тагига тош терилган чуқурлар Ўрта Осиёда ўрта энеолит босқичи Саразм манзилгоҳи ва Жуково саждагоҳидан (Исаков. 1991. 55-расм; Исаков. 1994. 3-расм; Аванесова. 2010. 334-363 бб.) бошланади. Н.Н.Негматовнинг кузатишларига қараганда, ўртаси чуқурчали алтарлар Ҳисорнинг энеолит ва бронза даври ёдгорликларидан маълум (Негматов 1982. 80 б.). Бу давр маданиятларининг анъаналари Жарқўтон (Мустафокулов.., 2012. 209-213 бб.), Кўктепа, Сангиртепа ва Қизилтепа илк темир даври жамоа ибодатхоналарида (Сверчков Л. М..., 2013; Сверчков Л. М., У Син. 2019) ва Дабусия (Бердимурадов ва бош., 2013. 1-расм) ёдгорлигидаги оилавий ибодатхоналарда ҳам кузатилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, охирги йиллардаги бронза ва илк темир даври ёдгорликларидан олинган радиокарбон таҳлиллари Сополли маданияти ёдгорликларини милоддан аввалги 2200 йиллар илк темир даври ёдгорликларини мил. авв. XV-XIII аа. оид деб кўрсатмоқда. Шулардан хулоса қилиб Зарафшон воҳасидаги Андроново маданияти ёдгорликларини илк темир даврига қадар деб даврласак мақсадга мувофиқ бўлади, деб уйлаймиз. Бундан ташқари Зарафшон воҳасида Жанубий Тожикистоннинг Бешкент, Тулхар маданиятига ёки Бўстон VI қабристонидаги каби сунгги бронза даврига хос усти сайқалланган сопол идишлар мажмуаси ҳали учрагани йўқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Аванесова Н.А.** Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. Ташкент: Фан, 1991. 200 с.
2. **Аванесова Н.А.,** Шайдуллаев Ш.Б., Еркулов А. К вопросу о культурной принадлежности Джамских древностей эпохи палеометалла // Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд - Бишкек. 2005.с. 12-33.
3. **Аванесова Н.А.,** Джуракулова Д.М. Древнейшие номады Зеравшана // Культура номадов Центральной Азии. Материалы Международной конференции. Самарканд, 22-24 ноября 2007 г. Самарканд 2008. С.13-33.

4. **Аванесова Н.А.** Зерафшанская культурная провинция Бактрийско-Маргианской цивилизации // На пути открытия цивилизации. Труды Маргианской археологической экспедиции. Санкт-Петербург АЛЕТЕЙЯ 2010. С. 334-363.
5. **Аванесова Н.** Погребальный обряд некрополя Бустон VI как отражения межкультурных взаимодействий //Культурный трансфер на перекрестках Центральной Азии: до, вовремя и после Шелкового пути. Париж-Самарканд. МИЦАИ. 2013. с.27-34
6. **Аскаров А.А.** Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде // ИМКУ, вып. 8. Ташкент. 1969. с. 56-62.
7. **Аскаров А.А.** Сапаллитепа. Ташкент. 1973.
8. **Аскаров А.А.,** Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. Ташкент. 1983.
9. **Бердимурадов А.Э.,** Уно Такао, Богомолов Г.И., Рахимов К.А.. Археологические исследования городища Дабусия // АИ., вып 9. Самарканд. 2013.
10. **Бобомулоев С.,** Виноградова Н.М., Бобомуллоев Б., Худжагелдиева Т. У. Исследования курганов на массиве Саразм-2 в долине р.Зарафшан (раскопки 2020 года) // Культуры Азиатской части Евроазии в древности и средневековье. С. 78-84. / Под ред. Н.А.Аванесовой. Самарканд 2021.
11. **Виноградова Н.М.,** Кутимов Ю.Г. Погребальные памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане (могильники Гелота и Дарнайчи). / Ответ. ред. Е.В.Антонова. М., 2018. С.89.
12. **Горбунова Н.Г.** О культуре степной бронзы Ферганы // АСГЭ. Вып.32. Санкт-Петербург. 1995. 13-30 с. / Под общ. ред. Б.Б. Пиотровского.
13. **Грязнов М.П**. История древних племен верхней Оби. МИА. Вып. 48. М., 1956
14. **Исаков А.И.,** Потемкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане // СА № 1. М., 1989 с.145-167
15. **Исаков А.** Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг.). Душанбе. 1991. / Отв. Ред. Массон В.М., Негматов Н.Н. 156 С., 81 рис. XV илл.
16. **Исаков А.И.** Исследования Саразмского отряда в 1984 г. // АРТ вып. XIV. Душанбе. 1993. С. 117-130;
17. **Исаков А.И.** О работе международной археологической экспедиции на поселений Саразм в 1985 г. // АРТ, вып., XXV. Душанбе 1994. С. 85-99.
18. **Исаков А.И.,** Бобомуллоев С.Г., Виноградова Н., Отчет о работе Даштикозинского отряда в 1998 году //АРТ., вып., XXVII. Душанбе 2000. С. 155-171.
19. **Исаков А.И.,** Безенваль Р.М., Раззоков А.Р., Бобомуллоев С.Г. Работы Советско-Французской экспедиции в 1990 году //АРТ., вып., XXVIII. Душанбе. 2003. С. 150-167.
20. **Лев Д.Н.** Погребение бронзовой эпохи близ г.Самарканда // КСИА АН СССР, вып. 1966, с. 101-104.
21. **Максимова А.Г.** Могильник эпохи бронзы в урочище Каракудук, ТИИАЭ КазССР, т.12, Алма-Ата 1961
22. **Негматов Н.Н.** Таджикистан на пути к урбанизации // Культура первобытной эпохи Таджикистана (от мезиолита до бронзы). Душанбе 1982. С.72-88.
23. **Пардаев М.Ҳ.,** Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг лк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент. 2016.
24. **Рахманов У.** Зооморфные изображения на керамике памятника эпохи бронзы Бустан 4 // ИМКУ, вып., 16. Ташкент. 1981.
25. **Рахманов У.** Керамичекое производство эпохи бронзы Южнего Узбекистана // Автореф. канд. дисс. Самарканд 1987.
26. **Сарианиди В.И.** Происхождение иранских храмов огня //La Persia e LAsia Centrale da Alessandro al X secolo (Romo, 9-12 novembre 1994); с. 320-329.
27. **Сарианиди В.И.** Культурные ценности. Международный ежегодник. Санкт Петербург- 2004.
28. **Сарианиди В.И.** Гонурдепе. Город царей и богов / Под ред. Н. Бубновой Ашгабат. 2005. С.321.

29. **Сверчков Л. М.,** У Син, Бороффка Н. Городище Кызылтепа (VI–IV вв. до н.э.): новые данные // Scripta Antiqua. Вопросы древней истории и материальной культуры. Альманах. Том третий. – М., 2013.
30. **Сверчков Л. М.,** У Син. Храм огня V–IV вв. до н. э. // Scripta Antiqua/ вып. 8. – М., 2019.
31. **Тереножкин А.И**. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана // ВДИ, №2, 1947, с.127-135
32. **Тереножкин А.И.** Согд и Чач. КСИИМК, вып. 33. М-Л. 1950
33. **Заднепровский Ю. А.,** Матбабаев Б. Х. Основные итоги изучения Чустского поселения в Фергане (1950–1982) // ИМКУ, вып.19. – Ташкент, 1984. С. 59–60.
34. **Маргулин А.Х.** и др., Древняя культура еентрального Казахстана, Алма-Ата, 1966.
35. **Мустафакулов С.,** Бендезу-Сарменьто, Рахмонов У., Хасанов М., Люилье Ж., Люне Э. Полевые работы Узбекско-Французской (MAFOUZ) экспедиции на Джаркутане в 2009–2011 гг. // АИ, вып. 8. – Самарканд, 2012.
36. **Мустафакулов С.,** Рахманов У., Хасанов М. Жилища эпохи раннего железа на Джаркутане (Бактрийско-ферганские параллели) // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда мавзусидаги иккинчи республика илмий анжумани. – Фарғона, 2012.
37. **Мустафакулов С.,** Бендезу-Сармьенто Х., Рахмонов У., Люилье Ж., Искандерова А., Рахимов К., Кервен М., Сармьенто Д. Результаты работ на памятнике Джаркутан в 2012 году //АИ, вып. 9. – Самарканд, 2013.
38. **Пьянкова Л.Т.** Раскопки погребений Вахшской культуры в могильнике Обкух (Масковский район) в 2002 г. // АРТ, вып., 28. Душанбе. 2002 с. 194-215.
39. **Якубов Ю.** Работы Зеравшанского отряда в 1975 г // АРТ, Вып.XV, 1975. С.167-178. Душанбе. 1976
40. **Bendezu-Sarmiento J.**, Lhuillier J. Funerary Practices of the Iron Age in Southern Central Asia: Recent Work, old Data, and new Hypotheses // Sine Sepulchro cultural complex of Transoxiana (between 1500 and the middle of the 1st Millennium BCE).
41. **Henri-Paul Francfort.** In Zeravshan And Oxus Valleys: When Civilizations Met In protohistory // Культуры Азиатской части Евразии в древности и средневековье / Ответ. ред. Н.А. Аванесова Самарканд. 2021. С.47-54.
42. **Vikas Kumar,** E. Andrew Bennett, Dongyue Zhao, Yun Liang, Yunpeng Tang, Meng Ren,3 Qinyan Dai, Xiaotian Feng, Peng Cao, Ruowei Yang, Feng Liu, Wanjing Ping, Ming Zhang, Manyu Ding, Melinda A. Yang, Berdimurodov Amridin, Hasanov Muttalib, Jianxin Wang, and Qiaomei Fu // Genetic Continuity of Bronze Age Ancestry with Increased Steppe-Related Ancestry in Late Iron Age Uzbekistan. 2021.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРСОЗЛИК ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

Б.Ж. ЭШОВ, профессор, Қарши ДУ, Қарши

Аннотация: Ушбу мақолада археологик маьлумотлар асосида Фарғона водийси қадимги шаҳар маданияти тарихи масалалари таҳлил этилиб, илмий хулосалар берилган.

Таянч тушунчалар*: шаҳар маданияти, археологик манбалар, урбанизация, Фарғона водийси, экология, Далварзин, Эйлатон.*

Аннотация: Данной статье освещены и проанализированы вопросы древней городской культуры Ферганской долины по археологическим данным и сделан научные выводы.

Ключевые слова: *городская культура, археологические данные, урбанизация, Ферганская долина, экология, Дальверзин, Эйлатан.*

Annotation: In this article, scientific conclusions are given to explore the issues of cultural hisroty of ancient cities in Fergana on the basis of archeological sources.

Keywords: *Urban, cultyre, archeological data, urbanization, Fergana valley, ecology Dalverzin, Eylatan*

Ўзбекистонинг қадимги даврлар тарихини тадқиқ этишдаги мураккаб муаммолардан бири-Ўзбекистон цивилизацияси ва давлатчилигининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш босқичлари ҳисобланиб, бу жараёнда шаҳарлар шаклланишини тадқиқ этиш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат цивилизация ва давлатчилик урбанистик хусусиятларни ўзида акс эттирувчи қонунятга эга эканлиги билан изоҳланади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари ҳамда шаҳар манзилгоҳларининг ўрганилиши тарихи 100 йилдан зиёдроқ даврни ўз ичига олади (бу жараён хазина изловчилар ва ҳаваскорлар қазишмаларидан бошланиб, кўп ҳолларда илмий услубга риоя қилинмаган). Бу даврда кўп сонли мақолалар ва тўпламлар, минтақанинг маълум вилоятлари (Парфия, Марғиёна, Хоразм, Бақтрия, Суғд, Фарғона ва Чоч) шаҳар маданияти тарихига бағишланган асарлар бўлимлари нашр юзини кўрди [1]. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, ўзига хос тараққиёт босқичини босиб ўтган илк шаҳарсозлик маданияти занжирига Фарғона водийси ҳам киради. Водийдаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи (катта майдон, мураккаб тузилиш ва мудофаа тартиби, алоҳида арк, ҳунармандчилик маркази ва бошқа.) археологик ёдгорликлар ҳақидаги концепция 1978 йилдаёқ Ю.А.Заднепровский томонидан [2] ишлаб чиқарилган эди. Шундан сўнг ушбу масала юзасидан айрим мулоҳазалар билдирилган бўлишига қарамасдан, юқоридаги концепция ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Сўнгги йилларда олиб борилган археологик палеогеографик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсининг қадимги даври инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга кўпгина аниқликлар киритилди. Фарғоналик қадимги бободеҳқонлар суғориладиган ерларни ўзлаштира бориб қатор сифатлари билан, аввало, тупроқ ва экологик шароитлари билан фарқланиб турадиган суньий антропоген-ландшафтлар барпо этадилар. Улар табиий ландшафтлардан тўғри ва оқилона фойдаланишлари натижасида ўзларига зарур бўлган қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштирганлар. Суньий суғориш ва ерга ишлов бериш билан бирга сув чўқиндилари ҳам ҳосилдорликн ошириб бориши натижасида, мустаҳкам қўрғонлар заминида шаҳарсозликка асос солиниб борган. Фарғона шаҳарсозлик маданиятининг ривожи ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ ўз хусусиятларига эга бўлиб, бунда ўтроқ аҳоли ва чорвадор қабилаларнинг ижтимоий –иқтисодий муносабатлари маълум

аҳамият касб этган. Маҳаллий шаҳарларни вужудга келиши жараёнида ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳарбий омиллар, яъни, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти муҳим аҳамиятга эга бўлган. Далварзин, Эйлатон, Шўрабашот каби турли даврларда ривожланган шаҳарларнинг режавий тузилишида, уларнинг воҳа-туманлар аҳоли ва жамоалар бойлиги-чорва учун панажой функциялари яққол кўринади, шунингдек ушбу шаҳарлар маьмурий, ҳунармандчилик ва мол айрибошлаш марказлари бўлган. Фарғона мил.авв. VI-IV асарларда Марказий Осиёда кечган сиёсий жараёнлардан четда турган. Унинг ҳудудлари аҳамонийлар, Александр Македонский ва салавкийлар давлатлари таркибига кирмаган. Бу эса Фарғонада ўзига хос маданият ривожини белгилаб бериб, у Марказий Осиёнинг жанубий вилоятлари маданиятидан ажралиб турган. Фарғона водийсида сўнгги бронза ва темир даври ёдгорликларининг ўрганилиши тўрисидаги маьлумотлар турли давр нашрларида ўз аксини топган [3].

Фарғона водийсида махсус археологик изланишлар XX асрнинг 30-йилларида бошланиб, 50-60-йилларда турли туманларда бронза ва темир даврига оид ёдгорликлар топиб текширилди. Археологик тадқиқотлар натижалари Б.А.Латынин, Т.Т.Оболдуева, А.Н.Бернштам, М.Э.Воронец, В.И.Спришевский, Ю.А.Заднепровский, Б.З.Гамбург, Н.Г.Горбунова, Ю.Г.Чуланов ва бошқа олимларнинг нашрларида ёритилган [4]. Натижада, Чуст, Эйлатон, Шўрабашот деҳқончилик маданиятлари ажратилиб, улар Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрон археологик материаллари билан қиёсан ўрганилди.

XX асрнинг 70-йилларида Фарғона водийси қадимги тарихи бўйича билимларнинг анча кегайиб бориши туфайли, Ю.А.Заднепровский Чуст, Далварзин ва Ашқолтепа мисолида, Фарғона водийсида мил.авв. X-VIII асрларда илк шаҳарларнинг шаклланиши тўғрисидаги масалани рўёбга чиқарди [5]. Ушбу даврга қадар Чуст маданияти “ибтидоий зироатчилар” маданияти деб изоҳланди [6]. Фарғона воҳасида илк шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи махсус тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмади. 80-йилларда Ю.А.Заднепровский ва Б.Х.Матбобоевлар Ўш ва Чуст ёдгорликларида янги тадқиқотларни амалга оширдилар [7]. Н.Г.Горбунова Фарғонада қадимги маданиятлар шаклланишининг айрим хусусиятлари масаласини таҳлил этди [8].

Мустақиллик йилларида Б.Х.Матбобоев, А.А.Анаробоев, В.Д.Рузанов, Г.П.Иванов, Б.М.Абдуллаевларнинг археологик кашфиётлари диққатга сазовордир [9]. Бу даврда А.Хўжаев ва А.Айтбоев ўз тадқиқотларида қадимги Хитой манбаларида кенг фойдаланиб, Фарғона тарихи бўйича манбашунослик соҳаларини янги умумлашган илмий маьлумотлар билан бойитдилар [10].Э.В.Ртвеледзе, А.Х.Саидов, Е.В.Абдуллаевларнинг монографиясида Хитой-Фарғона дипломатик муносабатлари тасвирланган [11]. А.А.Анорбоев, Фарғона Хитой манбаларда муаммосига эьтибор бериб, уларнинг ўрганилишига ўз фикр-мулоҳазалар билдирган [12].

А.Асқаровнинг асарида Даван пойтахти ва шаҳарлари, давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий тузуми тўғрисида маьлумотлар ёритилди [13]. Ушбу тадқиқотлар Фарғонанинг қадимги тарихига оид ёзма манбалар маьлумотларнинг ўрганилиши даражасини янги асосларда ривожлантирди. Фарғона водийсида деҳқончилик хўжалиги қачон пайдо бўлган деган муаммо узоқ вақтдан бери баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу борада илмий адабиётларда турли фикрлар билдирилган, жумладан, бронза давридан бошлаб, маҳаллий аҳолининг хўжалиги икки хил: кўчманчи-чорвачилик ва деҳқончиликдан иборат эди [14] ёки маҳаллий аҳоли Ўрта Осиё жанубидаги ривожланган маданиятлар таьсирида деҳқончиликка ўтишган [15], деб хулосалар чиқарилган. Фикримизча, маҳаллий чорвадор қабилалар, жанубий маданиятлар таьсири натижасида, мил.авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида зироатчилик билан шуғуллана бошлаган. Чуст маданияти ёдгорликларида ярим ертўла шаклдаги уй-жойлар қолдиқларининг мавжудлиги [16], улар айнан чорвадор маданиятларнинг бинокорлик аньаналарига мансублигини тасдиқлайди. Аҳоли пунктлари дарё ва сой бўйларида жойлашиб, алоҳида деҳқончилик воҳа-туманларни ташкил қилган [17]. Фарғона водийсида деҳқончиликнинг пайдо бўлиши санаси тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Ю.А.Заднепровский, дастлаб, Чуст маданияти санасини мил.авв. X-VIII асрлар билан белгилаб [18], сўнгра ушбу санани мил.авв. XV асрга қадар қадимийлаштирган [19]. В.Д.Рузановнинг таькидлашича, Далварзиннинг тарихи мил.авв. XIV-XII асрларга тўғри келади [20]. Б.Х.Матбобоев ва Г.П.Ивановнинг фикрларига кўра, ушбу воқеа водийда мил.авв. II мингйилликнинг охирларида содир бўлган (аниқроғи мил.авв. XII-XI асрларда) [21]. А.А.Анорбоевнинг ёзишича, Чуст маданиятининг дастлабки вакиллари мил.авв. II мингйилликнинг ўрталарида (аниқроғи мил.авв. XV-XIV асрларда) “илк бор деҳқончиликнинг энг оддий кўринишларига асос солган” [22]. Бу муаммони ҳал этиш янги тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилади.

Қадимги Шарқда шаҳарларнинг вужудга келиши турли омилларга асосланган, жумладан, ижтимоий-иқтисодий омиллар уларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган [23]. Сўнгги бронза ва илк темир даврида Фарғонадаги аҳоли пунктларнинг алоҳида воҳаларда жойлашиши, ҳудудий кўшничилик жамоаларининг пайдо бўлганлиги тўрисида далолат беради. Воҳа-туманларнинг аҳолиси турли гуруҳларини ташкил этган (зироатчилар, чорвадорлар, ҳунармандлар, бинокорлар). Улардан тадшқари ишлаб чиқаришда асосан банд бўлмаган, ижтимоий масалалари билан шуғулланувчи қишлоқ оқсоқоллари ва жамоалар йўлбошчилари ҳам мавжудлиги ҳақида фараз қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш каби вазифалар, кўп тармоқли ҳунармандчиликнинг вужудга келиши (кулолчилик, металлчилик, заргарлик, ҳарбий қуроллар ва кундалик маиший буюмларнинг ишлаб чиқарилиши) турли ижтимоий-иқтисодий

мақсадларни амалга оширишни талаб қилган. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида аҳоли пунктларнинг сони ва катта кичиклиги ҳамда режавий тузилиши анча ўзгариб, улар мудофаа деворлари билан ўралган, арк-йўлбошчиларнинг қароргоҳларига эга айрибошлаш, савдо ва ҳунармандчилик марказларига айланган. Шу сабаблар туфайли, Фарғона водийсида (Далварзин, Чуст, Ашколтепа ёдгорликлари мисолида) урбанизация жараёнлари бошланган. Водийда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаблашуви тўғрисида бронза ва илк темир даврига оид аҳоли пунктларнинг сони, уларнинг алоҳида воҳа-туманларида жойлашиши далолат беради. Ю.А.Заднепровский Фарғона зироатчи аҳолининг жойлашиши хусусиятларини “қариндош-қондош” уруғчилик принципи билан боғлиқ ҳолда, яъни, ҳар бир қадимги воҳа-туманда алоҳида (ҳудудий чегараланган ҳолда) бир уруғ жамоа вакиллари истиқомат қилган деб хулоса чиқарган эди [24]. Аҳолининг қариндош-уруғчилик одатларига асосланиб ҳудудий жойлашуви ибтидоий жамият тарихида устунлик қилган. Аниқ бир ҳудудда фақат бир уруғ аъзолари яшаб, уларнинг жойлашуви қариндош-қондошлик алоқалари билан белгиланган [25]. Фикримизча, Фарғонада деҳқончилик йўлга қўйилганидан сўнг аҳоли сонининг босқичма-босқич ўсиши натижасида унинг жойлашиши ҳудудлари кенгайиб, аҳолининг аралаш жойлашуви, янги ҳудудий алоқалар ҳудудий кўшничилик жамоалари вужудга келиши туфайли, Фарғонада ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жадал ривожланиб, шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлишига тарихий сабаб бўлган. Фарғонада қадимги шаҳарсозлик хусусиятлари ва аньаналари мавзусини, уларнинг археологик белгилари, ривожланиш динамикаси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий функцияларини турли ҳудудлардаги қадимги урбанистик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Урбанизация муаммоси бўйича назариялар кўп хил бўлиб, илмий адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд [26]. Фарғона водийсининг илк шаҳарлари ва давлатлари тарихи Марказий Осиёнинг жанубий вилоятларида (Марғиёна, Бақтрия, Сўғд) шаҳарлар ва давлатларнинг шаклланиши хусусиятлари билан қиёсий ўрганилиши айрим ечилмагани муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади. Турли мақола ва рисолаларда Фарғонада шаҳарсозлик маданияти 2500-2700 [27], 2700-3000 [28], 2700-2900 [29] ёки 3000-3200 [30] йиллик тарихга эга деб қайд этилган. Фарғона водийсида илк давлатларнинг вужудга келиши санасини дастлабки давлатчиликнинг шаклини аниқлаш баҳсли муаммога айланди [31]. Шунингдек, Фарғонада илк давлатчилик тарихини ўрганишда “синфий” назария билан чекланиб қолиш мақсадга мувофиқ эмас. Мазкур масалани ечимда турли ёндашувлардан фойдаланиш муҳим [32].

Фарғонада деҳқончилик маданияти, Марказий Осиёнинг жанубий вилоятларига нисбатан анча кеч вужудга келган. Жанубда илк давлатчилик ва урбанизация жараёнлари кўп асрлар давомида ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг ривожланиши асосида бронза даврига келиб бошланган.

Шу тарихий тараққиёт қонуниятлари туфайли, Фарғонада ҳам деҳқончилик маданияти ёйилиши билан бирданига илк давлатчилик ва шаҳарсозлик тарихи бошланмаган деб хулоса чиқариш мумкин. Фарғонада турли деҳқончилик воҳа-туманларни бирлаштирган сиёсий уюшмаларининг шаклaниши мил.авв. VII-VII асрларга тўғри келади, деб фараз қилиш мумкин. Ушбу жараённинг омилларидан бири ташқи босқинлар таҳдиди бўлиб, у водийни ўраб олган Помир-Олой ва Тангритоғ ёнбағирларида, Шарқий Туркистонгача чўзилган кенг ҳудудларда жойлашган чорвадор қабилалар томонидан кучайиб борган хужум хавфи бўлиб турган. Илк темир даврига келиб чорвадор қабилалари қурол-яроғ ривожлантириш ва отлиқ жанговар қўшинлар ташкил этиш соҳасида катта ютуқларга эришган [33]. Ташқи харбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти зироатчилик туманлари ҳудудларида мудофаа ишларни амалга ошириш талаб этган [34]. Ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларда Фарғона водийси қадимги шаҳарларнинг тутган ўрни масаласи, асосан “Буюк ипак йўли” билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган [35]. Бундан қадимгироқ алоқа-савдо йўллари муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу муаммо кенг хронологик доирада (мил.авв. II мингйиллик милодий биринчи асрларга қадар) илк бор таҳлил этилиб, Марказий Осиёнинг қадимги йўллари мавзуси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижалари [36], асосий ёндашувлар ва мунозарали масалалар қиёсий ўрганилган.

Фарғона водийси қадимги аҳолининг айрибошлаш, савдо-сотиқ ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг таҳлили шундан далолат берадики, ҳанузгача Хитой ва Фарғона алоқалари кенг ўрганилган бўлиб, бошқа йўналишлар, мисол учун Фарғона-Сўғд-Бақтрия-Ҳиндистон, Фарғона-Марғиёна-Парфия-Эрон каби ўзаро алоқалар мавзуси деярли ўрганилмаган. Ушбу алоқаларнинг бронза давридан бошлаб ривожланиши тўғрисида Хок, Афлотун хазиналари буюмлари ва Чуст маданияти топилмалари далолат беради. Турли даврларда ушбу алоқалар ҳудудий жиҳатдан чегараланмаган ва доимий равишда ўзгариб янги асосларда ривожланган. Бронза ва темир даврида аҳоли жойлашиш ҳудудлари тобора кенгайиб бориб, суғориладиган ерлар, кенг яйловлар, металл ва қимматбаҳо тошлар конларнинг ўзлаштириш жараёнлари сезиларли кучайган. Ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар минтақа вилоятларида, жумладан, Фағона водийсида ҳам алоқа йўлларининг кенгайишига ва иқтисодий-маданий муносабатларнинг янги асосларда ривожланишига сабаб бўлган. Ўтроқ ҳаётга мослашган аҳоли пунктлари, зироатчилик туманлари марказлари ва илк шаҳарлар алоқа йўллар бўйларида шаклланиб, босқичма-босқич ривож топган. Ушбу хусусият умумминтақавий тарихий қонуният бўлиб, Чуст ва Эйлатон маданиятлари ҳамда кейинчалик Даван давлати шаҳарлари ташқи иқтисодий-маданий алоқаларда муҳим ўрин тутгани тўғрисида далолат беради. Мил.авв.II-I асрларга келиб Узоқ Шарқ ва Ғарб ҳудудлари билан боғловчи йўллар орқали Фарғонанинг турли вилоятлар билан иқтисодий

алоқалари жадал ривожланди. Водийнинг антик даври шаҳарларида топилган импорт буюмлар, хитой танга пуллари ҳамда водийнинг ғарбий чегараларида жойлашган Мужум қишлоғида топилган Рим тангалари ушбу фикрни тасдиқлайди. Фарғона шаҳарлари халқаро савдони ташкил этишда муҳим вазифаларни бажариб, маҳаллий алоқа йўлларида хизмат кўрсатиш тизими ривожланган (улов-траспорт воситаларини ем-хашак ҳамда йўловчиларни озиқ-овқат билан таьминлаш, йўл кўрсатувчилар хизмати, карвонлар хавфсизлигини таьминлаш). Фарғона водийсида шаҳарларнинг шаклланиши мил.авв. VIII-VII асрларга, яьни Марказий Осиёнинг Марғиёна, Бақтрия ва Суғд вилоятларида қалъа-қароргоҳларга эга, мустаҳкам мудофаа деворлар билан ўралган шаҳарлар кенг ёйилган даврга тўғри келган. Фикримизча, Марказий Осиёнинг турли тарихий-маданий вилоятларининг шаҳарларида қадимги бошқарув тизими маьлум умумийликка эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва маьмурий-ҳудудий функциялар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Фарғона водийсида зироатчилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ихтисослашган иқтисодий муносабатларнинг ташкил топиши натижасида бошқарув вазифалари мураккаблашган. Фарғонада қадимги шаҳарлар меьморий-режавий тузилишининг асоси моҳияти қалъа-қароргоҳ, ишлаб чиқариш ҳамда турли турар жойлар мавжудлигида ўз аксини топган. Шаҳарнинг катта майдони эгаллаши, мукаммал мудофаа тизимининг мавжудлиги, маҳсулот айриболаш ва ҳунармандчилик маркази бўлиши муҳим белгилардан ҳисобланади. Археологик маьлумотларга кўра, Далварзин каби марказларда алоҳида ва ўтроқ ҳаётга мослашган бошқа аҳоли пунктларидан иқтисодий жиҳатдан фарқланиш шаҳарларнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади.Илк шаҳарнинг бошқа белгиларидан бири, шаҳарда аҳолининг турли қатламлари истиқомат қилгани билан изоҳланади.

Муҳим хулоса сифатида шуни таькидлаш жоизки, Фарғона водийсида давлатчлик, бинобарин шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келишига ми.авв.VI-IV асрларга келибгина шарт-шароит пайдо бўлганлиги тўғрисида адабиётларда мавжуд хулосани бир қатор фактлар, жумладан, ёзма манбалардаги маьлумотлар инкор қилади. Македониялик Александр юришларини ёзган тарихчилар Фарғона водийсининг ғарбий чегараларида жойлашган қальалар ва алоҳида шаҳарлар ҳақида битишган. Булардан бири Кирополь-Кирэсхата (Курушката) бўлиб унинг барпо этилиши мил.авв. VII-VI асрларга оиддир. Ушбу далил Фарғона водийсида шаҳарлар антик даврда вужудга келган деган фикрни инокр этади. Далварзин мисолида водийда бундан ҳам қадимги шаҳарларнинг мавжудлиги тасдиқланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Тошкент, “Фан ва технология”, 2008.Б.4
2. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческия культура Ферганы и памятники раннежележного века Средней Азии. Автореф.докт.Дисс.М, 1978.52 с.
3. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческия культура Ферганы // МИА.-“118.-

М.-Л.,1962.-С.7-10;Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. –Л..Наука, 1966.-С. 193-194; Матбобоев Б.Х., Шамсутдинов Р.Т. Мамажонов А. Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари.-Андижон: Мерос, 1994,1994.-Б. 5-12; Сўнгги йилларда мавзу Жанубий Фарғона ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи мисолида ҳам кўриб чиқилган.Қаранг: АнарбаевА.А., Максудов Ф.А. Древний Маргилан.-Ташкент: Фан, 2007.-С. 19-30.

4. Латынин Б.А Работы в районе проектируемой гидростанции на реке Нарын в Фергани // ИГАИМК.-М., 1935. Вып. 110.-С. 134-141; Оболдуева Т.Г. Отчет работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала // ТИИАН Уз ССР.-Ташкент, 1951. Т.4.-С. 7-40; Бернштам А.Н.Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА.- №26.-М.-Л., 1952.-346 с.; Воронец М.Э. Археологическая рекогносцировка по Наманганской области// Известия АН УзССР.-Ташкент, 1951.-№5.-С. 93-97; Спришевский. В.И.Чустское посление эпохи бронзы // КСИИМК. Вып.69.- М., 1957.-С. 71-78; Заднепровский Ю.А. Дальверзинское селище // КСИИМК. Вып. 69.- М., 1957.-С. 50-57; Горбунова Н.Г.Новые данные о культуре эпохи бронзы в Ферганской долине // СА.-М., 1957.-№3,-С. 130-135; Чуланов Ю.Г. Новые памятники эпохи бронзы в Ферганы // СА.-М., 1963.-№4,-С. 194-199;
5. Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских поселений древней Ферганы // Древний город Средний Азии.-Л.; Наука, 1973.- С. 17-20; ўша муаллиф. Чустская культура Ферганы и памяники раннежелезного века Средний Азии: Автрореф. Дисс…. Докт. Истор. Наук.-М.: ИА АН СССР, 1978.-52 с.
6. История Узбекской ССР /Под ред. С.П. Толстова, Р.Н.Набиева, Я.Г.Гулямова, В.А. Шишкина. Т.1. Кн.1.-Ташкент: Ан УзССР, 1995.-С.30; Средняя Азия в Эпоху камня и бронзы …-С.205-206.
7. Заднепровский Ю.А. Основные этапы истории Ошского оазиса //КСИА. Вып. 176.-М., 1983,-С. 51-57; Ўша муаллиф.Итоги изучения Чустского последния в Фергане (1950-1982) // ИМКУ.-Ташкент, 1984, Вып. 19,-С. 46-47; Матбобоев Б.Х. Новые исследования на Чустском поселении (Фергана) // СА.-М., 1984,-№ 4.- С 241-245.
8. Горбунова Н.Г Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // СГЭ.-Л.,1984 –Вып.25.-С.99-107.
9. Матбобоев Б.Х. Фарғона қадимий шаҳарларини жойлашган ўрни // ЎИФ.-Тошкент, 1995.-№9.-Б. 77-82; Рузанов В.Д. Новые данные о датировке Дальверзина и Чуста (по мателиалам типологического и химического исследований металлических изделий) // Древний Ош в Среднеазиатскос контексте. Тез. Докл.конф.-Ош, 1998.-С. 33-36; Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона.-Тошкент: Фан, 2001.-66-б.; Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Новое о типах жилиц на поселениях Чустской культуры в связи с раскопками городиша Дальверзин // Археологические исследования в Узбекистане 2003г.-Ташкент: Фан, 2004. Вып.4. –С. 101-108; Матбобоев Б.Х., Абдуллаев Б.М., Юлдашев Б. Исследования памяткинов Ферганы эпохи поэдной бронзы (городиша Дальварзин, Ашкалтепа) // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. Ташкент: Фан, 2006.Вып.5.-С. 143-152; Анарбаев А.А. Максудов Ф.А. Древний Маргилан.-Ташкент: Фан, 2007.-161 с.
10. Ходжаев А.Китайиский фактор в центральной Азии.-Ташкент Фан, 2004, -76 С.; Ўша муаллиф. Фарғона водийсининг Хитой билан савдо алоқалари // Мозийдан садо.- Тошкент : Фан , 2005.-№1.-Б. 46-47; Хўжаев А., Хўжаев К.А. Қадимги Фарғона тарихидан .-Тошкент: Фан, 2002.-109 б.; Айтбоев А.Қадимги Фарғона

тарихидан.-Тошкент: Фан, 2002.-109 б.
11. Ртveладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Тошкент: Адолат, 2001.-152-154.
12. Анарбоев А.А. Фергана в китайских источниках (некоторые заметки) // Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари.-Фарғона, 2000, 1-жилд.-С. 206-209.
13. Асқаров А.Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.-Тошкент: Университет, 2007.-Б. 171-181.
14. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Тянь-Шаня и Памира-Алая…-С.186.
15. Заднепровский Ю.А. Чусткая культура Ферганской долине // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. –М.-Л.: Наука, 1966.-С. 206-207; Массон В.М. Изучение эпоху раннего железа на территории Южного Туркменистана // Туркменистан в эпоху раннежелезного века.- Ашхабад: Ылим, 1984.-С.5-12.
16. Заднепровский Ю.А Типы поселений и жилищ Ферганы бронзового века // Реконструкция древних общественных отношений по археологическим материалам жилищ и поселений: Тез. Докл.-Л.: Наука, 1974.-С. 32-35; Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П.Новое о типах жилищ на поселениях чустской культуры в связи с раскопками Дальварзина // Археологичесие исследования в Узбекистане. 2003 г. –Ташкент; Фан, 2004. Вып. 4.-С. 101-108.
17. Заднепровский Ю.А. К. Истории оазисного расселения в первобытной Средней Азии // КСИА.-М., 1981 Вып. 167.- С. 23-27.
18. Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии…-С31-32.
19. Заднепровский Ю.А Ошское поселение. К.Истории Ферганы в эпоху поездней бронзы. – Бишкек: Мурас, 1997,-С. 77
20. Рузанов В.Д. Новые данные о датировке Дальверзина и Чуста // Древний ош в среднеазиатском контексте.: Тез. Докл.- Ош, 1998.-С 33-36
21. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O’zbekiston tarixi. Тошкент, 2002.- №1. – Б.9-10; Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация).:
Автореф .дисс. .. канд. Истор . наук.- Самарканд: ИА АН Уз ССР,1999-25 с.
22. Анарбоев А.А. Марғилоннинг узоқ ўтмиш маданиятини излаб.- Самарканд: Ўз ФА Археология институти, 2007.-Б.12.
23. Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй древнего Двуречья. Шумер.-М.: Изд-во вост.лит., 1959.-С. 70-72; Сайко Э.В. Предпосылки и условия формирования древнего города // Древние города.-Л.: Наука, 1977.-С. 15.
24. Заднепровский Ю.А. К Истории оазисного расселения…-С.25
25. Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи.- Тошкент: Университет, 2004.-Б.59
26. Дьяконов И.М. Проблемы вавилонского города 2 тыс.до.н.э. // Древний Восток. Города и торговля.-Ереван: АН АрмССР, 1973.-С. 18-21; Масон В.М.Экрномика и социальный строй древних обществ.-Л.: Наука, -С. 180-185; Ўша муаллиф: Городские центры раннеклассовых обществ // История и археология Средней Азии.- Ашхабад: Ылым, 1978.-С.20; Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития… -С. 17-18; Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии.-Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1993.-252 с..; Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.- Тошкент: Фан ва Технология, 2008. Б.17-26.
27. Матбобоев Б.Х., Шамсудинов Р.Т., Мамажонов А.Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари. –Андижон: Мерос , 1994.-Б.25.
28. Ширинов Т.Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Аҳмад ал-Фарғоний даврида Кубо

шаҳри.-Тошкент, Фан, 1998.-Б.26.
29. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O’zbekiston tarixi/ Тошкент, 2002.- №2.-Б.26.
30. Матбобоев Б.Х. Древние города Ферганской долины по археологическим материалам // Великий шелковый путь и Ферганская долина.- Ташкент: Фан, 2004.-С. 27.
31. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари...; Анорбоев А. Ўзбекистон илк давлатчилик ва унинг ўрганилиши тарихидаги баъзи бир муаммолар // O’zbekiston tarixi. Тошкент, 2004.- №4.- Б. 3-14.
32 Асқаров А.Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // ОНУ.- Ташкент, 1997,-№3-4.- С. 65-76.
33. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-шаня и Памиро-Алая // МИА. №26.-М., 1952.-342 С.
34. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў.Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи.-тошкент: Академия, 2006.-Б. 35.
35. Матбобоев Б.Х., Шамутдинов Р.Т., Мамжонова А. Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари....-73 б; Заднепровский Ю.А.Трансазиатский степной путь-ветвь Шелкового пути по археологическим данным // Древние номады Центральной Азии.- 1997.-С. 79-82; Ширинов Т.Ш., Зайнобиддинов С.З. Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси // Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси: Республика илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент: Фан, 2004.-Б. 7-10.
36. Сарианиди В.И.О великом лазуритовом пути ва древнем Востоке //КСИА. №114.-М., 1968.-С. 3-9; Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-I тыс. до. н.э.) // Формирование и разветие трасс Великого Шелкого пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тез.докл.-Ташкент: Фан, 1990.-С. 42-43; Буряков Ю.Ф. Экономические и культурные связи Чача и Ферганы // Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси: Анжуман материаллари.-Тошкент: Фан, 2004.-С. 24; Бу ҳақда батафсил ёритилган тарихшунослик маьлумотлар, учун қаранг: Мавлонов Ў.марказий Осиёнинг қадимги йўллари.-Тошкент Академия, 2008.- 431.

ҚАЛИЯТЕПА - ҚАДИМГИ ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ЙИРИК ШАҲАР МАРКАЗИ

М.Ҳ. ПАРДАЕВ, ЎзРФА Самарқанд Археология институти

Аннотация: Мазкур мақола Жиззах микровоҳасида илк шаҳар ва шаҳарсозлик маданиятини шаклланиши, тараққиёт босқичлари тарихини ёзма ҳамда археологик манбалар асосида ўрганиш тарихи масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: *Уструшона, Дизак, Фекнон, Жиззах, рустоқ, Ўрда, урбанизация, шаҳарсозлик, шаҳар маданияти.*

Аннотация: Данная статья посвящена в изучению истории возникновения и этапы развития городской культуры и градостроительства Джизакского микрооазиса по письменным и археологическим источникам.

Ключевые слова: *Уструшана, Дизак, Фекнон, Джизак, рустак, Урда, городская культура.*

Annotation: This article is devoted to the issues of the history of the

formation of the first city and urban development culture in the Jizzakh micro-oasis, the history of development stages based on written and archeological sources.

Keywords: Ustrushana, Jizakh, Feknon, rustak, Urda, city culture

Маълумки, Марказий Осиёда, хусусан, унинг икки дарёси Аму ва Сир оралиғида қадим ва ўрта аср шаҳарларининг пайдо бўлиши, ривожланиши сабаблари ва омиллари, содир бўлган урбанизациянинг қонунияти, мазкур жараёнларнинг ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти хусусиятларини холис, илмий асосда ўрганиш ҳозирги замон ижтимоий-гуманитар фанининг, хусусан, Ўзбекистон тарихи, археологиясининг долзарб муаммоларидандир. Тарихийлик жиҳатдан шаҳар қишлоқ маконидан кейин шаклланишни бошлаган, ёки —қишлоқдан ажралиб чиққан бўлсада, барча тарихий давр ва босқичларда шаҳар қишлоққа нисбатан —инқилобий, кучли тараққиёт йўлини тутиб, муайян мамлакатнинг иқтисодий хўжалиги, сиёсий, маданий ҳаёти асосига мустаҳкам замин яратди. Чунки муайян турар–жой маконини шаҳар мақомига эга эканлигини белгиловчи шартлардан бири, мазкур масканнинг мудофаа иншоотлари (девор, бурж, ҳандақлар…) тизими билан ўраб олингани, аҳолини кутилган ва кутилмаган хавф (душман) дан муҳофаза қилинганидир. Бундай ҳолатда шаҳар ҳаёти, ундаги бунёдкорлик, ишлаб чиқариш фаолияти хавфсизлигига қишлоқдан кўра яхшироқ ва мукаммалроқ шароит яратилган. Бу эса, ишлаб чиқарувчи куч ва воситаларни, маънавият, маърифат, илм аҳли вакилларини қадимги даврлардан бошлаб қишлоқдан кўра шаҳарда мужассам бўлишига сабаб бўлган. Бундай воқеликни сўнгги антик ва ўрта асрларда, хонликлар замони ва ҳатто ҳозирги даврдаги ижтимоий жараёнлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўрта Осиёнинг марказий шаҳарлари тарихи билан (Бухоро, Марв, Самарқанд...) дастлаб XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб В.Д. Жуковский, В.В. Бартольд, Н.И. Веселовский каби таниқли шарқшунослар мавжуд ёзма манбалар асосида тадқиқотлар олиб борган бўлсаларда, улар тез орада археологик қазув тадқиқотларисиз ушбу ишларнинг самарадорлиги етарли эмаслигини, бу изланишларсиз у ёки бу шаҳар тарихини яратиш мукаммал даражада бўлмаслигини англаб етганлар. Чунки, биринчидан, муайян шаҳар ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда ҳар доим атрофлича бўлган, уларнинг пайдо бўлиши саналари бир неча марта ошириб ёзилган (масалан, Бухоро шаҳри ан-Наршахий замонидан беш минг йил бурун пайдо бўлган, деб қайд этилгани каби), қолаверса, моддий-маданият тарихи ҳақида ёзма ёдгорликларда деярли маълумот учрамайди. Ёзма манбалардаги маълумотларни ҳаққонийлигини, тарихнинг ёритилмаган воқеалари тафсилотлари, даврий саналардаги чалкашлик ва ошириб ёзишларни, фақат археологик топилмалар, шаҳарлар стратиграфиясидаги мавжуд маданий қатламлардан олинган моддий ашёлар

орқалигина аниқлаш мумкинлигини улар англаб етишган. Кейинги йилларда, айниқса, сўнгги, деярли чорак асрлик мустақиллик даврида қадимги шаҳар маданияти, шаҳарсозлик тизими, қонунияти ва анъаналари тарихини ўрганишга Ўзбекистонда катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистоннинг бир қатор қадимий шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон) тарихи бўйича ўтказилган манбашунослик ва археологик изланишлар катта муваффақият, илмий янгиликлар билан хулосаланди. Ушбу шаҳарларнинг аниқланган илк тарихий саналари, тараққиёт, турғунлик ва инқироз босқичлари дунё илмий жамоатчилиги вакиллари иштирокидаги халқаро конференцияларнинг расмий баённомалари билан тўлиқ тасдиқланди. Бу илмий хулосалар эса, мазкур йўналишдаги тадқиқотлар натижаларининг гултожи ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг турли географик кенгликларида жойлашган тарихий маданий воҳалар тасарруфидаги шаҳарлар қадимги даврларда ўз мақоми, фаолияти ва аҳамияти жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қилмаган. Шунга қарамасдан, ҳозирги пайтда мамлакатимиз шаҳарсозлиги тарихини ўрганишда, афсуски, аксарият ҳолларда диққат-эътибор фақат марказий шаҳарларга қаратилаётгани сир эмас. Бу ҳолат эса, юртимиздаги, нафақат, кўҳна шаҳарлар, балки мавжуд тарихий-маданий воҳалар қадимиятини ўрганиш ишида катта фарқлар вужудга келишига, ўзбек халқининг яхлит, бир бутун тарихини, қадимги шаҳарсозлик маданияти масалаларини холис яратишдек вазифани бажаришда, айрим воҳаларни ўрганиш ишларида муаммолар келиб чиқишга сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг шаҳар маданияти тарихи кам ўрганилган мана шундай йирик тарихий-маданий воҳалари қаторига қадим ва ўрта асрларда фаолият кўрсатган Уструшона мамлакатининг шимолий-ғарбий ўлкаси - Жиззах воҳасини ҳам киритиш мумкин.

Воҳанинг географик жиҳатдан қулай жойлашуви, табиий - иқлим шароити, Сангзор ва Зоминсув дарёлари водийсида, Моргузар, Туркистон, Нурота тизмаларидан бош олувчи ўнлаб сой, чашма, булоқлар ҳавзасида деҳқончилик учун обикор ва лалмикор ерларнинг мўллиги, чорвабоп тоғ олди ва дашт яйловларининг бепоёнлиги сабабли, суғорма деҳқончиликка асосланган ўтроқ ҳаёт анча қадимдан (мил. авв. VI-V аср) бошланган.Инсоният тараққиёт даражасининг юқори ўлчов меъзони ҳисобланган шаҳарсозлик маданияти ва шаҳар ҳаёти эса, ўтказилган энг сўнгги археологик тадқиқотлар натижасига қараганда, мазкур ҳудудда Жиззах шаҳри ва унинг атрофида мил. авв. III-II асрларда шаклланган. Бу борадаги тадқиқотлар давом эттирилаётганини ҳисобга олсак, ушбу тарихий сана янада қадимийлашиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлдики, воҳадаги энг улкан, мумтоз, қадимий шаҳар ўрни Жиззах шаҳрининг шарқий чекка қисмида жойлашган Қалиятепа ёдгорлиги ўрнида шаклланган.

Қалиятепа анъанавий уч қисмли шаҳар ёдгорлиги бўлиб, у Жиззах

шаҳрининг шарқий чекка қисмида, Сангзордан бош олувчи Қалия-Мўлканлик шоҳ ариғининг қуйи оқимида жойлашган. Қалиятепанинг арки 1 га, шаҳристони 5,5 га атрофида, ён атрофида 5 та алоҳида рабодлар, мудофаа ҳандақлари мавжуд. XIX асрнинг охирида бу ердан Мирзачўл орқали Тошкентни Самарқанд билан боғловчи темир йўлнинг, кейинчалик, темир йўлга параллел равишда Жиззах – Пахтакор магистрал йўлининг ўтказилиши сабабли, Қалиятепанинг шарқий қисмидаги рабодлар таг-туги билан олиб ташланган. Ўтган асрнинг 70-йилларида, айниқса, Жиззах вилояти ташкил этилгандан сўнг, Қалиятепанинг шимолий ва шимолий-шарқий қисмидаги, ўтмишда ишлаб чиқариш маҳаллалари жойлашган 15 га. га яқин ҳудуд текисланиб, ҳозирда ―иккинчи Жиззах номи билан аталувчи замонавий саноат қурилиш мавзейига айлантирилган.

Ўтказилган археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, даставвал Қалиятепанинг шимолий, шимолий-ғарбий ва ғарбий қисмида алоҳида жойлашган, мудофаа деворлари билан ўраб олинган, умумий майдони 10 га атрофида бўлган 3 та қалъа-қўрғон бунёд этилган. 2-3- қалъа-қўрғонда ўтказилган стратиграфик шурф материаллари таҳлилига кўра, мазкур қалъа-қўрғонлар мил. авв. III-II асрларда бунёд этилган ва ундаги ҳаёт милодий VIII асрнинг охирларида араб истилоси билан боғлиқ ҳолда тўхтаган.

Қалиятепа шаҳар харобаларида ўтказилган археология қазув тадқиқотлари тарихи қисқа, шу билан бирга у ва узвийликка ҳам эга эмас. 1950-йилларнинг охири - 1960-йилларда Я. Ғуломов раҳбарлигида Моҳандарё экспедицияси, 1960йилларнинг иккинчи ярми 1970-йилларнинг бошида Жиззах сув омбори қурилиши муносабати билан ушбу ҳудудда қидирув ишларини олиб борган С. Раҳимов, Ш. Тошхўжаев бошчилигидаги отрядлар, 1979–80-йилларда Э. Қодиров, 1980-йиллар бошида Т. Ширинов бошчилигидаги археологлар гуруҳи Қалиятепанинг шаҳристон, арк, шимолий рабодларида асосан, кичик ҳажмли стратиграфик қазув ишларини ўтказишган [1,Б. 5-8;2, Б. 18;19, Б.1-2].

Ушбу отрядлар орасида фақатгина Т. Ширинов раҳбарлигидаги Жиззах отряди Қалиятепа шаҳристонининг шимолий қисмида планиграфик қазув тадқиқотлари ўтказган ва ёдгорликнинг сўнгги қурилиш даврига оид квадрат шаклидаги хом ғиштлардан кўтарилган, ўлчамлари 11х11 м.га тенг маҳобатли иморат қолдиқларини очиб ўрганган ва ушбу қурилиш комплекси XV-XVI асрлар билан даврланган [15, Б.121; 20, Б. 1-5].

Қалиятепа шаҳристони маданий қатламларини ўрганиш учун 1980–90-йилларда 3 та стратиграфик қирқим ўтказилган. Қирқимларнинг биринчиси шаҳристон шарқий дарвозасининг шимол томонида туширилган. Иккинчи стратиграфик қирқим шаҳристоннинг шимолий-ғарбий кунжагида, учинчи қирқим эса жанубий дарвозанинг ғарб томонида қазилган. Барча стратиграфик қирқимларда маданий қатламлар хусусиятлари, даврийлиги, моддий ашёларнинг ―ассортименти ва шаклшамойили бир-бирига жуда

ўхшашлиги қайд этилган. Аниқланишича, Қалиятепа шаҳристони ва аркнинг барча ҳудудларидаги маданий қатламлар яхлит бўлиб, уларнинг даврий саналари бир даврга оид бўлган.

Биринчи ва иккинчи стратиграфик қирқимларнинг натижалари илм-фан муомаласига деярли киритилмаган. Шу сабабли, биринчи қирқимда 1998-99 йилларда М. Пардаев томонидан тозалаш, қазиш ишлари ўтказилган. Ушбу ишлар натижасида, умумий баландлиги 10 м.га яқин, эни 6,5 м. ҳажмдаги маданий қатламлардан узоқ давом этган 5 та қурилиш даври аниқланди. Маданий қатламларда антик ва сўнгги антик даврга оид 2 та (3-расм; 4-расм), илк ўрта асрларга оид 2 та (5 -расм; 6-расм), сўнгги ўрта асрларга оид 1 та (7-расм) қурилиш даври қайд этилган [15, Б. 56-60]. Стратиграфик қирқимда аниқланишича, Қалиятепа шаҳристонида янги эранинг I асрларидан фаол ҳаёт бошланган. Ушбу даврга оид маданий қатламлар шаҳристоннинг барча ҳудудида учрайди. Сўнгги антик даврда (III-IV асрлар) маҳаллий маданият билан Сирдарё бўйи кўчманчи чорвадор аҳоли маданияти ўртасида ўзаро таъсир қўшилиб уйғунлашув омиллари кузатилади. Чўл маданиятининг таъсири V-VI асрларда юқори даражага кўтарилган. Милодий VI-VIII асрларда Қалиятепанинг арки, шаҳристони ва работларида фаол, мукаммал шаҳар ҳаёти ҳукм сурган. Бу даврда арк ички айлана девор билан ўраб олинган. Илк ўрта асрлардан араблар истилосигача бўлган даврда Қалиятепа Жиззах воҳасининг энг йирик, марказий шаҳри, Фекнон (Фағнон) рустоқининг бош шаҳри сифатида саҳнага чиққан.

Демак, стратиграфик қирқимлар ашёвий далилларига кўра, милодий эрадан аввалги минг йилликларнинг охирлари, янги эранинг бошларида Қалиятепанинг умумий майдони 50 га. дан ортади. Аввал бунёд этилган қалъа-қўрғонларнинг жанубида 5 га. дан ортиқ майдонда, қудратли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, атрофида муҳофаза мақсадлари учун сув тўлдириб қўйиладиган ҳандақлар бунёд этилган, шимол, шарқ, жануб томонларида дарвозалари мавжуд бўлган шаҳристон бунёд этилади. Милодий III–IV асрдан бошлаб Қалиятепа уч қисмли мукаммал шаҳар (арк, шаҳристон, работлар) сифатида ўз фаолиятини давом эттиради. Унинг атрофида илк ўрта асрларда 20 дан ортиқ қишлоқ маконлари бунёд этилади. Сабаби, бу даврда демографик жараёнлар фаоллашади, Ўрта Сирдарё ҳудудидан кириб келган кўчманчи чорвадор аҳолининг Қалиятепа атрофида оммавий ўтроқлашуви натижасида, махсус ирригация мавзейи вужудга келади. Қалиятепа V–VI асрларда тарих саҳнасидан ўрин олган Уструшона давлати тасарруфидаги Фағнон (Фекнон) рустоқининг бош шаҳрига айланади. Бу даврда Қалиятепа шаҳристонининг жанубий–шарқ қисмида маҳобатли арк, шимолий–шарқ қисмида шаҳристон билан махсус йўлак орқали боғланган, умумий майдони 0,4 га.га яқин, мудофаа деворлари билан ўралган ибодатхона, уй–жой хоналари девор лари ганчкори, пол сатҳи майин шағалли цементсимон махсус қоришма билан сувалган работлар шаҳарнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилган.

Араб истилоси натижасида, VIII асрнинг иккинчи ярмида Қалиятепа вайрон этилади, унинг барча ҳудудлари – арк, шаҳристон, работларда ҳаёт тўхтайди.Қуйи Сангзор водийсида Қалиятепа ўрнида шаклланган шаҳар ҳаётининг навбатдаги босқичи Қалиятепадан 6 км шимоли–ғарбда, Жиззахнинг шимолий–ғарбий қисмида жойлашган Ўрдада давом этган. X–XII асрларда яшаб ижод этган ислом дунёси сайёҳларининг асарларида Жиззах илк бор ―Дизак шаклида қайд этилади. Унинг географик жойлашуви, қўшни шаҳарлар билан оралиқ масофалари, тарихий топографияси, аҳолининг ҳаёт тарзи ва хўжалигига оид дастлабки, қимматли маълумотлар келтирилади. Хусусан, Дизак катталиги, мавқейи жиҳатидан Уструшонадаги учинчи шаҳар бўлган. Чунки, ёзма манбаларда ҳар доим пойтахт Бунжикат ва Зоминдан кейин Дизак қайд этилган. Дизак Фағнон (Фекнон) рустоқининг бош шаҳри бўлиб, у Суғд ва Шош маданий минтақаларини боғловчи шимолий-ғарбий карвон йўл ёқасида, кўчманчи, чўл қабилалари билан чегара мавзейида жойлашган. Муқаддасийнинг ёзишича, ―Дизак текис ердаги шаҳар, унда аҳоли зич жойлашган, ҳавоси тоза, суви мўл, хуштаъм, боғ ва экинзорлар билан бурканган. Дизакликликлар жун ва тивитдан газлама, гилам тўқишга, кийим-кечак тикишга, кигиз босишга ниҳоятда уста бўлишган. X асрнинг номаълум муаллифи асари ―Ҳудуд ал-олам маълумотига кўра, ―Дизак оқар сув яқинида жойлашган, унча катта бўлмаган шаҳар. Унинг ёнида Марсманда деган мавзе бор, у ерда ҳар йили бир марта ярмарка ўтказилади, айтишларича, бир кунлик савдо муомаласи 100 минг динордан ошади [18, Б.127]. Ҳақиқатан ҳам ўзининг географик ўрни туфайли Дизак шаҳри савдо соҳасида бир қатор қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган. Мовароуннаҳрнинг ―савдо бандаргоҳи Самарқандни Хитой ва бошқа шарқий ўлкалар билан боғловчи карвонлар деярли барча ҳолларда Дизак орқали қуйидаги йўналишлар – Самарқанд–Дизак –Чоч–Шарқий Туркистон - Хитой; Самарқанд – Дизак – Ховос – Фарғона - Хитой; Самарқанд – Дизак - Зомин – Сабат - Фарғона –Хитой йўналишлари бўйича ўтган [12, Б. 49-50].

IX-X асрларда Дизак муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга молик бўлган шаҳарга айланади. Дизак бу даврда кўчманчи чорвадорларнинг талончилик юришларига қарши зарба берувчи ислом лашкари ―ғозийлар қароргоҳига айланган. Шу сабабли, Дизакда, нафақат уструшоналикларнинг, балки самарқандликларнинг ҳам хусусий работлари қад кўтарган. Дизакдан 1 фарсах шимолда таниқли Худайсар работи бунёд этилган [4, Б. 27].

Ўрта аср ёзма манбаларида деярли муфассал таърифланган Фағнон рустоқи ва унинг бош шаҳри Дизак ўрнини аниқлашга уриниш дастлаб таниқли уструшонашунос олим, тожикистонлик археолог Н. Негматов асарларида учрайди. Муаллифнинг эътироф этишича, Уструшонанинг шимолий – ғарбий сарҳадларида жойлашган Фағнон рустоқи ҳозирги Жиззах шаҳри ва шу номли туман ҳудудида фаолият кўрсатган. Н. Негматов Фағнон рустоқи бош шаҳри Дизакни муайян бир археологик ёдгорлик билан

боғламасада, уни ҳозирги Жиззах шаҳри ўрнида, деб таъкидлайди [10, Б. 102]. Кейинчалик, ушбу масалага тўхталган Я. Ғуломов, ―Жиззах шаҳри истеҳкоми (Ўрдаси – М.П.) қадимги Жиззах ўрнидадир,- деб ёзади [6, Б. 54]. Нисбатан яхши сақланган шаҳар ёдгорлиги Қалиятепа ва уни атрофида ўтказилган кичик ҳажмли қазув ишлари натижасига кўра, М.Қосимов Қалиятепанинг юқори қурилиш қатламларини IX-XII асрлар билан даврлайди [7, Б. 332]. Қалиятепанинг сўнгги қурилиш даврий санасини М. Қосимов маълумотларига таянган А. Бердимуродов ва М. Пардаев X–XII асрлардаги Дизакни Қалиятепа ўрнида деб ҳисоблайдилар [13, Б. 49-50].

Шундай қилиб, ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг марказий карвон йўли ёқасида жойлашган Дизак шаҳри ўрнини аниқлаш учун билдирилган фикрлар орасида, уни Ўрда ўрнида бўлганлиги ҳақидаги фикрни дастлаб, фақат Я. Ғуломов билдирган. Бу фикр ҳақиқатга яқин бўлиб, кейинги даврда Қалиятепанинг шаҳристони ва аркида ўтказилган археологик қазув тадқиқотларида бу ерда IX–XII асрларга оид маданий қатламлар қайд этилмади. Чингизхон истилоси даврида мўғул босқинчилари томонидан Жиззах (Дизак) шаҳрини забт этилгани ёки бу борадаги бошқа тарихий воқеалар тафсилоти ёзма манбаларда қайд этилмаган. Ёзма манбалар ахборотига кўра, маълум бўлишича, қадимий ва машҳур Самарқандни забт этиш учун Чингизхоннинг ўзи қўмондонлик қилган. Мустаҳкам мудофаа деворлари ва ҳарбий буржларга эга бўлган Самарқанд (Афросиёб) шаҳрида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тоғаси, шаҳар ноиби Тўғайхон, лашкарбошилар Али Эрхон, Шайххон ва Болахон бошчилигида 110 минг қўшин, 20 та фил тўпланган эди [8, Б. 176-177]. Шаҳарни ўраб олган Чингизхон қамални бошиданоқ қўшни шаҳар ва кентлардан Самарқандга ёрдам кучлари келиши эҳтимоли борлигини ва бу кучлар мўғул қўшини орқасидан хавфли зарба беришини ҳисобга олиб ўз зарбдор, тезкор қўшинларини сафарбар қилган ҳолда, ушбу шаҳар ва кентлардаги маҳаллий ҳарбий кучларни мағлуб этади. Бизнинг фикримизча, айнан шу пайтда Жиззах мўғул қўшинлари томонидан истило қилинган.

Мазкур масала бўйича юқорида билдирилган фикримизга қуйидагиларни ҳам илова қиламиз:

1. Ибн ал-Асир хабарига кўра, Самарқанд қамали даврида Чингизхон ўз қўшини билан бирга ҳайдаб келинган, асирларга ҳам мўғул ҳарбий кийимларини кийдириб сафга тиздиришни буюрган. Бу пайтда Ўтрордан янада кўп сонли асирлар билан Чиғатой ҳамда Угедэй ҳам келиб Самарқанд қамалига қўшилишган [2, Б. 479]. Мовароуннаҳрнинг энг қудратли ва бой шаҳри Самарқанд қамалига қўшилишга шошилган Чингизхоннинг бу икки ўғли Ўтрордан энг яқин йўл ҳисобланган Жиззах-Илонўтти дараси орқали келган бўлиши, бошқа йўл ва йўналишларга нисбатан ҳақиқатга яқиндир. Демак, шу пайтда Ўтрордан қайтган мўғул қўшинлари Жиззахни истило қилган;

2. Жувайнийнинг ёзишича, Ўтрор истилоси даврида беш минг

лашкардан иборат, Алак-нойон бошчилигидаги қўшин Банокатни ишғол қилиш учун юборилади. Илет-гу малик раҳбарлигидаги турк гарнизони тўрт кундан сўнг шаҳарни мўғулларга топширади. Ушбу мўғул отрядининг Банокатни олгандан кейинги ҳаракатини таҳлил қилган В.Бартольд уни Самарқанд қамалига келиб қўшилганини таъкидлайди [2, Б.484]. Демак, Алак нойон бошчилигидаги зарбдор қўшин ҳам Жиззах-Илонўтти дараси орқали Самарқандга сафарбар қилинган ва бир йўла Жиззахни истило қилган;

3. Мўғуллар истилосига оид манбаларда Самарқанд олингандан кейин (1220 й.) Чингизхонни Фарғонага (Хўжандга – М.П.) зарбдор қўшин юборгани ҳақида маълумотлар бор. Жувайнийнинг хабарига қараганда, ―Хўжандни қамал қилган лашкар (йигирма минг мўғул, эллик минг асир) лар, дастлаб Ўтрор, сўнгра Бухоро ва Самарқанд истилосида қатнашганлар [2, Б. 485]. Демак, Самарқанд истилосидан кейин Фарғонага юборилган зарбдор қўшин йўл-йўлакай Уструшонанинг бир қатор шаҳарлари - Харакана (Ғаллаорол), Дизак (Жиззах), Зомин, Сабат (Сават), Ховос (Эски Ховос)ни ишғол қилиб, Хўжанд ва Фарғона сари йўл тутишган.

Мазкур фикрлар, Жиззах Ўрдасининг қарийб етти асрлик моддий-маданият қатламлари остида ётган XIII аср биринчи чорагига оид маданий қатламларини археологик жиҳатдан очиб ўргангандан сўнг ўз тасдиғини топиши мумкин.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, мўғуллар истилосидан кейин Жиззах воҳасининг марказий шаҳарларида, хусусан, Дизак, Зомин, Сабат, Ховос, Хараканада ҳаёт бутунлай издан чиққан эди. Маълум вақтдан кейин Зомин ва Харакана ўзининг аввалги жойида қад ростлайди ва аввалгидек шаҳар мавқейига эга бўлмасада, ёзма манбаларда қалъа – қўрғон сифатида тилга олинади. Сабат эса Хўжамушкентсойнинг ўнг томонига кўчади ва қишлоқ мақомида фаолиятини давом эттиради.

Дизак эса аксинча, мўғул истибдодидан кейин тезда ўзини ўнглаб олади ҳамда марказий шаҳар ҳаёти ўз ўрнида - Ўрдада давом этади. Жиззах Ўрдасининг мудофаа истеҳкомлари билан ўраб олинган ҳудуди сўнгги ўрта асрларда 100 га. га яқин бўлган. Жиззахнинг муҳим ҳарбий стратегик макон сифатида бу даврларда яратилган ёзма манбаларда бот–бот тилга олинишининг асл сабаби ҳам шундадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Абдукаримохунова Р. Отчёт Джизакского отряда за 1980 г. // Архив ИА АН РУз. Самарканд, Ф.6.01.Д.3.

2.Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Собрание сочинений. Т.I. М., 1963.

3.Бердимурадов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса (СевероЗападной Уструшаны V-X вв.) // Автореф. дисс. канд. ист. наук. М., 1985.

4.Бетгер Е.К. Извлечения из книги ―Пути и страны Абул Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ, Археология Средней Азии. Вып.IV. Ташкент, 1957.

5.Грицина А.А. и др. Древний Заамин. Ташкент, 1994.

6.Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар. / / ИМКУ. Вып.2. Тошкент, 1961. 7.Касымов М.Р. Археологические работы в Узбекистане // АО. М., 1968. 8.Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (V асрдан – XVI асргача). Тошкент, 2004.
9.Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. Сталинабад, 1953.
10.Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. // МИА. №37. М.-Л., 1953.
11.Немцева Н.Б. Караванными дорогами Голодной степи // Вехи времен. Ташкент, 1989.
12.Пардаев М.Ҳ. Буюк Ипак йўли ёқасидаги ―Дизак шаҳри ўрни тўғрисида // Буюк Ипак йўли ёқасидаги Марказий Осиё шаҳарлари. Самарқанд, 1994. 13.Пардаев М.Ҳ. Шимолий-ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда (Қуйи Сангзор воҳаси материаллари асосида). Номзод. дисс. қўлёзмаси. Самарқанд, 1995.
14.Пардаев М.Ҳ. Шимолий-ғарбий Уструшонаининг антик ва илк ўрта аср шаҳар маданияти босқичлари // Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Маърузалар баёни. Самарқанд, 1995.
15.Пардаев М.Ҳ. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар // ЎММТ. 31- нашри. Самарқанд, 2000.
16.Пардаев М.Ҳ. Уструшона аҳолисининг шаҳарлашув тарихига оид айрим мулоҳазалар (мил. авв. VII-VI асрлардан – мил. IX-XII асрларга қадар) // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Гулистон, 2007.
17.Пардаев М.Ҳ., Суюнов С.С., Пардаев А.Ҳ. Шимолий–ғарбий Уструшонада суғорма деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари // ЎММТ. 30-нашр. Самарқанд, 1999.
18.Сверчков Л.М. Минк и его округи// Древний Заамин. Ташкент, 1994. 19.Ташходжаев М.С. Отчёт об археологической разведке Джизакского района Сырдарьинской области в 1973 г. Архив ИА АН РУз.
20.Ширинов Т., Пардаев М. Отчёт об археологической работы Джизакского отряда на Калиятепа в 1981 г. Архив ИА АН РУз. Самарканд, 1982.

СУҒДИЙ ТИЛДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ОИД АТАМАЛАР

Б.С. ҒОЙИБОВ, доцент, СамДУ

Аннотация. Ушбу мақолада илк ўрта асрлар Марказий Осиё халқлари тарихига доир суғдий тилдаги атамаларга изоҳ берилган.

Калит сўзлар. *Оромий ёзув, форсий тил, Марказий Осиё, суғдий ёзма ёдгорликлар, суғдий атамалар*

Аннотация. В данной статье разъясняются термины согдийского языка, относящиеся к истории народов Средней Азии в раннем средневековье.

Ключевые слова. *Арамейское письмо, персидский язык, Средняя Азия, согдийские письменные памятники, согдийские термины*

Annotation. This article explains the terms of the Sogdian language related to the history of the peoples of Central Asia in the early Middle Ages.

Keywords. *Aramaic script, Persian language, Central Asia, Sogdian written monuments, Sogdian terms*

Тарихни ўрганишда тарихий атамалар кимматли маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Уларни ўрганиш манбашуносликда муҳим масалаларидан биридир. Бугунги кунга қадар олимлар ихтиёридаги суғдий манбаларни тадқиқ этиш давомида чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, шаҳарсозлик, илм-фан, кундалик эҳтиёж сингари соҳаларда бой анъаналар мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин. Суғдийлар ҳаётида иқтисодий масалалар бирламчи аҳамият касб этган бўлиб, манбаларда бугунги кунга қадар бир қанча иқтисодий ҳаётга оид атамалар сақланиб қолган. Уларнинг бир қисми фонетик жиҳатдан ўзгаришларга учраган бўлсада, ўзининг қадим шаклини сақлаб қолган ҳолда бугунги кунда ҳам ишлатилиши диққатни тортади. Ушбу атамалар сон, металл, минирел, тош ва бўёқ, нарса – буюм, ўлчов бирликлари сифатида иқтисодий ҳаётда ишлатилган. Суғдий тил асосида шаклланиб бугунги кунда қисман ёки тўлиқ сақланиб қолган сонлар мавжуд. Масалан, *pnc* – “беш” сони. Аввало, шуни такидлаб ўтиш керакки, суғдийча *pnc* – “беш” маъносидаги сўз суғдий ҳужжатларда шаҳар номи сифатида келтирилган. Бу Панжикент шаҳри бўлиб, аслида *pncyknδh* – “Панжикент” (“Беш шаҳар”) шаклидаги ҳам шаҳар, ҳам ҳукмдорликнинг қисқарган шакли бўлиб, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида кўпроқ *pncy* (Панч) шаклида қайд этилгани кўзга ташланади [10, С. 49]. Бугунги кунда эса *pnc* – “беш” ибораси асосида бир қатор топонимлар ва ижтимоий ҳаётга оид сўзлар шаклланган. Яна бир кўп ишлатиладиган сон “саккиз” бўлиб, унинг суғдий шакли *’št* ҳисобланади. *’št* суғдий ҳужжатларда “саккиз” сонини ифодалаш учун ишлатилган [10, С. 181-182]. *’št* ибораси асосида баъзи топонимлар ҳам шаклланган. Масалан, “Иштихон” топоними. “Иштихон” топониминг биринчии қисми *’št* ибораси дан келиб чиққан “ишт” (аслида “ашт” ёки “ҳашт”) деб талқин этилади [9, С. 145]. Муғ архивининг B-9 рақамли ҳужжатида (verso) келтирилган *γγwth – яғутаҳ* сўзи суғдий тилга ўзлашган (кириб келган) ибораларидан ҳисобланади. Юнончада *ἰάκινθος – якивдас* шаклида, оромийчада *yqwnt’, yqwnd – якунта, якунд* кўринишда ўрта форсий тилда *yākand – яканд* шаклида кириб келган ушбу ибора арабчада *yāqūt* (“қимматбаҳо тошларнинг умумий номланиши”) тарзида манбаларда келтирилган. Сўзнинг суғдий формаси арабчага яқин ҳолатда биринчи маротаба ушбу ҳужжат матнида *γγwt – yāqūt* шаклида келтирилади [7, С. 187]. Мазкур сўз ўзбек ва тожик тили луғатида *ёқут* кўринишида сақланиб қолган. Ҳар иккала тилдаги *ёқут* сўзининг манбаи суғдий тилдаги *яғутаҳ* эканлиги шубҳасиздир [3, Б. 30].

Бугунги кунда ўзбек ва тожик тилларида сақланиб қолган яна бир ибора Муғ тоғи суғдий Nov. 3. Ҳужжатининг (R) 10 қаторида *zywr* шаклида бир маротаба келтирилади. Суғдий ҳужжат тадқиқотчиси ушбу сўзни “зеб, безак, зеб-зийнат” деб таржима қилган [10, С. 23]. Ушбу ибора буддавий *zyrt(ʾ)k,* моний *zyrty*, авесточа *zairita-*, форсча *zard / zerd*, яғоний *zə́rta* шклида “сариқ” маъносини ифодалайди. Суғдий сўзлар луғатида *zyn, zyrn*

шаклида “олтин”, “зар” маъносини ифодалаш учун ишлатилган [12, P. 470]. Суғдий моний матнларида эса *zyrty* /*zirte*/ шаклида келиб, “сариқ” сўзи маъносидаги сифат кўрсаткичини англатиб келган [5, С. 379]. Давр ўтгани сайин фонетек ўзгаришлар натижасида *zyrty* шаклидаги ибора *zyrt* ва *zyr* шаклларини олган. Барча ҳолларда ушбу сўз “олтин” маъносини ифодалаш учун ишлатилган. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида учрайдиган яна бир қимматбаҳо тош номи *n’krtynch* – *накртинч* шаклида “кумуш” маъносини ифодалаш учун келтирилади [10, С. 22]. Афросиёб саройидаги деворий суратларда Чағониён элчиларидан бирининг (3 чи фигура [1, С. 21]) енгига *n’krty* – *накрте* шаклида “кумуш” маъносида келтирилади [7, С. 56]. Ҳар иккала ҳолда ҳам *накрте* сўзини ёзишдан мақсад қийматнинг асллигини кўрсатиш бўлганлиги кундай равшан. Маълумки, *драхм* дастлаб оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 4, 0250 гр. Атрофидаги кумуш миқдорини англатган. Кейинчалик шу вазндаги кумушдан зарб этилган тангани билдирган [3, Б. 52]. Илк ўрта асрларда қиймат эквиваленти сифатида кумуш (*накрте* – *нуқра*) қабул қилинган бўлиб, бу сўз ҳозирда ҳам металл номи ва шахс исми сифатида ўзбек ва тожик луғатларидан жой олган.

Суғдий тил бугунги иқтисодий ҳаётдаги бир қатор сўзларнинг таркибий қисмини ташкил этиб келган. Масалан, Муғ тоғи суғдий B-4 ҳужжатида (Recto 15) келтирилган *kpcw* – *кафч* ибораси ўлчов бирлиги сифатида қайд этилган [10, С. 56-57]. Тадқиқотчилар *кафч* 8-10 кг миқдоридаги ўлчов бирлигига тенглигини таъкидлашади. *Кафч* сўзининг суғдий тилдаги яна бир варианти *капчак*. М. Исҳоқов ушбу сўзни ўзбек ва тожик тилларидаги *кепчик* сўзи билан солиштириштириб, қуйидагиларни келтиради: - “Хусусан, *кепчик* сўзи ўзбек тилида ошланмаган хом теридан ёғоч гардишга тортиб ясалган идишни англатади. ...” [2, Б. 19]. Демак Суғдда ҳам *кафч* ўлчов бирлиги орқали 8-10 килограммга тенг ҳажмдаги ўлчов идиши тушунилган. *Кафч* идишга нисбатан ишлатилган.

Суғдий тилда муайян ўлчов билан боғлиқ ҳолат 2000 йилларнинг бошида Жанубий Қозоғистоннинг Арис дарёси бўйидан топилган Култўба эпиграфик ёдгорликларида ҳам баъзи маълумотлар келтирилган. Ёдгорликнинг №4 лавҳаси 3- қаторида *wd’n n’p* – “чодир халқи / юрт” (яъни, “кўчманчилар”) (ўрта парфиёний ва монийча *wd’n* |*wiδān*| “чодир”; *wd’nm’n* |*wiδānmān*| “чодирда яшовчи > кўчманчи”) жумласи учрайди [11, P. 90]. Балки ушбу қаторда кўчманчилар орасида ҳудудларни тақсимлаб олиш ҳақида сўз боради. Лавҳадаги 3- қаторнинг давомидан *’LYK* идеограммаси келтирилади. Аксарият ҳолларда суғдий мактубларда *qoph* ҳарфи *kaph* билан алмашади (оромий асосдаги бошқа ўртаэроний ёзувларда ҳам бу ҳолатни учратиш мумкин). Ушбу идеограмма суғдий ҳужжатларда учрамайди. Сўзни семитча феъл *hlq* “тайинламоқ, аниқламоқ” асосида *hlyq* шаклида талқин этиб, жумлани “яъни, аниқланган – улуш” маъносида талқин этиш мумкин. Афтидан гап ҳудудларни кўчманчи ва маҳаллий ўтроқлар ўртасида тақсимланиши ҳақида бормоқда. Култўба ёдгорлигида

яна бир иқтисодий асосда шаклланган топонимнинг мавжудлиги аниқланди. №4 рақамли лавҳада Чоч ҳарбий қўмондонининг қайсидир шаҳарга асос солганлиги тўғрисида анчайин кенгроқ маълумот келтирилган. Айни лавҳада бойлик (хазина) ҳақида, балки янги асос солинган шаҳар билан боғлиқ (?) ҳолда маълумот эслатилади. Балки бу бойлик кўчманчилар билан бўлган уруш натижасида қўлга киритилган ўлжа бўлиши мумкин. В.А.Лившицнинг таъкидлашича, “қимматбаҳо бойлик” маъносини берувчи эроний **ganza* ёки **gazna* сўзидан бир неча чегарадаги аҳоли манзиллари номлари шаклланган: Македониялик Александр томонидан эгалланган Кирэсхата яқинидаги *Гάζα* шаҳри; Афғонистон ҳудудидаги Сосонийларнинг қадимги чегара шаҳри – *Ғазна*; Сосонийлар империясининг шимоли-ғарбидаги *Ганзак* ёки *Ганжа* шаҳарлари шулар жумласидан [8, С. 61]. Шунинг учун ҳам Култўба ҳужжатларида эслатилган бойлик қайсидир “хазина” билан боғлиқ бўлиши эҳтимоли юқори.

Масаланинг яна бир қизиқ жиҳати шундаки, суғдий тилда *w’črn* /*vācərən*/ атамаси “бозор”ни англатган. “Бозор”, “савдо мажмуа” маъносини берадиган бу атама айни даврга оид парфиёний манбаларда *vāžār*, форсча *vāzār* шаклида ҳам учрайди [12, P. 397]. “Бозор” атамасининг мавжудлиги унинг мавжудлигининг исботи ҳисобланди. Яна бир қадим тарихга эга илк ўрта асрларнинг кейинги даврларда кенг ишлатилган атама Авесто китобида келтирилган *čāvrusuk* атамаси бўлиб, сўзма-сўз “тўртбурчакли”, “тўрт-қиррали” каби маъноларни англатади. Олимларнинг фикрича, ушбу сўз асосида форсий тилда “бозор” маъносини англатадиган “чорсу” ёки “чаҳорсу” атамаси шаклланган (Эрнест Херцфилднинг тадқиқотида алоҳида бўлим, қадимги эроний меъморчилик ва у билан боғлиқ атамаларга бағишланган) [13, P. 567]. Аслида бу атама “бозор”ни ифодалаш учун ишлатилган бўлиб, уни гидроним ўлароқ “чаҳорсув”, яъни, “тўрт сув”, “тўрт ариқ” каби талқинлар ўзини оқламайди ва янглишдир. Суғдий тилдан бошқа тилларга ўзлашган вақтда турли фонетик ўзгаришларга учраган бир неча иқтисодий ҳаётга, аниқроғи савдо алоқаларига доир сўзлар сақланиб қолган. *brync* (*brinč, βarēnc*) шаклида – “гуруч” маъносидаги ибора ҳам суғдий асосли ҳисобланади [12, P. 111]. *škkry* (*šakkkare, šəkər*) суғдий тиллар луғатида “шакар” маъносини берувчи суғдий ибора эканлиги келтирилади. *’rt, ’rt’ (ārt, artē)* ун маъносини беради [12, P. 58-59]. Аслида суғдий асосга эга лекин бугунги кунда эронийзабон халқлар кенг ишлатадиган, суғдий манбаларда учрайдиган иқтисодий ҳолатларга нисбатан ишлатилган *nγz – нағз* (“яхши”, “нафис”, “ёқимли”), *γarev – ғарев* (“бақирмоқ”, “қичқириқ”), *vaδīc / vaδīč – вағйич* (*ваиш* ёки *войиш* шаклида “ток учун панжара” маъносидаги шакли сақланиб қолган. Ушбу сўз асосида *Вағашти* (*ҳоз.* Ургут туманидаги қишлоқ) жой номи ҳам шаклланган. Шунингдек, *palaγda* ёки *pulγuda* (*палағда / пулуғда* сўзи ҳам суғдчадан “айниган”, “чириган”, “бузилган”, “чарчаган” маъноларини беради [4, С. 34, 37, 40] каби сўзлар ҳам суғдий маданиятни бугунги лаҳжаларда акс этганлигини тушунишда

ёрдам беради. Суғдий тил Марказий Осиёдаги суғд-турк маданий симбиозида ҳам нафақат қадимги туркий, балки суғдий тил орқали ҳам чуқур из қолдирди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғат тит-турк» асарида келтирилишича, қадимги туркий (Кошғарийга кўра, арғу ва яғмо лаҳжаларида) *maraz* «товон тўловчи, ишлаб берувчи», суғдий *marāz*; қадимги туркий *borč* «қарз (бурч)», суғдий *purč*; қадимги туркий *amanč* «олийжаноб, ҳурматли», суғдий **amānč* – «куч, қудрат, обрў»; қадимги туркий *qatïr* «хачир», суғдий *xartar*; *baqïr* «ўлчов бирлиги» каби бир қатор иборалар қадимги туркий тилга суғдий тилдан ўзлашган иқтисодий ҳаётга хос атамалар ҳисобланади [6, С. 366]. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида иқтисодий ҳаётнинг у ёки бу жиҳатини бошқаришга қаратилган *’’w’zypt – аавазипат*, (суғориш билан боғлиқ ариқ тозалаш, ҳашар ишларига масъул...) [10, С. 71-72], А-5 рақамли суғдий ҳужжатида учрайдиган *prδyzp’(n) – пардезбон* (саройга қарашли боғлар, хиёбонлар устидан назоратчи) [10, С. 208], *γwpt* (*šwpt ?*) – *ғупат* (“даромадлар нозири”, бошқача айтганда, “молия ишлари мутассаддиси”) [3, Б. 54], *β’zkr’m – бозкром* (божхона нозири) [3, Б. 24] каби маҳаллий унвонлар бўлганлиги ҳам кўзга ташланади.

Бир сўз билан айтганда, суғдий тил Араб халифалиги истилоси натижасида ўлик тиллар қаторидан жой олган бўлса-да, ушбу тилдаги бир қатор иборалар бугунги кунга қадар фонетик ўзгаришларга қарамай ўзига хос кўринишда туркий ва форсий тилларда сайқалланиб, мулоқот воситаси сифатида сақланиб қолган. Бунга асосий сабаб мазкур сўзларнинг халқлар ўртасидаги тил, санъат ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида мулоқот воситаси сифатида узоқ йиллар давомида қўлланилганлидир. Шунингдек, иқтисодий атамалар тадқиқи асносида турк-суғд симбиози билан боғлиқ жиҳатлар ҳам ойдинлашади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳам туркий ва ҳам форсий (тожик) тилидаги сўзларнинг бир қисми суғдий асосга эга бўлиб, уларнинг эса муаяйн қисми иқтисодий асосда бўлганлигини айтиб хулоса қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975.
2. Исҳоқов М. Суғдиёна – тарих чорраҳсида. – Ташкент: Фан, 1990.
3. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992.
4. Лившиц В.А. Согдийские слова в таджикском языке. I. / Известия отделения общественных наук, АН Таджикской ССР. 1957, – №12.
5. Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языке. – Москва: Наука, 1981.
6. Лившиц В.А. Согдийцы дарят хум несторианскому учителю Йаруктегину // Scrinium: T. 2. Universum Hagiographicum: Mémorial R. P. Michel Van Esbroeck, S. J. (1934-2003). Hardcover – January 1, 2006.
7. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб: 2008.
8. Лившиц В.А. Старейшая согдийская надпись из Коль-тобе / Вестник древней истории (Journal of ancient history). – Москва: Наука, 2015. – № 1 (292).
9. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – СПб: 2004.

10. Согдийские документы с горы Муг (СДГМ II) / чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. Выпуск II. – Москва, 1962.

11. Boyce M. A Word-List of Manichaean Middle Persian and Parthian (Acta Irani ca. 9a). – Teheran-Liege. 1977.

12. Gharib B. Sogdian dictionary. Sogdian-Persian-English. Tehran: Farhangan Publications. 1995.

13. Zoroaster and his world. By Ernst Herzfeld. – Prinseton, 1947. Vol I.

БУХОРО ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Г.А. АГЗАМОВА, профессор, ЎзР ФА Тарих, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги шаҳарларида кўплаб ҳунармандчилик соҳаларининг ривож топиши ва Россия билан ўзаро савдо-дипломатик муносабатларига оид маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар*: ҳунармандчилик, занданачи матолар, савдо-дипломатик алоқалар, «Читгархона»*

Аннотация. В данной статье анализируется развитие множество видов ремесел в городах Бухарского ханства в первой половине XVI-XIX вв., и взаимные торгово-дипломатические отношения с Россией.

Ключевые слова: *промыслы, ткани занданачи, торгово-дипломатические отношения, «Читгархана».*

Annotation. This article analyzes the development of many crafts in the cities of the Bukhara Khanate in the first half of the 16th-19th centuries, as well as trade and diplomatic relations with Russia.

Keywords: *crafts, Zandanachi fabrics, trade and diplomatic relations, Chitgarkhana.*

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги шаҳарларида кўплаб ҳунармандчилик соҳалари мавжуд бўлиб, уларда турли ҳунар соҳиблари яшаб, ўз меҳнатлари билан шаҳар иқтисодий ҳаётининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлар. Ҳунармандлар дид билан, ўз мамлакатининг талаб ва одатларидан келиб чиққан ҳолда такрорланмас маҳсулотларини яратганлар. 1697 йили Бухоро ва Хивада бўлган Ф. Скибиннинг Бухоро ҳақида “одамлари ҳунарманд, савдогардирлар”, – деб қайд қилиши бежиз эмас эди [1]. Буни тасдиқловчи маълумотлар тарихий манбаларда кўплаб қайд этилган. Хусусан, XVI асрга оид Самарқандда тузилган қозилик ҳужжатларида 60 дан ортиқ ҳунар турлари келтирилиб, улар билан машғул бўлган шахслар – кулоллар-кулолгарон, буёқчилар-саббоғон, қоғоз ишлаб чиқарувчилар – қоғазгарон, тикувчилар – дарзион, тўқувчилар – бофендэгон, найза ясовчилар – тиргарон,

дурадгорлар – харротон, намад босувчилар – намад молон ва бошқа кўплаб ҳунармандчилик соҳалари билан шуғулланувчилар номи келтирилади [2, 75-76]. Маҳаллий муаррихлар асарларида хонликдаги ҳунармандчиликнинг ҳолати, ривожланган соҳалари ва уларнинг маҳсулотлари ҳақида фикр юритишга имкон берувчи бир қатор билвосита ёки бевосита маълумотлар талайгина. Шу билан бирга хонликдаги ҳунармандчилик тарихининг айрим масалаларига ойдинлик киритишга хизмат қилувчи яна бир туркум манбалар бўлиб, бу расмий ҳужжатлардир. Улар сирасига XVI-XVII асрлар мобайнида Бухоро хонларининг Россия билан ўзаро савдо-дипломатик алоқаларига оид ҳужжатларни киритиш мумкин [3]. Кўп ҳолларда маҳаллий манбалар маълумотларини тасдиқловчи, баъзан эса уларда учрамайдиган маълумотларга эгалиги билан ажралиб турувчи бу ҳужжатларнинг иомий аҳамияти каттадир. Буни уларда мавжуд айрим хонликдаги ҳунармандчилик соҳалари, бухоролик ҳунармандлар томонидан яратилган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни бошқа тоифадаги манбалар маълумотлари билан солиштириш орқали аниқ кузатиш мумкин.

Бухоро хонлигида ҳунармандчиликнинг энг етакчи соҳаси тўқимачилик ҳисобланган. Хонликнинг тўқувчилик тараққий этган марказларидан бири Бухоро эди. Бу шаҳарда кўплаб газлама турлари ишлаб чиқарилган. Ушбу марказда ишлаб чиқарилган матолар ҳақидаги маълумотларни 1671 йилда Россияга юборилган Бухоро элчиси Мулла Фарруҳнинг рус дьяки ёрдамчиси Иван Астафьевнинг “Бухоро давлатида қандай моллар бор?”, – деган саволига берган жавоби тўлдиради. У берилган саволга “киндяклар ва зандана ва китайка” асосий моллар бўлиб, “кимхоблар ва атласлар” ҳам бор, – деб жавоб берган эди [4].

Пойтахт шаҳар ва хонликнинг бошқа марказларида тўқиладиган газламаларнинг катта қисмини ип газламалар ташкил этар эди. Улар жумласига бўз (карбас), олача, занданачи, чит ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу газламаларнинг катта қисми чет мамлактларга ҳам олиб борилган. Буни Бухородан Россияга олиб борилган моллар қайд этилган божхона рўйхатлари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 1639-1672 йиллар оралиғида Тара ва Тобольскка келтирилган моллар рўйхатида номи зикр этилган газламаларнинг турли хилларини учратиш мумкин. Хусусан, унда “зандана семенди, зандана дюменди, қора зандана, ишлов берилган бўз, энсиз бўз, ишлов берилган энсиз бўз, кенг олача, рангли олача” номлари қайд этиб ўтилади [5]. Бу газламалар ўзининг тўқилиши, эни, ранги билан бир-биридан фарқ қилиб, турли кўриниш касб этган. Биргина бўзнинг ўзи, таниқли ўртаасршунос олимаР.Г. Мукминованинг кўрсатишича, 8 рангда – қора, кўк, сариқ, барг ранг, чумоли, гунафша ва бошқа рангларда бўлиши мумкин эди [6, 48]. Олача доимо ҳам ипдан тўқилмаган. Унинг икки хили – оддий ип олача ва ипаклик олача бўлган. Оддий олачанинг энг яхши нави зибак деб аталар эди. Ипаклик олача эса жуда чекланган миқдорда ва кўпроқ Бухорода ишлаб чиқарилган. Олачанинг турли хиллари – “оддий

2460 ўрам олача ва 26 ўрам кенг рангдор олача” 1640 йилда Тобольскка Имомқулихон элчилари олиб келган моллар орасида эслатиб ўтилади[7]. XIX асрга оид тарихий маълумотларнинг кўрсатишича, бу мато турини кўпрок Бухоро хонлигида Ургут, Самарқанд ва озроқ миқдорда Каттақўрғонда ишлаб чиқарилган. Ип газламалар ичида чит алоҳида ўрин тутган. Бу газламани ишлаб чиқариш билан шуғулланган ҳунармандлар читгарлар деб аталган. Улар бўз (карбас)га қолиплар ёрдамида турли ранглардаги гулларни босганлар. Бу анча мураккаб иш жараёни бўлиб, у ҳунарманддан катта маҳоратни талаб этган[6, 66-67]. Бу ҳунармандларнинг устахоналари шаҳар ва унинг атрофларида жойлашар ва “Читгархона” деб аталар эди. Матога гул босувчи читгарлар ўсимликлардан олинадиган маҳаллий буёқлар – кўк, сафсар, мош ва қизил ранглардан фойдаланганлар[8,103]. Читнинг энли, энсиз хиллари ва ишлаб чиқарилган жойига қараб номланадиган турлари ҳам бўлган. XVI-XVII асрларга оид рус манбларида “выбойка” номи билан машҳур чит кўплаб мамлакатларга олиб кетилган. Буни яна архив ҳужжатлари, хусусан, 1639-1672 йиллар оралиғида Тобольск божхонасида қайд этилган “кенг читлар”, “тор читлар”, “ўртача читлар” ва “бухоро читлари” ҳақидаги маълумотлар тасдиқлайди [9]. Бухоро хонлиги шаҳарларида ипак газламалар ҳам тўқилган. Хусусан, XVIII асрнинг 70-йилларида Бухорода бўлган Ф. Ефремов шаҳарда турли газламалар, жумладан, ипакдан олтин ва кумуш безакли йўл-йўл парчалар, атласлар, бахмаллар тўқилганини қайд этган эди [10,119]. Хонлик шаҳарларида ишлаб чиқарилган ипак матоларга уларнинг ўзида, қўшни шаҳарлар ва давлатларда эхтиёж катта эди. Шундай газламалардан бири бахмал бўлиб, у XVI асрда Самарқандда кенг ишлаб чиқарилган. Бу ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар”, – деб ёзади [11,46]. Самарқандда ишлаб чиқарилган бу мато Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари ва қўшни давлатлари орқали узоқ ерларга олиб борилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга 1676 йилда Хивадан Россияга келган элчи Нодир Баҳодир ўзи билан совға сифатида олиб келган 9 бўлак “қизил бахмал” ҳақидаги маълумот ҳам ишора қилади[12].

Бухорода ривожланган ҳунармандчилик турларидан бири буёқчилик эди. Бу ҳунар тури тўқимачилик ва бошқа ҳунармандчилик соҳалари билан узвий боғланган эди. Буёкчилар – Бухоро хонлигига оид ҳужжатларда “саббоғлар” номи остида эслатиб ўтилади. Хусусан, XVI асрга оид ҳужжатларда “Дўст Саббоғ”, “Ибн Али Саббоғ”, “Мирек Саббоғ”, “Сайид Ислом Саббоғлар” номи келтирилади [13]. Бўёқчилар газлама, ип ва ипакни бўяшда турли ранглардан фойдаланганлар. Хусусан, маҳсулотга қизил ранг бериш учун рўянни ишлатганлар. Бўёқчилар сариқ рангни испаракдан, сарғимтир барг рангни тут дарахтида ўсувчи пўкакдан, маҳаллий боғларда ўсувчи дарахтдан барг ранг – тухмак, шойини қора рангга бўяшда ишлатиладиган рангни гулҳайридан, ва бошқалардан олганлар [14,209-210].

Гули-махсардан эса пушти ранг бўёқни ҳосил қилишда фойдаланганлар [15,115-116]. Шу билан бирга, бўёқчилар ишлатган ранглар ичида қирмиз бўёғи бўлиб, уни топиш ва тайёрлаш анча мураккаб ҳамда машаққатли жараённи ташкил этган. У қирмис деб аталувчи ҳашаротдан олинар эди. Бухоро хонлигида бўлган Петр I нинг элчиси Флорио Беневени (1718-1725) “чўлда ҳашаротларнинг биридан қирмиз деб аталувчи бир қимматбаҳо бўёқ олинади, – деб гувоҳлик берар экан, – яҳудийлар бу ҳашаротларни эзиб, ушбу бўёқни оладилар”, – деб қўшимча қилади[16,85]. Турли усуллар билан тайёрланган хилма-хил бўёқлардан тўқувчиликдан ташқари ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари – кўнчилик, қоғоз ишлаб чиқариш, қўлёзма китобларни безаш, сиёҳлар тайёрлаш ва ҳ.к. фойдаланилган. Бухоро хонлигида тайёрланган бўёқлар бошқа юртларга ҳам олиб борилган. Жумладан, 1585 йилда Абдуллахон II томонидан Москвага юборилган элчи Муҳаммад Али рус подшоси Федор Ивановичга олиб келган моллари қаторида “40 пуд буёқ”ни ҳам эслатиб ўтади[17]. Хонлик шаҳарларида кийим-бош ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари ҳам кенг ривожланган эди. Ҳунармандлар шаҳар, қўшни қишлоқлар, бошқа шаҳарлар, дашт аҳли ва баъзи ҳолларда айрим мамлакатлар аҳолиси эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотлар яратганлар. Бундай ҳунармандлар жумласига – кўйлак, чопон ва ҳ.к. тикувчилар, бош кийим, хусусан, дўппи тикувчилар, оёқ кийим тикувчи – кафшдўзлар, этикдўзлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар томонидан ишлаб чиқарилган кийим-бош айрим ҳолларда узоқ ўлкаларга ҳам олиб борилган. 1639-1672 йилларда Тара божхонасининг ҳужжатларида қайд этилишича, Бухородан бу ерга бошқа кийим-бош турлари билан бир қаторда “кўйлаклар ва иштонлар келтирилган”[18]. Кийим-бошнинг муҳим турларидан бири бўлиб – рўмоллар, қийиқлар, дастрўмоллар ҳисобланган. Турли матолар – ип ва ипакдан тайёрланган бу кийим-бош турлари ва дўппиларга кашталар тикилган. Бу иш билан кўпроқ аёллар машғул бўлиб, уларнинг маҳорати ҳақида XIX асрнинг 20–йилларида пойтахт шаҳар Бухорода бўлган россиялик Е.К. Мейендорф: “Бухоролик аёллар учун йўрмадўзлик яхши вақт ўтказиш учун хизмат қилади. Улар шойи рўмолларга йўрмадўзлик билан Ҳофиз асарларидан олинган шеърий парчаларни битадилар”, – деб қайд этади[19,117]. Шаҳар ҳунармандларининг бу маҳсулотлари бухоролик савдогарлар томонидан айрим ҳолларда бошқа шаҳарлар ва мамлакатлар, хусусан, Россияга олиб борилган. Буни тасдиқловчи XVII асрга оид архив маълумотларига кўра, Бухородан Тара ва Тобольскка “ип ва ярим ип белбоғлар” ҳам келтирилган[20]. Бухоролик ҳунармандлар орасида пўстиндўзлар алоҳида ўрин тутар эдилар. Маҳаллий ҳунармандлар бу соҳада ўз ишининг моҳир усталари бўлиб, улар пўстиннинг турли хилларини яратганлар. Улар ўз навбатида қимматбаҳо мўйналардан пўстин тикувчи усталар – мўйнадўзлар ва шунингдек, анча арзон – қўй терисидан пўстин тикувчи – пўстиндўзларгабўлинар эдилар[21]. Буни Зайниддин

Восифийнинг (XVI аср) қуйидаги хабаридан ҳам англаш мумкин. Муаллиф XVI аср бошларида Самарқанддаги совуқ пайтида унга “мўйнали пўстин ва тўн”, ўн хуросонлик талабага эса “қўй пўстини, кўйлак ва иштон” тақдим этилгани ҳақида хабар беради[22]. Ҳунармандлар пўстин тикиш учун кўп ҳолларда тулки, сувсар терисидан ҳам фойдаланганлар. Хонлик шаҳарларида тикилган пўстинлар узоқ юртларга ҳам олиб борилган. Жумладан, 1639-1672 йиллар оралиғида Тобольскка келтирилган моллар рўйхатида бу ерга келтирилган молларнинг бир тоифаси “тулки терисидан тикилган пўстин” тарзида расмийлаштирилган бўлса[23], 1637-1698 йилларда Тарага келтирилган моллар сирасида “мўйнали пўстинлар” ва “оддий пўстинлар” қайд этилади[24]. Кейинги асрларда ҳам хонлик шаҳарларида пўстиндузлар маҳсулотига талаб катта бўлган. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухородаги Абдуллахон карвон-саройида пўстин билан савдо қилувчилар ўз молларини сақлаганлар. Совуқ бошланиши билан мазкур устки кийим тури бу ердан бошқа ўлкаларга ҳам олиб кетилган[25]. Айрим шаҳарларда чўяндан турли буюмлар қуйиб ясовчи усталар – дегрезлар ҳам машҳур эдилар. Улар хўжаликда керакли бўлган буюмлар, чироғдонлар, кўчма ўчоқлар, қозонлар ва бошқаларни ясаганлар. Бухоро ҳақида ёзар экан, Е.К. Мейендорф “Тақур-туқурга қараганда қозончиларнинг ишлари кўп бўлса керак”, – деб қайд этган эди[19,116]. Бу ўринда Тарага Бухородан келтирилган моллар рўйхатида (1637-1698) қайд этилган, қозонлар – “чюдинные”ни эслатиб ўтилиши диққатга сазовордир[26].

Ўрта аср тузумига хос ўзаро келишмовчиликлар, низо, урушлар ҳарбий қурол-аслаҳаларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарар ва уларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланишини талаб қилар эди. Бу соҳада машғул бўлган ҳунармандлар томонидан ясалган қуроллардан бири машҳур “Бухоро ёйи[27,126] бўлиб, уни ҳатто Россияга ҳам олиб борганлар. Хусусан, 1639-1672 йиллар оралиғида Тобольскка Бухородан 1639-1640 йиллар давомида 61 та “Бухоро ёйи” олиб борилган[28]. Имомқулихоннинг элчиси эса Тобольскка ўзи билан бирга 1640 йилнинг 15 июлида “53 та Бухоро ёйи”ни келтирган эди[29]. Бухоро хонлиги шаҳарларида терига ишлов бериш ҳунари ҳам кенг ривожланган эди. Терини ошлаш ва чарм ишлаб чиқариш жуда меҳнат талаб ҳунармандчилик соҳаларидан бири ҳисобланар эди. Буни биргина сағри терини тайёрлашга жараёнига оид қуйидаги маълумотдан кузатиш мумкин. “Сағри тери” тайёрловчилар томонидан уни тайёрлаш учун 32 кун кетар эди. Унинг 12 куни терини ошлашга, 20 куни эса уни бўяшга сарф қилинарди[30,17]. Бухорода жуда ажойиб сағри тери тайёрланиб, бунда ҳунармандлар қўй, эчки териларини ишлатиб, уларни турли рангларга бўяганлар[19,116]. Шаҳар ҳунармандлари томонидан ошланган терилар бошқа юртларга ҳам олиб кетилган. XVII асрда Россияга келтирилган моллар рўйхатида “замша”, “Бухоро замшаси”, “сахтиён”, эчки ва қўй

терилари қайд этиб ўтилади[31].

Чармдан ҳунармандлар кийим-бош турлари - телпаклар, ов қўлқоплари, камзуллар, иштонлар ҳам тикканлар. Уларни қимматбаҳо тошлар билан безатганлар. Бу ўринда Муҳаммад Юсуф Муншийнинг Маҳмуд-оталиққа олий ҳукмдор Субҳонқулихон (1681–1702) томонидан тортиқ этилган “қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар” ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир[32,126]. “Эчки терисидан тикилган кийим” ва “чарм иштонлар” XVII асрда Бухородан Сибирга келтирилган моллар ичида тилга олинади[33]. Шундай қилиб, Бухоро хонлигида XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари мавжуд бўлиб, уарда фаолият юритган ҳунарманд усталар юксак маҳорат самараси бўлган ўз маҳсулотларини яратганлар. Уларнинг маҳорати, яратган маҳсулотлари ҳақида маҳаллий муаррихлар асарлари билан бир қаторда турли архив фондларида сақланаётган ҳужжатлар ҳам маълумот беради. Хусусан, XVI-XVII асрлар мобайнида Бухоро хонларининг Россия билан ўзаро савдо-дипломатик алоқаларига оид расмий ёзишмалари, божхона дафтарлари ва бошқалар хонликда мавжуд ҳунар турлари ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтириб, маҳаллий манбалар маълумотларини тўлдиради. Шу тариқа тарихни холис ёритишга томон яна бир қадам ташланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Расспросные речи возвратившихся из Казачьей Орды тобольского казака Федора Скибина с товарищами в Тобольской приказной избе о путях в Среднюю Азию // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1932.– С. 263—267. (Кейинги иқтибосларда: МИУТТ).
2. Казийские документы XVI в./ Текст, пер., указ. юрид. терминов и примеч. Р.Р. Фитрата, Б.С. Сергеева. – Т., 1937 С. 75-76.
3. Бу ҳужжатлар Россия Давлат Қадимги Актлар архивида сақланади. Ҳужжатлар асосан XVI-XVII асрларга оид бўлиб, эски рус тилида ёзилган. Бу ҳужжатларнинг катта қисми XVI-XVII асрлар рус тили грамматикаси, стилистикаси хусусиятларини сақлаган ҳолда 1932 йилда “Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР” номи остидаги ҳужжатлар тўплами шаклида нашр этилган.
4. МИУТТ.– С. 386.
5. МИУТТ. – 376-б.
6. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла Самарканда и Бухары в XVI в. – Т.: Фан, 1976.
7. МИУТТ. – С. 363.
8. Гейер М. Назаров Н. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Тетрадь – 1. – Т. – 1903. – С. 103.
9. МИУТТ. – С. 342.
10. Ефремов Ф. Девятилетнее странствование/ Под ред. Э. Мурзаева.– М.: Географгиз, 1952. – С. 119.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома/ Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Т.: Юлдузча, 1990. 46 б.
12. МИУТТ. – С. 244.
13. Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв./ Пер. Е.Э. Бертельса. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1954. – Док. № 84, 90. – С. 135, 147; – Док. № 93. – С. 148; – Док. № 216. – С. 223.

14. Краузе И.И. Заметки о красильном искусстве туземцев // Русский Туркестан. – М. – 1872. – Вып. II. – С. 209-210.
15. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 115-116.
16. Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. – М.: Наука, 1986. – С. 85.
17. МИУТТ. – С. 98.
18. МИУТТ. – С. 344.
19. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – С. 117.
20. МИУТТ. – С. 377.
21. Казийские документы XVI в. – С. 75-76.
22. Болдырев А.Н. Мемуары Зайн-ад-дина Васифи, как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже ХУ-XVI веков // Труды отдела истории культуры и искусства Востока Государственного Эрмитажа. – Т.II. – 1940. – С. 226.
23. МИУТТ. – С. 345-346.
24. МИУТТ. – С.– 352-353.
25. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: Наука, 1983.
26. МИУТТ. – С. 352.
27. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома/ Нашрга тайёрловчи. Э. Шодиев. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – 126-б.
28. МИУТТ. – С. 346.
29. МИУТТ. – С .363.
30. Гейер И.И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Ш. Сагирчи (шагренщики) // Рус. Туркестан. – 1902. – № 192. – С. 17.
31. МИУТТ. – С. 377-378.
32. Мухаммад Юсуф Мунши. Мукимханская история / Пер. с перс.-тадж. А.А. Семенова. – Т.: Фан, 1956. – С. 126.

ЧАЁНЛИ МОЗОРҚЎРҒОНИДАГИ ОТ БИЛАН БОҒЛИҚ ДАФН МАРОСИМЛАРИ ҲАҚИДА

Ф.Э. ТОШБОЕВ, доцент, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация: Ушбу мақола Қадимда Уструшона ёдгорликларида ўрганилган йилқи тасвири, унинг тимсолини ифодаловчи топилмалар ва от билан боғлиқ дафн маросимлари асосида Уструшона халқлари маънавий ҳаётида отнинг тутган ўрнига бағишланган.

Калит сўзлар: *Чаёнли мозорқўрғони, от топинчи, Сузмойилота, Нахраж, Ғулбо мозорқўрғонлари, миграциялар.*

Аннотация: Данная статья посвящена к вопросам место лошади в духовной жизни народов Древней Уструшаны на основе находок образа лошади, погребальных обрядов и наскальных изображение связанных с конем которые изучены в памятниках..

Ключевые слова: Курган Чаянлы, конепоклонник, Сузмойлота, Нахрадж, курганы Гульбо, миграции.

Annotation: This article is devoted to the place of the horse in the spiritual life of the peoples of Ancient Ustrushana based on the finds of the image of the horse, funeral rites and rock carvings associated with the horse that have been studied in the monuments.

Keywords: *Chayanly barrow, horse worshiper, Suzmoylot, Nahraj, Gulbo barrows, migrations.*

Қадимда Уструшона вилояти деб юритилган ва унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Жиззах маданий ўлкасининг Ўрта Сангзор дарёси ҳавзаси яъни ҳозирги Ғаллаорол тумани ҳудуди ўзининг бой тарихий ёдгорликлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Туманда шахар маданиятига оид ёдгорликлар билан биргаликда кўчманчиларга оид археологик ёдгорликлар ҳам кўп сақланиб қолган. Бироқ, уларнинг кам қисми ўрганилган. Шунинг учун 2021 йил май, август, октябр ойларида Жиззах давлат педагогика институти профессор ўқитувчилари, Ўз РФА Миллий археология маркази илмий ходимлари билан ҳамкорликда, археология фанидан дала малакавий амалиётини ўтаётган талабалар иштирокида Ғаллаорол туманидаги Чаёнли қишлоғида қазув тадқиқот ишлари олиб борди. Чаёнли мозорқўрғонлари Ғаллаорол шаҳри маркази – Сарбозордан 3 км шарқдаги даштликда фермер хўжалиги худудида жойлашган. Бу ерда катта ўлчамдаги 8 мозорқўрғон мавжуд. Улардан ўрганилган мозорқўрғоннинг ўлчами 43х41 м. баландлиги 6 м.

Мозорқўрғонда шу пайтгача дастлабки қазув ишлари ўтказилиб, унинг 1\6 қисми очилган. Ўрганилган ҳудуди ёдгорликнинг марказий қисмида бўлиб, бу ерда 4 та ертўласимон (ғор) хоналар очилди. Бу хоналар ўзаро марказдан ўтган каридор билан туташтирилган ва тўрт томонга кетган хоналарнинг умумий кўриниши хочсимон кўринишга эга бўлган ва қуёш тимсолини ифодалаган. Ўрганилган қисмидаги **№** 2 хона (уни қабр, деб аташ ҳам мумкин) тавсифини келтирамиз. Хона шимол-жануб йўналишда қазилган, йўлаги шарқда, поли ёдгорлик репер нуқтасидан 7,20 м чуқурликда. Ўлчами ШЖ 120 см, эни 85 см, гумбаз баландлиги 80 см. Сақланиб қолган девор баландлиги 118 см. Қабр тўлиқ лойқа билан тўлдирилган. Лойқа қатлами қалинлиги 8-10 см дан иборат. Қабрнинг шимолий қисмида қабр полидан 35 см баландликда 45 х 80 см ўлчамдаги супача мавжуд. Супачага отнинг бош қисми – иккита жағ суяги ва олд курак тишлари қўйилган. Шу пайтгача, Уструшонада отга сиғиниш ва уни эъзозлаш билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилган. Унга Зомин туманидаги Ғулбо мозорқўрғонлари (1, 2, 4) ни мисол келтириш мумкин. Бу ерда жасадлар, чалқанча ётқизилган, бироқ оёқлари тиззадан йиғилиб икки томонга ёйилган “отлиқ-чавандоз” ва “ярим отлиқ ҳолат” кўринишида дафн этилган.[1,Б.184-189] Жиззах воҳасидаги Сузмойилота, Нахраж ва Сиғомсой қоятошларида ўрганилган одамларнинг эгар-жабдуқли от устида, қўлларида юган ушлаган кўринишларда ва отда кетаётган ҳолатдаги

тасвирлари ўрганилган.[2,Б.14] Ёзма манбаларда кўп бора Уструшоналикларнинг илоҳий фарн – отга сиғиниши ҳақида ҳам маълумот берилган. Қалаи Қаҳқахадаги сарой мажмуасида подшо тахти жуфт от кўринишида бўлган. Унинг махсус кириш йўлаги тагида отнинг бошсиз танаси, анатомик жиҳатдан тўлиқ ҳолда, арчадан ясалган тахтада ётган тарзда сақланган.[3,Б.122] Уструшонадаги Асбаникат, Асбара каби жой номлари ҳам отни илоҳийлаштириш натижасида вужудга келган. Демак, уструшоналикларда от топинчи кучли бўлиб, бу аввало, отларнинг барча хусусиятларига кўра аҳоли яшаш тарзи ва хўжалик юритишига тўлиқ мос келиши билан изоҳланади. Чаёнли мозорқўрғонида от бош қисмининг дафн этилиши эса бу фикрларни янада мустаҳкамлайди. Олимларнинг таъкидлашича, отларга сиғиниш дастлаб унинг боши билан боғлиқ бўлган. Бу урф одатлар бутун Ўрта Осиё халқлари этнографиясида ўзининг ёркин ифодасини топган. Бронза даврининг ривожланган босқичига тааллуқли бўлган Алакул маданияти жамоаларида вафот этган киши билан отнинг боши ва оёқ қисмларини дафн этиш кенг ёйилган.[4,Б.69] Қозоғистон ҳудудида жойлашган Фёдоровск ёдгорликларида вафот этган одам билан отнинг қовурғасини, Кожумберди ва Бегази типидаги ёдгорликларда эса отнинг боши ва оёғини биргаликда дафн этиш кўплаб учрайди. Отларни илоҳийлаштириб дафн этиш илк бор Ўрта Осиёда Калтаминор маданиятига мансуб Дарвозақир макони ва жанубий Туркманистондаги Намозгоҳ IV ёдгорликлари материалларида кузатилади. Ривожланган бронза яъни милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмидан аждодларимиз ҳаётида отлар муҳим рол ўйнай бошлаган. Шу даврга оид Тозабоғёб маданияти соҳибларида отларга сиғиниш билан боғлиқ маросимлар кенг ёйилган. Тагискен ва Уйгарак ёдгорликларидаги отнинг бир-бирига қарама-қарши турган ҳолатда, ҳамда тўрт бошли бургут кўринишидаги тасвирлари ҳам от билан узвий равишда боғлиқ. Қават-3 дан эса отнинг лойдан ясалган хайкалчаси топилган.[5,Б.189]. К.Ф. Смирнов, совраматларда от билан бирга дафн этиш одатларини тадқиқ этиб уларда от мурда билан бирга ёки қабр чеккасига кўмилганлигини таъкидлайди. Чертомлик, Солоха, Аржин (ва ҳак..) каби улкан мозорқўрғонларда эса подшох ўз аъён, хизматкорлари ва юзлаб отлари билан дафн этилган. Умуман олганда, отда кетаётган кўринишда дафн этиш Евроосиё даштларида кўп ўрганилган бўлиб, улар Шарқий Европа ҳудудларида “ямная культура” номини олган энеолит ва бронза давридан маълум.[6,Б.10-11] Бундай тарзда дафн этиш “Сруб” жамоаларига мансуб қабрларда ҳам учраган. Чирикработ маданияти ёдгорликларига мансуб қабрларда “отлиқ” ва “ярим отлиқ” тарздаги дафн этиш ҳолатлари бир даврга оид мозорқўрғонларда қайд қилинган.[7,б.38] Қадимги ва антик даврларга мансуб қабрлардаги бу ҳолат кейинги даврларда ҳам кузатилади.[8,б.408-411]. Туркий халқларнинг дафн удумларини ўрганган Н. Серегин ва С. Матренинлар кенотафларни оддий қабрлардан фарқлашга ҳаракат қилиб, кенотафларнинг “мумтоз” шакллари

Марказий Осиёга ҳослигини келтириб ўтадилар. Жумладан, кенотафларни оддий қабрлардан ер устки ва қўрғоности қурилмалари ўртасидаги фарқларни келтириб ўтадилар. Унга кўра қабрга хайвон ёки унинг аъзоларини кўмиш барча “мумтоз” кенотафларнинг алоҳида ҳусусияти эканлиги билан ажралиб туради.[9,б.16]

Ўзбекистон ҳудудида айнан отнинг ўзини дафн этиш ҳолати шу пайтгача жуда кам қайд этилган. Улар Фарғона водийсидаги VI-VIII асрлар яъни турк ҳоқонлиги даврига оид Арсиф ва Далварзин ёдгорликларида ўрганилган.[10,б.39] Қадимги Уструшонада эса, отни (бошини) дафн этиш биринчи марта қайд этилмоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда топиб ўрганилган мозорқурғонларда отнинг бош суяги ёки от танасининг баъзи қисмлари (боши, олд оёғи, болдир суяги ва ҳ...) ва от анжомлари дафн этилиши ҳолати кўплаб учрайди.[11,б.70-82] Уларни саклар давридан бошлаб милодий эра бошларигача кенг ёйилганлиги кузатилади. Бироқ, узоқ пайтгача отнинг боши ва оёғини қабрга қўйиш ҳолатини мутахассислар егулик таом сифатида қўйилган удум, деб талқин қилишган. Лекин бу ишончсиз талқин, чунки, отнинг оёғи ва бошини еб булмайди. Отнинг оёғи, боши ва териси билан мавжуд бўлиши (рарс про тото) рамзий маънода тирик жонивор тушунчасини берган. Демак, қадимги аҳоли тасаввурига кўра бу дунёдан нариги дунёга саёхат қилган (ўлган) кишини у дунёга от олиб борган. Бундан икки минг йиллар бурун Фарғонанинг самовий отлари ўзининг елдек учиши билан Шарқ оламига машҳур бўлган. Улар ҳақида турли хил ривоятлар тўқилган, хусусан, Хитой солномаларида бу отларни “қон билан терлаши” ҳақида афсона маълумотлар келтирилган.[12,б.9] От билан боғлиқ удумлар халқимизнинг сўнгги қарийиб 5 минг йиллик тарихи давомида ажралмас қадриятларига айланиб кетган. Жиззах воҳасида йилқичилик билан шуғулланиш учун кенг яйловлар, турли хил озуқага бой адирлар, тоғ ва тоғ олди ҳудудларнинг борлиги кенг имкониятлар очиб берган. Йилқичилик воҳа чорвачилигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, халқ хўжалигида азалдан катта аҳамиятга эга бўлган. Воҳада отларнинг турли хил зотлар қадимдан машҳур ҳисобланади. Чунки, Туркистон тоғларининг шимолий ён бағирлари, Моргузар тизмаларининг салқин табиати ўл-ўланларга бойлиги қадимдан бу тоғ ва адирларни йилқилир маконига айланишига сабаб бўлган.

Уструшона мозорқўрғонларидаги жасадларни отда кетаётганга ўхшаш (поза всадника), ярим отлиқ кўринишида дафн этиш, отнинг боши ва бошқа аъзоларини қабрга қўйиш бизнингча, уларнинг ҳаётлари давридаги касб-корлари ва от топинчи билан ҳам боғлиқ бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир пайтнинг ўзида чорвачилик билан шуғулланиб юрган суворийнинг нафақат ўзи моҳир, баҳодир бўлган, айни пайтда уларнинг отлари ҳам ниҳоятда жанговор бўлган. Ҳар бир йигитнинг ёнида кечасию кундузи садоқатли оти бирга йўлдош бўлган. Ўша давр одамларининг тасаввурида ўликларга нариги дунёда қандайдир махсус отлар хизмат

қилиши керак эди. Шунинг учун улар отсиз, бироқ отда кетаётган кўринишда дафн этилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Кўчманчи чорвачилик хўжалигини юритишдаги муҳим аҳамияти туфайли отлар инсоннинг энг яқин кўмакдоши сифатида маънавий ҳаёт ва у билан боғлиқ урф одатлар юқори мавқега эга бўлган. Чорванинг қайси тури билан шуғулланишдан қатъий назар улар хўжалигида отларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу аввало, отларнинг барча хусусиятларига кўра кўчманчи чорвадорлар яшаш тарзи ва хўжалик юритишига тўлиқ мос келиши билан, қолаверса, кўчманчи чорвадорларда фақат суворий жангчилар фаолият кўрсатганлигини ҳисобга олсак, от, улуғланиб унинг муқаддаслаштириш даражасига қадар кўтарилганлиги сабаби янада ойдинлашади. Ҳали дастлабки изланишларимиз маҳсули бўлган ушбу топилма воҳа аҳолиси, этнографияси урф-одат ва маросимларини ўрганишда қолаверса отнинг Ватани масаласидаги қарашларда манба бўлиб хизмат қилиши билан қимматли ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ташбаев Ф.Э., Пардаев М.Х. Грицина А.А. Изучение Гульбинского могильника (предварительное сообщения) // Культура номадов Центральной Азии (МИЦАИ) Самарканд, 2008.

2.Холматов А.Н., Хўжаназаров М. Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари. // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё сивилизатсияси тизимида (қадимги даврдан ҳозиргача).Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2020.

3.Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья (Средняя Азия в раннем средневековье) Москва, 1982.

4. Кузмина Е.Е. Кон в религии и искусстве саков и скифов. – М.: 1977.

5. Итина М.А. История степных племен южного Приаралья. Наука, М.,1977.

6. Телегин Д.Я. Об основных позициях в положении погребенных первобытной эпохи Европейской части СССР // Энеолит и бронзовый век Украины. Киев, 1976.

7.Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Низовья Сырдарьи в древности. Выпуск И. Чирикрабатская культура. Москва, 1993.

8.Матбабаев Б.Х., Иванов Г. П. Находки погребений с трупосожжением и конем в Фергане // ОНУ. 1997

9. Серегин Н.Н., Матренин С.С. Археологические комлексы Алтая II в. до н.э. – XI в. н.э.: история исследований и основные аспекты интерпретации. Барнаул, 2014.

10. Матбабоев Б.Х.Раннесредневековая культура Ферганы (по основе исторического анализа археологисеских источников V-VIII вв.) автореферат дисс... доктор ист.наук. Самарканд, 2009.

11.Кушаев Г.А. Новые памятники железного века Западного Казахстана // КСИА. 154. Ранние кочевники. –М.: 1978. 12.Анорбоев А.А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент // Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. –Т.: Фан, 2001.

ТУРКМАНИСТОННИНГ ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ: ТОШ ИНДУСТРИЯЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МАДАНИЙ ХОСЛИГИ

А.М. ОМОНОВ, ЎзР ФА Миллий археология маркази, Самарқанд

Аннотация. Ушбу мақолада Туркманистон ҳудудидаги илк палеолит даврига мансуб ёдгорликларнинг техник-типологик тавсифи ва маданий хослиги борасида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *Микок, Каспий, тош индустрия, йўнилғи, учиринди, ретуш (ишлов бериш), чоппер, бифас, кливер.*

Аннотация. *В данной статье освещается вопросы технико-типологической описания и культурной характеристике памятников раннего палеолита на территории Туркменистана*.

Ключевые слова: *Микок, Каспий, каменная индустрия, пластина*

Annotation: This article deals with the technical- typological description and cultural characteristics of the monuments belonging to the early Paleolithic period in Turkmenistan.

Keywords: *Mikok, Caspian, stone industry, blade, point, retouch, chopper, biface, cleaver*.

Ўрта Осиё илк палеолит даври комплексларининг аксарияти Туркманистон ҳудудида жойлашган. Қадимги тош даврининг қуйи босқичига хос ёдгорликлар Красноводск ярим оролидан, Марказий ва ҒарбийКопетдоғ ҳамда Жоноқ чўл ҳудудларидан топиб, ўрганилган.

Красноводск-39 км топилмажойи. Ёдгорлик 1947 йилда А.П. Окладников томонидан (Красноводск платоси ҳудудидан) топиб, ўрганилган [8, С. 91; 11, С. 14; 3, С. 21; 13, С. 182]. Ушбу жойда темир йўл чизиғи Красноводск ярим ороли платосини кесиб ўтган сойлар туташган қадимги дарёнинг қуруқ ўзани соҳилларидан ўтади. Айниқса, темир йўлнинг 39-километридан топилган тош буюмлар жуда қизиқарлидир. Ёдгорликдан йиғиб олинган тош буюмлар орасида архаик кўринишдаги учириндилар, қўпол ишлов берилган бодомсимон ва юраксимон шаклдаги бифаслар мавжуд[12, С. 28.]. Бодомсимон бифасларнинг бир тарафидан қоплама йўнишлар ёрдамида, иккинчи тарафидан эса икки марта йўниш натижасида қўндоқ ҳосил қилинган.

Ушбу буюмлар шакли ва ишланиш техникасига кўра Европадаги Шалас типидаги қўл чўқморларига ўхшаб кетади. Иккинчи тоифа қўл чўқморлари юраксимон шаклда ва уларнинг хар икки тарафига ишлов берилган бўлиб, ушбу бифаслар микок маданияти тош буюмларига

ўхшаш.Ёдгорлик эски дарё ўзанида жойлашган топилмажойлар қаторига киритилган ва унинг атрофида хомашё конлари учрамайди. Илк палеолит даврига киритилган материаллар ўзларининг қўпол ишланганлиги ва ёмон сақланганлиги билан ажралиб туриши қайд қилинган[4, С. 15; 2, С. 107.]. ***Янгажа-Қоратенгир устахонаси.***Мазкур топилмажой ҳам Красноводск платосида жойлашган бўлиб,улар Красноводск-Ашхобод темир йўлининг 33 ва 43-километрлари орасидаги ҳудудлардир[6, С.8; 7, С. 29].Ушбу устахоналар шу ерда сочилиб ётган кремний конлари устида жойлашган. Ашел даври аҳолиси бу жойларга келиб тошга ишлов берганлар. Мазкур устахоналар тош асрининг турли босқичларида фойдаланилган бўлиб, унинг илк палеолит даврига оид комплекси бифаслар ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналар қаторига киритилиши мумкин.Бу устахона 500-300 минг йиллик,ҳамда 300-250 минг йилликларбилан саналанган[1, С. 72; 2, С. 105; 10, С. 24].

Ҳудудлардан атиги 20 дона бифаслар топиб ўрганилган. Топилмажойлар устахона бўлганликлари учун, уларда ҳар хил босқичларда ишлов берилган бифаслар учрайди. Улардан айримларини типологик жихатдан аниқлаш имкони йўқлиги таъкидланган[10, С. 25]. Бундан ташқари, тўпламда тугалланган бифаслар ҳам учрайди. Устахоналарда бошқа буюмлар ишлаб чиқарилганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Улардан йиғилган йўнилғилар бирламчи, ярим бирламчи ёки тайёрлов характерида бўлиб, бу ердаги бифасларни аксариятини кичик хажмдалиги, шунингдек уларни қиёслашга яроқли стратиграфиялашган мусте комплексларининг учрамаслиги учун бу материалларни ашелга оид дейиш мумкин (2-жадвал).

Томчи-Сув топилмажойи.Марказий Копедтоғда жойлашган ушбу ёдгорликда ер юзасидан илк палеолит даврига оид бир неча ўнлаб тош буюмлар йиғиб олинган. Улар орасидабир-икки зарб майдонли нуклеуслар, саноқли учириндилар, чоппер ва чоппинглар ҳамда қирғичлар мавжуд[10, С. 25]. Шундан келиб чиқиб, Томчи-Сув топилмажойининг материалларини Копедтоғнинг бошқа пунктларидан фарқ қиладиган галкали маданиятга хос ёдгорлик дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, Томчи-Сув топилмажойи Туркманистон ҳудудидан топилган тошга ишлов беришнинг галкали анъаналарига эга ёдгорлик ҳисобланади (2-жадвал).

Қизилбурун ва Аламкўл топилмажойлари. Мазкур ёдгорликларЖоноқ чўл ҳудудида жойлашганбўлиб, В.П. Любин ва Л.Б. Вишняцкийлар томонидан тадқиқ қилинган [5, С. 23; 7, С. 32; 9, С.6].Топилмажой тош буюмлари орасида шарсимон, тошбақасимон, гардишсимон ва бир-икки зарб майдонли нуклеуслар учрайди. Ёдгорликнинг тош қуроллари бифаслар, бифассимон қуроллар, тишсимон, тумшуқсимон қуроллар ва йирик ҳажмли қирғичлардан таркиб топган.

Ғарбий Копеттоғ топилмажойлари (Қизил Имом, Сумбар ва Чандир дарёлари водийси). Илк палеолит даврига оид ёдгорликлар

Ғарбий Копедтоғ ҳудудларидан ҳам топилган бўлиб, тош буюмлари орасида бир-икки зарб майдонли нуклеуслар, учириндилар ва пластиналар, тош қуроллари орасида эса, чоппер ва чоппинглар, кливер ҳамда йирик ҳажмли қирғичлар мавжуд[1, С. 72; 10, С. 16].Техник-типологик характерига кўра ушбу топилмажойларни галкали (қайроқтошли) маданиятлар доирасига киритиш мумкин (2-жадвал).

Ёдгорликларнинг функцияси (типологияси) хусусида тўхталадиган бўлсак, бу ерда фақатгина устахона ва топилмажойлар мавжуд бўлиб, ғор ва очиқ типдаги маконлар учрамайди (3-жадвал).

Шундай қилиб, Туркманистон ҳудудидан ҳам соф галкали ва соф ашел маданиятига оид комплекслар топиб ўрганилган. Бифаслар ишлаб чиқарилган комплексларнинг айримлари ихтисослашган устахоналар қаторига киритилиши мумкин. Туркманистон ҳудудидан аралаш кўринишдаги (галкали ва бифасиал) индустриялар аниқланмаган.Ҳудуддаги аксарият топилмажойларнинг санаси масаласи мунозарали. Материаллар асосан ишланиш техникаси ва сақланиш даражасига кўра даврлаштирилган. Шундай бўлсада, Туркманистон ҳудудининг илк палеолитининг асосини ташкил қиладиган бифасиал индустриялар соф кўринишларга эгалиги билан Ўрта Осиёнинг бошқа комплексларидан ажралиб туради.Ҳудудда учта соф ашел ва иккита соф галкали маданиятларга хос комплексларни кузатиш мумкин. Ушбу ёдгорликлар орасида синтезлашган комплекслар учрамайди (2-жадвал).

№2-Жадвал. Туркманистон ҳудудидаги илк палеолит даври ёдгорликларининг маданий хослиги.

№	Ёдгорлик	Бифас	Кливер	Галкали қуроллар	Маданиятлар		
					Ашел	Қайроқтошли (галкали)	Синтез (омухта)
1	Красноводск-39 км	2			+		
2	Янгажа-Қоратенгир	20			+		
3	Томчи-Сув			+		+	
4	Жоноқ	+			+		
5	Ғарбий Копеттоғ		+	+		+	

№3-Жадвал.Туркманистон ҳудудидаги илк палеолит даври ёдгорликларининг типологияси**.**

№	Ёдгорликларнинг типи	Ғор-маконлар	Очиқ типдаги маконлар	Устахоналар	Топилмажойлар
1	Красноводск-39 км				+
2	Янгажа ва Қоратенгир			+	
3	Томчи-Сув				+
4	Жоноқ				+
5	Ғарбий Копеттоғ				+

Жами	**-**	**-**	**1**	**4**

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вишняцкий Л. Б., Любин В.П. Палеолит Туркмении: древнейшие индустрии и проблема первоначального заселения // Археологический альманах 4. Донецк, 1995. -С. 72.
2. Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Санкт-Петербург, 1996. -С. 107.
3. Вишняцкий Л. Б. Палеолит Красноводского полуострова // Известия АН Туркменской ССР, серия общественных наук 3. Издательство АН Туркменской ССР. Ашхабад,1989.
4. Вишняцкий Л.Б. Изучение палеолита Средней Азии (материалы, методы, концепции) \\ СА. № 1.1989.– С. 15.
5. Любин В. П.Открытие раннего палеолита в Приатречье и в Джанаке // Памятники Туркменистана 1: Ашхабад, 1983. – С.23-24.
6. Любин В. П. Проблема первоначального заселения Средней Азии // Советская археология в XI пятилетке. Тезисы докладов: Москва, 1983.
7. Любин В.П. Палеолит Туркмении // СА. № 1. 1984.– С. 26-45.
8. Любин В.П. Первоначальное заселение Средней Азии // Природа I: 1984. - С. 90-93.
9. Любин В.П., Вишняцкий Л.Б. Открытие палеолита в Восточной Туркмении // СА. № 4.1990. – С. 5-15.
10. Любин В.П. Туркменистан в эпоху палеолита // Археологические Вести. № 8. СПб., 2000. – С. 9-28.
11. Окладников А. П. Изучение древнейших археологических памятников Туркмении // Краткие Сообщения Института истории материальной культуры 28. 1949.
12. Окладников А.П. Изучение памятников каменного века в Туркмении (по данным работ IX отряда ЮТАКЭ в 1952 г.) // Изв. АН ТССР. № 2.1953. – С. 28-32.
13. Окладников А.П. Древнейшее прошлое Туркменистана: (Древние охотники и собиратели в степях и пустынях Туркменистана) // Тр. Ин-та истории, археологии и этнографии АН ТССР. Т.1.1956. – С. 181-221.

КАЛТАМИНОР ВА УНГА ҚЎШНИ ҲУДУДЛАР НЕОЛИТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МАДАНИЯТЛАРИ

Ҳ.ЭГАМБЕРГАНОВ, таянч докторант, Қорақалпоқ ДУ, Нукус

Аннотация: Мақолада Калтаминор маданияти ва унинг ҳудудий чегараси ҳамда унга туташ минтақаларда яшаган неолит жамоаларининг маданиятлари ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: *Тош асри, неолит, калтаминор маданияти, оюкли маданияти, жойтун маданияти, сазоғон маданияти, маданий алоқа.*

Аннотация: В статье освещаются сведения о Кальтаминарской культуре и его территориальных границах, а также о культурах неолитических общин, проживавших в сопредельных регионах.

Ключевые слова: *каменый век, неолит, кальтаминарская культура,*

оюклинская культура, джейтунская культура, сазаганская культура, культурные связи.

Annotation: The article provides information about the Kelteminar culture and its distribution, as well as about the cultures of the Neolithic communities that lived in adjacent regions.

***Keywords**: Stone Age, Neolithic, Kelteminar culture, Oyuklinskaya culture, Zheytunskaya culture, Sazaganskaya culture, cultural ties.*

Ўрта Осиё неолит даври жамоалари моддий маданиятини ўрганишда Калтаминор маданияти тадқиқотларининг натижалари муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Калтаминор жамоалари нафақат Амударё этаги Оқчадарё ҳавзасида, балки қўшни Ўзбой, Зарафшон дарёси этакларининг қадимий ўзанлари, Қизилқумнинг ички худудлари, Сирдарё этаклари, Шарқий Каспий, Орол бўйи Балхон ҳамда Манғишлоқ сарҳадларига тарқалишиб яшашган ва ўзларига хос маданият яратишган [1, Б.73]. А.В.Виноградов калтаминор тарихий-маданий жамоалар маданиятини ўрганар экан,уни Оқчадарё, Қуйи Зарафшон, Лавлакан каби маҳаллий маданий вариантларга ажратди [2, Б.165]. Бунда маҳаллий маданий вариантларжамоалар ёдгорликларининг тош индустрияси ўзига хос хусусиятлари, тош қуроллар шакли, ясалиш услуби, ишлов берилиш технологияси, сопол буюмларнинг ясалиши, шакли, нақшлари, зеби-зийнат ашёлари бир-биридан фарқланишижиҳатларини асос қилиб олди.

Калтаминор ёдгорликлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар С.П.Толстов, А.А.Формозов, А.П.Окладников, В.М. Раушенбах каби тадқиқотчилар илмий изланишларида учрайди. Лекин, соҳа тадқиқотчиларида маданиятнинг даврий санаси борасида якдил илмий хулоса бўлмаган. Хусусан, А.А.Формозов, В.М. Раушенбахлар ўз тадқиқотларида калтаминор сополларида юпқа тагли идишлар, ипсимон кўринишдаги нақшлар учраши, шунингдек сопол идишлар сирти бўялганлиги фактларига асосланиб калтаминор ёдгорликларини мил. авв III минг йилдан қадимийлаштириш мумкин эмаслиги ҳақида фикр билдиришган. Калтаминор ёдгорликлари материалларини атрофлича ўрганган А.В.Виноградов юқорида зикр этилган фактлар калтаминор сополлари орасида йўқлилигини аниқлади ва бундай саналашга қарши чиқди. Сопол идишлар сирти бўялишини калтаминор жамолари Жанубий Туркманистон деҳқон жамоалари билан маданий алоқада бўлишганлиги билан изоҳлади [3, Б.29]. Шунингдек, А.В. Виноградов калтаминор ёдгорликларининг дастлабки тадқиқотида калтаминор маданиятини 2 даврга- илк ва сўнгги тараққиёт босқичларига бўлди [4, Б.26-33]. Вақт ўтиши билан калтаминор ёдгорликлари хронологик санасини қадимийлаштириш таклифини Г.Ф. Коробкова илгари сурди. Янги ёдгорликлар (Жонбос 5, 11, Агиспе, Саксовул 1 каби) материаллари асосида калтаминор маданияти мил. авв. V мингйиллик 1-ярми санасига

қадимийлаштирилди [5, Б.46-50]. Кейинчалик, Г.Ф. Коробкова, В.М. Массонлар яна калтаминор маданияти хронологияси масаласига қайтишиб, янги манбаларини жойтун маданияти сўнгги босқичлари материаллари билан таққослаб, саналаштиришни мил.авв. VI минг йиллик охири – V минг йилга қадимийлаштирди [6, Б.107]. Айтиш жоизки, А.В. Виноградов кейинги йилларда амалга оширган тадқиқотлари асосида жонбос босқичи ёдгорликларини, Жабал ғормакони IV-маданий қатламини жойитун маданияти сўнгги тараққиёт босқичи билан хронологик жиҳатдан тенглаштириб бўлмаслиги фикрини билдирган [7, Б.133]. Энди, Калтаминорнеолит жамоалари тарқалиб яшаган ҳудудга туташ бўлган ҳудудларда тадқиқ этилган неолит жамоаларининг маданиятлари ҳақидаги маълумотларга тўхталамиз. Бу ҳудудлар жумласига Жанубий Турманистон,Шимолий, Шимолий-Шарқий Каспийбўйи, Жанубий Урол, Жанубий-Ғарбий Қозоғистон, Устюрт, Ўрта Зарафшон воҳаларини киритиш мумкин. Аниқроғи, калтаминор тарихий- маданий жамоалари бир томондан Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари жойитун жамоалари , Шарқий Каспий бўйи неолит жамоалари, Шимолий Балхан бўйи ҳамда Устюрт неолит жамоалари билан, иккинчи томондан эса Шимолий ва Шимолий Шарқий Каспий бўйи, Волга бўйи, Жанубий Ўрол ҳамда Жанубий-Ғарбий Қозоғистон ҳамда шарқий қисмдан Ўрта Зарафшон воҳаси минтақалари неолит жамоалари билан ўзаро қўни – қўшни бўлиб яшашганлиги тадқиқотларда аниқланган [8, Б.67-76]. Хусусан, Калтаминор маданияти тарқалган жойларга қўшни бўлган Шимолий Каспий бўйи минтақаларида А.Н.Мелентъев томонидан мезолит даврининг сўнгги босқичи ва илк неолит даври жамоаларига қарашли сероглазовский маданияти тадқиқот этилган бўлиб, бу маданият ҳам ўзининг кўп жиҳатлари, хусусан, тош индустрияси парақали қисми микролит қуроллари – параллелограмм, симметрик шаклда трапеция, паст бўйли сегмент қуроллари ҳамда сопол идишлари ўз шакли, ясалиш услуби, хамирининг таркиби ва энг мухими кесма ва ниқтаб ботириш услубида меандр кўринишида нақшлар берилганлиги билан калтаминор жамоалари маданиятига ўхшаш [9, Б.93]

Калтаминор жамоалари маданиятига қўшни бўлган Шимолий Балхан бўйи ҳудудидан Г.Е.Марков, С.Ҳамроқулиевлар неолит даври жамоаларига оид бўлган Оюкли маданиятини тадқиқ этишган [10, Б.67-82]. Оюкли маданиятининг асосий ёдгорликлари Оюкли 1,4 Ясхан (Узбой воҳасида) ҳисобланади. Г.Е.Марков ва С.Ҳамроқулиевлар бу ёдгорликлар материалларининг дастлабки таҳлилида уларни Жабал маконининг V-IV – маданий қатлами билан хронологик жиҳатдан тенгдош деган хулосага келишган. 1978-1979 йилларда Оюкли 4 ёдгорлиги материаллари атрофлича ўрганилиб, маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ойдинлаштирилган.[11, Б.67-76]. Г.Е.Марков ва С.Ҳамроқулиевлар кўрсатишича, Оюкли маданиятига тегишли ёдгорликлар тош индустриясининг асосий хусусияти типологик жиҳатданяққол кўзга

ташланиб турадиган туркум пайрақадан ясалган ён уч қисми кемтилган кескич (резцов) қуролларнинг учраши ҳисобланади ва бундай тарздаги туркум қуроллар нафақат Ўрта Осиё, балки унга туташ бўлган ҳудудларда ҳам учрамайди. Бошқа турдаги тош қуроллари эса А.В.Виноградовнинг ёзишича, атроф неолит жамоаларининг қуролларига ўхшаш Масалан, йирик ўлчамли асимметрик шаклдаги учбурчак кўринишли трапециялар, асимметрик шаклдаги трапециялар, чўзинчоқ шаклли учбурчак кўринишли микролитлар, трапеция кўринишли тешгич қуроллари янгел маданияти, Қорабўғоз ёдгорликлари, Учащи 131, Толстов макони тош қуролларига ўхшашдир. Оюкли маданияти сополлари масаласига келганимизда, тадқиқ этилганёдгорликлари сополлари мажмуаси типологик жиҳатдан бир хил бўлиб чиққан. Бу сополлар қовурғасимон сопол идишларга солинган нақшлари (геометрик шаклдаги нақшлар) билан калтаминор маданияти дарёсой босқичи маконлари моддий маданиятига яқин. Тадқиқотчилар ҳамда А.В.Виноградов фикрича, Оюкли маданияти сополлари 2 та гуруҳга бўлинади. 1- гуруҳ сопол идишлари айлана ва учқур кўринишли таг қисмига эга, горизонтал ҳолатда арчасимон кўринишдаги нақшга ҳамда алоҳида келтирилган тишсимон тўғри бурчакли нақш туширилган. Фақатгина идишнинг юқори қисмига нақш солинган. 2- гуруҳ сопол идишлари қовурғасимон кўринишли идишлар бўлиб, Учаши 131 сопол идишларига ўхшаш. Сопол идишлар нақши тўғри бурчакли геометрик шакллар, тўлқинсимон, зигзаг кўринишли чизиқлардан иборат. Зикр этилган жиҳатлари билан Оюкли маданияти сополлари Калтаминор сополларига ўхшашдир. Учаши 131 ёдгорлиги қовурғасимон кўринишли сопол идиши Сирдарё этаги Орол бўйи Космола гуруҳи сопол идишларига ўхшаш. Калтаминор сополлари тўғрисида Қуйи Сирдарё воҳасида тадқиқ этилган Космола 1-6, Аймора 1, Талас 1 маконлари сополлари ҳам муҳим маълумотлар берди. [12, Б.90-94]. Калтаминор неолит жамоалари яшаган жойларга ғарбий ва жанубий –ғарбий томондан туташ минтақа Устюрт платоси ҳисобланади. Устюрт платосининг жанубий ва ғарбий қисмида 1957-1963 йилларида археологик қидирув ишлари жараёнида Кендерли қудуғи, Утебое ирмоқлари атрофидан 20 мадан ортиқ тош қуроллари тўпламига эга бўлган топилма жойлари аниқланган.Тош даври жамоалари моддий маданияти изларини топиш ишлари Е.Бижанов ва А.В.Виноградовлар ҳамкорлигида амалга оширилиб, қизиқарли тош қуроллари ва сопол тўпламлари қўлга киритилган. Ушбу дастлабки материаллар асосида Устюрт неолит жамоаларининг моддий маданияти қалтаминор маданиятига тегишли бўлганлиги ҳақида илмий тўхтамга келинган.[13, Б.67-68] Соҳа тадқиқотчилари орасида Устюрт неолит жамоаларининг моддий маданияти Хоразм неолит жамоалари маданиятига қараганда, Ғарбий Қозоғистон, Жанубий Урол, Юқори Узбой ва Каспий орти (Жабал) неолит жамоалари маданиятига яқин деб эътироз билдиришлар ҳам бўлган.[14, Б.77] Е.Б.Бижанов янги тадқиқотлар

материалларига асосланиб, Устюрт неолит жамоалари маданиятининг ўзига хослигини аниқлаб, мустақил маданият деб Ўзбекистон археологияси фанига илмий муомалага киритди. [15, Б.77-78]. Калтаминор неолит жамоалари яшаган жойларга туташ ҳудудлардан бири Жанубий Туркманистон сарҳадлари ҳисобланади. Бу ерларда неолит даври ўтроқ деҳқон жамоаларига тегишли ёдгорликлар тадқиқ этилган [16, Б.33]. С.П.Толстов, А.В.Виноградовлар калтаминор маданияти дастлабки тадқиқотлари жараёнида унинг соҳиблари жануб ўтроқ деҳқон жамоалари билан яқиндан маданий алоқада бўлишганлигини алоҳида таъкидлашган.[17, Б.34-45] Шунингдек, В.М.Массон калтаминор ва жойтун жамоалари моддий маданиятидаги ўзаро ўхшашликларни (тош қуроллари, сопол идишлари) эътироф этган ҳолда, Шарқий Каспий бўйи Жабал ғор маконининг 3-4 маданий қатламлари тош қуроллари ҳамкалтаминор тош қуролларига ўхшашлигини ўз тадқиқотларида келтирган [18, Б. 177-178]. Калтаминор маданияти шарқий ҳудуд бўлган Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағридаСазоғон неолит жамоаларининг маданияти тадқиқ этилган. Тоғ ён бағри адирларида яшаган Сазоғон жамоалари моддий маданиятида ўзига хослик мавжуд бўлсада, лекин ўзида бир томондан Ўрта Осиё тоғ минтақаси (Ҳисор), иккинчи томондан Ўрта Осиё пасттекислик минтақаси (Калтаминор) неолит жамоалари маданиятининг баъзи хусусиятларини мужассамлаштиргани тадқиқотларда аниқланган. [19, Б.383]

Хуллас, биз юқорида Калтаминор неолит даври маданияти ва бу маданият соҳиблари яшаган жойларга туташ бўлган қўшни ҳудудлар неолит жамоаларининг маданиятлари тўғрисида маълумотларни келтирдик.Тадқиқотлар кўрсатишича, калтаминор жамоалари мазкур неолит жамоалари билан ўзаро маданий алоқада бўлиб яшашган ва бу алоқалар улар яратган моддий маданиятда ўз аксини топган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Толстов С.П. Древней Хорезм. – М.: Издательство МГУ, 1948. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма - МЭХ, вып.8. – М.: Наука, 1968; Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. – ТХЭ, т. XIII. – М.: Наука, 1981. 173 б.;Виноградов А.В. Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан. Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов - МЭХ, вып.10. – М.: Наука, 1975;Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966;Бижанов Е.Б. Неолитические памятники юго-восточного Устюрта // Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. – Ташкент, Фан, 1978. 18-79-бетлар;Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. Авт.реф. на соискание уч.степени д.и.н. – Нукус, 1996. С.3-42.

2. Виноградов А. В. О локальных вариантах неолитической культуры Кызылкумов.- КСИА, 1970, вып. 122. С.31-36; Виноградов А.В. Кўрсатилганадабиёт. 1981,165-бетлар.

3. Виноградов А.В. К вопросу о южных связях кельтеминарской культуры // СЭ, 1957, № 1

4. Виноградов А.В. Кельтеминарская культура. Автореф. дисс. к.и.н. М.,1957.Виноградов А.В. К вопросу о южных связях кельтеминарской культуры // СЭ, 1957, № 1.26-33-бб.

5. Коробкова Г.Ф. К вопросу о хронологии кельтеминарской культуры. ИМКУ, вып. 8. Ташкент, 1969.46-50-бб.

6. Коробкова Г.Ф., Массон В.М. Понятие неолита и вопросы хронологии неолита Средней Азии // КСИА, вып. 153. М.,1978.107-бб.
7. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ, т. XIII. М.: Наука, 1981.133бб.
8. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. М.Наука, 1981, 161-170-бб. Крижевская Л.Я. К вопросу о взаимоотношения населения Южного Урала и Средней Азии в неолитическую эпоху.-КСИА, 1970, вып.122, 29-бб. Марков Г.Е., Ҳамрокулиев С. Новая стоянка оюклинскойкультуры в Северном Прибалханье. Вестник МГУ, история, 1980.67-76-бб.
9. Мелентьев А.П. Мезолит Северного Прикаспия (памятники сероглазовской культуры.-КСИА, 1977, вып.149, 100-108, рис. 2, 20, 24,27.Виноградов А.В. Новые материалы по периодизации и хронологии неолита Кызылкумов В кн.: Культураи искусство древнего Хорезма. М.: Наука. 1980, с.93.
10. Марков Г.Е. Раскопки первобытной стоянки Оюкли.Вестник МГУ.вып.3.1961,67-82-бб.
11. Марков Г.Е., Ҳамрокулиев С. Новая стоянка оюклинской культуры в Северном Прибалханье. Вестник МГУ. История,1980. С. 67-76 бб.
12. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. М.Наука, 1981,90-94, рис.38;126-128-бб.57-расм, 10, 16, 17;
13. Бижанов Е.Б.,Виноградов А.В. Неолитические памятники Каракалпакского Устюрта.-ВКФ,1965, № 3.с.67-68;Виноградов А.В., Шолохов В.В. Новые неолитические находки с Устюрта.-ВКФ,1967, № 2.
14. Бижанов Е.Б.Неолитические памятники Юго-Восточного Устюрта. В кн: Древняя и средневековая культура Юго-Западного Устюрта. Изд.”Фан”, Ташкент, 1978, и.77.
15. Бижанов Е.Б.Неолитические памятники Юго-Восточного Устюрта. В кн: Древняя и средневековая культура Юго-Западного Устюрта. Изд.”Фан”, Ташкент, 1978, и.77-78: Бижанов Е.Б Каменный век Устюрта. Авт.реф. на соискание уч.степени д.и.н. – Нукус, 1996.С.50.
16. Массон В.М. Южнотуркменистанский центр раннеземледельческих культур. ТЮТАКЭ, вып.Х.Ашхабад,1960.33-бб.; Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА, №180. Л., 1971.С.207.
17. Виноградов А.В. К вопросу о южных связах кельтеминарскойкультуры.- СЭ, 1957, №1
18. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. М., Наука, 1964, 177,178-бб.
19. Холматов Н.У. Сазоғон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. СамДУ нашриёти, Самарқанд, 2020, Б.383.

ОЁҚОҒИТМА-2 НЕОЛИТ ДАВРИНИНГ ЯНГИ МАКОНИ

Х.Б. ХОШИМОВ, А.Ю. РАЖАБОВ, ЎзР ФА Самарқанд археология институти

Аннотация: Мазкур мақола 2021 йилда Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани Оёқоғитма ботиғида олиб борилган археологик дала-қидирув ишлари натижасида Оёқоғитма-2 неолит даврига оид макони топилди. Ёдгорликдан қазиб олинган топилмалар орасида 370 та тош буюмлар, кам сонли ҳайвон суяклари ва охра қолдиқлари аниқланди.

Калит сўзлар: *Калтаминор маданияти, неолит, Оёқоғитма-2, макон, тош буюм, микрофауна, маданий қатлам.*

Аннотация: Статья посвешена к результатам археологических полевых работ в 2021 году, проведенных во впадины Аякагитма-2 в

Гиждуванском районе Бухарской области, где была обнаружена неолитическая стоянки Аягагитма-2. Среди находок, была выявлено 370 каменных артефактов бнебольшое количество костей животных и останков охры.

Ключевые слова: *Калтаминарская культура, неолит, Аякагитма-2, Стоянка, каменный артефакт, микрофауна, культурный слой*

Annotation: This article was published in 2021 as a result of archaeological fieldwork carried out in the Ayakagitma-2 depression in Gijduvan district of Bukhara region, where the Neolithic Ayagagitma-2 site was discovered. Among the finds extracted from the monument, 370 stone artifacts were identified, a small number of animal bones and ochre remains.

Keywords: *Kaltaminar culture, Neolithic, Ayakagitma-2, Site, stone artifact, microfauna, cultural layer*

Сўнгги йилларда археологик ёдгорликларини илмий ўрганиш ва шу асосда уларни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Маданий мерос объектларини ажралмас қисми бўлган ушбу археологик ёдгорликлар қадимги ва ўрта асрлар даврининг ижтимоий иқтисодий ва моддий маданиятини ўрганишда асосий манбадир. ИзланишларЎзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ҳудудларини қамраб олган Калтаминор маданияти ёдгорликларини комплекс тарзда ўрганиш, замонавий стандартлар даражасига кўтариш ва унинг жаҳон цивилизациялари шаклланишидаги аҳамиятини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда кейинги пайтларда Калтаминор маданиятининг янги ёдгорликлари топиб ўрганилмоқда. Ана шундай ёдгорликлардан бири Оёқоғитма маконидир. Ушбу ёдгорликда 1995 йилда Ўзбекистон-Польша халқаро археологик экспедицияси томонидан дала қидирув ишлари натижасида янги маданий қатламлари яхши сақланиб қолинган археологик ёдгорлик топилди ва тадқиқот ишлари 7 йил давом этди. Тадқиқот натижаларида Ўзбекистонлик ва Польшалик мутахассислар, Мухиддин Хужаназаров, Карол Шимчак, Ризард Мичнияклар иштирок этишди. Ёдгорликнинг қатламларидан бир қанча намуналар олинди. Оёқоғитма маконинг даврий хронологияси қилинди. Унга кўра Оёқоғитмада 7180±20 то 4460±80 минг йилликлар билан саналанди (Brunet, 2013. Pp. 191-205; Szymczak,Khudzhanazarov, 2004. Pp. 57-62; Брюне, 2014. С. 38-44)2006 йилда Карол Шимчак ва Муҳиддин Хўжаназаровларнинг "Қизилқумдаги неолит даври макони Оёқоғитма ва бошқа топилмажойлар" номли монографияси нашрдан чиқарилди. Ушбу асарнинг асосий мақсади Ўзбекистон-Польша халқаро экспедициясининг жанубий-шарқий Қизилқумнинг неолит даври бўйича 1995-1999 йй. ва 2002-2003 йй. да олиб борган археологик тадқиқотлари натижаларини тақдим қилишдан иборат. Бунда асосий эътибор илк неолитга оид Оёқоғитма маконини тадқиқоти

натижаларига қаратилган.Таъкидлаш жоизки, ҳозирги Қизилқум чўлининг жанубий-шарқий сарҳадларида жойлашган. Қизилқум чўли бундан 5-6 минг йиллар муқаддам бепоён водий бўлиб, инсоният аждодлари жуда зич яшаган “минг кўллар мамлакати” бўлган. Дарҳақиқат, ҳудудда ўнлаб серсув дарёлар мавж уриб оққан, юзлаб йирик кўллар ва шунга мос фауна-флора мавжуд бўлган. Неолит даврига оид дунёга машҳур Калтаминор маданияти ушбу чўл ҳудудидан топиб ўрганилган. Жумладан, Аякагитма ботиғининг шимолий чеккасидан Марказий Осиё неолитшунослигига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган шу номли макон топиб ўрганилган. Аякагитма макони Ўзбекистон-Полша-Франция халқаро археологик экспедицияси томонидан жаҳон стандартлари даражасида тадқиқ қилинган. Бу тадқиқотлардан олинган натижалар калтаминорликларнинг нафақат, овчи ва балиқчилар, балки туя, қорамол ва қўй-эчкиларни хонакилаштирган моҳир чорвадорлар бўлганликларини илмий жиҳатдан исботлаб бериш баробарида, ушбу маданиятнинг хронологик санасини яна 900 йилга, яъни эр.авв. 6300 минг йилликларгача қадимийлаштирди (Хошимов, 2015, Б. 50-56).

Шу ўринда2021 йил Самарқанд археология институти ходимлари томонидан ҳудудда археологик дала қидирув ишлари олиб борилди. Натижада белгиланган ҳудуднинг энг жанубий чегарасида, Аякагитма ботиғининг шимолий бортидан неолит даврига оид янги Аякагитма-2 неолит макони топилди (1-расм). Маконнинг ҳудуди (денгиз сатхидан баландлиги 222 м, координаталари: 70х50 м майдонни эгаллаган ва уч томондан жарликлар билан ажралган. Маконнинг шарқий томони баланд тепаликка туташган ва жанубий томонидаги жарлик унинг катта қисмини ювиб кетган.Аякагитма-2 маконининг юқори қисмида 40 см қалинликдаги маданий қатлам сақланиб қолган. Ёдгорликда назорат қазув ишлари амалга оширилди. Ушбу қатламдан тош буюмлар, микрофауна, охра ва гулхан қолдиқлари аниқланди. Маданий қатламнинг тагидан 20-30 см лик қаттиқ шиббаланган қатлам аниқланди. Аммо, бу қатламда маданий қолдиқлар топилмади ва шу сабабдан ушбу қатлам ёдгорликнинг таг қисми бўлган, деган хулосага келинди. Ушбу қатламнинг тагидан қалин балчиқ қатлам аниқланди ва бу ботиқнинг ушбу бортини ўша даврларда сув ювиб турганлигидан далолат беради. Кўлнинг суви пастга чекинганидан сўнг, бу майдонга неолит даври одамлари келиб макон тутганлар. Ёдгорликдан қазиб олинган топилмалар орасида 370 та тош буюмлар (2-расм), кам сонли ҳайвон суяклари ва охра қолдиқлари аниқланди. Қўлга киритилган ашёларнинг маданий-даврий хусусиятлари масаласига кейинги лаборатор-камерал тадқиқотлар ойдинлик киритади.Бундан кўриниб турибдики, қизилқум ҳудуди маданий мерос топилмажойларига бой ҳудуд.

1-расм. Топилма жойлар ҳаритаси. Оёқоғитма.
2-расм. Оёқоғитма-2 маконидан топилган тош қуроллар



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Brunet F. L’archéologie française en Asie centrale. Nouvelles recherches et enjeux socioculturels. cac-IFEac # 21-22, 2013. P. 191-205.
2. Szymczak K.,Khudzhanazarov M. Excavation in Ayakagytma the site, SE Kyzil-Kum, Uzbekistan. Season 1999. GeneralRapport. Varsovie-Samarcande, 2004. P.1-100.
3. Брюне Ф. О новом исследовании неолитической Кельтеминарской культуры // Археология и история Центральной Азии в трудах французских ученых. Т.1. Самарканд. 2014. -С.38-44.
4. Хошимов Х. Калтаминор маданияти ёдгорликлари изланишларига// Ўзбекистонда Ижтимоий Фанлар -2015/2, 50-56 б.

KALTAMINOR MADANIYATINING QADIMGI XORAZM TARIXIDAGI O’RNI

O.R. NAZAROV, S.XOLIQOV, GulDU, Guliston

Annotatsiya: Xorazm vohasida yashovchi xalqlar tarixi hamda tarixini bayon etish masalalari o’rganish birinchi navbatda, O’rta Osiyoda ushbu mintaqa tarixining alohida madaniyatga egaligi bilan bog’liqdir.

Kalit so’zlar: *Takir, Oks, Yaksart, To’g’nog’ichlar, Plitalar, Chig’anoqlar, Burgutli qasr*.

Аннотация. Изучение истории и повествования народов, населяющих Хорезмский оазис, в первую очередь связано с тем, что история этого региона в Средней Азии имеет особую культуру.

Ключевые слова: *Такир, Окс, Яксарт, Скребки, Плиты, Ракушки, Орлиный замок.*

Annotation: The study of the history and narration of the people inhabiting the Khorezm oasis is primarily due to the fact that the history of this region in Central Asia has a special culture.

Keywords: *Takir, Oks, Yaksart, Scrapers, Plates, Shells, Eagle Castle.*

Xorazm vohasi boy arxeologik yodgorliklari, tarixi va madaniyati bilan ko’plab tarixchi, arxeologlarni o’ziga jalb etadi. Xorazm hududidagi ilk o’troq turmush tarzi manzilgohlarini o’rganishda 1937 yilda tashkil etilgan va Sergey Pavlovich Tolstov rahbarlik qilgan Xorazm arxeologiya ekspeditsiyasining alohida o`rni bor. Unda qatnashgan xodimlarning tirishqoqligi va tashabbuskorligi bu ekspeditsiyani tarix fanining yirik ilmiy guruhiga aylantirdi. S.P.Tolstovning “Древний Хорезм” (Qadimgi Xorazm), “По следам Древно Хорезмийской цивилизации” (Xorazmning qadimiy madaniyati izlari bo'ylab), “По древнем дельтам Окса и Яксарта” (Oks va Yaksartning qadimiy deltalari bo'ylab) kabi asarlari Xorazm tarixi bo`yicha muhim fundamental asarlar hisoblanadi. Bu tadqiqotlarda Xorazm tarixini davrlarga bo'lish hamda ijtimoiy tuzumi, xo'jaligi va madaniyati asoslari yoritib berilgan.

Xorazm tarixini o`rgangan yirik arxeolog olim Ya.G'ulomov tadqiqotlarida ham kuzatiladi. Bu olim ozining asarlarida Xorazmda o'troq-dehqonchilik madaniyatining vujudga kelishi, sug'orish inshootlarining barpo etilishi va sug'orma dehqonchilikning rivojlanish dinamikasi, Xorazmda bronza va temir davrlarida o’troq turmush tarzining shakllanishi va rivojlanish bosqichlari to'g'risida qimmatli ma’lumotlarni tahlil etgan.

Shu paytgacha O’rta Osiyodagi hech bir hudud Xorazmdek boy arxeologik materiallar bergan emas. Bu albatta, vohaning qulay geografik o`rni, unumdor vhalar mavjudligi bilan bog`liq. Xorazm vohasining arxeologik durdonasi hisoblangan Kaltaminor madaniyati haqida so’z yuritishni lozim topdik.

Xorazm mintaqasida o'troq turmush tarzining shakllanishi va rivojlanishining ijtimoiy-iqtisodiy asoslari dinamikasini o'rganish, tahlil qilish va shu asosda xulosalar berish lozim. Kaltaminorliklar dastlabki hayot tarzi vositasi hisoblangan o’z mehnat qurollarini faqat tosh va suyaklardangina yasaganlar. Makonning qatlamida chaqmoqtoshdan qilingan son-sanoqsiz buyumlar, eng muhimi, turli maqsadlar uchun ishlatilgan jajji, ingichka, pichoqsimon plastinkalar (qirg'ichlar, taroshlagich,nishlar, suyakdan qilingan katta qurollarga o'rnatiladigan tig'lar) e’tiborga loyiqdir. Sababi bunday plastinkalardan bir uchli, faqat bir tomoniga ishlov berilgan nayza uchlari tayyorlaganlar, shuningdek, ikki tomonidan silliqlangan, uch burchakli ingichka nayzalar uchraydi. Katta qurollarni (masalan, trapetsiya shaklidagi katta toshbolta) silliqlangan toshdan yasalgan. Shuningdek makonda bezak buyumlari asosan chetdan keltirilgan chig’anoqlardan va toshdan ishlangan. Chig'anoqdan yasalgan silindr shaklidagi mayda marjon va chig'anoqdan yoki silliqlangan tosh plastinkalardan qilingan, bir uchi teshik tuxum shaklidagi ziraklar ayniqsa xarakterli bo’lgan. Bundan tashqari kaltaminorliklar xo’jaligi asosan baliq (ko'proq cho'rtan va laqqabaliqlar)

iste’mol qilingan. Makonning madaniyh qatlamida baliq suyaklari to'lib-toshib yotadi. Baliqchilikdan tashqari, ovchilik ham muhim tirikchilik vositalaridan bo'lgan. Qobon, bug'u, suvda yashovchi qushlarning suyaklari ham ko'p uchraydi. Shuningdek, Kaltaminorliklarning turar joylari ayniqsa diqqatga sazovor bo’lib, rejali tuxum shaklini eslatadigan yog'och va qamishdan ishlangan bu ulkan (24x17 m) inshoat qachonlardir baland qum tepa ustiga qurilgan edi. Binoning umumiy markazga ega bo'lgan uchta sinchi bo’lib, ular markazda – bosh o'choqning atrofida, uyning chekkasida va har ikkalasining o'rtasida joylashgan. Kaltaminorliklarning uyida, bolalarni ham qo'shib hisoblaganda 100 – 120 kishidan iborat urug'dosh jamoa istiqomat qilgan. Oila o'choqlarning barqaror emasligiga, bir joydan ikkinchi joyga ko'chirib yurilganligiga va mohiyat e’tibori bilan o'choq emas, balki gulxan ekanligiga qaraganda, bu vaqtda oila xo’jalik-turmush jihatidan urug'dan ajralib chiqmagan. O'chmay yonib turadigan muqaddas o'choq ijtimoiy hayotning markazi hisoblangan. Makonning chap tomonidagi bo'linmalarida gulxanlar yo'qligining boisi shuki bu joyda jamoa urf-odati bajarilgan va marosimiy raqslarga tushilgan. Nihoyat, bu bo'linmaning chekkasidagi kichik gulxanlar xuddi andamanliklar uyidagi singari, bu yerning bo’ydoq yigitlar joyi ekanligidan darak bersa kerak: chunki ular oila o'chog'ida pishirilgan ovqatni iste’mol qilganlar, gulxanlarda esa, aftidan, sovuq kechalari isingan bo'lsalar kerak degan xulosaga kelingan.

Makonning butun maydonida bir-biridan baravar masofada diametri 50 – 70 sm keladigan yumaloq yuzagina chuqurchalar bor. Ular juda ko'p bo'lib, bu chuqurchalar gulxan yoqilgan hamda uning atrofida ayrim oilalar joylashgan va ovqatlangan. Har bir o'choq chuqurining atrofida va ichida, kuldan tashqari, qurollar, ro'zg'or anjomlari va asosan oshxona jihozlari deb ataladigan topilgan. Oshxona qoldiqlari asosan baliq suyaklaridan iborat bo'lib, ular butun maydondagi madaniy qatlamda juda ko'p miqdorda uchraydi.

Uy anjomlari asosan ochiq gulxanlarda pishirilgan kulolchilik idishlardan iborat. Ular o'tga chidamli dag'al loydan qo'lda ishlangan bo'lib. Tagi dumaloq turli xildagi idishlardir. Bularning ba’zilari ancha qalin ishlangan bo'lib, tarkibiga ko’p miqdorda dresva aralashgan. Bu idishlarning ko’pchiligining sirt tomoni bosma yoki chizma naqshlar bilan bezatilgan. Bezaklar asosan halqa-halqa qilib, idishning yuqori qismiga solingan .

Kaltaminorliklarning xo’jaligida ovchilik va moddiy turmush jihozlari chaqmoqtoshdan yasalgan mikrolitoid va suyak buyumlardan iborat bo’lgan. Toshdan ishlangan buyumlar o'zining turli –tumanligi bilan ajralib turadi. Ular ichida ko'proq suyak va yog'och qurollar qadaladigan uzunchoq to’g’nog’ichlar ham mavjud bo’lgan. Xullas, Kaltaminor madaniyati yodgorliklarini boshqa madaniyatlar bilan taqqoslab ko’rilganda Kaltaminor madaniyatining unga muvofiq keladigan Shimoli-sharqiy Evropa, Uralbo'yi va Janubi-g'arbiy Sibir neoliti va eneoliti madaniyati yodgorliklariga yaqinlashib kelishini aniqlashda S.P.Tolstovning xizmatlari va xulosalari beqiyosdir. Kaltaminor madaniyatiga oid ikkinchi makon 1946 yilda A.I.Terenojkin [6] tomonidan Buxoro vohasidan

Shimol tomondagi Quljuqtov tog' etaklari hududida topilgan. Makon katta tog’ ustida joylashgan bo’lib, Quljuqtov makonida topilgan kulolchilik buyumlari va toshdan ishlangan buyumlar kaltaminorda topilgan shunday buyumlarga juda ham o'xshaydi. Shuningdek, A.A.Farmozov tomonidan G'arbiy Qozog'istonda so’nggi Kaltaminor tipiga kiruvchi makon tekshirilgan bo'lib, uning qadimiy madaniy qatlamida topilgan suyaklarning ko’pchiligi uy hayvonlariniki ekanligi aniqlangan.

Shunday qilib, Afanasev-Kaltaminor madaniyati tarqalgan hududini belgilash mumkin. Demak, Prikamye va Quyi Obdan boshlab to Minusinsk o'lkasi va O'rta Osiyo hududining katta qismini o'z ichiga olgan Sharqiy Turkistongacha bo'lgan taxminiy etnik aloqalarni belgilash mumkin.

O'rta Osiyo bilan Sharqiy Eron o'rtasidagi taxmin qilingan aloqalar yangi eradan avvalgi I va, ehtimol, II ming yillikda bo'lmagan, chunki o’sha davrda bu o'lkalar o'rtasida istiqomat qilgan aholida hind-evropa etnik-lingvistik elementi ustun bo’lganligi aniq. Aloqalar yangi eradan avvalgi IV – III ming yilliklarda, ya’ni Kaltaminor madaniyatini yaratgan xalqlar bu aloqalarning vositasichisi bo'lgan, deb taxmin qilingan davrda mavjud bo'lgan degan xulosaga kelingan .

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, Kaltaminor madaniyati insoniyat tarixida chuqur iz qoldirgan madaniyat o’choqlaridan biri hisoblanadi. Sababi bu madaniyatning taraqqiyoti uch bosqichdan iborat bo’lib, shu tariqa har bir bosqich o’ziga xos xususiyati bilan ajralib turishi va voha tarixida o’troq hayot shaklining yuzaga kelishida muhim omillardan biri hisoblangan. Xorazmdagi Kaltaminor, Tozabog'yop, Amirobod hamda aholi yashaydigan turarjoylar madaniyatlarida o'troq turmush tarzining rivojlanishi bosqichlarini va ularning o'sih dinamikasini ko'rishimiz mumkin. Bu esa bizda qadimda Xorazm hududida vujudga kelgan ibtidoiy madaniyat vujudga kelish omillari, shart-sharoitlari, rivojlanish bosqichlari, turmush tarzi, hunarmandchiligi to'g'risida yetarlicha tasavvur hosil qilishga imkon yaratadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1) С.П.Толстов,По следам древнехорезмийской цивилизации. Издательство АН СССРМосква • Ленинград 1948.

2) Я.Ғ. Ғуломов , Хоразм сугорилиш тарихи (Қадимги замонлардан ҳозиргача) ЎзССР ФА нашриёти. Тошкент – 1959. G’ulomov Y. Qadimgi Xoprazmning sug’orilish tarixidan. Toshkent. -1956.

3)https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi

4) С. П. Толстов. По следам древнехорезмийской цивилизации. Издательство АН СССР, Ленинград.1948.

5) С.П. Толстов, Древний Хорезм, Издание МГУ Москва —1948.

6) А.И. Тереножкин, Археологическая разведка в западной части Узбекистана, ВДИ, 1947.

7) А.А. Фармозов, Об открытии кельтеминарской культуры в Казахстане, Вестник КазФАН, 1945.

НЕОЛИТ ЖАМОАЛАРИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИДА СОПОЛ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ ЎРНИ МАСАЛАСИ (КАЛТАМИНОР СОПОЛ ИДИШЛАРИ МИСОЛИДА)

З.Н.ХОЛМАТОВА, Самарқанд археология институти

Аннотация: Мақолада калтаминор сополлари асосида неолит жамоаларининг маданий алоқаларида сопол ҳунармандчилигининг тутган ўрни масаласи ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Тош асри, неолит, калтаминор маданияти, Жойтун маданияти, С.П.Толстов, А.В. Виноградов, В.М.Массон, Оқчадарё, Лавлакон.

Аннотация: В статье представлены сведения о месте гончарного ремесла в культурных отношениях неолитических сообществ на базе кельтеминарской керамики.

Ключевые слова: каменный век, неолит, кельтеминарская культура. джейтунская культура, С. П. Толстов, А. В. Виноградов, В. М. Массон, Окчадарья, Лавлакон.

Annotation: The article presents information about pottery in the cultural relations of the Neolithic communities on the basis of Kelteminar ceramics.

Keywords: Stone Age, Neolithic, Kelteminar culture. Dzheytun culture, S.P. Tolstov, A.V. Vinogradov, V.M. Masson, Okchadarya, Lavlakon.

Кишилик тарихи ривожи илк босқичлари жамоалар моддий маданиятини ўрганишда сопол идишларнинг тарихий манба сифатида аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Бу жаҳон тарихшунослиги амалиётидасоҳа мутахассислари томонидан кенг эътироф этилган [1].

Сопол идишлар ясашнинг кашф этилиши неолит даври одамларининг инновацион фаолияти билан бевосита боғлиқ. Аниқроғи, сопол идишлар неолит даври жамоалари кунлик турмуш тарзи, уй-рўзғор буюмлари, ижтимоий муносабатлари, хўжалик машғулотлари, маънавий маданияти ва қўшни жамоалар билан маданий алоқалари каби маълумотларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан аҳамиятлидир.

Сопол идишлар ҳозирги кунга қадар одамларнинг маиший турмуш тарзи, ҳунармандчилигининг таркибий қисми бўлиб келмоқда.Шу боис, сопол ҳунармандчилиги, унинг шаклланиши тарихий шарт-шароитлари, нақшлари махсус тадқиқот объекти сифатида аҳамиятга молик ҳисобланади [2]. Хусусан, сопол идишлар нақшлари ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлган инсонлар маънавий маҳсули эмас. Уларнинг ҳам тарихий илдизлари мавжуд. Бу илдизни сўнгги палеолит, мезолит даври жамоалари маънавий кечинмаларидан излаш лозим. Хусусан, бу давр қоятош расмлари, тош қуроллари дасталаридаги тасвирлар аста-секинлик билан неолит сопол идишлари сиртига кўчган. Бу тасвирлар маъносида магия, тотемизм

тушунчалари бўлиб, улар тош асридан кейинги тарихий тараққиёт босқичларида кучлироқ намоён бўлган. Неолит даври сопол идишларининг нақшлари дастлабкўпинчасодда, оддий чизиқлари билан ифодаланганлигини таниқли археолог олим В.М.Массон улар турмушида ҳайвонлар культи бўлмаганлиги билан эмас, балки улар ҳаётида эндигина сопол кулолчилиги юзага келаётганлиги билан изоҳлайди [3]. Гарчи Ўрта Осиё миқёсида неолит даври сополлари нақшлари семантик таҳлилига бағишланган махсус тадқиқотлар бўлмасада, лекин Е.Ю.Кричевский, Э.Херцфельд, И.И.Мещанино, М.Е.Массон, В.И.Сарианиди, Третьяков В.П.каби тадқиқотчиларнинг неолит ва ундан кейинги энеолит, жез даври сополларининг семантик жиҳатдан ўрганишга илмий уринишлари бўлганлигини кўрамиз [4].

Ўрта Осиё миқёсида аввалги ахборий маълумотлар ва ҳозирги кунда амалга оширилаётган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра неолит даври жамоалари моддий маданиятига тегишли сополлари Жойтун, Калтаминор, Ҳисор, Сазоғон неолит маданиятларининг маданий қатламли ёдгорликлари ҳамда Марказий Фарғона ва Устюрт ҳудудларининг маданий қатламлари сақланиб қолмаган ёдгорликлари асосида ўрганилган [5]. Бу тадқиқотларда неолит жамоалари турмушида қўлланилган сопол идишлар, хусусан уларнинг тузилиши шакллари, нақшлари ҳақида маълумотлар ўрин олган. Ўз вақтида А.В.Виноградов неолит жамоалари моддий маданияти шаклланиши ва ривожида қўшни ҳудуд жамоаларининг маданий таъсири нуқтаи назардан сопол идишлар аҳамиятига, шунингдек калтаминор жамоаларининг маҳаллий маданий вариантлари моддий маданиятининг ўзига хослиги масаласи таҳлилида сополларнинг қиёсий солиштириш натижаларига эътибор қаратганлиги сопол ҳунармандчилигини ёритишда ўта муҳим деб ҳисоблаймиз [6]. Шу боис, биз ҳам ўз тадқиқотимизда калтаминор жамоалари сопол ҳунармандчилиги масаласига эътибор қаратганмиз [7].

Маълумки, калтаминор жамоалари моддий маданияти тадқиқотида катта ҳажмдаги сопол ҳунармандчилигига оид материаллар қўлга киритилган.Бу материаллар асосан Қуйи Амударё Оқчадарё ҳавзаси, Қуйи Зарафшон Моҳандарё, Ҳўжайли ва Тузкан, Қизилқум ички ҳудудлари (Лавлакон, Бешбулоқ, Мингбулоқ, Қарақата) ёдгорликлар тадқиқоти билан боғлиқ бўлса, улар ўтган аср 80-йилларида Қуйи Зарафшон Чорбақти воҳаси неолит ёдгорликлари ҳамда Республикамиз мустақиллиги йилларида Қуйи Зарафшон воҳаси Оёқоғитма чўкмасида Ўзбекистон-Франция халқаро экспедицияситомонидан Оёқоғитма неолит маконитадқиқотлари жараёнидаги топилмалар билан янадабойиди. Хусусан, Қуйи Зарафшон қадимги ўзанларидан бири бўлган Чорбақти воҳаси неолит ёдгорликлари тадқиқотида қизиқарли сопол буюм парчалари қўлга киритилган [8]. Сопол парчалари таҳлилига кўраЧорбақти неолит жамоалари ўз турмушида оғиз гардиши ташқи томон енгил қайрилган, вертикал чўзинчоқ кўринишли

идишларни ишатишганлиги маълум бўлди. Идишларга босма, ўйма, чизиқли нақшлар солинган. Нақшлар композициясида оддий комбинациялар билан солинган ромб, учбурчак кўринишлар муҳим ўрин тутади. Иккита сопол парчасида тишсимон нақш борлиги аниқланган. Маълумки, тишсимон нақшлар Қуйи Зарафшон сополларига хос эмас. Шу боис, ушбу нақшларнинг учратилиши Қуйи Зарафшон жамоаларининг Оқчадарё, Лавлакан ҳудуди неолит жамоалари билан ўзаро маданий алоқада бўлишганлигини билдиради. Шунингдек, Аёқагитма неолит ёдгорлиги тадқиқотида ҳам Қуйи Зарафшон сопол кулолчилиги ҳақида қимматли маълумотлар қўлга киритилган. Айниқса, ёдгорлик тадқиқотида топилган сопол идиш парчалари асосида бутун идишнинг тикланиши сопол идишлар шакли ва нақшларини билиб олишимизда муҳим аҳамият касб этди. Бу идиш гардиши ташқи томони енгил қайрилган қорин қисми пастки томони нисбатан кенгайган, тагдони сал учлироқ кўринишга эга. Идишнинг бўйин қисми бўйлаб горизонтал ҳолатда тўрт қатор нақш солинган. Нақшлар асосий қисмини чизиқли, ўйма, босма нақшлар ташкил этади, нақшлар композициясида эса геометрик шаклдаги комбинациялари кўпроқ кузатилади. Мутахассислар томонидан бу идишилк неолит даври сополлари деб эътироф этилмоқда[9]. Чорбақти, Аёқағитма сополларинингватанимиз сарҳадлари неолит жамоаларининг кулолчилик ҳунармандчилигини ўрганишимизда ўзига хос ўрни бор.

Калтаминор неолит жамоалари моддий маданиятининг асосий тадқиқотчилари С.П.Толстов, А.В.Виноградовлар ўз вақтидадастлабки тадқиқотларидаёқ калтаминор жамоалари жанубий ҳудудлар неолит жамолари билан маданий алоқада бўлишгани ва бунда сопол идишларнинг ўзига хос ўрни бўлганлигинини алоҳида таъкидлашгани илмий адабиётлардан маълум [10]. А.В.Виноградов Оқчадарё ҳавзасида тадқиқ этилган Толстов макони сопол идишлари муҳим ўрин тутади. У сопол идишлар шаклининг 8 хилини аниқлаб, қорин танаси цилиндрик шаклда, таг қисми эса текис бўлган, худди шундай таг қисмга эга бўлган қовурғали шаклдаги идишлар калтаминор сополларига хос бўлмаган идишлар, улар жанубий ҳудуд ўтроқ деҳқон жамоаларига хос идишлар эканлигинии алоҳида эътироф этди [11]. Калтаминор сополларининг Жабал сополларига таққослаш тадқиқотлари А.П.Окладников, В.М.Массон, А.В.Виноградовлар томонидан амалга оширилган. В.М.Массон Жабал ғори 3-4 маданий қатламлари тош қуроллари Калтаминор тош қуролларига ўхшашлигини эътироф этган ҳолда, улар сополларининг бир-бирларидан фарқ қилиши ҳақида фикр билдирган. Бошқа тадқиқотчилар, хусусан В.Бахта, Г. Марковлар ҳамКатта Балхон атроф ҳудудларида Калтаминор сополларига айнан ўхшаш сополлар борлиги ҳақида маълумот беришади.

Тадқиқотлар кўрсатишича,Яқин Шарқ ва Эрон ҳудуди неолит даври маданий комплекси сополлари нақшларининг асосий мативи ички

майдон сатҳи тўрсимон катаклар ёки ёппасига бир хил рангда ўялган ҳолда тўлдирилган. Бундай матив ҳам Жойитунҳам Калтаминор маданияти сополларида мавжуд. Сопол идишлар бел қисми горизонтал ёхуд баъзи вертикал ҳолдаги тўлқинсимон кўринишли нақшлар ҳамда йирик нуқтасимон кўринишли нақшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу фактларни келтиришдан мақсад Жойитун маданияти Яқин Шарқ ҳудуди қадимги деҳқончилик маданияти марказларининг шимолий таркибий қисми бўлганлигидан кўп жиҳатлари, шунингдек сопол идишлари ва улар нақшлари билан мазкур деҳқончилик маданияти жамоалари сополларига ўхшаш. Шу нуқтаи назардан юқорида келтирилганидек Калтаминор сополлари Жойитун жамоалари сополларига ўхшаш бўлиш билан биргаликда баъзи жиҳатларига кўра Яқин Шарқ ўтроқ деҳқончилик жамоалари сополларига ҳам ўхшашдир. Бу ҳақда С.П.Толстов, А.В.Виноградов, В.М.Массон, В.И.Сарианиди каби тадқиқотчилар маълумот келтиради. Айниқса, В.М.Массон, Б.А.Куфтиннинг «археологик қазишмалари асосида Жанубий Туркманистоннинг нақшли сополлари» номли мақоласида Яқин ва Ўрта Шарқ қадимги ўтроқ деҳқончилик маданият билан Жанубий Туркманистон жамоалари мил.авв. IV-III минг йилликда янада жипсроқ маданий алоқада бўлишганлиги ҳақида ёзади [12]. В.М.Массон Яқин Шарқ, Жойтун ва Калтаминор сополлари хусусида шундай ёзган: «жойитунликлар лойдан қурилган текис пол қисмига эга бўлган уйларда яшаганлиги учун уларнинг сопол идишлари юпқа таг қисмли бўлган, калтаминорликлар кулбасимон вақтинчалик уйларда яшаганлиги учун уларнинг сопол идиш учқур ёки думалоқ таг қисмга эга бўлишган. Жануб ўтроқ деҳқонлари ўз идишлари лойига экин майдонларидан олинган майдаланган сомон қўшишган, жанублик жамоалар сопол идишларини юқори температурали махсус печларда пиширишган, шу боис сополлари юқори сифатли бўлган, шимол калтаминорликлар эса сополларни оддий гулханларда пиширишган, шу боис уларнинг сопол идишлари девори мўрт ва мустаҳкам бўлмаган. Калтаминор сопол идишлари - цилиндр-конус ёки ярим тухумсимон кўринишли идишлар, қайиқсимон шаклли идишлар, жумрагли чашкаларда ҳамда ўйма, босма усулда солинган нақшларда, чизиқли ва қолипда босилган нақшлар билан биргаликда қатор нақшларда, хусусан дарахтсимон, тўлқинсимон, тишсимон кўринишли нақшларда жанубнинг ўтроқ деҳқон жамоалари маданий таъсири сезилиб туради» [13].

Хуллас, юқорида келтирилган фактлар калтаминор жамоалари сопол ҳунармандчилиги ҳақида маълумот бериб, жануб ўтроқ деҳқон жамоалари билан маданий алоқада сополларнинг тарихий манба сифатида ўрнини яққол кўрсатиб турибди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. GibbsK., Jordan P.A O comporative perspective on the “western» and « easteren» Neolthics of Evrasia: agraculture and sedentism. Quaternary International XXX, 2016. P.1-9; Андреев К.М.,Выборнов А.А. Керамика раннего неолита от Средней Азии до Дании.. Журн. Самарский научный вестник. 2017.Т.6, № 3(20), с.91-99.
2. Сайко Э.В. Техника и технология керамического производства Средней Азии в историческом развитии. М.,1982. С.164-181.
3. Массон В.М.Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА, №180. Л., 1971.с.34-40.
4. Третьяков В.П. Неолитическая керамика и археологические культуры. СА. 1984, 1
5. Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА, №180. Л., 1971.207с. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХЭ.XIII. М., 1981. С.173. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: Фан, 1986.Бижанов Е.Б Каменный век Устюрта. Авт.реф. на соискание уч.степени д.и.н. – Нукус, 1996.С.50. Виноградова Н.М.,Ранов В.А., Филимонова Т.Г. Памятники Кангуртута в Юго-Западном Таджикистане (эпоха неолита бронзовый век). М., 2008. Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент, 1991. С.3-122; Холматов Н.У. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. Тошкент,2008. С.210.Холматов Н.У. Сазоғон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. СамДУ нашриёти, Самарқанд, 2020, 378 б.
6. Виноградов А.В. К вопросу о южных связах келтеминарской культуры // СЭ, № 1. 1957. С.44-45; О локальных вариантах неолитической культуры Кызылкумов.- КСИА, 1970, вып. 122. С.31-36;
7. Холматова З.Н. Калтаминор маданияти сополлари хусусида. Марказий Осиё деҳқончилик ва дашт цивилизациясининг ўзаро муносабатлари мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари. Самарқанд, 2011.60-63-бб.
8. Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшона. Ташкент, Изд. «Фан», 2007,199-202бб.,35-38-расмлар.
9. SzymezakK., KhudzhanazarovM., FontugneM., MuchniakR. 14 Cdating of Ayakagyt mathtsite, Neolithic settlement in south- eastern Kyzyl-Kums, Uzbekistan //ИМКУ, №34.Самарканд, 2004.P. 26-32.
10. Толстов С.П. Хорезмская археологическая экспедиция, 1939. КСИИМК, вып.6, 1940; Хорезмская археологическая экспедиция, 1940. КСИИМК, вып.12, 1946,91,92-бб.Толстов С.П. Хорезмская археологическая экспедиция, 1939. КСИИМК, вып.6, 1940; Хорезмская археологическая экспедиция, 1940. КСИИМК, вып.12, 1946,91,92-бб.Виноградов А.В. К вопросу о южных связах кельтеминарскойкультуры.- СЭ, 1957, №1, 34-45-бб.Виноградов А.В. Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан. Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов. МХЭ, вып.10, М., Наука, 1975. 43,69-71-бб., 219-221;263-274-бб.; рис.12,17,25,26,28,30-32,34,37,38,39,43,47,48,54.
11. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья. М.Наука, 1981, 81,82-бб., 32-расм.
12. Памятники культуры каменного и бронзового века Южного Туркменистана. Под ред. М.Е.массона.ТЮТАКЭ,вып.7. Ашхабад,1956. 291-373-бб..
13. Массон В.М. Южнотуркменистанский центр раннеземледельческих культур. ТЮТАКЭ, вып.X.Ашхабад,1960.33-бб.; Средняя Азия и Древний Восток. М., Наука, 1964, 177,178-бб.

ЎЗБЕКИСТОН ТОШ ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ ХАҚИДА

О.А. АБДИҒАППАРОВ, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация: Ушбу мақолада тош қуролларнинг ясалиши техникаси ва уларга ишлов берилиши усуллари, тош индустриясининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили асосида, тош даври жамоаларининг маданий алоқалари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: *Палеолит, мезолит, неолит, Сазоғон, УстЮрт, Обишир, Вахш, Ойдабал, Мачай, Маркансуй, Жойитун*

Аннотация: В данной статье представлены сведения о культурных связях сообществ каменного века, основанные на анализе техники изготовления каменных орудий и способов их обработки, специфических особенностей каменного производства**.**

Ключевые слова: *палеолит, мезолит, неолит, Сазогон, УстьЮрт, Обишир, Вахш, Ойдабал, Мачай, Маркансуй, Джойитун.*

Annotation: This article presents information about the cultural ties of the Stone Age communities, based on the analysis of the technique of making stone tools and methods of their processing, the specific features of stone production.

Key words: *Paleolithic, Mesolithic, Neolithic, Sazogon, Ust-Yurt, Obishir, Vakhsh, Oidabal, Machai, Markansuy, Joyitun.*

Ибтидоий одамзод турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш ўзига хос тарихий шарт-шароитлар негизида рўй берган. Бунда ибтидоий жамоалар яшаган жой ландшафти, табиати, иқлим шароити муҳим рол ўйнаган. Ватанимиз сарҳадлари кейинги йиллар мабойинида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра илк палеолит давриданоқ одамзод томонидан ўзлаштирилганлиги маълум бўлди. Ўрта Осиё худудида тош асрининг кейинги барча тараққиёт босқичларида (палеолит, мезолит, неолит) одамзод узлуксиз яшаб, ўзига хос маданият яратилиб келингани археологик манбаларда ўз тасдиғини топган.

Палеолит даври жамоаларининг турмуш тарзи оддий, яъни улар ҳали табиатга тўла қарам бўлган. Ибтидоий тўда, гала ҳолатда кун кечирган. Меҳнат қуроллари ҳам ўта содда, машғулотлари териб, термичлаб овқат топиш бўлган. Лекин, одамлар аста-секинлик билан ўзларини ўраб турган атроф-муҳит, табиат билан яқин алоқада бўла бошлган ва меҳнат жараёнида янгидан янги кашфиётлар қилган. Мезолит, неолит даври экологик шароити, иқлимий муҳити нисбатан ҳозирги замонга яқин бўлган. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг деярли барча сарҳадлари одамзод томонидан ўзлаштирилиб, натижада ўзига хос хусусиятларга эга бўлган турли

маданиятлари шаклланади.

Маълумки, тош асрининг дастлабки босқичи ҳисобланувчи палеолит даври тарихини ёритишда антропогенез жараёни ўз мазмунига кўра ўта долзарб аҳамият касб этади. Фарғона водийсида Сел-унгур ғор макони “Фарғона одами” антропологик топилмасининг қўлга киритилиши антропогенез жараёни масалаларини янада ойдинлаштиришга хизмат қилди.

Обираҳмат ғор маконидан “Обираҳмат одами” нинг топилиши эса Ватанимиз сарҳадларида одамзод аждодлари (неондертал, крамонон) масаласида муҳим кашфиёт бўлиб, тош даври жамоалари маданиятининг тарихий илдизларини аниқлаштиришда муҳим ёдгорликдир. Шу боис, этногенетик жараёнларни тош асри қайси тараққиёт босқичи ривожи билан боғлаш муаммоси бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. Бу масала эчимини мутахассислар археологик маданиятлар мазмун моҳиятидан изламоқдалар, яъни археологик маданиятлар этник фарқлар демакдир.

Бир гуруҳ олимлар (Г.П.Григорев, В.П.ЛЮбин, В.Н.Гладилин) илк палеолит давриданоқ археологик маданиятлар бўлганлиги ҳақида фикр Юритса, кўпчилик мутахассислар (А.Я.БрЮсов, А.Н.Рагочев, С.Н.Замятнин, А.А.Формозов) маҳаллий характердаги маданий фарқларни сўнгги палеолит давридан эътиборан бўлган деган хулосани билдирган. Археологик маданият бир-бирига ўхшаш тош индустриясига, моддий маданиятга эга бўлган ёдгорликлар гуруҳини аниқ, равшан ҳудудий чегарада жамланишидир.

А.А.Формозов сўнгги палеолит даврида археологик маданиятлар тўла қонли равишда шаклланган, кейинги тараққиёт босқичларида - мезолит, неолитда том маънода мустақил этник жамоа бирлашмаларидир деган хулосани билдиради. Шу боис этник жараён, «этнос» нинг бошланишини сўнгги палеолит даври билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Мезолит, неолит даври этник жамоалари «археологик маданиятлар» ида янада равшанроқ намоён бўлган.

Бу жараён мезолит (Обишир, Вахш, Ойдабал, Мачай, Маркансуй) ёдгорликларда яхши намоён бўлади. Ўрта Осиё миқёсида яқин йилларгача мезолит даври жамоаларига тегишли ёдгорликлар бир зайлда ўрганилмаган эди. Аниқроғи, Устюрт платоси, Қуйи Амударё, Қизилқум ҳудуди, Қуйи ва Ўрта Зарафшон воҳаси шундай сарҳадлар жумласига киради. Лекин, Э.Бижанов томонидан Устюрт платосида Айдабол, Оқтайлоқ каби мезолит даври ёдгорликлари гуруҳи тадқиқ этилган. А.В.Виноградов томонидан Қуйи Зарафшоннинг яна бир, нисбатан қадимийроқ бўлган ўзан - Чорбақти воҳаси аниқланиб, ундан бир қатор мезолит даври ёдгорликлари топилди.

Чорбақти мезолит ёдгорликлари материаллари Н.У.Холматов томонидан ўрганилиб, илмий муамолага киритилган. М.Д.Джуракулов ва Н.У.Холматовлар Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида бир қатор мезолит-неолит даврига оид ёдгорликларни кашф этиб Жангал 1, Тепақул 3,4,5, Лолаб, Очилғор, Қоракамар) қўлга киритилган

материаллар асосида ҳамда ундан олдинги материалларга (Сазоғон 1 макони) янгича ёндошувлар таҳлили асосида воҳанинг мезолит даври жамоалари маданий бўғинини ёритиб беришга эришди. Самарқанд давлат университети олимларининг юқорида келтирилган тадқиқотлари Ўрта Осиё тош даври маданиятлари тарихий илдизлари масаласини ойдинлаштиришда муҳим ҳисобланади.

Неолит даври бўйича Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий минтақаларида Копеттоғнинг қуёшга тушлов сой этакларида ибтидоий мотига деҳқончиликка асосланган Жойитун маданияти ўзига хос ўринга эга [1,б.180]. Амударё ва Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида, Қизилқумда овчи-балиқчи уруғ жамоаларининг Калтаминор маданияти [2,б.56] ва Ҳисор тоғ тизмаларининг дара ва яйловларида жойлашган Ҳисор маданияти эса ўз хусусиятига кўра Жойтун маданияти жамоалари билан маданий алоқада бўлганлиги кузатилади [3,б.105-123]. Ундан кейинги даврда эса, Фарғона водийсида Марказий Фарғона маданияти,[4,б.304] Ўрта Зарафшон воҳасида Сазоғон ва Устюртда Устюрт неолит жамоалари маданияти таркиб топган[5,б.3-122]. Уларнинг хўжалик асоси, хронологик доираси, этномаданий ва этнографик қиёфаси,маданий алоқалар, маданиятларнинг келиб чиқиши тарихий илдизлари масалалари, Жойитун, Калтаминор ва Хисор маданиятларини ҳисобга олмаганда, Ўрта Осиё неолитининг ўта баҳсли муаммолари бўлиб қолмоқда.

Ўрта Осиё неолит даври жамоалари моддий маданияти тадқиқотида А.П.Окладников, Я.Г.Гулямов, В.А.Ранов, В.М.Массон, А.В.Виноградов, У.Исломов, В.И.Тимофеев, Г.Ф.Коробкова, М.Р.Қосимов, Т.Мирсоатов, Э.Бижанов, М.Жўрақулов, Н.У.Холматов каби олимларнинг изланишлари муҳим ҳисобланади. Кейинги йиллар мабойнида археологик тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган манбалар палеолит, мезолит, неолит даври жамоалари моддий маданиятининг янги қирраларини ёритиш имконини бермоқда.

Бу этник жараёнлар мезолит, неолит жамоалари моддий маданиятида ўз аксини топганки, буни Ўрта Осиё миқёсида амалга оширилган тадқиқотлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳақда В.М.Массон, С.П.Толстов, А.В.Виноградов, У.Исломов, В.А.Ранов, М.Жўрақулов каби мутахассислар тадқиқотларида маълумотлар мавжуд. Хусусан, В.А.Ранов «неолит даври этник жамоалар шаклланган давр Жойитун, Калтаминор, Ҳисор маданиятлари нафақат тарихий- маданий жамоалар, балки этник бирлашмалар ҳисобланади» деган фикрни беради. [6.б.42].

Шу ўринда В.М.Массон томонидан Жойитун, Калтаминор, Ҳисор маданиятлари хусусидаги турли туман этник таркиблар борасида билдирган хулосалари ҳам аҳамиятлидир. Бунда мазкур маданиятлар ажратилишга илмий асос берган сопол идишлар ва улар нақшлари аҳамиятига эътибор қаратилган [7.б.180] Неолит даври этник жараёнлар этномаданият ҳамда этник гуруҳлар борасида А.В.Виноградов

тадқиқотлари маълумотлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу олимнинг тадқиқотларида қон-қардош қабилаларнинг маълум ҳудудларга тарқалиб яшаши, вақт ўтиши билан маҳаллий характердаги маданий вариантлардан иборат Калтаминор этномаданий жамоалари неолит маданияти шаклланишига олиб келган (Оқчадарё, Лавлакан, Қуйи Зарафшон) ёдгорликлар ўрганилган [8.б.160-168].

В.А.Ранов томонидан ҳисор маданиятининг Тутқовул, Сайёд - «классик ҳисор»; Кангурттут, Булёни-Паён, Қулоб, Яван воҳаси каби маҳаллий маданий вариантларга ажратилганлиги ҳам этник бирикмаларга мисол бўлади [9.б.22-25]. Тадқиқотларда неолит даврига келиб этник жараён жадал кечганлиги ва улар Жойитун, Калтаминор, Ҳисор, Марказий Фарғона, Сазоғон каби неолит жамоалари моддий маданиятида (маданиятларнинг маҳаллий маданий вариантларида) ҳам намоён бўлганлиги аниқланган ва буни соҳа тадқиқотчилари эътироф этишган.

Хулоса қиладиган бўлсак, тош жамоалар маълум бир ҳудуд билан чегараланиб яшаб қолмасдан озиқ-овқат, меҳнат қуроллари ясаш учун хом ашё зоҳираларини излашиб қўшни ҳудудларга силжиб боришганликлари ва у ҳудудларда яшовчи жамоалар маданиятининг у ёки бу томонларини ўзлаштирганликлари ёхуд ўз навбатида ўзлари улар маданиятига таъсир этганликлари тадқиқотларда аниқланган. Бундай маданий таъсир сўзсиз улар тош индустрияси характери, тош қуроллари шакли, ишлов берилиши услублари, турмушда бажарган функциялари, қуроллар ясалиш хом ашёлари, сопол идишлари, зеб-зийнатлари, турар-жойлари, қабрлари тузилишлари кабилардаги ўхшашликларда намоён бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Массон В.М. Джейтунская культура. ЮТАКЭ, т.10, Ашхабад, Ылым, 1961; Поселение Джейтун (проблемы становления производящей экономики). МИА, № 180, 1971.
2. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречье. М., 1981.
3. Ранов В.А. Гиссарская культура: распространение, хронология, экономика. // Культура первобытной эпохи Таджикистана. – Душанбе, 1982; Гиссарская культура – неолит горных областей Средней Азии. // Каменной век Северной, Средней и Восточной Азии. – Новосибирск, 1985; Неолит (гиссарская культура). История Таджикского народа. Том 1. – Душанбе, 1998. С.105-123.
4. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент: Фан, 1986. С. 304.
5. Бижанов Е.Б. Неолитические памятники юго-восточного Устюрта. // Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. – Ташкент: Фан, 1978. С.18-79; Каменный век Устюрта. Авт.реф. на соискание уч.степени д.и.н. – Нукус, 1996. С.3-42;Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1991. С.3-122.
6. Виноградова Н.М., Ранов В,А.,Филимонова Т.Г. Изучение гиссарской культуры и неолитические слои поселения Кангуртут. М., 2008.41,42-бб.

7. Массон В.М. Джейтунская культура. ЮТАКЭ, т.10, Ашхабад, Ылым, 1961; Поселение Джейтун (проблемы становления производящей экономики). МИА, № 180, 1971.
8. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М., Наука, 1981. 160-168-бетлар.
9. Виноградова Н.М., Ранов В,А.,Филимонова Т.Г. Изучение гиссарской культуры и неолитические слои поселения Кангуртут. М., 2008.22-25-бб.

ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИЯ ПАЛЕОЛИТА СРЕДНЕГО ЗАРАФШАНСКОГО ОАЗИСА

Н.А.ХАЛИЛОВ, магистрант ДжГПУ, Джизак

Аннотация. В статье освещается история изучения палеолитических местонахождений среднего Зарафшанского оазиса, а также приводятся данные, полученные в результате современного цикла работ.

Ключевые слова: *Кутурбулак, Зирабулак, Аман-Кутан, Равотходжа, Сазагонская культура, Чимкурган, культурная традиция.*

Annotation. The article highlights the history of the study of the Paleolithic sites of the middle Zarafshan oasis, and also provides data obtained as a result of the modern cycle of work.

Keywords: *Kuturbulak, Zirabulak, Aman-Kutan, Ravotkhoja, Sazagon culture, Chimkurgan, cultural tradition.*

Аннотация. Мақолада ўрта Зарафшон воҳасидаги палеолит даври манзилгоҳларининг ўрганиш тарихи ёритилган, шунингдек, ҳозирги даврдаги ишлар натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *Қутурбулоқ, Зирабулоқ, Омон-Қутан, Равотхўжа, Сазагон маданияти, Чимқўрғон, маданий анъана*.

В бассейне реки Зарафшана были обнаружены и изучены много богатых и интересных палеолитических материалов. Почти все известные палеолитические памятники, в том числе стратиграфические поселении расположены в среднем течении Зарафшана, т. е. в Самаркандской котловине и прилегающих горных районах части Зеравшанского и Туркестанского хребтов [11: 145].

Одним из главных памятников в Самарканде периода среднего палеолита является Кутурбулак, который находится в 100 км к северо-западу от Самарканда, близ села Чархин. Кутурбулак расположена в узкой предгорной долине в среднем течении Зарафшана, на берегу одноименного родника, вытекающего из предгорий Зарафшанских гор. Памятник был обнаружен в 1971 году археологическим отрядом Институтом археологии Академии наук Республики Узбекистан во главе с Ю. Ф. Буряковым [2: 507-508]. Работы по изучение памятника проводилось в 1971-1972 гг. Н. Х. Ташкенбаевым. Полученные результаты отражены в ряде научных статей и

в монографии «Культура древнего века долины Заравшан» [14: 36].

Стратиграфическое состояние Кутурбулака с самого начала интерпретировалось по-разному. В то время как одни исследователи утверждали, что слои памятника не были повреждены, в то же время другие считали, что они были перемешаны [12: 88]. В результате наблюдений учёных было установлены, что каменные изделия Кутурбулака более или менее зашлифованы, ретушированы и предметы размыты. Подложек в наборе также очень малом количестве (количество мелких пятен, оставшихся от камней, обработанных в неповрежденных слоях, очень велико). Кроме того, при подсчете проб, отобранных из слоев Кутурбулак ураниумым методом дали 32000 лет до нашей эры, и это сомнительно (даже перечислившие его специалисты этого не отрицали: содержание процентов урана в слоях видимо могло увеличиться в более поздние периоды в результате за счет проводимых очистных работ родника) [3: 40-64]. Это связано с тем, что памятник Оби-Рахмат, относящийся к концу периода среднего палеолита и первому периоду позднего палеолита, который сегодня является основным памятником позднепалеолитических культур в Узбекистане, в пределах 50-40 тысяч лет до нашей эры [4: 26-35].

Один километров к востоку от Кутурбулака находится более интересный, но менее изученный палеолитический памятник - Зирабулак [15: 3-11]. Место находки расположено на берегу одноименного родника, который берет начало у подножия Зирабулакских гор. Памятник был обнаружен в 1971 году Н. Х. Ташкенбаевым и изучен стационарно в 1972, 1978 и 1984 годах. Согласно научным публикациям, Зирабулак изучался кафедрой археологии Самаркандского Государственного Университета в 1974-1977 гг. Но информация об этом не публиковалась.

Площадь основного раскопа в Зирабулаке составляет 32 кв.м., раскопан в 50 м к западу от родника. Вырытые шурфы и извлеченный материал в основном приурочены к зеленовато-желтым песчаным грунтам неизвестного происхождения. Согласно одному из недостаточно обоснованных мнений, отложения памятника связаны с пролювиальным образованием террасы, относящейся к середине четвертичного периода [6: 46]. Залежи Зирабулак сильно пострадали в результате строительных работ, проводившихся в исторический период. В связи с этим памятник недостаточно изучен и из-за противоречивости мнений отсутствуют, сведения о вертикальном расположении находок, концентрации археологических материалов в определенных зонах или слоях.

В 1947 году был открыт Аман-Кутанский пещерная стоянка, и этот памятник был исследован Д. Н. Левом, и полностью раскопан до 1957 года [7: 11]. Пещера Аман-Кутан расположена 45 километра к югу от Самарканда, в горах Чакулькалян, на высоте 1300 метра над уровнем моря. Пещера карстовая и коридорного типа. Его вход имеет ширину 1,5 метра и высоту 0,9 метра. Отложения в пещере сосредоточены у нее входа. Находки

в туфах и покрытых слоем нечистот расположены в пещерном почвенном грязи. Толщина культурных остатков слоев колебалась от 0,25 сантиметра до 1,5 метров. Исследователи идентифицировали отсюда остатки костра и печи, а также множество фаунистических остатков. К сожалению, останки фауны в основном состоят из сломанных костей, менее половины, из которых дают четкие виды. Среди костей, которые можно было определить, 60% принадлежат муфлонам (горным баранам). Кости бурого медведя и оленя также относительно многочисленны. Кроме того, в сборник входят сибирский олень, сибирский горный козёл, пещерных шакалов, лисиц и ещё определены останки костей около 15 других млекопитающих. Среди фаунистических остатков есть птицы двух видов и обнаружены кости степной черепахи. По палеозоологическим находкам, по мнению В. И. Бибикова это свидетельствует о наличии открытых лугов между деревьями и кустарниками [1: 229-233].

Индустрия Аман-Кутана немногочисленна и состоит каменных изделий из кремня, кремнистых известковых камней и 200 каменных орудий из диоритов и кварцитов. Наборы нуклеусов находятся в основном в начальных стадиях или состоят из их разломов. Однако встречаются и ярко выраженные фланцевые нуклеусы. Отточено в пластинчатом виде в малом количестве, почти не встречаются настоящих пластин. В наборе количество осколки и их куски многочисленны. Некоторые части из этих осколок имеют вторичную обработку, ретушь или следы использования.

Некоторые каменные изделия периода среднего палеолита были найдены в Самарканде и его окрестностях в разные годы. 1940 году на месте впадении селевых воды с пропасти в канал Сиёбча из селевых слоёв Г. В. Григорьевым была обнаружена копье. При строительстве домов на улице Дагбит в 1963 году было обнаружена «тёрка мустьерского типа» [8: 4]. В 1967-1970 годах из руин города Афросиаб была собрана коллекция более 30 каменных предметов. Этот набор содержит фланцевые ядра, отщепи и скребки с «типичной мустьерской ретушью». В 4 км южнее Самарканда, на левом берегу Даргомского канала, на глубине 2 м обнаружены архаичные ломки из темно-коричневого кремня. Наконец, в 1965 году по близости города Ургута, в 50 км к востоку от города Самарканда, Н. Х. Ташкенбаев собрал небольшую коллекцию кремня датированного в конце среднего палеолита [16: 3-7].

Помимо среднепалеолитических памятников в Зарафшанской оазисе исследованы также несколько позднепалеолитических стоянок. В частности, в Самарканде находится один из самых известных памятников позднего палеолита в Центральной Азии [9: 8]. Памятник расположен на правом берегу реки Чашмасиаб и находится на территории современного аквапарка в городе Самарканде. Первые палеолитические находки здесь были собраны в 1939 г. Н. Г. Харламовым и в том же году М. В. Воеводским был брошен шурф. Второй этап изучения Самаркандского стоянки было

связанный с именем Д. Н. Лева, он исследовал памятник с 1958 по 1973 года. Позднее полевые исследования памятника проводились Е. Н. Амарцева и М. Д. Джуракулововым [5: 40]. В этих научных исследованиях из числа геологов принимали участие В. В. Шумов, А. А. Юрьев, Г. Ф. Тетюхин и С. А. Несмеяновы [10: 14].

Слои материалов, покрывающих верхнюю террасу, характеризуются малочисленностью и однородностью. Здесь были обнаружены остатки костра. Однако костей животных и других предметов в этих кострах не обнаружено. Артефакты, полученные из этих слоев, тоже не яркие. С. А. Несмеянов условно делит верхнюю террасу на три культурных слоя и сопоставляет их со слоями нижней террасы. Прежде всего, основываясь на результатах пыльцевого метода, он считает, что два верхних слоя верхней террасы (пятый и шестой) возникли одновременно с четырьмя слоями нижней террасы (1-4). При этом седьмой слой (нижний слой верхней террасы) является самым древним из всех археологических слоев, присутствующих в памятнике.

В июне 2012 года ученые исследовали стоянку Равотходжа Ургутского района. Были обследованы окрестности родникового источника Равотходжа, разрушенного здесь из-за антропогенных воздействий, и найдены каменные изделия, обработанные первобытным человеком. Сегодня территория вокруг родникового источника используется как карьер, из которого добывают гравий для строительных работ. По их мнению, этот родник появился в плейстоцене, и здесь были благоприятные условия для проживания первобытных людей [13: 68].

2000 году расположенной на южной части Самаркандской области, на территории района Джом краеведом А. Ёркуловым была обнаружено находки эпохи палеолита и неолита. Среди этих находок были отретушированные осколки, пластины, опилки и комбинированные оружия. По технике обработки, они схожи с Самаркандскими палеолитическими и Сазагонскими культурами.

И ещё можно сказать, что древние культуры каменного века Самаркандской области распространились и на соседнюю Джизакскую область. В 2000 году ученые провели поиск песчаных карьеров в поселке Чимкурган Форишского района Джизакской области, где было обнаружено нуклеус, изготовленной с осколки точильного камня. По способу техническому изготовление и сырьё находка аналогична Кутурбулакскому предмету. Эта находка в первую очередь показывает, что территории Джизакской области были освоены людьми периода палеолита, а во-вторых, что они культурно и периодически сходны с племенами Самаркандской котловины.

В 2012 году в Форишском районе Джизакской области были обнаружены палеолитические каменные предметы, в настоящее время ведутся лабораторные исследования.

Таким образом, среднее течение реки Зарафшан является одним из, богатых районом палеолитическими памятниками нашего края. Ряд новых находок в последние годы в селе Равотходжа Ургутского района, селе Джам Нурабадского района и Форишском районе Джизакской области показывают, что палеолитические племена, проживавшие в этих районах, были более плотно заселены и их культуры распространились на Джизакскую область.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Бибикова В.И. Некоторые замечания по фауне из мустьерской пещеры Аман-Кутан // СА, № 3. М., 1958. С. 229-233.
2. Буряков Ю.Ф., Крикис Я.К., Равшанов Р., Ростовцев О.М. Работы в Самаркандской области 1971 г. // АО, М., 1972. С. 507-508.
3. Деревянко А.П. и др. Исследования грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) в 1999 г. // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Новосибирск, 1999. С 40-64.
4. Деревянко А.П. и др. Ранний верхний палеолит Узбекистана: Индустрия грота Оби-Рахмат (по материалам слоев 2-14) // Археология, этнография и антропология Евразии 4 (8). Новосибирск, 2001. С 40-60.; Деревянко А.П. и др. Новые данные о палеолитических индустриях пещеры Пальтау (Республика Узбекистан) // Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. Изд-во Института археологии и этнографии СО РАН. Новосибирск, 2002. С 26-35.
5. Джуракулов М.Д. Каменный век бассейна Зарафшана. Автореф. дисс. д.и.н. Самарканд, 1992. С. 40.
6. Лев Д.Н. Древний палеолит в Аманкутане (предварительное сообщение). Самарканд, 1949. С. 46.
7. Лев Д.Н. Новые памятники палеолита в Узбекистане // ТКИЧП, Вып. 13. Ташк., 1957.
8. Лев Д.Н. Самаркандская палеолитическая стоянка // ИМКУ, вып. 6. Ташкент, 1965.
9. Лев Д.Н. Самаркандская палеолитическая стоянка // ИМКУ, вып. 6. Ташкент, 1965.
10. Несмеянов С.А. Геологическое строение Самаркандской верхнепалеолитической стоянки // Палеолит Средней и Восточной Азии. Новосибирск, 1980. С. 14.
11. Окладников А.П. Палеолит // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л., 1966.
12. Ранов В.А., Несмеянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. Душанбе, 1973. С. 88.
13. Сайфуллаев Б.Қ., Ражабов А.Ю., Аллаёров Ў.А., «Ўрта Зарафшон палеолити тарихи ва унга доир айрим янги топилмалар хусусида» С. 68 //«Ўзбекистон моддий даданияти тарихи» 38-нашр, 2012 йил.
14. Ташкебаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменнго века долины Зарафшана. Ташкент, 1980. С. 36.
15. Ташкенбаев Н.Х. Некоторые данные по палеолиту Зарафшанской долины // ИМКУ, вып. 21, Ташкент, 1987. С. 3-11.
16. Ташкенбаев Н.Х. О находках каменных изделий на территории городища Афрасиаб // Афрасиаб, вып. 3. Ташкент, 1974. С. 3-7.

ЧОРВОҚ СУВ ОМБОРИ ҲУДУДИДАН ТОПИЛГАН ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИГА ОИД ҚАБР ХУСУСИДА

Д.Р. НОРМУРОДОВ, (PhD), ЎзР ФА Миллий археология маркази,
А.К. КОНСТАНТИН, доцент, Чирчиқ ДПУ, Тошкент

Аннотация: Ушбу мақола Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ сув омбори суви сатҳининг пасайиши натижасида очилиб қолган марҳум суяклари ва сопол буюмларнинг топилишига бағишланган бўлиб, бу ашёвий далиллар Тошкент воҳасида кенг тарқалган “Қовунчи маданияти”нинг 2-босқичи яъни, II – IVасрларга оидлиги эканлиги асосоланган.

Калит сўзлар*: Бўстонлиқ, Нанай, Чорвоқ, Қовунчи маданияти, қабр-қўрғон, ёғлоғи-кружка, ангоб.*

Аннотация: Данная статья посвящена обнаружению костей погибших и керамических предметов, обнаруженных в результате понижения уровня воды Чарвакского водохранилища в Бостанлыкском районе Ташкентской области, и обоснована принадлежность этих вещественных доказательств ко 2-ой стадии "Каунчинской культуры", широко распространенной в Ташкентском оазисе, т.е. ко II – IV вв.

Ключевые слова*: Бостанлык, Нанай, Чарвак, Каунчинская культура, могильный курган, ёғлоги-кружка, ангоб.*

Annotation: This article is dedicated to inform the bone remains and ceramics which appeared as a consequence of decreasing water level of Chorvak reservoir in Tashkent, Bustanlik region. This artifacts are belonged to the second period of "Kovunchi culture" in Tashkent oasis dated II – IV centuries.

Keywords: *Bustanlik, Nanay, Charvak, Kovunchi culture, tomb, angob (colour which covered on the surface of ceramics).*

Ўзбекистондан кўплаб археологик ёдгорликлар аниқланган бўлсада, уларнинг айримлари замонавий шаҳар, қишлоқ ва экин экиладиган майдонларининг кенгайиши ҳамда сув омборларининг қурилиши натижасида йўқ бўлиб кетган. Ҳалигача аниқланмаган бошқа бир қисми эса ўз тадқиқотини кўтиб турибди. Янги археологик ёдгорликларнинг ёки ашёларнинг топилиб туриши билан тасдиқланадиган бундай моддий маданият намуналарини илмий муомалага киритиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Ана шундай топилмалар сирасига кирадиган қадимий қабрларнинг қолдиқлари ва марҳумлар билан бирга кўмилган сопол ишлар Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Нанай қишлоғида, Чорвоқ сув омборининг қишлоққа туташ соҳилидан аниқланди. Шуни ҳам такидлаш жоиз-ки, бу ҳудуд атрофларидан илгари ҳам қишлоқ ва қабр қўрғонларининг ўрни қайт этилган ва ўрганилганэди [10, 89 бет].

2021 йилнинг кузида Чорвоқ сувомбори суви сатҳининг пасайиб кетиши натижасида унинг қирғоқларида одам суяклари ва ёнма-ён қўйилган икки дона сопол идишлар очилиб кўриниб қолган. Қидирив – текширув ишлари пайтида аксарият қисми кукунга айланган ва сақланганлари ҳам тартибсиз ҳолатга келиб қолган суякларининг жойлашувини ўрганиш марҳум чалқанча ётқизилиб, боши шарққа оёғи ғарбга узатилганлигини кўрсатди.

Суяклар ёмон ҳолга келиб қолганлиги сабабли уларни илмий таҳлил қилиш: жинси, ёши, бўй-басти кабиларга ойдинлик киритиш қийин. (**1-расм.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Нанай қишлоғи, Чорвоқ сув омбори соҳилида сув омбор сувининг пасайган пайтида очилиб қолган марҳум суяклари ва у билан бирга қабрга кўмилган сопол ёғлоғи-куружкалар. II – IV асрлар).

Аммо марҳум суяклари яқинидан бутун ҳолда топилган, қўлда ясалган икки дона сопол идишлар айрим масалаларга ойдинлик киритишга ёрдам беради. Улар қизғиш рангдаги ёғлоғи-кружкалар бўлиб,сарғиш тупроқ лойига гипс, дресва ва шомот қўшиб секин айланадиган кулоллик чархида ясалган (2-расм). Уларнинг танаси шарсимон, таги ясси, бўйнига нисбатан оғзи ташқарига кенгайиб борган. Тана қисмида айланасига бир неча қатор тўлқинсимон безак туширилган. Уларнинг ярим ҳалқа шаклидаги бир учи танасининг энг кенг жойига ва иккинчи учи елкасига тик тарзда уланган бир тутқичи бор. Хумдонда ўртача сифатли қилиб пиширилган. Тайёр бўлгач устидан бир хил қилиб қизғиш рангда ангобланган. Улар ўлчам жиҳатидан қуйидагича тавсифга эга:

1-ёғлиғи-кружка. Баландлиги 14 см., оғзининг диаметри 8,5 см, тагиники эса 8 см. (2.1-расм);

2-ёғлиғи-кружка. Баландлиги 10,5 см., оғзининг диаметри 7,5 см, тагиники эса 6,5 см. (2.2-расм). **(2-расм.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Нанай қишлоғи, Чорвоқ сув омбори соҳилида сув омбор сувининг пасайган пайтида очилиб қолган сопол ёғлоғи-куружкалар.II – IV асрлар).

Ушбу сопол ёғлоғи-кружкаларга ўхшаш идишлар Тошкент воҳасидаги қадимий қабр кўрғонлари, қишлоқ ва шаҳар хоробаларида олиб борилиган археологик тадқиқотларда аниқланган[12,II илова.224 бет]. Бундай идишларга ўхшаш кулоллик буюмлари мажмуаси илк маротаба Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги Қовунчитепа археологик

ёдгорлигида аниқланганлиги сабабли фанга “Қовунчи маданияти” номи билан кирган [5, Б. 284-335; 6, Б. 70-71; 8, Б. 32; 9, Б. 49]. Бу маданият милоддан олдинги II – милодий VI аср бошлари билан белгилаб, Қовунчи I (милоддан олдинги II аср – милодий II аср), Қовунчи II (II – IV аср б.), Қовунчи III (IV аср ўрталари – VI аср боши) босқичларига ажратган[5, Б. 284-335; 6, Б. 70-71 ва 100].

Юқоридагиларга асосланиб Чорвоқ сув омбори соҳилидан янги топилган дафн билан боғлиқ ашёвил далиллар: марҳум суяклар ва сопол идишларни Қовунчи маданияти вакилларига тегишлили эканлигини эътироф этиш мумкин. Бу маданияти вакиллари марҳумларни устига соз тупроқ ва тош уюилган қабр қўрғонларига кўмганлар[2, Б. 26; 3, Б. 52-58; 4, Б. 542-543; 6, 55-57; 7, 116 бет; 11, Б. 90-91; 12, Б. 70]. Бундай тузилишдаги қабр қўрғонлари Чорвоқ сув омборининг қурилиши муносабати билан олиб борилган археологик тадқиқотларда ҳам қайд қилинган[10, Б. 33-42]. Қовунчи маданияти қабрлари ўз тузилишига кўра, якка, жуфт ёки оилавий хилхоналар бўлиб, улар катакомбали бўлган. Жумладан, Киндиктепа, Кавардан, Пискент, Апартак, Эртош – Дўлана, Юқори Чинор, Тайпан, Туркушин, Суюрлитепа каби жойлардан ана шу маданият вакилларига тегишли қабр қўрғонлариқазиб ўрганилган[12, Б. 84; 15, Б. 30-34]. Улар асосан катакомба кўринишида бўлиб, марҳумлар (диамерти – 60-82 см. келадиган) дромс йўлакчаданқабр лахадига олиб кириб, лаҳадга чалқанча ётқизилган ҳолатдажойлаштирилган[1, Б. 223-235; 3, Б. 52-58; 4, Б. 542-543; 6, Б. 52-57; 11, Б. 253; 12, Б. 83-84].Қабрга марҳум билан бирга асосан сопол идишлар, меҳнат қуроллари, темир пичоқлар, камар ҳалқалари ва зеб-зийнат тақинчоқлари ҳам қўйилган. Бу удум нафақат кўчманчиларга, балки шаҳар аҳолисига ҳам хос бўлган. Янги топилган қабр ва топилмаларнинг даврини аниқлашда ашёларни қиёсий таҳлилга тортиш орқали ойдинлик киритиш мумкин. Жумладан, янги топилган ёғлоғи-куружкалар юқорда айтилганидек, Қовунчи маданияти идишларига хусусан, Қавунчи маданиятининг 2-босқи яъни, II – IV асрларга оид идишларга ўхшаш. Шунингдек, Қозоғистон РеспубликасинингАрис ҳавзаси (Жанубий Қозоғистон)даги Тулебойтобе 1, Тулебойтобе 2 қабр қўрғонидан топилиб, милоддан олдинги I – милодий IV асрлар билан даврлаштирилган ёғлиғи-куружкалар билан ҳам айнан ўхшаш[14, Б. 68-69]. Бундан ташқари ёғлоғи-кружкаларнинг лойи таркибидаги ясалиш технологияси Жиззах вилояти, Фориш туманидаги мозорқўрғонлардан топилган сопол идишларга яқин ўхшашлик кўзатилади[13, Б. 193-198].Булар Чорвоқ соҳилида аниқланган қабрларнинг Қовунчи маданиятининг 2-босқичи: II – IV асрларга оидлигини кўрсатади.

Хуллас ушбу топилмалар Чорвоқ сув омбори соҳилида Қовунчи маданияти вакилларининг қабристони бўлганлигидан, бу маданият вакилларининг тарқалиш ҳудудини кенгайиб борганлигидан, ҳали бундай археологик ёдгорликларнинг бир қанчаси ер қаърида сақланиб

келаётганлигидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Агзамходжаев Т. Раскопки погребальных курганов близ станции Вревской // ИМКУ. Вып. 2.Ташкент, 1961.
2. Агзамходжаев Т. Погребальные сооружения Чирчик-Ангренской долины I – VIII вв. н. э.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1966.
3. Алимов К. Памятники скотоводов Чача (Курганы каунчинской культуры в окрестностях Кавардана) // Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент, «Фан», 1979.
4. Алимов У., Алимов К. Раскопки погребальных сооружений в Ташкентское области // АО-1978. Москва, 1979.
5. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, «O‘zbekiston», 2015.
6. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент,«Фан», 1982.
7. Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. Ташкент, 1973.
8. Григорьев Г.В. Каунчитепа (раскопки 1935 г.). Ташкент, 1940.
9. Григорьев Г.В. Келесская степь в археологическомотношении // Изв. АН КазССР. Сериярхеологическая. Алма-Ата, 1948.№ 1.
10. Древности Чарвака. Ташкент, «Фан»,1976.
11. Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н. э.Москва, 1971.
12.Нормуродов Д.Р. Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи (милоддан аввалги XIII – милодий XIII аср бошлари). Тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент, 2020.
13.Пардаев М.Ҳ., Тошбоев Ф.Э., Мамиров О.У., Холматов А.Н. 2016 йил Фориш туманида ўтказилган археологик изланишлар // Ўзбекситонда археологик тадқиқотлар. 2015 – 2017-йиллар. 11-сон. Самарқанд, 2018.
14. Подушкин А.Н. Арысская культура Южного Казахстана (IV в. до н. э. – VI в. н. э.). Туркестан, 2000.
15.NormurodovD., IsmoilovU., IsobekovB.Ohangarondan topilgan qovunchi madaniyatiga oid yangi qabrlar xusuda//“O‘zbekiston etnologiyasi: an'analar va innovatsiyalar” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Toshkent, 2022.

ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ ЮҚОРИ ОҚИМИДАГИ ҚАДИМИЙ МОЗОР-ҚЎРҒОНЛАР

Б.И.ИСАБЕКОВ, Миллий археология маркази

Аннотация. Ушбу мақолада Юқори Оҳангарон ҳавзасидаги археологик тадқиқот натижасида қўлга киритилган маълумотлар асосида қадимий мозор-қўрғонлар ўрганилган.

Калит сўзлар: *Тайпан, катакомба, мухр (амулет), вағнзе.*

Аннотация. В данной статье изучены древние курганы на основании данных, полученных в результате археологических исследований в бассейне Верхнего Ахангарана.

Ключевые слова: *Тайпан, Катакомбы, печать (амулет), ваганзе.*

Annotation. This article focuses on studying of ancient burial graves in

Upper Ohangaron basins from an archaeological point of view.

Keywords: Taipan, Catacomb, seal (amulet), vagnze.

Оҳангарон водийси Тошкент воҳасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у жануби-шарқда Қурама, шимол ва шимоли-ғарбда Чотқол тоғ тизмалари, жануби-ғарбда Сирдарё ҳавзаси билан чегараланган. Чотқол тоғ дараларидан Оҳангарон дарёсига келиб қўшилган Эртошсойнинг қуйи оқимида атрофи тоғлар билан ўралган кенг кўкаламзор майдон таркиб топган. Бу ҳудуд қадимда чорвадорларнинг қишлов макони бўлиб хизмат қилган. Айнан мана шу жойдан қадимий мозор-қўрғон топиб ўрганилган. Қабр Қамчиқ довони томон кетаётган Тошкент-Қўқон йўлининг Эртошсой бекатида, сойнинг ўнг томонидаги, Тайпан қишлоғи этагидан маҳалий аҳоли тамонидан тасодифан топилган. Топилган қабрни ўрганиш жараёнида бу қабр катакомба типидаги қабр эканлиги маълум бўлди. Бундай катакомбали қабрларнинг Марказий Осиё ҳудудларида дромосга нисбатан жойлашиш холати, узунлиги, йўналиши ва қайси томонидан лаҳад қилинганлиги, зинанинг айвон чеккасида бор-йўқлиги, лаҳадга ўтиш йўлининг турлича беркитилиши (тупроқ, гувала, тош ва бошқа)га қараб 12 дан ортиқ тури ўрганилган [1, С. 87]. Кенкўл катакомба қабрлари каби Тайпан мозор-қўрғонидаги қабрнинг дромоси жанубдан шимолга қаратиб қазилиб, шарқ-ғарб йўналишидаги қабр лаҳадига перпендикуляр тарзда келиб туташишидан ҳосил бўлган. Ушбу қабр камерасини ўрганиш жараёнида унинг жанубий деворида қатор тошлар терилган лаҳад эшиги топилди. Айнан лаҳад камерасига кириш тешигидан жанубга томон дромос йўлаги кетган. Унга кириш эшиги ҳам топилди. Унинг узунлиги 9,8 м. бўлиб, Тайпан қишлоғига олиб борувчи йўл остидан ўтган. У тошлар териб беркитилган. Лаҳадга кириш эшигининг ўлчами 65-80 см. Лаҳад тўғри тўртбурчак шаклида, унинг ўлчами 2,40х3,02 м. ни ташкил этди. Лаҳаднинг юқори шип қисми гумбаз шаклида бўлиб, унинг баландлиги 150 см.ни ташкил этади. Лаҳадда чалқанчасига ётқизилган учта одам скелети бор бўлиб, улардан иккитаси катта ёшдаги эркак ва аёлга, учинчи скелет эса ёш қизчага тегишли эканлиги аниқланди [2]. Катта ёшдаги скелетларнинг боши шарққа қаратиб ётқизилган. Қизча эса уларнинг бош томонига жойлаштирилган бўлиб, боши билан жанубга қаратиб ётқизилган. Таъкидлаш жоизки, қабрда ётган скелетларнинг ҳаммаси жуда ёмон сақланган. Аёл кишининг бош суяги, айниқса унинг юз томонига қаттиқ шикаст етказилган. Қизча скелети зах ва нам тупроқ таъсирида деярли парчаланиб кетган. Лаҳадда скелетларнинг жойлашиш ўрнига қараганда, дастлаб оила бошлиғи эркак вафот этган. Унинг жасади қабр тўрига жойлаштирилган. Сўнг аёл ҳаёт билан видолашган. Шунинг учун унинг жасади лаҳад эшиги яқинига қўйилган. Қизча жасади эса, ота-онасининг бош томонига қўйилган. Лойқа босган қабрни тозалаш вақтида аёл скелети бош томонидан 2 дона сопол идиш (хурмача ва кружка) ва юзи қаттиқ

шикастланган одам бош чаноғи учратилди. Унинг оёқ томонида яна 1 та сопол това топилди. Аёл скелетининг ўнг бармоғида темирдан узук ясалган. Эркак скелетининг бош томонида, юзига яқин жойда темир пичоқ топилди (2.1-расм). Қабрдаги энг кўп топилма тош мунчоқлар бўлиб, улар аёл скелетининг кўкрак қафаси, оёқлари атрофида, бош чаноғи остида учратилди. Қизча скелетининг кўкрак қафаси устида тош мунчоқлар учратилди (2.2-расм). Қабрнинг шимоли-ғарбий қисмидан, қизча скелетининг оёқ томонидан бир шода тош мунчоқ (2.3-8-расм), муҳр (амулет) (2.9-расм), бронза ойна ҳамда соч тўғнағич (2.10,11-расм) ва тош туморлар топилди (2.12-15-расм). Қабрга жами 10 та сопол идишлар қўйилган бўлиб, уларнинг 3 таси кружка (ёлоғи), дасталари чўчқа тумшуқли, бургут тумшуқли ва қўшқулоқли кружка, 2 та жумракли кўза, 2 та дастали катта кўза, 1 та хурмача, 1 та қорақумғон, қўрача ва товалардан иборат 1.1-10-расм). Тайпан мозорқўрғонларидан ҳаммаси бўлиб битта катакомба қабр топилди. Қабрнинг ички тузилиши овалсимон, тўртбурчак шаклда, деворлари жуда текис, шифтлари эса гумбазсимон қилиб ясалган. Мозорқўрғонларнинг тузилишида ҳудуднинг геграфик холати, ер релъефи хисобга олинган. Шундан келиб чиқиб қабрлар ер юзасидан 3,75 м. чуқурликда жойлашган. Қабр дромос ўқига перпендикуляр жойлашган. Йўлак (дромос) асосан лаҳаднинг жанубий ва жануби-ғарбидан қазилган. Йўлак оғзига битта ёки бир неча тошлар териб чиқилган. Қабрлар оилавий хилхона бўлиб, уларда 3 жасад қўйилган. Бу кўринишдаги катакомба қабрлар Жиззах яқинидаги Учтепа ва Ғулбо мозор-қўрғонларда, Тошкент вилоятидаги Вревский ва Фарғона водийсидаги Кугай-Қорабулоқ маданиятига мансуб мозор-қўрғонларда [3, Б. 68-70], Аждартепада [4 С. 57-70.], Сазағон [5, С. 66-80], Оҳалик [6, С. 56-72], Хазар [7, С. 57-66], Сағаноқ, Учтепа [3, Б.60-70], Қайрағоч, Хўжа-Бақирғон [1, С. 89], Киндиктепа [8, С. 168], Кавардон [9, Б. 69-72] Эртош-Дўлана, Дўланабулоқ [10, Б. 13-15] каби ёдгорликларида кўплаб учрайди. Қабрдан кўплаб бой ашёвий далиллар топилди:

-кулолчилик буюмлари; дастали кўзалар, жумракли кўза, кружка(ёлоғи), хурмача, қўрақумғон, това ва косалар ташкил қилади;

-зеб-зийнат буюмлари; мунчоқлар, бронза ойна ҳамда соч тўғнағич, туморлар;

-мухр (амулет);

Катта ҳажмдаги бир дастали кўзалар (2 дона), (1.1-2-расм). Бундай шаклдаги кўзалар Кавардондаги катакомба қабрлардан кўплаб топилган [9, С. 55. Рис. 16]. Уларнинг гардиш лаблари ташқарига қайрилган. Бўғизлари чўзинчоқ, улардан бирининг дастасига вертикал чизиқ чизилган. Бу белгилар сопол идишларда битта, иккита баъзан уч чизиқлар шаклида талқин қилинган. Тадқиқотларга кўра бу каби чизиқ тасвирларининг асослари номаълум ва ўта схематик эканлиги, белгилар гуруҳининг жойлашишини ҳисобга олинганда уларнинг сеҳр билан боғлиқлиги қайд

қилинган [12, С. 127-128. Рис. 52]. Тадқиқ қилаётган кўзани ўрганиш жараёнида бу белги кулолнинг ўзига хос тамғаси деган хулосага келинди. Бир дастали, оғзи тарновсимон жумракли кўза (1 дона), (1.3-расм). Бу оғзи тарновсимон жумракли кўзалар қовунчи маданияти характерини белгиловчи асосий кулолчилик буюмлари саналади [13, С. 183-184. Рис. 59. 231-234]. Бу шаклдаги кўзалар Кавардон материалларида ҳам кўплаб учрайди [9, С. 57. Рис. 18]. Унинг оғзи бир оз ташқарига қайрилган. Улар танаси юқори қисмида ярим ҳалқасимон балдоқ вертикал шаклда ўрнатилган. Балдоғининг бир учи елкасига, иккинчи учи бўйнига уланган. Кўза сирти тўқ ёки оч жигаррангда ангобланган. Хурмача (1 дона). Хурмачалар даврий жиҳатдан Қовунчи маданиятига тегишли (1.4-расм). Бироқ бу даврда паст бўйли туваксимон думалоқ идишлар ва кенг бўғизли, ҳалқасимон қулоқли янги шаклдаги идишлар пайдо бўлади. Бокалсимон кружка (ёлоғи, 2 дона). Бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи балдоғи вертикал жойлашган. Балдоқли идишларга вертикал дасталар зооморф кўринишда ишланган [14, С. 11.]. Идишларнинг баъзи бирлари дастасида ҳайвон шакли ўрнатилган. Кружкаларнинг еттитасида ҳам дастасига шохли қўчқор тасвири туширилган. Идишлар ясалиши, тузилиши, ранги жиҳатидан бир-бирига яқин. (1.5-8-расм). М. И Филанович фикрича Қовунчи II маданиятининг ўзига хослиги шундаки, сопол идиш дасталарида ҳайвон шакли туширилган идишлар жуда кенг тарқалган. . Г.В. Григорьев эса Қовунчи сополларида зооморф тутқичлар ва шохлар тотемлар ўрнини эгаллайди. Қўчқор тасвирини эса қуёш белгилари билан боғлаш мумкин [15, С. 55.]. дейди. Сопол идишларнинг баъзиларида қўйларнинг алоҳида элементлари – боши, шохи акс эттирилган. Б.А. Литвинский буни Фарн [16]. маъбудига топинч эътиқоди билан боғлаган [17, С. 46-58, 75-111.]. Бундай кўзалар Қовунчи маданиятининг II босқичига хос бўлиб айнан шу даврда кенг тарқалган [18, С. 180-181. Рис. 59.]. Қўш дастали кружка. Ташқи ва бўйин қисмининг ички сирти қизғиш қорамтир рангда ангобланган. (1.6-расм). Мана шундай қўш дастали кружка Жиззах воҳасидаги Ёқуббоботепа ёгорлигидан топилган бўлиб. V-VI асрлар билан даврлаштирилган. Эхтимол бу идишлар бу ҳудудларга кейинроқ кириб боргандир. Бокалсимон-қўрақумғон (1.7-расм)**.** Қабр сополлари орасида 2 та бокалсимон-қўрақумғонлар бўлиб, улар синган, айримлари бутун ҳолатда етиб келган. Уларнинг тузилиши бўғизи калта, гардиши ташқарига қайрилган, белида дастаси бор. Идишларнинг лойига бир хилда қоришмалар аралаштирилган. Қоришмалар оқ қум ва майдаланган тош заррачаларидан иборат бўлиб, бундай қоришмалардан ясалган идишлар иссиққа чидамли, иссиқ ҳароратни ўзида узоқ сақлаш хусусиятига эга. Зеб-зийнат буюмлари; Мунчоқлар шарсимон (шарик шаклида), овал шаклларда ҳам ясалган бўлиб, улар кварц, маржон, шиша, ясма, феруза, қора (калцедон) тош каби материаллардан ясалган (2.2-8-расм). Уларнинг аксарияти ўзининг асл холатини йўқотмаган ва шодаси билан сақланиб қолган. Айрим мунчоқларнинг сиртларига гул

тасвири ва геометрик нақшлар солинган. Юқоридаги тақинчоқларга ўхшаш турли хил тошлардан ясалган мунчоқлар Кампиртепа [19, С. 86-91. Рис. 1], Гяур-қаъла II-III аср, Султан-қаъла V-VI асрлар, Башкирстондаги Уфа II ёдгорлигидан топилган мунчоқлар IV-VIII [20, С. 882-887] асрлар билан даврлаштирилган. Кўзгу. Бронза кўзгу, у айлана шаклда (2.10-расм). Орқа томонида кичкина ҳалқасимон илгичи бор. Шунга ўхшаш кўзгулар Косасар, Алтынасар ёдгорлигидан, Бухоро воҳасидаги Лавандоқ қабристони мил.авв. II-I асрлар, Жанубий Фарғонадаги Ворух дараси мил. I-II асрлар, Бишкент водийсидаги Ак-тепе II қишлоғидан топилган бўлиб мил. IV-V асрлар [13, С. 122-148.] билан даврлаштирилган. Муҳр. 1 дона муҳр (амулет) топилди. Тошдан ясалган мухр айлана шаклда ясалган, аммо унинг 3 та тешикчаси бор. Бу муҳрнинг юзасига от тасвири ва геометрик шакллар туширилган (2.9-расм). Қадимда ҳайвон суяклари ва шохларидан ҳам муҳрлар ясашган. Қовунчитепадан топилган муҳрлардан бири кийик шохидан ясалган. Бу каби муҳрлар баъзида тумор вазифасини ҳам бажарган. Атроф-муҳитга таъсир қилувчи тилсимлар ўз эгасига бахт, омад бойлик келтиради деб хисоблаган. Қовунчи маданияти аҳолиси учун бўри ёки итнинг суяклари, чиғаноқлар муҳр сифатида хизмат қилган [21, С. 37]. Аксарият муҳрларда тешикчалар бўлиб улар осиб юрилган. Суякдан ясалган муҳр, эҳтимол ҳайвон тотеми култга сиғиниш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Муҳрда хоч белгиси қуёш рамзлари маъносида битта нуқта бўлса ой рамзларини ифодалаган [20, С. 36-45]. Муҳрларда учрайдиган белгилар хоч ёки хайвон тасвирлари бевосита Қовунчи маданиятининг сопол идишларида ўз аксини топган. Қабрдан топилган ашёвий далилларни ўрганиб, бу ҳудудларда яшаган аҳолининг моддий маданиятида чорвадор аҳоли маданиятининг ўзига хос жиҳатларини кўришимиз мумкин. Яъни сопол идиш дасталарида, ҳайвонлар қиёфаси акс эттирилган идишларнинг мавжудлиги уларни Қовунчи маданиятига тегишли эканлигидан далолат беради. Қабрдан топилган бронза ойналар, мунчоқлар, тош туморлар, муҳр (амулет)лар қадимги аждодларимизнинг ўзига хос маданияти ҳақида тасаввуримизни бойитади. Яна шу нарса эътиборга моликки, топилган сопол идишларнинг аксарияти ўзларининг нафислиги, хушбичимлиги, сифати билан ажралиб туради. Сопол идишлар мажмуасига кўра, қабрни этник жиҳатдан Қовунчи маданиятига тегишли эканлигини қайд қилиш мумкин. Қовунчи маданиятининг ўзига хослиги шундаки, сопол идишларнинг дастасида ҳайвонларнинг бошини шартли тасвирлаш одати кенг тарқалган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Тайпан мозор қўрғонларининг пайдо бўлиш даври бир вақтга Қовунчи маданиятининг иккинчи босқичига (Қовунчи II) тўғри келишини таъкидлаш мумкин.

Хуллас, Юқори Оҳангарон ҳавзаси ҳудудий доирасида Қовунчи маданиятига тегишли қатор янги Эртош-Дўлана, Дўланабулоқ, Тайпан мозорқўрғонларининг кашф этилиши ва ўрганилиши туркий этник жамоаларнинг антик, айниқса илк ўрта асрларда Оҳангарон водийсининг

тоғли худудларига жадал кириб келганлигидан далолат беради. Бу ёдгорликларнинг топилиши ва илмий ўрганилиши ўзбек халқи этник тарихини асосларини ташкил этган Қовунчи маданияти аҳолисининг нафақат қадимги Тошкент воҳасининг Оҳангарон водийси қуйи ва ўрта ҳавзаларида, балки унинг тоғли зоналарига милодий эра бошларидан бошлаб кириб борганлиги, уларнинг ҳаётида секин-аста ўтроқлашиш жараёнлари кечганлиги кузатилди. Ушбу объектда келажакда кенг кўламли археологик қазишмалар ўтказиш Юқори Оҳангарон ҳавзалари аҳолиси қадимги маданиятини кенгроқ ёритиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины 1¬ тыс... н. э. // Археологический сборник, Выпуск 22.– Л., 1981.
2. Склетларни кузатиш, уларга қўйилган буюмлар ўрганиш орқали хулосага келинди
3. Тошбоев. Ф. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти.– Тошк., 2014.
4. Обельченко О.В. Могильник Аждартепа // ИМКУ. – Ташкент, 1962. – Вып. 7.
5. Обельченко О.В. Сазаганские курганы // ИМКУ. – Ташкент, 1966. – Вып. 7.
6. Обельченко О.В. Агалыксайские курганы // ИМКУ. – Ташкент, 1972. – Вып. 9.
7. Обельченко О.В. Курганы около селения Хазара // ИМКУ. – Ташкент, 1972. – Вып. 9.
8. Древности Туябугуза. –Ташкент, 1978.
9. Алимов Ў., Алимов Қ. Кавардон ва Бўкада ўтказилган қазишмалаар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.– Тошкент. 1994.–3-4-сон.
10. Исабеков Б. И. Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даври маданияти. Дис... тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) – Тошкент, 2022.
11. Шишкина. Г.В. Древняя и средневековая культура ЧАЧА. Памятники скотоводов Чача (курганы Каунчинской культуры в окрестностях Кавардана). –Ташкент, 1979.
12. Сычева Н.С. Керамика Кара-тепе // Новые находки на Кара-тепе в старом Термезе. М., 1975.
13. Левина Л. М. Низовья Сырдарьи в древности вып. V, Джетыасарская культура часть 5. – Москва, 1995.
14. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент: Узбекистан, 2010.
15. Григорьев Г.В. Келесская степь в археологическом отношении // Известия АН КазССР. Серия археология. Вып. 2. – Алма-ата, 1948.
16. Фарн - Бахт, омад маъносида.
17. Литвинский Б.А. Кангюйского-сарматский фарн. – Душанбе, 1968.
18. Левина. Л.М. Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. 1971.
19. Лунева В. Украшения Кампыртепа 2002 года // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2002-йил 3 – сон. – Тошкет. 2003.
20. Тамимдарова Р.Р. Коллекция бус из раскопок средневекового городища Уфа-II // Вестник Башкирского университета. 2011. Т. 16. №3.
21. Грицина А.А., Алимов К. Каунчинские печати // ИМКУ. – Ташкент, 1986. – Вып. 20.



1-расм. Тайпан мозор-кўрғони сопол буюмлари. 1-3-кўза, 4-хурмача, 5-6,8-ёлоғи, 7-бакалсимон кўракумғон, 8-кўрача, 10-това.

2-расм. Тайпан қабристони топилмалари. 1-темир пичоқ, 2-8-мунчоқлар, 9-мухр (амулет), 10-ойна, 11-соч тўғноғич, 12-15-сурматош.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ШИШАСОЗЛИГИ ВА ҚОПЛАМА БЕЗАК СИР ҲАҚИДАГИ ЁЗМА МАНБАЛАР

Б.БОЛИЕВ, Самарқанд археология институти

Аннотация. Бу мақолада шишасозлик ва шишасимон сирлар ҳақидаги ёзма манбалар ва улар асосида тадқиқотчилар томонидан илмий ўрганилганлик даражаси ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар. *Шиша, майолика, шишасимон сир, ишқор, хосса, қум.*

Аннотация. В этой статье обсуждается письменные источники по стеклоделию и стеклянным тайнам, а также степень их научного изучения исследователями.

Ключевые слова. Стекло, глазурь, майолика, щелочь, свойства, прозрачный.

Annotation. This article examines the written sources on glassmaking and glass mysteries, and the extent to which they have been scientifically researched by explorers.

Keywords. Glass, glaze, majolika, alkali, transparent, quartz.

Шишасозлик санъати билан Марказий Осиёда, балки ватанимиз ҳудудида ҳам қадимий даврлардан буён шуғулланиб келишмоқда. Шишалар тўғрисида бизга археологик қазув ишлари жараёнида топилган шиша топилмалари ва ёзма манбалар маълумот бермоқда.VIII асрдан бошлаб олимлар ҳар хил хом-ашёларнинг жумладан шишанинг ҳам хоссаларига қизиқиши ортиб уларни гуруҳлаш ва тизимлашга ҳаракат қилишади. Биринчилардан бўлиб гуруҳлашни Жобир ибн Хаййон ўзининг «Устукус ал-усс ал-аввал» (Биринчи асосий элемент) китобида шишани ёқут, олмос, марганец рудаси ва бошқа моддалар қаторига киритади. Муаллифнинг фикрича бу моддаларнинг бир гуруҳга ёки қаторга киритилишининг сабаби улардаги «ёғлилик (мойлилик) даражаси»нинг йўқлиги, қаттиқлик даражасининг юқорилиги ва қиздирилганда бошқа моддаларга нисбатан оғирлигини (олтингугурт, ёғ ва бошқалар) жуда кам миқдорда йўқотиши сабаб бўлган. IX-X асрларда олдинги даврларга нисбатан Ўрта Осиёда шишасозлик кенг миқёсда ривожланди. Бунга дала амалиётларида топилган ҳар хил шакл, ранг ва кўринишдаги шиша буюмларнинг жуда кўп миқдорда топилиши ва бу даврга оид ёзма манбаларда ҳам маълумотлар кўплаб келтирилган. Масалан, машҳур ўрта аср кимёгари ва табиби Абу Бакир Муҳаммад ибн Закария Ар-Розий ўзининг «Сирлар сири китоби»да физик хоссаларга асосланган холда гуруҳлашни келтиради ва шишани тошлар қаторига киритади. Унинг ёзишича: «Шиша ҳар хил бўлади. У қум ва «поташ» (ишқор) аралашмасидан олинади. Унинг энг олий нави - бу оқ тиниқ - шаффоф (ялтироқ) Сурия (Шом) шишасидир, у ўзининг сифати билан хрустални эслатади” . Ар-Розийнинг шиша ва ганч аралашмали лой (фаянс) олишда содир бўладиган кимёвий таъсирлашувнинг қайтмаслиги тўғрисидаги қарашлари диққатга сазовордир. Унинг фикрича: «Қачонки жараён мустаҳкам бўлади, яъни модда ўзининг олдинги ҳолатига қайтмаса. Масалан, қум ва «ишқор» аралашмасидан ҳосил бўлган шиша тупроқсимон ҳолатга қум ҳолида ҳам, «ишқор» ҳолида ҳам қайтмайди. Ганч аралашмали лой (фаянс) ҳам худди шундай на тупроққа ва на сув ҳолига қайтади.

Ар-Розий ўзининг кимёвий тадқиқотларида кимёгарлар олиб борган тажриба жараёнларини батафсил ёзиб қолдиради ва шишадан ишланган буюм ва асбобларнинг нима мақсадда ишлатилганлигини кўрсатади, шишасозлик хом-ашёлари тўғрисида, яъни сода ва «ишқор» ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Ар-Розий маълумотлари маълум даражада ўша давр шишасозлиги ҳақида умумий тасаввурларнигина бериб қолмасдан, балки бизнинг давримизгача етиб келган кўплаб кимёвий идишларнинг номлари ва ишлатилиш соҳаларини ҳам ўрганиш имконини беради.

X-XIII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларининг янада гуллаши кузатилади. Бу шаҳарларда ҳунармандлар жойлашган махсус работлар пайдо бўлган, бу работларда ҳар хил ҳунармандлар қаторида шишасоз ва кошинпаз усталар ҳам фаолият кўрсатган. Бу даврда шишасимон маҳсулотларни ишлаб

чиқаришнинг янги технологиялари кашф этилиши шиша сифатининг яхшиланиши, ишлатилиш соҳаларининг кенгайиши кузатилади. Бу даврда олимлар шиша хоссаларига қизиқиб унинг физик хоссаларини ҳам текшира бошладилар. Шиша буюмлар махсус фалсафий тортишувлар марказига айланади. Бу ҳақда машҳур Ўрта Осиё олимлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино асарлари гувоҳлик беради. Манбаларнинг хабар беришича, Беруний ва ибн Сино фақат фалсафий қараш ва фикрлар тўғрисида бир-бири билан ёзишмалар олиб борибгина қолмасдан, балки шишалардаги физик ҳодисалар тўғрисида ҳам савол-жавоблар юргизишган. Ёзишмаларнинг бирида Беруний Ибн Синога қуйидаги савол билан мурожаат қилади: «Юмалоқ кўринишидаги оқ тиниқ-ялтироқ шиша идиш сувга тўлдирилганда у куйдирувчи доира кўринишдаги тиниқ-шаффоф тош (линза) ўрнини бажаради. Агар шиша буюмга сув ўрнига ҳаво тўлдирилса у куйдирмайди ва қуёш нурини синдирмайди (тўпламайди). Нима учун шиша буюм сув билан куйдириш кучига ва қуёш нурларини йиғиш хусусиятига эга. Сув ҳаводан қандай хусусияти билан фарқланади?» Ибн Сино қуйидагича жавоб беради: «Сув шубҳасиз текис ва тиниқ-ялтироқ жисм ва рангсиздир. Ҳар қандай жисм шунақа хусусиятга эга бўлса, ёруғликни акс эттиради (синдиради) (Каримов,1950, с.л. 5а). Нурларнинг йиғилиши билан куйдириш кучи ҳосил бўлади. Ҳавода нур акс этмайди (синмайди), чунки у тиниқ ҳолатда. Агар шиша идиш ҳаво билан тўлдирилса шунинг учун ҳам йиғилиш (синдириш) кучи содир бўлмайди (Беруний,1950, с.27). Ўша давр шишасозлиги ва кошинсозлиги ҳақидаги янада кенгроқ маълумотлар Беруний асарларида тез-тез учрайди. У ўзининг 1048 йилда ёзилган машҳур «Китоб ал-жамакир фи марифат ал-жавоҳир» (Собрание (сведений) о познании драгоценных минералов) (Зикриллаев, 1958, с. 90) китобида минераллар тизимини келтиради, унда шиша суъний моддалар қаторига киритилган. Беруний бу асарида табиий тошлар билан бир қаторда суъний тошлар, сир-махсус буёклар, шиша ва чинни ҳақида маълумотлар келтириб, уларга асарнинг икки бобини бағишлайди (Беруний, 1963, с. 210-212, Беленицкий, 1950, с.92-93). Бу бобларда шиша ҳақидаги маълум бўлган манбалар кенг шарҳланади. Уларда турли тилларда ёзилган асарлар таҳлил этилган бўлиб, маълумотлар чуқур ёритилган. Бу бобларни муаллиф ўзининг хулоса ва шарҳлари билан тўлдиради. Беруний ҳам Ар-Розий каби шишанинг таркиби қум ва «ишқор» аралашмасидан иборат эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг шиша ишлаб чиқариш технологияси тўғрисидаги маълумотлари анча қимматлидир.

Беруний XI асрнинг биринчи ярмида дунё фанида биринчи бўлиб шишасозлик тарихида илк бор шишанинг асосий мезонларидан бири-солиштирма оғирлигини тажрибалар асосида аниқлаб, исботлаб берган.

Агар кулнинг ювиш хусусиятини унинг таркибидаги ишқорий моддалар иштирокига боғлиқ десак, хулоса қилиш мумкинки, бу кул таркибида ишқор миқдори анчагина юқоридир. Бу маълумот шунинг учун

ҳам жуда қизиқарлики, ишқор ҳақидаги бундай маълумот бошқа ҳеч жойда учрамайди. Ибн Сино асарларида ўрта аср шишасозлигининг хом-ашёлари ва қисман ишқор манбалари тўғрисидаги маълумотлар бор (История Узбекской ССР,1955, с.198). Бу давр шишаси тўғрисида шоир ва олим Умар Ҳайёмнинг шеърларида унинг сифати таърифланади. Шишадан ясалган қадаҳ, пиёла ва косачалар ҳар хил ичимликларни ичиш учун хизмат қилган. Умар Ҳайём даврида ҳам, ҳозир ҳам ўзбек форс тилида у бир хилда «шиша» деб номланган.

Ким кунлар ғамидан дилин қилур қон,
Хайём, ул одамдан уялур замон.
Шишанг тошга тегиб синмасдан бурун
Шишада мой ичгил, соз чалиб нолон (Умар Ҳайём, 1959, с.83, 1949,с.176, Ибн Сино, 1956, с.86).

Ўша давр Самарқанд шишасозлиги ва унда ишлатилган хом-ашё тўғрисидаги баъзи маълумотлар «ал-Канд фи тарихи Самарқанд» (Сахарная книга по истории Самарқанда) ёки «Кичик Кандия» деб аталувчи китобда Самарқанд шаҳрида хусусан, Чўпон ота тепалигида тупроқнинг бир неча турлари (оловга бардошли, ейиладиган, соч ювиш учун ишлатиладиган, тувакбоп сариқ ва қизил тупроқлар), чақмоқтош (кремень), оҳак ва шиша учун бўёқлар қазиб олинганлиги қайд этилган (Алиев, 1959, с.41-43).

Кейинги давр - Амир Темур ва темурийлар даври шишасозлиги тўғрисида испан саёҳатчиси Клавихо ўз кундаликларида маълумотлар келтирган. У 1403-1406 йилларда Самарқандда бўлган,унинг ёзишича Амир Темур ўз пойтахти Самарқандга бўйсиндирилган бошқа мамлакатлардан ҳар хил моҳир уста ва ҳунармандларни, хусусан Дамашқдан моҳир шишапаз ва тупроқни қайта ишловчи кулол-усталарни олиб келган (Клавихо, 1881,с.322-328). У Самарқанддаги Гўр-Амир мақбараси шиша ойналари билан безатилганлигини эслатади. Амир Темур ва темурийлар даврида катта қурилишлар бўлганлиги, бу тарихий ёдгорликларда шишанинг безак сифатида ишлатилиши ва деразалар шиша билан қопланиши фақат Самарқандда эмас, балки Темур давлатининг бошқа шаҳарларида ҳам кузатилган. Хитой муаллифлари Шаҳрисабздаги ибодатхонада рангли шиша ишлатилганлиги тўғрисида маълумот келтирганлар (Малая Кандия, 1906, с.256). Алишер Навоий асарларида Ҳирот бойларининг уйларида ҳам деразалари шиша билан ёпилганлиги эслатилган.

XVI асрга оид «Ихтийарат-и-Бадий» тиббий-доришунослик асарида шишанинг тиббий мақсадларда ишлатилганлиги ва унда рангли шишаларнинг суратлари келтирилади (Семенов,1940, с.8-9). Вожид Алихоннинг Ҳиндистонда форс тилида ёзилган «Матла-ул-улум мажма-ул-фунун» (Место восхода наук и место собрания искусств) асарида ҳам шишасозлик ҳақида баъзи тасаввурларни олиш мумкин. Бу асар XIX аср ўрталарида ёзилган бўлса ҳам Е.А. Давидович фикрича муаллиф қадимий манбалардан фойдаланган. Шу асарнинг 26 бобида шишасозлик

ҳунармандчилигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шиша «хокишўр» деб номланадиган ашёдан тайёрланган деб кўрсатилади. Е.А. Давидович бу ашёни шўрланган қум, яъни таркибида қум ва ишқор ҳосил қилувчи тузлар бор, уни уйғунлашган хом-ашё деб таҳлил қилади. Бу асарда ҳар хил рангли шиша турлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган (Давидович, 1949, с.143-159). Ёзма манбаларда шишасимон сир-глазурь ва уларнинг асослари ҳақида ҳам айрим маълумотлар мавжуд. Масалан, юқорида таъкидланган Ал-Берунийнинг «Минералогия» асарининг бир боби шишага бағишланган. Шишалардан ташқари сирларга ҳам махсус боб бағишланган. Бу боб «Мина-эмаль» деб аталиб унда шишасимон сирлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Муаллиф фикрича у ерда келтирилган маълумотлар ҳозирги технологик тушунчаларига анча яқин бўлиб Беруний бу соҳада ҳам ўз даҳолигини намойиш этган, бу ерда шишасимон сирлар шишанинг махсус бир тури бўлиб ундан юмшоқлиги ва оғирлиги билан фарқланади деб таъкидланган. Уни олиш учун зарур бўлган ашёлар турлари санаб ўтилиб, таркиблари биринчи марта Беруний томонидан тажриба йўли билан аниқланган сирларнинг солиштирма оғирликлари келтирилган. Бу маълумотлар ҳозирги замон кўрсаткичларига жуда яқинлиги ва аниқлиги билан мутахасисларни таажубга солмоқда. Буларнинг ичида яна қимматлиси сирларнинг асосий таркиблари, уларнинг ашёлари ва ранг бериш учун ишлатилган усул ва воситалари ёркин изоҳланган. Маълумотларнинг асл моҳияти тажрибалар қисмида ёритилади. Бу асарда шунингдек чинни, рангли маъдан ва шишасимон моддалар, жумладан, кўк ва қизил мисли-ёқут жинсларни олиш масалалари ҳам батафсил ёритилган (Беруний, 1963, с.208, Аминжонова, 1962, с.!!!). Биз ўрганаётган илмий мавзуни тадқиқ этишда энг асосий ёзма манба сифатида 1301-йили ёзилган Абулқосим Адбуллоҳ ибн - Али - ибн Муҳаммад ат-Тоҳир Кошонийнинг «Ганч аралашмали лой (фаянс) ишлаб чиқариш саънати билан таништириш» трактати жуда катта аҳамиятга эга. Бу ёзма манба Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудида XIII-XIV асрларда жуда юқори даражада ривожланган ганч аралашмали лой (фаянс) техника ва технологиясини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Бу китоб илк бор Х. Риггер, Дж. Руск, Р. Виндерлик томонидан «Тошлар ва форс ганч аралашмали лой (фаянс) техникаси ҳақидаги шарқ китоби» номи билан 1935 йили Истамбулда немис тилида чоп этилган ва асарнинг айрим жойлари рус тилида Э.В. Сайко томонидан 1969- йили Душанбеда эълон қилинди (Сайко,1963, с.10-25). А.А.Абдураззоқовнинг фикрича қадимги сопол идишларнинг юзига сир бериш, яъни глазурлаш ўрта асрларга келиб майолика ва мозаика қоплама тахтачаларининг юзига турли рангдаги шишасимон сирлар бериш ҳунармандчилиги жуда қадим замонлардан бошлаб шишасозлик билан чамбарчас боғланган ҳолда ривож топган. Ишлаб чиқарилган шиша маҳсулотларининг кўпгина кимёвий таркибларига ранг берувчи воситаларни қўшиб шишасимон сирлар таркибларини жорий

этиб қоплама материаллари ишлаб чиқарилган (Абдураззақов, 1987, с.176-189). Хулоса сифатида бу трактат XII-XV асрларда жуда кенг ҳудудда ривож топган сирланган сопол ва кошин безак ашёларини ўрганиш орқали ўз исботини топмоқда, бунга мисол қилиб бугунги кунгача аждодларимиз томонидан бунёд қилинган меъморий обидаларда ва археологик қазишма ишлари жараёнида қўлга киритилаётган шишалар, ҳунармандчилик буюмлари яққол мисол бўлиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Абдураззаков А.А. Химические составы керамики и глазурей архитектурных памятников Узбекистана. ИМКУ-21, Ташкент, 1987, с.176-189.
2. Алиев Р.М, Осмонов М.Н. Омар Хайям. 1959, М., стр. 41-43.
3. Аминжанова М. Шишанинг кашф этилиши тарихидан,1962,Тошкент, с.!!
4. Бируний. Собрание о познании драгоценных минералов....
5. Беленицкий А.М., О “Минералогии” Бируни.«Бируни»,сб. под ред. С.П. Толстого. Ташкент, 1950, с. 92-93.
6. Беруний билан Ибн Синонинг савол жавоблари. На узб. Яз. Под ред. С. Муталибова. Ташкент, 1950. с. 27.
7. Беленицкий А.М. Великий среднеазиатский энциклопедист XI в. Ал-Бируни о горных богатствах Средней Азии // Природа, № 8. М., 1949, с. 176.
8. Беруний. Минералогия …, 1963, М., с. 208.
9. Давидович Е.А. Стекло из Нисы // ТЮТАКЭ, № 1. Ашхабад, 1949, с.143-159.
10. Зикриллаев Ф. Элементы физики в «Переписке Бируни с Ибн Синой» ИАН Уз. ССР, Серия физико-математических наук, 1958, №1, Ташкент, стр. 90.
11. История Узбекской ССР, кН. № 1. Ташкент, 1955, с. 198.
12. Ибн Сино. Канон врачебной науки, кн. II. О простых лекарствах. Ташкент, 1956.
13. Каримов У.И. Неизвестные сочинение Ар-Рази « Книга тайны тайн», 1959, Ташкент, стр. л. 5а
14. Малая Кандия. Пер. В.Л. Вяткина. Справочная книжка по Самаркандской области, вып. VIII. Самарканд, 1906, с. 256.
15. Омар Хайям. Рубаи. Под ред. Г.Гуляма. Ташкент, 1958, с. 83.
16. Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403-1406 гг. СПб, 1881, с. 327-328.
17. Семенов А.А. Портреты эпохи Навои. Ташкент, 1940, с.8-9
18. Сайко Э.В. Глазури и керамика Средней Азии VIII-XII вв. Душанбе, 1963.

ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИДА ШИША ВА ШИША МУНЧОҚЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

С.Б.МАМАТАЛИЕВА, Чирчиқ ДПУ

Аннотация: Ушбу мақолада Жанубий Бақтрия Сополли маданияти ва қадим Самарқанд ҳудудида олиб борилган илмий изланишлар натижаси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар*: шиша, шиша мунчоқлар, Окс цивилизацияси, “шиша пастаси”.*

Аннотация: В данной статье анализируются результаты научных исследований, проведенных в ареале Южно Бактрийской Сополли и древнего Самарканда.

***Ключевые слова**: стекло, стеклянные бусы, цивилизация Окса, «стеклянная масса».*

Annotation: This article analyzes the results of scientific research conducted in the area of the South Bactrian Sopolli culture and ancient Samarkand.

***Keywords:** glass, glass beads, Oxus civilization, “glass mass”.*

Сўнгги бронза даврида, Сурҳондарё вилоятига Сополли маданияти номи билан машҳур бўлган моддий маданият вакиллари келиб ўрнашади. Ушбу маданият Намозгоҳ маданияти туркумининг энг шарқий қанотини ва шунингдек Қадимги Шарқ дунёсининг шимолий-шарқий чегарасини ташкил этади. Окс цивилизациясининг маҳаллий шимолий Бақтрия варианти бўлган Сополли маданияти мил. авв. XX асрдан XV асргача бўлган давр оралиғида гуллаб – яшнаган. Сополли маданияти 1960 – йилнинг охиридан бошлаб ўрганиб келинмоқда. ЎзР ФА Археология институтининг А.А.Асқаров раҳбарлигидаги археологик экспедицияси томонидан даставвал Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари очиб ўрганилган. Кейинги йилларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида бугунги кунгача Сополли маданиятининг қуйидаги асосий ёдгорликлари очиб ўрганилди: Молали, Бўстон I, II, III, IV, V, VI, VII ва Тиллабулоқ[1, Б. 720-725]. Археологлар томонидан Бўстон аҳоли яшаш манзили ва 5 та қабристон ўрганилган. Бўстон қабристонини қазиш ва ўрганиш ишлари 1974 йилда А.А.Асқаров томонидан бошланиб[2, Б. 81], унинг шогирдлари ва издошлари томонидан ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Сополли маданияти тақинчоқ буюмлари устида ишлаётган изланувчи Г.Ч. Каттаева ишлари орқали турли тақинчоқлар ҳақида маълумотлар умумлаштирилган [1, Б.720-725//. 3, Б. 77-78//. 4, Б. 212-219//. 5, Б. 36-40]. Жумладан, Сополли маданиятининг Бўстон VI, VII ёдгорликлари шиша пастасидан ясалган маржон, мунчоқ ва шокилаларга бойлиги билан маданиятнинг бошқа ёдгорликларидан ажралиб туради. Хусусан, Бўстон VI ёдгорлигидан 6 та томчи шаклидаги шокила ва 26 та цилиндр, айлана, узук, тўртбурчак, биконус, бочка, диск шаклидаги мунчоқ доналари ва маржонлар топилган. Бўстон VII ёдгорлигидан эса, 5 та узук шаклидаги шиша пастасидан ясалган мунчоқ доналари топилган. 1990-2008 йилларда археолог, СамДУ тарих факультетининг профессори Н.А.Аванесова томонидан олиб борилган археологик қазишмалар натижасида, асосан, Бўстон VI ва Бўстон VII ёдгорликларидан кўплаб тақинчоқлар топилган, очиб ўрганилган[6, Б. 27]. Маржонлар Бўстон VI ёдгорлигидан топилган заргарлик буюмларининг асосий қисмини ташкил қилади. Ёдгорликдан жами 25 та маржон-мунчоқлар шодаси, 72 та мунчоқлар донаси, 41 та шокилалар, 6 та бурама ип шаклидаги олтин маржонлар топилган бўлиб, улар асосан ляпис-лазурит, сердолик, ақиқ, феруза, нефрит, халцедон, хлорит каби яримқимматбаҳо тошлар ва олтин,

бронза каби металлар, гипс, мармар, шиша пастаси[7,Б.137] (*стеклянная паста*) каби минераллардан ясалган. Маржон –мунчоқ шодалари ва мунчоқлар ясалиш шаклига кўра қуйидаги турларга бўлинади: цилиндр, ромб, бочка, биконик, квадрат биконик, диск, узук, овал, шар, тўртбурчак ва турли хил шаклли. Шокилалар асосан томчи, учбурчак , диск, айлана ва спирал ип шаклида ясалган[8, Б. 50].

Бўстон VI нинг катакомб қабрлари, катакомб остидаги қабр, қирқиб олинган қабр, чуқурча, овал чуқурча каби қабр турларидан шиша пастасидан тайёрланган маржон мунчоқлар, шокила маржонлар, маржон урчуқлар топилган. Ва бу тақинчоқлар болалар, аёллар, эркаклар қабрларидан ҳам топилган. Шиша пастаси ҳайкал белида ипга ўтказилган, ҳайкалга боғланган, мунчоқ сифатида ипга терилган ҳолатда қабрларга қўйилган. Ёдгорликдан бронзадан ясалган ҳами шаклидаги сирғаларнинг икката намунаси топилган бўлиб, жуфт ҳолда сақланган. Сирға тилла суви билан зарҳалланган. Ушбу сирғалар бўртма нақш билан безатилган бўлиб, уч қисми шиша пастасидан ясалган[8, Б. 54]. Ушбу шаклдаги сирғалар Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган ягона тур сирғалар ҳисобланади.

Сополли маданияти ривожланиб, бошқа маданиятларнинг элементларини қабул қилганлиги сабабли, унинг маросимлари ҳам йиллар давомида ўзгариб борган. Одамлар энди яшаш жойлари ташқарисига дафн қилинган. Бу эса ўз навбатида изоляция қилинган дафн мажмуаларини яратишга олиб келди. Шундай дафн иншоотларидан бири Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичидан токи сўнгги босқичларига қадар узоқ давр мобайнида фойдаланилган Бўстон VII қабристонидир.

Бўстон VII топилмалари асосан дафн маросими вақтида ишлатиладаган моддий маданият буюмларидан иборат бўлиб, буларга: сопол буюмлар, меҳнат қуроллари, заргарлик буюмлари киради[8, Б. 50]. Бўстон VII ёдгорлигидан ҳам топилган заргарлик буюмларининг асосий қисмини маржонлар ташкил қилади. Ёдгорликдан жами 1 та маржон-мунчоқлар шодаси, 13 та мунчоқлар донаси, 1 та шокила маржонлар топилган бўлиб, улар асосан ляпис-лазурит, сердолик, ақиқ, каби яримқимматбаҳо тошлар ва бронза (металл), шиша пастаси (*стеклянная паста*) дан ясалган. Сополли маданиятининг Бўстон ва Мўлали босқичларида шиша пастасидан турли тақинчоқлар ясашда, ҳайкалларни безашда фойдаланилганини Бўстон VI ва Бўстон VII ёдгорликларида тадқиқотлар олиб борган Н.А.Аванесова ишлари тасдиқлайди[1, Б. 725].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Бўстон VI ва Бўстон VII Сополли маданиятидан бутунлай фарқ қилади, бошқа жиҳатдан унга генетик жиҳатдан боғланган. Маданиятнинг бўстон босқичининг ўзига хослиги, нафақат Сополли маданиятининг дастлабки босқичларининг ўзига хос хусусиятларига қарама – қарши бўлибгина қолмай, балки Сруб ва Андронова урф-одатларини намоён қилишда, ёдгорлик маросимлари ва

буюмларида кўчманчи дашт қабилаларига хос элементларининг кўпайиб бориши билан изоҳланади. Албатта биз ушбу таъсирни заргарлик буюмларида ҳам кўришимиз мумкин[1, Б. 725].

Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки шиша идишлар Сўғд ва Хоразмдан қазиб олинган. Бухоро воҳасидаги Замонбобо қабристонидан топилган шиша маржонлари мил. авв. III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларига бориб тақалади[9, Б. 86-89]. Мил.авв. XIII ва XI асрларнинг мунчоқлари очиқ ҳаворанг елимдан ясалган ва Хоразмдаги Кўкча 3 ёдгорлигидан топилган[9, Б. 86-89]. Ўрта Осиё ҳудудида шишадан ясалган буюмлар ер остида жуда яхши сақланган. Қадимги шаҳар деворлари, қишлоқлари тагида ва қабрларда турли туман шиша маҳсулотларига дуч келамиз. Алоҳида шишасозлик эса эрамизнинг I-асрига тўғри келади ва мўғиллар давригача ривожланиб боради[10, Б. 98].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каттаева Г.Ч.Сополли маданиятининг бўстон босқичи тақинчоқлари тўғрисида дастлабки мулоҳазалар // Махзани илм/паёми донишкада / Вестник института, 2021, № 2. МАВОДИ он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзўи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омўзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент. – Панҷакент, 2021. – Б. 720-725.
2. Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977. С. 57; Каримова Д.О. Шимолий Бақтрия аҳолисининг дафн маросимлари ва диний эътиқодлари (Бронза даври моддий маданият ёдгорликлари мисолида). Фалсафа фан. д-ри. ... дис. – Тошкент, 2017. Б. 81.
3. Каттаева Г.Ч.Сополли маданияти ляпис–лазурит тақинчоқлари//«Ҳозирги Ўзбекистон шароитларида илм-фан ва инновациялар» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II бўлим – Нукус: «Илим». 2020. 155 стр.с.77-78;
4. Kattaeva G.Ch. Lapis lazuli sources and its distribution geography // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal), Vol.10, Issue 5, May 2020. p.212-219;
5. Каттаева Г.Ч.Сополли маданияти ляпис-лазурит тақинчоқлари, Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ бўйича аналоглари. ЎзМУ ҳабарлари. 2020. 1/5. 36-40 бетлар.
6. Аванесова Н. А. Погребальный обряд некрополя Бустон VI, как отражение межкультурных взаимодействий // Культурный трансфер на перекрестках Центральной Азии: до, во время и после Великого шелкового пути. Париж-Самарканд. МИЦАИ.2013.
7. Шишасозлик тарихи бўйича кўзга кўринган олимлар (Абдуразаков А.,Безбородов М.,Заднепровский Ю.) “Стеклоделие Средней Азии в древностии средневековье” ушбу асарда А.Лукаснинг фикрини тўғридан- тўғри келтириб шиша пастаси ва паста атамалари ҳақида изоҳ беради. Унга кўра қуйидагича: А.Лукас анча вақт олдин паста ва шиша пастаси атамалари нўтўғри эканлиги, археологик мақолаларда бундай атамаларни ўринсиз қўлланиб келинётганлиги,умуман бу атамалардан воз кечиш кераклигини айтади. Сабаби бу атамалар ҳеч қандай маъно англатмайди, аксинча маъсулиятдан қочиш ва тушинарсиз ибора бўлиб қолади. А. Лукас бу сўзнинг ўрнига шишанинг турли турлари атамасини ишлатишни таклиф қилади. Ташкент.1963.Б.137.
8. Avanesova N.A. Buston VI – the necropolis of fire - worshippers of preurban Bactria.

Samarkand, 2016. P.50.
9. Итина М.А. Раскопки могильника Тазабагьябской культуры Кокча-3 // Материалы Хорезмской экспедиции. Т.5. Москва, 1961. 86-89 с.
10. Художуственная культура Центральной Азии и Азербайджана IX-XVвв. ТомII.Стекло. Самарқанд- Тошкент: МИЦАИ, 2011.

ILK O’RTA ASRLARDA CHOCH

I.S. JOLDASOV, M.Q. ESHQUVVATOVA, Chirchiq DPU

Annotatsiya: Mazkur maqolada, Ilk o’rta asrlardagi Choch hukmronligining tarixiy-geografik tavsifi, boshqaruv tizimi va Chochning qadimiy timsollari haqida so’z boradi.

Kalit so’zlar: *Chochning hududiy chegaralari, Xitoy yilnomalari, Arab-fors ma’lumotlari, Syuan-Szyan,O.I. Smirnova, tanga-pul*

Аннотация: Данная статья посвящена историко-географическому описанию правления Чочи в раннем Средневековье, системе управления и древним символам Чочи.

Ключевые слова: *Территориальные границы Чочи, китайские хроники, арабо-персидские данные, Сюань-Сянь, О.И. Смирнова, монета-деньги*

Annotation: This article deals with the historical-geographical description of Choch's rule in the early Middle Ages, the administrative system and the ancient symbols of Choch.

Keywords: *territorial boundaries of Choch, Chinese chronicles, Arab-Persian data, Xuan- Szyan, O.I. Smirnova, coin-money*

O’zbekistonning ilk orta asrlardagi yirik markazlaridan biri chochdir.Tadqiqotlarda Chochning tarixiy hududi yaxlit qamrab olinmaganligi bois u bilan bog’liq Tarixiy voqealar bir yoqlama talqin etilmaydi.

Choch hukmronligining hududini asosan Xitoy yilnomalarida va Arab-fors geograflarining asarlarida uchratishimiz mumkin. Masalan Xitoy rohibi Suyuan Szyan esdaliklaridagi qaydlar. Chochda bevosita bo’lgan tarixiy shaxslardan biri – Budda ta’limotini mukammalroq egallash maqsadida (629(627)-645 yillar davomida Xitoyning Tan saltanatidan Hindistonga safar uyushtirgan rohib Suyuan- Szyandir. Uning yo’l xotiralari asosida yozilgan “Da Tan Syuzi” (Buyuk Tan sulolasining G’arbiy o’lkalarga sayohatnomasi) asari Markaziy Osiyo mintaqasi jumladan Choch tarixini o’rganishda ham muhim manbadir.[1]. Shuningdek, Chochning chegaralari haqida Panj hokimi Devashchitning Chochga yuborgan elchisi Fatufarining ma’lumotlari e’tiborga loyiqdir. Yozma manbalarda yagona Choch davlati va uning tarkibidagi Barob, Isfijob, Iloq va Talas kabi viloyatlar va markazlari hisoblangan shaharlar haqida ma’lumotlar qayd etilgan. Shunday ekan, Choch hukmronligiga hozirgi Janubiy Qozog’iston (Chimkent) va Jambul (Taroz) viloyatlari, O’zbekistonning Toshkent viloyatlari kirgan. Yozma manbalarda V – VI asrlar mobaynida Choch hukmronligining boshqaruvchilari

kimlar bo’lgani va vohada qanday sulolalar hukmronlik qilgani haqida biror arzirli ma’lumot berilmaydi. Faqat Xitoycha “Sin Tan shu” yilnomasida aks etgan qisqa va umumiy ma’lumotlardan bu yerni Chjaovu xonadoniga mansub sulola boshqarganligini aniqlash mumkin bo’lsa-da, ushbu sulola vakillarining aynan qaysi yillarda hukm surganini, hatto sulolaning qachon tashkil topganini belgilash mushkul. Chjaovu xonadonining kelib chiqishi qaysi etnosga taqalishi va Xitoy yilnomalarida tilga olingan ushbu atamaning asli qanday bo’lganligi haqida ham bir-biridan farq qiluvchi fikrlar mavjud.[2]. Chjaovu atamasiga maxsus to’xtalgan O.I. Simirova bu borada bildirilgan turli xil fikrlarni taxlil qilgan bu xonadon vakillari o’z vaqtida kuchli darajada Eroniylashganini yozadi.

VIII asr Choch hukmronligi bosharuv tizimida mavjud unvonlarning taxlil qilish natijasi shuni ko’rsatadiki, Turk xoqonligi boshqaruviga xos an’analar voha boshqaruvida ham bir muncha aks etgan. Avvalo, yozma va numizmatik manbalarning bir-biriga mos kelishi , ya’ni vohada teginlar va tudunlar boshqaruvi mavjuligi buni tasdiqlaydi. Yana bir Xitoy va arab manbalarida vohada xoqonlikka xos Shad va Tarxon unvonlari mavjud bo’lganligi haqida ma’lumotlar bor. Xulosa qilib aytsak, Choch Toxariston va Farg’ona kabi xoqonliklarga bevosita aloqador boshqaruva ega bo’lgan deb aytishimiz mumkin. Xususan, To’ng Yabg’u xoqon 618-yilda Yettisuv, G’arbiy turk xoqonligining markazi bo’lgan Suyob shahrida taxtga o’tiradi. U dastlabki faoliyati davomida xoqonlik boshqaruvida islohotlar o’tkazib, bosharuv markazini Choch vohasining shimolidagi Mingbuloq mavzesiga ko’chiradi. Choch vohasiga ko’chirishdan maqsad har xolda srategik jihatdan muhim yerda joylashganligi bilan bog’liq. Bundan tashqari Choch shimolidagi chorvador va janubi-g’arbidagi o’troq aholi bilan siyosiy madaniy jihatdan bog’lovchi ko’prik vazifasini bajargan .[3.]

Bundan ko’rinib turibdiki, Choch o’sha davrda qulay geografik o’ringa ega bo’lgan. Qadim davrladanoq Markaziy Osiyodagi mavjud har bir vohaning yoki davlatning o’ziga xos totemi ya’ni “ramziy homiysi”, “ramziy qo’riqlovchi”si bo’lgan. Ayniqsa ilk O’’rta asrlardagi mintaqa xalqlari tasviriy san’atida yaqqol ko’zga tashlanadi. Xususan, Naxshab tangalarida ot, Buxoro vohasi tangalarida ikki o’rkachli tuya kabilar misol bo’ladi. Shular qatorida, Choch vohasida ham o’ziga xos homiylari bo’lganligini tasdiqlovchi ko’plab dallilar mavjud.

VI-VIII asrlarga taaluqli Choch tangalarining aksariyat qismida o’rin olgan mushuksimon hayvon (arslon yoki bars) tasvirlarida ko’zga tashlanadi. O’z vaqtida O.I. Simirova bu tasvirni shaxsning yoki xalqning embelimasi- ramziy nishoni bo’lishi mumkin deb taxmin qilgan edi.[4]

Xulosa qilib aytganda Choch ilk o’rta asrlardagi Farg’ona, Toxariston, Xorazm, Ustrushona kabi voha hukmdorliklaridan biri bo’lib, Shimoliy qismida chorvador turmush tarzi, dasht aholisi hamda Amudaryo- Sirdaryo oralig’idagi vohalarda yashovchi o’troq dehqonchilik bilan shug’illanadigan aholi o’rtasida o’zaro iqtisodiy madaniy aloqalar jadal kechgan voha sifatida tarixda o’ziga xos o’rin tutadi. Choch vohasining ilk o’rta asrlardagi tarixiga qisqacha nazar soladigan bo’lsak, bu davrda Choch Markaziy Osiyo mintaqasining ham madaniy

ham ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan taraqqiy etgan qismiga aylanadi. Aynan mana shu davrda Chochni yuqori mavqeyga ega bo’lgan sulolar orqali boshqarilishi, O’nlab yangi shaharlarning paydo bo’lishi va ko’plab turdagi tanga-pullarning zarb etilishida o’z tasdig’ini topgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI

1.Azimxo’ja Otaxo’jayev. Ilk o’rta asrlar markaziy svilizatsiyalar.T.:Art- Flex. 2010.-B 90.
2.G’aybulla Boboyorov. Choch tarixidan lavhalar. T:Yangi-nashr. 2010.-B 26.
3.G’aybulla Boboyorov. To’ng Yabg’u xoqon. T.:Abu-matbuot Konsalt. 2011.-B 9.
4.G’aybulla Boboyorov. Choch tarixidan lavhalar. T:Yangi-nashr. 2010.-B 66.

QADIMGI XITOY MANBALARIDA MARKAZIY OSIYO YORITILISHI

F.B. KAMOLIDDINOV, Chirchiq DPU, Toshkent

Annotatsiya: Ushbu maqolda Markaziy Osiyo tarixini qadimgi Xitoy manbalari va yilnomalarida yoritilishi haqida ayrim ma’lumotlar keltirib o‘tishga harakat qilindi.

Kalit so‘zlar; *O‘rta Osiyo, Farg‘ona vodiysi, Chjan Syan, Kushonlar, Syuan Szan, savdo-sotiq*

Аннотация: В данной статье предпринята попытка представить некоторые сведения об освещении истории Средней Азии в древнекитайских источниках и хрониках.

Ключевые слова; *Средняя Азия, Ферганская долина, Чжан Сян, Кушаны, Сюань Шань, торговля*

Annotation: The article gives information the history of the Central Asia which was based on Chinese sources and cronicles.

Keywords: Central Asia, Fergana valley, Chjan Syan, Kyshans, Syuan Szan, trade.

O‘rta Osiyoga kelgan birinchi sayohatchi xitoylik Chjan Syan edi. U mil.av II asrda Tyanshan tog‘laridan oshib o‘tib, Farg‘ona vodiysiga tushadi, undan Xorazmga o‘tadi. Chjan Syanning sayohati, ko‘pgina xitoylik elchilarning, savdogarlarning va boshqalarning O‘rta Osiyoga kelishiga yo‘l ochdi. Chjan Syanning sayohatidan keyin xitoyliklarning O‘rta Osiyo bilan savdo aloqasi juda tez rivojlanib ketdi. Xitoy va O‘rta Osiyo bilan savdo aloqasining rivojlanib ketishi esa, Xitoyda juda qimmatli geografik ma’lumotlarning to‘planishga olib keldi. O‘rta Osiyo haqida ko‘pgina mazmunli qo‘lyozmalar qoldirgan sayyoh Syuan Szan (629-645 yillar) hisoblanadi. Syuan Szan yevropaliklardan 1200 yil avval Qashqardan Tyanshan orqali Issiqko‘lga va Boam darasiga, undan Semirechega, Toshkent va Samarqand orqali Amudaryoga chiqib, undan Hindistonga yo‘l oladi. U orqaga qaytishida Vaxan, Pomir, Sariqko‘l, Qashqarga boradi. Syuan Szanning sayohati 16 yil davom etib, O‘rta Osiyoning yirik rayonlari va borish qiyin bo‘lgan joylari bilan tanishib, vatandoshlariga «G‘arb» mamlakatlari haqida haqqoniy ma’lumotlar beradi.

Xitoy manbalarida Xorazm Qang‘a davlati degan nom bilan tilga

olinadi. Aftidan, Xitoyning Xan sulolasi hukmdorlari O‘rta Osiyo xalqlari hayotiga va hududning muhim jug‘rofiy mavqeyi, tabiiy boyliklariga alohida qiziqish bildirib, o‘z elchilarini yuborganlar hamda ular bilan yaqindan bog‘lanishga harakat qilganlar. Bugina emas, hatto mil.av II asr boshlarida bu hududni qo‘lga kiritish maqsadida katta qo‘shin tortib bostirib kelganlar ham. Xorazm mil.av. II asr boshlarida yanada kengayib, sharqda Farg‘ona, shimoliy-sharqda usun, yuechji qabilalari bilan shimoliy-g‘arbda Sarusi daryosi bo‘ylab chegaralangan. Janubda Baqtriya va Parfiya chegaralari yetib brogan[1]. Boshqacha qilib aytganda, Amu va Sirdaryo oralig‘idagi katta hududlar shu davlat tarikibiga kirgan. Uning yirik shaharlari sirasiga mil.av. II-I asrlarda Aris daryosi sohilidagi O‘tror va hozirgi Toshkent viloyatining Oqqo‘rg‘on tumani hududida joylashgan Qanqa shaharlari ham kirgan. Bu shaharlar o‘sha davr shaharsozligining yuksak namunalarini o‘zida mujassamlashtirgan. Davlatni boshqarishda podshohning roli va o‘rni katta bo‘lgan. Shu bilan birgalikda davlat va jamiyat hayotiga oid ko‘plab muhim masalalarni hal etishda urug‘ va qabila oqsaqollaridan iborat Oliy Maslahat kengashining mavqeyi ham alohida o‘rin tutgan. Binobarin, podshoh o‘z ichki va tashqi siyosatini yuritishda mazkur kengash bilan maslahatlashgan. Viloyat boshliqlari turkiy maqomda “jobu” yoki “yobu”lar deb atalganlar. Ular o‘z hududlarini boshqarishda bir muncha mustaqillikka ega bo‘lib, markaziy hokimiyatga boj to‘lab turganlar[2]. Davlat hukmdorlari mintaqadagi siyosiy vaziyatga ham faol aralashib, undagi muvozanatni saqlash bobida izchil siyosat olib borganlar. Ayniqsa, ular Xitoyga nisbatan mustaqil siyosat yuritganlar. O‘z qo‘shnilari Dovon, Qashg‘ar, Yorkent singari mustaqil hududlarga nisbatan Xitoyning da’vosi va istilochilik yurishlariga keskin qarshi chiqqan va lozim bo‘lganda o‘z harbiy kuchlari bilan ularga yordamga kelgan. Mamlakat aholisining asosiy tarkibini turkiy etnoslar tashkil etgan. Ular asosan o‘troq hayot kechirganlar. Aholining ma’lum qismi ko‘chmanchilik bilan shug‘ullangan. Daryo va soylarga tutash vohalarda dehqonchilik madaniyati rivojlangan.

Dovon yoki Parkana nomi bilan mashhur bo‘lgan, ajdodlarimiz tomonidan Farg‘ona vodiysida barpo etilgan yana bir davlat Vatanimiz hududidagi qadimgi davlatlardan sanalsada, biroq uning haqqoniy tarixi xususida hozirgacha to‘la ma'lumotlar topilmagan. Xitoylik elchi Chjan Syan yozma manbalarida Farg‘ona vodiysidagi davlatni Dovon (Ulug’ Van) deb atalgan[3]. Vaholanki, Farg‘ona vodiysi ham ajdodlarimizning madaniy, o‘troq hayot kechgan, o‘z davlatchiligiga ega mustaqil hudud sifatida Xorazm, Baqtriya singari qadimgi davlatlar bilan tenglasha olishga hech bir shubha yo‘q. Buni mil. av. II asr boshlarida tashrif buyurgan. Xitoy elchisi Chjan Syan yozib qoldirgan esdaliklar ham isbot etadi. Manbalarda aytilishicha, bu davrda Farg‘onada 300 ming nafar aholi yashagan. Uning 70 dan ziyod katta-kichik shaharlari bo‘lib, ularda savdo-sotiq, hunarmandchilik yuksak darajada rivojlangan. Mamlakat poytaxti Ershi (hozirgi Andijon viloyatining

Marhamat tumanida joylashgan) o‘z davrining obod, ko‘rkam va aholisi gavjum shaharlari dan sanalgan. Qadimgi O‘zgan, Koson ham davanning eng mashhur shaharlari sirasiga kirgan. Dovon hududida 10 dan ortiq yirik dehqonchilik manzilgohlari mavjud bo‘lib, ularda yerli mirishkor aholi sholi, bug‘doy, paxta va boshqa dehqonchilik ekinlari yetishtirish bilan shug‘ullangan. Bularga Aravonsoy, Oqbo‘ra, Sultonobod, Qo‘rg‘ontepa, Andijonsoy, Maylisoy, Ulug‘nor, Yilg‘insoy, Shahrixonsoy kabi dehqonchilik makonlarini aytish mumkin. Xitoy sayyohi vodiyda uzumchilik nihoyatda rivojlanganiga, shu bilan birga undan noyob sharbat va uzoq muddat saqlanadigan, quvvati o‘tkir vinolar tayyorlash yuksak darajada yo‘lga qo‘yilganligi alohida urg‘u beradi. Dovondagi ijtimoiy-siyosiy hayotning yana bir muhim jihati bu ayollarning jamiyatda tutgan mavqeining alohidaligidadir. Chjan Syanning e’tiroficha, bu yerning erkaklari ayollarga alohida hurmat ko‘rsatganlar. Boshqacha qilib aytganda, xotin-qizlarning har qanday topshirig‘i erlar tomonidan bajarilishi shart hisoblangan. Davlat hukmdori mamlakat hayotiga oid har qanday ichki va tashqi masalallarni hal etishda Oqsoqollar kengashiga, ularning maslahatlari va yo‘l-yo‘riqlariga suyangan. Ayniqsa, urush va tinchlik, elchilik aloqalari masalalasida Oqsoqollardan iborat oliy kengash alohida vakolatlarga ega bo‘lgan. Hukmdor buni e’tirof etishga majbur bo‘lgan[4]. Xitoy Farg'ona davlatining boy-badavlat turmushiga, uning boyliklariga ko‘z olaytirib, unga qarshi bir necha bor katta qo‘shin tortib bostirib kelgan. Chunonchi mil.av. II asr oxirlarida (104 -yilda) va milodiy I asrning 80-yillarida xitoyliklar Davan davlatini o‘zlariga bo‘ysindirish uchun u bilan shiddatli urush olib borganlar. Davanliklar o‘z qo‘shnilari Xorazm va Kushonlarning harbiy yordami bilan yurt mustaqilligini saqlab qolishga muvaffaq bo‘ladilar. O‘rta Osiyo hududlarini kuch bilan egallash mumkin emasligini tushungan Xitoy tomoni shundan so‘ng Davan davlati bilan shartnoma tuzadi. Bunga ko‘ra ikkala davlat o‘rtasida diplomatik va savdo-sotiq munosabatlarini yo‘lga qo‘yish, jumladan Farg‘onaning uchqur arg‘umoqlarini xitoyga sotishga kelishib olinadi. Farg'ona hududi O‘rta Osiyo ijtimoiy siyosiy hayotida sodir etilgan keyingi muhim o‘zgarishlar jarayonida ham o‘zining nisbiy mustaqilligini bir muncha saqlab qolishga muvaffaq bo‘lgan.

Mil.av. II asrning ikkinchi yarmida Sharqiy Turkiston hududlarida yashovchi turkiy qavmlar qo‘shnisi xunnlar tazyiqiga uchrab, ularning siquviga bardosh berolmay G‘arbga tomon siljiydilar. Xitoy manbalarida ular yuyechjilar deb atalgan. Yuyechjilar Issiqko‘l atrofida sak qabilalari bilan to‘qnashib, ularni janubiy-g'arb tomonga suradilar. Biroq Yuyechjilar usun qabilalari zarbasiga uchrab janubga siljib, mil . av. 130- yillarda So‘g‘diyona hududiga kirib keladilar. Yuyechjilar, Xitoy tarixchisi Chjan Syan ta’kidlashicha, Sug‘diyonadan Baqtriyaga yuradilar va Baqtriyadagi yunonlar hukmronligini ag'daradilar. Yuyechjilar Farg‘ona vodiysini ham egallaydilar[5].

Xitoy manbalarida ta’kidlanganidek, yuyechjilar beshta siyosiy xonadonga

mansub edilar. Go‘yshuan, (Kushon). Xyumi, Shuanmi, Xise, Xuanmi. Ularning har biri qariyb yuz yilgacha alohida-alohida siyosiy kuch hokimlik bo‘lib, yagona hukmdorga bo‘ysunmagan holda faoliyat yuritadilar. Milodning I asrida Kushonlar xonadoni boshlig‘i Kudzula Kadfiz (Kioszyukyu) barcha yuyechji qabilalarini birlashtiradi va butun Baqtriyada siyosiy hokimiyatni egallaydi. Kudzula Kadfiz qo‘shni hududlarga yurish uyushtirib, So‘g‘diyona, Marg‘iyona, Hindistonning Shimoliy G‘arbiy qismini zabt etadi . Kudzula Kadfiz keyinchalik Amudaryo bo‘ylari , Qobul va Qandahor hududlarini ham egallaydi. Bu davrda mamlakat poytaxti Dalvarzintepa (Hozirgi Surxondaryo viloyatida) shahri bo‘lgan. Shu tariqa, Kushonlar sulolasi davrida O‘zbek davlatchiligi salatanatlik bosqichiga ko‘tariladi.

Kushon hukmdorlari to‘g‘risida fikr yuritadigan bo‘lsak, bunda bu davlatga asos solgan Kudzula Kadfiz (milodning I asri boshlari), uning o‘g‘li Vima Kadfiz (Milodning I asri o‘rtalari), Kanishka (78-123 y. y.) va ularning avlodlari Vasishka, Xuvishka, Kanishka II, Vasudeva, Kanishka III, Vasudeva II nomlarini tilga olib o‘tmoq joiz bo‘ladi. Kadfiz I davrida zarb etilgan tangalarda “Kujula Kadfiz Yabg‘u” degan so‘zlar uchraydi. Uning o‘g‘li Vima Kadfiz davri ham muhim o‘zgarishlar bilan bog‘liq. Bu davrga kelib Shimoliy Hindistonning bir qator muhim hududlari egallanadi. Vima Kadfiz mamlakatda pul isl ohoti o‘tkazib, vazni 8 gr og‘irlikdagi oltin tangalarni zarb qildirib muomilaga chiqartiradi[6]. Bu esa xalqaro savdoda davlat obro‘sining ko‘tarilishiga sabab bo‘ladi. Xuddi shu vaqtda Rim imperiyasi bilan savdo-sotiqal oqalari kuchayadi. Kushonlar mavqeining kuchayishi Kanishka davriga to‘g‘ri keladi. Bu paytga kelib Hindistonning Peshovor, Panjop, Kashmir va boshqa markaziy hududlari, shuningdek, Sharqiy Turkistonning ancha qismi saltant tarkibiga kiritiladi. Bu davrda mamlakat poytaxti ham Peshovorga ko‘chirilgan. Usta siyosatchi, yetuk sarkarda bo‘lgan Kanishka mamlakat ichki hayotida muhim ijtimoiy siyosiy va ma'naviy o‘zgarishlarni amalga oshirish barobarida tashqi siyosatda ham g‘oyatda uddaburonlik bilan faoliyat yuritadi. Uning din sohasida o‘tkazgan siyosati muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Garchand uning davrida Budda dini davlatning rasmiy dini darajasiga ko‘tarilsada, biroq mamlakatning turli hududlari da mahalliy aholi oldindan e’tiqod qilib kelgan boshqa dinlar erkinligi va daxlsizligi saqlanib qoldi. Hatto zarb etilgan oltin va kumush tanga pullarda budda xudosi bilan bir qatorda mahalliy xalqlar e’tiqod qo‘yib kelgan xudolar: Anaxita, Mitra, Veretragna, Vaxsh va boshqalarning ham tasvirlari tushirilganligi bunga yorqin dalildir. Bu davrda zarb etilgan tangalar avvalgidek yunon tilida emas, balki mahalliy Kushon-Baqtriy tilida chiqarilganligi alohida e’tiborga loyiqdir. Bunday uzoqni ko‘zlab oqilona yuritilgan siyosat turli aholi qavmlari, ijtimoiy guruhlari o‘rtasida tinchlik, osoyishtalik va barqarorlikni ta’minlashga xizmat qilgan. Biroq Kanishkadan so‘ng hokimiyatga kelgan Vasishka, Xuvishka, Vasudevalar davriga kelib

Kushonlar sulolasi bir qator ob’ektiv va sub’ektiv sabablar orqasida asta-sekin inqirozga uchray boshlagan. Ayniqsa III asr o‘rtalariga kelib qo‘shni davlat-Parfiya o‘rnida yangidan vujudga kelib, tobora kuchayib borgan Eron Sosoniylari hukmdorlarining to‘xtovsiz olib borgan urush harakatlari natijasida Kushonlar mavqeyi zaiflashib, hududlari kichrayib bordi. Janubda Hind yerlarining Kushonlar tasarrufidan mustaqil bo‘lib ajralib chiqish jarayoni kuchaydi. Keyinchalik Xorazm, So‘g‘diyona sarhadlari ham o‘z mustaqilliklarini qo‘lga kiritadi. Buning oqibatida Kushonlar sulolasi oxir-oqibatda halokatga uchradi. Uning dastlabki poytaxti Dalvarzintepa (Surxondaryo), unga tutash Xalchayon (Denovda), Zartepa, Fayoztepa, Qoratepa, Ayritom (Termiz atroflari) va boshqalar Kushonlarning eng rivoj topgan savdo-sotiq, hunarmandchilik sohalar o‘sgan gavjum shaharlari hisoblangan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abduholiq Abdurasul o‘g‘li “Qadimgi Farg‘ona tarixidan”. Toshkent, 2002. 78-b.
2. Boynazarov F. O‘rta Osiyoning antik davri. T., O ‘qituvchi 1991, 29 b.
3. Boynazarov F. O‘rta Osiyoning antik davri. T., O ‘qituvchi 1991, 38 b.
4. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. −Т., 1990. 53-b.
5. Boynazarov F. O’rta Osiyoning antik davri. T., O’qituvchi 1991, 49 b.
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. −Т., 2000. 69-b.

QADIMGI USTRUSHONA HUDUDIDAGI QABR INSHOATLARI

B.B.TUGALOV , JDPU, Jizzax

Annotatsiya: Mazkur maqolada Ustrushona hududida joylashgan qabr inshootlarining turlari va ulardagi xususiyatlar haqida malumot berishga harakat qilingan.

Kalit so’zlar: *Ustrushona,qabr inshotlari, Sag‘onoq, G‘ulbo, Ko‘rpa, Qamish, Bekkeldi,katakomba,o’ra va yorma qabrlar,tosh dahmalar.*

Аннотация: В данной статье предпринята попытка представить информацию о типах могильных сооружений, расположенных в Уструшенском районе, и их характеристиках.

Ключевые слова: *Уструшона, надгробные рисунки, Саганок, Гульбо, Корпа, Камыш, Бекельди, катакомбы, могилы Ора и Ёрма, каменные гробницы.*

Annotation: In this article, an attempt was made to provide information about the types of grave structures located in the Ustrushona region and their characteristics.

Key words: *Ustrushona, tomb drawings, Saganoq, Gulbo, Korpa, Kamysh, Bekeldi, catacomb, Ora and Yorma graves, stone tombs.*

Mustaqillik yillarida tarix fani yangi manbalar, arxeologik ma’lumotlar bilan

yanada boyidi. Ularning ilmiy muomalaga kiritilishi bilan O`zbekiston tarixi yangi materiallari bilan yanada boyimoqda. Markaziy Osiyo hududi qadimdan aholi zich yashagan hududlardan biri bo‘lib, mintaqa aholisi asosan, o‘troq dehqon va ko‘chmanchi chorvachilik tarzida hayot kechirgan. Insoniyat tarixining barcha davrlarida, yurtimizda, dehqon aholi sonining ortib borishi va yangi yerlarning o‘zlashtirilishida turli xil omillar tufayli xo‘jalik yuritish shaklini o‘zgartirgan ko‘chmanchi chorvadorlar ham muhim rol o‘ynagan.

Bronza davridan boshlab kechgan migratsiya jarayonlari, ya’ni Yevroosiyo dashtlaridan ko‘plab ko‘chmanchi chorvador qabilalarning kirib kelishi va janubiy mintaqalarga o‘tib borishi kuzatiladi. Bu holat Qadimgi Ustrushonadagi madaniy jarayonlarga ham katta ta’sir ko‘rsatgan.[1,b.6] Ustrushonadagi tabiiy sharoit esa chorvani mavsumiy tarzda qishda-tog‘ yonbag‘irlari, dasht va cho‘lli mintaqada, yozda esa tog‘ o‘tloq yaylovlari va mavsumiy yaylovlarda boqish imkoniyatini bergan. O‘rganilayotgan tarixiy mintaqaning Xovos, Zomin, Jizzax, G‘allaorol, Baxmal va Forish tumanlari tog‘ va tog‘ oldi hududlarida chorvadorlar madaniyatiga tegishli qadimgi davrga oid guruh va yakka holda saqlanib qolgan ko‘plab mozorqo‘rg‘onlar saqlanib qolgan. Shimoliy-g‘arbiy Ustrushonadagi chorvadorlarga oid mozorqo‘rg‘onlarda tadqiqotchi arxeolog olimlarimiz tomonidan qidiruv va qazuv ishlari o‘tkazilib, ular tomonidan antik va ilk o‘rta asrlarga oid ko‘plab mozorqo‘rg‘onlar aniqlangan. V. F.Gaydukevich, A.A. Gritsina, M.H. Pardayev, S. Raximov, O‘. Alimov, F.Toshboev kabi arxeologlar tomonidan Shirinsoy, Uchtepa, Sag‘onoq, G‘ulbo, Ko‘rpa, Qamish, Bekkeldi, Qoratepa mozorqo‘rg‘onlari ochib o‘rganilgan. Ularda o‘rganilgan qabrlar katakomba, ayvonli lahad, yorma va o‘ra qabrlardan iborat ekanligi aniqlangan.[2,b.184-189]. Bu qabrlar shakli va dafn odatlariga ko‘ra turli xil bo‘lib, bu holat turli etnik guruhlarning qorishuv jarayonlari faol kechganligi va davrlar mobaynida insoniyatning ma’naviy hayoti, diniy tasavvurlariga bog‘liq holda marosimlari ham takomillashib borganligini ko‘rsatadi.Ustrushona mozorqo‘rg‘onlaridagi izlanishlar bu yerda dafn etishning turli xil ko‘rinishlari mavjud bo‘lganligini ko‘rsatadi. Ustrushonadagi qabr tuzilishi va dafn odatlarida ikki xil farq kuzatiladi. Tadqiqotchi F.E. Toshboevning yozishicha, bu qabrlarning birinchisi Shirinsoy, G‘ulbo, Sag‘anoq va Bekkkeldi mozorqo‘rg‘onlarida kuzatilib, ular asosan katakomba, ayvonli lahad va yorma qabrlar bo‘lib, marhumlar yoniga uy-ro‘zg‘or, jangovar qurollar, xo‘jalikda zarur bo‘ladigan qurollar va h... qo‘yilgan. Ikkinchi xili esa Qoratosh, Qulpisar, Xo‘jai Serob, Ko‘rpa va Qoratepa mozorqo‘rg‘onlari bo‘lib, ular asosan o‘ra qabrlardan iborat va ularda jasad yoniga turli xildagi ashyoviy buyumlarni qo‘yish kam uchraydi.[3,b.7]. Ustrushonadagi katakomba qabrlar antik davr mozorqo‘rg‘onlarining asosiy qismini tashkil etadi. Ularda birinchi navbatda lahadni dromosga nisbatan holati, uzunligi, yo‘nalishi va jasadni qaysi tomonda bo‘lishiga e’tibor berilgan. Shuningdek, dromosdan lahadga o‘tish yo‘lagining o‘lchami, zinaliligi yoki bo‘lmasa, dromosdan lahadga o‘tish yo‘lagining bekitilishi (tuproq, guvala, tosh va hk.lar) qanday ko‘rinish hosil qilganligiga

qarab ular 12 dan ortiq turda ekanligi aniqlangan.[4,b.87]

Ustrushonada ayvonli lahad (podboynoe pogrebenie) qabrlar ham uchraydi. Ushbu qabrlarning katakomba qabrlardan farqli jihati shundaki, katakombalarda uzun dromos (yo‘lak) mavjud bo‘lib, u ko‘pincha qabr xilxonasiga qarab torayib boradi. Ayvonli lahad qabrlarda esa lahad yonida ayvon mavjud. Jasad dafn etilgan lahadga kirish teshigi (garchi tosh yoki guvaladan terilib, to‘liq yasalgan bo‘lsada) to‘liq ajratib qo‘yilmagan. Ayvonli lahad qabrlarda jasadni dafn etish uchun maxsus lahad tayyorlangan va u ayvonga parallel tarzda joylashtirilgan. Qabr yo‘lagining shakli uzunchoq ellips, tuxumsimon yoki shunga o‘xshash shakllarga ega. Jasadlar mana shu maxsus tayyorlangan lahadga qo‘yilgan.[5,b.37]. O‘rganilayotgan tarixiy hududda yorma qabrlar (vpusknaya yama) ham uchraydi. Bu turdagi qabrlar tuzilishiga ko‘ra o‘ra go‘rlarning o‘zginasidir. Yorma qabrlar o‘ra go‘rlardagi tik qazib tushish (kontur) ning og‘ishi natijasida paydo bo‘lgan. Tadqiqotchi F.Toshboevning ta’kidlashicha, Ustrushonadagi Ko‘rpa, G‘ulbo, Shirinsoy, Bekkeldi, Qamish va Qoratepa mozorqo‘rg‘onlarida yorma qabrlar ko‘proq uchraydi. Bu qabrlarda qabr, o‘ra tarzida qazib tushilgan va jasad o‘raning pastki qismida yon tomonida qazilgan qismiga qo‘yilgan. Ular o‘rtasidagi farq shundan iboratki, o‘ra go‘rlarning xilxonasi chuqurroq qaziladi, yorma go‘rlar esa kichik o‘lchamdagi xilxonaga ega. Ustrushonada yuqorida sanab o‘tilgan qabrlardan tashqari tosh dahma qabrlar ham keng yoyilganligi aniqlanmoqda. 2022 yil may, avgust, oktabr oylarida Jizzax davlat pedagogika instituti professor o‘qituvchilari dots. F.E. Toshboev, o‘qituvchi B.B. Tugalovlar arxeologiya fanidan dala malakaviy amaliyotini o‘tayotgan talabalar ishtirokida Sh.Rashidov tumanidagi Jelli g‘ulli mozorqo‘rg‘onlarida qazuv tadqiqot ishlari olib bordi. O‘rganilgan yodgorliklar Jizzax shahridan 10 km g‘arbda, Nurota tizmasining Jelli g‘ulli, Qipchoq va Bog‘ishamol qishloqlaridan chiquvchi tog‘ daralari tutashgan tog‘ tepaliklarida joylashgan. Bu yerda jami 9 tosh yashik shaklidagi qabrlar o‘rganilib biz ularni Jelli g‘ulli tosh dahma (mozorqo‘rg‘on)lari deb atadik. Ular Jelli g‘ulli qishlog‘ining sharq tomonidagi tog‘ning tepaliklari va qoyalarida joylashgan. Bu tog‘qoyalari shu paytgacha o‘rganilmagan. Faqat 2016 yilda ushbu dahmalar joylashgan hududga yaqin joylashgan Suzmoyil ota qoyatosh rasmlari o‘rganilgan.[6,b.254-257]. O‘rganilgan qabrlarning o‘lchamlari 1,10 m x 0,50 m, devori balandligi 0,40 m. Qabr hamma tomondan tosh bilan o‘ralgan ustiga ham plita toshlar qo‘yib yopilgan. Qabr polida saqlanishi juda yomon holatdagi, titilib ketgan odam suyaklari qayd etildi. Suyaklar tozalanganda ma’lum bo‘ldiki, qabr tog‘ ustida qoya toshda, toshlardan terib (marhum uchun maxsus to‘rt burchak ko‘rinishidagi, tosh yashik shaklidagi) yasalgan va inshoat tosh yashik ko‘rinishini olgan. Ba’zi qabrlarda tosh uyumining markazida jasadni qo‘yish uchun yasalgan to‘g‘ri to‘rtburchak shaklidagi kabr o‘rni ochildi. Qabr (dahma) usti to‘liq toshlar bilan to‘ldirilgan. Inshoat shakli ovalsimon aylana ko‘rinishida, o‘lchami 5 x 3 m balandligi 0,4 m. Qabr ustidagi tosh qatlamlari olingach, uning markazida tog‘ qoyasini kesib yasalgan to‘g‘ri to‘rtburchak ko‘rinishidagi qabr

(inshoat) ochildi. Qazuv ishlaridan ma’lum bo‘lmoqdaki, dahmalar qoyatoshlarni kesib yoki toshlardan terib yasalgan maxsus qabr (tosh yashik) larga dafn etilgan. Shunga ko‘ra qabrlar yasalishi shaklini ham ikkiga ajratish mumkin 1- tog‘ni kesib o‘tgan qoyani o‘zini kesib yasalgan dahmalar (3,4,5,6) va qoyatoshlar ustiga toshlardan terib yasalgan qabr kamerasi (1,2,7). Tosh uyumlari tashqi ko‘rinishidan ikki xil farq kuzatiladi. 3,4,5- tosh dahmalar asosan qayroq toshlardan terib ko‘tarilgan. Qolgan barchasi shu atrofdagi xarsang toshlardan terib yasalgan. Shunga o‘xshash dafn odatlarni Forish tumanidagi Qamish va Sh. Rashidov tumanidagi Ko‘rpa mozorqo‘rg‘onlarida qayd etilgan edi. Faqatgina, unda mayit tosh supaga yotqizib ustiga tosh, tuproq tashlangan va dafn buyumlar mavjud edi.[7,b.193-195] Jasadlar yonida qayd etilgan kulollik idishlari II-IV asrlarga oidligi aniqlangan. Jelli g‘ulli qabrlarida esa tosh supa o‘rniga qoyatoshning o‘zidan foydalanilgan va jasad uchun maxsus xona (yashik) qilingan.

Fikr yuritish mukinki, ushbu (o‘ra- tosh yashik) qabr sohiblari migratsiyalar natijasida,O‘rta Osiyo hududlariga kirib kelgan va o‘zlarining tosh dahma (yoki tosh yashik) ko‘rinishidagi qabrlarga dafn etish an’anasini davom ettirgan va o‘z navbatida (zardo‘shtiylikka xos) yangicha dafn odatlarini qabul qilgan. Keyinchalik ularning katta qismi g‘arbiy o‘lkalar (Kavkaz)ga tomon ko‘chib ketgan bo‘lsa kerak.[8,b.7-9] Chunki bu shakldagi qabrlar Shimoliy Kavkaz va Qora dengiz bo‘ylarida ko‘plab uchraydi.[9,b.63-73]

Xulosa qilib aytganda, Ustrushona mozorqo‘rg‘onlari qabr tuzilishi bronza davridan boshlab turli etnik guruhlar va ular bilan yangicha qabr tuzilishlari hamda dafn odatlarining kirib kelganligini ko‘rsatadi. Bu ko‘rinishdagi qabrlarning keng yilishiga o‘sha davr kishilarining narigi dunyo haqidagi tasavvurlari va diniy tushunchalarining kengayib borishi ham sabab bo‘lgan deyishimiz mumkin. Ularning tasavvuricha, marhumni hurmatini bajo keltirib, narigi dunyoga kuzatish va uning “o‘liklar mamlakati”da yaxshi yashashi uchun barcha qulayliklar ta’minlanishi zarur bo‘lgan. Umuman olganda Ustrushona hududida joylashgan qabr inshootlarini katakomba,tosh dahma,naus,ayvonli lahad,yorma va o’ra kabi turlarga bo’lishimiz mumkun.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI

1.Toshboev F.E. Qadimgi Ustrushona chorvadorlari madaniyati. T.: “FAN VA TA‘LIM” nashriyoti, 2022,6-b.

2.Тошбоев Ф.Э., Пардаев М.Х., Грицина А.А. Изучение Гулбинского могилника // Культура народов сентралной Азии. Самарканд, 2008. С.184-189.

3.Toshboev F.E. Qadimgi Ustrushona chorvadorlari madaniyati. T.: “FAN VA TA‘LIM” nashriyoti, 2022,7-b.

4.Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребалных памятников первой половины И-тысячилетия н.э.// АСГЕ. Вып.22. Ленинград, 1988. С.87. 5.Toshboev F.E. Qadimgi Ustrushona chorvadorlari madaniyati. T.: “FAN VA TA‘LIM” nashriyoti, 2022,37-b.

6.Xolmatov A.N., Pardaev M.X., Toshboev F.E. 2016 yilda o‘tkazilgan Suzmoyilota qoyatosh rasmlari tadqiqotining dastlabki natijalari xususida // O‘zbeksitonda arxeologik tadqiqotlar. 2015 – 2017-yillar. 11-son. Samarqand, 2018. B. 254-257.

7.Pardaev M.H., Toshboev F.E., Mamirov O.U., Xolmatov A.N. 2016 yil Forish tumanida

o‘tkazilgan arxeologik izlanishlar // O‘zbeksitonda arxeologik tadqiqotlar. 2015 – 2017-yillar. 11-son. Samarqand, 2018. B. 193-195.
8. Сулейманов Р.Х.,.Гордеева Е.А. К вопросу об особенностях культурогенеза и урбаногенеза юга Уструшаны // “Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт)” (Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2019. Б. 7-9.
9. Шишлов А.В., Федоренко Н.В. Погребальный обряд племен северо-западного побережья Кавказа в конце VII – V вв. до н.э. (по материалам Владимировского могильника). Аргонавт. Черноморский исторический журнал. 2006. №2. С.63-73.

ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИ ХАЙВОНОТ ОЛАМИ ТАРИХИНИ ЁРИТУВЧИ МАНБА СИФАТИДА

Г. САМАДҚУЛОВА, *ГулДУ магистрант, Гулистон*

Аннотация: Мазкур мақолада Марказий Осиёнинг тоғли худудларида аниқланган петроглифларнинг тарихий манба сифатида ўрганилган.

Калит сўзлар: Петроглифлар, фауна, ёввойи хайвонлар, айиқ, қор барси, страус, бўри, тоғ эчкиси, архар.

Аннотация:В данной статье рассматриваются петроглифы, найденные в горных районах Средней Азии, в качестве исторического источника.

Ключевые слова: Петроглифы, фауна, дикие животные, медведь, снежный барс, страус, волк, горный козел, архар.

Annotation: This article considers petroglyphs found in the mountainous regions of Central Asia as a historical source.

Keywords: Petroglyphs, fauna, wild animals, bear, snow bear, ostrich, wolf, mountain goat, arhar.

Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий тарихини ўрганишда археологик ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган археологик ашёлар бирламчи тарихий манба сифатида аҳамиятлидир. Ана шу манбалар жумласига қоятош суратлари ҳам киради. Қоятош суратлари Марказий Осиёнинг тоғли худудларида кўплаб учрайди ва бу суратларда бутун тарихий давр жараёнлари ўз аксини топган. Қачонки, ёзув ва ёзма маълумотлар бутун жамият хаётини тўла қамраб олгунга қадар улар ўз даврининг кўзгуси вазифасини ўтаб келганлар.

Қоятош суратлари тарихини ўрганиш ва уларни манба сифатида илм фан муомаласига киритиш борасида бугунга қадар бир мунча тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, тадқиқотчи А. Холматов Нурота тоғ тизмаси қоятош суратлариникишилик тарихий тараққиётининг бронза давридан бошлаб бугунги кунгача бўлган барча босқичларида яшаган овчи ва чорвадор дашт қабила ва элатларнинг кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, маънавий кечинмалари, санъати, диний эътиқоди, хўжалик машғулотлари, ҳамда этномаданий муаммоларини ўрганишда қимматли маълумот берувчи манба ва тош йилнома эканлигини таъкидлайди.[1, б. 17].

Қоятош суратларини тадқиқ этишда илмий тадқиқотларда уларнинг техника-типологияси ва даврийлиги юзасидан илмий хулослар берилиб, тарихийлиги ва манба сифатидаги ўрнига қисқача тўхталиб ўтилмоқда. Шу ўринда уларнинг тарихий манба сифатидаги ўрни алохида тадқиқот талаб қилмоқда. Ушбу важдан қоятош суратларининг тарихий манба сифатидаги ўрни ва уларнинг фан соҳасидаги ахамиятини ошириш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Қоятош суратларининг тарихий манба сифатидаги ўрнини белгилаб олишда уларнинг табиий-экологик, бадиий, ижтимоий-сиёсий ва этник жараёнларни ёритувчи манба эканлигига урғу бериш лозим.

Инсоният яралганидан буён табиатнинг бир бўлаги сифатида хайвонот ва наботот олами билан ёндош яшаб келмоқда. Қадимдан инсонлар ва хайвонот олами узвий боғлиқ. Дастлабки инсонлар хозирги кундаги каби бу оламдан узоқлашиб кетмаган. Улар ўртасидаги муносабатларнинг гувохи бўлган қоятош суратлари хайовнот оламининг тарихини ёритувчи тарихий манба хисобланади. Жумладан, Марказий Осиё худудидаги қоятошлар хайвонот оламининг баъзи турлари тарихини ёритишда калит вазифасини ўташи мумкин. Ушбу қоятош суратларининг асосий бадиий сюжетлари хайвонлар ва инсонларнинг улар билан муносабатларига бағишланган.

Ушбу қоятош суратлари орасида Зарабоғ қоятош суратларининг ахамиятга молик, сабаби бу ерда биринчи марта икки ўркачли туя (лот. Camelus bactrianus)тасвирлари туширилган. Бу туя тасвирлари қадимги рассом томонидан вазмин танали, йирик бошли, қайрилган узун бўйинли, калта думли, икки ўркачли ва бақувват оёқли қилиб тасвирланган. Туя тасвирларининг баъзи қисмлари мох-лишайниклар билан қопланган[4, б. 104-108]. Баъзи тадқиқотчилар бактриана зотига мансуб бу туялар тасвирларининг ёши мил. авв. IV ва I минг йиллик бошларига оид бўлиши мумкин деб хисоблайдилар. Чунки уларнинг сопол хайкалчалари ёки сопол парчаларига қабартма услубда ишланган тасвирлари Марказий Осиёт худудидаги неолит, энеолит ва бронза даври ёдгорликларидан топиб ўрганилган.

Тадқиқотлар жараёнида бундай услубда ишланган туя тасвирлари Қизилқум худудидаги Кирбукан, Бохали, Архар, Чиили Нурота тоғ тизмасидаги Сармишсой, Пўлатбулоқсой, Зарафшон тоғ тизмаси шимолий-шарқий қисмида жойлашган Илонсой, ҳамда Қозоғистоннинг Қўйбоқар, Арпаузен каби бир қанча ёдгорликларида учраши аниқланди. бу Ёдгорликлардаги икки ўркачли туя тасвирлари (Бактриана) бир-бирига жуда ўхшашдир. Ҳозирги Зарафшон дарёсининг қуйи этаклари, яъни Қизилқум ҳудудидан Оёқоғитма ўзанинингқуриб қолган қирғоғида неолитга оид Оёқоғитма манзилгоҳи топилган. Манзилгоҳнинг ўзига хослиги бу ердан қўй, эчки, қорамол суякларидан ташқари, қадимда уйлашган туя (Camelus Bactrianus) суяклари ҳам топилган. Шундан Калтаминор маданияти вакиллари милоддан олдинги 7 – 6 минг йилликларда туяни ҳам

уйлаштирганлари ҳақида хулоса қилсак бўлади. Бу хилдаги туянинг тури йўқолиб кетганига Араб халифалиги истилосидан (VII-VIII асрлар) сўнг улар ўрнини Яқин Шарқнинг чопқир ва бир ўркачли туялари – дромадерларнинг Туронга тарқалгани сабаб бўлган. Натижада минтақа иқлимига мослашган бир ўркачли дурагай туя кўпайиб боради. Ҳозирги кунда Қозоғистон ва Туркманистонда учраб турган икки ўркачли туялар ҳам маҳаллий туялар бўлмай, Мўғулистон туялари туринининг вакилларидир. Улар бактрианусдан ўркачлари устида ва бўйнида қалин қора ёли ва соқоли билан фарқланади. Марказий Осиё қоятош суратларини ўрганган таниқли археолог М. Хўжаназаров қоятош суратлари орасида Хўжакент қоятош суратларини алохида жихатларини белгилаб ўтади. Хўжакент қоятош расмларида эчки подаларининг келиши ва уларнинг икки тарафга ажралиб кетиши тасвирланган. Ушбу эчки подаларининг олд қисмида ёш ва кичик эчкилар тасвирлари туширилган. Бундай расмлар манзараси Хўжакентда 6 мартотаба такрорланади. [9, С. 7] Хўжакентдаги архарлар асосан, югураётган ҳолатда, шохлари буралган, калта ва бақувват оёқлари билан тасвирланган. Айрим жойларда ушбу суратлар эчкилар, одам ва ноаниқ расмлар билан қопланган. Хўжакент суратларида белгиларнинг ҳам тасвирлари туширилган. Қоялардаги белгилар: эчкилар-49 та, архар-3 та, кийик-3 та, от-3 та, ҳўкиз-1 та, ит -2 та, одам-6 та, белгилар-2 та, ноаниқ суратлар-17 тани ташкил қилади. Қорақиясойнинг юқори қисмидан 90 та қояга чизилган, 1015 та алоҳида расмлар ва манзаралар тасвири аниқланган. Якка тартибда чизилган суратлари ўзига хос. Булар аввало ҳайвонлар, жумладан, эчкилар, архарлар, туялар, отлар, бўрилар ҳамда ҳўкизларнинг расмларидир[11, б. 712]. Қоятош суратларининг жуда кўплаб намуналари Шарқий Помир худудидан аниқланган. Шарқий Помир (Помир платоси ёки Юқори помир) Тян-Шан, Кунлун, ҚоракамарваХиндикушнингбаланд тизмалари кесишмасида жойлашган. Бу худуд Осиёнинг энг баланд тоғли худудларидан бири бўлиб, ер шарининг инсоният яшаши учун энг оғир шароитга эга бўлган жойлардан биридир. Помирнинг ички баландликларига қараганда ташқилари бир мунча баланд бўлиб, қарийб 6000-7000 м баландликка эга. Помир тоғ тизмалари денгиз сатхидан 3600-4200 м баландликда бўлган кўплаб кўл қозонлари ва дарё водийлари тизимини ўзида жамлаган. Унинг 1000-2000 м баландлик қисми денудацион жараёнлар таъсирида қуруқлашган. Помир Тибет билан таққослаганда дунёдаги энг қахратон тоғли чўлларга эга бўлган худуддир. Унинг асосий ҳусусиятлари катта баландлик, қишда камқор қисқа ёзда эса намли иқлим учун хизмат қилувчи кескин континенталлик ва қурғоқ мухит ҳисобланади. Йиллик хаво харорати амплитудаси 73º С. Бу минтақа Тибет фаунасининг ғарбий форпости хисобланади. “Дунё томи”нинг қахратон иқлими ботаниклар тили билан айтганда “хаёт учун хатарли” хисобланади. Йирик хайвонлардан хисобланган Марказий осиё кўчқори (Ovis ammon L.) ва тоғ эчкиси кўп тарқалган (Capra sibirica Pal.). Қўтос ва ёқ (Bos mutus P.)

Помирнинг хос уй хайвонларидан бири ҳисобланиб, ахолини юқори сифатли сут ва гўшт махсулотлари билан таъминловчи асосий манба хамдир. Помир тоғларида айиқнинг икки тури (лот.Ursus isabellinus, Химолай тури ва Ursus leuconyx, Тянь-Шан тури), бўри (лот. Canis Lupus), қор барси (лот. Uncia uncia), қуён (лот. Lepus tolai), суғур (лот. Marmota menzbieri), кийик (Capra sibirica),тоғ эчкиси (лот. Ovis ammon ammon), архар (лот. Ovis ammon) ва бургут, ғоз, ўрдак, гагар, улар (Megalepedrix tibetana) каби кўплаб қушлар [5, с. 269] тарқалган. Шахта ғорида аниқланган ов сахнаси суратларида инсонлар билан бирга туяқуш, тўнғиз ва айиқ каби жониворлар хам тасвирланган[3, с. 70-81; 7, с. 250]. Қизиғи шундаки туяқуш (лот. Struthio camelus camelus) Марказий Осиё фаунасига хос бўлмаган жонивор. Бу ўринда айтиш мумкинки, қадимда бу жонивор билан шу худудда яшовчи ахоли таниш бўлган, ёки қадимда Марказий Осиёда туяқушлар бўлган. Ушбу хайвонларнинг қадимги турлари Шарқий Помирнинг қоятош суратларида акс этган бўлиб, бу ерда 50 дан ортиқ петроглифлар жамланмасида ўша даврнинг хайвонот олами тўғрисидаги бир қатор қимматли маълумотларни беради. Шу каби қоятош суратлари кўплиги ва хилма-хиллиги Сват, Гилгит, Хунза, Ладак, Тибет ва Афғонистон тоғли ўлкаларида хам кузатилган. Ушбу қоятош суратларининг асосий қисми дарё водийларида, айниқса Панж дарёси водийларида кенг тарқалган. Шу каби петрофглифлар Язғулом ва Гунт иромқлари водийларида ҳам кузатилади. Бу худуддаги петроглифлар концентрацияси ахолининг дехқончилик учун қулай шароитга эга бўлган тор водий атрофларида, баланд қоялардан тушган дарё қирғоқларида жойлашганлигидадир. Яна бир петроглифлар жамланмаси ахолининг анъанавий ёзги ёйловларидан бири бўлган Вобастдара худудид ҳисобланади. Бундан ташқари Даршай дарёси ва унинг ирмоқлари қирғоқларидаги Абдуқахор, Жамак, Қўйтезак, Оқтош каби жойлардаги кўплаб қоятошлар нишабликларида ҳам суратлар учрайди. Лангар қоятош суратларида жахонга машхур карвон йўллари ва савдоси тасвирлари туширилган ҳамда ушбу қоятош атрофларида жойлашган қалъалар қадимги манзилгохлар бу худуд қадимдан инсоният томонидан ўзлаштириб келганлигидан далолат бериб туради. Жуда кўплаб қоятош суратлари аввалги қоятош суратларининг устига чизиб борилганлиги уларнинг ўрганилишида бир қанча қийинчиликларни юзага келтиради. Кўплаб қоятош сюжетлари ов жараёни билан боғлиқлиги бу ерларда ов қилиш учун қулай шароит бўлганлигидан далолат бериб туради[2, с. 36]. Суратлар алохида сирпалган яланғоч қоятошларга ёки алохида тошларга вертикал ва горизонтал холда туширилган. Помир тоғлари қоятош суратларининг энг қадимгиси сифатида Шахта ғори суратлари эътироф этилади. Ушбу суратлар таниқли олим В.А. Ранов томонидан тош пластиналари ва учириндиларига таққосланган холда мезолит даври ва илк неолит даври (милоддан аввалги VIII-V минг йилликлар) га оид дея даврлаштирилган [8,

с. 76]. Охирги 10 минг йилликда баландлиги 500-600 м бўлган йирик тектоник кўтарилишлар натижасида Помирда бир нечта йирик иқлим ва ландшафт ўзгаришлари содир бўлган. Помир платоси ва унинг атрофларидаги тектоник кўтарилишининг кучайиши натижасида иқлим кескин совиши ва қуруқлашиши кузатилган. Бироқ сак даврига келиб Помир иқлими хаёт учун бир мунча қулай бўлиб, дашт қисмида ўсимлик қатлами ҳам бой бўлган (эр. авв. VIII-III асрлар)[7, с. 103]. Хозирда сувсиз қурғоқ бўлган бу худудларда ўша даврда сак қўрғонлари тарқалиши яққол гувоҳлик беради. Помирнинг сўнгги чўллашуви эр.авв. I минг йиллик ўрталарига тўғри келиб, Ўрта Осиёнинг бу туманларида археологик ёдгорликлар сони кескин қисқариши кузатилган. Энг совуқ давр мил. авв.III-аср охири I-аср бошига тўғри келади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, петроглифларнинг йирик манзилларида сурат галереялари композицияли тарзда, турли сюжетларда тошларга ўйиб ишланган. Бу тошлар бағрида ўша давр фауна ва флораси, инсонлари хаёти, турмуши, иделлари, эътиқоди ва маданияти тасвирланган бўлиб, улар бугунги кунда жуда катта тарихий манба вазифасини ўтаб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Холматов А.Н. Нурота тоғ тизмаси қоятош расмлари техника-типологияси ва тарихий таҳлили. Тарих фанлари фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд. 2019
2. Бубнова М. А. Горно-Бадахшанская Автономная Область. Западный Памир (памятники каменного века – XXв.). Археологическая карта Таджикистана.- Душанбе, 2008.
3. Ранов, В.А. Рисунки каменного века в Гроте Шахты. Советская этнография. 1961.
4. Х. Ойназаров. Зарабоғ тош суратлари //. Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги: меросийлик ва инновация. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. СамДУ. 2019 й.
5. Массальский В. И. Памир, нагорье // Энциклопедический словарь Брокгауза И Ефрона. СПб. 1890-1907.
6. Сидоров Л. Ф. Природа Памира в четвертичное время. Л., 1979.
7. Рахимов Н.Т. Энциклопедия наскального искусства Памира // Номаидонишгох. №1.50.2017.
8. Rock Art in Sentral Asia. A thematic study. Edited by Jean Clottes.Paris. ICOMOS, 2011.
9. Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая. Самарканд, 1995. С.7.
10. Хужаназаров М.М. Региональный научно-методологический семинар ЮНЕСКО-МИЦАИ по подготовке серийной номинации «Наскальное искусство Центральной Азии», 3-5 марта 2009 г., Самарканд, Узбекистан.//Вестник МИЦАИ. Вып, 9. – Самарканд, 2009. - С. 59-61.
11. Мухтаров Г.А. Расположение и ландшафт недавно обнаруженных наскальных изображений на территориЧаткальского хребта // Мозийдан садо. №SI-3. 2021. С. 710-714

ЁРКАТ РУСТОҚИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА

А.Н. САНДИБОЕВ, Самарқанд археология институти

Аннотация: Мақолада Самарқанд Суғдига қарашли бўлган Ёркат рустоқининг тарихий топографияси ва локлизацияси хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: *Ёркат, Усманд, Зарафшон, Новқа, Дунётепа локализация, топография.*

Аннотация: В статье комментируются историческая топография и локализация рустак Ёркат, расположенных Самаркандского Согда, упоминаемых в средневековых арабских источниках.

Ключевые слова: *Яркат, Усманд, Зерафшон, Навка, Дунятепа, локализация, топография.*

Annotation: The article comments on the historical topography and localization of rutak, as Yarkat located in Samarkand Sogd, mentioned in medieval Arabic sources.

Keywords: *Yarkat, Usmad, Zarafshan, Navka, Usmand, Dunyatepa, localization, topography.*

IX-XII асрларда Марказий Осиёда илм-фан, савдо-сотиқ муносабатлари ҳамда маданий алоқалар ривожланди. Бу даврда ислом дунёсининг географик хариталарини тузиш ҳамда уларни тавсиф қилиш, шаҳарлар, рустоқлар, қишлоқлар орасидаги масофалар, тарихий топография, табиий - географик бойликлар ва бошқалар ҳақидаги қимматли маълумотлар тўпланиб, тавсиф қилина бошлади. Шу жихатдан ҳам ўрта асрлар даври ёзма манбаларида қайд этилган шаҳар ва қишлоқларнинг тарихий топографияси, локализацияси, уларнинг Буюк Ипак йўли тараққиётига қўшган ҳиссаларини ёритиш бугунги куннинг долзарб мавзусига айланмоқда. Зеро, Марказий Суғднинг ўрта асрлар даври тарихини ёзма ва археологик манбаларни умумлаштирган ҳолда тадқиқ этиш асносида давлатчилик тарихига оид бўлган муҳим маълумотлар олиш имконини ҳам беради.

IX-XII асрларга оид араб манбаларида жумладан, ал-Истахрий, ибн Ҳавқал ва ал-Муқаддасий асарларида Самарқанд Суғдига қарашли бўлган рустоқлар (Бунжикент, Варағсар, Шовдор, Маймурғ, Санжарфағн, Абғар, Ёркат, Бурнамад, Бузможан, Кабуданжкат, Видор, Марзубон) ва шаҳарларнинг (Иштихон, Кушония, Дабусия ва Арбинжон) номлари келтирилган (Истахрий, 2019. Б. 162-165; Ибн Ҳавқал, 2011. Б. 61-64; El-Makdisî’nin, 2018. C. 225; Бартольд, 1963. С. 144; Сандибоев, 2021. Б. 11). Манбаларда Ёркат рустоқ сифатида тилга олиниб: “*бу рустоқида жоме масжид йўқ. Унинг суви табиий манбалардан келади, шунинг учун ҳам аҳоли ас-Суғд дарёсига бормайдилар. У ерда лалимикор ерлар ва сойларнинг суви*

билан суғориладиган ерлар бор. Даштлари кўп, ўтлоқлари кенг ва мўлдир. Ёркатга Самарқанд томондан Бузмажон номли рустоқ туташади (Истахрий, 2019. Б. 162-165; Ибн Ҳавқал, 2011. Б. 63.), деб маълумот беради. Ал-Муқаддасий эса «*Ёркет Суғд дарёсининг шимол томондаги рустоқлардан (Бузмажон, Кабуданжакат, Видор, Марзубон) энг каттаси бўлиб, Уструшона чегарасида жойлашган. Бу ердаги далалар қудуқлардан олинган сувлар билан суғорилади. Уларнинг яйловлари ёмғир суви билан суғорилади»*, деб ёзади (El-Makdisi'nin, 2018. S. 236.). Ҳофизи Абрунинг “География” асарида эса Самарқандга қарашли бўлган Шовдор, Ўратепа, Штихан, Коранд, Ёр-Яйлоқ, Мутафаррика, Дизақ ва Шероз ҳамда Анҳори Жадид туманлари қаторида Ёркатнинг номи ҳам келтириб ўтилган. Асарда Ёркат тумани Самарқандга қарашли бўлиб, у булоқлар ва сойлар ёрдамида суғорилиши зикр этилган (Бўриев, 1997. Б. 81). Ан-Насафий ва ас-Самъонийларнинг қайд этишича, бу қишлоқда Ёркасий таҳаллуси билан яшаган шайх, имом ва фиқҳ илмининг билмдонлари яшаб ижод этган (Ан-Насафий, 2001. Б.176; ас-Самъоний, 2017. Б. 241). Шу ўринда ёзма манбаларда қайд этилган Ёркат рустоқи тадқиқотчилар томонидан Нурота тоғ тизмасининг Қўйтош, Ғўбдин ва Қароқчитоғ оралиғидаги кенг ҳудудда, яъни Ғаллаорол тумани билан локализация қилинган (Раимқулов, 2022. Б. 16). Аммо, манбаларнинг илмий таҳлилига кўра, Ёркат Суғд дарёсининг (Зарафшон дарёси) шимол томонида жойлашгани ҳамда Уструшона билан чегарадош бўлгани келтириб ўтилган. Шунингдек, XVI-XVIII асрларга оид бўлган Шоҳ Неъматуллоҳу Валейга қарашли вақф ҳужжатларида Ёркат туманига қарашли Боғи Мозор ҳамда Арахшид қишлоқларининг номлари учрайди (Welsford, Tashev., 2012. S. 265-267, 269, 271). Яъни, шайбонийлар, аштархонийлар ва Бухоро хонлари томонидан берилган ёрлиқларда Ёркат туманига қарашли бўлган Боғи мозор ва Арахшид мавзелари Шоҳ Неъматуллоҳу Вали авлодларининг вақфи бўлган (Бузруков, 2017. Б. 112). Вақф ҳужжатларда қайд этилган Боғи Мозор мавзеси ҳозирги Бахмал туманига қарашли Мўғал қишлоғида жойлашган. Шундай экан Ёркат рустоқи Бахмал туманини ўрнида бўлган. Бахмал тумани Новқа номли қишлоқ ҳам жойлашган. Шу ўринда ас-Самоъний асарида Самарқанд Суғдига қарашли бўлган Наво, Навканд, Навкадак ва Нувайдак номли қишлоқларнинг номлари қайд этилган (ас-Самъоний, 2017. Б. 236). Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдулланома” асарида келтирилишча 1569 йил Самарқанд учун бўлган жангда Абдуллахон Сулаймон султонга Миёнқолнинг ҳамма сипоҳи билан Навқо мавзесига бориб туришлиги тўғрисида фармон бергани келтириб ўтилган. Тадқиқотчилар томонидан «Абдулланома» асарида қайд этилган Навқо мавзесини муқаддас зиёратгоҳ Бахмал тумани Мўғал қишлоғида жойлашган Новқа ота билан локализаия қилинган (Бухорий, 1999. Б. 314, 359; Оға Бургутли, 2008. Б. 9). Аммо, XVII-XIX асрларга оид бўлган вақф ҳужжатларида Навқо қишлоғи Миёнқолнинг ғарбида жойлашганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди (Welsford, Tashev,

2012. S. 1-7,13). Шунингдек, бу қишлоқ XII аср манбаларида Навказак тарзда келтирилиб, у Ишихонга қарашли бўлган. «Абдулланома»да асарида қайд этилган Навқо мавзеси хозирда Каттақўрғон туманига қарашли Қирғиз ва Бешдарғат қишлоқлари орасида жойлашган. Шу ўринда, Марказий Суғднинг жануби - шарқий чегаралари Туркистон тизмаларининг шимолий ёнбағирлари бўйлаб шарққа, Уструшонанинг ғарбий ҳудудлари томон анча ичкарига кириб борганлиги тўғрисида маълумотлар бор (Пардаев, 2020. Б. 91).

Ас-Самъоний Самарқанд қишлоқларидан бири бўлган Усманд ҳақида ҳам маълумот бериб ўтган (Ас-Самьани, 2018. С. 202). Асарда келтирилишича Ас-Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал-Усмандий 1095 йилда Усмадда таваллуд топган бўлиб, 1157 йилда вафот этган. Ал-Усмандий фақиҳ ва муҳаддисшунос олим бўлиб, 14 дан ортиқ асарлар ёзган (Муҳаммадиев, 2021. Б. 13). Асарда қайд этилган Усманд қишлоғи ҳозирги Бахмал туманидаги Усмат ўрнида бўлиб, унинг марказини Дунётепа археология ёдгорлиги билан локализация қилиш мумкин. Ёдгорлик V-VIII, IX-XII асрлар билан даврлаштирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўрта асрларда Ёркат рустоқи ҳозирги Бахмал туманида жойлашган бўлиб, унинг ҳудудлари шимол томондан Сангзор дарёси, жануб томондан Туркистон тоғ тизмаси, жанубий-ғарб томондан эса Бузмажон номли рустоққа туташган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
МАНБАЛАР:

1. Ан-Насафий. Ал-қанд фий зикри уломои Самарқанд (Самарқанд уломалари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб) / Араб тилидан ўзбек тилига Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси. Тошкент, 2001.
2. Ас-Самьани. Китаб ал-ансаб. Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии / Шамсиддин Камолиддин. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018.
3. Ас-Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб). (VIII-XII асрда яшаган Ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот). Араб тилидан ўзбек тилига А. Бухорий ва К. Раҳимовлар таржимаси. Тошкент, 2017.
4. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал - ард / Араб тилидан ўзбек тилига Ш.С. Камолиддин таржимаси. Тошкент, 2011. Б. 63. Истахрий. Китаб ал-масалик вал-мамалик (йўллар ва ўлкалар китоби) / Араб тилидан ўзбек тилига Р.Т. Худайберганов таржимаси. Тошкент, 2019.
5. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шоҳий). Биринчи китоб. Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. Тошкент, 1999.
6. El-Makdisi'nin. El-Makdisi'nin Ahsenü't-Tekâsim fi Ma'rifeti'l // Ekâlim isimli eserinin değerlendirilmesi ve Türkçe tercemesi, Fatih Sultan Mehmet. Istanbul, 2018.
7. A Catalogue of Arabic-Script Documents from the Samarqand Museum / Thomas Welsford; Nouryaghdi Tashev. Intern. inst. for central Asian studies (IICAS). - Samarqand : IICAS, 2012.

МОНОГРАФИЯ, ИЛМИЙ МАҚОЛА, ИЛМИЙ ТЎПЛАМ ВА АФТОРЕФЕРАТЛАР:

1. Асланов А. Суғднинг ўрта асрлар даври тарихий топографияси // Тарих фанлари бўйича фалсафа докторли (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. I. – М., 1963
3. Бузруков М.Ж. Шоҳ Неъматуллоҳу Вали номи билан боғлиқ ҳужжатлар – муҳим манба // Тарихшунослик-манбашуносликнинг долзарб муаммолари. Конференция материаллари. Самарқанд, 2017.
4. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларда Марказий Осиё (Тарихий География лавҳалар). Тошкент, 1997.
5. Муҳаммадиев О. IX-XII асрларда Мовароннаҳр мотрудия калом мактаби ривожида Алоуддин Усмандийнинг ўрни (“Лубоб ал-калом” асари мисолида) // Тарих фанлари бўйича фалсафа докторли (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2021.
6. Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. Тошкент, 2008.
7. Пардаев М. Уструшонанинг ғарбий чегаралари ўрни ва ундаги рустак, шаҳар ва кентларнинг локализациясига доир // Ўзбекистон ва Марказий Осиё – жаҳон цивилизацияси тизимида. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази Самарқанд археология институтининг 50 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқаро илмий конференция материаллари. Сам., 2020.
8. Раимқулов А.А. Катта Суғд - Суғдиёна. Тошкент, 2017.
9. Сандибоев А. Маймурғ илк ўрта асрларда. Тошкент, 2021.

ИЛК ЎРТА АСРЛАР ХОРАЗМ ВОҲАСИ ТАНГА ПУЛ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

Р. НЕЪМАТОВ, Гул ДУ, Гулистон

Аннотация: Мазкур мақолада илк ўрта асрлар Хоразм воҳаси танга пул тизими ҳақида батафсил ёритилади.

Калит сўзлари*: Тангашунос олимлар, суғдий ёзувли тангалар, нумизматик материаллар, Уструшона, Хоразм тангалари, Б.И. Вайнберг.*

Аннотация: В данной статье подробно описывается раннесредневековая монетно-денежная система Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: *ученые-нумизматы, монеты с согдийской письменностью, нумизматические материалы, Уструшона, Хорезмские монеты, Б.И. Вайнберг.*

Annotation: This article describes in detail the early medieval Khorezm oasis coin money system.

Keywords: *numismatic scientists, coins with Sogdian writing, numismatic materials, Ustrushona, Khorezm coins, B.I. Weinberg*.

Илк ўрта асрлар Хоразм воҳаси тангалари асосан О.И.Смирнова, Э.В.Ртвеладзе, В.А.Лившиц, Е.В.Зеймаль, Б.И.Вайнберглар каби тангашунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ўша давр Суғд (Панч), Хоразм тангаларида ҳам MR’Y идеограммаси учраб, Панч ҳукмдорлигида у “афшин” унвонини, Хоразм ҳукмдорлигида эса “Хоразмшоҳ” унвонини

ифодалаган, деб ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Хоразм тангаларида ушбу идеограмма MLK’ идеограммаси билан бирга MR’Y MLK’ шаклида келади. Шунингдек, айнан қайси ҳукмдорлик томонидан зарб қилингани тўлақонли аниқланмаган бир томонида ҳукмдор ва малика тасвири, орқа томонида эса “хотун” унвон ўрин олган қадимги турк тангаларида ҳам MR’Y унвони ўрин олган тангаларида ҳам туркий унвондаги тангаларнинг учрашилигини кузатамиз.

Нумизматик материалларнинг тарихий манба сифатида аҳамияти шундаки, уларда ёзма манбаларда учрайдиган айрим нуқсонлар (хусусан, маълумотнинг етқазилиш даражаси, тил ва ёзув хусусиятларининг фарқлилиги натижасида исм, унвон ва атамаларнинг аслиятдан узоқлашиши ва ҳоказо) туфайли юзага келадиган англашмовчиликлар уларда кўп учрамайди. Шу жиҳатдан олганда, танга-пулларни ишончли ва собит тарихий манба сифатида баҳолаш мумкин.Хоразм илк ўрта асрларда ўзига ҳос бўлган ўз ҳукумдорларга эга сулолавий рамзларга эга бўлган ҳудуд сифатида ўз тангаларини зарб қилдирган. Илк ўрта асрларда Хоразм мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан фарқлироқ ўз бошқарув тарзига эга ҳукмдорлик эди. Айниқса, Суғд ва Тухористон Бухоро, Уструшонадан фарқли ўлароқ, бу ерда нисбатан марказлашган сулола (африғийлар) ҳукм сурганлигини кузатишимиз мумкин. Бу тўғрисида жахон ва юртимиз тарихчи олимларининг ёзма манбалар, ҳамда нумизматик материалларни таҳлил қилиш орқали олиб борган сўнги йиллардаги илмий тадқиқотларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу борада зомондош тарихчи олимларимиздан Ғ.Бобоёровнинг тадқиқотлари анча сермаҳсуллик касб этади. Тадқиқотчининг юртимизда илк ўрта асрлар даврида қарийиб иккки юз йил ҳукумуронлик қилган туркий сулолалар тарихига бағишланган тадқиқотларида Хоразм воҳасида мавжуд бўлган сулолалар алмашунуви масалаларига ҳам бир қатор фикрларини билдириб ўтган[3]. Хусусан, бу ҳудуддан топилган нумизматик материалларда қадимги Хоразм давлатчилик анъаналарига хос рамзлар жой олиши, стандарт ўлароқ *MR’Y MLK’* тарзида қўшалоқ унвон учраши диққатга сазовордир. Шунингдек, уларга ҳукмдор қалпоғи устида ўз даври мифологияси билан боғлиқ турли эътиқодий тимсоллар: туя, бургут каби ҳайвон тасвирларининг акс этиши хосдир (*расм 31-33*).

	Хоразм	Хоразмшоҳлар		*MR’Y MLK’*	VI-IX аср.

Воҳанинг исломдан аввалги нумизматикаси Б.И. Вайнберг томонидан ўрганилган бўлиб, қадимги хоразм ёзувлари акс этган тангаларни тадқиқ этиш мобайнида тадқиқотчи ёзма манбаларда, айниқса Абу Райҳон Беруний асарларида қайд этилган 22 нафар Хоразм ҳукмдоридан бир қанчасининг исмини топишга муваффақ бўлган[4]. Улар орасида *wzk’nšw’r* (Азкачвар, араб манбаларида Чағон) исмли ҳукмдор фаолияти Хоразм тарихига тааллуқли бир қатор масалаларни келтириб чиқаради. Чунончи, мазкур ҳукмдорга тегишли, деб тахмин қилинадиган тангада ўша давр Хоразм

тангаларига хос 𐽆 шаклли тамғадан (*расм 31*) фарқ қилувчи 𐽅 шаклли тамға жой олган бўлиб (*расм 32*), бу эса у Хоразмнинг бошқарувчи сулоласига мансуб бўлмай, асли чағониёнлик туркий сулолага мансуб ҳукмдор, мазмундаги фикрлар билдирилишига сабаб бўлди[5]. Масаланинг қизиқ томони, ушбу тамға Ғарбий Турк хоқонлигининг VII асрнинг иккинчи чорагида зарб қилина бошлаган тангаларидаги тамғаларга жуда яқин келади (*таққосланг*. 𐽅 - 𐽄/𐽃). Маълумки, бу даврда Чағониён, Хуттал, Кумед, Воҳон каби Тухористоннинг ўнлаб кичик ҳукмдорликларида туркий сулолалар ҳукм сурган бўлиб, ўлканнинг бир қанча тангаларида хоқонлик тамғасига ўхшаш тамғалар жой олган.

Қисқача қилиб шуни айтмоқчимизки кейинги йилларда Хоразмнинг исломдан аввалги даврига тааллуқли кўплаб янги нумизматик материаллар топилмоқда. Фақат бу соҳада тадқиқот олиб борувчи мутахассислар ниҳоятда кам. Шу боис, Хоразм тангаларининг давлатчилик тарихини ўрганишда манба сифатидаги ўрни етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда.

VI-VIII асрларда Ўзбекистон худудида заб килинган тангалар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – С. 32-35, 324-333.

2. Алманов Қ.О.Ғарбий Турк ҳоқонлиги даврида Уструшона тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисертация.-Қарши 2021.
3. Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу об употреблении титула *MR’Y* в Средней Азии в эпоху раннего средневековья // Согдийский сборник. Вып. 2. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2015. –С. 89-92.
4. Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18-40.
5. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. М., 1977. С. 57, 60, 81; Беруни, Абу Рейхан. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А. Салье // Бируни. Избранные произведения. Т. 1. Т., 1957.
6. Гудкова А.В. Ток-кала. Т., 1964. С. 120.

Г.П. СНЕСАРЕВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЧАП ҚИРҒОҚ КАТ-ҚАЛЪА ТАРИХИГА ДОИР ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

Б.П. САДУЛЛАЕВ, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси

Аннотация: *Мазкур мақолада Г.П.Снесаревнинг ёдгорлик атрофида ва Амударёнинг ўнг соҳилидаги Беруний шаҳрида маҳаллий аҳоли вакиллари билан олиб борган изланишлари Чап қирғоқ Кат-қалъа тарихининг бевосита қадимий пойтахт Кат билан боғланганлигидан далолат беради.*

Калит сўзлар: *Г.П.Снесарев, Чап қирғоқ Кат-қалъа, Шоббоз бобо, Шайх Аббос вали.*

Аннотация: *В данной статье освещается, проведенные исследования Г. П. Снесарева с представителями местного населения в памятнике Левобережье Кат-кала история которого непосредственно связано с древней столицей Кат.*

Ключевые слова: *Г.П.Снесарев, Кят левобережный, Шаббаз баба, Шейх Аббас вели.*

Annotation: *This article, The researches, conducted by G.P. Snesarev with the representatives of the local population near this monument and in Beruni city on the right bank of the Amudarya river, testifies the relation direct of the history of the left-bank Kyat-qala with the the ancient capital Kyat.*

Keywords: *G.P.Snesarev, left-bank Kyat-qala,Shabbaz Baba, Sheikh Abbas Vali.*

Бизга маълумки, ҳар бир тарихий ёдгорликни тадқиқ қилиш жараёнида унинг номи билан ёки қурилиш тарихи билан боғлиқ халқ оғзаки мероси, жумладан ривоят ва афсоналарга дуч келамиз. Биз тадқиқ қилаётган объект қуйи Амударё ҳавзасининг чап қирғоғида жойлашган Кат-қалъа

археологик ёдгорлигидир. Мазкур ёдгорлик Урганч шаҳридан 25 км шимоли-ғарбда, Шовот тумани Кат-қалъа маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Трапеция шаклидаги ёдгорлик деворларининг излари тепалик сифатида яққол кўзга ташланиб туради. Чап қирғоқ Кат-қалъа тарихига доир ривоят ва афсоналар алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган ва тадқиқот объекти сифатида умумлаштирилмаган. Шаҳар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар жуда қисқа ва бир-бири билан боғланмайди. Уларни умумлаштириш мушкул. Шундай бўлса-да, этнографик тадқиқотлар жараёнида тўпланган афсона ва ривоятларни ёдгорлик тарихининг ажралмас бир қисми сифатида келтириб ўтамиз. Ёдгорлик тарихи учун бу маълумотларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, қалъа тарихининг асосан кейинги 300 йиллик тарихи билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади. Тадқиқ қилинаётган Чап қирғоқ (янги) Кат шаҳри қадимий пойтахт ўнг қирғоқдаги эски Кат тарихи билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу борада Хоразм вилояти ҳудудида Г.П.Снесарев бошчилигида олиб борилган этнографик тадқиқотлар натижалари жуда муҳим[Толстов ва бошқалар 1963, 22; Аржанцева 2016, 233-234]. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёдгорлик тарихи билан боғлиқ аксарият маълумотлар қисқа бўлса-да, асосан Г.П.Снесарев изланишларида ўз аксини топган. Узоқ йиллар давомида Хоразм археология этнография экспедицияси таркибида Хоразм воҳаси ўзбекларининг этнографиясини тадқиқ қилиш жараёнида улар яшаб турган ҳудудлардаги жой номлари тарихи, уларнинг келиб чиқиши, афсона ва ривоятларига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Г.П.Снесаревнинг ёдгорлик тарихига оид тадқиқотлари 1958-1960 йиллар давомида амалга оширилган.Тадқиқотчи бошчилигидаги ўзбек этнографик гуруҳи Хоразм вилояти Шовот тумани ҳудудида изланишлар олиб бориш жараёнида Чап қирғоқ Кат-қалъа атрофидаги аҳоли вакиллари билан ҳам суҳбатлашиб ёдгорликка алоқадор бир қанча маълумотларни тўплайди [Снесарев 1983, 58, 126-129; Снесарев 1969, 30, 284].

Афсоналардан бирида бу шаҳар Эрон достонларида баҳодир жангчи сифатида тасвирланган афсонавий Рустам қаҳрамонликларининг саҳнаси ҳисобланган ва шубҳасиз, бу образ ҳақидаги ҳикояга Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари ўз таъсирини ўтказган. Афсонага кўра, у Катга ўлдирилган бобоси қасосини олиш учун келади. Баҳодир Рустам ҳийла ишлатиб туз савдогари қиёфасида ўзининг аскарлари билан шаҳарга кириб олади ва бобосини ўлдирган ҳукмдордан қасос олади. Ушбу сюжет “Шоҳнома”даги Мис қалъанинг забт этилиши сюжетини эслатади[Снесарев 1983, 58].Шу билан бирга, бу афсонанинг етакчи сюжети афтидан Сиёвушнинг қасос олиш мотивидан олинганга ҳам ўхшайди. Агар Сиёвуш фаолияти Хоразм билан боғлиқ бўладиган бўлса, воҳадаги афсоналарда қасос олиш мотивининг машҳурлиги алоҳида аҳамият касб этади[Снесарев 1969, 284]. Хоразмнинг у ёки бу қадимий шаҳарлари ва қалъаларининг барпо этилиши ҳақида гап кетганда тарихий ривоятларда девлар ҳақидаги

афсоналарга ҳам дуч келамиз. Дев сиймоси кўпинча қурувчи, яратувчи тимсолида ҳам гавдаланади. “Шоҳнома”да подшо Жамшид девларни лой қориб, ғишт тайёрлаш ва иншоот барпо этишга мажбур қилганлиги баён қилинади ва шу тариқа меъморчилик вужудга келган экан[Снесарев 1969, 62].Хоразмнинг афсонавий подшолари ҳам улар ёрдамида ўзларининг таниқли шаҳар ва қалъаларини барпо этганлар. Хоразмдаги баъзи ёдгорликларнинг вужудга келишида (Чилпик, Тўқ-қалъа) девлар билан боғлиқ афсоналар кенг тарқалган. Кўплаб ёдгорликларнинг эса бевосита топонимида (Девкесган, Девсолган, Дев-қалъа) акс этади[Ғуломов 1959, 35; Гудкова 1964, 150; Ходжаниёзов 2007, 17-18; Снесарев 1969, 29-30, 62].

Г.П.Снесарев Шовот туманидаги этнографик тадқиқотлар давомида қариялардан тўплаган маълумотларида Чап қирғоқ Кат-қалъанинг қурилишида девларга боғлиқ афсона ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Афсонага кўра,Кат-қалъани девлар бир кечада қурган эмиш. Шунинг учун ҳам ҳалқ уни “Девсолган қалъа” деб атаган экан[Снесарев 1969, 30].

Ҳозирги кунда ҳам Шовот тумани Кат-қалъа қишлоғи аҳолисининг ёши катта вакилларидан баъзилари билан суҳбатда “Девсолган” номини эслатиб ўтадилар.Шу жумладан, қишлоқдаги 5- сон мактабнинг нафақадаги ўқитувчиси Пиров Илҳом ҳам чап қирғоқ Кат-қалъани “Девсолган” номи билан аталганини қариялардан эшитганлигини таъкидлайди[7].

Г.П.Снесаревнинг этнографик дала тадқиқотларида ўнг соҳилдаги эски Кат билан боғлиқ ривоят, афсоналар аксарият ҳолларда чап соҳилдаги Кат билан бевосита боғлиқ ҳолда ўрганилади[Снесарев 1983, 125-129]. Айниқса, сўнгги юз йилликларда шаклланган афсона ва ривоятлардан қадимий Кат шаҳри билан алоқадор Шоббоз бобо билан боғлиқ ҳикоялар ўта муҳимдир. Шуни қайд қилиш лозимки, ўнг соҳилдаги пойтахт Кат ўз тарихи давомида кўп марталаб Амударё тошқинларига дучор бўлиши натижасида аҳолининг бошқа жойларга кўчиши ҳам тез-тез содир бўлиб турган. Бу тошқинлардан бири ҳақида Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ҳам эслатиб ўтади. Анушахон даврида ҳам навбатдаги тошқинлар унинг аҳолисининг янги жойга кўчирилишига сабаб бўлган. Ривоятларга қараганда, эски Кат аҳолиси Шоббоз бобо қарғишига учраган экан. Шу сабабдан ҳам Кат шаҳри тез-тез сув тошқинларига дучор бўлиб турган. Шайх Аббос Вали – авлиёнинг номи, шаҳар ҳомийси ҳисобланади. Айнан мана шу авлиё билан боғлиқ афсона, Г.П.Снесарев томонидан маҳаллий аҳоли вакили Пиржонов Беким билан суҳбат асосида ёзиб олинган. Афсонага кўра, “Шайх Аббос Валига қадар Катда зулмкор подшоҳ Дақи-Юнус ҳукмронлик қилган экан. Бу ердаги барча ер-мулклар унинг шахсий мулки ҳисобланган.Дақи-Юнус хизматида қуллар ҳам бўлган. Ҳозирги кунда ҳам қалъа деворларида тик ҳолатда учрайдиган скелетлар–Дақи-Юнуснинг қуллари экан. Девор

[7]Дала ёзувлари, ХоразмвилоятиШоваттумани, Кат-қалъақишлоғи, 2021 й.

қурилиши даврида вафот этган қулларни шу заҳотиёқ девор орасига суваб (шуваб) ташалар эди. Г.П.Снесарев авлиё ҳақидаги малумотларни тўплар экан, уларнинг турлича мазмунда эканлигига эътибор қаратади. Шайх Аббос Валининг келиб чиқиши ҳақида шоббозлик қария Насрулло махсумдан қуйидаги маълумотларни келтирган: “Шайх Аббос Вали маҳаллий аҳоли вакили бўлмаган, балки Туркиядан келган. Унинг отаси бўлмаган, онаси эса оғир касал ҳолда ётган. Бир куни у ўғлини чақириб, унга шу сўзларни айтади: “Мен бугун ўламан, сен мени дафн қилиб, ўзинг Хоразмга равона бўл. Сен у ерда бирор мулкнинг подшоҳи бўласан”. Онасини дафн қилиб, Шоббоз бобо Хоразмга келибди. Бироз вақтгача бу ерда ҳукмронлик қилибди. Кейин ҳаммасини тарк этиб, сўфийлик йўлига ўтибди ва катта шайх бўлиб етишибди”[Снесарев 1983, 126-127]. Шусиз ҳам бир-бирига қарама-қарши бўлган авлиё Шоббоз бобо ҳақидаги маълумотлар Амударёнинг чап соҳилидаги Кат қалъа (Шовот тумани) атрофидан олинган ҳикоялар асосида янада чуқурлашади. 1958-1960йилларда Г.П Снесарев Хоразм вилоятининг Шовот тумани ҳудудида этнографик маълумотларни тўплар экан, чап соҳил Кат-қалъа ва унинг атрофини обдон тадқиқ қилади. “Ўша йилларда бу ёдгорлик деворлар билан ўралган ярим вайрона ҳолда кўзга ташланарди. Аҳолиси асосан атрофдаги қишлоқларга кўчиб ўтган эди. Қалъа ичида фақат 2-3 та оила истиқомат қиларди”[Снесарев 1983, 127].

Г.П Снесарев бу ердаги маҳаллий аҳолидан эшитган ривоятлари асосида Чап қирғоқ Кат-қалъанинг тарихи ва аҳолисининг келиб чиқиши ҳақида маълумотлар тўплайди. Чап қирғоқ Катнинг тақдири Шоббоз бобо афсоналари билан чамбарчас боғлиқдир. Г.П. Снесарев тадқиқот олиб борган вақтда Хоразмнинг қадимий пойтахти ўнг қирғоқ Кат (Шоббоз) аҳолисининг чап қирғоқдаги янги Катга кўчирилиши ҳақидаги бир қанча ривоятлар ўша пайтдаги катта авлод вакиллари ҳотираларидан ҳали кўтарилмаган эди.

Қадимий пойтахт Кат аҳолисининг янги жойларга кўчиш масаласи Амударё оқимининг йўналиши ва тошқинлар билан алоқадор табиий офатларга боғлиқдир. Бу борада албатта бир қанча манбаларда, шу жумладан Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ҳам маълумотлар келтирилади:“Ал-Фир 10 милча ва ундан ҳам кўпроқ масофадан кўринар эди. Уни Жайхун ҳар йили оз-оздан қирғоқларини ювиб кетарди ва Искандар тарихининг 1305йилида ундан ҳеч нарса қолмади” [Беруний 1968, 71]. Ўнг қирғоқ Кат-қалъанинг Амударё билан боғлиқ яна бир маълумоти хивалик тарихчи Шермуҳаммад Мунисниng XVII аср воқеаларини баён қилиш жараёнида эслатилади: “Анушахон(1663-1683) ҳукмронлиги даврида ўнг соҳилдаги Кат сувсиз қолади.Шу сабабдан Амударёнинг чап соҳилида янги Ёрмиш қаналини қаздириб, унинг ёнида қалъа қурдиради ва аҳолини мана шу янги шаҳарга кўчиради. Бу қалъа янги Кат номини олади” [Ғуломов 1959, 200].

Афтидан, Кат-Шоббознинг сув тошқинларига дучор бўлиши ўрта

асрларда ҳам, янги даврда ҳам тез-тез кузатилган. Шоббоз қарияларининг шунга ўхшаш офатнинг 1902 йилда содир бўлганлигини Г.П.Снесарев ҳам ёзиб олган[Снесарев 1983, 128]. Ҳамма вақт Кат-Шоббоздан кўчирилган аҳоли ҳақида суҳбат кетадиган бўлса, доимо Шоббоз бобо авлиё ҳақида ҳикоя бошланарди. Шаҳар ва унинг аҳолисининг бошига тушган турли офатларга сабаб, уларнинг Шоббоз бобо авлиёнинг қарғишига учраганлиги эмиш. Ушбу ҳақдаги афсона ва ривоятлар узуқ-юлуқ ва чалкаш-чулкаш, уларни бир-бирига боғлаш жуда мушкул. Бироқ уларнинг мазмуни қуйидаги фикларни юзага келтиради: “Кат-Шоббоз шаҳрида аҳоли икки гурухга ажратилган: “катли” ва “шотли”. Бу бўлиниш нимани англатишиҳозиргача номаълум. Афтидан, шаҳарнинг икки маҳаллага бўлиниши назарда тутилган бўлса керак. Кунлардан бир куни “катли”лар авлиёни қаттиқ ҳақорат қиладилар, яъни уни похолбош кийимини ёқиб юборадилар ва бунинг учун шайх уларни лаънатлайди. Баъзи ривоятларга қараганда, айнан манашу “катли”лар чап қирғоққа кўчиб ўтишган. Бу борада Г.П.Снесаревнинг Чап қирғоқ Кат атрофидаги 54 ёшли Жамол хўжадан олган маълумоти жуда қизиқарли: Бу ерларга келганлардан бири Шайх Аббос Валининг дўпписини ёқиб юборган. Шоббозликлар биз ҳақимизда “Шоббознинг дўпписига ўт қўйган катли” дейишади. Агар кимдир Чап қирғоқ Катдан ўнг қирғоққа ўтадиган бўлса, уни қувиб ҳайдаб солганлар”[Снесарев 1983, 128-129]. Демак, Шайх Аббос Вали ўнг қирғоқдан қадимий Катнинг пири-ҳомийси-ҳимоячиси бўлган. Ҳатто у ҳақида қуйидаги мақол ҳам шаклланган: “Иш бошинда Шайх аббос, ош бошинда – мингшоввоз” [Снесарев 1983, 129]. Шоббозликларнинг пири-ҳомийси Шайх Аббос Валининг яшаган даври, унинг туғилиши ва ўлими ҳақида аниқ далилларни келтириш анча мушкулдир. Фақатгина унинг вафоти билан боғлиқ маълумотлар мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, у 1188 йилда[Снесарев 1983, 127], баъзи маълумотларга кўра XIII асрда вафот этган[Ғуломов 1959, 212]. Шу аснода биз Қамариддин Эшон Муҳаммад Карим Эшон ўғли ҳамда Комилжон Дурди Қилич ўғли томонидан ёзилган “Тазкиратул авлиё, ёҳуд Хоразм диёрида мадфун бўлган авлиёлар зикри” рисоласида Шайх Аббос валий ҳақида қизиқарли яна бир манбага дуч келамиз: “Ул Ҳазрат баъзи ривоятларга қараганда, мутассаввуф имом, ҳужжатул ислом Муҳаммад Ғаззолий билан қариндош ҳамда ҳамсабоқ эканлар;Хоразм диёринда сужжоданишин[8] бўлиб шайхлик тариқин ошкора қилиб, ҳалойиққа тасаввуфни билдирган киши ҳам ул зот эканлар. Ул зоти шариф Жайхун (Аму) дарёсининг шимол тарафинда Кўҳна Кат деган ерда мадфундурлар. Нақлдурким, ул азиз ул мавзега келиб деҳқончилик қилган эрмишлар. Ул мавзенинг одамлари гоҳо озор берар эканлар. Ул азиз айтар эканлар: “Ўз элимиздан ҳақорат кўрмак бизларга суннат”, - деб. Зероки, Султони анбиё Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам қурайшийлар кўп озорлаган

[8]“Сужжоданишин”, аниқроғи “сажжоданишин” (سجادهنشين) – “сажжода” (سجاده) - жой намоз, “нишин” (نشين) - ўтирмоқ, яъни жой намоз устида ўтириб доимий ибодатда бўладиган киши.

эканлар. Гоҳо ул азиз бошларича ҳас – чўпдан соябон қилиб, иссиқда экин ўрар эканлар. Бир куни шулдастурда ўтоғ ўтаб, ҳориб ётган эканлар, бошларидаги чўпдан бўлган соябонни бир бемаъни ўтга ташлабди. Ул хазратнинг диллари қаттиқ оғриб турур. Дили оғриганлари соябон ўтда ёнганига эмас, балки шул мавзедада яшаётганларнинг беҳурмат ва беандишалиги учундир. Шунинг учун соҳил халқининг қатталарига бебошларини ёмон йўлдан қайтармаганлари учун бад дуо қилган дейишади.Ривоятларга қараганда вафоти тарихлари “Соҳиби замон” дур. – 784 ҳижрий”[Қамариддин Эшон Муҳаммад Карим Эшон ўғли, Комилжон Дурди Қилич ўғли 1997, 6-7].[9] Ушбу тарихдан кўринадики, Шайх Аббос валининг вафотлари милоднинг 1382 йилига тўғри келади.

Шундай қилиб, XX аср ўрталарида Шайх Аббос Вали ҳақидаги афсоналар асосан, ўнг қирғоқ Кат, яъни Шоббоз аҳолисининг эсдаликларида учрасада, қадимий пойтахт билан боғлиқ хотиралар ҳали Чап қирғоқ Кат-қалъа аҳолисининг ёши улуғ вакиллари орасида узуқ-юлуқ шаклда бўлса ҳам сақланиб қолган эди. Хоразм археология-этнография экспедицияси ўзбек этнографик гуруҳининг Г.П Снесарев раҳбарлигидаги тадқиқотлари Чап қирғоқ Кат-қалъа тарихига алоқадор турли мазмундаги бир-бирига қарама-қарши ва бир-биридан қизиқарли ривоят ва афсоналарни тақдим қилган. Афсона ва ривоятларда қалъанинг “Шоҳнома” эпосидаги қаҳрамон Рустам сиймосига алоқадорлиги, шунингдек, аксарият ёдгорликларнинг қурилиш тарихига доир “дев”образининг бу қалъани барпо этишига доир маълумотлари тадқиқотнинг мазмунини анча бойтишга хизмат қилади. Тадқиқотлар чап қирғоқ Кат-қалъанинг номи бевосита ўнг қирғоқдаги қадимий Кат боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу қадимий шаҳар аҳолисининг Анушахон даврида янги жойга кўчирилиши билан боғлиқ тарихий жараёнларда акс этган. Ўз навбатида, Шайх Аббос Вали ҳақидаги афсоналарнинг иккала соҳилдаги шаҳарликлар аҳоли вакиллари орасида кенг тарқалганлиги ҳам улар ўртасидаги алоқадорликни тасдиқлайди. Ёдгорликнинг маданий қатламлари 2500 йиллик тарихий даврни қамраб олса-да, унинг тарихи билан боғлиқ афсона ва ривоятлар шаҳарнинг сўнгги 300 йиллик босқичини ўз ичига олади. Унинг қадимий номи масаласи ҳали етарлича тадқиқ қилинган эмас. Ёдгорликда ҳаёт мўғуллар истилосидан кейин бутунлай тўхтайди ва Анушахон (1664-1686 йй) давригача ҳувиллаб қолади. Афтидан, ёдгорлик атрофи ҳам узоқ вақт ташландиқ ҳолатда бўлган. Амударёнинг ўнг соҳилидаги қадимий Катдан кўчиб келган аҳоли эса, асосан ўзларининг қадимий шаҳарлари билан боғлиқ эсталикларини ҳам шу ерга кўчириб келтиради. Ушбу маълумотлар ёдгорликнинг кейинги даври билан боғлиқ бўлса-да, қалъа тарихининг XVII–XIXасрларга оид даврини тўлақонли ёритишга хизмат қилувчи манба сифатида катта аҳамият

[9]Ушбу маълумотларни тўплашда муаллифлар Фаридиддин Атторнинг “Тазкираул алвиё”, Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул унс”ва Фаҳриддин Али Воизнинг “Рашаҳоти айн ал-ҳаёт”асарларига мурожаат қилганлигини келтириб ўтадилар.

касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аржанцева И.Н. Хорезм история открытий и исследований. Этнографический альбом. – Ульяновск: Изд-во ООО “Артишок”.2016.
2. Беруний Абу Райҳон.“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”. // Танланган асарлар. I-том. Тошкент: ЎзССР “ФАН” нашриёти.1968.
3. Гудкова А.В. Ток-кала. Ташкент: Изд-во “Наука”. 1964.
4. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент: ЎзССР ФА наш., 1959.
5. Қамариддин Эшон Муҳаммад Карим Эшон ўғли, Комилжон Дурди Қилич ўғли. “Тазкиратул авлиё, ёхуд Хоразм диёрида мадфун бўлган авлиёлар зикри”. Ҳонқа: Ҳонқа туман нашриёти.1997.
6. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва: Изд-во “Наука”.1969.
7. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. Москва: Изд-во “Наука”.1983.
8. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. 1963. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958 – 1960.

ЕВРООСИЁ ЛЎЛИЛАР ТАРИХИДАН

А.Ҳ. ПАРДАЕВ, доцент, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация. *Мақолада лўлиларнинг дунё бўйлаб тарқалиши ва гуруҳларга бўлиниши, Ўзбекистон ҳудудида, жумладан, Жиззах шаҳрида яшовчи лўлиларнинг турмуш тарзи таҳлил қилинган.*

Калит сўз:*“лўли”, “мўлтони”, “жўги”, Миср ҳудуди, Ҳиндистон, Мўлтон, “Шоҳнома”, раққос, машшоқ.*

Аннотация. *В статье анализируется распространение цыган по миру и их деление на группы, образ жизни цыган, проживающих на территории Узбекистана, в том числе в городе Джизаке.*

Ключевые слова:*«Цыган», «Молтони», «Джоги», регион Египта, Индия, Молтон, «Шахнома», танцор, музыкант.*

Annotation*. The article analyzes the distribution of gypsies around the world and their division into groups, the way of life of gypsies living on the territory of Uzbekistan, including in the city of Jizzakh.*

Key words: *"Gypsy", "Moltoni", "Jogi", the region of Egypt, India, Molton, "Shakhnoma", dancer, musician.*

Маълумки дунёдаги ҳар бир элат, халқ ва миллат ўзининг тарихи, моддий ва маънавий маданиятига эга бўлиб, инсоният тамаддунига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшгандир. Жумладан, Ўзбекистонда “лўли”, “мўлтони”, “жўги” деб ном олган халқ ҳам ўзининг этник тарихи, ўзига хос маданияти, турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаёти, миллий анъаналари билан дунё халқлари моддий ва маънавий ривожига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшганлиги айни ҳақиқатдир.

Лўлиларнинг бошқа халқлардан фарқли жиҳати, улар дунё бўйлаб,

Осиё, Европа, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия ҳудудларига биринчилардан бўлиб, асосийси жамоа-жамоа бўлиб тарқалган дастлабки халқлардан ҳисобланадилар.

Статистик маълумотларга қараганда ҳозирги кунда дунёда 18 млн.дан кўпроқ лўлилар истиқомат қилади. Улар, АҚШда 1 млн, Бразилияда 678 минг, Руминияда 2 млн, Туркияда 2 млн, Испанияда 800 минг, Мисрда 234 минг, Ҳиндистонда 200 минг, Россияда 400 минг, Эронда 114 минг, Европанинг Албания, Белгия, Греция, Польша, Португалия каби давлатларида жами 700 минг.га яқин лўлилар истиқомал қилади.

Лўлиларнинг эътиборга молик яна бир жиҳати, улар турли халқлар томонидан турлича номлар билан аталишидадир. Масалан, руслар – “рома”, “циган”, немислар – “синти”, арманлар – “боша”, инглизлар – “тревелерс”, “жипси”, итальянлар – “зингари”, руминлар – “зинкани”, молдованлар – “лаеш”, арифкаликлар – “мавр”, финлар – “мусталаим”, турклар – “қорача”, “чингине”, қрим татарлар – “чингине”, испанлар – “хитанос”, эронлар – “косиб”, “заргар”, афғонлар – “карбум”, “ноша” ва ҳоказо.

Ҳозирги Ўрта Осиё республикалари ҳудудида, жумладан Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан лўлилар истиқомат қилиб, юқорида таърифланганидек улар маҳаллий аҳоли томонидан “лўли”, “мўлтони”, “жўги” каби номлар билан аталадилар.

Лўлиларнинг асл ватани ва уларнинг дунё бўйлаб тарқалиши тарихи, тарқалишининг даври, босқичлари, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблари ҳақида дунё олимлари орасида турлича қарашлар мавжуд. XX асрбошларига қадар дунёнинг бир гуруҳ этнолог олимлари томонидан лўлиларга нисбатан GYPSY (мисрлик) этнонимининг қўлланилиши сабабли, уларнинг асл Ватани Миср ҳудуди деб талқин қилинган. Кейинчалик бундай қарашлар ўзининг илмий асосини топмади. Илмий жамоатчилик томонидан лўлиларнинг асл ватани Ҳиндистон деб эътироф этилди.

Ўрта Осиё лўлиларининг этник келиб чиқиши, уларнинг Ўрта Осиёга кўчиб келиш тарихини аниқлаш мураккаб масалалардан биридир. Чунки, лўлиларнинг Ўрта Осиёга келиб ўрнашиши ҳақида тарихий ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд эмас. Лекин ушбу масалани тадқиқ этган барча мутахассислар, хусусан А.П.Баранников, Г.П. Снесарев, А.Л.Троицкая, Х.Х.Назаров ва бошқалар лўлиларнинг асл ватани Ҳиндистон деган илмий қарашни илгари сурадилар. А.П.Баранников бу масала бўйича Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридан маълумот келтиради. «Шоҳнома»да баён этилишига қараганда, Сосонийлар шоҳи Баҳром Гўр (Варахран V, 420-438 й) саройига Ҳиндистон ҳукмдори Шангул томонидан 12 минг лўрилик муғанний - санъаткорлар совға тариқасида сафарбар этилади. Олимнинг фикрича эронлик ва ўрта осиёлик лўлилар совға этилган ўша 12 минг лўрилик артистларнинг авлодларидир[1.Б.120-122].).Дарҳақиқат, «Шоҳнома»да келтирилган афсонага қараганда, Баҳром

Гўр ўз ҳукмдорлигининг сўнгги йилларида ўзига тобъе бўлган халқ ва элатларнинг ҳаммасини барча бож-хирож, солиқлардан озод этади. Камбағалларга яхши ҳаёт кечиришлари учун зарур шароит яратилади. Барча ундан шод, бироқ асосий ишлари шоҳлар, ҳокимлар, боёнлар саройида машшоқлик, муғаннийлик бўлган лўлилар ўз касб-корларидан норози эканлигини билдиришади. Лўлилар зодагонларнинг уларга нисбатан муносабатини қуйидагича ифодалашган;

Май ичра муғанний навосин тинглаб
Бизни санашмас ҳеч одамга тенглаб.

(ФирдБу тахлитдаги норозиликни эшитган Баҳром Гўр ўз қайин отаси Ҳинд ҳукмдори Шангулга нома ёзиб

«Ўн минг лўли юбор, бўлсин сарфароз,
Бўлсинлар хушовоз ҳам барбатнавоз»

деб мурожаат қилади. Сўралган лўлилар етиб келгач, уларнинг ҳар бири шоҳ томонидан етарли егулик, деҳқончилик қилиш учун ер-сув, хачир, эшак, сигир, ҳўкиз ҳамда «минг хирмон уруғлик бўғдой» билан таъминланади;

Ҳўкиз эшак билан то ер ҳайдасин,
Бўғдой экиб, олсин ҳосил фойдасин.

деган амр билан лўлиларни деҳқончилик қилишга ундайди. Лекин;

Лўлилар бўғдою сигирни ошаб,
Янги йилда келди яна қон қақшаб.
Шоҳ деди: «Ер ҳайдаб ва сепиб уруғ,
Ҳосил олмоқ сизга бўлмади йўриқ.

Фақат эшак қолди, эгарлаб уни,
Дарбадар кезингиз юртни ҳар куни».
Шундан бери лўли бўлиб овора
Оламни кезиб юрар, истаб бир чора[2.Б.630].

А.И.Вилькинс ва А.П. Баранниковларнинг таъкидлашича, лўлиларнинг аждоди ҳақиқатан ҳам Ҳиндистонда маълум бир табақа (каста)ни машшоқ ва муғаннийлар, санъаткорлар кастасини ташкил қилган. Тарихий манбалардан маълумки, Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган барча рожалар ўз саройларида кўплаб шундай раққос, машшоқ ва муғаннийларни сақлашган. Узоқ тарихий даврлар мобайнида таназзулга учраб, йўқлик сари йўналган рожалар саройидаги санъаткорлар ишсиз қолган. Каста қонунлари эса уларга бошқа иш билан шуғулланишни ман этган. Чунки, ҳар - бир касб-кор билан шуғулланувчи табақалар бунга монъелик қилган. Бунинг оқибатида ушбу табақага мансуб аҳоли дамба-дам Ҳиндистонни тарк этиб турган[3.Б.168]. «Лўли» атамаси дастлаб юқорида қайд этилган «Шоҳнома»да учрайди. Форс тили луғатида «лўли» сўзига «қўшиқ айтувчи, рақсга тушувчи одамлар» деб таъриф берилган[4.Б.442].

И.М.Оранскийнинг фикрича, Ўрта Осиёда ишлатилган «жуги»

этнониминиng ҳиндийдаги «тиланчи», «камбағал» маъноси, «мўлтони» этнониминиng Покистондаги Мўлтон шаҳри билан изоҳланиши юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Шунингдек, лўлиларнинг антропологик қиёфаси Ҳиндистоннинг дравидон типидаги аҳолиси билан жуда ўхшашдир. Ўрта Осиё лўлилари асрлар оша ўз антропологик қиёфаларини ўзгартирмаганлар, чунки уларда маҳаллий аҳоли ва бошқа халқлар билан ассимиляцияга киришиш ҳолати деярли содир бўлмаган. Шунингдек, лўлилардаги баъзи-бир урф-одатлар, масалан, пешонага хол қўйиш одати ҳам уларнинг аждодларини келиб чиқиши Ҳиндистонлик бўлганлигини тасдиқлайди.

Шубҳасиз, лўлиларнинг айрим гуруҳ ва табақалари Ўрта Осиёга турли даврда, турли йўл ва йўналишлар билан - Эрон, Афғонистон, араб мамлакатлари орқали келиб қолишган ва бу ердаги туркий ва форсий тилли тубжой халқлар билан бирга яшашган. Ўрта Осиё лўлилари ўзларининг турмуш тарзи, тили, антропологик типи ва келиб чиқиши жиҳатларига қараб уч гуруҳга бўлинади. Маҳаллий халқ томонидан лўли, жўги, мўлтони, маззанг номлари билан аталадиган ушбу аҳоли гуруҳи ўзларини мўғат деб ҳам атайдилар. «Мўғат» сўзи сўғдча оташпараст, зардуштий маъносини берувчи «муғ» сўзининг арабчадаги кўплик формасидир. Демак, лўлиларнинг уч гуруҳи қуйидагилардир;

1. Муғати тубжой. Асосан лўли номи билан аталувчи ушбу катта гуруҳ Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга кириб келган дастлабки лўлиларнинг авлодидир.

2. Муғати афғон (кобули). Лўлиларнинг ушбу гуруҳи маҳаллий аҳоли томонидан «қора лўли» ёки «афғон лўли» деб аталади. Мазкур аҳоли қатлами дастлабки лўлиларга қараганда Ўрта Осиёга Афғонистондан анча кейин кўчиб келишган. Шунинг учун уларни кобули лўли деб ҳам аташади.

3. Муғати ҳинди. Ҳиндистоний лўли деб аталадиган ушбу гуруҳ бошқа гуруҳларга нисбатан энг кейин, сўнгги даврларда Ҳиндистондан кўчиб келган лўлилардир.

Турмуш тарзи, иш фаолияти бўйича ҳам лўлиларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тиланчилик, фолбинлик, табиблик, қисман заргарлик соҳаси орқали кун кечирувчи лўлилар. Булар асосан кўчманчи ҳаёт кечиришган.

2. Ёғоч устачилигининг товоқтарошлик соҳаси билан шуғулланувчи лўлилар. Булар асосан ёғочдан коса, товоқ, чўмич, куви, новдалардан сават, човли ясаб сотишган, ярим ўтроқҳолда яшашган.

3. Ўтроқҳаёт кечирувчи лўлилар асосан майда савдо-сотиқ ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Бу гуруҳни асосан лўлиларнинг маззанг табақаси ташкил этган[3.Б.169-170].

Ўзбекистонда яшовчи лўлиларнинг асосий мулоқот тили тожик тили бўлсада, уларнинг деярли барчаси ўзбек тилини ўзининг иккинчи она тили деб билишади. Шунингдек, Ўрта Осиё лўлилари яқин-яқингача ўзларининг маҳфий тиллари лавзи муғат ёки арабча деб аталган тилда ҳам

гаплашишган. Арго деб аталган ушбу маҳфий тил ҳозирда унутилиб кетмоқда[6.Б.78].

Ўрта Осиёда яшовчи лўлиларнинг диний мансублиги ислом динининг сунна мазҳабидир.

Жиззах шаҳрининг жануб томонида, Сангзор дарёсининг ўнг қирғоқ ҳавзасида, Моргузар тоғининг шимолий ён бағрида ҳам лўлилар яшовчи маҳалла жойлашган. Маҳалланинг ёши улуғ отахонлар - ахборотчилар Давронов Наби ота (1932 й.т.) Ҳамроқулов Соли ота (1937 й.т.) Қўйсинбоев Тугал ота (1939 й.т.) Усмонов Рашид ака (1952 й.т.) ва маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Ҳамроқулов Шомурод ака (1952 й.т.) нинг берган маълумотларига қараганда, Жиззах ва унинг атрофида лўлилар анча қадимдан ярим ўтроқ ва кўчманчилик ҳаёт тарзида яшаб келишади. Уларнинг айтишича, Жиззах Ўрдаси атрофига биринчи бўлибҚозоқбой лўли деган бобокалонлари ўтроқлашган ва бу воқеадан ҳозирга қадар 4-5 авлод ўтган. Лўлилар Жиззах Ўрдаси атрофининг ўзлаштирилиши ва янги бинолар қурилиши сабабли 1960-1970 йилларда аввал Жиззах оҳак заводи атрофига, кейинчалик ҳозирги Моргузор тоғининг шимолий ён бағридаги Шариллоқ мавзейига кўчиб, ўз қишлоқларини барпо этганлар.

Қўйсинбоев Тугал бобони айтишича лўлиларни «жўги» деб ҳам аташади. Бунга сабаб ўтмишда кўчманчи ва ярим кўчманчи лўлилар аксарият ҳолларда ўз чайла ва капаларини оқар сувга яқин, ариқ бўйларига тикишган. Тожик тилида ариқни «жуй» деб аташади. Шундан жўйи-жуги, яъни «ариқ лабида яшовчилар» маъносини берувчи сўз келиб чиққан.

Жиззах лўлилари Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги миллатдошлари билан борди-келди қилишади. Алоҳида қабристонлари йўқ. Ён - атрофдаги қўшнилари, хусусан, ўзбеклар билан мозоратлари бир. Аҳолининг асосий қисми ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан шуғулланади. Лўлиларнинг аксарият эркаклари ва қисман аёллар шаҳар, туман ободончилик тизимида ишлашади. Аёлларнинг бир қисми фол очиш, ром кўриш, жоду тушириш, исириқ солиш ва тиланчилик билан шуғулланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Баранников А.П. Цыганы СССР. М: Центриздат, 1931, с. 120-122
2. Фирдавсий Абдулқосим. Шоҳнома. Танланган достонлар. Т: F.Fулом нашриёти, 1984, 630 б.
3. Назаров Х.Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. М., «Наука» 1980, с. 168.
4. Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. М.: Гос. Изд-во словарей, 1960, с. 442.
5. Назаров Х.Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган //Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. М., «Наука» 1980, с. 169-170.
6. Оранский И.М. Новые сведения о секретных языках (арго) Средней Азии. Этнографическая группа «кавол» в Кулябе и ее арго //Краткие сообщения Института народов Азии. М-Л., Изд. АН СССР, 1961, Вып. 40. с. 78.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА

Ф.Ш. АҚЧАЕВ, доцент, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолисининг этник таркибида ўз ўрнига эга бўлган ва сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этувчи ўзбекларнинг юз, қирқ, қанғли, сарой уруғларининг ички бўлиниши, жойлашган ҳудудлари тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбаалар, архив ҳужжатлари ва дала-этнографик тадқиқотлар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар. *Жиззах воҳаси, табиий ўзига хослик, этномулоқот, этник таркиб, ўзбекларнинг 92 уруғи, қабила, уруғ, юз, қирқ, қанғли, сарой.*

Аннотация. В статье приведены сведения о внутреннем разделении узбеков на юз, қирқ, қанғли, сарой роды, занимающие свое место в этническом составе населения Джизакского оазиса и являющиеся численно местности, где они расположены, выделено на основе исторических источников, архивных документов и полевых-этнографических исследований.

Ключевые слова. *Джизакский оазис, природная идентичность, этнокоммуникация, этнический состав, 92 рода узбеков, племя, род, юз, қирқ, қангли, сарай.*

Annotation. In this article, information about the internal division of the Uzbeks, Yuz, Qirq, Kangli, and Sarai clans, which have their place in the ethnic composition of the population of the Jizzakh oasis and which are the majority in terms of numbers, and the areas where they are located, is highlighted based on historical sources, archival documents, and field-ethnographic research.

Keywords.*Jizzakh oasis, natural identity, ethnocommunication, ethnic composition, 92 clans of Uzbeks, tribe, clan, yuz, Qirq, Kangli, Saray.*

Жиззах воҳасининг ўзига хос географик жойлашув хусусиятлари қадимдан ўтроқ, ярим ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолининг шимолдан жанубга, жанубдан шимолга, шарқдан ғарбга, ғарбдан шарққа томон силжишларида ўзига хос этномулоқот ҳудуди бўлганлигини тасдиқлайди.Шу билан бирга ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолининг муқим яшаб қолиши, хўжалик юритиши учун барча табиий шароитларни яратган, ҳудудда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик доимий ва мавсумий тарзда ривожланиб борган ҳамда кўчманчи чорвачиликнинг ўтроқ деҳқончилик хўжалиги билан муштарак ривожлантириш имконияти кўплаб этник гуруҳларни бу жойга кўчиб келиб ўрнашишларига сабаб бўлган.

Ўзбек халқининг уруғва қабилалари тўғрисидаги тарихий манбалар хақида тўхталганда, уларни шартли равишда учга бўлиб кўрсатиш мумкин. Бу тарихий манбаларнинг биринчи қисмига - шарқ ва асосан бугунги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтгантарихий шахслар, олимлар ва тарихчилар томонидан ёзилган “Девони луғотит турк“, “Жоме-ат таворих”, “Равзат-уз

сафо”, “Зафарнома”, “ Бобурнома”, “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима”, “Тарихи Абулхайирхон”, “Шайбонийнома”, “Абдулланома”, “Тарихий Муқумхоний”, “Тарихи Абдулфайизхон”, “Тарихи Салотини манғития” каби тарихий манбалар кирса, уларнинг иккинчи ва учинчи қисимларига академик В.В.Бартолд, академик В.В. Радлов, Н.А Аристов, профессор Н.И.Зарубин, В.В.Григорев, Ғози Олим, А.Ю.Якубовский, А.Д. Гребенкин, Н.В. Хаников, А.П. Хорошхин, Н.Р. Катанов, Н.Я. Бичурин, Д.Н. Логофет, А.Борнс, В.М. Вияткин, Л.П. Потолов, И.И. Магидович,М.Г. Вахобов, Л.В.Ошанин, Б.Х. Кармишева, К. Нажимов, В.Г. Мошкова, Б. Ахмедов, К.Шониёзов[8, Б.14] каби олимлар томонидан ёзилган асарларни киритиш мумкин.

Бугунги кунгача сақланиб қолган ёзма манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, XV аср охири XVI аср бошларида Ўрта Осиёга хусусан икки дарё оралиғига Шайбонийхон бошчилигида Дашти Қипчоқ аҳолиси оммавий тарзда кўчиб кела бошлаган ва уларнинг катта қисми қулай воҳаларда ўтроқлашган. Мовароуннаҳр ҳудудига кўчиб келган кўплаб қабилалар орасида қипчоқ, сарой, қўнғирот, юз, найман, манғит, ктай (хитой)лар йирик қабилалар ҳисобланиб, ҳар бирининг сони 30-50 мингдан то 200 минггачабўлган[19, Б.77]. Бу даврга келиб юртимизнинг бошқа ҳудудлари каби Жиззах воҳасига Дашти Қипчоқ ўзбекларнинг кўчиб келиши маҳаллий этник тизимга ўзига хос таъсир кўрсатди. Аммо, ўзбек қабилалари маҳаллий ўтроқ аҳоли билан аралаша бошлади ва ўзларининг уруғ-қабила анъаналарини секинлик билан унута бошлашди. Улар маҳаллий аҳолининг юксак маданий ютуқларини ва урф-одатларини ўзлаштиришлари натижасида бутун XVI аср давомида икки дарё оралиғидаги аксарият аҳолининг яхлит ўзбек халқи сифатида шаклланиш жараёни ҳал қилувчи палласига кирди.

Жиззах воҳаси ва унинг атрофидаги ҳудудларга ўз давридаги сиёсий жараёнлар сабабли ҳам кўплаб қабила ва уруғларнинг кўчиб келиши кучаяди. Хусусан, Сангзар дарёси бўйларига аҳолининг келиб ўрнашиши Бухоро хони Абдуллахонга бориб тақалади. Ҳижрий 979 йилда у Ўратепа беклигига қарши самаралиуруш олиб боради ва Жиззах шаҳри устидан ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлайди. Натижада бу ҳудудда ўз хукмронлигини сақлаб қолиш мақсадида Абдуллахон Сангзор дарёси бўйида қўрғон қурдиради. Кейинчалик ушбу қўрғонга бир қанча аҳоли кўчириб келтирилади. Кўчириб келтирилган ўзбек уруғларидан - юз, сарой, қанғли ва қирқ уруғлари жойлаштирилади[19, Б.77]. Бошқа манбаларда, бу ҳудудга шимолдан бостириб кираётган кўчманчилардан ҳимояланиш мақсадида Бухоро атрофидаги бир қанча аҳоли кўчириб келтирилгани тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби воҳа ўзбеклари ҳам ўзларининг уруғларга бўлинишларини сўнгги вақтларгача анча яхши сақлаб қолганлар. Маҳаллий аҳоли вакиллари ўзларини “92 бовли (боғли) ўзбек” деб атайдилар. Бунинг маъноси ўзбеклар 92 бов (боғ) бўлакдан иборат

демакдир. Ўзбек халқининг 92 бўлакдан (қабиладан) иборат эканлиги тўғрисида жуда кўплаб тарихий далиллар мавжуд[8, Б.3]. Хусусан, XVII асрда яшаб ўтган ўзбек халқининг атоқли шоири, юз қабиласидан чиққан Турди Фароғийнинг «Тор кўнгиллик беклар» деб номланувчи ғазалида ҳам ўзбек элатининг 92 қабиладан иборат эканлиги келтирилган[14,Б.282]. Бундан ташқари Абдуллахон II нинг XVI асрдаги Ҳинд подшоси Акбаршоҳ билан ёзишмаларида ҳам ўзбек уруғларининг бўлиниши тўғрисидаги маълумотлар акс этган[10, Б.76]. Жиззах воҳасида 92 ўзбек қабилаларининг деярли ҳаммасидан вакиллар учратишимиз мумкин. Илк даврларда Жиззахга қирқларнинг катта гуруҳлари келиб ўрнашган бўлса, воҳанинг шарқий, шимолий, шимоли-ғарбий ҳудудларига ўзбекларнинг юз, қирқ, қанғли, сарой уруғлари ўтроқлашиши натижасида воҳа аҳолисининг этник таркиби янада қалинлашган. Биз қуйида воҳа ҳудудида жойлашган ушбу ўзбек қабила ва уруғлари тўғрисида фикр юритамиз. Воҳанинг ўтроқ аҳолиси турли тарихий даврларда кўчиб келган уруғ ва қавмларнинг муштарак этник бирлигини ташкил қилсада, ўзининг келиб чиқиши, урф-одатлари ва айрим миллий анъаналарини сақлаб қолганлиги билан бир-биридан ажралиб турган. Жиззах воҳаси ва унга туташ минтақаларда яшаган аҳоли этник таркиби ва турмуш тарзи хусусидаги ёзма маълумотлар асосан XIX аср 60-90 йиллари ва XX аср 20-йилларига доир айрим статистик материаллар учрайди[13, Б.75]. Шунингдек, XIX аср охирларидаги статистик маълумотларда Жиззах уезди волостларида аҳолининг жойлашуви, хўжаликлар ва аҳоли сони, боғ ва томорқа экинининг ер майдони, чорва сони тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Бу статистик маълумотларда 1871 йилда Жиззах уездида 157 та қишлоқ, 7 104 та оила - хўжалик, 22 725 тадан ортиқ аҳоли, шундан Жиззах шахрида ва жами уеъзд бўйича русийзабон аҳоли оила-хўжалиги 70 тадан ортиқ, жаъми 91 киши истиқомат қилганлиги таъкидланади[15, Вар.35].

Тадқиқ этилаётган даврнинг ўзидаёқ Туркистон аҳолисини ўрганишга киришилган. Жумладан, Н. Вирский1906 йилда Жиззах уездининг Янги Қўрғон волости аҳолисининг сони ва уларнинг этник таркиби, ҳудудда жойлашган ҳар бир хонадондан сўров ўтказиш орқали хонадон оила аъзоларининг умумий сони ва уларнинг этник таркиби тўғрисида маълумотлар йиғади[6, С.1-67]. Агарда маълум хонадоннинг ўз оила аъзоларининг сони ва уларнинг этник таркиби тўғрисидаги берган маълумотларида қандайдир шубҳа уйғонса, у ҳолда муаллиф унинг қўшнилари ва элликбошилардан қўшимча сўров ўтказиш орқали маҳаллий аҳолининг берган маълумотлари тўғри ёки нотўғри эканлигига аниқлик киритиб ўтади[6, С.5]. Н.Вирский фақатгина Янги Қўрғон аҳолисининг этник таркибини аниқлаш билан чегараланиб қолмасдан, балки этник гуруҳлар қайси қишлоқларда яшаганлиги ва уларнинг сони ҳақидаги маълумотларни ҳам ёзиб ўтади.Агар биз XIX аср охири – XX аср бошларида маълум қабила ёки уруғнинг қайси ҳудудда яшаганлиги тўғрисида

тўхталадиган бўлсак, бунда М. Вирский маълумотлари катта аҳамият касб этади. Жумладан, у Жиззах уездининг Янги Қўрғон волости таркибида бўлган қабила ва уруғлар тўғрисида батафсилроқ маълумотлар беради.Ушбу маълумотларга кўра, Янги қўрғон волостида тўртта ўзбек уруғларидан парчаюз, *қирқ, қанғли ва сарой*лар яшаган[6, С.11-12]лигини таъкидлайди.

Самарқанд вилоятининг этнографик харитасини яратиш учун 1922 йил 20 июлда Самарқанд, Каттақўрғон ва Жиззах уездининг бир қисмига (Совнарком томонидан) 7ҳафталик этнографик экспедиция уюштирилади[16, Вар.52]. Ушбу экспедиция таркиби 4 кишидан иборат бўлиб, улар Самарқанд вилоятининг жаъми 47 та волости аҳолисининг этник таркиби ҳақида статистик маълумот тўплашган. Ушбу архив статистик ва этнографик маълумотлардан воҳада ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан хилма-хил этник гуруҳлар истиқомат қилиб, улар орасида сон жиҳатидан энг йириги бу Юз қабилаласидир. Юз (Жуз)лар 92 бовли ўзбек элатининг энг катта уруғ ва қабилаларидан бири ҳисобланиб, сўнгги ўрта асрларда эътироф этилган. Юз уруғининг шажараси ҳақидаги дастлабки дала тадқиқотлари ва ёзма маълумотларни қолдирган А.Д.Гребенкин мазкур уруғни ўзбек уруғлари ичида сон жиҳатидан етакчи мавқега эга эканлигини таъкидлаб ўтган[7, С.93].

Дарҳақиқат юзлар 92 ўзбек уруғ - қабилалари орасидаги йирик ва кўп сонлилардан бири ҳисобланади[8, Б.83-85]. Тарихий манбалар “Тухфат ат-таворихи хоний”, «Мажму ат-таворих”да ҳам юзлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган[12]. Юзларнинг бошқа ўзбек қабилалари билан аралаш ҳолда яшаб келган гуруҳлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қирқ-юз (юз уруғи ва қирқ қабиласи бирлашмаси), мўғул-юз, найман-юз ва бошқа этник номлар билан аталган. Юзлар этногенези қадимги қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ.

Юзлар асосан, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида яшаганлар ва қуйидаги 3 та йирик тармоқ–Марка боласи, Қорапчи, Ражаб боласи қисмларига бўлинганлар. Воҳада истиқомат қилувчи ўзбек уруғлари ичида сон ва мавқе жиҳатидан етакчи ўринни олган юз уруғи бир неча бўғин ва тармоқларга бўлинган. Х.Дониёров ёзишича, минг қабиласининг халқлари шаҳарга мослашиб ўз уруғ ва қабилаларини унутиб юборганлиги натижасида юзлар мавқеи янада ошади. Шунингдек, у Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан олинган маълумотларига биноан, жузлар учта катта бўлакка ажратади: марка боласи, қарабчи, ражаб боласи. Марка боласи ҳам иккита бўлакка бўлинади: уяс-солин, хитой юзи. Ўз навбатида уяс олтита бўлакка бўлинади: керайт, кал, норин, уяс, оқчепкон, кўса, боймоқли ёки чўпқон[8, Б.86]. Бундан ташқари таниқли этнограф В.Радлов ўзининг «Ўрта Осиёнинг ўтроқ туркий қабилалари ҳақида» асарида генерал А.Макшеев асарига таянган ҳолда воҳа юзларининг батафсил шарҳини келтиради. Макшеев бўйича юз қабиласи таркиби, Парча юз (Боймоқли, Биран садоқ, Олмачи, Мирза уч тамғали, Сирғали юз, Уювли, Қорақалпоқ, Пучуғой, Оқ қигиз, Қуйонқулоқли,

Болғали тўрт тамғали, Эшқули, Тўқбой), Хитой юз (Хон хўжа, Норин, Чункан, Сирбўйинлиқ, Қўқони, Қўш тамғали, Очамайли, Манғит), Солин (Шодмон тўпи, Науфераш, Тоғай тўпи, Каврак, Давлат, Қирқ садоқ, Боёвут, Кенаюз), Уяс (Оқ чакмон, Норин, Чункан, Сирбўйинлик), Қарапчи (Буржиген, Қўнғирбой, Саккиз сари, Найман, Қўқони, Қўштамғали, Очамайли, Манғит), Найман эрганакли (Чилжувут), Беш юз (Қўштамғали) ва Сўлоқли (Култепалик, Бешкал, Ғафур, Чирқировуқ, Мирза, Ариқ, Беклар тўпи) ни ташкил этади[5, 86-102]- деб маълумот берган. Воҳада сон жиҳатидан энг кўп бўлган қабилалардан иккинчи ўриндагиси Қирқ уруғидир**.** Қирқлар бугунги кунда асосан Самарқанд вилоятинниг Булунғур, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Жиззах, Бахмал, Зомин, Сирдарё вилоятинниг Сардоба, Боёвут ва Тошкент вилоятинниг Бекобод ва Тожикистон республикасининг Ўратепа туманида яшайдилар[4, Б.47].Тилшунос олимХ.Дониёровнинг фикрича, қирқ қабиласи, юз, минг қабилалари каби сиёсий уюшма деб аташ ҳақиқатга яқиндир. Қирқ 6 та катта уруғга бўлинади: қора–қуйли, қорача, монтон, мулкуш, чапарашли ва чўрткесар. Ҳар бир уруғ ҳам яна майда бўғинларга бўлинади: бойлар тўпи, кавуш тўпи, оюв (айиқ тўпи), беклар тўпи. Шунингдек, этнограф В.Радлов ўзининг “Ўрта Осиёнинг ўтроқ туркий қабилалари ҳақида” асарида қирқ уруғи лафак, қоракўйли, қорача, калтай, чубар бўғинларига бўлинишини[5, Б.86-102] таъкидлайди. М.Вирский тадқиқотларидақирқлар бешта бўғинга бўлиниб, уларнинг энг каттаси қорача ва энг кичиги калтай бўғинлари бўлганлигини келтиради. Агарда қорача бўғини таркибига кирувчи кишилар Балхи, Янгиқишлоқ, Чаулақ, Замбар, Зауташ, Мулла Абдукарим, Зулфиқор, Узунбулоқ, Шатрақўтан, Авлиё қишлоқларида яшаган бўлса, калтайлар фақатгина ўз бўғини номи билан аталувчи қишлоқда истиқомат қилган. Калтай бўғинининг умумий сони 182 тани ташкил этган бир вақтда қорача этник гуруҳининг жами миқдори 1799 та бўлган. Шунингдек, Янги Қўрғон волостининг Қоракўйли, Гадай,Қоракишлоқ, Удумали қишлоқларида яшаган қоракўйли этник гуруҳи таркибига кирувчи кишилар ҳам кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг умумий сони 1157 тага етган. Аксинча, қирқ уруғининг лафак бўғини аҳолиси миқдори бошқа бўғинларга қараганда камчиликни ташкил этиб, улар жами 191 кишидан иборат бўлган. XX аср бошларида уларни фақатгина Лафак қишлоғида учратиш мумкин бўлган. Мазкур даврда 289 эркак ва 216 аёлдан (жами 505 киши) иборат бўлган қирқ уруғининг чубар бўғини Чубар ва Тоқли қишлоқларида истиқомат қилган. Шу билан биргаликда, Н.Вирский ҳеч қандай бўғинга бўлинмаган ва Қирқ уруғи номи билан юритилган этник гуруҳ тўғрисида ҳам маълумот келтириб ўтади. Ушбу гуруҳ Янги Қўрғон волостининг Ўймаут, Хўжабулоқ, Бахмал, Чиллимозор, Кучум, Алмасуван, Ўрта, Гулқишлоқ, Суғунбой, Яванг ва Обиз қишлоқларини ўзларига макон қилган[6, С.11-12].

Архив материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, XX аср бошларида Жиззах уездида истиқомат қилган қирқ уруғи асосан Ўзбек ва Саурюк

волостлари ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг Олма-сувон ва аришли, жизак-қирқ, Кўза-бош, Оқ-тенга, бай-тўби ва чажалак, Кўса, Қора-қўйли, калта, қора, мулла-тўби, ўдамалик, хисари, чибор, Қорача, Балхи, жағачакли, кўса, кутичакли, чўлоқ, ўта-сори, молтоб, беглар-тўби, жарғоқ, тангри-берди, чалбор, чор-кунди каби уруғлари Қирққишлоқ, Мўғол, Сартюз, Ойқор, Боғишамол каби қишлоқларда, яна Сангзор водийсидаги Ғўбдун, Кўкбулоқ, Мирзабулоқ ва бошқа қишлоқларда, Ғаллаорол текислигидаги Ғаллакор, Гулшан, Чорвадор, Омонгелди, Қизилқум, Қораобод, Эшбулоқ сингари бир қанча қишлоқларда жойлашган.

Воҳа аҳолисининг таркибида кўпчиликни ташкил этувчи қирқлар юқорида қайд этилган ҳудудлардан ташқари бугунги кунда Зомин туманидаги Пишағор қишлоғининг Моргузар тоғига туташ минтақаларида ва Шароф Рашидов туманидаги бир қанча қишлоқларда яшаб келмоқда.

Юқорида қайд этилган этник гуруҳларнинг шаклланиш тарихи ва турмуш тарзининг таркиб топишига эътибор қаратилса, азалдан воҳада ўзига хос этник манзара шаклланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, мазкур этник компонентлар орасида кўпсонли этник гуруҳлардан яна бири қанғлилардир. «Қанғли» сўзининг келиб чиқиши ва этимологияси ҳақида ҳам турли фикрлар афсона ва ривоятлар, маълумотлар мавжуд. Хусусан, тарихчи олим А.Пардаевнинг тадқиқотларида, XIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган тарихчи Рашид - ад - дин «қанғли» сўзининг келиб чиқишини афсонавий шахс Ўғузхон билан боғлайди. Рашид-ад-дин томонидан келтирилган ривоятга кўра, Ўғузхон ўз уруғ - аймоқлари билан урушиб уларни енган ва катта ўлжани кўлга киритган. Ушбу ўлжа, бойлик шу даражада кўп бўлганки, уларни ўз қароргоҳига ташитиш учун хон аравалар ясатган. Арава туркийда «қанғли» сўзи билан ифодаланган. Ушбу воқеадан кейин Ўғузхон ва унинг ёр-биродарлари қанғли номи билан аталганлар. Қанғлиларнинг барчаси уларнинг авлодлари эканлигини келтириб ўтади[11, Б.76].

Абдулғозий Баҳодирхон (1644-1664 й) ҳам қанғли сўзининг келиб чиқишини Ўғузхоннинг ҳарбий юришлари билан боғлаб, қуйидагиларни ёзади: “Ўғузхон бориб Татарни чобти ... лашкарини қирди. Ўғузхоннинг лашкарининг қўлина ул чоқли ўлук мол тушди ким, юкламакка кулук озлик қилди. Бир яхши чибар киши бор эди. Ул фикр қилиб арабани ясади. Андин кўрмакча барча араба ясадилар. Молларини юклабқайтдилар. Арабаға қаниқ деб от қўйдилар. Андин илгари отида йўқ эрди, ўзида йўқ эрди. Анинг учун қаниқ тедилар ким, юруганда қаниқ-қаниқ қилиб овоз келур, ани ясаган кишини қаниқли тедилар. Барча қаниқли эли ул кишининг ўғлонлари турур”[1, Б.21].

Дарвоқе, қадимги туркий ёзувлар билимдони С.М.Маловнинг таъкидлашича, руний битикларда қайд этилган qan, qanli - сўзлари енгил арава маъносини англатган[9, С.41]. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Туркияда ҳозиргача икки ғилдиракли арава қанғли деб юритилади.

Византия императори Константин (905-959 й) ўзининг «Империяни идора қилиш» номли тарихий асарида Жанубий Рус чўлларида яшовчи бижанаклартаркибида «қанғар» деб аталувчи қабила мавжуд эканлигини «қанғар» сўзининг маъноси - «мардонаворлик», «жасурлик» эканлигини уқтириб ўтади[3,

С.17]. Қанғли сўзининг ифодаси бўйича айнан, ушбу маънодаги тавсифни Абдулғозий Баҳодирхон (1644-1664) ҳам келтиради. Унинг ёзишича: «қаниқнинг маъноси азиз темак бўлур, тамғосининг суврати, яъни, тамғоси қўш алиф шаклида, қуши қорақарчиғай[2, Б.23]. (Абдулғозий, 1995, 23 б).

Шундай қилиб, тадқиқотларнинг кўрсатишича, қанғлилар қадимда Сирдарё бўйларида яшашган ва қудратли Қанғ давлатига асос солишган. X аср ўрталарида қанғлиларнинг катта гуруҳи шимоли-ғарбий сарҳадларига силжиб Эмба ва Урал дарёлари оралиғига бориб жойлашган. XI асрда уларнинг кўпчилиги Кичик Осиё, Болгария, Венгрия ерларига ўтиб маҳаллий аҳолига, Волга бўйларида қолганлари эса бошқирд, татар халқларига сингишиб кетганлар. Бу пайтда қанғлиларнинг бошқа бир катта гуруҳи эса Талас ва Чу дарёлари водийси ҳамда Балхашнинг жануби-ғарбий соҳилларига ўрнашганлар. XII асрда қанғлиларнинг катта қисми Сирдарё бўйларига қайтиб келган ва Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, хоразмшоҳлар давлати ички сиёсатида фаол иштирок этган[11, Б.77].Қанғлилар Зомин туманида, Ғаллаорол (К. Шониёзов ўз тадқиқотларида Ғаллаорол қанғлиларини сариқ қанғлилардан эканлигига урғу беради[18, Б.123-128]) туманининг Қанғли, Шерқонғли, Қоронғул қишлоқларида ва Жиззах шаҳрининг Сангзор дарёсига туташ ҳавзаларида яшаб келмоқдалар.

Юқорида таъкидлаганимиздек Жиззах воҳасида кенг кенг тарқалган ўзбек уруғларидан бири бу Сарой уруғидир. Хусусан А.Пардаевнинг 2004 йилда бажарилган“Жиззах беклиги - Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан - XIX асрнинг 60 - йилларигача)” номли тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси[11]да қуйидагиларни қайд этади. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарофномайи - шоҳий» («Абдулланома») асарида XVI асрда Ўрта Осиё ҳудудида тарқалган 40 та уруғ-қабила ҳақида маълумот берилган ва бу уруғ-қабилалар орасида “сарой” уруғи ҳам қайд этилган.

Б.Аҳмедовнинг таъкидлашича, Ўз ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида (№ 2604 инв.) сақланаётган “Туҳфат ал хоний” асарида бир қанча уруғ-қабилаларнинг таркиби ва тарқалиш географиясига оид муҳим маълумотлар берилган. Хусусан, юз уруғи - Ўратепа ва Ҳисорда, қирқ уруғи - Жиззахда, кенагаслар - Шаҳрисабзда, саройлар - Fузорда жойлашган.

Тўқсон икки қабила ва элатдан ташкил топган ўзбек уруғларининг рўйхати тартиб билан берилган ёзма манбаларнинг барчасида сарой уруғи ҳамиша рўйхатининг бошида, 5 - ўринда ёки кўпроқ 7-8 - ўринда қайд этилган. Масалан, «Маджму ат-таварих» (Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими, инвентарь № 667) қўлёзма асарида сарой уруғи - минг, юз, қирқ, жалойирдан сўнг бешинчи ўринда берилган. «Насаб-номайи ўзбек», «Асмийи навади ду фирқайи ўзбек» қўлёзмаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида Б.А.Аҳмедов томонидан тузилган рўйхатда сарой уруғи минг, юз, ўзбек ункажат, жалойир дан сўнг еттинчи ўринда қайд этилган.

Юқорида эътироф этилган “Насабнома” асосида Н.В.Хаников томонидан амалга оширилган ўзбек уруғлари генеалогияси рўйхатининг тартиби бироз бошқача тузилган. Муаллиф уруғларни тартиблашда уларнинг таркиби, сони ва албатта сиёсий ҳокимиятда тутган мавқеига катта эътибор қаратган. Умуман олганда Н.В.Ханиковдан аввалги маҳаллий муаллифлар ҳам айнан ушбу жиҳатларга катта эътибор беришган. Демак Н.В.Хаников тузган рўйхат бўйича

сарой уруғи - манғит, минг, юз, қирқ, ўнг, ўнқачит жалойирдан сўнг саккизинчи ўринда қайд этилган[17, С.58-63].

Таъкидлаш мумкинки, сарой уруғи барча рўйхатларда биринчи ўнликда қайд этилган. Уруғ қабилалар сонининг 92 талигини ҳисобга оладиган бўлсак сарой уруғи сўнгги ўрта аср жамиятида етакчи нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади.

Этнографик дала тадқиқотларидан маълум бўлишича саройликлар Жиззахга Ўратепа атрофидаги «Сарой» ва «Яхтан» қишлоқларидан кўчиб келишган. Сарой (лик) уруғи уч шаҳобчага бўлинади. 1. Олтин пичоқ дастали сарой; 2. Хоним сарой; 3. Сонсиз сарой. Саройликларнинг мазкур шаҳобчалари ўз навбатида бешта тўпга бўлинади: 1 Дўст тўпи; 2. Бой тўпи;3. Болта тўпи; 4. Кал тўпи; 5. Гунг тўпи. Саройлик маҳалласи аҳли ҳозирга қадар Ўратепадаги Сарой қишлоғи одамлари билан борди-келди қилишади. Ғаллаоролдаги Сарой қишлоғи, Хоним сарой қишлоғи аҳолисини бизнинг уруғдан деб ҳисоблашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Жиззах воҳаси аҳолисининг этник таркиби хилма-хил, катта–кичик ўзбек қабила ва уруғлари ҳамда бошқа миллат вакилларидан ташкил топган бўлиб, улар ўтган даврлар мобайнида бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлиб, хўжалик ва маданий алоқаларини узвий тарзда олиб борган. Бу жараёнлар бугунги кунда ҳам ўзининг хусусиятини деярли йўқотмаганлигини қайд этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш тарих фанининг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири ҳамдир. Бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётганэтномаданий алоқаларнинг янгиланиши, турли кўринишдаги этник низолар келиб чиқаётган бир шароитда миллий ўзликни англаш, теран тарихий билим ва тарихий жараёнларнинг этник ранг-баранглигида халқнинг ўз муносиб ўрнини аниқ-равшан идрок этиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Яна шуни ҳам эътироф этиш керакки ўзбек халқининг асосий ўзагини ташкил қилган этник таркибий қисмлар қадимдан бир-бирилари билан яқин дўстона алоқада бўлиб келишганлиги юқорида келтирилгантарихий манбаларда ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Бу эса бугунги кунда ер юзида содир бўлаётган этник можороларга барҳам беришга ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Абдулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. Т: «Чўлпон», 1995.
2.Абдулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Т: «Чўлпон», 1992.
3.Багрянародный К. Об управлении государством //Изв. Гос. Академии истории материальной культуры. М-Л., 1934.
4.Бобобеков А. Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисиннинг этник таркибига доир // Ўзбекистон археологияси ва этнологиясининг долзарб муаммолари. 2012.
5.Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Древний Заамин. Т: “Фан”, 1994.
6.Вирский М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакскаго уезда Самаркандской области. Справочная книжка Самаркандской области. Вып. X. Самарканд, 1912.
7.Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II.–Москва, 1872.
8.Дониёров Х. Ўзбек халқи шажара ва шевалари. Т.:- “Фан”, 1968.

9.Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Текстъ и исследования, М-Л., 1951.
10.Низомиддинов И.Р. XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари., Тошкент. «Фан» 1965.
11.Пардаев А.Жиззах беклиги - Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан - XIX асрнинг 60 - йилларигача). тар. фан.ном. дисс.. Тош. - 2004.
12.Список 92 Узбек–Казахских племен http://kyrgyz.tsu.ru/gen/g_03.shtml.
13.Тиллабоев С. Россия империясининг Туркистонда маъмурий-худудий бошкарув сохасидаги сиесатининг баъзи хусусиятлари // Узбекистон тарихи.-2005.-№ 3.
14.Ўзбекадабиёти тарихи.VI том,1959.
15.ЎзР МДА, 21- фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 35-варақ.
16.ЎзР МДА, 69- фонд, 1-рўйхат, 62-йиғма жилд, 52-варақ.
17.Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843.
18.Шониёзов К. Қанғдавлативақанғлилар.-Т.,1990.
19.Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.–Тошкент: Шарқ, 2001.

ЎЗБЕКЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ТАБИБЛАР ТАСНИФИ

Х.С.ЖУМАНАЗАРОВ, докторант ЎзР ФА Тарих институти

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбекларнинг анъанавий билимлар мажмуида табиб шахсининг қиёфаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар*: табиб, сартарош, уста, мистик, эмпирик билимлар, жарроҳ, аттор, кўз табиби (каҳҳол), синиқчи.*

Аннотация: В этом статье проанализирована личность лекаря в традиционным узбекском медицинским комплексам знаний.

Ключевой слова: *целитель,парикмахер, мастер, мистик, эмпирические знание, хирург, лавочник, окулист (каххол), костоправ*

Annotation: This article analyzes the identity of the healer in the traditional Uzbek medical knowledge complexes

Keywords: *quack, hairdresser, master, visionary, empiric sciences,sawbones,shopkeeper, ocular (kahhol), chiropractor*

Табиблик касби ва табибларнинг фаолияти халқ табобати ҳаракатлантирувчи кучдир. Улар тиббий илмларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, келажакка етказиш ва ўзлари қўлга киритиган ютуқлар асосида янги қарашларни соҳага сингдириш вазифаларини бажаради.*Табиб* сўзининг маъноси ва келиб чиқиши борасида бир қанча тиббий ва тарихий адабиётларда маълумотлар келтирилган[16, 18:197]. Мавжуд адабиётларда *табиб* номи билан бирга *ҳаким* атамаси ҳам учрайди. *Табиб* (طَبِيبٌ) сўзининг асоси арабча *тиб* бўлиб, “даво” шаклида ишлатилади. *Тиб* сўзининг ўзи эса “ислоҳ қилиш”, “тузатиш” маъноларида ҳам келади. *Тиб қилди* деганда “беморни ислоҳ қилди”, “тузатди” каби маънолар тушунилган. *Тиб* сўзининг иккинчи маъноси “моҳирлик”, “ҳозиқлик”дир[32:6]. *Ҳаким* атамаси эса *ҳикмат* сўзидан олинган бўлиб, у

“донишмандлик”, “донолик” маъноларида ишлатилади[24:64].Тарихдан маълумки, ўзбеклар азалдан табобат билан шуғулланувчи мутахассисларни *табиб*, бу соҳада етук олим бўлганларни *ҳаким* деб атаб келганлар[11]. Туркий халқларда *табиб* маъносини англатувчи бир қанча бошқа сўзлар ҳам бўлган, жумладан, *отачи, эмчи, атасағун* номлари билан атаганлар[17:71-114]. Табиб шахсини талқин қилишда, уларнинг жамиятда бажарадиган функцияси муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан табиб – инсон тана аъзоларини яхши биладиган, касаллик турлари ҳақида тўлақонли билимга эга бўлган ва гиёҳларнинг хусусияти, дори тайёрлаш амалини эгаллаган шахсдир.*Ҳаким* сўзи табибнинг синоними бўлиб, табобат илмини моҳирона эгаллаган шахсга нисбатан айтилади. Қадимда ҳам табиблар халқ орасида юксак ҳурмат билан тилга олинган. Сабаби – инсонлар энг оғир дамларда, ўзи учун қадрли бўлган соғлиғи ёмонлашганда уларга мурожаат қилишган.

Халқ табобатига хос жиҳатлардан бири – бошқа касб эгаларининг ҳам даволаш амали билан яқиндан шуғулланишидир. Масалан, сартарошлар[22:69], темирчи усталар[9:21] – жарроҳлик, қон олиш, массаж қилиш, тиш олиш, хатна қилиш ва бошқа усулларни яхши билганлар. Улар халқ томонидан алоҳида эъзозланиб, *уста* деб аталган[21:19]. Бу касб эгалари табибликка даъво қилмасаларда, ўз касб сирлари билан бирга табобатга доир билимларини ҳам шогирдларига мерос қолдирганлар.Тиббий билимларнинг турфа хиллиги ва касалликнинг хусусиятларига қараб табиблар ҳам соҳаларга бўлинади. Табибларни туркумлашда бирламчи ҳолат уларнинг ихтисослигидир. Қарийб барча халқларда табиблар фаолият турига кўра ўхшаш. Олимлар халқ табобати билан шуғулланувчиларни иккита катта гуруҳга ажратадилар. Масалан, З. Грзивакс[1:17] “маънавий табиблар” ҳамда “тана хасталиклари табиблари, фолбинлар”га ажратади. Ж. Собиески[3:2] эса “шифобахш гиёҳлар билан даволовчилар”, “илоҳий, ғайритабиий кучлар асосида даволовчилар” кўринишида бўлишни маъқул кўради. Ўзбек халқ табобати тарихига оид бошқа адабиётларда табиблар қуйидагича туркумланган: мистик ва эмпирик табиблар[24:65], аралаш турдаги табиблар[14:236], маҳаллий дин ёрдамида, сеҳр-жоду усули билан ёки ўз тажрибаси, эгаллаган билими асосида тузатувчи табиблар[2:24].Мистик табиблар ҳам алоҳида усул ва касбий атрибутларга эга бўлганлар. Улар даволаш усулларига кўра халқ орасида: *бахши, фолбин, азайимхон, садқоқчи, дуохон, парихон* ва ҳ.к каби номлар билан аталади[30:13]. Мистик табибларнинг даволаш жараёни бир-бирига ўхшаш ва бу жиҳат уларнинг касбий атрибутларида ҳам яққол кўринади. Улар *тасбеҳ, чилдирма, ойна, қамчи, пичоқ*[29:42] ва бошқа воситалардан фойдаланадилар. Эмпирик табобат йиллар давомида изланишлар ва машаққатли тажрибалар ёрдамида инсонни дарддан фориғ этувчи дорилар, даволаш усуллари, тавсияларни ўзида жамлаган. Бу турдаги табиблар табиий воситалар (гиёҳлар, ҳайвон тана аъзолари, минераллар) асосида

тайёрланган дорилар ёрдамида касалларни даволайдилар. Эмпириктурдаги табиблар маълум вақт давомида шогирдлик муддатини ўтагач, устозлар олдида имтиҳон топширган ва оқ фотиҳа олгиб, мустақил фаолият юритганлар. Эмпирик табобатнинг мистик табобатдан фарқи шундаки, мистик табобат атроф-муҳит, табиат ҳодисаларининг ғайритабиий томонларини талқин қилиб ёки инсон тафаккури илғай олмаган жараёнларга эътибор қаратиб, ундан шифо тиласа, эмпирик табобат атроф-муҳитдан табиий доривор воситаларни қидиради. Айрим халқларда эмпирик табобат вакиллари баъзи касб эгаларига ёки аҳолининг маълум тоифасига хизмат кўрсатишади ва шу асосда ихтисослиги бўйича турларга бўлинади. Масалан, Эронда фуқаро табиблари, денгизчилар табиби, қуруқликдаги ҳарбий кучларда хизмат қилувчи табиблар ва ҳоказоларга ажратилади[11:13]. Тадқиқот давомида эмпирик табибларнинг умумий даволаш усуллари ва ихтисослигига кўра гуруҳларга ажратиб ўрганилди.

Синиқчилар. Айрим ҳолларда улар *шикастабанд*[27:10]*, солувчи, уста*[20:265] номлари билан юритилади. Синиқчилар суякнинг синиши, дарз кетиши, чиқиши ва этнинг лат ейиши каби жароҳатларни даволайдилар. Синиқчилар ташҳис қўйишда бемор билан ўзаро оғзаки суҳбатга эмас[4:47], балки кузатиш ва лат еган жойни ушлаб кўришга катта эътибор беришади. Шикастабандлар суякларни жойлашуви, жароҳатда қай даражада лат еганини катта тажриба ва кучли зеҳн ёрдамида аниқлашган. Улар ҳайвонларнинг суякларини ўрганиб[6:13] ёки қоп ичидаги йирикроқ майдаланган полиз экинларини (масалан, қовоқ) пайпаслаб териб чиқиб тажриба орттирганлар. Синиқчиларнинг муолажаси қуйидагича: улар бемор суягининг синган ва чиққанига қараб тухум сариғи, гилмоя, тахтакач (унинг ўрнига тожикларда[19] ва Хоразмнинг[9:30] баъзи жойларида қамиш новдаси ишлатилган) ёки таёқ ёрдамида беморнинг лат еган жойини дока билан боғлайди. Уқаловчи табиблар пай чўзилиши ёки эт эзилиши юз берса, уқалаш муолажасини қўллаган ва улар халқ орасида *силоқчи* номи билан танилган[13:16]. Рентген нурлари орқали ташҳис қўювчи аппаратлар билан жиҳозланган травматолог, ортопед каби тиббиёт хизматларининг юзага келиши ва муолажа жараёнида гипсдан фойдаланилиши маълум муддат синиқчилар фаолиятига таъсир ўтказди. Моштабиб Абдужаббор Муҳаммад Собир ўғли: “Рентген нурлари орқали аниқ ташҳис қўйишни инкор қилиб бўлмасада, айрим ўзгаришларни нур ёрдамида ҳам билиш қийин ва гипс бизнинг об-ҳавога ҳамда бемор мижозига мос келишини инобатга олиш зарур”[5:15], –дейди. Чунки, тиббиёт таклиф қилган гипслаш усули ҳам сиқиб оғриқ бериши ва суяк нотўғри битиши каби ҳолатлардан фориғ эмас.

Жарроҳлар. Жарроҳлик *амал, дасткори* деб ҳам номланган[31:146-149]. Жарроҳлик танага ёғоч бўлаклари, тикан ва кейинчалик қурол ўқи санчилиши туфайли пайдо бўлиб, ибтидоий одамларнинг ўзига хос жарроҳлик кўникмаларини ишлаб чиқишига олиб келди[8:5]. Ўзбек халқ табобатида жарроҳлар тиш олиш, хатна қилиш, қон олиш ва бошқа

мураккаб амалларни бажарганлар. Баъзи ҳолатларда кишилар темирчи, сартарошларга[15:137] ҳам шу мақсадда даво истаб боришган.

Жарроҳлик қуроллари махсус ишлов беришни, айрим воситалар билан тозалашни талаб қилади. Илгари табиблар асбобларини темирчиларга буюртма асосда тайёрлатган ва амалиётдан олдин олов, пиёз билан тозалаган бўлсалар[14], ҳозир соҳани тиббиёт жарроҳлиги тўла қамраб олган. XX асрда табобатга қаратилган давлат сиёсати тиббиётни биринчи даражага кўтариб, табиб жарроҳларни содда, оддий амалиёт билан чекланиб қолишларига сабаб бўлди.

Доригарлар, атторлар. Аксарият табиблар беморлар учун зарур дориларни ўзлари тайёрлашган ва қийматига қараб айрим дориларнинг таркиби, тайёрлаш усулини қаттиқ сир сақлашган. Илгари Шарқнинг йирик бозорларида беморларни қабул қилишга махсус мослашган хоналар ва дори сотиладиган растларга жой ажратилган. Масалан, 1740 йилда Хива бозорида дори билан савдо қилувчи 80 та дўкон фаолият юритган[25:28]. Бозорларда гиёҳ савдоси бугунги кунга қадар сақланган. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, республиканинг турли бозорларида савдо қилувчилар фақатгина гиёҳларни териб келиб сотишади, уларнинг айримлари содда дориларни тайёрлашни билсада, мураккаб дорилар тайёраш кўникмасига эга эмас. Жамиятда тиббий амалиётга бўлган эҳтиёжнинг сақланиб қолиши табибларга нисбатан талабни ошириб, уларнинг мавқеини ҳам мустаҳкамлади. Оқибатда малакали табиблар беморлар билан банд бўлиб, вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида оддий дориларни тайёрлаш ва доривор гиёҳларни териш каби юмушларга бошқаларни жалб қила бошладилар. Гиёҳ тўплаш шогирдлари ёки тоғда шу ишни касбига айлантирган кишилар орқали бажарилади. Оқибатда, табибдан ажралмаган ҳолатда гиёҳ терувчи, махсус дори тайёрловчи – доригарлар пайдо бўлган. Атторлар ҳам жамиятда керакли дорилар билан таъминловчи сифатида танилиб, асосан чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини турли доривор гиёҳлар билан таъминлаган. Улар маҳаллий ва четдан келтирилган маҳсулотларни етказиб бериб, камдан-кам ҳолатларда гиёҳларни ўзлари тўплаганлар[23:115]. Атторлар турли савдо вакиллари қаторида тилга олинади ва бозорларда уларнинг ўз дўконлари бўлган, улар нафақат доривор гиёҳлар, балки бошқа маиший ва хўжалик буюмлари билан ҳам савдо қилишгани айтилади[26:258]. Атторларнинг аксарияти бошланғич тиббий билимдан хабардор бўлиб, гиёҳ номлари, қандай хасталикларга даво бўлишини билишган. Атторлар ўз мижозларига эга бўлган. Агар мижоз сўраган дори ўзида бўлмаса, бошқалар орқали ҳам топиб беришга ҳаракат қилган. Барча доригар ва атторлар табиблар билан яқин муносабатда бўлган. Сабаби, биринчидан, таниқли табиб узоқдаги мижозлар билан атторлар орқали алоқа қилса, иккинчидан, машҳур табибнинг дорисига эгалик қилиш аттор учун реклама вазифасини ўтаган, учинчидан, аттор учун айрим дориларни қўллаш бўйича табиб фикри зарур бўлган. XIX асрнинг

сўнги чорагида ташкил этилган дорихоналар атторлар фаолиятини чеклаб, дори тарқатиш вазифасини йўққа чиқарган.

Кўз шифокорлари. Кўзкасалликлари билан шуғулланувчи табиблар бўлиб, улар *каҳҳол* деб аталган. XVI асрга оид қозилик ҳужжатларида Самарқандда кўз табиблари муолажа билан шуғулланган ҳақида маълумот берилади[28:28]. XIX асрда Фарғона водийсида фаолият юритган тиббиёт вакили В. Кушелевский водийда *катаракта*ни (кўз гавҳарининг хиралашуви) муваффақиятли даволаган маҳаллий табибнинг муолажа амалиёти ва унинг тиббий анжомлари ҳақида маълумот берган[14:262-2634]. Муаллифнинг ёзишича, бу амалиётни бошқа маҳаллий табиблар билан бир қаторда, кўпгина рус шифокорлари ҳам бевосита кузатиб бориб, амалиёт муваффақиятли бажарилганлигини ўз эсдаликларида қайд этганлар. Тошкентда яшаган *афғон табиб*шифо сўраб келган ўн уч ёшли қизнинг кўзини фақат гиёҳлар билан ўттиз кун давомида муолажа қилиб даволаган[12]. Шунингдек, Чодакда яшаган Суқсур Холмат қизининг кўз касалликларини мувафаққиятли даволагани, жумладан, кўзига оқ тушган кишиларни найқамиш орқали, жарроҳлик йўли билан тузатгани ҳақида ҳам маълумотлар учрайди[7:53]. Эмпирик билимларга асосланган табиблик касбининг пайдо бўлиши инсонларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан бўлса, уларни турли соҳаларга бўлиниши одамнинг жисмоний тузилиши (анатомия)нинг мураккаблиги ва аъзоларда кечадиган хасталикларнинг турли-туманлигидан. Илгари табиблар инсондаги барча дардларга қарши курашиб келган, сўнгра иқлимнинг таъсири, кишиларнинг хўжалик тури, атрофдаги гиёҳларнинг турфа хиллиги ва айрим жойларда фақат бир касалликларни кўп кузатилиши ёки бир географик ҳудудда оммавий равишда касалликларни тарқалиши ҳам табибларни соҳалар бўйича мутахассис бўлиб етишишига сабаб бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тарихнинг маълум даврида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ҳам табобатнинг тараққиётига таъсирини ўтказди. Жумладан, тинимсиз урушлар, аҳолини оммавий кўчиши ёки диний қарашлар натижасида маълум даврда ва доирада айрим табобат соҳасига талабни кучайишига (уруш ва кўчиш жараёнида лат ейишлар, жароҳатларни кўпайиши) ёки бошқа соҳаларни турғунликка учрашига (инсон танасини ёриб кўришнинг таъқиқланиши) сабаб бўлган. Тиб илмига давлат томонидан эътибор қаратилиши: турли китобларнинг таржима қилиниши, табибларга тажрибалар ўтказиш ва таълим олиш учун шароит яратилиши ҳам табобат соҳасини юксалтирди. Лекин, Шарқ табобатида табибларнинг алоҳида соҳаларга бўлиниши нисбий жараёндир. Улар бир соҳада табиб бўлсада, доимо бошқа йўналишдаги тиббий билимларга эҳтиёж сезишади. Жумладан, жарроҳлар амалиётдан ташқари инсон суякларининг тузилиши, оғриқ қолдирувчи гиёҳларни билиши зарур. Шарқ табобати инсон организмини яхлит ҳолича ўрганади ва даволайди. Бу халқ табобати бир ғоя остига жамланган мураккаб тармоқли

билим эканлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Grzywacz Z. Traditional Kazakh medicine in change. – Poznan, 2010.
2. Hohmann S. Ouzbekistan. Instrumentalisation politique de la medecine traditionnelle // Le Courrier des pays de l'Est. – 2008. – № 3.
3. Sobiecki J. The intersection of culture and science in South African traditional medicine // Indo-Pacific journal of phenomenology. –2014. – № 14.
4. Suprapto A. Study on traditional bone healing (research report). – Surabaya: Health Services and Technology Research and Development Center, 1996.
5. Абдужаббор Муҳаммад Собир ўғли. Асрлар ошган табобат. –Тошкент: Davr-press, 2007.
6. Абилқасимов Э. Қазақтин халиқ медицинаси. – Алмати: Атамура, 1993.
7. Баҳромзода Ў. Чодак (қишлоқ тарихидан лавҳалар). – Наманган: Наманган, 2000.
8. Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований // СЭ. – 1976. – № 5.
9. Ғойибов М. ва бошқ. Хива табобати. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1995.
10. Жовлиев А. Темур ва Темурийлар салтанати даврида Ўзбекистон ҳудудида жарроҳликнинг ривожланиши // Оила шифокори. 2000 йил 21 апрель.
11. Жураев А. Халқ табобати. – Тошкент: Шарқ, 2008.
12. Икром Мавлон. Олдингдан оққан сув // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1984 йил 13 июль.
13. Кадыров А. Об узбекской народной медицине // Сборник научных трудов Министерства здравоохранения Уз ССР ТГМИ. Т. 20. – 1961.
14. Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т. 1. – Новый Маргелан, 1891.
15. Логофетъ Д. Бухарское ханство – под русским протекторатом. Т. 2. – Спб.:Издат. В.Березовский, 1911.
16. М. Г. Сартовская медицина // ТВ. – 1912. – № 208;
17. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1960.
18. Минибаева З. Народная медицинская терминология у башкир Курганской области // Материалы IV Всероссийской науч. конф. – Уфа, 2010.
19. Монаков Н. Возможность использования способов иммобилизации, применяемых народной медициной в Таджикистане // Известия АН Таджикской ССР ОЕН. Т. 7. – Сталинабад, 1954.
20. Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr. 2015.
21. Мўминова Г. Халқ табобати тарихидан // Сиҳат-саломатлик. –1999. –№ 1.
22. Назаров С. ва бошқ. Абу-л-Косим Аз-Захравий ўрта аср амалий жарроҳлигининг асосчиси // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2002. – № 2–3.
23. Огудин В. Атторы – аптекари народной медицины Мусульманского Востока // ЭО. – 2001. – № 2.
24. Сейфульмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. – 1928. – № 9–10.
25. Собиров Р. Хоразм анъанавий табобатида доривор ўсимликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш. – Хива: Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2011.
26. Сухарева О. Квартальная община позднефеодального города Бухары. –М.: Наука, 1976.
27. Ўролов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. – Тошк: Фан, 1990.
28. Усмонов Ш. Илк шифо масканлари // Фан ва турмуш. – 1998. – № 6.
29. Халмуратов Б. Пичоқ рамзи // Moziydan sado. – 2013. – № 4.

30. Халмуратов Б. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида шомонлик эътиқоди: Фал. фан. док. дис. (PhD) автореф. –Тошкент, 2018.

31. Ҳасанов М. X–XVII асрлардаги табобатга оид форс тилида ёзилган назмий манбалар: Тар. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2006.

32. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Тиб ва дам. 18-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2010.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ

Р.Р. НУРҚУЛОВА, доцент ЖДПУ, Жиззах

Аннотация: Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, Ўзбекистонликларнинг фронтдаги жасорати ва фронт орқасида кўрсатган фидокорона меҳнати, унинг юксак фазилатлари манбалар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзла*р: фронтга сафарбарлик, Ўзбекистонликларнинг фронт ва форнт орқасидаги жасорати, Халқимизнинг юксак инсонпарварлиги, фидокорона меҳнат.*

Аннотация. В данной статье на основе источников освещаются начало Второй мировой войны, высокие качества, мужество и героизм узбекистанцев на фронте и самоотверженный труд в тылу.

Ключевые слова: мобилизация на фронт, мужество узбеков на фронте и в тылу, высокий гуманизм нашего народа, самоотверженный труд.

Annotation: In this article, the bravery of uzbeks at the front and the selfless work behind the front, their high qualities in the beginning of the Second World War are highlighted.

Keywords: mobilization to the front, the courage of uzbeks at the front and in the rear, the high humanism of our people, selfless work

Иккинчи жаҳон уруши XX асрнинг энг даҳшатли фожиаси бўлди ва 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди. Бу урушнинг талофати ва етказган жароҳати жуда оғир бўлди. Агар 1914-1918 йиллардаги Биринчи Жаҳон уришига “1 миллиард аҳолиси бўлган 36 давлат тортилган бўлса, 1939-1945 йиллардаги Иккинчи Жаҳон уришига эса 1,7 миллиард аҳолиси бўлган 61 давлат тортилди. 1914-1918 йиллардаги Биринчи Жаҳон уриши ҳарбий кучлари сафига 70 миллион киши чақирилган бўлса, 1939-1945 йиллардаги Иккинчи Жаҳон уриши йилларида эса 110 миллион киши сафарбар қилинди”.[1] (Самсонов А.М., Жилин И.А. Вторая мировая война. Книга первая. – Москва. Изд-во. “Наука”, 1965. Стр 50)

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йилнинг 1 сентябрида фашестлар Германияси Польшага ҳужуми билан бошланиб кетди. Бошланиб кетган Иккинчи Жаҳон уруши барча халқларни тинч ҳаётига чанг солди. Иккинчи

Жаҳон уруши арафасида Ўзбекистонда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган эди. Айниқса республикамизда ҳашар йўли билан халқ қурилишлари кенг ёйилган эди. Бу усул билан 45 кун ичида 1939 йил 1 август 17 сентябрда катта Фарғона канали қурилди. Катта Фарғона каналидан ташқари, “Шимолий фарғона канали, жанубий Фарғона канали, Хоразмда Тошсоқа канали, ва бошқа ирригация иншоотлари” қурилди. [2] (Абдуллаев Р, Рахимов М, Ражабов Қ. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й) иккинчи китоб. Т.: “Ўзбекистон”, 2019, 6-бет). Шундай пайтда, ёвуз ниятли Адольф Гитлер бошчилигида фашиятлар Германиячи кўп миллатли Собиқ СССР халқлари қатори ўзбек халқининг ҳам тинч ҳаётини таҳликага қўйди. Бутун собиқ СССРда немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш даври бошланди. Бутун мамлакатда бўлганидек, уруш ҳақидаги хабарни эшитишлари билан республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида митинглар бўлиб, халқимиз ўзининг барча кучини умумий душманни тор-мор қилишга сафарбар қилишлари ва бу йўлда керак бўлса, ҳаётини беришга ҳам тайёр эканликларини баён қилдилар. Уруш бошланганининг биринчи куниёқ Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг митингида қабул қилинган қарорда: “Шу соатдан бошлаб, биз ўзимизни Ватан мудофаасига сафарбар қилинган, деб ҳисоблаймиз, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини хотиржам ва сабрли бўлиб, фидокорона меҳнат қилишга чақирамиз,” – дейилган эди. (3. “Правда Востока” газетаси, 1941 йил 23 июнь). 23 июнда Самарқандда қарийб 100 минг кишилик митинг бўлиб, унда таниқли ёзувчи С.Айний ўз сўзида: “Ҳар бир ватанпарвар ўзини иш жойида аскар ҳисоблаб, ҳар бир янги станок, пулемёт, танк, самолёт мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлаб, душманни тезлик билан тор-мор келтиришга катта ҳисса бўлади”,[3] – деб фронт учун, ғалаба учун жасорат ва катта ғайрат билан меҳнат қилишга чақирди. (3. “Правда Востока” газетаси, 1941 йил 25 июнь). Ана шу оғир кунларда ҳар куни фронтга жўнатиш истаги билан ҳарбий комиссарликларга келиб тушган аризалар оқими Ўзбекистонликларнинг миллий ватанпарварлик руҳи юксаклигининг яққол намунаси бўлди. Чунончи, “Урашнинг дастлабки тўрт куни ичида Тошкент обласиь ҳарбий комиссарлигига 1975 та ариза тушди.” [4] (4. Ўзбекистон ССр тарихи. Тўрт томлик. 3-том. Т.: “Фан”, 1968. 76-бет). Урушнинг дастлабки ҳафтаси давомида “Фарғона вилоятидан 1735 киши фронтга юборишни сўраб ариза бердилар, улардан 425 таси аёллар эди, августгача Хоразм вилояти ҳарбий комиссарликларига 1156 та ариза тушиб, шундан 197 таси аёллар бўлиб, улар фронтга кўнгилли бўлиб, жўнатишларини сўраган эдилар. Самарқанд вилояти ҳарбий Комиссарликларига 2868 та ариза тушиб, шундан 213 таси аёллардан эди” [5] (5. Васильев Е.В, Воскобойников Э.А, Житов К.Е, Мусаев М. Ўзбекистон коммунистик партияси тарихининг очерклари. – Тошкент., “Ўзбекистон”, 1964, 202-бет.)

Шуни айтиш жоизки, урушнинг дастлабки даврлари фронтдаги

жангчиларимиз ва фронт орқасидаги аҳоли учун жуда оғир бўлди, душман томонидан катта аҳолига эга бўлган, муҳим ва асосий стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар ишғол қилинган эди. Шунинг учун ҳам “Уруш даврининг асосий оғирлиги Урал, Сибир, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё республикалари зиммасига тушди.”[6] (Самсонов А.М, Карасев А.В, Коваленко Д.А. Краткая История СССР. Часть 2. Москва-Ленинград. Из-во. “Наука”, 1964, стр 300) Урушнинг дастлабки уч ойи мобайнида 1360 та йирик саноат корхоналари, жумладан, Уралга 455, Ғарбий Сибирга 210, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга 250 та саноат корхоналари кўчирилди. [7] (7. Вознесенский И.А. Военная экономика СССР в период Отегественной войны. Москва “Наука”, 1964, стр 41.) Уруш шароитида, кадрлар етишмаган бир даврда бу саноат корхоналарини қуриш ва ишга тушириш жуда оғир эди.

Маълумки, урушда ғалаба фақат армия ва қурол кучи билангина қўлга киритилмайди, балки шу армияни рағбатлантирувчи, уни қурол-яроқ, кийим-кечак ва озиқ-овқат таъминоти учун кеча-кундуз жасорат меҳнат қилувчи кишиларга боғлиқ. Айнан шундай ишларга камарбаста бўлганларнинг жасорати фронтдагиларнинг ғалаба қозонишга бўлган ишончни мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ғалабани таъминлашда ҳал қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти иқтисодиётни қайта қуришга устивор аҳамият қаратди. 1941 йил 26 июндан бошлаб, мамлакатда ишчи ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда, мажбурий ишлаш жорий қилинди. Таътилга чиқиш бекор қилинди.

Республикамизга кўчириб келтирилган саноат корхоналарини тиклашда барча аҳоли тиним билмай меҳнат қилди. Урушгача йиллар мобайнида бажарилган ишлар, бу даврда кунлар ва ойлар мобайнида бажарилди. Натижада, республикамизга кўчириб келтирилган “Россельмаш” заводи 25 кунда “Қизил Оқсой” заводи эса 29 кундан кейин маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 1941 йил декабрга келиб, эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси тикланиб ишга туширилди ва маҳсулот бера бошлади. [8] (8. Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. –Т.: 1975, стр 50.) Маҳаллий саноат корхоналари ҳам ўз ишларини фронт талабларига мувофиқ қайта қурдилар “1941 йилнинг кузидаёқ, Тошкентдаги 137 давлат корхонасидан 65 таси ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Кустарчилик, ҳунармандчилик корхоналарининг кўпчилик артеллари ҳам фронт эҳтиёжлари учун маҳсулот бера бошлади”. [9] (9. Васильев Е.В, Воскобойников Э.А, Житов К.Е, Мусаев М ва бошқалар. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1964, 302-бет). Саноат ишчилари фронтни қурол-яроқ, ҳарбий техника, моддий ресурслар билан таъминлаш учун очлик, ниҳоятда толиқиш, силласи қуришга қарамасдан қаҳрамонона меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга катта ҳисса қўшдилар. Улар уруш

давомида “фронтга 2100 самолёт, 17242 та авиалеотор, 3218000 дона авиабомба, 17100 та миномёт, 22 миллион дона мина, 560000 дона снаряд, 1 миллион дона граната, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд кабиларни етказиб бердилар.”[10] (10. Абдуллоев Р, Рахимов М, Ражабов Қ. Ўзбекистон тарихи. 1917-1991 й. Иккинчи китоб, -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019, 19-бет.) Немис-фашист босқинчиларини тор-мор келтириш учун олиб борган умумхалқ курашга Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимлари, деҳқонлар ҳам мунсиб ҳисса қўшдилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам барча мутахассис кадрлар, тажрибали деҳқонлар фронтга кетганлиги сабабли, вазият жуда оғир эди. Барча ишлар кексалар, хотин-қизлар, ўсмир болалар зиммасига тушга эди. Улар барча қийинчиликларни мардона енгиб, фидокорона меҳнат қилдилар ва уруш давомида фронтга “4 миллион 148 минг тонна пилла, 82 минг пуд ғалла, 54 минг 67 тонна пилла, 195 минг тонна шоли, 57 минг 444 тонна мева, 36 минг тонна қуруқ мева, 159 минг 300 тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун” [11] ва бошқа маҳсулотлар топшириб, душманни тор-мор келтиришга катта ҳисса қўшдилар. (11. Муртозаева Р.Ҳ. Ўзбекистон тарихи. –Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2003, 489-бет.)

Дарҳақиқат, оғир уруш йилларида кексалар, аёллар, ўсмир болалар қийинчиликларни енгиб, туну-кун меҳнат қилиб, ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи ўзининг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатларини намоён қилди. Халқимиз ўзи жуда қийналиб яшаётганлигига қарамай, Россия, Украина ва Белорусиядан кўчириб келтирилган 1 миллиондан ортиқ киши, шу жумладан, 200 минг болани ўз бағрига олди, уларни бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлади. Энг муҳими меҳр-мурувват кўрсатиб, бир бурда нонини баҳам кўрди.

Мухтасар қилиб айтганимизда, ўзбек халқи фарзандларининг фронтлардаги душманга қарши қаҳрамонона курашди ва фронт орқасидан халқимизнинг фидокорона меҳнат жасорати билан иккичи Жаҳон урушида қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 9 майда Тошкентдаги Хотира майдонида сўзлаган нутқларида, “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак деган давъатнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмасдан, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак” [12] - деган эдилар. (12. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни таиъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, 396-397 б.).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017.
2. Абдуллаев Р, Рахимов М, Ражабов Қ. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й) иккинчи китоб. Т.: “Ўзбекистон”, 2019 й.

3. Беккулбеков Ф. Сельеков хозяйство Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. – Т.: “Меҳнат”, 1964 й.
4. Внешная полижина Советского Союза в период Отечественной войны. Документы и материалы. – Москва. Госполитиздат. 1946.
5. Вознесенский И.А. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва. Госполитиздат. 1956.
6. Самсонов А.М., Карасев А.В, Коваленко Д.А., Кремер И.С. Краткая История СССР, часть 2, Москва-Ленинград. Изд-во. “Наука”, 1964.
7. Исраэлян В.Л., Илюхина Р.М, Карасев А.В. и др. Вторая мировая война. Москва. “Наука”, 1966.
8. Ефимов В.И. Патриотические подвиги трудяшихся Узбекистана в период Великой Отечественной войны. Тошкент. “Наука”, 1970.
9. История Узбекской ССР. Том IV. Тошкент. “Фан”, 1968.
10. Пулатов И. Улуғ ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссаси. – Тошкент.: “Фан”, 1967.

ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ СИЁСАТИНИНГ РОССИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЎРНИ

А. БОЛТАЕВ, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада ўтган XIX-XX асрларда, пахта Подшо Россияси қишлоқ хўжалиги ва саноатида асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлганлиги, подшо ҳукумати пахта яккаҳокимлигини, бор куч ва имкониятларини ишга солиб ривожлантирганлиги маслалари ёритилган.

Калит сўзлар: *Васваса, калит, ниқоб, Босқинчи, Зўравон, Тож.*

Аннотация. В данной статье омечается, что в XIX-XX веках хлопок был основной движущей силой в сельском хозяйстве и промышленности Царской России. Поэтому Царское правительство развивало свою монополию, используя все свои силы и возможности.

Ключевые слова: *Искушение, Ключ, Маска, Захватчик, Насилие, Корона.*

Annotation. In 19th and 20th centuries, cotton in the Russian empire was a major driving force in agriculture and industry.Therefore, the that government developed its monotheism,with all its strength and capabilities. Russian emperors used all the methods of oppression, masking the ways of gaining wealth.

Keywords*: temptation.key, mask, invader,brood,Crown.*

Бугунги кунда фаннинг кўплаб соҳалари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, ирригация ва деҳқончилик тарихини ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ирригация ва деҳқончилик тарихини тақиқ қилишда “Ўзбекистоннинг XX аср бошларидан ҳозиргача суғорма деҳқончилиги маданияти тарихи” муаммолигича қолмоқда эди ва ушбу соҳани ёритиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланар эди. Шунининг учун ҳам ушбу муаммони ёритиш ва хақиқий баҳо бериш учун салмоқли ишлар

қилинди. Собиқ совет мафкураси таъсирида сохталаштирилиб кўрсатилаётган кўплаб тарихий воқеалар ўзининг хаққоний бахосини олди. Жумладан, илмий тадқиқот ишлари ва иновацион фаолиятни рағбатлантириш дастури доирасида тадқиқотчи тарихчилар олдига XX аср тарихини илмий хужжатларга таянилган ҳолда тадқиқ этиш вазифаси қўйилди.[1] Беихтиёр, ўша даврда яшаган замондошлар, тарихчилар, сиёсатчилар ва тадқиқотчиларнинг фикрларини ўрганиб, таққослаб тахлил қилишга ҳаракат қилдик. Асосий эътибор, Подшо Россиясининг босқинчилик ва зўравонликка асосланган аграр сиёсати, Туркистонни хом-ашё баъзасига айлантириш борасидаги ҳаракатлари ўша даврлардаёқ бошланганлиги билан яққол кўзга ташланади.

XX аср ўлкада мавжуд бўлган ирригация соҳасини ўзининг ютуқ ва камчиликлари, зиддиятлари, қарама-қаршиликлари, ўзгаришларга бой тарихий амалиёт йўлини босиб ўтди. Мустабид савет тузуми даврида ҳам суғорма деҳончилик ва сув хўжалигига эътибор қаратилди. Маълумки мустабид тузум ҳокимиятнинг, - мустамлакачилик, босқинчилик сиёсатидаги ворислик анъаналари, - махаллий ҳалқнинг миллий ўзига хослиги, суғориш анъаналарининг емирилиши сиёсатда ҳам “Руслаштириш” тамойилларига уринишлар илмий изчилликда олиб борилди. Советлар даври тарихининг илк босқичидаёқ, тоталитар жамиятга тамал тоши қўйилди. Бу айниқса, сталинизм даврида ўз маҳсулини берди. Натижада давлатнинг мутлоқ ҳокимлиги, нафақат бошқа сохаларга, балки қишлоқ хўжалигига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Жамият таррақиётининг манқуртлашуви, иқтисодий ва маънавий ҳаётда салбий ва оғриқли жараёнларни кучайтирди. Мамлакат 80-йиллар ўрталарига келиб ғоятда кескин танглик ёқасига келиб қолган эди .

“Пахта васвасаси” жамият тақдирини белгиловчи асосий омил сифатида гавдалантирилди. Совет даврида янги ўзлаштирилган майдонларнинг ошиши, ўз навбатида қишлоқ хўжалигида кимёвий дориларнинг кенг қўлланилишига, ҳавонинг, чучук сувнинг, ернинг ифлосланиши, экалогиянинг, тупроқ таркибининг бузилишига олиб келинганлиги, ушбу муаммонинг ўрганилиши дажасига эътибор қартилди. Янги ерларни ўзлаштириш ва суғоришда илмий янгиликларни қўллаш ва тадбиқ этиш ўз натижаларини берди. Шу билан қаторда, турли хил яроқсиз усуллар, ерларнинг шўрланишининг ошиб кетишига, экалогиянинг бузилишига, дарёлар сувининг ифлосланишига, гидромелиоратиқ қурилмаларнинг носозлиги ва ишламаслиги эса иккиламчи шўрланишларга олиб келди. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларни келтириб чиқарган сабаблар, бефарқлик ва этиборсизлик иллатларининг шаклланишига асос бўлган. Иш юритиш услубини таҳлил этиш, мустабид тузумнинг аграр соҳадаги геноцид сиёсатининг мохиятини очиб бериш, тарихшунослик фанидаги муҳим масалалардан биридир[3]

В.И.Массальский ўз даврининг етук тадқиқотчиларидан бири бўлиб, у

асосий эътиборни пахтачиликни ривожлантиришга қаратган эди. Жумладан, Сирдарё воҳасида пахта етиштириш учун, янги ерларни ўзлаштириш кераклигини, “қишлоқ хўжалиги саноати комплекси, халқ хўжалигининг бойлик орттирувчи тармоғи ҳисобланишини”, у шунинг учун “тезлик билан фаол иш бошлаш лозим”[4] лигини кўрсатган эди. Тадқиқотчи бунинг учун Россияда куч, маблағ ва талантлар етарлидир,[5]-деб таъкидлаган эди.

Подшо вазири А.В.Кривошеин ҳам ўз асарларида худди шу ҳақда фикр юритади.[6] Мазкур муаллифлар, гарчанд ахборот тарзида бўлса-да, бу адабиётлар орқали мустамлакачиларнинг ҳақиқий башарасини, пинҳон ниятларини беихтиёр ошкор этади. Бу эса, рус мустамлакачиларининг қабоҳати инглиз, француз, немис, испан мустамлакачиларига қиёслаганда, улардан бир неча баробар таҳликали тусда амалга оширилганлигидан далолат беради.

Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатидан кўзланган бош мақсади ва асосий йўналишларини Давлат мулклари ва зироатчилик вазири А.В.Кривошеин шундай ифодалаган: “бу марказий масалада уч кўриниш мавжуд. Агар биринчисида ярқираб турган ёзув “пахта” бўлса, иккинчисида “суғориш” ва нихоят, учинчисида айтарли даражада кўзга ташланиб турмаган бўлса ҳам, аслида ҳаммасидан муҳими – “русларни кўчириб келтириб ўрнатиш” ёзуви турибди”[7].

Подшо вазири Туркистондаги мустамлака сиёсатининг асосий йўналишларин лўнда, мухтасар тарзда:“пахта”, “суғориш”, “русларни кўчириб келтириб ўрнатиш” дея уч сўзда ифодалади. А.В.Кривошеинўз фикирларини аниқ далиллашга уриниб, масаланинг даслабки иқтисодий жиҳатига урғу беради. “Ички бозоримизда сўнгги 20 йил ичида Америка пахтаси учун фақат бож тариқасида 770 миллион рубл тўлашга тўғри келди. 1900 йилдан эса йилига 40 миллион рублдан тўлаб келмоқдамиз”[8].

Туркистон пахтаси Россия тўқимачилик саноати учун нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини А.В.Кривошеин императорга йўллаган ахборотида шундай лўнда ифодалаган эди: “Туркистоннинг ҳар бир пуд пахтаси рус ва Сибирь ғалласига рақобатбардош. Шунинг учун ўлкага, қимматга тушса ҳам, ғалла келтириб бериш лозим”[9]. Туркистондаги барча ерларда, ҳатто ғалла экиладиган ерларда ҳам, пахта етиштириш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди. Пахта экишга катта эътибор бериш ҳақидаги бундай ғояни Туркистон генерал-губернатори қўллаб-қуватлаб, бу тадбир ҳукуматга йилига 70 миллион рублни тежашга имконият яратишини уқтирди. Кейинчалик янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган бир қанча тадбирлар ҳам ўтказилди[10].

В.И.Массальский шундай ёзган: “Туркистонни “пахта васвасаси” қамраб олди. Савдогорлар, амалдорлар, офицерлар ҳамда маъмурият вакиллари қайси бирларида маблағ бўлса, плантацияларни ва пахта тозаловчи корхоналарни барпо этишга муккасидан тушдилар”[11].

1909 йилда рус ҳукумати Мирзачўлнинг шимолий-шарқий тарафида 45

минг десятина ерни ўзлаштириш хақида қарор қабул қилиб, 2 млн сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Бироқ бу ишлар ўта секинлик билан олиб борилиб, маблағ ва қурилиш жиҳозлари етишмади. Шу боис 1911 йилда Мирзачўлдаги сунъий суғориш ишларини тугаллаш учун 4 млн 856 минг 500 сўм хазинадан ажратилди. Қурилишни 1915 йилгача якунлаш режалаштирилди[12]. Бироқ бу пул ҳам кўрсатилган миқдорда берилмади.

Америка пахтасининг маҳаллий пахтадан устунлиги ва қулайлик жиҳатлари: толаси узун ва сифатли, пахтаси эса чаноғида очилган, ҳосили юқори. Маҳаллий пахта эса ҳунармандчилик саноати талабларига мослашган, толаси анча калта ва дағал, шунингдек пахтаси чаноғида очилмайди ва танасидан узулиб, сўнгра пахтаси ундан қўл билан ажратиб олинарди. Бу эса машаққатли меҳнатни ва пахта таннархининг ошишига олиб келган. Америка пахтаси тўқимачилик саноати талабларига тўлиқ жавоб берганлиги учун XX аср бошида ушбу пахтанинг янги нави иқлимлаштирилган, ҳатто 1916 йил 72 фоизни ташкил қилган эди[13].

В.И.Массальский шундай ёзган: “Ўтган қисқа вақт ичида Туркистонда пахтачилик билан маҳсус шуғулланувчи корхоналар пайдо бўлди. Шароитга мос тушадиган Америка пахта навлари иқлимлаштирилди ва пахта тозалаш заводлари қурилди, анча такомиллаштирилган деҳқончилик қуроллари юзага кела бошлади, пахта билан иш юритувчи йирик фирмалар фаолият кўрсатдилар. Пахтани тозалаш ва транспорт усуллари яхшиланди. Хуллас, пахтачилик ривожланиб, ўн минглаб кишиларни қамраган, юз минглаб одамларни озиқ-овқат билан таъминлайдиган ва ўн миллионлаб сўмлар муаммосини ўз ичига олган катта ишга айланди”[14].

Пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосил кўпайишидан олинаётган даромадлар “пахта васвасасини” кучайтириб, Туркистондагина эмас, балки Россиядаги манфаатдор саноат-савдо доираларини ҳам ўзига ром қилиб қўйди. “Пахта”, - сиёсати масаласи 1908 йилда “Туркестанские ведемост”[15] газетасида, Туркистон халқлари ҳаётининг асосий касбий йўналиши сифатида берилган. Россиянинг марказий жойларидаги юз минглаб кишилар, фабрика ва завод эгалари, темир йўлларнинг ишчи ва хизматчилари Туркистон пахтасига чамбарчас алоқадордир. Пахта туфайли Туркистон ўлкасида ва Россиянинг марказий раёнларида тобора ривожланаётган катта даромадлардан давлат ҳам кўп манфаат топмоқда. Туркистон ўлкасини босиб олиш билан жавоҳирнинг бир тури бўлмиш пахта, Туркистон ўлкасини Россияга тамомила боғлаб қўйди. Шунингдек, пахтачилик Ўрта Осиё темир йўлини қуришда ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Шу боис, XX аср бошларида ҳам Туркистон ўлкасида пахта экин майдонлари кенг қучоқ ёйиб борди. Сирдарё вилоятида 1901 йил 15 минг 327 десятина пахта экилган бўлса, 1910 йил 25 минг 224 десятина ерга пахта экилган[16]. Шундан кўриниб турибдики, пахта экин майдонлари анча ошди. Шу билан биргаликда сифати ҳам яхшиланди. “Эндиликда, деб ёзган эди “Туркестанские ведемост” газетаси,[17] – Туркистон пахтасанинг сифати ўрта

даржадаги Америка пахтасидан паст эмас, балки юқоридир”. Умуман, XX аср бошларида ўзбек пахтаси тўқимачилик саноати талабларига тўла жавобберадиган даражада эди. Шунинг учин ҳам пахтани янада ривожлантириш ҳақида таклифлар матбуотда тез-тез баён этиларди.

Мустамлака давридаги тадқиқот ва изланишларни совет даврида ҳам давом эттирганлардан бири В.И.Юферов[18] эди.

20-йиллар тарихшунослигида бир қатор муаллифлар асарларида аграр масала турли даражада ўрганилди. Муаллифлар ўзлари баён этган ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисаларнинг бевосита иштирокчилари бўлишган. Шу боисдан бу асарларда даврнинг мураккаб, зиддиятли, маҳзунлик руҳи уфуриб туради. Чунончи, мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти Г.И.Сафаров, П.Г. Голузо ва А.З.Валидий Тўғон тадқиқотларида маълум манода акс этди. Г.И.Сафаров кенг қамровли далилий мисоллар асосида Туркистонда мустамлака идораси кирдикорларини, Подшо амалдорларининг ўлка бойликларини аёвсиз талаганларини ва халқни асоратга солганликларини дадил кўрсатиб бера олган. Унинг қайд этишича, рус сармоясининг ўлкага кириб келиши ва Россия империясининг рамзи бўлган икки бошли бургутнинг човути Туркистон халқи турмушини остин устун қилиб юборган. Г.И.Сафаров Туркистонда ўроқлашган европалик аҳолининг барча қатламларини умумий тарзда “Мустамлакачилар” деб атайди. Унинг мустамлака шароитида авж олиб бораётган синфий ва миллий тенгсизлик ҳақидаги, аввало рус ишчиларига берилган имтиёзлар уларнинг маҳаллий ишчиларга нисбатан ҳукмрон мавқеи борасидаги мушоҳадалари ҳам ўринли. Подшо Россиясининг миллий ўлкада олиб борган руслаштириш сиёсати, кўчириб келтирилаётган русларга маҳаллий аҳолидан энг унумдор, сара ерларни олиб бериши, Туркистонда норозилик ва миллий-озодлик харакатларининг юзага келишида асосий омил бўлганлигини рўй-рост кўрсатганда муллиф мутлақо ҳақ бўлган эди. “Барча руслар, деб ёзган эди у, - Туркистоннинг туб аҳолисига одам эмас, баки уруш, талаш, зўрлаш мумкин бўлган иш хайвонлари сифатида қараган ва шу руҳда тарбияланган”[19]. Бундай ҳолислик ва зиддиятли қарашлар П.Г.Голузо тадқиқотларига ҳам хос эди. У Россиянинг мустамлакачилик тузими ва умуман, истибдод сиёсатининг барча салбий оқибатларини, етарлича далилланган мисоллар асосида дадиллик билан фош этди. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишининг салбий оқибатларини атрофлича ёритган П.Г.Галузо ўлкадаги миллий озодлик ҳаракатлари ҳақида ҳам сўз юритади. У Россиянинг Туркистондаги мустамлака сиёсати туфайли халқ ҳарактлари келиб чиққанлигига кўплаб ишончли далиллар келтиради.[20] Октябрь тўнтаришидан сўнг, Марказий Осиё ҳудудида, Туркистонда ўрнатилган советлар мустамлакачилиги тузуми ва унинг асл реакцион моҳияти турли хорижий мамлакатларда бошпана топиб яшашга мажбур бўлган ватандошларимиз қаламларига мансуб асарларда назрий-илмий асослар ва

ҳужжат-далилларда очиб ташланди, бу борада Мустафо Чўқай[21], Аҳмад Заки Валидий[22] ва бошқаларнинг асарлари диққатга сазовордир. Аҳмад Заки Валидий Тўғон асарлари бошқа асарлардан кескин фарқ қилади. У 1929 йили Германияда ёзган “Туркистон масаласи” асарида Подшо Россияси юритиб келган мустамлакачилик сиёсатини фош этибгина қолмай, советлар ҳам худди шу сиёсатни давом эттираётганлигини исботлаб берган.[23] 1920 йилларнинг охири ва 1930 йилларнинг бошида Ўрта Осиё минтақасига, жумладан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ўсишига бошқача қараш билан этибор берила бошланди.

Тадқиқиотчиларнинг назарларида, совет хукумати сиёсатининг ўрнатилиши билан мустамлакачилик сиёсати тугаб,[24] бу даврда ўзбек деҳқони мустамлакачиларнинг фабрика ва заводларини маҳсулотлар билан таъминлаб турди.[25] Шунга ишонч ҳосил қилиндики, ҳақиқатдан ҳам, рус муҳожир кўчкиндилари (мужиклари) маҳаллий халқнинг ижтимоий ҳаётига ва яшаш шароитларига мослаша олмадилар. Улар қанчалик кўчирилиб келтирилмасин, ушбу минтақанинг ер ўзлаштириш ва деҳончилик маданиятини тушинмас эдилар.[26]

Ўзбекистондан Россия мустамлакачилари жуда кўплаб ҳом-ашё маҳсулотларини ва ярим таёр маҳсулотларга иккиламчи ишлов бериш учун олиб кетган.[27] Шунинг учун ҳам 1930 йиллар бошларида Сталинизм тоталитар режими зўравонлик йўлини танлади. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги сиёсати қишлоқ ҳўжалиги ва билан боғлиқ бўлган янги ерларни ўзлаштирилишида ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда тўсиқ кўп бўлиб турди. Бу эса тараққиётда фалажлик ҳолатини келтириб чиқарди. Тарихнинг бундай қалтис, жуда ҳунук моддиятга боғлиқ бўлган ўйинлари ниҳоят вақт ўтиши билан сахнага қалқиб чиқа бошлади.

ФОЙДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, Халқ сўзи 20 январ 2021 йил

[2] Зиёев Х.Ўзбекистонда пахтаяккаҳокимлиги учун кураш ва унинг оқибатларини (XIX аср охири-XX аср бошлари) Т.1999.Б.174

[3]Массальский В.И. Холопковое дело в Средней Азии (Туркестан, Закаспийская область, Бухура и хива) и его будещее – СПб, 1892, Ўша муаллиф. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимсивость. – СПб. 1908; Ўша муаллиф.Орошение северо-восточной части Голодной степи. Ежегодник ОЗУ. – СПБ, 1991; Ўша муаллиф. Туркестанский край. – СПб. 1913.

[4]Массальский В.И. Туркестанский край.Россия, Под ред. В.П.Семенова-Тянь-Шанского. Т. XIX. СПб. 1913. С.559

[5] Ўша жойда. Б.7.

[6] Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. – СПб 1912 С.114

[7] Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. – СПб 1912 С.111

[8] КривошеинА.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. – СПб 1912 Б.72

[9] КривошеинА.В. Тақдимнома Б.113

[10]Книзе А.И. Хлопководство и правительственные мероприятия по его улучшению и развитию в среднеазиатских владениях России.–СПБ,1911.
[11] Массальский В.И. Хлопковое поле в Средней Азии и его будушее. СПб. 1892. С.19
[12] Туркестанские ведемости. 1913. 220-сон
[13] Зияев Ҳ.З. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) Т.,178-18ў бетлар.
[14] Массальский В.И.Хлопковое дело в Средней Азии и его будушее. СПб. 1892. С.26.
[15] Туркестанские ведемости. 1908. 116-сон
[16] Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане М., 1926 С.43.
[17] Туркестанские ведемости. 1908. 151-сон
[18] Юферов В.И. Хлопководство в Туркестане. Л.1925 С.15.
[19] Сафаров Г.И.Конолиальная революция (опыт Туркестана) – М.1921. С.35
[20] П.Г. Голузо Туркистон колония. Очерг истори Туркестана от зовоевания рукими до революции 1917 года М.,1929
[21] Мустафо Чўқай Ўғли. Туркисчтон советлар ҳокимятида (протеларият диктотураси тавсифига доир) Париж,-Ёш Туркистон.1935, Ўша муаллиф истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари) Т. Ғафур Ғулом нашриёти 1992.
[22] Аҳмад Заки Валидий. Бугунги турк эли (Туркистон ва яқин тарих) Истанбул 1981 2-нашр, ўша муаллиф. Хотиралар. “Шарқ юлдузи” , 1993 йил 4,5,6,7,8,9 сонлари ва бошқалар.
[23] Валидий Аҳмад Заки. Туркистон масаласи. Берлин 1924; Рус мустамлака сиёсатининг моҳияти ва мақсади. Вена-1929; Профессор Б.Қосимов таржимаси
[24] Ловрентев Вл. Капитализм в Туркистане (Буржазная коланизация Средней Азии) – М: Изд. Ком. Академия, 1930
[25] Севастианов И. Хлопковоцтво и хлопковая пиромьшленост Туркестана – М.1921 С.45
[26] Жемчужников Н.Н. Движение на Восток. К вопросам переселния, земле устройства и колонизиции, - М. 1927. С.35.
[27] Очерки хозяственой жизни Туркреспублики (Под.ред. А.Асаткина) – Т, Изд. ЦСНХ,1921. С.134.

ТУРКИСТОНЛИК ИСТИҚЛОЛЧИЛИК КУРАШИ ВАКИЛЛАРИ (ҚЎРБОШИЛАР) НИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ МУХОЖИРЛИГИ ҲАҚИДА (XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИ)

Ҳ.Э. НОРҚЎЧҚАРОВ, таянч докторант, БухДУ

Аннотация: Ушбу мақола XX аср 20-йилларида совет иттифоқининг тарихимизга нисбатан мафкуравий ёндошуви туфайли “босмачилик” ҳаракати вакиллари сифатида қораланган аслида эса бутун Туркистон ҳудудини большевик босқинчиларидан озод қилиш учун курашган қўрбошилар ва уларга эргашган истиқлолчилик кураши вакилларининг Афғонистонга мухожирлиги тарихига бағишланган.

Калит сўзлар: *мухожир, сиёсий мухожир, ўзбек, ижтимоий таркиб, миллат, этник таркиб.*

Аннотация: Данная статья посвящена истории эмиграции в Афганистан воинов, сражавшихся за освобождение всего Туркестанского края от большевистских захватчиков и осужденных как представителей

«печатного» движения в 20-е годы XX века, в связи с Идеологический подход Советского Союза к нашей истории.

Ключевые слова: *иммигрант, политэмигрант, узбек, социальный состав, нация, этнический состав.*

Annotation: This article is devoted to the history of the emigration to Afghanistan of the soldiers who fought to liberate the entire Turkestan region from the Bolshevik invaders and who were condemned as representatives of the "printing" movement in the 1920s, due to the Soviet Union's ideological approach to our history.

Keywords: immigrant, political immigrant, uzbek, social composition, nation, ethnic composition.

XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги қўшинлари ва халқининг Чор Россияси босқини ва мустамлакачилигига қарши кураш даври ҳисобланади. Бу даврда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ярим мустамлакага айлантирилган бўлса, Қўқон хонлиги бутунлай тугатилиб, ўрнига Скобелев вилояти ташкил этилган ва уларни назоратда ушлаш учун эса маркази ҳозирги Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги тузилган эди. 1917 йили Подшо Россиясида подшо ҳукумати қулади ва курашлардан сўнг большевиклар бошқаруви ўрнатилди. Большевиклар ҳокимяти ҳам чор ҳукумати мустамлака қилган ҳудудларгамустақиллик беришни истамасди. Бу йўлда улар ҳарбий ҳаракатлар ва қуроллар, мустамлакалардаги демократик қараш тарафдорларидан ҳам фойдаланишга уринди.

1920 йилнинг кузида Бухородаги амирлик бошқарувига асосланган монархия тартиби қизил армия босқини оқибатида тугатилди. Бухоронинг сўнгги амири, ҳукмдор Амир Саййид Олимхон 1921 йил 4 мартда Панж дарёсининг Чубек ирмоғи орқали Афғонистонга ўтганди. Амир Олимхон қўшни давлатга ўтаётганида нафақат бек ва аъёнлари, балки минг-минглаб оддий халқ вакиллари ҳам унга эргашганлар. 1921 йилда Бухорони тарк этган амир ортидан 250 минг киши ёки 50 минг оила Афғонистонга муҳожирликка ўтди [16,Б.21]. Амир ўзининг “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” номли хотира китобида қўшни давлатга ўзининг беш юз нафар бек ва аъёнлари билан бирга Кобулга борганлигини таъкидлайди. Амир Олимхон Рустоқ-Қатағон йўли орқали Кобулга етиб келганди. Юз минглаб ўзбек, тожик, туркманлар Балх, Мозори Шариф, Журжон, Фароб, Саманган, Хонобод, Қундуз, Тоҳар, Бадахшон, Қобул, Қандаҳор, Ҳирот, Пактиё, Нангарҳор вилоятлари бўйлаб тарқалиб кетди [13,Б.30]. 1923 йил ёзида БХСР ҳукуматининг қарори билан амир Саййид Олимхоннинг оналари Тўраойим, Шамсияойим, Тўтиойим, қизлари Хосиятой, Саодатой, завжалари Муҳаррамойим, Мушаррафойим, Мубаракойим, Хурсандойим, амакилари Мир Муҳаммад Сиддиқ Музаффархон ўғли, Мир Носир Музаффархон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музаффархон ўғли, синглиси

Шохой, туққан онаси Давлат Бахт ва бошқа яқин қариндошлари ўз ихтиёрларига кўра Афғонистонга юборилди [13,Б.30]. Амир Олимхон совет ҳокимятининг талаби билан уй қамоғида сақланган, айниқса, “Ёш афғонийлар” ҳукумати даврида афғон-совет муносабатлари ва ўзаро дипломатик алоқалар яхши бўлганлиги учун амир Фатуҳ қалъасидан чиққан тақдирда ҳам Кобулдан 11 км узоқликдаги масофага бориши мумкин эмасди. ... 1925 йил ўрталарида амир Афғонистон ҳукуматидан 14 минг рупий маош олиб турарди [1,Б.99]. Амир умрининг охиригача ушбу Фатуҳ қалъасида яшаган [15,Б.32]. Амир Олимхон ҳаёт йўлини кузатсак унинг 23 йиллик умри муҳожирликда, ўзга юртда ўтганлигини кўрамиз. Бухоро ҳукмдори Афғонистонда яшаган даврида Омонуллахон (1919-1929 йиллар), Бачаи Сақо (1929 йил, январь - октябрь), Нодиршоҳ (1929-1933 йиллар), Муҳаммад Зоҳиршоҳ (1933-1973) кабилар афғон ҳукмдорлари бўлишган.

Зоҳиршоҳ амир ва унинг тарафдорларидан тинч, сиёсий жараёнларга аралашмай юришни талаб қилди[15,Б.35]. Амир Олимхон умрининг охиригача Афғонистонда яшади. Афғон ўзбеклари ва совет даври ўзбек сиёсий муҳожирлари орасида обрў-эътибори ва мавқеи баланд бўлган. Туркистон озодлик ҳаракатида мағлубиятга учраб Афғонистонда муҳожир бўлиб яшаётган қўрбошилар, (Фузайл Маҳсум, Шермуҳаммадбек, Иброҳимбек Лақай ва бошқалар); БХСР ҳукумати раҳбарлик органларида ишлаб оқибатда муҳожир бўлган ўзбеклар (Ҳошим Шайх Ёқубов, А.Муҳиддинов, Усмонхўжа Пўлатхўжаев) ҳам амир ҳузурида бўлиб у билан учрашиб туришган. Афғонистондаги ўзбеклар орасида обрў эътибор ва мавқега эга бўлган диний уламолардан Мубашширхон ат-Таррозий, Муфти Садриддинхон, Маҳмудхон Тўра кабилар билан амир мулоқотда бўлган. [13,Б.32]. Амир сиёсий мавқеини йўқотган бўлсада у билан айни бир пайтда инглиз ва совет айғоқчилик идоралари қизиқишган. Оға Муҳаммад исмли “Доривор” лақабли инглиз жосуси онаси билан бирга амир боғида яшаб Англияга амир ва унинг оиласи ҳақида маълумот бериб турган. ... Амирнинг Қобулдаги Фотуҳ боғида Нарзулла исмли шахс яшаб, чой қайнатиб берувчилик хизматида бўлган. У ҳар куни амир олдига кимлар келиб кетганлигини инглизларга етказиб, улардан бир ойда 600 кольдер олиб турган[13,Б.34]. Советларнинг махсус сиёсий идораси ОГПУ (Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси бўлиб 1923-1934 йилларда фаолят олиб борган) ходими Ғ.Оғабеков (Г.Артюнов асл миллати арман) 1925 йилнинг ёзида афғон ҳукумати идорасида ишлаган, советларга айғоқчилик қилган. Унинг мақсади нифоқ солиш орқали Шемуҳаммадбек қўли билан Амир Олимхонни йўқотишни режалаштирган. ... Шермуҳаммадбекдаги ақл-идрок туфайли советларнинг ушбу қора мақсади амалга ошмади[13,Б.37-38]. Тадқиқотчи Н.Назаров Амир Олимхон билан бирга келганларнинг бир қисми Бухорога қайтганлигини, яна бир қисми Шарқ мамлакатларига тарқалиб кетганлигини, 1927-1928 йилларга келиб Олимхоннинг атрофида ўнтача одам қолганлигини таъкидлайди[19,Б.317].Бухоро манғитларининг

сўнгги ҳукмдори Амир Саййид Олимхон 1944 йил 28 апрелда ҳаётдан кўз юмди. Амирнинг мақбараси Қобул шаҳри теварагидаги “Шоҳидони ислом” (“Ислом шаҳидлари”) қабристонида жойлашган[17,Б.20-21].

Бухорода амир ҳокимяти ағдариб ташланган дастлабки ҳафталардаёқ мамлакатнинг ғарбий, марказий ва шарқий қисмларида қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва большевиклар зулмига қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Бухородаги истиқлолчилар сафида халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Деҳқонлар ва ҳунармандлар қўрбошилар дасталаридаги йигитларнинг асосини ташкил қиларди. Ҳаракатнинг етакчилари бўлган қўрбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари бўлмасдан, улар орасида зиёлилар, турли касб эгалари талайгина эди. Ҳаракат сафида ўзбеклар ва тожиклар билан бир қаторда туриб, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ҳам курашдилар. Ўнлаб турк ва бошқирд, шунингдек, татар зобитлари ҳамда маслаҳатчилари қўрбоши дасталарида бўлиб, йигитларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказишди, уларга замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланиш йўлларини ўргатишди. .... Бухоро мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги учун қизил армияга қарши кураш олиб борган истиқлолчилар ўз ғоя ва мақсадларини очиқ баён этганлар. Улар адолатли кураш йўлигакирганликларига тўла амин эдилар[12,Б.17].Ушбу Ватан озодлиги учун курашган истиқлолчилик ҳаракати вакиллари узоқ вақт давомида совет даври адабиётларида “босмачилик” ҳаракати сифатида салбий образ билан омухталаштирилди. Аслида ҳаракат раҳбарлари ва етакчилари қўрбоши [18,Б.413] лар ҳисобланган. Уларнинг совет режимига қарши кураши даврида жангларда мағлубиятга учраган ёки чекинган қўрбоши дасталарининг кўпчилиги қайта қўшин ва қўрол-яроғ тўплаш мақсадида қўшни давлатларга ўтиб кетишган.Жумладан, уларнинг аксарият кўпчилиги Афғонистондан паноҳ излашган. Бунга асосий сабаб диний ва этник муштараклик омиллари билан бирга Ҳиндистондаги инглизлардан кўмак олиш ҳам мақсад қилинган.

Тарихчи олим Ш.Ҳайитовнинг маълумотига кўра, 1918-1922 йилларда “босмачи” йўлбошчилари билан Афғонистон чегарасидан ўтган 1 миллион атрофидаги туркистонликлар ушбу мамлакат ҳудудлари бўйлаб тарқалиб кетдилар[1,Б.100].Қўрбошиларнинг истиқлолчилик ҳаракатлари бутун Туркистон минтақаси бўйлаб ёйилган эди. Бухородаги қўрбошилар орасида сўзсиз Иброҳимбек алоҳида ажралиб туради. У Шарқий Бухородаги ўзбекларнинг лақай уруғидан бўлиб, дастлаб Ҳисор беги ҳузурида қилган хизматлари эвазига 1919 йил “қоровулбеги” даражасига, кейинчалик Саййид Олимхон томонидан “девонбеги”, “тўпчибоши” ва “лашкарбоши” лавозимларига кўтарилган. Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Шарқий Бухородаги қўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб (Анвар Пошо ва Салим Пошо Шарқий Бухорога келган давр бундан мустасно), босқинчи қизил армия ва коммунистик режимга қарши озодлик байроғини кўтарди. Иброҳимбек қўрбоши 1920-1921 йилларда қисқа муддат

ичида ўн минг нафардан ортиқ аскар тўплаб, қизил аскарларга қарши мувоффақият қозонгандан сўнг, 1921 йил бошларида Саййид Олимхон Иброҳимбек Девонбегини Бухородаги бутун қўшинларига Олий бош қўмондон қилиб тайинлайди.Амир Саййид Олимхон ўз мемуарида Иброҳимбек ҳақида қуйидаги фикрларни ҳам ёзган эди: “... Иброҳимбек етти йил давомида большевикларга қарши мусулмон халқи ва бу бандаи ожизни деб уруш қилди, жанг асносида қаҳрамонликлар кўрсатиб, уларнинг якунларидан мени хабардор этиб турди”. Иброҳимбек бошчилигида қўрбошиларнинг кўплаб қурултойлари чақирилди. Масалан, ҳисорда 1924 йил 31 декабрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг қурултойида Иброҳимбек Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган бутун дасталарни ягона қўмондонлик остида бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини ошириш тўғрисида, қўрбоши дасталари тузиш ва уларнинг жанг қилиш усуллари, аҳоли билан муносабатлари хусусида махсус кўрсатмалар берди. Туркистонда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, совет Ўрта Осиё республикалари тузилгач, Шарқий Бухоронинг деярли барча қисми Ўзбекистон ССР таркибидаги Тожикистон АССР таркибига ўтди. 1925-1926 йилларида Иброҳимбек қўрбоши Тожикистон ва Ўзбекистоннинг асосан тоғлик вилоятларида ўз курашини давом эттирди. Йигирманчи йилларнинг ўрталарига келиб, Шарқий Бухорода вазият тубдан ўзгарган эди. Туркистон фронтининг 1926 йилдан бошлаб Ўрта Осиё ҳарбий округининг катта миқдордаги кучлари Иброҳимбекка қарши ташлангач, у 1926 йил 21 июнда кескин жанглардан сўнг, Афғонистон давлатига ўтиб кетди. [12,Б.31-36]. Иброҳимбек 1926-1927 йилларда Кобул яқинидаги Қалъаи Фотуда Бухоро амири Саййид Олимхоннинг қароргоҳида яшайди. Саййид Олимхоннинг ёзишича, “унинг кундалик ҳаражати учун Афғонистон давлати тарафидан ҳар ойига беш юз эллик қобулий рупяси тайин этилади” [12,Б.36-37]. Афғонистон ўзбеклари ва Иброҳимбек ҳақида бир неча китоб ва мақолалар муаллифи Насириддин Назаров Амир Саййид Олимхон Иброҳимбекни ўз қалъасида қолишини таклиф қилиб, ўзининг ҳисобидан ҳам бир минг беш юз рупия ойлик тайинлаганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Иброҳимбекнинг қавми ҳамда кўп сонли йигитлари Қундуз минтақасидаги Алиобод (Айлобод)га йиғилганлиги сабабли, Иброҳимбекнинг илтимоси асосида Афғонистон ҳукмдори Омонуллахон томонидан Алиободнинг юқорисида Лоламайдон қишлоғининг тепа қисмидан Иброҳимбек қавми ва йигитларига 16900 жариб[20,Б.66] лалми ва тоғлик ердан ажратиб беради. Ушбу тўрт минг гектарли майдон “Шикоргоҳи лақайҳо” деб номланиб, у ернинг асосий қисми тоғлик бўлгани учун Иброҳимбекнинг йигитлари овчилик қилишади. ...1929 йил Иброҳимбек шимолга келгач, маълум муддат ушбу ҳудудда истиқомат қилади[10,Б.66]. Н.Назаров Иброҳимбек ҳақидаги китобида у билан Афғонистонга ўтган бошқа қўрбошилар ва бўлинма бошлиқлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтиш билан бирга, Афғонистонлик маҳаллий ўзбек ва тожиклар Иброҳимбек ихтиёрига йигирма бешта қўрбоши ва юзлаб

йигитларни жўнатганлигини айтиб ўтади ҳамда ушбу қўрбошиларни бирма-бир тавсифлайди[19,Б.333-338]. Иброҳимбекнинг Афғонистондаги фаолиятини қисқача таҳлил қиламиз. 1928 йил Афғонистонда амир Омонуллахон (ҳукм.йил. 1919-1929 йй.)га қаршиғалаёнлар кучайиб кетди. Бу исёнга Кобул атрофидаги тожик деҳқон оиласида туғилган, афғон армиясининг собиқ офитсери Ҳабибуллохон – Бачаи Саққо раҳбарлик қилди. 1929 йил 18 январда асосан деҳқонлардан иборат Ҳабибуллонинг отряди Кобулни эгаллайди. Ҳабибуллохон Афғонистон амири деб эълон қилинади (1929 йил январ-октябр). 1928 йил охирларида Иброҳимбек Кобулдан жўнаб, Шимолий Афғонистонга келиб, ўз мавқеини мустаҳкамлай бошлайди. Бу ҳудуд азалдан туркий халқларнинг юрти бўлиб, асосан ўзбек, туркман ва тожиклар яшар эди. Иброҳимбек билан туркман муҳожирларининг бошлиғи Ҳалифа Эшон ўртасида ўзаро иттифоқ тузилгач, унинг обрўси жуда ошиб кетади[12,Б.37-41].Муҳаммад Нодиршоҳ (ҳукмронлик йиллари: 1929-1933 йй.) ҳукумати билан курашлардан сўнгИброҳимбек Қатағон ва Бадахшон ҳудудларида афғон режими тугатилганлигини ва мустақил ўзбек ва тожик давлатлари тузилганлигини эълон қилади[9,Б.12]. Афғонистон ҳукмдори Нодиршоҳ (ҳукмронлик йиллари: 1929-1933 йй.) ҳукумати ҳарбий вазири Шоҳ Маҳмудхонга Иброҳимбек бошчилигидаги муҳожирлар исёнини бостиришга фармон берди. У 1930-1931 йил қишида ... Иброҳимбек билан шиддатли жанг қилади[4,Б.116].Шу ўринда айтиш мумкинки, собиқ СССР қўшинлари шу даврда икки марта Афғонистон чегарасини кесиб ўтади. Дастлаб, Омонуллахон ҳокимиятини сақлаб қолиш учун унга қарши кучлар ҳисобланган Ҳабибуллохон (Бачаи Саққо) ва асосийси, унинг иттифоқчилари Ҳалифа Эшон ва Иброҳимбекга қарши курашиш мақсадида, иккинчи марта 1930 йил июн ойида тўғридан-тўғри Иброҳимбекнинг Алиободдаги қароргоҳига ҳарбий ҳужум уюштиришди.Натижада, бунга жавобан 1931 йил бошларидан Иброҳимбекўз ҳаракатини фаоллаштириб, муҳожирларнинг тарқоқ кучларини яна бирлаштирди. 1931 йил мартида Иброҳимбек ва бошқа қўрбоши дасталари СССР чегарасидан ўтиб, Ватан тупроғига қадам қўйдилар. Совет аскарлари билан Иброҳимбек бошчилигидаги қўрбоши дасталари ўртасидаги тинимсиз давом этган жанглардан сўнг, кучлар нотенглиги сабабли 1931 йил 12 июнда Оқбоштоғда сўнгги ва шиддатли маҳорабада у яраландива Боботоққа чекинди. 1931 йил 23 июнда ОГПУ қўшинлари 10-отлиқлар полки 2-дивизиони жангчилари ва совет чекистлари томонидан Иброҳимбек яродор ҳолда қўлга олинди[12,Б.37-41]. Иброҳимбекни зудлик билан аввал Сталинобод (ҳозирги Душанбе), сўнгра эса Тошкентга олиб келинди. Чекистлар томонидан ўтказилган тергов ва даҳшатли қийноқлар ҳам Иброҳимбекнинг маънавий иродасини бука олмади. 1932 йил март ойида бўлган суд жараёнида у манфур совет режимига қарши узоқ давр мобайнида мардонавор кураш олиб борганлигини мағрурлик билан таъкидлайди.

Истиқлолчиларнинг сўнгги йирик йўлбошчиси Иброҳимбек Чақабой ўғли ҳарбий трибунал ҳукми билан 1932 йил 31 августда қатл қилинди [12,Б.41].

Иброҳимбек тимсоли нафақат туркистонликлар учун истиқлолчилик ва озодлик курашчиси балки Афғонистонда ҳам туркий халқлар бирлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб, муайян муддатда туркий халқлар, жумладан ўзбек этносининг ўзлигини англашда муҳим ўрин тутган.

Ғарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари) даги истиқлолчиларнинг сардори бўлган Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) ҳам кўзга кўринган йирик қўрбоши бўлган[12,Б.51]. Қўрбоши Мулла Абдулқаҳҳор асосан Бухоро тупроғида босқинчи душманларга қарши кураш олиб боради ва афғон ҳокимяти вакиллари билан муаммоли вазиятда бўлмайди. Мулла Абдулқаҳҳор дастлаб Саййид Олимхон билан Афғонистонга ўтади, аммо бир озвақтдан кейин қизил армияга қарши курашиш мақсадида Бухорога қайтиб ўтади. Бу ҳақда Амир Саййид Олимхон ўзининг хотира мемуаридаМулла Абдулқаҳҳор учун алоҳида бўлимни бағишлайди ва қуйидаги фикрларни билдиради: “Мулло Абдулқаҳҳор доруссалтана Қобулдан бу банданинг рухсати билан Бухоро ва унинг туманлари атрофида фидокор мужоҳидларга раҳбарлик қилиб, аскарлар орасида тартиб-интизом ўрнатгач, у Ғиждувон туманини озод қилиш ниятида душман устига бостириб борди, шу билан Ғиждувон туманини душман қўлидан қутқарди ва уни ўзтасарруфига киргазди” [21,Б.15]. Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлигида Бухоро ва Карманадаги ўнлаб қўрбоши дасталарини бирлаштирди. ...Саййид Олимхон ўз хотираларида ёзишича, “йигирма беш минг нафардан ортиқроқ жамоа” Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлигида тўпланди. Мулла Абдулқаҳҳор тўрт йиллик истиқлол жангларидан сўнг 1924 йилнинг охирида Қизилқумда бўлган тўқнашувларнинг бирида ўлдирилди[12,Б.51-53]. Фузайл Махсум (Маҳдум) Қоратегин беги сифатида уч йил давомида Ғарм ва Қоратегин минтақасини болшевиклардан ҳимоя қилди. Анвар Пошо билан бирга Шарқий Бухорода ҳарбий амалиётлар олиб боради. [19,Б.361-363] Унинг ўлимидан сўнг Иброҳимбекнинг асосий ўринбосари бўлган Фузайл Махсум (Маҳдум) қўл остида 26 та қўрбоши дасталари ҳаракат қилган. [12,Б.53-54] 1923 йил Ғарм қизил аскарлар томонидан эгалланган, ўз укаси Саъдод Махсум билан Афғонистонга ўтиб кетади[19,Б.361]. Бироқ Афғонистондан Шарқий Бухоро ҳудудига бир неча марта қайтиб, қизил аскарларга кескин зарбалар берди. Хусусан, унинг 1929 йил апрел-май ойларида Дарвоз ва Ғармни ишғол қилиши совет режимини жуда катта таҳликага қўйди. Фузайл Махсум (Маҳдум) ҳозирги Тожикистон тупроғида совет армиясига қарши жангларда 30-йилларнинг бошларигача иштирок қилди. Кейин эса у Афғонистонга бутунлай муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлади[12,Б.54]. Аммо Афғонистонда Нодирхон ҳукумати муҳожирларга, айниқса уларнинг пешволарига ижобий муносабатда эмаслиги боис, Фузайл Махсум (Маҳдум) бир неча одамлари билан Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудига

(бугунги Покистон) ўтиб, у ерда тадбиркорлик билан шуғулланади. Ҳаж зиёратини адо этиб, ўз одамлари билан Хитой Туркистонига ўтади. XX аср 30-йилларининг ўрталарида Кошғарда болшевиклар томонидан қўлга олиниб, ўлимга ҳукм этилади[19,Б.363].

Ўрта Осиё ҳудудидасовет қизил армия қўшинларига қарши миллий озодлик ҳаракати шунчалик кенг қулоч ёздики, бу ҳаракат таркибида ҳатто аёл қўрбошилар ҳам бўлган. Бухоролик Нодира қиз улардан бири ҳисобланиб, Карманада Мулла Раҳматуллабой хонадонида туғилиб, саводли шу билан бирга чавондозлик ва тирандозлик каби ҳарбий жанг санъати турларини ҳам пухта ўрганиб улғайди. 1923 йил қизил аскарлар Нодиранинг қишлоғига бостириб кириб, унинг икки акасини ўлдиришади. 1925 йил ўз оиласи билан Афғонистонга йўл олади. Саййид Мансур Олимий “Бухоро – Туркистон бешиги” асарида гувоҳлик беришича, Нодира қиз Иброҳимбек қўшинидаги махсус аёллар дастасига раҳбарлик қилган. Нодира қиз дастаси қизил аскарлар юрагига ғулғула солган. 1931 йил Иброҳимбек СССР ҳудудига кирганида унинг қўшини сафида Нодира қиз ҳам бўлган. Афсуски, унинг кейинги тақдири ҳозиргача номаълум[12,Б.55-56].

Истиқлолчилик кураши даврида қаттиқ жанглардан сўнг қўшни Афғонистонҳудудига ўтган ёки Ватанга яна қайтиб ўтиб курашни давом эттирган кўплаб қўрбошилар ҳақида маълумот келтиришимиз мумкин. Шулардан бири Шарқий Бухородаги Қабадиён беклигидан, ўзбекнинг қўнғиротэлатидан бўлган Ўтанбек ҳисобланади. У асосан Шарқий Бухоро ҳудудларида қўрбоши дасталарига раҳбарлик қилиб, большевикларга қарши мувоффақиятли ҳарбий амалиёт олиб борган. Иброҳимбек томонидан юксак эъзозланиб, Қабадиён, Шаҳритуз, Жарқўрғон, Термиз йўналиши бўйлаб Афғонистон билан чегара ҳудуди назорати Ўтанбек зиммасида эди. Ўтанбек Афғонистондаги ҳарбий амалиётларда ҳам Иброҳимбекнинг ёнида бўлиб, жасурлиги ҳамда ҳарбий тактикасининг устунлиги боис Иброҳимбекнинг мувофақиятларини таъминлаб турган[19,Б.353-356].Иброҳимбек озодлик курашини давом эттириш учунСССР ҳудудига ўтгач, Афғонистондаги муҳожирларга Нодиршоҳ ҳукумати томонидан ўтказилаётган тазйиқларига қарши ҳаракатларда асосий курашчи қўрбоши гуруҳларининг йўлбошчисига айланди. Ўтанбек гуруҳи 1931 йил ёз ва куз мавсуми давомида бир неча бор афғон қуролли гуруҳлари, улар томонидаги (таркибидаги) ҳазоралар қуролли гуруҳи билан тўқнашади. Шунингдек, афғон ҳукумати томонига ўтган туркманлар билан ҳам жанглар олиб боради. 1931 йил ноябр-декабр ойларида Афғон ҳукумати томонидан Ўтанбекка қарши курашаётган барча қуролли гуруҳлар ягона қўмондонликка бирлаштирилиб, жанговар амалиётлар фаоллаштирилади. ... Бир қатор жанглардан сўнг, Ўтанбек афғонлар томонидан қўлга олиниб қатл эттирилади[19,Б.353-356]. Сурхон воҳасидаги қўрбоши дасталарининг етакчиси Хуррамбек ҳам большевикларга қарши мардонавор курашади. Дастлаб, унинг Иброҳимбек билан муносабатлари яхши бўлмайди. Аммо

амир Саййид Олимхон ўз вакили Бекбой Қоровулбеги ёрдамида қўрбошилар ўртасидаги ихтилофларни бартараф қилишга ва энг аввало Иброҳимбек билан Хуррамбек орасидаги келишмовчиликни йўқотишга муваффақ бўлади. XX асрнинг 20-йиллари ўрталарига келиб, Хуррамбек ҳам Афғонистон ҳудудига ўтиб кетади[12,Б.35-36]. Балжувон беклигида юксак мавқега эга бўлган Абдуқаюм Парвоначи Улаев лақайлардан иборат дастлабки қуролли гуруҳни тузган ва Иброҳимбек унга йигит сифатида кирган. У Иброҳимбекнинг қайнатаси ҳисобланиб, жангларнинг бирида жароҳат олгач қўшинга бошчилик қилишни куёвига топширади. Соғайгач, Иброҳимбекка маслаҳатчи сифатида қатор масъул лавозимларда мураккаб амалиётларни бошқарган. Абдуқаюм Парвоначи Афғонистонда ҳам Иброҳимбек билан бирга бўлиб, Советлар ҳудудига ўтгач, Балжувондаги Ҳисор лақайларининг бошлиғи этиб тайинланади. Афғонистондан қайтган муҳожир оилаларининг жазоланишининг олдини олиш учун советлар билан келишиш имконини қидираётган бир пайтда чекистлар томонидан қўлга олинади. 1932 йилнинг августида ҳарбий трибунал томонидан Иброҳимбек билан биргаликда Тошкент шаҳрида отишга ҳукм қилинади[19,Б.343-344].

Самарқандлик Исахон Эшон Иброҳимбекнинг пири ҳамда ғоявий раҳнамоси сифатида ҳарбий жараёнларда асосий мавқени эгаллаган. Шарқий Бухоро ҳудудидаги болшевикларга қарши сиёсий ва қуролли ҳаракатларда фаол қўрбоши бўлганлиги сабабли бир неча бор советлар томонидан қўлга олиниб қамоққа ташланади. XX аср 20-йиллари иккинчи ярмида Афғонистонга ўтиб кетади. Афғонистонда Иброҳимбек тайинлови билан қўрбоши ва ҳоким вазифаларида фаолият юритади. Ватанга қайтгач қўрбоши сифатида курашни давом эттириб, Иброҳимбекнинг ўринбосари этиб ҳам тайинланади. 1931 йилнинг ёзида Иброҳимбекнинг даъвати асосида қизилларга таслим бўлиб, 1932 йилнинг августида ўн олтилар сафида Тошкент шаҳрида отибташланади[19,Б.347-348]. Н.Назаров Иброҳимбек гуруҳида ва ундан алоҳида ҳолда ҳам Афғонистонда ҳам собиқ амирлик ҳудудида болшевикларга қарши истиқлолчилик курашини олиб борган қирқдан ортиқ қўрбошилар ва ҳарбий йўлбошчилар ҳақида маълумотларни келтиради. Жумладан, Эгамберди Ботир, Иброҳим Умбаров (Ибройим галли), Алимардон Додҳоҳ, Кўген тўқсоба Шералиев, Алет додҳоҳ, Ортиқ додҳоҳ, Эрназар қозоқ, Кўганбек Кенжаев, Тошмат додҳоҳ, Қорабой, Абдуқодир Иноқ, Мулла Ниёз Парвоначи, Халиуллин, Мулла Жўра, Турдиназар, Мулла Аҳмед бий, Бойназар додхоҳ, Шоҳасан, Мирза Садриддин, Мирза Солиҳ Иноқ, Мулла Райимқул, Аннақул, Равшан Сарихонов ва яна кўплаб шахслар фаолияти ёритилади[19,Б.335-353].

Шунингдек, тадқиқотчи Афғонистонлик маҳаллий ўзбек ва тожиклар ҳам ўзларининг этногенетик яқинлиги жиҳатидан келиб чиқиб, муҳожир ўзбеклар билан ижобий муносабатда бўлишга ҳаракат қилган. Хусусан, маҳаллий ўзбеклар Иброҳимбек қўшинига ҳарбий жиҳатдан ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашда катта ёрдам берганлигини таъкидлайди.

Маҳаллий ўзбек ва тожикларИброҳимбек ихтиёрига йигирма бешта қўрбоши ва юзлаб йигитларини жўнатганлигини айтиб, уларнинг йирикроқ кучга эга ўн еттитасини номма-ном йигитларининг сони билан санаб ўтади. Жумладан, Мулла Имомқул – қатағонлардан, Ишкашимдан, 400 йигити бўлган; Рустам Ботир – ўзбекнинг моғал уруғидан, Толиқондан, 400 йигити бўлган; Арзиқул – ўзбекнинг қанғли уриғидан, Мозори –Шариф атрофидаги Айбекдан, 300 йигити бўлган; Мулла Латиф – қатағонлардан, Норин атрофидаги Жибирбулоқдан, 200 йигити бўлган; Мулла Султон – қатағонлардан, Сиятдан, 150 йигити бўлган; Шақул Хўжа – тожиклардан, Норин атрофидаги Чулулдан, 100 йигити бўлган; мулла Абдусамат – қатағонлардан, Бангидан, 100 йигити бўлган; Халмамет – қатағонлардан,Толиқон атрофидан, 100 йигити бўлган; Мулла Абдушукур – қатағанлардан, Толиқондан, 100 йигити бўлган; Ақмурат –қатағонлардан, Рустоқдан, 100 йигити бўлган; Имомназар полвон – ўзбекнинг моғал уриғидан, Бадахшондан, 100 йигити бўлган; Мулла Имамяр – ўзбекнинг қанғли уруғидан; Мозори-Шариф атрофидаги Даламдан, 100 йигити бўлган; Мулла Абдукарим - ўзбекнинг қанғли уруғидан; Мозори-Шариф атрофидаги Қорабўйиндан, 100 йигити бўлган; Мандарачи – тожик, Ишкашим атрофидаги Ширдан, 100 йигити бўлган; Бобои Ниҳолбанд - тожик, Толиқондан, 100 йигити бўлган; Бўри – қатағонлардан, Ҳазорқоқдан, 50 йигити бўлган; Ҳолмуҳаммед – қатағанлардан, Жибирбулоқдан, 50 йигити бўлган[19,Б.333-334]. Шунингдек, Иброҳимбекнинг Афғонистондан Совет ҳудудига ўтишида Чаёбда Арзиқул ва Бобои Ниҳолбанд ўзларининг беш юзтача йигитлари билан Афғонистон ҳудудида қоладилар[19,Б.358].

Бухородаги истиқлолчилик курашларида қўрбошилар бошчилигида нафақат туркистонликлар озодлик учун кураш олиб борган балки Туркия, Бошқирдистон, Кавказ каби бошқа ҳудудлардан ҳам ҳарбий ва сиёсий етакчиларқуролли ҳаракатларда иштирок этишди.Улардан энг машҳури туркиялик Анвар Пошо ҳисобланади.

Туркия, Македония, Кавказ, Германия ва Россиядаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашган Анвар Пошо 1921 йил октябрида Бухоро шаҳрига келганида унинг олдида икки: Бухородаги истиқлолчилар қаторига ўтиб, бу ҳаракатни бошқариш, яъни совет режимига ошкора қарши чиқиш ёки Афғонистонга яширин равишда ўтиб кетиш йўллари турган эди - деб таъкидлайди тадқиқотчи олим Қаҳрамон Ражабов[12,Б.41-51].

Кўришимиз мумкинки Анвар Пошо биринчи йўлни танлади ва истиқлолчиларнинг етакчисига айланиб, Туркистон озодлиги учун курашди ҳамда ушбу озодлик йўлида жон фидо қилиб туркистонликлар қалбида мангуга қолди. Анвар Пошо Афғонистонга мухожирликка ўтмаган бўлсада, бироқ болшевикларга қарши олиб борган кураши бевосита Афғонистонда муҳожирликда бўлган Амир Саййид Олимхон ва афғон ҳукумати билан боғлиқлик жиҳатларга ега эди. Анвар Пошо босқинчиларга қарши курашга киришиш учун Шарқий Бухорога келганининг дастлабки кунларидан бу

ердаги қўрбошилар етакчиси Иброҳимбек буйруғи билан айрим сабабларга кўра (Бу ҳақда қаранг: Н.Назаровнинг “Муҳаммад Иброҳимбек Лақай” номли китобида сабаблар батафсил келтирилган[19,Б.45-48]) тутқунликда сақланади. Бухоро амири Саййид Олимхон ва Афғонистон амири Омонуллахон ҳамда Бухоро республикаси ҳарбий қисмларининг қаттиқ талабларидан кейин, Иброҳимбек чамаси бир ойча тутқунликда ётган Анвар Пошони озод қилади[12,Б.76].Анвар Пошони озод қилинишини талаб қилиш учун келган бухоролик Аҳмадбек – Саййид Олимхоннинг элчиси, Нурулло афғон – Афғонистон амири Омонуллахон вакиллари[22,Б.212], Олимхон ва Омонуллахон томонидан Пошони Кобулга таклиф қилувчи хат келтирадилар. Анвар Пошо бундай таклифни рад этади ва асосий мақсади Туркистон тупроғида большевикларга қарши курашиш эканлигини билдиради[19,Б.47-49].1921 йил декабр ойининг охирларидан бошлаб, Анвар Пошо Шарқий Бухородаги қўрбоши дасталарига раҳбарлик қилишни ўз қўлига олди[12,Б.77]. Анвар Пошо истиқлолчиларнинг жанговар кучини оширди. У Шарқий Бухорода бирлашган лашкар бунёд этди ва уни турк зобитлари билан мустаҳкамлади, ғарбча қўмондонлик услубини жорий этди. БутунТуркустон ҳудудида совет режими ва қизил армияга қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирди. Анвар Пошо кўрсатмаси билан Бухоро, Фарғона, Хоразм қўрбошларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтказиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берилди[12,Б.49]. Анвар Пошо бошчилигида Шарқий Бухородаги Иброҳимбек (Анвар Пошо ва Иброҳимбек ўртасидаги баъзи чигал муносабатлар тўлиқ барҳам топмасада)ва бошқа барча қўрбошилар бирлашдилар. 1922 йил февралида икки ойлик ҳарбий ҳаракатлардан сўнг Душанбе болшевиклардан қайтариб олинди. Бундан ташқари бутун Шарқий Бухоронинг катта қисми устидан (большевикларнинг Бойсун ва Термиз гарнизонларидан ташқари) назорат ўрнатилди. Анвар Пошонинг Шарқий Бухородаги ғалабаларидан руҳланган Саййид Олимхон 1922 йил 22 мартда ёзган мактубида уни “Бухородаги бутун қўшинларининг Олий бош қўмондони ” қилиб тайинлайди. Бу мактубни 28 мартда Анвар Пошонинг ўзи Саййид Олимхон вакилларидан қабул қилиб олади[12,Б.86].

Шуни таъкидлаш лозимки, Анвар Пошо давридагина Афғонистондан бухоролик истиқлолчилар учун қурол-яроғ, ҳатто афғон сарбозларидан иборат гуруҳлар жўнатилди. Бухоро амири Саййид Олимхон ва афғон амири Омонуллахон Анвар Пошо орқали Туркистондаги истиқлолчи дасталар билан доимий алоқани йўлга қўйиб туради[12,Б.50]. Ҳатто амир Омонуллахон 1922 йил июлида яна бир бор Анвар Пошони Афғонистонга чорловчи нома жўнатади ва бу сафар ҳам рад жавобини олади[19,Б.60-61].

Шундай қилиб, Анвар Пошо 1922 йил 4 август жума куни Қурбон Ҳайити байрамининг иккинчи кунида Балжувон яқинида қизил аскарлар билан бўлган жангда ўлдирилди. Анвар Пошонинг ўлими ҳақидаги хабар

бутун Туркистон ўлкасига яшин тезлигида тарқалди ва уни дафн этиш маросимида, айтишларича, қачонлардир Анвар Пошо билан бирга туриб курашган 25 минг кишидан ҳам кўп халқ тўпланди[12,Б.50].

Туркистонлик қўрбошилар билан бирга совет босқинчиларига қарши курашга қўшилган яна бир турк зобити Салим Пошо ҳисобланади. Тадқиқотчи Н.Назаровнинг келтиришича Салим Пошо Бухоро республикаси МИК раиси Усмон Хўжа билан бирга фаолият олиб бораётган бўлиб, Анвар Пошо келгач у билан 1921 йилнинг ноябрида Шарқий Бухорога ўтиб болъшевикларга қарши ҳарбий курашларда фаол иштирок этади. Анвар Пошо вафотидан олдинроқ Афғонистонга ўтиб кетади[19,Б.67]. Анвар Пошо ҳалок бўлгач, болъшевикларга қарши қуролли амалиётларга раҳбарлик қилиш мақсадида 1922 йил сентябр ойининг ўрталарида яна Шарқий Бухорога қайтади. Анвар Пошога садоқати зўр қўрбоши Фузайл Махдумнинг сай-ҳаракатлари билан Қоратегинда бўлиб ўтган қўрбошиларнинг навбатдаги қурултойида Салим Пошо Шарқий Бухоро истиқлолчиларининг Олий бош қўмондони деб тан олинади [12,Б.127].Аммо шундан сўнг Салим Пошонинг Олий бош қўмондон сифатида амалга оширган баъзи ишлари маҳаллий қўрбоши дасталари ва халққа маъқул келмайди (Бу ҳақда қаранг: Н.Назаровнинг “Муҳаммад Иброҳимбек Лақай” номли китобида сабаблари батафсил келтирилган[19,Б.68-71]). Шундай бўлсада1923 йил февралида Салим Пошонинг Шўрёнбошида деярли барча қўрбошилар иштирокида ўтган қурултойда қўрбоши дасталарининг ҳужум ҳаракати режаси ишлаб чиқилди. БироқСалим Пошо бошчилигидаги гуруҳларнинг Бухорога юриши Ғузор-Қарши йўналишида советлар қўшинидан мағлубиятга учрагач, қўрбошилар ва аскарларнинг асосий қисми Салим Пошо гуруҳидан ажралиб кетади [19,Б.70]).1923 йил ёз-куз фаслларида мухолифатчилар Шарқий Бухорода бўлган жангларда мағлубиятга учрашди. Бир қатор мувоффақиятсиз жанглардан сўнг, Салим Пошо 1923 йил 15 июлдаПанж дарёсидаги Хирможой кечувидан Афғонистонга ўтиб кетади. Совет ҳукуматининг қатъий талаби билан Афғонистон маъмурияти Салим Пошони ўз давлати ҳудудидан чиқариб, уни Эронга жўнатади. Валидийнинг ёзишича, Салим Пошо Эрон орқали Туркияга келди ва ўз юртида савда-сотиқ билан шуғулланиб, фабрика очади. Аммо Салим Пошо 1927 йили Туркияда ўлдирилади [12,Б.134]. Бухорода ўша даврдаги сиёсий курашнингмарказида турган сиймолардан бири Туркистон халқларининг миллий истиқлоли учун фаол курашган, асли бошқирд миллати вакили(Бошқирдистон миллий ҳукуматининг собиқ раиси) Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970 йй.) ҳисобланади. Валидий 1920 йил декабридан то 1921 йил ноябригача Бухоро шаҳрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги истиқлолчилик ҳаракатини ягона марказга уюштириш учун катта ишларни қилди. У Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдулқодир Муиддинов биланўз режаларини

маслаҳатлашади. ...Бухорода 1921 йил 2-5 августда бўлган Миллий бирлик конгрессида Валидий раислигида “Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси” (кейинчалик Туркистон Миллий бирлиги номи билан машҳур бўлган уюшма) тузилди. Миллий бирликнинг программаси Валидий раҳбарлигида ҳали 1921 йилнинг бошларидаёқ ишлаб чиқилган эди. ... Валидийнинг ўзи Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда ҳаракат қилаётган бир қатор қўрбошиларнинг қараргоҳида бўлди, уларни умумий душманга қарши аёвсиз кураш олиб боришга чақирди, ўзаро тотувликка чорлади. Валидий шароит мажбур қилганда қизил аскарлар билан жангга кирди, ўз қўли билан бир қанча босқинчиларни ўлдирди[12,Б.23-25]. Профессор Ш.Ҳайитовнинг маълумотга кўра, “Туркистон миллий бирлиги” ташкилотини тузган бошқирд миллати вакили Закий Валидий Тўғон (1890-1970) совет ҳукумати томонидан таъқибга олингандан сўнг, 1921 йил 8 ноябрда Бухоронинг Мохи-Хоссасида Ф.Хўжаев билан учрашади. Ф.Хўжаев уни бўлажак хавф-хатардан огоҳ қилиб, Афғонистон ҳудудига ўтиб олиши учун собиқ амир отхонасидаги энг учқур отлардан беради. Ушбу отлар билан З.В.Тўғон ва унинг ёрдамчиси Афғонистон ҳудудига омон-эсон ўтиб олади. З.В.Тўғон Афҳонистондан Туркияга кўчиб ўтиб, умрининг охиригача ушбу мамлакатда яшади ва илмий тадқиқотлар билан машғул бўлди.

1923 йил июнь ойида Москвада миллий республикалар ва вилоят раҳбарлари иштирокида РКП (б) МКнинг махфий 4-мажлиси бўлади. Ф.Хўжаев мажлисда бухоро Республикаси номидан сўзга чиққан пайтда И.В.Сталин унга: Валидов қаерда? –деб савол беради. Ф.Хўжаев: Валидов Ўрта Осиёнинг у еридан бу ерига чопиб юрибди, Бухорода, Тошкентда, Хоразмда. У босмачиларнинг раҳбарларидан бири: - деб жавоб беради. Аслида А.З.Валидий Тўғон хорижга чиқиб кетишга улгурганидан, чет эл(Туркия)да яшаётганидан ҳукумат раҳбари яхши ҳабардор эди[5,Б.98-99].

Туркистон тарихининг кейинчалик теран тадқиқотчисига айланганВалидий ўз хотираларида истиқлолчилар ва уларнинг раҳбарлари “элни таловчи, босқинчи” эмасликларини, балки ўз “Ватанига содиқ, фидойи, дунё аҳволидан воқиф кишилар” эканликларини яққол кўрсатиб берган [12,Б.23-25]. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири бу шубҳасиз Шермуҳаммадбек (1893-1970) ҳисобланади. Шермуҳаммадбек Қўшоқбойхожи ўғли (совет даври манбаларида “Кўршермат”) Фарғона водийсидаги Тошлоқ туманининг Гарбува қишлоғида таваллуд топган. У Туркистон озодлиги учун курашларда фаол иштирок этди: 1921 йилнинг август ойида ўтказилган совет ҳукумати вакиллари билан музокараларда Туркистондаги 1-армия қўмондони Г.В.Зиновьвга қарата Шермуҳаммадбек: “Ҳуррият истаймиз, истиқлол истаймиз, бизни холи қолдиришингизни истаймиз” – деб жавоб қилган эди[13,Б.34]. 1920 йил 3 майда Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар ва тинч аҳоли вакилларининг Олтиариқдаги қурултойида Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистон – турк мустақил ислом

жумҳурияти ёхуд Туркистон Муваққт ҳукумати тузилди. Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси бўлиш билан бирга водийдаги бутун истиқлолчилар қўшинининг Олий бош қўмондони қилибҳам сайланди. ... Аммо Шермуҳаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон Муваққат ҳукумати 1922 йил охирига келиб тарқалиб кетишга мажбур бўлди[8,Б.137-143]. Бироқ омонсиз жангларда қизил аскарлардан мағлубиятга учраган Шермуҳаммад қўрбоши 1923 йилнинг бошларида тирик қолган 500 тача йигитлари билан қўшни Афғонистон давлати ҳудудига ўтишга мажбур бўлди. Ушбу даврдан бошлаб, Шермуҳаммад қўрбошининг салкам еллик йиллик мухожирликдаги ҳаёт йўли бошланди. У Афғонистонга укаси Нурмуҳаммадбек билан бирга ўтади. ... Афғонистонга ўтган Шермуҳаммадбек дастлаб Бадахшонга, сўнгра Хонабодга боради. Хонабодда Шермуҳаммадбекни қаршилаш учун афғон амири Омонуллахоннинг топшириғи билан Афғонистон ички ишлар нозири Хайруллабек келган. Хайруллабек таклифи билан Афғонистон пойтахти Кобулга йўл олган Шермуҳаммадбек Бадахшондаги йигитларига укаси Нурмуҳаммадбекни, Хонободдаги ҳарбий қисмларига Мулла Хотам қўрбошини қолдиради. Кобулда Туркиянинг Афғонистондаги элчиси Фахри Пошо, Афғонистон ҳукумати бошлиғи Маҳмудбек Тарзи (1868-1943 йй.) лар билан учрашган. Маҳмудбек Тарзининг Шермуҳаммадбекни шахсан қабул қилиши Туркистонлик қўрбоши афғон ҳукумати раҳбарлари олдида катта мавқега эга эканлигидан далолат беради. ...Шермуҳаммадбек 1923 йил бошларида Туркистондаги истиқлолчилик курашини давом эттириш учун инглизлардан ҳарбий ёрдам олиш мақсадида Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрига боради. Аммо инглизлардан рад жавобини олгач, ўзининг 140 нафар аскарлари билан маълум вақт Пешаворда яшайди. 1924 йил 17 мартида Кобулга қайтган Шермуҳаммадбекдан афғон ҳукумати ўзи ва йигитларидан қурол-яроғларини топширишни талаб қилади. Афғонистон ҳукумати Шермуҳаммадбекка 500 афғон рупийси миқдорида ойлик нафақа белгилайди, ҳамда Кобулдан 40 км узоқликдаги масофада чиқишни таъқиқлаб қўяди[13,Б.34-40]. 1920 йилларда советларнинг махсус сиёсий идораси ОГПУ[23] Афғонистондаги мухожир ўзбеклар орасига нифоқ солиш усули орқали ўз рақибларини йўқотиш чораларини кўради. ОГПУ ходими Ғ.Оғабеков (Г.Артюнов - асл миллати арман)нинг айғоқчилик ҳаракатлари орқали Афғонистондаги туркистонлик муҳожирларнинг етакчилари бўлган Шермуҳаммадбек ва Амир Олимхон ўртасига нифоқ солиб, Шермуҳаммадбекнинг қўли билан Амир Олимхонни йўқ қилишга ҳаракат қилади. Аммо Шермуҳаммадбекдаги ақл-идрок туфайли ушбу қора мақсади амалга ошмайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларига қадар ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар Кобул шаҳри яқинидаги Чорикорда деҳқончилик билан машғул бўлишган.

Иккинчи жаҳон урушининг бошларида Афғонистондаги муҳожирлар

етакчилари диний уламо Саййид Мубаширхон Таррозий, Муфтий Садриддинхон, Шермуҳаммадбек ва унинг укаси Нурмуҳаммадбеклар бошчилигида Кобулда муҳожир ўзбекларнинг “Ватанни озод қилиш” махфий ташкилоти тузилди. Ушбу ташкилотга фашистларнинг таъсири бўлганлиги туфайли СССРнинг тазиқи натижасида 1943 йилдаАфғонистон ҳукумати “Ватанни озод қилиш” махфий ташкилотининг барча раҳбарларини қамоққа олди. Жумладан, Шермуҳаммадбек ҳам Саййид Мубаширхон билан бирга Кобулдаги ҳибсхонада 1948 йилга қадар сақланган.

1948-1952 йилларда Афғонистондан Туркияга 90 оилага яқин туркистонликлар кўчган. Улар орасида Шермуҳаммадбеклар оиласи ҳам бор эди. Улар Покистон, Ҳиндистон, Сурия, Эрон орқали Туркияга етиб келдилар. Шермуҳаммадалар оиласи Туркиянинг ўзбеклар зич яшайдиган Адана шаҳридан паноҳ топишган ва умрининг охиригача ўша ерда яшайди[13,Б.34-41].Шермуҳаммадбек 1970 йил 10 мартда, укаси Нурмуҳаммадбек эса 1983 йил 10 январда Туркиянинг Адана шаҳрида вафот этган[8,Б.137-143].

Туркистон минтақасининг бошқа минтақаларида бўлгани сингари Хоразм аҳолиси ҳам ўз ҳудудининг мусақиллиги учун большевиклар босқинига қарши истиқлолчилик курашини олиб боришди. Ушбу курашга туркманларнинг ёвмут уруғи етакчиси Қурбон Мамед Сардор – Жунаидхон (1857—1938) бошчилик қилди.

Тарихчи олим Қ.Ражабовнинг маълумотига кўра, Жунаидхон номи тарих саҳифаларига мураккаб шахс ва зиддиятга тўла инсон сифатида битилган. Унинг фаолияти ҳам шахсиятидек кескин ва фожеали, зафарли ва қайғули кечган. Олдин чор Россияси ва Хива хонига қарши курашган Жунаидхон 1919 йилнинг ёзидан бошлаб Тўрткўлдаги қизил аскарларга қарши мустақиллик курашини бошлайди. Аммо 1919 йилнинг ноябрь, 1920 йилнинг январь ойларида бўлган шиддатли жанглар натижасида Жунаидхон қўшини қизил аскарлардан мағлубиятга учради. Жунаидхоннинг қароргоҳи Тахта қалъаси 20 январда қўлдан кетди. Қизил армия қўшинлари 1920 йил 1 февралда хонликнинг пойтахти Хива шаҳрини эгалладилар. 2 февралда Саид Абдуллахон тахтдан воз кечди. Жунаидхон асосий кучларини олиб Қорақумдаги туркман овулларига чекинди. Баъзи мувофаққиятсизликларга қарамай Жунаидхон қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши ўз ҳаракатларини фаоллаштирди. Унинг қўшини сафида туркманлардан ташқари ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқлар ҳам кўпчилик эди. Ўзбек деҳқонлари ва ҳунармандларидан иборат дасталарга Мадраимбой, Ота Махсум, Темир Алихон, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилишди. Хусусан, Кўҳна Урганч, Илалли, Тошҳовуз, Манғит, Кўшкўпир, Чимбой, Кўнғирот ва Тўрткўлда ҳаракат қилган ўнлаб сардорларнинг дасталари қизил аскарларга сезиларли зарбалар беришди.1924 йил бошларидан бошлаб Жунаидхон бошчилигидаги 15.000

кишилик пиёда ва отлиқлар қўшини Хива шаҳрини қамал қилишга киришди. Февраль ойининг бошларига келиб Хива шаҳрига 4-Актюбинск ва 82-Туркистон отлиқлар полки ва авиа-эскадрильяси, Тошкент ва Тўрткўлдан қизил аскар қисмлари олиб ташлангач, Жунаидхон бошчилигидаги ватанпарварлар қўшини қарийб бир ой давом этган қамални тўхтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Жунаидхон 1924 йил 17июнда ўзининг 20 та ҳамроҳи билан Афғонистондаги Ҳирот шаҳрига етиб келди[11, Б.17-21]. У афғон ҳукуматидан ўз тарафдорларидан 500 кишилик оилани қабул қилишни ва ҳарбий ёрдам беришни сўрайди. Афғон ҳукумати тарафдорларини қабул қилди лекин қурол-яроғ бермади[1, Б.46-47].Архив ҳужжатларида келтирилишича, у бу ерда туриб ўз қўшинлари сафини тўлдиришга ҳаракат қилган ва вақти-вақти билан Туркманистон орқали Хоразм устига юришларни уюштирган. Айрим танаффуслар билан 1931 йилгача большевикларга қарши кураш олиб борган Жунаидхон ниҳоят Эрон давлатига бутунлай ўтиб кетди ва муҳожирликда ўша ерда 1938 йили вафот этди. Баъзи манбаларда ёзилишича, унинг жасади Эрондан келтирилиб ўзи туғилиб ўсган Тахта туманидаги Бадиркент қишлоғидаги қабристонда яширинча дафн этилган[11, Б.17-21].

Истиқлолчилик ҳаракатининг ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган қуролли безорилик, бандитлик ёки босмачилик ҳаракати эмаслигини биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий характери ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатнинг худди ана шу ўзига хос хусусияти ва асосий мақсадини аниқлаб олиш зарур.

Ҳаракатнинг бошдан охиригача бир устувор ғоя ётадики, бу бутун Туркистоннинг миллий истиклоли ва мустақиллиги ғоясидир. Истиқлолчилик ҳаракати гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, унда иштирок этувчиларнинг таркиби алмашиб, иккиламчи манфаатлар ўзгариб туришига ҳамда объектив ва субъектив омиллар кучлар мувозанатига салбий таъсир қилишига қарамай, ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллиги бўлиб қолаверади.[11,Б.8].

Юқоридаги маълумотларнинг таҳлилига чуқур мулоҳаза билан ёндошсак, мухожир ўзбеклар ҳаёти ва уларнинг муҳожирликка кетиш сабаблари бўйича чуқур тадқиқот олиб борган олим Ш.Ҳайитов ТАССР, БХСР ва ХХСР ҳудудларидан 1917-1924 йилларда муҳожирликка кетишга мажбур бўлганларни қуйидаги тўртта гуруҳга бўлади, жумладан:

1. Абсолют монархия тизими тарафдори бўлган, амир Олимхон ва унга эргашганлар. Амир Олимхон билан бирга Афғонистонга 50 минг хўжалик, 200 минг киши ўтиб кетганди.
2. Совет ҳокимятига қарши қуролли кураш олиб борган, совет тарихий адабиётларида “босмачилар” деб номланган Туркистон озодлиги учун курашган кишилар.

3. ТАССР, БХСР, ХХСР ҳукумати таркибида ишлаган, кейинчалик советларнинг мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсатидан норози бўлиб хорижга чиқиб кетган сиёсий мухожирлар.
4. Ёш ҳукуматлар томонидан истиқболни ўйлаб хорижий мамлакатларга ўқиш учун юборилганлар ва бутунлай чет элда яшаб қолганлар. [7,Б.32-33].

Ушбу гуруҳларнинг бир гуруҳи айнан совет тарихий адабиётларида “босмачилар” деб номланган Туркистон озодлиги ва мустақиллиги учун курашган қўрбошилар ва уларнинг дасталарига бириккан истиқлолчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари эканлиги ойдинлашади. Тарихий тадқиқот давомида амин бўлдикки, ўтган асрнинг 20-30 йилларида бутун Туркустон ҳудудини болшевик босқинчиларидан озод қилиш учун курашган қўрбошилар ва уларга эргашган истиқлолчилик кураши вакилларининг қуролли ҳаракати қамраб олган. Улар совет иттифоқининг тарихимизга нисбатан мафкуравий ёндошуви туфайли “босмачилик” ҳаракати вакиллари сифатида қораланган. Аслини олганда бутун истиқлолчилар она ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида кураш олиб борганлар. Қаттиқ ва узоқ давом этган курашлардан сўнг қўрбоши дасталарининг аксар кўпчилиги қўшни Афғонитон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлишган. Уларнинг ушбу давлат ҳудудига ўтишининг асосий сабаби дарёнинг ҳар иккала томонидаги халқларнинг дин ва миллат бирлиги бўлиб, маълум вақт ушбу ҳудудда ватан озодлиги учун қайта куч тўплашва яна Туркистон тупроғига ўтиб қайта курашга киришиш ҳисобланган. Бунда улар маълум маънода Ҳиндистон ҳудудидаги инглизлардан ҳам кўмак излайди. Умуман олганда истиқлолчилик кураши вакилларининг бир қисми Туркистон ҳудудига қайтиб курашни давом эттирган бўлса яна бир қисми бошқа Шарқ мамлакатларига чиқиб кетди. Бунга сабаб Афғонистондаги ҳокимят ўзгаришлари ва афғон ҳукуматининг мухожирларга гоҳ ижобий, гоҳ салбий муносабати бўлган. Яна бир қисми эса (асосан уларга эргашган оддий халқ вакиллари) Афғонистон ҳудудида қолиб бу ердаги ўзбек, тожик ва туркманлар нуфусининг янада ўсишига сабаб бўлган. Афғон ҳукуматининг сиёсий муҳожирларга хусусан, туркистонлик қўрбошилар ва уларнинг қўл остига бириккан йигитларнинг кейинги ҳаёти, сиёсий мухожирлик тарихини, шунингдек, уларга эргашган оддий халқ вакилларининг Афғонистондаги кейинги тақдирини янада кенгроқ ўрганиш тарихимизда алоҳида тадқиқот иши сифатида ёритилиши керак бўлган истиқболдаги вазифалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:/ REFERENCES

1. Ҳайитов Ш.А. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). – Тошкент, “ABU MATBUOT KONSALT”. – 2008. – 208 бет.
2. “Маърифат нури”, 1999 йил 15 август.
3. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. – 188 бет.

4. Саййид Мансур Олимий.Бухоро – Туркистон бешиги.(Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўз боши ва айрим изоҳлар муаллифи – проф. Ҳ.Тўраев) – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2004. – 127бет.

5. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ўзбекистон – бизга ҳам Ватан... . Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006. – 158 бет.

6. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, - 2007. – 103бет.

7. Ҳайитов Ш.А., Саидов И.М.. Хориждаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Монография. – Самарқанд, “MEHRIBON-POLIGRAF SERVIS”, 2015. – 159 бет.

8. Ражабов Қ.К., М.Ҳайдаров. *Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар).* – Тошкент: “Университет” нашриёти, 2002. – 167 бет.

9. Хашимбеков Х. Узбеки Северного Афганистана. – Москва, 1994. – 56 с.

10. Назаров Н. Афғонистон ўзбеклари. - Тошкент, 2011. – 127 б.

11. Ражабов Қ.К. *Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар).* – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2000. – 31 бет.

12. Ражабов Қ.К. *Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар).* – Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2002. – 144 бет.

13. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватан дея, ватансиз қолганлар. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. – 159 бет.

14. Ҳ.Бобобекова. Тарихнинг аччиқ ҳақиқатлари. // Турон, 1993 йил, май; 16-17 б.

15. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлар (1920 – 1924 йй.). – Бухоро, “Yoqub Dovud”, – 2004. – 77 бет.

16. Шодмон Ҳайитов, Садриддин Бадриддинов. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар). – Бухоро, “Бухоро” нашриёти, - 2007. – 103-бет.

17. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форс тилидан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи – Абдусодиқ Ирисов. – Тошкент, “Фан” нашриёти. – 1991, 21 – бет.

18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Қ” ҳарфи. А.Матвалиев таҳрири остида. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – Б-413. ҚЎРБОШИ тар. 1.Ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим шарқ давлатларида: дастлаб шаҳарни тунда қўриқловчи миршаб; сўнгра қурол-яроғ омбори (қўр) мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турли яроғлар ва тўп ясашустахоналари (қўрхона) бошлиғи. 2. Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи; миршабларнинг бошлиғи. 3. Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатҳарбий раҳбарларининг унвони.

19. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. – Т:. ИФИАК, 2006. – 408 б.

20. Ушбу маълумотлар тадқиқотчи Насириддин Назаровнинг Қундуз минтақасида истиқомат қилувчи 67 ёшли Ҳожи Мамедислом Ҳожи Ғоибназар ўғли билан шахсий суҳбати (дала тадқиқоти) асосида ёзиб олинган. Агар 4,5 жириб бир гектар деб олинадиган бўлса, бу ўрта ҳисобда тўрт миннг гектар ер бўлади.

21. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форс тилидан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи – Абдусодиқ Ирисов. – Тошкент, “Фан” нашриёти. – 1991, 21 – бет.

22. Абдуллаев К.Н. От Синьцзяня до Хорасана. Из истории среднеазиатской эмиграции XX века. – Душанбе: “Ирфон”, 2009. – 572 с.

23. ОГПУ – Советларнинг Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси бўлиб, 1923-1934 йилларда фаолият олиб борган.

КУЛОЛЛИК ИДИШЛАРИ УСТРУШОНА ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

Г.И. МЎМИНОВА, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация: Мазкур мақолада Уструшона кулоллик ҳунармандчилигининг қисқача тарихи, унинг антик ва ўрта асрлардаги тараққиёти, сопол идишларнинг маҳаллий хусусиятлари, кундалик турмуш тарзидаги функцияси масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Уструшона, кулоллик, сопол идишлар, хум, хумча, кўза, коса, Жиззах, Зомин, Қалиятепа.

Аннотация: В данной статье рассмотрены вопросы истории развитие уструшанское керамическое ремесло в античной и средневековый эпохи, анализированных их локальных особенности и функции повседневной жизни населения.

Ключевые слова: Уструшана, керамика, керамические посуды, хум, хумча, кувшин, чаша, Джизак, Заамин, Калиятепа

Annotation: This article discusses the history of the development of the Ustrushana’s ceramic crafts in the ancient and medieval eras, analyzed their local features and functions of the daily life of the population.

Keywords: Ustrushana, ceramics, pottery, khum, khumcha, jug, bowl, Jizzakh, Zaamin, Kaliyatepa

Кишилик тарихи ибтидоий даври жамоаларининг моддий маданиятини ўрганишда сопол идишларнинг бирламчи манба сифатида аҳамияти беқиёс. Сабаби, соҳа мутахассислари таъкидлаганларидек, ёдгорликлар турли табиий кучлар таъсирида бузилиб, қадимий иморатлар қурилишига оид маданий қатламлар сақланиб қолмаслиги мумкин, лекин сопол идиш парчалари гарчи сочилиб кетган бўлса-да, сақланиб қолиб, шу макон ўрни, моддий маданиятини тиклаш, даврий санасини аниқлаштириш имконини беради. Сопол идиш намуналарини тарихий манба сифатида аҳамиятига ўтган асрнинг 20- йилларигача бўлган давр археологик қазишмаларида унчалик эътибор қаратилмаганлиги тадқиқотлардан маълум. Лекин, 1930-1940 йиллар мобайнида йирик археологик экспедициялар ташкил этилиши ва уларнинг кенг қамровли тадқиқотлари натижасида, кўп миқдорда сопол буюмларнинг қўлга киритилиши, бу ашёларга тарихий манба сифатида янгича ёндашув заруратини тақозо этган. Негаки, энди сопол буюмларнинг ибтидоий давр жамоалари моддий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти мазмуни, ўзаро муносабатлари характери, жамоалар маданий алоқалари, “культурогенез”, тарихий тараққиётни даврлаштириш каби долзарб масалалар ечимида нақадар муҳимлиги

тадқиқотларда сезилиб қолди.

Таъкидлаш жоизки, кулоллик ҳунармандчилигининг тараққиёти шаҳар маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда юзага келган. Чунки, марказий йирик шаҳарларда бошқа касб – корлар қатори кулолликка ҳам эътибор берилиб, бу соҳа вакилларининг алоҳида маҳаллалари барпо этилган. Бунга айниқса ўрта асрларда (VI – VIII, IX-XII) катта аҳамият берилган.

Илк антик даврда Уструшонада аҳолининг шаҳарлашуви, демографик ўсиш жараёнлари натижасида, янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши мамлакатнинг шимолий, шимолий-ғарбий қисмида – Зоминсув ва Сангзор дарёлари ҳавзасида изчил суратда амалга ошган. Милодий эрадан аввалги IV-III; II-I асрларда бу тарихий маданий ўлкада Эски Ховос, Ўрдатепа, Қалиятепа, Ойдинсойтепа, Кўрғонтепа шаҳар ёдгорликлари вужудга келган. Бу даврда шаҳар маданияти ва ишлаб чиқаришга шарқдан Фарғонанинг, ғарбдан айниқса Суғднинг таъсири Уструшонанинг шимолий ва шимолий-ғарбий сарҳадларида сезиларли даражада бўлган. Чунки “Суғд колониялари” нинг шарқий ҳудудларга ёйилиши айнан ушбу даврлардан бошланган. Жиззах воҳасидаги Ойдинсойтепа, Кўрғонтепа, Қалиятепа шаҳар ёдгорликларидан Афросиёб II, Афросиёб III типидаги кулоллик идишлари, қизғиш ангоб билан бўялган ва устки қисми пардоз бериб силлиқланган қадаҳлар, паймоналарнинг оммавий тарзда топилиши фикримизни исботлайди.[3]

Илк ўрта асрларда бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Уструшонада ҳам шаҳар маданияти ўзига хос қонуниятлар асосида, хусусан, ўша давр сиёсий ҳаёти, демографик жараёнлари тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланишда бўлган. Бу даврда аввалги мавжуд шаҳарлар ва унинг атрофи оммавий тарзда ўртоқлашган кўчманчи аҳоли ҳисобига янада гавжумлашган. Йирик оқар сув ҳавзаларида янги маданий воҳалар-шаҳар ва уни ўраб турувчи ўндан ортиқ қалъа - работлар вужудга келган. Шаҳристонсой ҳавзасидаги Қалъайи- Қаҳқаҳа, Хўжамушкентсой қирғоғидаги Култепа, Шўрбулоқсой этагидаги Эски Хавос, Зоминсув бўйидаги Ўртатепа (Оқтепа), Сангзорнинг ўрта оқимидаги Кўрғонтепа, қуйи оқимидаги Қалиятепа, этак қисмидаги Дунётепа мазкур мўъжаз воҳалар учун сиёсий, иқтисодий, маъмурий ва маданий марказ бўлиб фаолият кўрсатган. Кейинчалик, Уструшона мустақил давлат сифатида тарих саҳасидан ўрин олиб, аниқ ҳудудий чегаралиниш юз бергандан сўнг ушбу маданий воҳалар муайян рустоқлар ва уларнинг бош шаҳрига асос бўлган. Ҳар бир бош шаҳар бир-биридан 600-800 м масофа узоқликда жойлашган бир гуруҳ қишлоқ маконлар ҳалқаси билан ўраб олинган.

Ўрта Осиёнинг бир қатор тарихий-маданий ўлкаларининг, хусусан, Хоразм, Фарғона, Сўғд, Бақтрия-Тахористоннинг қадим ва ўрта асрларга тааллуқли кулоллик ҳунармандчилиги ва сопол идишлари намуналари тарихи илмий тадқиқ қилинган. Хусусан, Л.М. Левина, Н.Ф. Вактурская, Е.М. Пещерева, Ю.Я. Якубов, Г.В. Шишкина, Н.П. Столярова, Т.Ж.

Аннаев, Г. Мирзаалиев каби мутахассислар Ўрта Осиёнинг кулоллик тарихи ва сопол идишлари хусусиятлари мавзусида тадқиқотлар олиб боришган ва уларнинг бу борадаги қатор илмий асарлари нашр этилган.

Ёзма ва археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий ўлкаларидан бири Уструшонада ҳам кулоллик хунармандчилиги қадимги даврлардан ўз фаолиятини бошлаган. Уструшонада ҳам кулоллик хумдонлари кулоллар маҳаллалари қайд этилган қадимги шаҳарлар археологлар томонидан топиб ўрганилган. Чунончи, антик даврларга оид кулоллик хумдонлари Уструшонанинг Мунчоқтепа, Нуртепа, Қалиятепа ёдгорликларида, ўрта асрларга оид кулоллик хумдонлари ва кулоллар маҳаллалари Жиззахдаги Ўрда, Зоминдаги Култепа, Ўратепадаги Бунжикат каби шаҳар ёдгорликларида қайд этилган. Ўрта Осиё хонликлари давридаги Жиззах Ўрдаси таркибида темирчилик, мисгарлик, кўнчилик, совунгарлик, заргарлик маҳаллалари билан бир қаторда кулоллик номи билан аталган маҳалла ҳам фаолият кўрсатган. Ушбу топилмалар ва соҳага оид маҳаллалар ҳақиқатдан ҳам Уструшонада кулоллик ҳунармандчилигини ривожлангани ва маҳаллий хусусиятларга эга бўлганидан дарак беради.

Таъкидлаш лозимки, Уструшонада олиб борилган муайян қазув тадқиқотлари давомида топилган сопол идиш намуналари даврий санани белгиловчи топилма сифатида эътироф этилган ва илмий ҳисобот хамда мақолаларда қисман қайд этилган. Лекин Уструшона сопол идишлар ҳунармандчилигининг тарихига, ривожланиш босқичига ва маҳаллий ҳусусиятлари тадқиқотига айнан бағишланган илмий ишлар ҳозирга қадар қилингани йўқ. Бу салбий воқейлик айниқса, илк ўрта асрлар кулолчилиги учун жуда хусусиятлидир. Ваҳоланки, Уструшонанинг бир қатор илк ўрта асрлар билан даврланган шаҳарлари, қалъа-рабодлари ўтган асрнинг 80-90 йилларида чуқур ўрганилган.

Хусусан, Қалиятепа, Пардақултепа, Комилбоботепа ёдгорликларнинг V-VIII асрларга оид маданий қатламларидан олинган сопол идиш намуналари махсус тадқиқотлар орқали тахлил қилинмаган. Уструшонада илк ўрта асрларда маҳаллий кулоллик муайян ўзгаришларга учраган, бунга сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар сабаб бўлган. Маълумки, бу даврда Ўрта Осиё икки дарё оралиғида кўчманчи чорвадор халқларнинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилган, бу ҳолат моддий маданиятга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Сопол идиш ясовчи кулоллар, аҳолини эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир қатор янги шаклдаги идишларни ясашга ўтганлар. Хусусан, мустахара (отда хуржунга солинган ҳолатда сув ташиш учун мўлжалланган) идишлар, манқалдонлар (совуқ пайтлари ўтов ёки хоналар ичида олов ёқиш, чўғ сақлаш учун), товалар (чўл шароитида хамирдан қотирма, қатлама каби овқатлар тайёрлаш учун) кўплаб ишлаб чиқарилган.

Илк ўрта асрларда энг кўп тарқалган, хўжаликни юритиш учун

қўлланилган сопол идиш турларидан бири, хумлардир. Натурал хўжалик шароитидаги қалъа ва работларда иложи борича кўпроқ озиқ-овқат, ичимлик суви сақлашга ҳаракат қилинган. Бу нарсалар сиёсий беқарорлик туфайли келиб чиқадиган ҳарбий ҳаракатлар ва қамал ҳолатида ниҳоятда асқотган. Дон, ун, ичимлик суви сақланадиган хумларнинг ҳажми катта бўлган. 2003-2004 йилларда Жиззах шахри ҳудудидан топилган VII-VIII асрга оид хумнинг баландлиги 1.85 метрни, максимал эни 0.85 метрни ташкил қилади. Ушбу хумда 300 литр атрофида сув сақлаш мумкин бўлган. Хавфсизлик, экологик ва қулайлик нуқтаи – назаридан хум ярим белигача ўчоқбоши (ошхона) га кўмиб қўйилган. Қайд этилган сопол идишлар орасида илк ўрта аср жамиятининг маданий ҳаётига оид айрим сопол идишлар ҳам мавжуд. Хусусан, исириғдонлардан диний тоат-ибодат ва байрам маросимларида фойдаланилган. Исириғдонлар қувурсимон, ичи ғовак танадан, ясси тагдондан ва тана бошига ўрнатилган “косача”дан иборат. Косачага хушбўй ҳид таратувчи гиёҳлар (исириқ, кўкнори пўчоғи...) солиниб маросимларда тутатилган.

Маҳаллий кулоллар аҳолининг уй-рўзғор эҳтиёжларидан келиб чиқиб идишлар ясашган. Бу даврда чорвачилик махсулотларини кўпайганлигини сабабли, сут-ёғ маҳсулотлари олинадиган ва сақланадиган кувилар, хурмачалар, ёғлоғилар ишлаб чиқарилиши кўпайган. Анъанавий сопол идишлар кўзалар, косалар, ликопчалар, қозонлар, чироғдонлар, тоғоралар аввалги шаклдан деярли ўзгармаган ҳолатда ишлаб чиқарилган.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, илк ўрта асрларда Уструшонада идишларнинг хилма-хиллиги таъминланган. Сопол идишлар ишлаб чиқаришда қўлда тайёрланган идишларнинг нуфузи ҳам ошган. Сопол идишлар шакли ва технологиясига кўчманчиларнинг таъсири ҳам сезиларли бўлган. Ушбу муаммо кенг қамровли тадқиқотларни кутмоқда. Маълумки, Ўрта Осиё қадимдан деҳқончилик юксак даражада тараққий этган тарихий-маданий ўлкалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар //ИМКУ, Вып 2., Ташкент, 1961, с. 92-96.
2. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. Сталинабад, 1957, с. 180-210.
3. Пардаев М.Х. Северо – западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалам нижнего течения р.Сангзар). АКД, Ташкент, 1995. с. 22.
4. Пардаев М.Ҳ. Жиззах воҳасининг VII – VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ, 30-нашри, Тошкент, 1999, 145-151 б.
5. Бентович И.Б. Керамика Пенджикента // МИА, №37, М-Л, 1953, с.85-93.
6. Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. Москва, 1959.
7. Исомиддинов М.Ҳ. Сополга битилган тарих. Тошкент, 1998, 12-21 б.
8. Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э – начале XIII в. н.э. (археолого – топографическое исследования) //АКД, Самарканд, 1990, с. 20.
9. Бердимуродов. А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакской области. //АКД, Москва, 1985. с.23.

JIZZAX VOHASI AHOLISINING BOLA TUG‘ILISHI BILAN BOG‘LIQ MAROSIMLARI HAQIDA

Q.ALMANOV, mustaqil tadqiqotchi, Gul DU, Guliston

Annotatsiya: Ushbu maqolada Jizzax vohasida bola tug`ilishi bilan bog`liq bo`lgan irimlar, ularning ahamiyati, bugungi avlodning bunday irim-sirimlarga munosabati dala materiallari va bir qancha tadqiqotchilarning izlanishlarini tahlil qilish asnosida ochib berilgan.

***Kalit so`zlar:*** *Qo`shtamg`ali, Galduravut, Duvlat, Shaybek,“chilla ko`ylak”, “itko`ylak”,Avesto, Sari qiz.*

Аннотация: в данной статье освещается суеверие, связанные с рождением ребенка в Джизакском оазисе их значение отношение нынешнего поколения. Такие суеверие раскрывается посредством полевых исследований и анализа научных трудов ряда исследователей.

Ключевые слова: *Куштамгали, Галдуравут, Дувлат, Шайбек, “Чилла рубашка”, “собачья рубашка”, Авесто, девушка Сари .*

Annotation: In this article, superstitions associated with the birth of a child in the Jizzakh oasis, their significance, the attitude of the current generation to such superstitions is revealed through field research and examining of research by a number of researchers.

Keywords: *Butt, Galduravut, Duvlet, Sheybek, “chilla shirt”, “dog shirt”, Avesto, Sari girl .*

Kishilik jamiyatidan boshlab to bugungi kunga qadar, bola tug`ilishi va u bilan bog`liq marosimlar, irim-sirimlar, insonlar tomonidan qo`llanilib kelinmoqda. Zamonlar o`zgarishi bilan bu irim sirimlarda o`zgarishlar ko`zga tashlanadi. Bolaning tug`ilishi va tug`ilgandan keyin ham turli xil marosimlar o`tkazish odatlari u yoki bu diniy qarashlar zamirida vujudga kelgan. Bunday marosimlar biz o`zbeklarda ham mavjud bo`lib, ularni mahalliy aholi irim-sirimlar deb atashadi. Ularni amalga oshirish marosimlari O`zbekiston respublikasining viloyatlarida turlicha tarzda *(zamiri bir xil)*namoyon bo`ladi. Mahalliy xalq tomonidan asrlar davomida shakllanib kelgan va hozirda ham amal qilib kelinayotgan bunday irim-marosimlar genezisi-kelib chiqishi haqida so`ralganda turli afsona va rivoyatlar bilan ota bobolarimiz javob berishadi. Bularning ko`pchiligi ibtidoiy diniy tasavurlar va islomgacha bo`lgan mintaqa axolisining dunyo qarashiga borib taqalishi va hozirda bu irim sirimlarni muqaddas islom dini bilan bog`lash xolatlari ko`p uchraydi.

O`zbekiston aholisining milliy an’analari urf odatlarini yaxshi o`rgangan elshunos olimlar, K.Shoniyozov, A.Ashirov,va boshqalar bu xaqda to`xtalib o`tishgan[1]. Jizzax vohasi aholisida bola tug`ilishi bilan bog`liq irim-sirim marosimlar qisman o`rganilgan bo`lib yuqorida keltirilgan mualliflarning

tadqiqotlarida umumiy tarzda malumotlar berib o`tilgan.Bugungi kundatariximizning turli sohalariga xalqimizning qiziqishi ortganini ko`rishimiz mumkin. Xalqning ma’naviy madaniyatining bir qismi bo`lgan bola tug`ilishi va u bilan bog`liq irim-sirimlar va marosimlarga e’tibor bugungi kunning dolzarb vazifasiga aylanib boryapti. Nafaqat Markaziy Osiyo mintaqasida balki butun dunyoda bola bilan bog`liq qarashlar ilmiy tadqiqotlarning bosh markazida bo`lib kelmoqda. Bu esa o`z navbatida irim marosimlarni o`rganish g`oyat muhim sohalardan biri ekanligidan dalolat beradi.Avvalo Irim sirim marosimlarning tarixiy ildizlari,qadimgi davrlardan hozirgi kungacha yetib kelishi, ulardagi o`ziga xos xususiyatlarni o`rganish, asosiy mazmun mohiyatini ochib berish uchun turli manbalardan foydalangan holda tadqiq qilish maqsadga muvofiq deb o`ylaymiz. Ushbu maqolada keng jamoatchilik tamonidan qabul qilingan tarixiy-etnografik metodlardan keng foydalangan holda mavzuni yoritishni maqsad qilganmiz. Shunday metodlarga – tarixiylik, qiyosiy-tahlil, xolislik va boshqa metodlar kiradi. Bu kabi metodlar tadqiq etilayotgan mavzuni yoritib berishga muhim omil bo`lib xizmat qiladi.

XX asr oxiri XXI asr boshlarida Markaziy Osiyo xalqlarini urf odatlarini, xar xil udum marosimlarini,soxada faoliyat yuritayotganelshunos tadqiqotchi olimlar tomonidan bugungi kunda keng o`rganib kelinmoqda. Bu mavzu doirasida Maxmud Sattor “O’zbek udumlari”, A.Mardonova “Обычаи и обряды детского цикла и таджиков верховых Зеравшана в прошлом и ностаяшем”, U.Beyazova “Cocuk sagligi ve geleneksel yaklasimlar. Cocuk kulturu”, U.Qoraboyev “O’zbek xalqi bayramlari”,“B.Sarimsoqov,O`zbek marosim folklori”, “A.AshirovO`zbek xalqiningqadimiyetiqod va marosimlari”, “A.Ashirov «Avestodanmeros marosimlar»” va boshqalar o`zlarining tadqiqotlarini olib borganlar. Ammo Jizzax voxasi aholisida bola tug`ilishi bilan bog`liq irim-sirim marosimlar va ularning tarixiy taraqqiyotidagi o`ziga xosliklari to`risida to`laqonli ishlar amalga oshirilmagan. Insoniyat paydo bo`lish ibtidosidan to bugungi kungachauzoq davom etgan vaqt oralig`idaoila mustahkamligiingasosiy belgisi sifatida farzandga alohida e’tibor qaratilgan. Biroq XX asrning 1-yarmigacha Markaziy Osiyo xalqlarining (hususan Jizzax voxasi) ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy qoloqligi, turli epedimiyalar vakasalliklar, shuningdek tibbiy yordamning yetishmasligi va shunga o`xshash boshqa sabablar oqibatida endigina yorug` dunyoga kelgan chaqaloqlar o’lim ko`rsatkichining yuqori bo’lishiga olib keldi. Shunday vaziyatda voha aholisi hayotida farzandlarining sixat salomatligi va uzoq umr ko’rishini ta’minlash uchun turli yo`llarini axtarib sehr-jodu marosimlarini keng qo’llay boshlagan. Buni qarangki ko`chmanchilarga xos bo`lgan shomonizm bilan bog`liq irim sirim marosimlari bola tug`ilishidan avval boshlangan. Birinchi qirq kun-chilla davri tug’ish paytida bo’lgan ayol uchun o’ta xavfli hisoblanadi. Ba’zi sehrli marosimlar ona va bolani yovuz ruhlar ta’siridan himoya qilishi mumkin deb ishonilgan[2]. Masalan, vohaning tog`li va tekislik xudularida yashovchi o`zbek,qirg`iz,tojik aholi orasida homiladorlik, chaqaloq tug’ilishi, uning chilla

davri*(kichik va kata chilla)* va beshikka solish,ism qo`yish, bolalarning beshik, sunnat to’ylari bilan bog’liq bir qator irimlar vujudga kelganki, ular bir biridan birmuncha farqlanadi[3]. Bunday irim sirimlar tarixan qadimiy turkiy qavmlarda mavjud bo`lgan *(ko`z tegishi, nazarlanishi)*Shunday urflar bugungi voha axolisining yoshi ulug`lari tamonidan qo`llanil kelinmoqda va keying avlodlarga yetkazilmoqda bu narsa asrlar davomida avloddan avlodga og`zaki tarzda o`tmoqda.Bunday irim-udumlarning aksariyatini asoslovchi biror manba yo`q aksariyat islom dini ulamolari bunday irimlardan qochishga chaqiradi, shunday bo`lsada bunday irim sirimlar xozirgi kunda davom etib kelayapti.Ular bunday irim sirimlar hali tug’ilmagan chaqaloqni yovuz ruhlar xurujidan, ’’yomon’’ taqiqlovchi ko’zlardan va hasadgo’y kishilarning ziyon–zulmatidan himoya qilishiga malum bir manoda ishonishadi.Quyida vohada mavjud bo`lgan irim sirimlarning ba’zilarini ko’rib chiqamiz. Xususan, Baxmal tumanidagi hubar, Qora, Xoltoy, O`damali, Qo`shtamg`ali qishloqlarida mavjud bo`lgan chaqaloqning tug’ilishi bilan bog`liq irim sirimlarni qarab chiqamiz. Chaqoloq tug`ilishi yaqinlashgan sari tug`ilayotgan onaga etibor kuchayib boradi uni va farzandini eson omon qo`liga olishi uchun xomilador ayolning yaqinlari sergak turishadi. Chaqaloq tug`ilishi yaqinlashgan paytda xomilador ayol *igna ip* ushlamasligi (*yani tikish qilmasligi kerak*) sababi *igna tug`ishda xaliqt berishi ip esa farzandni kindikga o`ralib qoladi* deb ishonishgan, tug`ruq jarayoni boshlanishdan avval *qulf ushlamasligi (agar qulf ushlasa tug`ruq jarayoni qiyin bo`ladi quluflanadi deb ishonishgan[4]*tug`ruq jarayoni boshlanishdan avval homilador ayol ortiga qaramasligi va manashunga o`xshash irimlarni ko`p keltirish mumkin.Qashqadaryo voxasi qishloqlarida mavjud bo`lgan irimlardan biri farzand tug`ilishidan xabardor bo`lgan kishilarning ro’molchalari yig’ib olingan. Bu narsa o’z mohiyatiga ko’ra muloqot magiyasi bilan aloqadordir. Ya’ni, ro’molchasini bergan shaxs bola tug’ilishiga xayrixoh bo’lib, unga nisbatan hech qanday yomon niyati yo’qligi, agar biror yomon niyati bo’lsa berilgan ro’molcha orqali ana shu niyati o’ziga qaytishini anglatgan[5]. Bunga o`xshash holat voha qirqlarida ham mavjud bo`lib ularda turmush o`rtog`ining ro`molchasini olib kirib ketgan bu narsa unga kuch berishiga ishonilgan.Ayol va tug’ilajak chaqaloqning hayotini turli-tuman xavf-xatarlardan saqlash maqsadida amal qilinadigan irim-sirimlar O`zbekistonning markaziy va janubiy vohalarda yaxshi saqlanib qolgan. Xususan, homilador ayol ko’p saqich chaynamasligi lozim, sababi chaqaloqning qulog’i yiringlab og’rib qolishi mumkin, arqon yoki ip ustidan sakrab o’tmasligi lozim, chunki chaqaloqning kindigi bo’yniga o’ralib nobud bo’lishi mumkin deb qaralgan[5]**.** Cho’pon tayog’ining ustidan farzand kutayotgan ayol xatlasa bola xunuk tug’iladi, supurgi yoki taxta o’qlog’ ustidan sakrasa bolaga zarar yetishi mumkin ekan.Supirgini tik xolda qo`ymaslik kerakligi uqtirilgan.Yuqoridagilardan tashqari xomilador ayol yolg’iz yurmasligi, mozorga, suv bo’yiga, xilvat joylarga bormasligi kerak ekan[5]. Bunday irimlarga xalq orasida yuksak ishonch ko`zga tashlanadi. Buning natijasi ham

bo`lgan albatta. Masalan, yangi tug`ilgan bolaning qulog`idan chirk kelsa, onaga sen homilador vaqtingda saqich chaynagansan, shu sababli chaqaloqni qulog`i og`riyapti deya tana qilishadi. Shu sababli homilador ayollarning ko`pchiligi saqich chaynashdan tiyilishadi.Shunga o’xshash irim va marosimlarni qadimdan turkiy xalqlar orasida mavjud ekanligini tadqiqotimiz obyekti bo`lgan Jizzax voxasini o`rganish orqali ko’rib chiqdik. Xususan, ko’zi yoriyotgan vaqtida bo’lg’usi onaga soch kesmasligi qosh termasligi kerakligi yoshu ulug` onaxon va momolar tamonidan doimiy uqtirilib kelingan. Buning sababi tug`ilajak farzandining umryo`llari manashu sochlaringni uzunligicha bo`ladi degan fikrlariga yosh kelinlar ishonishgan va imkon qadar sochlarini asrashga, uni doimo avaylab ro`mol bilan o`rab yurishga odatlanishgan. Agar sochlarini qirqsa tug`ilajak farzandining umrini qirqgandek taasurot uyg`ongan. O`zbekistonning janubiy xududlarida xozir xam tug`riq jarayoni oson bo`lishi uchun erining tuflisiga suv solib qo’yish odati bor. Bunga tug`ruq og`rig`ining biroz kamayadi degan qarashlar sabab bo`lgan. Baxmal tumanixalqi orasida homilador ayol tukli hayvonlarga qarasa bolaningtanasi tukli bo’ladi deb hisoblangan. Tukli chaqaloqlarning chilla davrida tuproqqa bo`lash ishlari amalga oshirilgan. Soz tuproq bilan bola tanasini ishqalab*(sariq tuproq, tandir turpoq, suyal tuproq)* yuvish natijasida tuklar to`kiladi. Bu tuproq maxsus joydan olingan asosan shifobaxsh tuproq sifatida ishlatilgan.(bolalar qoliga suyal (so`gal) chiqsa manashu tuproqdan surtilgan va suyal to`kilib ketishiga ishonilgan) Homilador ayol qo’rqinchli va xunuk narsalarga qaramasligi kerak. Chunki, bolaning ularga o’xshab qolishligi mumkinligiga ishonganlar. Bir vaqtning o’zida tug’ilgan ikki chaqaloq yuzma-yuz keltirilmaydi, chunki ularning chilla davrlari aralashib, ularni nobud qilishi mumkin degan shomonistik g`oyalarga ishonilgan xozirgi kunda xam bu odatlarga amal qilinadi*(muallif)*. Homiladorlik vaqtida onaning yuzida dog’lar paydo bo’lsa, tug’ruq vaqtida o’z sochlari bilan yuzini artsa dog’lar yo’qoladi deb ishonganlar. Hozirda taraqqiy etgan tibbiyot sohasi shuni ko`rsatadi-ki, homiladorlik vaqtida turli garmonal o`zgarishlar natijasida ba’zi ayollar yuzlariga dog`lar tushadi va tug`ruqdan so`ng qonning yangilanishi natijasida yuzdagi dog`lar yo`qolishini kuzatiladi. Tug’ilgan chaqaloqni sabr-toqatli bo’lishligi uchun ona dastlabki uch soat ichida farzandiga sut bermasligi kerak. Yangi tug`ilgan chaqaloq tanasiga sho`r suv surish lozim, shunda umr bo’yi undan ter hidi kelmaydi buni oilaning kata azolari dastlab amalga oshirib berishgan. Ilgari ayollar o’z uylarida ko’zi yorigan. Shu sabab, mahalladan bitta momo barcha tug’ilajak chaqaloqlarga doyalik qilgan[6]. Ko’zi yoriyotgan ayol hovliga chiqmasligi kerak bo’lgan, chunki u yerda bo’lgan yovuz ruhlar unga zarar yetkazishi mumkin, sovuq kunlarda qo’shnilarga tuz berish, umuman tuzni uydan olib chiqish yomon oqibatlarga olib kelishi mumkin deb ishonilgan. Chunki, Markaziy Osiyo aholisi orasida non va tuz e’zozlangan. Sovuq kunlarda tuzni birovga berilsa, non va tuzdan ayrilib qoladi degan shomonistik qarash bugungi kun voxa qirqlari xayotida saqlanib qolgan qarash mavjud bo`lgan. Homilador ayolga

murdani ko’rish, axlat tashlanadigan joylarda yurish, mag’zava to’kilgan yoki hayvonlar so’yilgan yerlardan o’tish ham mumkin bo’lmagan[7]. Homilador ayol oynaga ko’p qaramasligi, sochini qirqmasligi uqtirilgan.Sovuq oqar suvga cho’milsa suv parilari unga ziyon yetkazishi mumkin ekan[8]. Shuningdek yozda peshin *(tushlik, abet,kun o`rtasi)*vaqtida xomilador ayol va yosh bolalar ko`chaga chiqmasligi uqtirilgan sababi yozning chillasida issiq vaqtda Sari qiz *(sariq qiz)*chiqib ularga ziyon yetkazadi deb ishonishgan. *(Bizningchayosh bolalarniqo`rqitib uxlatish uchun yoz faslida ko`chada sang`ib yurmasligi, boshidan kun oftob o`tmasligi uchun o`ylab topilgan).* Yana bir irimBaxmal tumaniga qo`shni bo`lgan Samarqand viloyatining ba’zi tumanlarida vafot etgan odam bor uyga xomilador ayol kelishga ruxsat etilgan bo’lsada, buning o’ziga xos shakli bo’lib, homilador ayol vafot etgan odamni qabristonga eltgunlariga qadar o’tirishiga *(qolishiga yaqin qarindosh bo`lsa xam)*ruxsat berilmagan.Shunday bir kelib ketishga majbur bo`lgan. Agarda manashu irimlar qoidadagidek bajarilmasatug`ilajak farzandigabiron bir xavf xatar yetadi degan shomonizm bilan bog`liq qarash mavjud bo’lgan*(muallif)*.Lekin bunday xolatni voxa va vodiyning boshqa xududlarida uchratmaymiz.O`zbekiston xududidagi bola tug`ilishi bilan bog`liq irim-sirimlarni o`rgangan yosh tadqiqotchi R. Abduzohirovning takidlashicha Toshkent o’zbeklari orasida farzand kutayotgan ayol ma’lum sabablarga ko’ra vafot etgan odam bor xonadonga borsa og’ziga tuz solib olishi zarur bo’lgan. Tug’ruqdagi ayolga qirq kun davomida ’’sovuq’’ ovqat,janubiyvohalarda esa aksincha, issiq taomlar iste’mol uchun beriladi.Xalq orasida Oziq-ovqat ta’qiqlarini buzish tug’ilmagan bolaning tashqi ko’rinishiga ta’sir qilishi bilan tahdid qilingan degan fikrlarini rad etmagan xolda Baxmal tumanida yuqorida nomi zikr etilgan qishloqlaridagi bazi bir oziq ovqat bilan bog`liq irim sirimlarni keltirib o`tmoqchimiz.Homiladorlik paytida ayol qanday taom yeyishni xoxlasa o`sha taomni yeyish kerak bo`lgan aks xolda bolaning burni puchuq *(pachaq)* bolib qoladi degan qarash mavjud bo`lgan bo`lsada, bir qancha taomlarni taqiqlash irimlari xam bo`lgan. *Masalan* baliq (bola soqov tug’ilishi mumkin), quyon go’shti (yangi tug’ilgan chaqaloq quyonning tashqi belgilariga ega bo’lishi mumkin – quyon labi) va tuya go’shti iste’mol qilmasligi kerak (bu ta’qiq bola tug’ilishi kechikishi bilan bog’liq 11 oyda xam tug`masa tuyaning tagidan o`tkazilgan). Bu kabi o`ziga xosliklar geografik joylashuv ta’siri ostida vujudga kelgan.O’rta Osiyoning ko’plab xalqlarida keng tarqalgan urf-odatlar bo’yicha farzand kutayotgan ayol va chaqaloqning yostig’i ostiga piyoz, pichoq va non, pichoq qo’yilgan. Eshik tutqichiga esa odatda qalampir osib qo’yilgan. Ular yovuz ruhlar o’tkir narsalarni va o’tkir hidlarniyoqtirmasligiga ishonishgan[9]. Yangi tug’ilgan chaqaloqning kiyinishi ham aholi orasida alohida ahamiyatga ega bo’lib, u bilan bog’liq udumlar shakllangan. Bunda kiyinish marosimi ancha murakkab kechgan. Yangi ko’ylak avval ustunga (bola qoziqdek mustahkam bo’lib o’sishi uchun), keyin itga kiyg’iziladi, shundan keyingina kiyim bolaga kiydiriladi va shunday deyiladi: “Itdek tez yur, birini kiyib yuztasini yirt,

ko’ylakning umri qisqa sening umring uzoq bo’lsin”. A.L. Troitskayaning so’zlariga ko’ra xuddi shunday marosimlar bola tug’ilganidan keyin yoki kindigi qirqilganidan keyin o’tkazilgan[10]. Ba’zi qishloqlarda chaqaloq tug’ilganidanoq unga kiydiriladigan “it ko’ylak” bu chaqaloqqa xavf solishi mumkin bo’lgan balo qazolar itga yopishsin degan maqsadda qilingan. Chunki itlar kasallikka oson chalinmaydigan chidamli hayvon hisoblangan[11]. Oilada bola tug’ilishidanoq chilla davriga katta etibor berilgan chaqaloq tug’ilganidan so’ng yo’ldosh tushganidan boshlab, keyingi 6, 8 haftalik muddat chilla davri hisoblangan. Farzand ko’rgan ayol va uning chaqalog’i chilla davri davomida maxsus sharoitda saqlanib turli ins-jinslar va kasalliklardan himoyalangan. Xalqimiz orasida bolani beshikka solishga oid turli irim-marosimlarni ko’rishimiz mumkin.

O’zbek xalqi orasida bolani beshikka solishda qarindosh-urug’lar va mahallada hurmatli-e’tiborli, uvali-juvali, nikohi buzilmagan ayollar tanlab olingan. Bulardan biri Doya momo va bolaning katta buvisi bo’lishi shart edi. Bolani beshikka solish jarayonida “Qo’rqmas botir bo’lgan, sog’lom o’sgin, uzoq yashagin” - deb tilaklar bildirib turilgan. Ba’zi xonadonlarda esa bolaga yangi beshik olinmagan, balki ko’p bolali qo’shnilardan olib ishlatilgan. Birinchi bola tug’ilgandan so’ng beshikni chaqaloqning ona tomonidagi bobo-buvilari olib kelishi shart edi. Odatda bolani beshikka solish uchun “baxtli kunlar” –dushanba, chorshanba va juma kunlari tanlangan. Agar oilada ko’p bola tug’ilsa va beshik bir boladan ikkinchisiga o’tib u bola “baxtli” hisoblanadi. Agar aksincha oilada bola vafot etgan bo’lsa, unda vafot etgan bola yotgan beshik bexosiyat baxtsizlik olib keluvchi beshik sifatida aybdor qilingan. Chaqaloqni beshikka yotqizishdan oldin Doya momo maxsus mato yoqib beshik atrofida uch marta aylantirib “ Mening qo’lim senga tegsin, qayg’u emas, mening qo’lim emas azizlarning qo’li, Fotima va Zuhraning qo’li Xudo nomi bilan sizning uyqungiz ayiqnikidek bo’lsin, archa kabi uzoq umr ko’ring”- deb niyat qilingan[12]. Bola beshikka solinadigan kuni Qishloqning barcha ayollari chaqirilgan. Beshikka yotqizishdan oldin o’z navbatida ko’zgu, taroq, toshbo’ron, supurgi, kamon va kichkina kulcha non qo’yishgan. (Tosh va supurgi oyog’iga, qolganlari yostiq ostiga) qo’yilgan. Har safar uyda non pishirilganda eski kulcha non yangisiga almashtirilgan. Beshikka ko’zgu va taroq solinishiga sabab esa bu buyumlar chaqaloq boshini yumaloq shaklga keltiradi degan ishonchi bo’lgan. Bo’sh beshikni tebratish mumkin bo’lmagan.Chunki bu oila uchun yomonlik belgisining alomati deb hisoblangan. Chaqaloqning kindigi tushgandan so’ng uni chaqaloq beshigining bosh tarafiga ilib qo’yganlar malum vaqtdan so`ng biror mevali daraxrni ostiga ko`mib qo`yilgan.. Chaqaloqqa ism qo’yish inson hayotidagi eng muhim voqea hisoblanadi. Odatda oilaning 1-farzandiga kattaota-ena, qolganlariga kichik ota-ona ism tanlaydi. Ism go’zal ma’noli bo’lib u bola tarbiyasiga ham o’z ta’sirini ko’rsatishi, bolani yomon xulq-atvordan asrab turishi lozim*(muallif)*. Kishilarga ism qo’yish tarixi totemizm, shomonlik,

afsungarlik, ajdodlar e’tiqodi kabi qadimiy-diniy e’tiqod va topinishlar bilan bog’liq. Bazi ismlar bolaga og’irlik qiladi degan mulohazaga ham borilgan. Xatto bola bu og’ir ismni ko’tarolmay baxtsizlikka uchrashi mumkin deya irim qilingan. Bizga ma’lumki, ba’zi chaqaloqlar badanida qandaydir ortiqcha belgilar bilan tug’iladi. Masalan, xol, toj, qizil tamg’a, ortiqcha barmoq va shunga o’xshash. Bu nuqson va belgilar bolalarga ism berishda hisobga olinmasa, ular bolaning sog’lig’i, hayoti va kelajak turmushiga xavf tug’diradi deb tushunilgan. Shuning uchun ham ularga o’sha ortiqcha belgilar nomidan yasalgan ismlar qo’yilgan. Chunonchi, Xolto`ra, Xolboy, Xolbibi, Xolmon,Xolbuvi, Anorboy,Anora, Toji, Nortoji, Tojixon, Tojixol, Ziyoda, Ziyodulla, kabilar. Shuningdek fasllar va bayramlarda tug`ilganlar uchun, Bahor, Navro’z, To’ychi, Bayram, Hayitgul, Hayitboy, Ro`ziboy, Ro`zigul kabi, o`zbek urug`i va qurollar nomlari bilan ataladigan ismlar Qozoqboy, Qirqboy, Qilichboy, Ketmon, Tesha, O`roq va boshqalar.. Shuningdek urug`ning eng sevimli uy xayvoni va o`zlariga totem xisoblangan yovvoyi xayvon ismlarini qo`yish odati xam voxa xalqlarida keng tarqalgan. Misol tariqasida Qo’chqor, Sherqo`zi, Qo`ziboy,Tonaboy, Xo`roz, Xo`rozgul *(O`rozgul)* Arslon, O`g`aBurgut, Qaldirg’och, Bo’riboy, Bo`rigul kabi ismlar paydo bo’lgan*(muallif).*Yolg’iz farzand yoki ketma-ket tug’ilgan bolalarga Hamroqul, Yo’ldosh, Ergash, Tirkash kabi ismlar qo’yilish ananasi bo’lgan.Agar shunday ismlar qo’yilmasa bolalar uzoq umr ko’rmaydi debishonilgan. Masalan, sorovnomalar natijasida Jizzax viloyati Baxmal tumanida o`z o`rniga ega bo`lgan So`loqoy to`pi sulolasi shajarasiga ko`ra bunday ismlar juda ko`plab uchrashi ko`rinadi. Ko’p yillar farzand ko’rmasdan so’ng farzandli bo’lgan yoki bolalari tug’ilmasdan vafot etgan oilalar farzandlariga Tuyg`unoy, Turg`unboy,Tursunboy, Ko’paysin, Berdibek, Toshtemir, Toshpo’lat, Oytosh, Tilov, To’xtasin, Turg’un, Mahkam, Umid, Umida kabi ismlar qo’yishgan. Ketma-ket qiz farzand ko’rganlar keyingi farzandi o’g’il bo’lsin deb O’g’iloy,Ulbo`lsin,Ulmanoy,O`g`ilnor,Yanglish kabi ismlar qo’yishgan. Biror belgi yoki Nuqson bilan tug’ilgan farzandlarga o’sha nuqson yoki belgi oti qo’yilgan. Masalan, chaqaloqning nafas olishi qiyin bo’lsa – Ochil, tanasida oq dog’i bo’lsa Oqboy, Oqmamat, Oqqo’zi, Oqqiz, agar bola biror kamchilik bilan tug’ilsa – Qudrat, Karomat, Xosiyat, Xislat, Hikmat kabi ismlar qo’yilgan. Shuningdek bolani ismi ikkita bo`lish xolatlari uchraydi bunda avvalgi qo`yilga ism bolaga o`g`irlik qildi deb o`ylangan va ismi o`zgartirilgan.*(masalam Payg`ambarimiz ismi Muhammad ismi qo`yilgan bo`lsa uni Sunnat yoki jon, bek, xon kabi qo`shimchalar qo`shilib o`zgartirilgan).* (*muallif)* Bolaga ism qo`yishda yana bir odat geografik(tug`ilgan joyi) nomlardan xam xam foydalanilgan masalan Tovboy, Yo`lchi. Shuningdek voha xalqlarida bo`lgan yana bir bolalarga xos bo`lgan xislatni, yoshligidan laqab qo`yish odatini xam ko`rib chiqsak.Laqab qo`yishdan 2 xil maqsad ko`zlangan bir xil laqablar butun umur davomida saqlanib qolgan ismning o`rniga xam almashgan.

1- Bollalarning xayvonlarga xoslangan laqablari *buzov* (bo`shroq bolalar) *qo`y,qo`zi* (yuvvosh bolalar), *sigir*(beg`amroq bolalar), *xo`kkiz* (qo`pol bolalar) *echki* (ayyor bolalar), *takasaltang* (ishyoqmas bolalar),*eshak*(ko`k, qora eshak deb xulqi yomon bolalar),*it* (aytilishi *iyt* asosan qarg`ish manosida qo`llanilgan *shumang it, daydi it* kabi nomlari bo`lgan asosan ayollar o`z turmush o`rtoqlaridan,farzandlaridan norozi bo`lganda jaxli chiqqanda *itday qayerda sang`iding, itday qayerda xurib, akillabyuribsan* shuningdek *itdek xor bo`lasan* kabilardan foydalangan) x*o`roz ,jo`ja xo`roz (*urushqoq mayda bo`yi kichkinabolalar*), tovuq* ( ko`p uyida turmaydigan bolalar tutu tutu desa yugurib boradi degan manoda), *chibin, chivin (*eng ko`p tarqalgani *ko`k chibin* to`y marakalarda qozon boshini ko`p aylanadigan bolalarga va kattalarga nisbattan xozir xam ishlatiladi*), pashsha xira pashsha* (kuzatib turib ish tugashiga yoki taom tayyor bo`lishiga yoki tekin tamadiga kelgan yoshi kata odamlarga nisbattan *xira pasha yoki qora pashsha* keldi deyilgan xira pashalar uzlarini bunday nomlanishidan xecham xafa bo`lmagan va sheriklariga bugun qayerga *bing* bo`lamiz *boramiz*deb turishgan) bu faqat o`g`il bolalarniki qiz bolalarga esa quyidagi laqablar qo`yilgan, *pishak (*sariq va urushqoq qizlarga*), chayon* (doimo janjal chiqarib yengmoqchi bo`lgan qizlarga), *tulki (*o`lguday ayyor ko`zlari tulkinikiday qisilgan qizlarga qo`yilgan*), mushuk mushukcham* (2 xil manoda ishlatilgan yoqimli va yoqimsiz)*baliq* (to`lacha va chiroyli qizlarga nisbattan ishlatilgan), *alvasti (*sochini yoyib yuradigan sariq qizlarga nisbattan ishlatilgan*),Mashak (*bunda xam bo`yi kichkina va sepkilli qizlarga nisbattan ishlatilgan)

2- Bolalarning xatti xarakatlariga qarab qo`yiladigan laqablar bir xil bolalarda xar ikkala laqab xam bo`lgan. Misol: *Sholtoq*(ivirsib yuradigan bolalar), *Shumang*(uyida o`tirmaydigan, ish qilmaydigan,qo`li egri bolalarga nisbattan ishlatilgan), *Mesh(*ko`p ovqat yeydigan tekin bolsa lomni tiqadigan qorni katta bolalarga nisbattan ishlatilgan*), Do`rba,Ayron,Atala (bo`shroq, befarqroq bolalarga nisbattan ishlatilgan) Shilangi (*bo`yi uzun bo`sh bolalarga nisbattan*) irg`anak (*ozg`in va kasalmand bolalarga nisbattan ishlatilgan*),* bularni yana davom ettirish mumkin. *Guppi,Dudama,Dordon,Xovliqma,Esar, Havtama,O`pka, Ishma, Siypos,Laqqi, Jonso`xta ,Pishqirma,Mo`yin,Qo`tir,Teri kabi taxalluslar va*ism qisqartirish hollari (mas: No`rka,Jo`rka Mo`ska) vohaaxolisinig bugungi xayotida qisman saqlanib qolganligini, avallgi asr oxiri va yangi asr avvalidagiga nisbattan ancha kamatganligini kuzatishimiz mumkin.

Shunisi aniqki ism insonning ziynati xisoblanadi ism qo`yish bilan bog`liq voxada udumlar o`tkazilgan bunday marosimiga kichik dasturxon tuzalib, qishloqdagi biror mulla (*mo`llo*) yoki urug`ning ulug`i taklif qilingan. Mulla chaqaloqni qo’lga olib har ikki qulog’iga azon o’qib bolaning ismini o’ziga ham aytadi. Ism qo’yilgach uy egasi mullaga atalgan sarpo yoki boshqa sovg’alarni berib kuzatib qo’yadi. Shu bilan ism qo’yish marosimi tugallanadi**.**

Shuni xulosa qilishimiz kerakki, bugungi kunda bola bilan bog`liq urflarga masalan ism qo’yish jarayonida ma`lum bir oilaningyosh ota–onalari tarixiy

an’analar, milliy qadryatlarga ko`r ko`rona yondashgan holda, o`zbek xalqigaxos bo`lgan odatlarga rioya qilmay shunchaki urf bo`lgan milliy ananalarizmizga yot ma`lum bir xalqning tarixiy shaxsi, kitob qahramoni, kino yulduzi, fudbol yulduzi, atoqli shaxslar ismlarini o’rni bo’lsa bo’lmasa farzandlariga qo’yib, oqibatda ularni noqulay ahvolga solayotganini kuzatmoqdamiz. Shunday sabablar bilan o`z farzandiga ism qo`yayotganlarbilan suhbatlashganimizda o`z farzandining ismini uning nomiga qo`yishni niyat qilganligini suhbat jarayonida aytib o`tdi. Farzandga munosib ism qo`yish ota-onaning mas’uliyatli vazifalaridan biri hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.АшировА. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т.Фан.2003.

2.Алманов Қ.Ваҳмал тумани ўзбек ва қирғизларининг оилавий маросимларида исломгача мавжуд диний одатларнинг кўринишлари Guldu axbarotnomasi 2022 3 son 22 b.

3.Dala tadqiqotlari Baxmal tumani O`damali qishlog`I aholisidan yozib olingan 2020.

4.Soyibnazar Davlatov O’zbek xalqining qadimgi etiqod va marosimlari. O’quv qo’llanma.Toshkent-2018.

5.Guljaxon Mardonova. Nur to’la uy. Toshkent-2008.C. 12-18.

6.Usmon Qoraboyev O’zbek xalqi bayramlari.Toshkent-2002.C. 11-19.

7.A. Mardonova Обычаи и обряды детского цикла и таджиков верховых Зеравшана в прошлом и ностаяшем. T-1984.C. 101-104.

8.A. Mardonova Обычаи и обряды детского цикла и таджиков верховых Зеравшана в прошлом и ностаяшем. T-1984.C. 101-104.

9.Usmon Qoraboyev O’zbek xalqi bayramlari. Toshkent-2002. B. 44-46.

10.R. Abduzohirov O`zbeklarda bola tug`ilishi bilan bog`liq irim-sirim marosimlar va ularning tarixiy taraqqiyotidagi o`ziga xosliklar. http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ГИЛАМДЎЗЛИГИДА НАҚШЛАРНИНГРАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ ВА СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

С.Б.АБДУҚОДИРОВ, ЖДПУ, Жиззах

Аннотация: Ушбу мақола Жиззах воҳасининг гиламдўзлигида асосий ўринни эгаллаган нақшлар ва нусхаларининг рамзий маънолари, воҳа гиламдўзлигидаги рангларнинг семантик таҳлили илмий ҳамда этнографик дала тадқиқотлари орқали ёритиб берилган.

Калит сўзлар:*От қалқонКўчкрек – (қўчқор шохи), Тақир гилам, ғожари (ғажари) шолча, Патнос кўчат, Юлдуз кўчат, Юмалоқ кўчат, Патнос кўчат,Рамка кўчат, Қулфи-калит, Занжир кўчат.*

Аннотация: В данной статье рассматриваются символические значения узоров и копий, занимающих основное место в ковроткачестве Джизакского оазиса, семантический анализ цветов в оазисном ковроткачестве на основе научных исследований и этнографических полевых исследований.

Ключевые слова: *Конский щит Кочкрек - (бараний рог), Ковер лысый, Гуджари (Гаджари) рис, растение Патнос, растение Звезда, растение Круглое, растение Патнос, растение Каркас, замок-ключ, растение Цепь.*

Annotation: This article covers the symbolic meanings of patterns and copies that occupy the main place in carpet weaving of Jizzakh oasis, semantic analysis of colors in oasis carpet weaving through scientific research and ethnographic field research.

Key words: *Horse shield Kochkrek - (ram's horn), Bald carpet, Gujari (Gajari) paddy, Patnos plant, Star plant, Round plant, Patnos plant, Frame plant, Lock-key, Chain plant.*

Халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан бири гилам тўқиш санъати ҳисобланиб, кўп асрлик миллий анъанага ҳамда узоқ тарихга эга. *“Гилам”* сўзи жуда кўп маданий терминлар сингари туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига форс тилидан кириб келган (форсча - “килим” ёки “гилим”) бўлиб, сурёнийча galima (גלימא) сўзидан олинган. Ўз навбатида, сурёнийчага қадимги юнон тилидан кириб келган (юнонча - kalymma (κάλυμμα) “қоплама”, kalýptō (καλύπτō) – “қопламоқ”)[1,Этимология https://t.me/Asanov Eldar/725 @AsanovEldar].

Тўқувчилик буюмларида тараққий этган нақш-безакларда ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, фалсафаси, хўжалик фаолияти, урф-одат ва маросимлари ҳам акс этади. Қолаверса, буюмлар шакли, унга уйғун ҳолда бўлиниши ва берк ҳандасий майдон, ҳошия, йўл, турунжларга бўйсундирилган ўсимлик ва ёзувли нақш мужассамоти уларга узлуксиз ҳаракат, куч, чексизлик, барқарор сокинлик ҳиссини бахш этиш билан бирга ҳаёт жўшқинлиги ҳамда абадийлигини яратди. Рамзлар орқали бизнинг онгимизда кишиларни ягона этномаданий ҳамжамиятга бирлаштирадиган маданиятнинг энг муқаддас қирралари очилади, ақлга сиғмайдиган, инсон англай олмайдиган маънолар ҳам юзага чиқади [2, С. 189]. Рамзни ўзининг ўзига хос белгиси, объекти, предмети билан алоқасини йўқотган маъно сифатида қабул қилишидадир. Ю.М.Лотманнинг қайд қилишича, рамзлар “маданий мажмуанинг энг барқарор элементлардан бири” ҳисобланади [3, С. 21]. Шундай экан, рамзлар лингвомаданий заминнинг барқарор бирликлари ҳисобланади. Улар турмуш қоидаларига айланган кузатишларни мустаҳкамлайди. Рамз белгиларнинг ўзига хос тури бўлиб, оламни тушуниши осонлаштириш, воқеликни образли ифода этиш учун хизмат қилади. “Рамз - моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмунидир. Рамзнинг моҳиятини формал мантиқ доирасида аниқ таърифлаш мумкин эмас” [4, Б. 146]. Гиламларнинг нақш-гуллари хилма-хил рангда ва турли шаклларда бўлиб, нақшлар семантикаси асосан ўсимликсимон(*ислимий)* ва геометрик (ҳандасавий) кўринишларда акс эттирилади. Бу гул-нақшлар одатда махсус мутахассис рассомлар тайёрлаган эскизлар асосида тўқилади, тикилади ва босилади.

Ҳозирда жаҳонда бадиий гиламлар тайёрлашда буюк кишиларнинг портретлари, йирик ёзувчиларнинг машҳур асарларига чизилган расмлар, шунингдек, атоқли рассомларнинг расмларидан нусха кўчирилиб,

гиламларнинг бадиий қиммати оширилиб борилган. Турли тарихий босқичларда амалий санъат, ҳунармандчиликнинг асосий ҳаётиймазмунига кўра ип матолар ишлаб чикариш, ипакчилик, заргарлик, кулолчилик, чарм, тош, ёғоч ва металлга ишлов бериш каби турлари сақланиб қолиши билан бирга гиламдўзлик ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш ҳам ривожланиб борди.

Андижон, Самарканд, Бухоро, Марғилон, Хива, Тошкент тўқимачилик марказларидабўлгани каби воҳада ҳамгулсиз ва мураккаб гулли ип, жун матолар ҳамда гиламлар тайёрлана бошланди. Гиламга солинадиган ёки тушириладиган нақшлар тасвири рамз-белгилар сифатида турличадир. Ушбурамзлар ўтмишда ва ҳозирда ҳам ўзида кишиларнинг ўй – хаёллари, орзу–истаклари, психологик-ижтимоий онгги, антропологик жиҳатлари ифода этилганлигини кўриш мумкин. Масалан, нақшларда кўчманчилик маданиятига хос анъанавий мавзулар алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, “қўчқорак” (қўйнинг шохи) нақши Бойсун гиламлари ва кигизларига хос нақш бўлиб, ҳайвон тимсолларидан “кирмак” (чувалчанг), “зулук”, “илон изи” нақшлари ҳам кенг қўлланади. Геометрик нақшлар асосан шакл ажратувчи чизиқларда, нақшларнинг сиртини ифодалашда қўлланилади[5, Б. 224-225.]. Воҳанинг айнан тоғ ва тоғ олди минтақаларида яшовчи аҳолисининг гилам ёки гиламдўзлик буюмларида тоғ белгиларини кўп ифода этилиши, аҳолининг қадимда кўчманчи турмуш тарзига асосланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, гиламдаги узун чизиқлар тасвири йўлларни солиш, *ит товон* деб аталган нусхани *жулбароқ* гиламининг четига солиниши ҳам аҳолининг кўчманчи ёки ярим ўтроқ ҳаётига мосдир. Айниқса, ит товон нақшида итнинг инсонга нисбатан садоқати, вафодорлиги ва чорванинг қўриқчиси бўлган ягона ҳайвон эканлигини ифодалайди. Шунингдек, *иттовон* - нусхасида гиламнинг тўрт бурчагига тўртта нўхатдек хол тушурилиши, чиллали келинчак ва ёш гўдакни ёмон кўзлардан асраш мақсадида ҳам ушбу рамзий маънога эга бўлган кўчат туширилган. Бундан ташқари, с*олмача нусха*–гиламда акс эттирилгани қўрғон, уй, деган маъноларни англатса, *Қўчкрек* – (қўчқор шохи), деган нусха тўкинчиликни, инсон ризқни бутун бўлиши ва ҳимояни билдирган. Қўчқор боши ёки шохи безаги тасвири қадимий туркий элатларнинг кўпчилигида уруғ боши ҳисобланган Она Бўри, Кўк Бўри руҳини чақириш “атрибутика”си мазмунини ҳам беради. Ривоятларга кўра, туркийларнинг энг улуғ уруғлари (ашина) она бўри ва шаҳзодадан тарқалган деган маълумотни ҳам келтириш мумкин[6, № 1-2-3].

Юлдуз – кўчатнинг шу номдаги тасвири гиламда инсонларнинг коинотга интилиши, коинот билан боғлиқ тасаввурларни акс эттиради[7, Дала ёзувлари. 2021]. Гилам нусхаларида ёмғир тасвирларини акс эттирилиши деҳқонларга хос бўлиб, бу нусхалар асосан йил қирғоқчилик билан бошланганда ушбу кўчат гиламга рамзий маънода тушурилган.

Жиззах воҳаси аҳолисининг гиламчилик анъаналаридаги тасвирларнинг м*ари, мижжи ёки мижжа, шахмат нусха, қирк минус нусха,*

*така гул, тирнок гул, қил нақши, япрок гул, райҳон гул, анжир гул*номларида бугунги кунга қадар сақланиши ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан: *мижжа нақши* (кўз ва киприкка қиёсланган гулли тасвир ёки нақш) гиламнинг атрофида ишлатилади. Бу нақш қора, қизил, ок рангли иплар билан тўқилиб, асосан, туркман гиламларида кўп учраганлиги учун туркманча номланади. Мари гули-нақши эса гиламнинг марказига туширилиб тўқилади. Воҳанинг Бахмал, Зомин туманларида гилам тўқиш усули деярли бир хил бўлган. Чунки ушбу икки туманни битта тоғ ажратиб турганлиги ҳудудлар аҳолиси бир-бирига уруғчилик нуқтаи-назардан яқин ва қуда-андачилик анъаналари ҳамон сақланиб қолган. Айниқса, бундай умумий ҳолатларни икки туманнинг гиламчилигидаги безак тасвирларида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ғаллаорол туманида гиламлар бир хил тўқилса-да, улардаги нақш-рамзлар турлича номланган. Маҳаллий аҳоли катта пат гиламни *Ҳоли гилам* деб аташади [8, Дала ёзувлари. 2021]. Туманнинг Довул қишлоғида яшовчи чевар Ибодат онанинг ахборот беришича, *ҳоли* сўзи, алоҳида, ягона, катта, чиройли, деган маъноларни билдирар экан. Бундан ташқари, туманда гиламларнинг бир неча саноқли ҳ*оли гилам*, *от қалқон, тўрт қалқонли гилам, олти қалқонли гилам, саккиз қалқонли гилам, ўн қалқонли гилам, битта қалқонли бўсағa гилам, чеккасига жун ип билан алоҳида тўқиладиган гилам, шахмат гулли гилам ва тақир гилам* каби 10 дан ортиқ турлари ҳам учрайди [9, Дала ёзувлари. 2019]. Ушбу қишлоқда от қалқон нусхали гиламлар кўп учрайди. Гиламлардаги бундай рамзлар асосан ўсимлик ва турли ҳайвонларнинг ташқи тузилишига ишора сифатида олинган. Бундан ташқари, мазкур нақшларнинг бу ерда кўп тасвирланиши аҳолининг хўжалик фаолияти ҳамда уларнинг ҳайвронлар анатомиясини яхши билганлигидандир. *От қалқон гилам*нинг ўзига хослиги шундаки, унинг четига аррасимон нусха солинади ва бу нақшнинг маъноси четдан бирон ёмонликни киритмаслик, осойишталикни тарғиб қилишни англатади. Бундан ташқари, от қалқон гилам номини асл маъносини қалқон сўзи орқали изоҳлаш лозимлигини аҳоли сўровномаларида аниқланган.Шунингдек, аҳоли орасида тарқалган тарихий ривоятларга кўра, жангларда суворийлар ўз отларининг тўш ва қорин қисмларини металл ва намат билан ёпишган ҳамда Европалик рицарлар буни шарқликлардан ўрганишган. Шу боис, ҳам туман аҳолиси орасида асосан қалқонсимон нусхалардаги гиламлар жуда ҳам оммалашганлигини кўриш мумкин. Аҳоли эътиқодий қарашларига кўра, бу гиламлар тўшалган хонадон, оила ва қўрғонни асрагувчи, турли хил бало-қазолардан ҳимояловчи тимсол сифатида қалқон нусхалар тушурилган [10, Дала ёзувлари. 2020].

Ҳозирги кунда воҳанинг Ғаллаорол гиламчилигида аҳоли *кўчгрекли (қўчқорак) қалқон нусха* гилам ва *тўрт қалқонли* гиламларда асосан қалқонсимон нусхаларни атайлаб туширилишини таъкидлашди. Аҳоли орасида бу қалқонлар кашта-безак сифатидан биттадан ўн иккитагача

қалқон нусхалари гиламларга тушурилиб, *қўчқоракли қалқон* ва *кичик қўчқораклиқалқон* тасвири сифатида жуда оммалашганлигини айтиб ўтиш мумкин. Ғалларол гиламчилигида яна бир кўп тўқиладиган гиламлардан бири *айил гилам* ҳисобланиб, унга асосан нусхалар қулф – калит шаклида бўлиб, ортиқча рамзли нақшлар деярли туширилмайди. Бунга сабаб мазкур гилам фақат отга эгар устидан тўшалганлиги учун айил қулфдай маҳкам бўлсин деган маънода қулф-калит нусхаси солинган. Айил гиламдан фарқли равишда*бўсағa гилам*гаҳам бир дона қалқон нусха солинади. Гиламнинг четги қисмларига эса найзасимон нусха туширилади. Воҳа аҳолиси орасида ушбу нусхаларнинг маъноси уйнинг кириш эшиги олди қалқондек мустаҳкам бўлиши ва ҳимоя вазифасини бажаришига ишонилади. Бундан ташқари, Ғаллаорол туманида *тақиргилам*(араби гилам ҳам, деб юритилади) ҳам азалдан тўқилган ва ҳозиргача гиламнинг бир неча турлари сақланиб қолган. Тақир гилам кўпроқ атлас нусхада бўлиб шахмат тарзидаги нусхалар солиб тўқилган. Маҳаллий аҳоли тақир гиламнинг қадимги нусхаларини *гилам* деб ҳам аташган. Бунга сабаб, *бўғирсоқ*шаклидаги нусха гилам ўртасига юмалоқ ёки доира шаклида туширилиб, рамзнинг маъноси ризқ – насиба, тўкинлик ва ҳосилдорлик маъноларини англатади. Тақир гиламнинг яна бир турида унинг икки ёни сочоқлар (*пўпак, осилчоқ*) билан безатилган бўлиб, воҳада бу гиламларни кўпинча, уй деворларини безатиш учун фойдаланишган. Бундан ташқари, воҳа аҳолиси орасида *саккиз қалқонли гилам*ларнинг ҳам иккита чекка қисмлари оқ ва қора иплар (пат) билан безатилган бўлиб томонларининг оқ ва қора рангларда бўлиши тун ва кун, қоронғу ва ёруғликнинг белгисини ифодалаган. Воҳада *ғожари*(*ғажари) шолча*деб номланган гилам тури ҳам учрайди. Ушбу гиламларга ҳам турли нусхалар солиб тўқилган. Гилам гулларни териш учун алоҳида мослама тергич ишлатилиб, у ўз навбатида гиламнинг гул тушадиган безак, нақш ва гулларини ажратиб турган. Ғажари гиламга *занжир, пошшойи, ит товон, чироқ, қўй кўзи, ола қурт, кўчкерек (қўчқорак), панжара, тароқча, ўқ* каби нусха ва нақшлар ҳам туширишган.

Воҳа аҳолиси гиламчилигида энг қадимги нусха-нақшлардан яна бири бу *пошшойи(подшоҳ, шоҳ маъносида)* ҳисобланиб, безак тасвири очиқ ва баъзан ёпиқ ҳолатда ҳам тўқилади. Ёпиқ ҳолатда тўқилган ғажари гилам уй, қўрғон маъносини англатса, очиқ ҳолатда тўқилган гилам кенг дала-дашт маъноларини англатиш билан бирга меҳмондўзлик белгисини ўзида мужассамлаштирган. Шу билан биргавоҳа гиламдўзлигидаги *пичоқ учи*(баъзи жойларда *ханжар учи*) нусхасини деярли барча гилам турларида учратиш мумкин. Бу нусханинг асосий маъноси ислом қоидаларига амал қилинишига ишорадир. Қолаверса, пичоқ қўй сўйишда уни ҳалоллаш маносида ушбу предметнинг бош қисми нусха сифатида гиламга тушурилиши диққатга сазовордир. Тадқиқотни ўрганиш жараёнида воҳа гиламдўзлигида яна бир қатор безакларнинг маҳаллий хусусиятларда ифодаланишини кузатдик. Қолаверса, тадқиқ этилган ҳудуд гиламларидаги

ушбу нақшларнинг семантик ва семиотик ифодаси ўзига хос этнолокал ҳамда этноҳудудий хусусиятларда акс этиши фикримиз далилидир. Жумладан, воҳа гиламларида акс эттирилган нақш-тасвирлар рамзий маъноларига ҳам эгалигини кузатиш мумкин:

Юмалоқ кўчат – (қирғизларда, маҳаллий тилда *тўқалоқ кўчат*). Бунда гилам ҳажмининг катта ёки кичиклигигақараб марказларида тўрттадан олтитагача катта юмалоқ гуллар тасвири туширилади.Юмалоқ кўчат – олам, мукаммаллик, бахт, ҳаёт, қуёш, инсонларни ёвуз ниятлардан қайтариш рамзи, абадийлик, яъни олам доимийдир, лекин инсон умри ўткинчи деган маънода ифодаланади. Бу эса ҳудуд аҳолисининг дунёқараши билан бирга *инсон-табиат-коинот*нинг узвийлигини акс эттиради.

Юлдуз кўчат – (воҳа қирғизларимаҳаллий тилида *чечан кўчат* деб номланган). Ушбу гилам ҳажмига қараб марказида саккиз ёки беш қиррали юлдуз тасвирланади. Одатда, *саккиз қиррали юлдуз*нинг рамзий маъноси - мустаҳкамлик, «*Икки дунёингобод бўлсин»* деган маънода ифодаланса, *беш қирралиюлдуз*тасвири эса - ҳаётнинг кисқалиги, беш кунлик дунё, исломнинг беш устуни маъноларини ифода этади [11, Дала ёзувлари. 2021].

Патнос кўчат– қишлоқ аҳолиси қизларнинг сепи учун гиламга махсус солинган бўлиб, қизнинг келин бўлиб борадиган уйга ризқи ва насибаси билан борсин деган мазмунда ушбу кўчат нақши воҳа гиламдўзлари томонидан яратилган.

Рамка кўчат – квадратли кўчатдан иборат бўлган гилам безаги ҳисобланиб, асосан уй эгалари ўғил уйлантириш учун махсус тўқилган.Рамка кўчати дунёнинг, оламнинг чексизлиги, қуёшфарзанди, абадийлик, ёруғлик, мустаҳкамлик, борлиқ, ер-сув, олов ва ҳаводанибораt эканлиги, мукаммаллик, тенглик ва гўзаллик маъноларида ифодланади [12, Б. 12]. Квадрат – тўрт асосий рамзлардан бири бўлиб, осмонга зид қўйилган ер, борлиқ ва кенглик белгисидир[13, Б. 5].

Қулфи-калит – бир-бирига қарама-қарши шаклда туширилган, шохдор қўчқор калласини эслатувчи шакл бўлиб, у хонадон эшиги дўстига очиқ, душманга ёпиқлигини билдирувчи рамздир.

Занжир кўчати– нақш-рамзи оила мустаҳкамлиги ва тотувлигини англатади.

Ит товонкўчати – рамзи уй-хонадон қўриқчиси, инсонга вафодор ҳайвон маъноларида ифодаланади.

Чироққўчати – нақши рамзий маънода ёруғлик ва инсонларнинг тинчликка, осайишталикка, хотиржамликка интилишини ифодалайди.

Қўй кўзикўчати – воҳа аҳолиси орасида оилага қут – барака, ризқ – насиба олиб келишини англатади.

Ола қуртқўчати – тасвири оқ – қора ёки қора – сариқ ранглар билан ифода этилиб, бу рамзлар тун ва куннинг рамзий маносини англатади.

Ханжаручи, Туморгулкўчати – бир-бирига ўхшаш учбурчак шакллар бир қарашда пичоқнинг учи ёки туморга ўхшаб кетади. Гўёки у хонадонга

қаратилган ёмон нафасни кесиб, уй сохибини асраб авайлайди. Гиламга чироз тўқилмайди, балки гиламга гир айлантирилиб 3-4 метр энликдаги оқ, қора рангли хошия шаклида тикилади. Чироз ўзига хос безак шаклини ўташ билан бирга тўқилган ипни тўзиб кетишдан сақловчи химоя вазифасини ҳам ўтайди.

Қуроқгул кўчати – бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган тоғ-эчкисининг бурма шохини эслатади. Бу безак гиламга икки ёш (келин-куёв) бир-бири билан қўша қарисин деган ниятни ифода этади.

Қўчкарек, қўчгрек, қўчгреч (қўчқорак) кўчати– гиламчиликда ҳам ва бошқа тўқимачилик турларида ҳам энг кўп учрайдиган нақш-безак бўлиб, қўчқор шохига нисбат қилиб олинган нусха ҳисобланади. Бу нусханинг гиламчиликда кўп ишлатилиши инс – жинслардан холос бўлиш, ҳимоя маъносида ишлатилади[14, Дала ёзувлари. 2019].

Тарихий маълумотларга кўра, қадим Уструшонанинг шимоли-ғарбий ҳудудлари аҳолиси орасида “қўй культи” – “фарн”га сиғиниш ҳам кенг ёйилганлиги кузатилади[15, Б. 39-42]. Аҳоли тасаввурларига кўра, қўй – (*шохдор қўчқор*) давлатмандлик, шон-шуҳрат, куч-қудрат тимсолини англатган. Таъкидлаш жоизки, ушбу рамзлар халқимизнинг асрлар давомидаги ҳаётий тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, ҳозирга қадар аждодлардан – авлодларга ўтиб келмоқда. Воҳанинг гилам тўқувчи кекса аёлларнинг айтишларига қараганда, бу рамзлар бошқа кўплаб маъноларини ҳамифода этган бўлиши мумкин. Шунингдек ҳар бир гиламга қадимдан унинг барча қисмларида кўчкерек (қочқорак) нусхаси тушурилиши одат тусига айланган бўлиб бу нусхани “*шайтоннинг бўйнини синдириш*” тушунчаси сифатида талқин қилинади. *Қўчгрек*нусхаси нафақат гиламчиликда балки каштачилик ва ёғоч ўймакорлигида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси гиламчилик саноатида ишлаб чикарилаётган патли гилам(қолин)ларда турли - туман расм, нақш, тасвир, гул, чизма ва ҳатто, харидорнинг ҳохиши-буюртмасига кўра суратлар ҳам туширилмоқда. Бунда албатта, гилам тўқувчилар томонидан бозор талаби инобатга олинади. Қуйида ана шундай замонавий гиламдўзликда қўлланиладиган безак, нақш ва гул турларининг семантик маъноларига тўхталиб, уларда ўзига хос маҳаллий аҳоли дунёқараши, эътиқоди, турмуш тарзи, ижодкорлиги ва хўжалик фаолияти ҳам акс этишини таҳлил қиламиз. Жиззах воҳаси гиламларининг безак анъаналари генезисини ўрганиш ва уларнинг семантик ифадасини аниқлаш, нақш-безакларни вазифаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, гиламларнинг жуда кўп безак элементлари аҳолининг маҳаллий мансублиги, маданий, иқтисодий турмуш тарзи ва табиати билан узвий боғлиқликда намоён бўлади. Гиламлардаги нақш-белгилар семантикасини ўрганиш эса қуёш, зооморф нақшлар, бадиий ўзига хос тасвирлар этник илдизларга бориб тақалади ва ундаги умумийликлар, Ўрта Осиё, Эрон, гиламдўзлиги

анъаналари таъсири бўлганлиги сезилиб туради. Жумладан, кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар орасида кенг тарқалган қўчқор эчки шохи туширилган нақшлар, туркман гиламларидаги шохсимон нақшлар билан бир қаторда геометрик нақшларнинг мавжудлиги умумий хусусиятлар касб этади. Бу эса воҳа гиламдўзлигида номланиши билан ажралиб турса-да, шакли ва кўриниши жиҳатдан ўхшашлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, воҳа гиламлари ҳозирги кунда ўзининг бежиримлиги билан ажралиб турувчи кўплаб тарихий босқичлардан ўтиб мукаммал гиламчилик санъати намунаси сифатида бизгача етиб келган. Бундай гиламчилик наъмуналари нафақат кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириши, уйларини безаши балки уларнинг эстетик талабларини ҳам қондириб келган. Шунингдек, инсоннинг маънавий олами ҳақида маълумот берувчи муҳим тарихий манбадир. Марказий Осиё ва Эрон халқлари гиламдўзлиги орнаментининг ахборотлилиги рамзий, семантик ва семиотик вазифаларига асосланади. Қолаверса, гилам нақшларининг халқларнинг диний-магик ва бадиий дунёқарашлари акс эттирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Этимология https://t.me/Asanov Eldar/725 @AsanovEldar
2. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта, Наука, 2010. – С. 189.
3. Лотман Ю.М. Символ системе культуры..// Труды по знаковым системам. –С. 21. – Тарту, 1987.
4. Махмараимова Ш. Лингвокультурология: Ўқув қўлланма. - Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – Б. 146.
5. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. Akademnashr нашриёти, 2011. – Б. 224-225.
6. Пардаев М.Х. Қўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1995 йил. – № 1-2-3.
7. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти тоғ олди туманлари. 2021 йил.
8. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти. Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ қишлоғи. 2019 йил.
9. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти. Ғаллаорол тумани, Довул қишлоғи. 2019 йил.
10. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти. Ғаллаорол тумани, Солин қишлоғи. 2020 йил.
11. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти. Ғаллаорол тумани. Солин ва Хитойюзи қишлоқлари. 2021 йил.
12. Булатов С, Салимов С., Мухторов А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами… – Б. 12.
13. Ўлмасов А. Жанубий Ўзбекистон қадимги меъморчилигида шакл ва бадиий образлар талқини // San’at. – 2011. – № 4. – Б. 5.
14. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти. Ғаллаорол Довул қишлоғи ва Зомин тумани Қанғли қишлоғи. 2019 йил.
15. Пардаев М. Қўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1995. – № 1-3. – Б. 39–42.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ДАСТЛАБКИ ҲАРБИЙ-ДАВРИЙ НАШРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

Л.Н. МУХАММАДИЕВА, таянч докторант, Навоий ДПИ

Аннотация. *Ушбу мақолада Туркистон ўлкасида дастлабки ҳарбий-даврий нашрларнинг пайдо бўлиши ва фаолияти ўрганиб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Туркистон ўлкаси, Россия империяси, аскарлар, большевиклар, илк ҳарбий-даврий нашрлар, сиёсий жараёнлар, тарғибот ва ташвиқот, газеталар.*

Аннотация. В данной статье рассматривается возникновение и функционирование ранних военно-периодических изданий на территории Туркестана.

Ключевые слова: *Туркестанская земля, Российская империя, солдаты, большевики, ранняя военная периодика, политические процессы, пропаганда и агитация, газеты.*

Annotation. This article examines the emergence and functioning of early military-periodicals in the Turkestan territory.

Keywords: Turkestan land, Russian Empire, soldiers, Bolsheviks, early military periodicals, political processes, propaganda and agitation, newspapers.

Советча намунадаги илк ҳарбий нашрларнинг ташкил қилиниши Россия империясида рўй берган 1905 йилги воқеалар билан бевосита боғлиқ. Шу даврдан қатор ҳарбий нашрлар фаолият кўрсата бошлади ҳамда уларнинг сони йилдан йилга ўсиб борди. 1905 йилда ҳарбий газеталар сони олтитани ташкил қилган бўлса, 1906 йилда 33 та ана шунда турдаги газеталар фаолият олиб борган. Туркистон ўлкасида большевистик ҳарбий-даврий нашрларининг пайдо бўлишида Петроград ва империянинг бошқа ҳудудларида чиққан матбуот саҳифаларининг таъсири катта бўлди. Россия империясидаги 1906-1907 йиллардаги сиёсий вазият ўлкага ушбу нашрларнинг кириб келиш жараёнини янада тезлаштирди. Туркистон ўлкасида нашр қилинган илк ҳарбий йўналишдаги болшьевистик газета “Солдатский листок – Правда” бўлиб, у РСДРП ҳарбий-инқилобий ташкилотининг Тошкентдаги бўлими томонидан яширин тарзда чиқарилган.

“Солдатский листок – Правда”нинг биринчи сони 1906 йил 9 январда саккиз саҳифалик икки минг нусхада босилган. Газетанинг кейинги бешта сони большевик К.Литвишко томонидан нашр қилинган. Унда асосан умумсиёсий мақолалар, Россия империясидаги инқилобий вазият бўйича мухбирларнинг хабарлари, шунингдек, Туркистон минтақасининг барча шаҳарлари (асосан Ашхобод, Самарқанд, Кушка)да содир бўлган турли мавзулардаги янгиликлар бериб борилган. Газета том маънода ўлкада аскарлар қизиқишларини эътиборга олиб, уларни инқилобий ғоялар билан

қуроллантиришга мўлжалланган эди. Шу боисдан ҳар бир сонида ишчи ва деҳқонларнинг самодержавияга қарши кураши ҳақидаги чақириқлар билан тўлган материаллар бериб борилди. Бундан ташқари ўлкадаги миллионлаб оч деҳқонларнинг аянчли турмуши, чиновникларнинг адолатсизлиги, давлат идораларидаги ҳақиқатсизлик, коррупция ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ материаллар ҳам бериб борилган.[1]. Ўлкадаги большевиклар М.Морозов, А.Худаш ва бошқалар газетанинг большевиклар томонидан илгари сурилаётган ғояларини таҳрир қилиб, эълон қилишга масъул бўлган. Большевиклар томонидан берилаётган ҳар бир мақола ва материалларда ўлкадаги аскарларнинг мавжуд ҳокимиятга ва унинг аппаратига қарши нафратини уйғотувчи фактлар ўрин олган. Унинг апрелдаги 5-сони бунга мисол. Мақолада келтирилишича, биргина 1905 йилнинг ўзида империяда 137 130 нафар одам ўлдирилган, 2 минг нафар маҳбус осишга ҳукм қилинган, 72 минг нафар одам эса қамоқхоналарга ташланган. Бу одамларнинг деярли барчаси аҳолининг пролетариат қисми вакиллари бўлишган. “Солдатский листок” ҳарбий йўналишдаги газета бўлса-да, унинг саҳифаларида Туркистон ўлкаси туб маҳаллий аҳолисининг пролетариат қисмини ҳам большевиклар тарафига оғдириш мақсадида миллий сиёсатга тегишли қатор мақолалар эълон қилиб борилди. Хусусан, газетада 1906 йилда босилган бир мақолада “Биз социал-демократлар шуни талаб қиламизки, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгиласин... Биз миллатлар хоҳиш-иродасининг поймол қилинишига қаршимиз. Фақатгина миллатларнинг ихтиёрий равишда Россия атрофида бирлашиши тарафдоримиз”. Большевикларнинг шу ва бошқа шу каби чақириқ ва даъватлари маҳаллий халқ орасида кутилган натижа бермади. Ўлканинг туб маҳаллий аҳолиси орасида большевистик ғояларни қўллаб-қувватлайдигандар сони озлигича қолаверди. Шундай бўлса-да “Солдатский листок – Правда” ўлкадаги ҳарбийларга большевиклар ғояларини сингдириб, улар онгида инқилобий ҳаракатларнинг шаклланишида катта роль ўйнади. Бу билан советлар Туркистон ўлкасида ўзларининг муҳим таянчини яратишга ҳаракат қилди. 1906 йил февралда социал-демократик ташкилотларнинг Тошкентда бўлиб ўтган конференциясида “Солдатский листок – Правда” Туркистондаги барча ҳарбий-инқилобий ташкилот ва уюшмаларнинг марказий органи сифатида эълон қилинди.

Айтиш керакки, газетада бериб борилган материаллар Туркистон ҳарбий округи аскарлари орасида анча қизиқиш қозонди. Газетанинг тиражи тезлик билан ошиб кетганлиги бунга исбот бўлади. Хусусан, 6-сондан бошлаб унинг тиражи 20 минг нусхага етади. [2]. “Солдатский листок”нинг тарғибот-ташвиқот ишлари асосан Каспийорти вилоятида жойлашган ҳарбий гарнизонларда кўпроқ ташкил қилинди. Биринчи навбатда Ашхобод социал-демократик комитети томонидан биринчи Каспийорти темирйўл баталони аскарлари орасида газета тарғиб қилинди. Бунда асосан газетадан нашр қилинган мақолалар варақалар, прокламациялар шаклида турли

йўллар билан аскарлар орасига етказиб берилган. Тарқатилган варақаларнинг кўпчилиги “Йўқолсин самодержавия” сўзи билан тугаган. [3]. Шунингдек, Ашхобод социал-демократик комитети томонидан варақалар, прокламациялар Ўрта Осиё магистрал йўли бўйлаб жойлашган аҳоли бир қатор аҳоли пунктларига ҳам тарқатилган. Бундан ташқари комитет томонидан Қизил-Арват, Марв, Хўжанд ҳамда Красноводск ва бошқа шаҳарларда ишчи-солдат уюшмлари ташкил қилишга ҳаракат қилинди. Большевиклар бу билан ўлкада инқилобий вазиятни юзага келтиришга ҳаракат қилган. Ашхободда “Солдатский листок” таъсирида 1906 йилда РСДРП Туркистон уюшмасининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ташкилотлар органи бўлган “Солдат” газетаси нашр қилиш бошланди. Ушбу газета ҳам яширин тарзда нашр қилиниб, унинг фақат битта сони тарқатилган. “Солдат”дан ташқари “Иккиюзламачилар йўқолинг” шиори остида “Туркестанская военная газета” ҳам нашр қилинди. Бироқ бу газеталар етарлича қамровга эга бўлмаганлиги ва бошқа қатор омиллар натижасида ўз фаолиятини узоқ давом эттира олмади. [4]. “Солдатский листок” эса ўлкадаги рус жандармеясининг доимий таъқиби остида бўлди. Улар томонидан газета нашр қилинган гумони остида кўплаб босмахоналар ёпиб ташланди. 1906 йил 9 майда Тошкентда газета нашр қилинаётган асосий босмахонанинг полиция томонидан топилиши “Солдатский листок” фаолиятининг тўхташига олиб келди.

Хуллас, 1905-1907 йилларда Туркистон ўлкасида большевиклар ва бошқа яширин сиёсий уюшмаларнинг ҳарбий-даврий нашрлар орқали армия аскарлари ва аҳолининг пролетар қисмини қуролли қўзғалонга чорлови ўзини оқламади. Ўлкадаги империя жандармеяси ва бошқа куч ишлатар органлари томонидан жазо чоралари кучайтирилди. Биргина 1906 йилда 2 минга яқин киши каторга ишларига ҳукм қилинди. 25 минг киши эса инқилобда қатнашганликда айбдор деб топилиб турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Умуман олганда Туркистон ўлкасида дастлабки ҳарбий-даврий нашрларнинг шаклланиши 1906-1907 йилларга тўғри келади. Бу нашрлар асосан большевикларнинг ўлкани инқилобий ҳаракатларга тортиш учун қўлланилиб, шу йилларда уларда “инқилобий кайфият” етакчилик қилди. Бироқ ўлкадаги империя аппарати ва тузилмаларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида уларнинг фаолияти тўхтатилди. [4]

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Солдатский листок – Правда. – № 1-4. – 1906 г.
2. Солдатский листок – Правда. – № 5. 20 апреля, 1906 г.
3. Солдатский листок – Правда. – № 2. 7 февраля, 1906 г.
4. Холмухаммедов М. Туркистонда марксизм-ленинизм идеяларининг тарқалиши. – Тошкент: Гос-издат, 1962. – Б. 44.
5. Бодров М. Большевистские военные газеты в годы первой русской революции. – Москва: Военн-издат, 1956. – С. 98.

ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ МАНБАШУНОСЛИГИГА ДОИР (1918–1924 ЙИЛЛАР)

О.Ҳ. ЖАЙНАРОВ, Чирчиқ ДПУ, Тошкент

Аннотация: Мақолада Туркистон АССР адлия органлари фаолиятининг манбашунослик масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Туркистон АССР, адлия органлари, манбалар, архив ҳужжатлари*.

Аннотация: В статье анализируются вопросы источниковедческой деятельности органов юстиции Туркестанской АССР.

Ключевые слова: Туркестанская АССР, органы юстиции, источники, архивные документы.

Annotation: The article analyzes the sources of activities of the justice bodies of the Turkestan ASSR.

Keywords: *Turkestan ASSR, bodies of justice, sources, archival documents.*

Тадқиқот ишида мавзуга доир манбаларни таҳлил қилиш, уларнинг хусусиятларини кўрсатиб бериш, баҳолаш мавзунинг кўплаб ўзига хос жиҳатларини очишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан Туркистонда адлия органлари фаолияти мавзусининг тарихшунослиги билан бир қаторда манбашунослигини ҳам алоҳида тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Туркистон ўлкасида адлия органларининг 1918–1924 йиллардаги фаолиятига оид манбаларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

– архив ҳужжатлари;

– нашр қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва материаллар;

– даврий матбуот материаллари;

– статистик тўпламлар.

Совет адлиясининг 1918–1924 йиллардаги фаолиятини ўрганишда архив ҳужжатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб ҳужжатларда воқеликни ҳаққоний акс эттирувчи далиллар сақланиб қолган. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви (ЎзМА), Тошкент шаҳар Марказий Давлат архиви (Тошкент МДА), Тошкент вилоят давлат архиви (Тошкент ВДА)да мавзуга оид кўплаб ҳужжатлар сақланмоқда. Хусусан, ЎзМАнинг Р-17, Р-25, Р-34, Р-38, Р-39, Р-64, Р-343, Р-344, Р-360, Р-368, Р-904-фондларида Туркистон адлия органлари фаолиятига тегишли кўплаб ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар адлия органларининг турли жиҳатларини ўзида жамлаган. Жумладан, ТАССР МИҚ (Р-17) ва ХКС (Р-25) фондларида давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тарихига доир муҳим ҳужжатлар билан бир қаторда адлия тизимининг ҳолатига доир ҳисоботлар, билдиришномалар, йўриқномалар сақланмоқда. ТАССР Адлия халқ комиссарлиги фонди (Р-38)да сақланаётган архив ҳужжатлари ўзининг мавзуга доир маълумотларни кенг қамраб олганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу фонд 5 та рўйхат (опис)дан ташкил топган бўлиб, фонднинг 1-5-рўйхатларидаги ҳужжатлар асосан, шахсий таркиб йиғмажилдларидан иборат. 2-рўйхатда эса мавзуга

доир турли масалаларни қамраб олган 465 сақлов бирлигидаги йиғмажилдлар мавжуд. Фонднинг 3 рўйхати архивнинг махфий белгиси остида сақланмоқда. 41 сақлов бирлигидаги йиғмажилдлардан иборат 4-рўйхат ҳам мавзуга доир қатор маълумотларни ўзида жамлаган[1]. Фонднинг 5-рўйхатидаги йиғмажилдларда шахсий таркиб ҳужжатлари билан бир қаторда ТАССР Адлия халқ комиссарлигининг буйруқлари, вилоят адлия бўлимларининг рўйхати, штат жадваллари ҳақидаги ҳужжатлар ҳам сақланмоқда.

Фондда сақланаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

– ўлкада фаолият кўрсатган судлар ва судлов жараёнларини ўзида қамраб олган йиғмажилдлар;

– прокуратура, адвокатура, ва нотариат идоралари фаолиятига оид йиғмажилдлар;

– адлия комиссарлигининг ҳудудлардаги бўлимлари ҳақидаги ҳужжатлар;

– шахсий таркиб маълумотларидан иборат йиғмажилдлар.

Р-360-фондда Туркистонда адлия ходимларини тайёрлаш учун ташкил қилинган қисқа муддатли курслар фаолиятига тегишли ҳужжатлар: курс маъмурияти, ўқув курсларига ажратилган маблағлар, дарс берган ўқитувчилар ҳамда тингловчилар рўйхатлари мавжуд.

Туркистон Давлат университети фонди (Р-368)да эса ҳуқуқшунослар тайёрлашга оид кўплаб маълумотлар жамланган. Хусусан, “ҳуқуқ бўлими”, унинг таркибий тузилиши, бўлимдаги профессор-ўқитувчилар ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, ушбу фондда университетнинг ҳуқуқшунослар тайёрлаган ижтимоий-иқтисодий факультети фаолияти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар сақланмоқда.

Тошкент шаҳар Марказий Давлат архивидаги қатор фондларда ҳам адлия органлари фаолияти тегишли бир қанча маълумотлар мавжуд. Хусусан, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси фонди (10-фонд), Тошкент Давлат университети фонди (38-фонд), шаҳар нотариат конторалари фонди (60-фонд)ларида Тошкент ва Сирдарё ҳудудларида фаолият кўрсатган адлия органлари фаолиятига тегишли ҳужжатлар ўрин олган.

Тошкент вилояти давлат архивидаги Сирдарё вилоят судлари кенгаши (Р-281-фонд), Сирдарё вилоят суди ҳузуридаги ҳимоячилар коллегияси (Р-282-фонд), Сирдарё вилоят прокурори (Р-922-фонд) ҳамда бошқа фондларда сақланаётган ҳужжатлар совет адлия тизимининг Туркистондаги зиддиятли фаолиятини тўла ёритиб беришга хизмат қилади.

Туркистон АССР адлия органлари фаолиятининг моҳиятини илмий-назарий таҳлил қилишда РСФСР ва ТАССРларнинг олий ҳокимият идоралари томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим манбалардан бири ҳисобланади[2]. Ушбу давлатлар ҳукумати

томонидан чиқарилган декрет, низом, йўриқнома ва қарорлар тўплам тарзида нашр қилинган. Бундан ташқари адлия таркибидаги органларнинг фаолиятига доир ҳужжатли материаллар ҳам чоп қилинган. Хусусан, “История советской прокуратуры в важнейших документах (К 30-летию советской прокуратуры (1922–1951))” номли тўпламда совет прокуратураси фаолиятига доир муҳим ҳужжатлар ўрин олган[3].

Кейинги йилларда РСФСР – СССР ва ЎзССР ҳукуматлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўпламларига минтақа адлия тизимига оид айрим қонун ҳужжатлари ҳам киритилган. Таъкидлаш керак, Туркистонда совет адлия тизими фаолиятининг ҳаққоний манзарасини тиклаш, уларнинг вазифа ва ваколатларини аниқлашда ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни батафсил, хронологик изчилликда ўрганиб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Туркистонда адлия органлари фаолияти ўша даврдаги вақтли матбуот саҳифаларида ҳам атрофлича ёритилган. Жумладан, “Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики”, “Еженедельник советской юстиции”, “Вестник юстиции Узбекистана”, “Спутник советского юриста”, “Советское право”, сингари журналларда ўлка адлия идоралари фаолиятига доир янгиликлар, тизимдаги ислоҳотлар ва муаммолар, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асослари муттасил бериб борилган[4]. Чоп этилган мақола муаллифларининг кўпчилиги адлия идоралари ходимлари бўлиб, мақолаларда адлия идоралари фаолияти масаласига ёндошувда бирёқламалик ҳолатларини кўп учратиш мумкин. Фақатгина баъзи мақолаларда адлия органлари фаолияти танқидий таҳлил этилганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари “Известия ТурЦИК” “Туркистон”, “Стенная газета Роста”, “Наша газета”, “Туркестанская правда” каби газеталарда меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат ва адлия раҳбарларининг тизимдаги ҳолат юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, инқилобий судлар ҳамда инқилобий трибуналлар фаолиятига доир маъруза ва мақолалари мунтазам эълон қилиб борилган[5].

Мавзу моҳиятини тўла очиб беришда статистик тўпламлар[6] ҳам алоҳида ўринга эга. Тўпламларда адлия идораларининг 1918–1924 йиллардаги фаолиятига тегишли фактик маълумотлар мавжуд. Хусусан, статистик тўпламлар ўлкада адлия муассасаларининг сони, улардаги штат жадваллари, кадрларнинг миллий ва ижтимоий таркиби, маълумот даражаси ва ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи ҳақида хабар беради.

Совет адлиясининг жазо органлари томонидан жиноят қилган шахсларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари ва турлари, жазони ўташ муассасалари тўғрисидаги маълумотлар, уларда сақланаётган маҳкумлар ҳақидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш жиноятчиларнинг миллати, ижтимоий аҳволи, партиявий мансублиги, ёши ва жиноят турини аниқлаш имконини беради. Бу эса ўлкадаги совет адлиясининг

ўрганилаётган даврдаги фаолиятига баҳо беришда ўта муҳим ҳисобланади.

Хуллас, Туркистон Республикаси адлия органлари фаолиятига доир манбалар бугунги кунга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмади. Манбаларни таҳлил қилиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш Туркистон адлия органларининг 1918–1924 йиллардаги фаолиятини холисона баҳолашга, уларининг кўплаб қирраларини очиб беришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Путеводитель по отделу фондов Октябрской революции социалистического строительства. Центральный Государственный архив Узбекской ССР // Отв ред. Ланда Л.М. – Ташкент., 1963.

2. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 января 1917 г. По 1 июля 1918 г.). – Ташкент, 1918. – 37 с.; Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Республики. – Ташкент: Типография ТАССР, 1918. – 50 с.; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 46 с.; Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Средазгосиздат, 1924. – 70 с.; История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917–1954 гг. Сборник документов. – Москва: Госюриздат, 1955. – 636 с.; Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918–1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электронный ресурс]. – Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. – 156 с. URL: http://istfil.bgpu.ru/.

3. История советской прокуратуры в важнейших документах. – Москва. Юрид-изд, 1947. – 544 с.; История советской прокуратуры в важнейших документах (К 30-летию советской прокуратуры (1922–1951)). / Под ред. К.А. Мокичева. – Москва: Госюриздат, 1952. – 584 с.

4. Приказ Совет Комиссаров Туркестанской Республики // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – Ташкент, 1919. – № 2. – С. 2-3; Об изменении такси оплаты нотариалных действий // Спутник советского юриста. – Москва, 1923. – № 5 (8) – С. 74; Аронович А. Распределительные комисси // Советское право. – Москва, 1923. – № 1 (4). – С. 86-91; В Енисейской губернской Коллегии защитников // Еженедельник советской юстиции. – Москва, 1924 – № 31. – С 736.

5. Дело Доррера // Наша газета. 9 декабря 1917 г; Открытие краевого съезда судебных деятелей // Наша газета. 17 мая 1918 г; 1-й съезд деятелей юстиции Узбекского народа // Известия ТурЦИК. 12 июля 1922 г; Киселев А. Советская адвокатура // Туркестанская правда. 7 декабря 1922 г; В органах юстиции Туркестанская правда. 8 мая 1924 г; Туркистонда адлия ишлари // Туркистон. 1924 йил 23 октябр.

6. Статистический ежегодник. – Москва: Типография МКХ, 1922. – 425 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. Т. I. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924.– 451 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. Т. II. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. – 600 с.

АФРОСИЁБДА ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ МЕТАЛЛУРГИЯ РАВНАҚИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.А.НАЗАРОВ, докторант, Сам ДУ

Аннотация: Мақола Афросиёб шаҳрининг Қорахонийлар даврида металлургия ва металл буюмлар ясаш ривожи хусусида. Ўрта Осиёда Қорахонийлар даврига келиб иқтисодиётнинг умумий кўтарилиши кузатилган.

Калит сўзлар: *Қорахонийлар, Ўрта Осиё, Афросиёб, металлургия, мис, бронза, темир.*

Аннотация: Статья посвящена к вопросам развитию металлургии и производство металлических изделий в караханидский период в городе Афросияб. В Центральной Азии ко времени Караханидов наблюдался общий подъем экономики.

Ключевые слова: *Караханиды, Центральная Азия, Афросиоб, металлургия, Медь, Бронза, Железо.*

Annotation: The article is about the development of metallurgy and making of metal products in the Karakhanid period of the city of Afrasiyab. In Central Asia, a general rise of the economy was observed by the time of the Karakhanids.

Keywords: *Karakhanids, Central Asia, Afrosiob, metallurgy, Copper, Bronze, Iron.*

Қорахонийлар даврида бутун Ўрта Осиё иқтисодиётнинг кўтарилиши юз берди. Ҳунармандчиликнинг барча соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар археологик қазишмалардан ҳам маълум. Кейинги 50 йил давомида Еттисув ва Фарғонадан Суғдга қадар жойлашган кўплаб археологик ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида XI -XII асрнинг иқтисодиёти манзарасини тиклаш имконини бермоқда.

Ўрта Осиёда VII-VIII асрларда маънавий ҳаёт ва бадий маданаият соҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз бердики, бу ўз навбатида металл буюмлар ясашга ҳам таъсир кўрсатди. Янги мафкура металлсоз усталардан янги анъаналар асосида ясаётган буюмларига шакл ва безак беришни талаб қилган. Шунингдек, сосонийлар, суғд анъаналари ҳам сақланиб қолган [7, С. 216-217]. Сомонийлар ва Қорахонийлар даври металлсоз усталари Ўрта Осиёнинг қадимий ва ислом даври анъаналари асосида янгича усуллар асосида металл буюмлар ясаш санъатини моҳирона ўзлаштирганлар. Мис, бронза ва темир асосий материаллар бўлиб келган.

Мовароуннаҳрда Қорахонийлар даврига келиб металлургия янги босқичга кўтарилган. Мазкур даврда металлсозлик ҳам кулоллик соҳаси каби юксак даражада тараққий этган. Биринчи навбатда йирик маъмурий марказлар ва тоғ конларига яқин жойлардаги аҳоли пунктларида металлни қайта ишлаш анча ривожланди. Кўп йиллар давомида олиб борилган

тадқиқотлар хоқонликнинг деярли барча тоғли ҳудудларидаги конлар ва уларни қайта ишлаш марказлари кенг тараққий этганини кўрсатмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ахсикат, Уструшонадаги Муғ қалъаси ва Тошбулоқ ёдгорликларини мисол қилиб кўрсатиб ўтиш мумкин.

Еттисув шаҳарларининг X-XII асрларга оид маданий қатламларидан аниқланган металл буюмлар кўп жиҳатдан Эрон ва Ўрта Осиёнинг металл буюмларига жуда ўхшаш. Масалан, Ўтрор воҳасидан топилган тухумсимон қоринли ва цилиндр шаклли бўйинга эга 18 та металл кўзалар бевосита Мовароуннаҳр билан боғлиқ [10, С. 76]. Металл буюмлар сирасига кўзалардан ташқари, чироқлар, ойна, камар тўқаси, медальонлар ва сиёҳдонлар кабилар таълуқлидир. Минтақа VIII- X асрларда металга бадиий ишлов бериш юксак даражага етган турк-суғд маданий синтезининг сўнги таянчи бўлиб қолди [8, С. 98]. Шарқий Туркистон, Еттисув, Фарғона ва Мовароуннаҳр фанда Қорахонийлар деб аталадиган янги турк сулоласи қарор топди. Ислом динини давлат дини деб эълон қилингач Шарқнинг юксак даражада ривожланган маданий анъаналари ҳам қабул қилинди. Илгариги ва кейинги ислом анъаналари қоришуви ўлароқ янгича бадиий анъаналар асоси шаклланди. Бу меъморчиликда, кулолчиликда, хусусан металлга ишлов беришда ҳам яққол сезилди. Бутун хоқонлик бўйлаб суғд ва турк моддий ва маданий анъанларининг ислом анъанларига сингиши кузатилди. Жумладан кандакорлик санъати ҳам янги босқичга чиқди. Археологик тадқиқотларга қараганда, X-XII асрнинг бошларида Ахсикент металлург-темирчи усталари тоза пўлат (фулад) ишлаб чиқариш технологияси сирларини билишган. Тоза пўлат олиш учун биринчи навбатда, бойитилган (тозаланган) темир хом ашёси зарур бўлган. Буни Ахсикент усталари Ғовасой-Поп ва Уструшонадаги Марсманда тоғ-кон саноати металлургларидан олишган. Бойитилган (тозаланган) темир маҳсулоти Ахсикет металлург-темирчи усталари қўлига тушгач, ундан улар биринчи навбатда махсус технология ёрдамида пўлат олишган. Сўнг машҳур Дамашқ қиличларини ясашган [2, 46-б]. Суғднинг шимолий тарафида жойлашган Нурота тоғлари V-XIII асрларда Мовароуннаҳрнинг йирик тоғ-кон минтақаларидан бири бўлган. Бу ерда ҳунармандчилик учун асосий бирламчи хомашё бўлувчи олтин, мис, қўрғошин, симоб, мармар ва бошқалар қазиб чиқарилган. Шунингдек, Бухоро ва Уструшона ўртасидаги ҳудудлардаги конлардан олтин, нефт, темир ва феруза қазиб чиқарилган[9, С. - 238].

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрда бир нечта йирик маъмурий марказлари мавжуд бўлган. Ўзганд, Ахсикат каби Самарқанд ҳам йирик маъмурий-сиёсий марказлардан бири бўлиши билан бирга ҳунармандчилик маркази ҳам ҳисобланган. Самарқанд-Афросиёб шаҳрида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган металл буюмлар ва металлургия билан боғлиқ қуроллар аниқланиши шаҳарда металл буюмлар ишлаб чиқарилганлигидан далолат беради. Афросиёбдан аниқланган дастлабки темирчилар устахонаси Хўжа Дониёр мақбараси яқинидаги 10 қазишмага тўғри келади. Бу ерда 1948 йил археологик қазишмалар

ўтказилган. Таъкидлаш, жоизки бу ерда темирчилар устахонаси қолдиқлари сақланиб қолмаган, фақатгина бир нечта хўжалик ўралари мавжуд. Мазкур ўралардан топилган топилмаларга қараб бу ерда қуролсозлар устахонаси мавжудлигидан далолат беради. А.И. Тереножкин 1 рақамли ўрадан қуролсозларга оид бир қанча топилмалар шу жумладан, унча катта бўлмаган сандон, темир искана, ҳар хил совутларга оид темир пластина ва иккитата кенг бошчали мих топилган. Бундан ташқари 4 рақамли ўрадан сопол ва шиша идишлардан ташқари темир совут парчаси ва темир пичоқ аниқланди. Шунингдек, 13 метр чуқурликка эга ямадан сирли, сирсиз сополлардан ташқари кўплаб темир буюмлар, хусусан бутун сақланиб қолган теша ва кетмон топилди. Тадқиқотчи А.И.Тереножкин 1 ўрани XI-XII асрлар, 3 ўрани VIII асрларга оидлигини таъкидлаган.

Афросиёбнинг 10-қазишмада илк ўрта асрлардан XIII аср бошларига қадар кулоллар ва темирчилар устахонаси мавжуд бўлган. А.И. Тереножкин турк хоқонлиги даврига оид бир нечта металл буюмларни келтириб ўтган. Мазкур топилмаларга 20 та сосонийлар драхмаси, 3 та суғд тангаси темирдан ишланган пичоқ(қийшиқ ва дастаси букри пичоқ), бронзадан ишланган кичик косметик идишнинг дастачаси, 6 та юпқа игначалар, қўрғошин шар топилган[12, С. 136-141].

Афросиёб металлургиясини ўрганишда Н.И.Алмазованинг илмийишлари муҳим аҳамиятга эга. Н.И.Алмазова Афросиёбда ўзбек-француз экспедицияси доирасида қўлга киритилган ишлатилган тош қуролларни таҳлил қилган. Бу тош буюмлар металл буюмлар тайёрлашда ишлатилган. Мазкур экспедицияс 2, 3, 1, 9 ва 15 қазишмаларда 25 та тош буюмларни аниқлади. Улардан 10 таси металл ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Бу тош буюмлар сандон, металлни силлиқловчи, ўткирловчи тошлар ва болғалардан иборат[1, С. 65-71]. Афросиёбнинг 9 қазишмасидан эса IX аср охирлари X аср бошларига оид бўлган заргар ёки темирчиларга тегишли устахона топилган. Мазкур устахона тупроқдан барпо қилинган супа ва темир эритишга мўлжалланган кичик ўчоқ аниқланган. Тадқиқот давомида X аср бошларига келиб устахона кейинчалик нонвойхонага айлантирилганлиги маълум бўлди. 9-қазишмада 1959-1964 йиллар давомида Г.В.Шишкина, Л.Г.Брусенко, Р.И.Кривош ва К.И.Бирнолиналар ҳам тадқиқот ўтказишган[13, С. 141].

Афросиёбнинг ғарбий ва шарқий тарафидаги мудофаа девори ёнида 1967-1968 йиллар давомида археологик тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу ҳудуддан темирга ишлов берадиган кулолчилик устахонаси ҳам аниқланган. Аммо XI асрга келиб устахона ўз фаолиятини тугатган[6, С. 271-273].

Қадимги Афросиёбда 1969-1971 йилги қазиш мавсумда шаҳристоннинг тарихий топографияси бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Бунда шаҳарнинг шимолий шарқий ва марказий ҳудудларида қазишмаларолиб борилган. Мазкур қазишмалар давомида 1948 йил А.И.Тереножкин XI-XII асрларга оид қуролсозлар устахонасини очган ва у

ерда қазишма ишларини олиб борган. Айнан шу ерда 1970 йил Ш.С.Тошхўжаев металл эритишга мўлжалланган ўчоқ аниқлади. Ўчоқ ичи ва атрофидан металл шлаклари топилган. Устахонанинг 0,5 метр қуйидан тош ётқизилган кўча аниқланди. Ушбу кўчанинг устини ёпиб турган қатламдан металл шлак парчаларига, ҳайвон суякларига кул ва кўмир қолдиқларига ва кенг қалпоқли (тақа қоқишга мўлжалланган) жуда кўплаб михлар топилган. Қатламдан аниқланган сопол идишларга қараб бу йўлдан IX-XII асрларда фойдаланилганлигини билиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур ҳудудда эрамизнинг бошларидан бошлаб XIII аср бошларига қадар узлуксиз ҳаёт давом этган. Кўча бўйлаб кулоллар устахонаси кейинчалик темирчилар ва қуролсозлар маҳалласи бунёд этилган[5, С. 58]. Қорахонийлар даврига келиб Афросиёб шаҳрининг топографиясида сезиларли даражада ўзгариш юзага келади. Шаҳристоннинг шимолий қисмида XI-XIII асрлар бошларида арк бунёд этилди. Унинг ёнидан шимолий дарвозага катта йўл ўтказилган. Йўлдан жануб ва шимол томонга металлсоз ҳунармандларнинг маҳалласи бўлган[4, С. 4]. Бу даврда Кеш дарвозасининг жанубида йирик бозор қўшилиб кетган. Иброҳим Тамғачхон вафқномаларида ҳар хил ҳунармандлар қаторида заргарлар утахонаси ва расталари мавжудлиги кўрастиб ўтилган.

Ҳозирги Регистон ҳудудидан шарқ томонда қорахонийлар даврида темирчилар устахоналари мавжуд бўлган. Бу ердан сопол буюмлар билан биргаликда металл ва шиша шлаклар, оловга чидамли моддалардан тайёрланган стакансимон тигеллар аниқланди. Тигелларнинг ички қисмларида рангли металл қолдиқлари учрайди. Маълумки, бу ҳудудда қорахонийлар даврида “шаҳри берун” номи билан аталувчи маҳалла девор билан ўраб олинган[14, С. 19-20]. Афросиёбнинг Бухоро дарвозаси атрофларида 1968-1971 йилларда археологик тадқиқотлар ўтказилди. Унинг натижасида мил.авв 1 минг йиллик ўраларидан XIII аср бошларига қадар бўлган шаҳар ҳаёти излари билан боғлиқ материаллар қўлга киритилди. Ю.Ф.Буряков ва Н.А.Аванесова темирни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ҳунармандлар маҳалласини аниқлашди. Қўлга киритилган археологик материаллар бу ерда темирчилар билан бирга шишасозлар ҳам фаолият юритганлигини билдиради. Ушбу ҳунармандчилик маҳаллари XII асрга тегишлидир[11, С. 34-35]. Самарқанднинг қадимги даврига оид йирик иншоотлар сарасига Жоме масжиди таълуқли. Ушбу ҳудудда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида шаҳар ҳунармандларига оид маълумотлар ҳам қўлга киритилган. Қорахонийлар даврига келиб масжид ва унинг атрофида йирик ўзгаришлар юз беради. Мазкур масжидга туташиб кетган ҳунармандчилик маҳаллаларида темирчилар ва заргарлар маҳаллалари ҳам мавжуд бўлган. Бу ерда 2 та металл эритишга мўлжалланган ўра шаклидаги диаметри 15 см дан 45 см гача бўлган ўчоқ аниқланди. Ўчоқнинг деворлари кучли даражада куйган бўлиб, металл шлаклар ва темир асбоб ускуна парчалари аниқланди. Ушбу ўчоқдан шимол

тарафда таркибида тупроқли шамот аралашган стакан шаклли тигел парчалари топилди. Масжиднинг шарқий бурчаги яқинидан диаметри 9,5 см, баландлиги 5 см чўмичсимон темирчиларнинг эритилган темирни қуюшучун мўлжалланган темир буюм топилди. Устахонадан топилган топилмалар орасида симоб кўзача парчалари кўп учрайди. Мазкур топилмаларнинг барчаси Масжиднинг шимолий девори бўйлаб, ҳунарманд заргар устахоналар жойлашганлигини билдиради[3, С. 92-94].

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Суғднинг юраги бўлмиш Афросиёбдан мил.авв. VIII асрдан милодий XIII асрнинг бошларига қадар муҳим аҳамиятга эга ҳунармандчилик устахоналари аниқланган. Улар орасида металл эритиш ва ундан турли-туман буюмлар ясайдиган устахоналар қолдиқлари ҳам мавжуд. Археологик кузатишлардан маълум бўлишича, айнан Қорахонийлар даврига келиб Самарқандда металлга бадиий ишлов бериш ўтган даврларга нисбатан анча тараққий этган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алмазова Н.И. Каменные орудия с городиша Афрасиаб, занятые в производстве металличес // ИМКУ, вып. 33. Ташкент, 2002.
2. Анарбоев. А. Ахсикент-очиқ осмон остидаги музей. // Водийнома. №3 (14). 2019.
3. Буряков Ю. Ф., Садиев М., Федоров М. Н. Соборная мечеть Самарканда в XI - начале XIII вв // Афрасиаб. Вып. 4. Ташкент, 1975.
4. Буряков Ю. Ф., Ташходжаев Ш. С. Историческая топография Самарканда XI - начала XIII вв. // Афрасиаб. Вып. 4. Ташкент, 1975.
5. Буряков Ю.Ф. Некоторые материалы к исторической топографии шахристана Самарканда // Афрасиаб. Вып. 3. Ташкент, 1974.
6. Гулямов Я.Г., Буряков Ю.Ф. Об археологических исследованиях на городище Афрасиаб в 1967-1968 гг. В сб.: Афрасиаб, вып. I. Ташкент, 1969.
7. Ильясов Дж., Хакимов А. Узбекистан. // Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX–XV вв. Том III. Торевтика. - Самарканд-Ташкент: 2012.
8. Камышев.А. Кыргызыстан. // Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX-XV вв. Том III. Торевтика. - Самарканд Ташкент: МИЦАИ, 2012.
9. Караев О. История Караханидского каганата. // (X - начало XIII вв.). Фрунзе.1983.
10. Маршак Б.И Согдийское серебро. Москва, 1972.
11. Ташходжаев Ш. С. Керамическая мастерская XII - начала XIII вв. // Афрасиаб. Вып. 4. Ташкент, 1975.
12. Тереножкин. А.И. Раскопки на городище Афрасиаб, КСИИМК, XXXVI, 1951.
13. Шишкин В.А. Кал’а и Афрасиаб // Афрасиаб. Вып. 1. Ташкент, 1969.
14. Шишкина Г. В. Бухарские ворота средневекового Самарканда // Афрасиаб. Вып. 4. Ташкент, 1975.

СУҒД ВОҲАСИДАГИ СИЁСИЙ ТАРИХ МАСАЛАЛАРИ

И.ХИДИРОВ, Қарши ДУ

Аннотация: Ушбу мақолада Суғд воҳасидаги сиёсий тарих масалаларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: *Суғд воҳаси, давлатчилик, шаҳарсозлик, урбанизация, ҳудудлар*.

Аннотация: В данной статье освещается значение вопросов политической истории Согдийского оазиса.

Ключевые слова: *Согдийский оазис, государственность, градостроительство, урбанизация, территории*.

Annotation: This article talks about the importance of issues of political history in the Sughd oasis.

Keywords: *Sughd oasis, statehood, urban planning, urbanization, regions*.

Маълумки, совет даврида Ўзбекистон ҳудудларидаги энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар даври давлатчилик жараёнлари - илк давлатлар, илк шаҳар маданияти, шаҳар-давлатлар, давлатчиликнинг дастлабки тараққиёт босқичлари, ўрта асрлар даври давлатчилиги масалалари археолог, тарихчи, шарқшунос, тангашунос, лингвист, ҳуқуқшунос олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган эди. Аммо, ушбу масала юзасидан “Ўрта Осиё тарихини формацияли даврлаштириш”, “Ўрта Осиёда илк синфий муносабатларнинг шаклланиши”, “Аҳамонийлар империясига қадар Ўрта Осиёда кечган давлатчилик муносабатлари”, “Аҳамонийлар” ёки “Кушонлар давлатчилиги” каби мавзулар олимлар томонидан баҳс-мунозараларга тортилган бўлса-да, ўлкамиз ҳудудларида кечган давлатчилик жараёнлари маҳаллий халқларнинг миллий давлатчилиги тарихи сифатида талқин этилмаган эди.

Давлат бошқаруви деганда биз бош сиёсий ҳокимият ва унга бўйсунувчи бошқарув тизимини тушунамиз. Бошқарув тизими жамиятнинг барча жабҳаларини-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. Бинобарин, бошқарув тизимини ҳар томонлама ва жиддий ўрганмасдан туриб жаҳон халқлари тарихий-маданий ривожланиши, уларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири, маҳаллий ва умумбашарий маданиятлар интеграциясининг ўзига хос томонлари ва қонуниятларига аниқликлар киритиш мумкин эмас [1, Б.28]. Давлат бошқарувининг пайдо бўлиши инсоният тарихида муҳим муваффақият ва сифатий янги босқич бўлди. Дунё тарихидаги қадимги Давлатларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашувида Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудларда яшаган халқларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Дунё тарихида шаҳарлар, сиёсий бирлашмалар, уюшмалар, кейинроқ эса Давлатнинг пайдо бўлиши узоқ

давом этган жараёндир. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, бу жараён турли халқларда турли йўллар билан бўлиб ўтган[2, Б.85].

Биринчидан, Давлатлар пайдо бўлишининг осиёча ишлаб чиқариш усулига асосланган "Шарқ йўли" бўлиб, унда иқтисодиётнинг асосини суғорма деҳқончилик ташкил этган; деҳқончилик жамоаси жамиятнинг бирламчи ячейкаси эди; аҳолининг катта қисмини сафарбар этиш зарурияти принципиал бошқарувчилар табақасини тақозо этган.

Ишлаб чиқаришнинг осиёча усули милоддан аввалги IV минг йилликдан милодий I асргача йирик дарёлар водийларида жойлашган Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё каби минтақаларда ёйилган.

Давлат тузилмасининг **иккинчи**, «Европа йўли» Европа минтақасида мил.авв.V асрдан бошлаб милоддий III асргача қадимги полисларида мавжуд бўлган. Уларда хусусий мулкчилик шаклланиши туфайли келиб чиққан жамиятнинг ижтимоий мулкий табақаланишуви жараёни (синфлар шаклланиш жараёни) асосий омил бўлди.

Маълум бир қабила, элат ва халққа хос ҳамда муайян ҳудуд билан боғлиқ бўлган давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари бошқа халқ ва ҳудудлардаги давлатчилик жараёнларига асло мос тушмайди. Шунга қарамай, Қадимги Шарқдаги илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпгина умумий жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир[3, Б.106]. Айнан мана шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиши Қадимги Шарқ давлатчилиги тарихи билан ўзвий боғлиқдир.

Қадимги Шарқнинг турли ҳудудларидаги табиий шароит ўзига хос бўлиб, кўпинча давлатларнинг пайдо бўлиши ушбу ҳолат билан бевосита боғлиқ эди. Айниқса, йирик дарёлар - Нил, Дажла, Фрот, Ҳинд, Ганга, Хуанхе, Амударё ва Сирдарё Қадимги Шарқ халқлари тарихий тақдирида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Кўп ҳолларда тадқиқотчилар жамоаларнинг бирлашуви натижасида пайдо бўлган давлатчилик тизимини мураккаб суғориш тартиби ташкил этилиши, ерларни сунъий суғорилиши, дарё воҳалари ва тоғ олди ҳудудларининг ўзлаштирилиши ҳамда тўғонларнинг қурилиши билан боғлайдилар[4, Б.49]. Юқоридаги омилларнинг мавжуд бўлганлиги аниқ. Лекин, фикримизча, уларни ташкил этиш назорат ва бошқарувни, ҳисоб-китобни талаб этар эди. Демак, бунинг учун ёзувчи мирзалар, ҳисоб-китобчилар ва ҳукмдорлар зарурати туғилган. Меҳнат қуроллари тайёрлаш учун ҳунармандлар фаолият кўрсатган. Ушбу мураккаб тизим хавфсизлигини таъминлаш учун қуролли гуруҳлар тузиш, ҳамда маълум ҳудудларни мудофаа иншоотлари билан ўраб олиш керак бўлган. Шу тариқа жамиятда иккита янги тузилма- шаҳар ва давлат пайдо бўла бошлайди[5, Б.34]. Қадимги вилоятларнинг жойлашув ҳудудлари анчагина муаммоли масала бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларига (жумладан, Суғдиёнага ҳам) кўчманчиларнинг

ҳужуми-бу ҳудудларда давлат уюшмалари пайдо бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин эди. Археологик топилмаларнинг маълумот беришича, Қашқадарё ҳавзаси, Сурхон воҳаси ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида мил. авв. X-VIII асрларга оид унча катта бўлмаган ва мустаҳкамланган ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари ҳақиқатдан ҳам кўчманчиларнинг отлиқ камончилари ҳужумларига дош беролмас эдилар. Аммо, бундай манзилгоҳлардан кучли ҳарбий тўқнашувлар ва сиёсий қарама-қаршиликлардан далолат берувчи ёнғин ҳамда вайронгарчилик излари аниқланмаган. Ундан ташқари, бу ҳудудларда янги ерлар жадаллик билан ўзлаштирилган ва ўтроқ аҳоли билан чорвадор кўчманчи аҳоли қўшничиликда яшашган (Зарафшон ва Қашқадарё қуйи оқимлари)[6, Б.203]. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли сони ва зичлигининг ўсиб бориши, ҳосилдор ер майдонларининг ўзлаштирилиши ва ўтроқ манзилгоҳлар сонининг ошиб бориши натижасида яйловлар қисқариб, чорва емишига талаб ортиб боради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадаллик билан ривожланиши аҳоли жойлашувининг ҳаётий зарур ҳудудларга бўлиниб кетишига олиб келади. Бундай шароитда чорвадор аҳолининг маълум қисми хўжаликнинг ярим ўтроқ ва ҳайдама чорвачилик шаклига ўтишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги милл. авв. VI-IV асрларга оид кўчманчилар ёдгорликлари ўтроқ аҳоли ҳудудлари чегараларида (Оролбўйи, шимолий Туркманистон, Зарфшоннинг қуйи оқими, Помир ва бошқа) жойлашганлиги тасодифий ҳол эмас. А.Сагдуллаевнинг фикрича, нисбатан йирик сиёсий уюшмаларнинг пайдо бўлишига Ўрта Осиё ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси ўртасидаги доимий сиёсий қарама-қаршиликлар сабаб бўлади[7, Б.87]. Аҳоли аралаш жойлашуви ҳудудларида ўтроқ вилоятлар сиёсий уюшмаларининг шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири, Ўзбекистон жанубидаги дашт ҳудудларда жойлашган кўчманчи қабилалар ҳужуми хавфи эди. Мил. авв. VII-VI асрларга келиб бундай ҳужумлар тез-тез бўлиши муқаррар эди. Чунки, Ўрта Осиёнинг кўпгина тоғ ва дашт ҳудудларида йилқичилик ва чорвачилик кенг тарқалиб, кўчманчиларнинг ўзлари эса жанговар қуролланишда катта муваффақиятларга эришиб, жиддий ҳарбий хавф туғдира бошлайдилар[8, Б.45].

Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлат уюшмалари ҳақида сўз борар экан, энг қадимги шаҳарларни ифодаловчи мустаҳкамланган марказларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки, энг қадимги шаҳарлар дастлабки давлатларнинг марказлари сифатида шаклланади ва бу масала кўпгина тадқиқотчилар томонидан махсус кўриб чиқилган, ҳамда ривожланиш тараққиётининг турли даврлари билан белгиланган.

Тадқиқотчилар Суғдиёнада, хусусан Бухоро ва Зарафшон воҳаларида топиб текширилган илк темир даврига оид археологик маълумотларни бошқа ҳудудлар билан солиштириб чуқур таҳлил этганлар. Бухоро ҳудудларидан топилган “аҳамонийлар даври” ёдгорликлари унча катта бўлмаган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу ерларнинг кенг ҳудудларга

ёйилган этно-маданий вилоят таркибига киритиш лозимки, илк темир даврида бу ҳудудларда ташқи кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Бу этно-маданий вилоят даставвал Амударё воҳаси (Хоразм, Марғиёна, Бақтрия), Жанубий Суғд, марказий Суғднинг бир қисми, Бухоро Суғдининг шимоли - ғарбий ва шимолий - шарқий ҳудудлари, шунингдек, Уструшона каби тарихий вилоятларини ўз ичига олган[9, Б.14]. Қадимги Бақтрия ҳудудларидан кўчиб бориш бевосита Амударё, Сурхон, Қашқадарё сув ҳавзалари ва уларнинг ирмоқлари орқали бўлиб ўтган. Сўнгги бронза давридаёқ Қашқадарё юқори оқимларида мавжуд бўлган маданият соҳиблари тоғлар орқали Марказий Суғд (Самарқанд) ҳудудларига етиб келадилар. Зарафшон воҳасига келсак, Марказий Суғднинг каттагина, қисми (бир томондан Афросиёб қўҳна шаҳри атрофлари ва Кўктепа, иккинчи томондан, Сармишсой ва Конимех ёдгорликларигача) сўнгги бронза ва “аҳамонийлар даври”да (мил.авв.IV асрнинг бошларигача) умуман ўзлаштирилмаган эди. Аммо, бизнинг фикримизча, айнан мана шу даврда Жанубий Суғднинг каттагина қисми ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан эгалланиб, дарё воҳалари ва текисликлар хайдама деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирилиб, бу ҳудудлар ҳайдама деҳқончиликка ихтисослашган эди[10, Б.143]. Қўшни Қадимги Бақтриянинг каттагина ҳудудларида ҳам айнан мана шу жараённи кузатишимиз мумкин. Археологик манбаларнинг маълумот беришича, мил. авв. VII-VI асрларга келиб Ўрта Осиёнинг жанубида ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар анчагина мураккаблашади. Бу ўринда Қадимги Бақтрия маълумотларини келтириб ўтиш жоиздир.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик натижасида бронза давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида ижтимоий табақаланиш ва мулкий тенгсизлик пайдо бўлади. Бу жараён фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Яқин Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Ҳар бир жамоанинг ривожланиши унинг ички қонуниятларидан келиб чиқса ҳам, дастлабки марказлардан бўладиган ташқи таъсир четдаги вилоятларнинг тақдирида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди[8, Б.151]. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳудудларидан олинган янги археологик маълумотлар илк давлат уюшмалари пайдо бўлишини янади кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда, илк темир даври умумий жамоалардаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиладан иборат уй жамоалари ташкил этган. Манзилгоҳлар жойлашувининг ташқи белгилариёқ катта оилали уй жамоалари анча йирик уюшмаларга кирганлигидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оилалар жамоаси бошлиқлари ёки уй ҳўжайинлари, шунингдек, алоҳида қишлоқ қўрғонларини бошқарувчи эски жамоалар катта ўрин тутган. Ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошлик алоқаларига қарамасдан алоҳида уйга, ишлаб чиқариш буюмларига эга бўлишган, ўзининг қишлоқ

ҳужалик маҳсулотлари заҳиралари ва чорвалари бўлган ёки ўзининг иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган[5, Б.93]. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини солиштириб ва умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкинки, Суғдиёна ҳудудларига одамлар энг қадимги даврлардаёқ кириб келиб, тоғолди ҳудудлари, дарё воҳалари, кейинчалик эса, дашт ҳудудларига тарқаладилар. Бу ҳудудларда мавжуд бўлган қулай табиий шароит – ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган.

Таъкидлаш лозимки, турли қадимги манбаларда Суғдиёна номи тилга олинса ҳам, бу ўлка алоҳида давлат сифатида эслатилмайди. Бу ҳол тадқиқотчиларнинг турли баҳсларига сабаб бўлишига қарамасдан, археологик тадқиқотлар бу масалага кўпгина аниқликлар киритади. Бу тадқиқотларни таҳлил қилиб ва бошқа маълумотларни умумлаштириб қуйидагича ҳулосалар чиқариш мумкин:

- Мил.авв. I минг йилликнинг бошларига оид тарихий - маданий ёдгорликлар Суғдиёна ҳудудларида давлатчилик тарихи айнан мана шу даврдан бошланганлигидан далолат беради;

- Суғдиёна давлатчилиги тарихида нафақат четдан бўлган ташқи таъсир, балки, ички омиллар имкониятларининг ҳам аҳамияти катта бўлди;

- Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Суғдиёна Бақтрия Давлати доирасида нафақат сиёсий, балки этник-маданий бирликни ташкил этарди. Қурилиш усуллари, меъморчилик санъати ва моддий маданиятдаги ўхшашлик фикримиз далилидир. Зеро, бундай ўхшашлик иқтисодий, маданий муносабатлар ҳамда сиёсий бирлик асосида пайдо бўлиши мумкин эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.
2. Ртвеладзе Э. Цивилизвции, государство, культуры Централной Азии. – Ташкент, 2005.
3. История таджикского народа. Под ред. Б.А. Литвинского и Б.А. Ранова. – Душанбе, 1998.
4. Массон В.М. Культурогенез Деревней Центральной Азии. – СПб.: Из-во. С.Петербург. Ун-та, 2006.
5. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис к пути развития. – Киев, 1989.
6. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда Давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия,2006.
7. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Отв.ред.Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
8. Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудларида илк Давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон, 1998.
9. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.
10. Тоғаев Ж. Бронза ва илк темир даври тарихий реконструктураси масалалари (Жанубий Ўзбекистон мисолида.). Тошкент. “Shafoat Nur Fayz”. 2020. Б.149.

“BOBURNOMA” ASARINI O‘RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI

D. Z. OLIMJONOV, O’z FA Tarix instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asari o’rganilish tarixshunosligi keltirilgan bo’lib, unda asarning Yevropa, Rossiya va boshqa sharq davlatlarda o’rganilishiga oid ma’lumotlar berilgan. Bu memuar asarda turli tillarga tarjima qilinishi, bugungi kundagi o’rganilish holati bo’yicha dalillar keltirilgan.

Kalit so’zlar: *“Boburnoma”, memuar, Yevropa, Sharq, Eiji Mano, Kerr, Beverij, YUNESKO, tarjima, etnografiya, tarix, Haydarobod nusxasi.*

Аннотация. В данной статье представлена историография изучения произведения «Бабурнома» Захириддина Мухаммада Бабура, в которой приводятся сведения об изучении произведения в Европе, России и других восточных странах. Эти мемуары были переведены на разные языки, и представлены данные о текущем состоянии исследований.

Ключевые слова: «Бобурнома», мемуары, Европа, Восток, Эйдзи Мано, Керр, Беверидж, ЮНЕСКО, перевод, этнография, история, Хайдарабадская копия.

Annotation: This article provides a historiography of the study of Zahiriddin Muhammad Babur's work "Boburnoma", which provides information about the study of the work in Europe, Russia and other Eastern countries. This memoir has been translated into various languages and provides evidence of the current state of study.

Keywords: *Boburnoma, memoir, Europe, East, Eiji Mano, Kerr, Beveridge, UNESCO, translation, ethnography, history, Hayderabad copy.*

Alisher Navoiydan keyin o‘zbek mumtoz shoir va adiblaridan hech biri o‘z asarlarining tarjimalari bilan G‘arb va Sharqda Boburdek mashhur bo‘lmagan edi, desak xato qilmagan bo‘lamiz. Boburni eng mashxur qilgan asari - “Boburnoma” butun dunyo sharqshunos olimlar – tarixchi va adabiyotshunoslarni o’ziga jalb qildi va ilmiy ishlarida aks etib kelmoqda.

“Boburnoma” to‘rt martadan forsiy, inglizcha, nemis, fransuz,turk, rus tilllarida; uch marta urdu; bir martadan yapon, golland, italyan, polyak, hind, ispan, qozoq, ozarbayjon, arab va uyg‘ur, jami o‘ttizdan ortiq tillarda chop qilindi. Kitobda Bobur aslida 36 yillik voqealarni, ya’ni 12 yoshda Farg’ona taxtiga o’tirgan chog’idan boshlab, umrining oxirigacha bo’lgan davrni qamrab olgan, lekin asarning 18 yillik voqealari bayon qilingan sahifalari noma’lum sabablarga ko’ra yo’qolgan va bizgacha asarning yarmi yetib kelgan. Mana shu qismining o’zi ham ulkan hajmdagi kitob bo’lib, uni shartli ravishda uchga bo’lish mumkin: Farg’ona, Kobul va Hindiston. Ta’bir joiz bo’lsa, «Boburnoma» bir qator ensiklopediyalardan tashkil topgan. Unda turli fan sohalariga doir ma’lumotlar jamlangan - geografiya va geodeziya, tilshunoslik va adabiyotshunoslik, tarix va etnografiya va h.k. Hozirgi kunda dunyoda o’nlab soha mutaxassislari ushbu nodir asarga katta qiziqish bildirayotgani bejiz emas.

Bobur Mirzo haqida turli tillarda ellikdan ortiq risola va monografiyalar, besh yuzdan ortiq ilmiy maqolalar, o‘ttizdan ortiq roman, esse, kitoblar yozilgan, lug‘atlar tartibi berilgan, harbiy yurishlari haqida xaritalar tuzilgan.

Bobur shoh ijodiga yuksak qiziqish yapon olimi Eyji Mano tomonidan bildirilganligi va 30 yil mobaynida to‘rt jilddan iborat “Boburnoma” ilmiy-tanqidiy matnining atamalar, kishi, joy, qabila nomlari va boshqa ko‘rsatkichlar ilova qilinib, nashr etilishi katta voqea bo‘ldi. Eyji Mano dastavval, “Boburnoma” ni yapon tiliga o‘girdi. Keyin uni arab alifbosida chop qilishga kirishdi. Xullas, 5 yil ichida 4 jildlik “Boburnoma”ning uzilgan yil voqealarini mavjud to‘rtta qo‘lyozma asosida qayta to‘ldirilgan nashrini chop qildi. Professor Eyji Mano Yaponiyada chop qilgan «Boburnoma» zamonaviy matnshunoslikning shakllangan ilmiy talab shartlari darajasida amalga oshirilganini mamnuniyat bilan qayd etish bilan birga, kelgusi akademik nashrlar uchun mustahkam zamin va asos bo‘lib qolishi shubhasiz ekanligiga ishonch bildirildi. O‘z vaqtida yapon nashrining barcha fazilatlari bilan birga kamchiliklarini ham ko‘rsatib o‘tishga to‘g‘ri keldi. Bobur kulliyotining Tehron nusxasini o‘rganish (garchand bu nusxa to‘liq bo‘lmasa-da), uning Bobur asarlarining muallif qalamiga eng yaqin bo‘lgan va eng ishonchli matnini yaratishda o‘ziga xos betakror manba sifatida istifoda qilishga loyiq nusxa ekanligini qayd etib, bu kulliyotning manba sifatida chop etilishi ilgarigi barcha nashrlarda yo‘l qo‘yilgan kamchiliklarni tuzatish va mavjud muammolarni hal etishi uchun dunyo muzey va kutubxonalarida saqlanayotgan mavjud qo‘lyozmalarni raqamlari bilan keltirib, o‘rganish uchun tavsiyalar berildi.[1]. 1987-yili esa manbaning barcha tarjimalar tajribasi umumlashtirilib, birinchi marta turk olimlari tomonidan tanqidiy matn yaratishga intilish sezilgan. Buning natijasida 2000-yilga kelib “Boburnoma” uchinchi bor turk tilida 622 sahifada qayta chop etildi.

Yevropa ilm ahliga “Boburnoma”ni birinchi marta tanishtirgan olim gollandiyalik Vitsen bo‘lgan, u 1705-yilda asardagi Farg‘ona vodiysini jug‘rofiyasiga oid tasvirlarni tarjima qilib, Amsterdamda nashr ettirgan, degan fikrlarga qo‘shimchalar kiritildi. Tadqiqot ishlari Vitsendan sal oldin, 1697 yilda mashhur fransuz olimi Bartolame D`Erbala Molenli “Sharq kutubxonasi” qomusida Bobur ijodi va “Boburnoma”dagi parcha tarjima qilganligi ma’lum bo‘ldi. Fransiyada o‘rta asrlardan buyon Sharq xususan, bizning tariximiz, madaniyatimiz, tilimiz, buyuk ajdodlarimiz ilmiy – ma’naviy merosi katta qiziqish bilan o‘rganib kelinishi maqtovga sazovordir.

“Boburnoma”ning fransuz sharqshunosi Pave de Kurteyl «Bobumoma»ning qadimiy o‘zbekcha qo‘lyozmalaridan birini 1871-yilda to‘la ravishda fransuz tiliga tarjima qilib, Parijda nashr qilgan. Jan Lui Bakkyu-Grammon tomonidan turk chig‘atoy tilidan tarjima qilinishi, 1980-yilda Parijda YUNESKOning maxsus nashri “Bobur kitobi”, deb atalishi va yuksak mukofotga sazovor bo‘lishi buning dalilidir.[2]

Ingliz olimlaridan J.Leyden va V.Erskin «Bobumoma»ning o‘zbekcha va forscha nusxalarini solishtirib, ingliz tiliga tarjima qilib, 1826-yilda Londonda chop ettirdi.[3] Bu taijima L.U.King tomonidan biroz to‘ldirilib, Londonda qayta nashr qilingan. Birinchi ingliz tilidagi tarjima A.Kayzer tomonidan qisqartirib, nemis tiliga tarjima qilingan va 1828-yilda Leypsigda nashr qilingan. Hozirga qadar ham sharqshunoslar, tarixchilar Qozonda hamda Londonda bosilgan mazkur matnlardan va ba’zi kutubxonalarda saqlanayotgan qo‘lyozmalardan foydalanib kelmoqdalar.

O’zbek bobur shunoslaridan “Boburnoma”ning Kirill yozuvidagi dastlabki nashrini taniqli sharqshunoslar Porsoxon Shamsiyev va Sodiq Mirzayevlar 1948-1949-yillarda amalga oshirganlar.[4]1960-yilda esa asarning yangi nashri chop etilgan.[5]Ushbu yangi nashrda tuzuvchilar Ilminskiyning Qozon bosmasidan tashqari,

Haydarobod nusxasining S.Beverij tayyorlagan faksimil nashridan (1905-yil) ham foydalanganlar. 1989-yilda «Yulduzcha» nashriyoti «Boburnoma»ning yangi nashrini chop etdi, lekin u ommabop nashr, ilmiy emas deb hisoblanadi. 2002-yilda esa «Boburnoma»ning yangi, ilmiy nashri e’lon qilindi.[6]Mazkur nashrning ilmiy qiymati shundaki, unda P.Shamsiyev va S. Mirzayevlarning 1960-yildagi nashri va yapon olimi professor Eyji Manu tuzgan arab yozuvidagi tanqidiy matn asos qilib olingan. Nashrni tayyorlash jarayonida Afgoniston, Hindistonga oid olti yuzdan ortiq turli xildagi o’zgarishlarkiritildi. 2008-yilda Zaxiriddin Bobur tavallud topganining 525 yilligi munosabati bilan “Boburnoma”ning hozirgi o‘zbek tiliga tabdili amalga oshirildi.[7] Asar 2017 va 2020-yillarda ham qayta nashr etildi.

“Boburnoma” asari tarixiy-adabiy manba sifatida shunisi bilan ham muhimki, asarda ko‘plab tarixiy shaxslar, adabiyot va san’at, din ahli, shoh va shahzodalar, bek, amir-u umarolar haqida ma’lumot beriladi.

“Boburnoma”da hammasi bo‘lib, 1540 nafar kishining ism-sharifi tilga olingan. Shundan 357 tasini movarounnahrlik tarixiy shaxslar tashkil qiladi. Qolgan qismini esa turli davrda va mamlakatlarda yashagan shaxslar tashkil etadi. Movarounnahrlik 357 nafar turli toifa kishilaridan iborat tarixiy shaxslar: 5 nafari amir va amirzodalar, 20 nafari shoh va shahzodalar, 42 nafari malika va shoh qizlari, 52 nafari umarolar, qo‘shin boshliqlari va beklar, 21 nafari din va tasavvuf egalari, 30 nafari ilm-fan va adabiyot ahllari, 187 nafari turli xos kishilar - askar, dehqon, san’at ahli, hunarmand, qul va xizmatkorlarning nomlari qayd etilib, sharxlab berilgan.[8]. Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asarida movarounnahrlik (Boburning o‘zini ham qo‘shganda) 25 nafar amir va amirzodalar nomi hamda ular haqida ma’lumotlar keltirganini kuzatamiz.

Xulosa qilib aytganda, Zahiriddin Muhammad Bobur o’zidan boy adabiy va ilmiy meros qoldirdi. U o’z asarlarida oliyjanoblik, mardlik, adolatparvarlik kabi komil insonga xos fazilatlarni bayon qilgan. Shuning uchun uning asarlari hozir ham o’z ahamiyatini yo’qotmagan, dunyo xalqlari hanuz ulug’ vatandoshimizning asarlarini qiziqib mutolaa qilib kelmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.

1. Ne’matilla Otajonov, “Bobur va Axsikent” mavzuidagi II respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari, nashrga tayyorlovchi Tohirjon Qozoqov, Namangan, 2022. – B. 33.
2. Ne’matilla Otajonov, Z.M.Boburning jahon madaniyatida tutgan o‘rni.Xalqaro ilmiy anjuman materiallari.Toshkent, O‘qituvchi. 2012 – B.61-62.
3. Hindiston tarixi.9-nashr.London, 1905, - B. 429.
4. Ochilov E., Sochining savdosi tushdi. To‘plam.T., Sharq, 2007 – B. 102.
5. Mubayyin. (mas’ul muxarrir: A.Rustam) — T.: A. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2000. – B. 32.
6. Axmadxujayev E., Boburning «Aruz risolasi»da Lutfiy g’azaliyotidan namunalar// Adabiy meros. № 4,1977. – B. 35.
7. Boburnoma. Nashrga tayyorlovchilar: P.Shamsiyev, S.Mirzayev. V.Zoxidovning so‘zboshisi va tahriri bilan. - T., FA nashriyoti, 1960.
8. Abdullaeva M. “Boburnoma”da tarixiy shaxslar talqini. www. referat.uz/ghdj

АБДУЛЛАХОН ИККИНЧИ ФАОЛИЯТИ ҲУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Б.Н. МИРЗАЕВ, Ж.Б.УМАРОВ. *ЖДПУ, Жиззах*

Аннотация: Ушбу мақолада Абдуллахон Иккинчининг ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиш, унинг минтақани бирлаштириш учун курашлари, бу даврда бунёд этилган суғориш иншоотлари, меъморий обидалар, ички ва ташқи савдонинг ривожланиши ҳамда илм-фан равнақи ёритилган.

Калит сўзлар: *Абдулазизхон, Искандархон, Абдуллахон Иккинчи, Хўжа ислом, Марказий ҳокимият, Суғориш иншоотлари, меъморий обидалар*

Аннотация: В данной статье рассматривается политический, экономический и культурный подъем Бухарского ханства в период правления Абдулла-хана II, его борьба за объединение региона, ирригационные сооружения, архитектурные памятники, построенные в этот период, освещены развитием внутренней и внешней торговли, развитием науки.

Ключевые слова: *Абдулазиз-хан, Искандар-хан, Абдулла-хан II, Ходжа Ислам, центральная власть, ирригационные сооружения, памятники архитектуры*

Annotation: The article, the political, economic and cultural rise of the Bukhara Khanate during the reign of Abdullah Khan II, his struggle for the unification of the region, the irrigation facilities, architectural monuments built during this period, the development of internal and external trade, and the development of science illuminated.

Keywords: *Abdulaziz Khan, Iskandar Khan, Abdullah Khan II, Khoja Islam, Central Authority, Irrigation facilities, architectural monuments*

Ўзбекистон истиқлолининг давстлабки даврларидан бошлаб, тарихимизни ҳаққоний тиклаш ва ўрганишга муҳим эътибор берилди. Шу жиҳатдан, халқимизнинг давлатчилигимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаган сулолалар тарихини ўрганишга ҳам қизиқиш кучайди. Шундай сулолалардан бири Шайбонийлардир. Бу сулоладан бўлган хукмдорлари ичида Абдуллахон Иккинчи давлатчилигимиз тарихида влохида урин эгаллайди. Шайбонийхон вафотидан сўнг, шайбоний султонлар ўртасида бошланиб кетган ўзаро низо ва урушлар мамлакат ва халқни оғир аҳволга солиб қўйган эди. Бу ҳақда тарихчи Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ўзининг “Абдулланома” асарида: “Ўша вақтда ҳар тарафдан тескари шамол эсарди. Ҳар бурчакдан фитна гарди осмонга кўтариларди. .... Ҳар замон бало тўфони юқори кўтариларди. Соғу-саломатлик Анқодек махфийлик пардаси остига яширинган эди... Халойиқ тангликдан ҳайрон бўлиб, фуқаро бурчак-

бурчакда саргардон эди...” [1,19]. Кўринадики, мамлакатда шайбоний султонларнинг ўзаро курашларига барҳам бериб, уларни ягона ҳокимият остига бирлаштира оладиган истеъдодли ва тажрибали ҳукмдорга тарихий ва ҳаётий эҳтиёж юзага келган эди. Бу эҳтиёж тарих саҳнасига Абдуллахонни олиб чиқди. Искандархон ўғли Абдуллахон II мадраса таълимини олиш билан бирга, давлат бошқаруви қоидаларини ҳамда ҳарбий таълимни ҳам пухта эгаллаган эди. Тарихчи Ҳофиз ал –Бухорий ёзганидек: “Адаб мактебида унинг мубораканжом хотири ўқиш ва ёзишга тамом берилиб, руҳоний нақшлар ва нуроний суратлар ул жаҳонгирнинг дили лавҳига ёзилгандан сўнг, унинг қўли гўзалликлар ва латифаларни нақш этувчи қаламдан сувдек нақшли ханжарга олов ёғдирадиган, тағларга ва хат ёзиш санъатларидан найзабозлик хунарларига майл қилди.” [1,91].

Абдуллахон Иккинчи ҳарбий санъатда ноёб истеъдод соҳиби бўлиб “...У чавгон уйнашда дилбарлар зулфининг халқаси каби саодат майдонида давлат гуйини бошига етказиб, уқ узиш, камон тортишда юз тақсин, минг офарин билан уша замондаги етук сулолардан ўтиб кетди.” [1,93].

Шунингдек, Абдуллахон Иккинчи диний илмларни шунчалик пухта эгаллаган эдики, “Қуръони Каримни тафсир қилишда, Ҳадиси Шарифларни таълил ва талқин қилишда дин пешволарининг таҳсину ва тан олишларига сазовор бўлган” эди [2,75]. Ана шундай ноёб истеъдоду-иқтидор соҳиби бўлган Абдуллахон II нинг ҳаёти, фаолияти оғир вазиятда кечди.

Абдуллахон Иккинчи гарчи 1583 йили расман хон деб эълон қилинган бўлса-да, амалда 1557 йилдан бошлаб сиёсий ҳокимият унинг қўлида эди.

Таъкидлашимиз жоизки, ўша даврда мамлакатда йирик дин пешволаридан жуйбор хўжаларининг мавқеи ва нуфузи кучли эди. Абдуллахон IIга ҳам тахтни эгаллашда ва мамлакат бошқарувида жуйборий Хўжа Муҳаммад Исломнинг ёрдами ва унинг қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Отаси Искандархон ва Абдуллахон Иккинчининг ҳам Хўжа Муҳаммад Исломнинг муридлари эдилар. Шу боис ҳам, Абдуллахон Иккинчи уларга катта илтифотлар кўрсатди. Чунончи, Исломга улуғ боболари бўлган имом Абубакр Аҳмад ва Хўжа Абубакр Саъднинг мозорларини таъмирлаш ва унинг яқинида мачит, мадраса, хонқоҳ, сарой ва чорбоғ қуриш тўғрисида фармон беради. Шунингдек, барча вақф ерлари хўжанинг ихтиёрига берилади.

Абдулланома асарида айтилганидек, бу ерда “ўн йил мобайнида “доно меъморлар ва забардаст бинокорлар” жаннатга ўхшаганолий биноларни қурдилар” [1,157].

Абдуллахон Иккинчи ўз пирининг мамлакатдаги катта нуфузи, мавқеини ҳисобга олиб: “... унинг ҳомийлигини рағбат билан қабул қилиб, итоат билан бошини буйсуниш халқасига киритди ва унинг мувофиқ кўрган ишидан ташқари чиқмади.” [1,75].

Абдуллахон Иккинчи ўзининг бутун фаолиятини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, ички айирмачиликларга барҳам бериш, марказий

ҳокимиятни мустаҳкамлаш, минтақанинг барча ҳудудларини бирлаштириш, ҳунармандчилик, деҳқончиликни ривожлантириш, ички ва ташқи савдога кенг йўл очиш, шаҳар ҳаётини жонлантириш, илм-фан ва саънат равнақига аҳамият бериш, улкан қурилиш ва суғориш ишларини кучайтириш каби яратувчиликка бағишлади.

Аввало, у мамалакат ва минтақани бирлаштириш мақсадида кўп маротаба урушлар олиб боришга тўғри келди. Хусусан, 1557 йилнинг апрелида Илон ўтди сойининг Жиззах томонида бир томондан Туркистон, Тошкент, Андижон, Хўжанддан тўпланган қўшинлар Дарвишхон бошчилигида, иккинчи тарафдан эса Самарқанд хукмдори Бобо Султоннинг кўп сонли қўшинлари билан бўлган жангда Абдуллахон Иккинчи ғалаба қозонди. Абдуллахон Иккинчининг бу ғалабаси ҳақида Абдулланома асари муаллифи: “Ўша куни аъло ҳазратга Абдуллахонга шундай ғалаба юз кўрсатдики, бундай ғалаба ўтган ҳоқон ва султонларнинг бирортасига ҳам насиб бўлмаган эди”- деб ёзади. Бобо Султон ва Дарвишхонлар 1572 йилда яна кўп сонли қўшинлари билан Самарқандни босиб олиш мақсадида бостириб келадилар.

Моҳир саркарда Абдуллахон Иккинчи ҳозирги Ғаллаорол туманидаги Кўкгумбаз қишлоғи ёнида уларга қақшатгич зарба берди ва тор-мор келтирди.

Абдуллахон Иккинчи ўзининг ғалабаси ҳақида Илон ўтдидаги Темур дарвозанинг чап томонидан Мирзо Улуғбекнинг хотира ёзуви ёнига Абдуллахон Иккинчи ҳам хотира битади. Унда шундай дейилади: “Бу жойдан ўтган барча сайёҳлар билсинларки 979 йилда халифаликнинг суянчиғи, оллоҳнинг сояси, Соҳибқирон Абдуллахон Искандарохон ўғли шу жойда ўттиз минг кишилик жонговор қўшини билан Дарвишхон, Бобохон ва султоннинг бошқа ўғилларига тегишли қўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтди. Соҳибқирон бу тонгда султон ўғилларининг эллик мингга яқин қўшини ҳамда Туркистон, Тошкент, Фарғона ва Дашти Қипчоқдан тўрт юз мингга яқин аскарлари устидан зафар қучди... Ушбу жанг барчага маълум бўлсин” [3,158].

Дарҳақиқат, Абдулланома асарида ҳам бу тўғрида шундай дейилади: “Ўша куни шунчалик кўп қон тўкилиб, шу қадар зўр жанг бўлдики, ўлган ва ярадор бўлганлар танасидан жанг майдони тоғу тепаликка айланди. Саркашларимиз бошлари отларнинг човган шаклидаги туёғи остида қолиб, қўйдек юмалади” [1,142]. Бу жанглар Дашти Қипчоқ хонларига катта талофат етказган бўлса, Абдуллахонга эса зафар келтирди. Абдуллахон Иккинчи 1573 йилда Фарғонани, 1574 йилда Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятларини, 1578 йилда Самарқанд, 1582 йилда Тошкент, Шоҳруҳия, Сайрам, Оҳангарон, 1583 йилда эса Балҳ, 1584 йилда Бадахшон, 1588 йилда Ҳирот, 1595 йилда эса Хоразм унинг қўл остида бирлашди.

Абдуллахон Иккинчи марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва мамлакат ҳудудларини бирлаштириш учун кураш олиб бориш баробарида

мамлакат иқтисодини кўтаришга, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқни ривожлантиришга, илм-фан, маданият, меъморчилик юксалишига ҳам муҳим эътибор берди.

Шуни айтиш жоизки, ўлкамизда сунъий суғориш энг юксалган давр ҳам Абдуллахон Иккинчи даврига тўғри келади. Жумладан, 1582 йили Зарафшон дарёсида қурилган Кармана кўприги (Пули Кармана) сув айиргичи, 1583 йили Нурота тоғларида қурилган Оқжоб сув омбори, Зарафшон дарёсидан Жиззах воҳасигача тортилган ва Сангзор дарёси билан туташувчи Туятортар канали ва бошқа кўплаб суғориш иншоотлари қурилди. Бу даврда қурилган суғориш иншоотлари мамлакатда суғорма деҳқончилик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиш иқтисодий ҳаётнинг юксалишига, шаҳар ҳаётининг жонланишига олиб келди.

Абдуллахон Иккинчи даврида адабиёт, математика, астрономия ва тарих соҳаларида ажойиб асарлар яратилди. Бу даврда Бухоро йирик илм-фан марказига айланди. Шайбонийхон давридагидек, Абдуллахон Иккинчи даврида ҳам Бухорода китобот ишларига яъни қўлёзмаларни чиройли хуснихат билан қўчириш йўли билан нусхаларни кўпайтиришга муҳим эътибор берилди. Абдуллахон Иккинчи ҳам авлодлари сингари бунёдкор ҳукмдор бўлиб, пойтахт Бухоро, Тошкент, Балх каби шаҳарларда кўплаб меъморий обидалар, тижорат бинолари қурдирди. Чунончи, Бухородаги Чорсу ва ундаги тимлар, Гавкушон “Қўш мадраса”, фатхулла қушбеги мадрасалари шулар жумласидандир.

Абдуллахон Иккинчи даврида Бухоро хонлигининг халқаро нуфузи кўтарилди. Бухоро хонлигининг Хиндистон, Эрон, Россия каби давлатлар билан дипломатик ва савдо алоқалари олиб борди.

Умуман олганда, Абдуллахон Иккинчи ўзаро низолар ва урушларга барҳам бериб, Туркистон минтақасини ягона давлат ва пойтахт атрофида бирлаштиришга эришди. У мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиб, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига йўл очди. Унинг даврида хонликда деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо, илм-фан ва маданият юксалди. Абдуллахон Иккинчи мамлакатнинг кўплаб ҳудудларида суғориш иншоотлари барпо этилиб, янги ерлар ўзлаштирилиб мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига, аҳоли моддий аҳволининг яхшиланишига таъсир кўрсатди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. “Абдулланома”. Биринчи китоб. Тошкент.: “Шарқ”. 1999. 19-бет.
2. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким ўзбеклар. Т. “Шарқ”, 1999, 75 –б.
3. У.Н.Носиров. Жиззах, фото альбоми. Т.: “Тафаккур”, 2010. 158-бет.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В ОБНОВЛЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ

А.Х.ВАЛИЕВ, Старший преподаватель, ДжГУ, Джизак

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы совершенствования правовых основ занятости населения в Узбекистане, сыгравшей важную роль в улучшении благосостояния жизни населения.

Ключевые слова: *Конституции Республики Узбекистан, Закон «О занятости населения», «Стратегия действий по развитию Узбекистана на 2017-2021 годы», социальная защита, рынок труда, трудовые ресурсы, занятость населения, новые рабочие места.*

Annotation: The article deals with the issues of improving the legal framework for employment in Uzbekistan, which has played an important role in improving the well-being of the population.

Keywords: *the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Law "On Employment", "Action Strategy for the Development of Uzbekistan for 2017-2021", social protection, labor market, labor resources, employment, new jobs.*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутган бандликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Аҳолини иш билан та’минлаш тўғрисида”ги Қонун, “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, аҳоли бандлиги, янги иш ўринлари.*

1

С обретением Узбекистаном независимости был поставлен курс на построение правового государства, где высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права, включая право на труд и свободный выбор работы. Согласно ст. 37 Конституции Республики Узбекистан, каждый имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту от безработицы в порядке, установленном законом[3, с. 9]. 20 октября 2020 года Президент Узбекистана подписал Закон «О занятости населения», принятый с целью регулирования отношений в этой области. Нормативный акт состоит из 19 глав и 123 статей, объединенных в своеобразный кодекс законодательства о занятости. Ранее сфера занятости функционировала в соответствии с Законом, действовавшим с 1 мая 1998 года. Прошло уже 22 года, и появились объективные причины изменить этот регулирующий механизм.

Разработка и принятие новой редакции Закона «О занятости

населения» обусловлены рядом объективных обстоятельств. За прошедшие более чем 20 лет рынок труда претерпел значительные преобразования, увеличилось в 1,5 раза (с 8,8 до 13,5 млн человек) количество занятого населения, в 4,5 раза - число работодателей (с 203,2 до 928,9 тысячи) [2, 1-2]. Действующая редакция закона, принятая в 1998 году, сегодня уже не отражает современного состояния и реалий рынка труда. Следовательно, не была нацелена на решение текущих проблемных вопросов и вызовов в сфере занятости населения. В старой редакции также не были прописаны механизмы финансовых инструментов реализации государственной политики в сфере занятости, включая Фонд общественных работ, Фонд поддержки и защиты прав и интересов граждан, осуществляющих трудовую деятельность за рубежом. Не были указаны и механизмы государственного заказа на создание новых рабочих мест, профессиональной подготовки и переподготовки, повышения квалификации безработных и незанятых граждан, а также нормы регулирования Национальной системы развития профессиональных квалификаций и компетенций, центров профессионального обучения безработных лиц и центров оценки квалификаций.

В своем докладе на 92 сессии Международной конференции труда в Женеве 2004 году, Генеральной директор по работе Всемирной комиссии по социальным аспектам глобализации Хуан Сомавиа отмечал: «Государство должно играть ключевую роль в создании соответствующей институциональной основы, позволяющей поддерживать баланс между потребностями в гибкости для предприятий и потребностями в гарантиях для работников в процессе удовлетворения изменяющихся требований глобальной экономики» [4, с.20].

Кроме того, действовавший ранее закон не являлся законом прямого действия, содержал устаревшие, неэффективные в современных условиях нормы и положения, не выполнял социальной функции. В частности, в отношении пособия по безработице или выплаты безработным в период профессионального обучения и повышения квалификации, чьи размеры и сроки не обеспечивали удовлетворения базовых потребностей людей в период поиска работы.

В связи с этим возникла острая необходимость законодательного закрепления новых отношений, связанных с обеспечением занятости и содействием в трудоустройстве населения, защитой при безработице, регулированием рынка труда и трудовой миграции.

Проект закона разработан во исполнение Указа Президента «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития»» от 17 января 2019 года[5]. В предыдущей редакции не отражались новые инструменты регулирования рынка труда, внедряемые в рамках выполнения указанной

Стратегии действий, особенно в сфере стимулирования предпринимательства, самозанятости, развития личных приусадебных участков, системы профессионального обучения безработных, информационных систем учета занятости и трудового стажа.

В вышеупомянутой Государственной программе министерствам занятости и трудовых отношений, юстиции, экономики и промышленности (ныне – Министерство экономического развития и сокращения бедности), Совету Федерации профсоюзов Узбекистана поручено разработать законопроект, предусматривающий современные эффективные формы организации трудоустройства населения, повышение роли частных организаций в обеспечении занятости населения, вопросы организации общественных работ, внешней трудовой миграции.

Целями разработки нормативно-правового акта стали процессы стимулирования организации рабочих мест и обеспечение занятости населения, в том числе путем формирования госзаказа на создание постоянных рабочих мест. Закон предусматривает материальную поддержку, стимулирование и социальную защиту безработных. Принятие мер по сокращению безработицы, содействие трудоустройству социально уязвимых категорий населения, меры по обеспечению трудоустройства молодежи, особенно в сельской местности, выпускников общеобразовательных школ, высших и средних специальных образовательных учреждений. Внедрение современных профессиональных и трудовых стандартов в сфере занятости, совершенствование механизмов нормирования и оплаты труда, обеспечение соблюдения гендерного равенства в сфере, активное внедрение передовых информационных технологий в процессы трудоустройства. Создание современной инфраструктуры и конкурентной среды на рынке услуг по содействию занятости, содействие гражданам Республики Узбекистан в трудоустройстве за рубежом, предоставление им правовой и социальной защиты в период их трудовой деятельности вне страны.

Новый Закон «О занятости населения» содержит ряд принципиально новых положений. Главная особенность состоит в том, что новый закон носит характер прямого действия, концентрирует правовые нормы, предусмотренные в 3 законах, 12 Указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан, более чем в 40 нормативных актах, принятых Кабинетом Министров, по вопросам занятости, регулирования рынка труда, организации трудовой миграции. Трудовые отношения – правовое понятие, широко использующееся в странах мира для обозначения отношений между лицом, которое называется наемным работником (трудящимся), и работодателем, для которого работник выполняет работу на определенных условиях в обмен на вознаграждение. Также законом определены основные принципы, направления и инструменты государственной политики в сфере. Отражен понятийный аппарат определений, используемых в практике

обеспечения занятости и регулирования трудовой миграции, в том числе такие, как «рабочее место», «рынок труда», «трудовая миграция», «государственный заказ на создание рабочих мест».

Статья 4 Закона «О занятости населения» гласит: «Занятостью называется деятельность граждан, не запрещенная законодательством, связанная с удовлетворением их личных и общественных потребностей, приносящая им заработок (трудовой доход)… Занятыми считаются несколько категорий граждан, в том числе лица, зарегистрированные в качестве самозанятых» [1].

Отдельными новыми статьями включены вопросы участия частных агентств занятости, использования фондов стимулирования создания рабочих мест, общественных работ, поддержки и развития предпринимательской деятельности, фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель, финансирования программ микрокредитования, поддержки и защиты прав трудовых мигрантов.

Пересмотрены, дополнены и расширены полномочия самого Министерства занятости и трудовых отношений, его структурных подразделений, органов государственной власти на местах, органов самоуправления граждан и других структур в реализации государственной политики обеспечения занятости, разработке и осуществлении программ занятости, в достоверной оценке рынка труда, создания рабочих мест и трудоустройства населения.

В частности, расширен перечень услуг, оказываемых органами по труду безработным и незанятым лицам, пересмотрены и упрощены порядок и условия признания человека безработным, социальные гарантии и компенсации при утере рабочего места, детально изложены порядок учета и регистрации незанятых, лиц, активно ищущих работу и признаваемых в качестве безработных, условия назначения и выплаты пособий по безработице.

В специальной главе отражен весь комплекс вопросов, связанных с такой формой обеспечения занятости, как право граждан на трудовую деятельность за рубежом, в том числе ее порядок, формирование полноценной базы данных трудовых мигрантов, право на их предвыездную подготовку, мониторинг занятости мигрантов за рубежом и их материальную и социальную защиту. Действие настоящего закона распространяется на граждан Узбекистана, иностранных граждан и лиц без гражданства, постоянно проживающих на территории республики, а также иностранных граждан, привлекаемых к трудовой деятельности в Республике Узбекистан.

В законе впервые приведены новые, эффективные и перспективные направления занятости: национальная система развития профессиональных квалификаций и компетенций, единая национальная система труда, включающая электронный учет трудового стажа, трудовых книжек,

трудоустройства. Их внедрение – необходимое условие обеспечения занятости, так как позволяет определять требования при приеме на работу, оценивать, аттестовать, повышать квалификацию работников, а также формировать и получать полноценную информацию о рынке труда, что особенно важно в условиях перехода на цифровую экономику и осуществления мер по регулированию занятости и трудовой миграции.

В процессе разработки законопроекта были изучены отечественная история трудовых отношений по вопросам занятости населения. Анализированы соответствующие зарубежные опыты, в том числе положения ратифицированной Узбекистаном Конвенции МОТ № 122 о политике в области занятости, Глобального пакта о рабочих местах, Резолюции о занятости и социальной защите в новом демографическом контексте, принятой на 102-й сессии Международной конференции труда в 2013 году, а также модельного закона о занятости населения, принятого в 1999 году Межпарламентской ассамблеей государств – участников СНГ. Наряду с этим изучен опыт законодательства о занятости зарубежных стран, включая государства СНГ, европейские и азиатские.

Таким образом, с вступлением нового закона в силу начинается качественно новое развитие национального рынка труда и занятости. То есть внедрение стимулов для повышения качества работников (компетенций), усиление работы по трудоустройству социально уязвимых граждан, материальной поддержки и стимулирования социальной активности безработных, а также создание современной инфраструктуры и институциональной среды на рынке труда.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Закон «О занятости населения» 20 октября 2020 г., № ЗРУ-642. (Национальная база данных законодательства, 20.10.2020 г., № 03/20/642/1396)

2. Инструмент государственной политики. Текст: Александра Зотова. /Правда Востока. 4 ноября 2020 года. № 229 (29459). С. 1-2.

3. Конституция Республики Узбекистан от 8 декабря 1992 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 04.09.2019 г.) С. 9

4. Справедливая глобализация: Роль МОТ. Доклад Генерального директора по работе Всемирной комиссии по социальным аспектам глобализации. Международная конференция труда, 92-я сессия, Женева, 2004 год С. 20.

5. Указ Президента «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» от 17 января 2019 года. № УП-5635.

ЖИЗЗАХЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ж.А.ПАРДАЕВ, таянч докторант ЖДПУ, Жиззах

Аннотация: Мақолада иккинчи жаҳон урушида қатнашган жиззахликларнинг жанг майдонида кўрсатган жасоратлари ва уларга берилган Қаҳрамонлик унвони архив материаллари асосида ўрганилган.

Калит сўзлар: *Иккинчи жаҳон уруши, Қаҳрамон унвони, Эшонқул Исмоилов, Трайнин Пётр Афанасиевич, Губарков Григорий Максимович*.

Аннотация: В статье на основе архивных материалов исследуется мужество и героизм джизакцев, участвовавших во Второй мировой войне, награждённые с медалями Героя.

Ключевые слова: *Великая Отечественная война, звание Героя, Эшанкул Исмаилов, Трайнин Петр Афанасьевич, Губарьков Григорий Максимович.*

Annotation: The article examines the bravery of Jizzakh people who participated in the Second World War on the battlefield and the title of Hero awarded to them based on archival materials.

Keywords: *World War II, Hero title, Eshankul Ismailov, Trainin Pyotr Afanasievich, Gubarkov Grigory Maksimovich.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган эдилар. Натижада Республика тарихчи-олимлари томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Архив материаллари, ўша давр матбуот ҳужжатлари уруш қатнашчиларининг шахсий ҳужжатлари ўрганилди, республикамизнинг барча ҳудудларида далатадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қаҳрамон аждодлар ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерлар жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди [9].

Тарихчи олимлар ва ёш тадқиқотчилар томонидан Жиззах вилоятида ҳам иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилган аждодларимизнинг янги номларини аниқлаш, уларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари архив, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалар ёрдамида ўрганилмоқда. Қуйида ҳозирги Жиззах вилоятида яшаб, урушга сафарбар қилинган ва “Қаҳрамон” унвонига сазовор бўлиб ватанига қайтган қаҳрамонлар ҳақида маълумот берилади.

Эшонқул Исмоилов. Эшонқул Исмоилов 1902 йил 1-мартда ҳозирги Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани Турк қишлоғида туғилган. Эшонқул Исмоилов ўрта мактабни тугатгач, деҳқон хўжалигида меҳнат қилди. 1930 йилда Эшонқул Исмоиловнинг ҳалол ва меҳнатсеварлиги сабабли у жамоа хўжалиги мудири лавозимига сайланди. 1941 йилда бошланган уруш Ғаллаорол оилаларини ҳам четлаб ўтмади. 1942-йил октябрь ойида Эшонқул Исмоилов Қизил армия сафига чақирилди. Эшонқул Исмоилов 1943-йилдан ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб, 1943 йил февралдан Жанубий-Ғарбий 74-гвардия ўқчи дивизиясида, 1943 йил октябрдан 3-Украина фронтида, 1944 йил июлдан 1-Беларуссия фронтларида қаҳрамонларча жанг қилди. Днепр учун бўлган жангларда Березнеговато-Снигирёвская, Одесса, Белоруссияни озод этиш учун бўлган жангларда иштирок этди. [1,Б. 25; 2, Б. 30; 3,Б.16-22; 4,Б. 35. 5,Б. 10-13.] 1-943-йил декабрь ва 1944-йил март ойларида бўлган жангларда яраланган Эшонқул Исмоилов даволангач, яна ўз ҳарбий бўлинмасига қайтиб душманга қарши курашни давом эттирди. Эшонқул Исмоилов Познан шаҳар-қалъасини эгаллашда алоҳида қаҳрамонлик наъмуналарини кўрсатди. У бир гуруҳ аскарлар билан бирга душманга қарши олдинги сафда ҳужумга ўтди. У шахсий наъмуна кўрсатиб, душманнинг пулемёт нуқтасини йўқ қилди. Душман дзотини эгаллаб, қўлга киритган пулемёт ёрдамида 40 га яқин немис аскарларинин йўқ қилди. Эшонқул Исмоилов қаҳрамонлигидан руҳланган батальон ҳужумга ўтди. Белгиланган ҳудуд эгалланди. Ҳудудда жойлашган душманнинг ҳарбий госпитали ва 400 га яқин яродор аскарлар қўлга олинди. Эшонқул Исмоилов Познан учун бўлган кейинги жангларда ҳам қаҳрамонлик кўрсатди. Жумладан Познандаги Локомотив заводи учун бўлган жангда душманнинг ертўлада жойлашган оғир ўқ-отар қуроллари Эшонқул Исмоилов томонидан йўқ қилинди. Познан учун бўлган жангларда Эшонқул Исмоилов 20 дан ортиқ душман аскарларини йўқ қилди. 1945 йил 29 январда Эшонқул Исмоилов жангларда оғир яраланди. Лекин жанг майдонини ташлаб кетмади ва душманга қарши жангларни давом эттирди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945-йил 24-майдаги қарорига биноан Эшонқул Исмоилов немис босқинчидарига қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ва унга топширилган ҳарбий топшириқларни намунали адо этганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони (№ 8074) ва “Олтин Юлдуз” (№61010) медали билан тақдирланди. 1945 йил Эшонқул Исмоилов урушдан сўнг туғилиб ўсган қишлоғига қайтди. Урушдан кейинги мамлакат иқтисодиётини тиклаш даврида турли лавозимларда меҳнат қилди. Эшонқул Исмоилов 1990 йил 20 июнда 88 ёшида вафот этди. Эшонқул Исмоиловнинг номини абадийлаштириш мақсадида Ғаллаорол туманидаги мактаб ва кўчага унинг номи берилган.

Губарков Григорий Максимович. 1926 йилда Шимолий Қозоғистон вилоятида туғилган. Григорий оиласи 1930 йилда Жиззах шаҳрига кўчиб келди. Жиззах шаҳридаги ўрта мактабнинг 7-синфини

тугатгач 2-Жиззах машина-трактор станциясида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. [1,Б. 35; 2, Б. 40; 3,Б.16-22; 4,Б. 60.]. Губарков Григорий Максимович 1943 йил ноябрь ойида Қизил армия сафига чақирилади. У 1944 йил июлдан 1-Белоруссия фронтида 15-мотоўқчилар бригадаси таркибида Люблин-Брест операциясида қатнашди. 1945 йил январда Варшава-Познан жангларида қатнашиб, душманнинг Магнушевский кўпригидан келаётган 2-танк армияси таркибидаги Варшава гуруҳини йўқ қилишда қатнашди. Сўнгра Иноврацлов (Польша) шаҳрини қилиш жангларида қатнашди. 1945 йил 21 январда Иноврацлов шаҳрини озод қилишда Губарков Г.М. душман позициясигасига биринчилардан бўлиб, бостириб кирди ва бир нечта душманни ер тишлатди. Жангда яралар бўлсада ҳам, жанг майдонини ташлаб кетмади. Пулемётдан ўт очиб, душманнинг учта ўқ отиш нуқтасини йўқ қилди ва 25 нафар душман аскари ҳамда зобитини, 1 нафар немис полковнигини йўқ қилди. Губарков Г.М. кўрсатган жасорати жангнинг муваффақиятли якунини таъминлади. СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1945 йил 27 февралдаги фармонига биноан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Ҳарбий госпиталда даволанган Губарков Г.М. соғайгач яна фронтга қайтди. Урушни Берлинда тугатгач 1951 йилгача армияда хизматни давом эттирди. 1951 йилда Жиззах шаҳрига қайтиб, жамоа ва давлат хўжаликларида ишлади. 2008 йилда 82 ёшида вафот этди.

Трайнин Пётр Афанасевич. 1909 йил 18 июнда туғилган. Трайнин П.А. ҳоизрги Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ғаллачилик хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. У 1941 йил урушнинг бошиданоқ армияга чақирилади. Урушда машҳур Т-34 танк ҳайдовчиси бўлган. Трайнин П.А. 1943 йил 3 октябрда Киев вилояти, Страхолесе қишлоғи учун бўлган жангларда душманнинг учта танки, тўртта минамёт, бешта душманнинг ўқ отиш отиш нуқтасини йўқ қилди. 5 октябрга ўтар кечаси бўлган шиддатли жангдаэкипаж аъзоларидан барчаси ҳалок бўлди. Лекин Трайнин П.А. якка ўзи душманга қарши ўт очишни давом эттирди. [1,Б. 17; 2, Б. 65; 3,Б.18; 4,Б. 38.]. СССР Олий Кенгаш Президиумининг 1943 йил 17 октябрдаги фармони билан днепр дарёсини муваффақиятли кесиб ўтганлиги ва Днепрнинг Ғарбий қирғоғида мустаҳкам платсдарм ташкил этганлиги ҳамда кўрсатган жасорати учун Трайнин Пётр Афанасевич Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билна тақдирланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Герои Советского союза. Краткий биографический словарь. 2 том. Военное издательство. М; 1998
2. Герои Советского союза узбекистанцы. «Узбекистан». Т; 1984.
3. Степанова А. Память сердца. К 95-летию со дня рождения герои советского союза Н.С.Павлова. М; 2017. Ст. 16, 22.
4. Имена и подвиги. (Справочник). Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии. Т; 1990
5. Ҳайдаров Ҳ., Жиззах тарихи. Т; “O’QITUVCHI”, 2009.

O'ZBEKISTON SSR DA XALQ TA'LIMI TIZIMI (1917-1930 YILLARDA)

R.M. QODIROVA, o`qituvchi, Farg’ona davlat universiteti

Annotatsiya: Maqolada bugungi kunda tarix fanida qarama-qarshiliklarga to’la bo’lgan 1917-1930-yillarda yillarda respublikamizda xalq ta’limi tizimini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlari, o’sha murakkab davrda milliy ta’lim tizimidagi islohotlarni har tomonlama tahlil etish,O’zbekiston SSR maktablarida olib borilgan o’quv mashg’ulotlari, darslarni olib borishdagi tavsiyalar va kamchiliklar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so’zlar:*Milliy hududiy chegaralanish, SSSR Xalq Komissarlari Kengashi, NKP,Turkiston ASSR*

Аннотация: В статье содержится комплексный анализ процессов становления и развития системы народного образования в нашей республике в 1917-1930 годах, полных противоречий современной истории, реформ в системе народного образования в тот сложный период, узбекской мысли. были сделаны воспитательные мероприятия, проводимые в школах ССР, рекомендации и недостатки в проведении уроков.

Ключевые слова: *Национально-территориальное размежевание, Совнарком СССР, НКП, Туркестанская АССР****.***

Annotation: The article contains a comprehensive analysis of the processes of formation and development of the system of public education in our republic in 1917-1930, full of contradictions in modern history, reforms in the system of public education in that difficult period, Uzbek thought. educational activities were carried out in SSR schools, recommendations and repetitions in a number of lessons.

Keywords: *National-territorial demarcation, Council of People's Commissars of the USSR, People's Commissariat of the Soviet Union, Turkestan ASSR.*

O‘zbekistonning davlat mustaqilligiga erishishidemokratik va insonparvar jamiyat barpo etishga hamdafuqarolarning haq-huquqlarini muhofaza qilishga keng yo‘lochib berdi. Istiqlol sharofati bilan o‘zbek xalqining o‘tmishtarixi, boy ma’naviy qadriyatlari va qadimiy madaniyatitiklana boshlandi. Chunki respublikada modernizatsiya vaislohotlar jarayonlari tobora shakllanib borayotgan bugungikunda o‘zbek milliy madaniyatining tarkibiy qismi bo‘lganan’anaviy maktab va madrasalar tarixi hamda ularningfaoliyatini tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etadi. Ana shujihatdan olib qaraganda, O‘zbekiston RespublikasiPrezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2018-yil 28-dekabrdagi OliyMajlisga Murojaatnomasida: “Ma’rifat insonni kamolga,jamiyatni taraqqiyotga yetaklaydi” degan fikrlari ta’limsohasini yanada takomillashtirish va

isloh qilishda yetakchio‘rinda turadi.[2:b-3].

Bugungi kunda tarix fanida qarama-qarshiliklarga to’la bo’lgan 20-30 yillarda respublikamizda xalq ta’limi tizimini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlari, o’sha murakkab davrda milliy ta’lim tizimidagi islohotlarni har tomonlama tahlil etish zarur.Bu muhim ahamiyat kasb etuvchi mavzuni o’rganish O’zbekiston tarixi fanidagi o’ziga hos bo’shliqni to’ldirishga yordam beradi. Yangi O’zbekistonda zamonaviy ta’lim tizimini yaratish borasidagi sa’y-harakatlarda milliy maorif tizimi va tarix ta’lim tizimi tarixini o’rganish vatadqiq etish muhim ahamiyatga molik masala hisoblanadi.[6:b-529]

1917 yilgacha O'zbekiston aholisining madaniy rivojlanishi shoh, amir va xonlarning siyosati tufayli sun'iy ravishda kechiktirildi. Turkistondagi chor hukumati - mahalliy aholining ona tilidagi umumta'lim maktablarining paydo bo'lishiga har qanday yo'l bilan to'sqinlik qildi. Rus-tuzem maktabi boshlang'ich arifmetika va rus so'zlashuv tilini maktab yoshidagi o'zbek bolalarining, mol-mulkdan kelib chiqqan holda, atigi 2-3% foizini o`qitishdi. Chorizm o'zbek dehqonlari va hunarmandlarining farzandlari masjidlardagi o'rta asrlardagi "maktablar"da arab ibodatlarini foydasiz yodlash bilan o'tirishiga to'sqinlik qilmadi. Maktabgacha tarbiya, bolalar uylari, kattalarning ta'limi, klublar, kutubxonalar haqida o'zbek aholisining ko`pchiligi hech qanday tasavvurga ega emas edi. Shaharlarda joylashgan ushbu turdagi yagona muassasalarda, shuningdek, juda kam uchraydigan o'rta maktablarda rus aholisining cheklangan guruhlari xizmat qilgan. Kasb-hunar ta'limi muassasalari (boshlang`ich va o'rta) ham kam deb hisoblangan va ularning talabalari (asosan yevropaliklar) bir necha o'nlarcha kishilar bo'lgan. Markaziy Osiyoda bitta ham oliy o'quv yurti yo'q edi. Katta Turkiston o'lkasining yarim asrlik muzeylariga kam odam tashrif buyurgan.

O'zbekistonning G'arbiy qismida 1920-yilgacha, Buxoro amiri va Xiva xoni hukmronlik qilganida, madaniyati o'rta asr shakllarida muzlatilgan.

Oktyabr inqilobi O`rta Osiyo xalqiga o'z ona tilida ta'lim olish imkonini berdi. Turkiston ASSR / 1917-1924 / da turli madaniy muassasalarni keng rivojlantirishga birinchi bag`ayrat qadamlar qo'yildi. O'zbeklar, qozoqlar, turkmanlar, tojiklar, qirg'izlarning farzandlari birinchi marta ona tilida umumiy maktabga ega bo'lishdi, kattalar aholisining savodsizligini yo'q qilish boshlandi, ular orasida 97 foizi o`qishni umuman bilmagan.[1:b-1]. Bolalar bog'chalari, bolalar uylari, klublar, kutubxonalar ochila boshlandi; yangi bilimga och mehmon muzeylarga kirib keldi. Bir qator kasb-hunar ta'limi muassasalari /qishloq xo'jaligi, texnika, tibbiyot / va boshqa muassasalar tashkil etildi. Shaxsan Lenin 1920-yilda Toshkentda O'rta Osiyoning barcha oliy o'quv yurtlarining asosiy tomiri bo'lgan Turkiston davlat universitetini tashkil etish to'g'risidagi farmonga imzo chekdi. Bularning barchasi sovet hukumati tomonidan fuqarolar urushining qiyin sharoitlarida va uning oqibatlarida amalga oshirildi.

Turkiston ASSRning muhim yutug'i - qisqa muddatli kurslarda va milliy ta'lim institutlarida, ivpros va pedtexnikumlarda mahalliy asosiy millatlardan o'qituvchilarni tizimli tayyorlashni tashkil etish. Pedagogika texnikumlariga eng

yaxshi o'qituvchilar jalb qilindi, ushbu o'quv muassasalariga eng yaxshi maktab binolari va jihozlari berildi. Mahalliy tillarda darsliklarni muntazam nashr etishning boshlanishi ham muhim ahamiyatga ega. Turkiston ASSR hududida eskirgan o'rta asr maktablarini tugatish choralari ko'rildi. Ulardan eng yaxshi o'qituvchilar malaka oshirish kurslariga jalb qilingan va sovet maktablarida ishlatilgan. Butun sovet xalq ta'limi tizimining asosi-bu maktab. Oktyabr inqilobidan keyingi dastlabki 7 yil ichida O'zbekiston hududida maktablar va o'quvchilar soni inqilobdan oldingi davrga nisbatan qariyb besh baravar ko'paydi, maktablar soni 98 taga yetdi, o'quvchilar soni 75 mingga ko'tarildi.[3:b-259]. Maktab ishi va xalq ta'limi boshqa tarmoqlarining rivojlanishi Buxoro va Xorazm xalq respublikalari hududida ancha orqada qoldi, u yerda faqat 1920-yilda o'rta asr va amir va xon tartiblari yo'q qilindi.[1:b-1]. Turkiston ASSRda madaniy qurilish ko'p millatli tarkibi bilan murakkablashdi. O'zbeklar, O'rta Osiyoning boshqa xalqlari singari, uchta davlat tuzilmasi: Turkiston ASSR, Buxoro va Xorazm xalq respublikalari hududida yashab, ajralib qoldilar. Bu yagona o'zbek adabiy tilini (imlo islohoti, ilmiy terminologiyani ishlab chiqish), pedagog kadrlar tayyorlashni, darsliklarni nashr etishni sekinlashtirdi. 1924-yil oxirida Markaziy Osiyoning milliy-hududiy chegaralanishiO`zbekiston SSR va Markaziy Osiyoning boshqa sovet respublikalarida milliy madaniyatlarning rivojlanishiga kuchli turtki bo'ldi. Yosh O`zbekiston SSRda maktab tarmog'i tez o'sdi. Maktablar uzoq qishloqlarda va shaharlarning chekkasida ochilgan. Dastlabki yillarda orqada qolgan uchastkalarni tortib olishga (yuqori darajaga ko`tarishga) alohida e'tibor qaratildi: qishloqlarda va g'arbiy viloyatlarda yangi sovet maktablarining ochilishi (o'rta asr tipidagi eski maktablari yo'q qilindi); qizlarni maktablarga jalb qilish (uch-to'rt yildan keyin maktablarda qizlar soni o'g'il bolalar soniga tenglashdi). O'zbek tilidagi o`rta maktablar nafaqat shaharlarda o'sib bora boshladi, balki qishloqda ham.[1:b-2]. Stalinning besh yillik rejasi maktab tarmog'ining rivojlanishida katta tashkiliy omil bo'ldi. 1930-31 o'quv yilidan boshlab O'zbekistonda, butun sovet Ittifoqida bo'lgani kabi, universal ta'limni tizimli ravishda amalga oshirish boshlandi. Bu yil bir vaqtning o'zida boshlang'ich maktablarda o`quvchilar soni ikki baravar ko'paydi. Ikkinchi va uchinchi besh yillik rejalar o'rta ta'limning kuchli o'sishi davri bo'ldi. 3-besh yillik rejaning oxiriga kelib, yetti yillik va o'n yillik maktablar jami maktablarning yarmidan ko'pini tashkil etdi.[3:b-259]

Bugungi kunda tarix fanida qarama-qarshiliklarga to’la bo’lgan 1917-1930-yillarda yillarda respublikamizda xalq ta’limi tizimini shakllantirish va rivojlantirish jarayonlari, o’sha murakkab davrda milliy ta’lim tizimidagi islohotlarni har tomonlama tahlil etish,O’zbekiston SSR maktablarida olib borilgan o’quv mashg’ulotlari, darslarni olib borishdagi tavsiyalar va kamchiliklar haqida fikr yuritib, o’sha davrdagi xalq ta’limi tizimi haqida neytral qarashlar asosida yoritib berish zarur.Bu muhim ahamiyat kasb etuvchi mavzuni o’rganish O’zbekiston tarixi fanidagi o’ziga hos bo’shliqni to’ldirishga yordam beradi.

IQTIBOSLAR/СНОСКИ/REFERENCES

1.O’zMA R.94-fond; 5-ro’yxat; 3a-ish

2. KomilovO.Ўзбекистон миллий таълими трансформацияси тарихидан (xx асрнинг 20 - йиллари) – Тошкент, 2019

3.Бущик Л.П. Очерк развития школьного исторического образования в СССР. – Москва, 1961.

4.Kadirova R.M. The beginning of the process of national limitation and sovietism in the public education system in Turkestan//Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. Vol. 12, Issue 04, April 2022 –P.428

5.Kadirova R.M. Bolshevik policy in public education: the national education system and the implementation of the soviet model in education // Asian Journal of Multidimensional Research. Vol 10, Issue 10, October, 2021. – P .529

6. Xalq ta’limi tizimidagi bolshevistik siyosat: milliy maorif tizimi va ta’limda sovet modelini tatbiq qilinishi//O’tmishga nazar.2021.-3-maxsus son; B-522

МУНДАРИЖА:

I ШУЪБА: ЕВРООСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ, ЎРТА АСРЛАР, ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВРИДАГИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ
Кириш сўзи.....4
А.А.Аскаров, Н.А.Аванесова. Сапаллинская культура в системе Евразийских древностей: контакты и культурные взаимодействия 6
А. С. Зуев. Политика Российского государства в отношении народов Сибири в конце XVI – начале XVIII в……...12
О.П. Кобзева, Н. А. Ваисова. Межкультурные коммуникации Согдийцев с Китаем в древности и средневековье ……16
С.И.Филиппов. Взаимодействие с национальными элитами как стратегия управления Российской империей и СССР ……..21
Ф.А.Ахмедшина. Укрепление культурно-гуманитарных связей Узбекистана и Китая в рамках ШОС ……....25
А.Т. Акматалиев, Д.Б. Уринбоев. Проблема культурных и нравственных отношений народов Центральной Азии 31
Н.А.Кузиев. Возобновление интереса к Великому шелковому пути …...36
Ф.Х. Ахмуродов. Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё давлатлари билан терроризм ва экстремизмга қарши курашишдаги ўзаро ҳамкорлиги (1991-2021 йиллар).....38
Р. Холмуродов, Д. Холмуродов. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида 43
Н.И. Каримова. Изучение истории торговли специй и пряностей на Великом шёлковом пути: историография и методологические подходы…47
У.К. Мамарасулов. Дипломатические и торговые отношения Бухарского ханства с русским государством в XVI-XVII вв. ……51
Ж.О.Саидов, Л.С.Бурхонов. Уструшона тарихида Буюк ипак йўлининг тутган ўрни хусусида.....56
З.А.Камалова. Культурная сфера в рамках ШОС на перспективной основе……59
Н.А.Дониёров. Уструшонанинг транзит савдо йўллари ҳақида (Нурота тоғи мисолида)……..62
М.Ҳ. Саъдуллаева. Россия империяси ва Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларига доир……66
Қ.Абдушукуров. Евроосиё маданий алоқалари тизимида Ўрта Осиё тарихий географик ҳудудларининг тутган ўрни ҳусусида мулоҳазалар.....70
Д.В. Алиназарова. Вопросы источниковедения в изучении истории печати Ферганской долины……73
И. Х. Райимжонов. Қадимиги Фарғона (Давон) шаҳарларининг Буюк ипак йўли фаолиятида тутган ўрни ……78

II ШУЪБА: ТАРИХНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Б.Х.Матбобоев. Фарғона водийсида ҳарбий қурол-аслаҳалар тарихига доир (милоддан аввалги VII – милоднинг VIII асрлари).....81

М.Хасанов. Бахмалсойдан топилган бронза даври топилмалари.....89

Б.Ж. Эшов. Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарсозлик тарихидан (Фарғона водийси мисолида).....95

М.Ҳ. Пардаев. Қалиятепа - қадимги Жиззах воҳасининг йирик шаҳар маркази.....104

Б.С. Ғойибов. Суғдий тилдаги иқтисодий ҳаётга оид атамалар.....112

Г.А. Агзамова. Бухоро хонлиги ҳунармандчилик тарихини ўрганишда расмий ҳужжатларнинг ўрни 117

Ф.Э. Тошбоев. Чаёнли мозорқўрғонидаги от билан боғлиқ дафн маросимлари ҳақида 123

А.М. Омонов. Туркманистоннинг илк палеолит даври ёдгорликлари: тош индустрияларнинг техник- типологик хусусиятлари ва маданий хослиги.....128

Ҳ.Эгамберганов. Калтаминор ва унга қўшни ҳудудлар неолит жамоаларининг маданиятлари 131

Х.Б. Хошимов, А.Ю. Ражабов. Оёқоғитма-2 неолит даврининг янги макони.....136

О.Р.Назаров, С.Холиқов. Хоразм воҳасининг ўтмишида Калтаминор маданиятининг тутган ўрни.....139

З.Н.Холматова. Неолит жамоалари маданий алоқаларида сопол ҳунармандчилигининг ўрни масаласи (Калтаминор сопол идишлари мисолида).....143

О. А.Абдиғаппаров. Ўзбекистон тош даври жамоаларининг маданий алоқалари ҳақида.....148

Н.А.Халилов. Изучения история палеолита среднего Зарафшанского оазиса.....152

Д.Р. Нормуродов, **А.К. Константин.** Чорвоқ сув омбори ҳудудидан топилган Қовунчи маданиятига оид қабр хусусида.....157

Б.И.Исабеков. Оҳангарон дарёси юқори оқимидаги қадимий мозор-қўрғонлар.....160

Б.Болиев. Марказий Осиё шишасозлиги ва қоплама безак сир ҳақидаги ёзма манбалар.....166

С.Б. Маматалиева. Ўзбекистон археологиясида шиша ва шиша мунчоқларнинг ўрганидиши.....171

И.С. Жолдасов, М.Қ. Эшқувватова. Илк ўрта асрларда Чоч 175

Ф.Б.Камолиддинов. Қадимги Хитой манбаларида Марказий Осиё ёритилиши.....177

Б.Б.Тугалов. Қадимги Уструшона ҳудудидаги қабр иншоатлари 181

Г. Самадқулова. Қоятош суратлари хайвонот олами тарихиниёритувчи манба сифатида.....185
А.Н.Сандибоев. Ёркат рустоқининг тарихий топографияси хусусида...190
Р. Неъматов. Илк ўрта асрлар Хоразм воҳаси танга пул тизими ҳақида.....193
Б.П. Садуллаев. Г.П. Снесарев тадқиқотларида чап қирғоқ Кат-қалъа тарихига доир этнографик маълумотлар.....196
А.Ҳ. Пардаев. Евроосиё Лўлилар тарихидан.....202
Ф.Ш. Ақчаев. Жиззах воҳаси аҳолисининг этник таркиби хусусида.....207
Х. С. Жуманазаров. **Ў**збеклар дунёқарашида табиблар таснифи.....215
Р.Р. Нуркулова. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фронт ортидаги жасорати.....221
А. Болтаев. Туркистонда пахтачиликнинг ривожлантириш сиёсатининг Россия тарихшунослигида ўрни.....225
Ҳ.Э. Норқўчқаров. Туркистонлик истиқлолчилик кураши вакиллари (қўрбошилар) нинг Афғонистондаги мухожирлиги ҳақида (XX аср 20-30 йиллари).....231
Г.И.Мўминова. Кулоллик идишлари Уструшона тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида.....249
Қ.Алманов. Жиззах воҳаси аҳолисининг бола туғилиши билан боғлиқ маросимлари ҳақида.....253
С.Б.Абдуқодиров. Жиззах воҳаси гиламдўзлигида нақшларнинг рамзий маънолари ва семантик таҳлили 261
Л.Н. Мухаммадиева. Туркистон ўлкасида дастлабки ҳарбий-даврий нашрларнинг пайдо бўлиши ва фаолияти 269
О.Ҳ. Жайнаров. Туркистон Республикаси адлия органлари манбашунослигига доир (1918–1924 йиллар).....272
А.А.Назаров. Афросиёбда қорахонийлар даври металлургия равнақи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....276
И.Хидиров. Суғд воҳасидаги сиёсий тарих масалалар.....281
Д.З. Олимжонов. “Бобурнома” асарини ўрганилиш тарихшунослиги...286
Б.Н.Мирзаев, Ж.Б.Умаров Абдуллахон Иккинчи фаолияти ҳусусида баъзи мулоҳазалар.....289
А.Х. Валиев. Совершенствование правовых основ занятости населения в обновленном Узбекистане.....293
Ж.А.Пардаев. Жиззахлик иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари.....298
Р.М.Қодирова. Ўзбекистон ССР да халқ таълими тизими (1917-1930 йилларда) 301

“ЕВРООСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ МЕРОСИ: ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, МУАММО ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ”

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ **«КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ НАРОДОВ ЕВРАЗИИ: СОВРЕМЕННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, ПРОБЛЕМЫ И МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ»**

INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
“ON THE TOPIC CULTURAL HERITAGE OF EURASIAN PEOPLES: MODERN RESEARCH, PROBLEMS AND LEARNING METHODS”

Муҳаррир: **М.Жўрабоев**
Техник муҳаррир: **С.Нормуҳаммедов**
Таржимон: **Н.А.Дониёров**
Мусаҳҳиҳа: **Г.Кодирова**
Саҳифаловчи: **Ж.Муртозоев**

Гувоҳнома №_____, 20.04.2020 й.
Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 20.10.2022.
Формат 70x108 1/16. Гарнитура «Times New Roman».
Босма табоқ 22.0 Адади 50 нусха. Буюртма №_____.

«Жиззах ДПИ Таҳририй-нашриёт бўлими».
130002, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4.
Тел./факс: (+99872) 226–02–93

www.jspu.uz

ДЖИЗАК, УЗБЕКИСТАН
20 октябрь 2022

www.jdpu.uz